

ШУХРАТ ЭРГАШЕВ
ТУЛКИН БОБОМАТОВ



АСРЕ

ТАҚДИРЛАРДА
АКС ЭТГАН
ТАРИХ

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2015

УЎК: 94(575.1)
КБК 63.3 (5Ў) 64
Э 74

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:
тарих фанлари доктори, профессор Раҳмон Фармонов

Т а қ р и з ч и л а р:
*тарих фанлари доктори Қ. Ражабов,
тарих фанлари номзоди Ш. Раҳматуллаев*

Эргашев, Шухрат

Э 74 XX аср: тақдирларда акс этган тарих / Ш. Эргашев,
Т. Бобоматов; масъул муҳаррир: Раҳмон Фармонов. — Тошкент:
«O'zbekiston», 2015. — 488 б.

ISBN 978-9943-01-898-3

Китобда XX аср тарихи унинг машҳур кишилари тақдирида қандай акс этганлиги, шунингдек, уларнинг фаолияти XX аср тақдирига қандай таъсир кўрсатганлиги объектив, холисона ёритишга ҳаракат қилинган.

Китоб оламшумул воқеаларга дахлдор бўлган сиёсат ва жамоат арбобларининг фаолиятига бағишланганлиги туфайли XX асрнинг энг долзарб муаммоларини, машҳур ва қизиқарли тарихий воқеаларини қамраб олган. Умумжаҳон миқёсидаги воқеаларга дахлдор бўлган кўплаб мамлакатларнинг, жумладан Ўзбекистоннинг ҳам баъзи давлат арбобларини, уларнинг ҳаёти, фаолияти, сиёсий қарашлари ва инсоний хислатларини ёритишга эътибор қаратилган.

УЎК: 94(575.1)
КБК 63.3 (5Ў) 64

Илмий-оммабоп нашр

Шухрат ЭРГАШЕВ, Тўлқин БОБОМАТОВ
XX АСР: ТАҚДИРЛАРДА АКС ЭТГАН ТАРИХ

Қайта ишланган 3-нашри

Муҳаррир *И. Аҳмедов*, Бадий муҳаррир *Ҳ. Қутлуқов*, Рассом *В. Валиев*,
Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*, Кичик муҳаррир *Д. Холматова*,
Мусахҳиҳ *С. Салохутдинова*, Компьютерда тайёрловчи *Ф. Чанишева*

Нашриёт лицензияси АИ №158, 14.08.09. Босишга 2015 йил 17 августда руҳсат этилди. Офсет қоғози. Бичими 70X90¹/₁₆. Pragmatic UZ гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли босма табоғи 35,69. Нашр табоғи 34,56. Адади 3000 нусха. Буюртма №15-632

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston» нашриёт-матбаа
ижодий уйи. 100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20 Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

© Ш. Эргашев, Т. Бобоматов, 2013, 2015

© «O'zbekiston» НМИУ, 2013, 2015

К И Р И Ш

Тарих — бу вақт деб аталмиш чексиз ўлчамда тўхтовсиз давом этадиган жараён. Унинг иштирокчилари — халқлар, миллатлар, синфлар, давлатлар ва цивилизациялар. Аммо ушбу барча тушунчаларнинг асосини инсон ташкил қилганлиги сабабли мантиқий савол туғилади: инсоннинг, конкрет шахснинг тарихдаги ўрни нима билан белгиланади? Узоқ ва яқин ўтмишдаги машҳур шахслар фаолиятини баҳолашнинг умумий меъзони мавжудми?

Бу саволлар аслида дунёнинг ўзи каби кўҳна, жавоб ҳам дунё каби мураккаб. Чунки ҳар бир авлод бу саволга ўзининг жавобини беради, ҳар бир авлод ўтмишдан ўзига маънавий мадад излайди, хатоларни такрорламаслик учун уларни таҳлил қилади, келажакдан эса ўз қарашларига мос янгиликлар кутади, шунга интилиб яшайди. Биз ҳам ушбу саволлар устида мулоҳаза қилиб кўрайлик. Зеро, бизга омад қулиб боқди. Биз Ўзбекистон мустақилликка эришган, халқимиз улуғ бир ният билан янги жамият сари интилаётган, уни қураётган замонда, айти пайтда Ўзбекистон ва бутун дунё тарихида ўтиш даври бўлган, ҳар бир халқ, ҳар бир киши ҳаётидаги ўзгаришлар мароми қатъий тезлашган бир пайтда яшайпмиз. Бизнинг давримиз ҳар бир халқ, ҳар бир инсон учун буюк танлаш даври, тарихни, қадриятларни, тарихий меросни қайта баҳолаш даври, мураккаб давр.

Одатда, кескин ўзгаришлар даврида маънавий мерос қайта баҳоланади: илмий фаразлар ўзгаради, маданий ва ахлоқий қадриятлар янгиланади, эски, сохта ғоялар инқирозга юз тутаяди, янгилари шаклланади, тарихий онгда, ўзликни англаш жараёнида инқилобий ўзгаришлар юз беради. Бу мураккаб, баъзан уқубатли, узоқ давом этадиган жараён дур. У фикрлашнинг, хулқ-атворнинг одатдаги қолиплари бузилиши, кўплаб муқобил қарашларнинг пайдо бўлиши, воқеалар ва шахсларга берилган баҳоларнинг қайта кўриб чиқиши билан боғлиқ жараён, мураккаб жараён.

Тарихда юз миллионлаб одамлар «халқ» деган умумий ном билан, улар фаолияти эса «давр», «замон» деган умумий тушунчалар билан юритилди. Улар фақат ана шу умумий номлар билангина тарихий тараққиётга таъсир кўрсатиши мумкин, улар ана шу умумий ном билангина тарихда сақланиб қоладилар. Лекин шундай шахслар бўладики, улар ўзининг алоҳида номи билан тарихий тараққиётга таъсир ўтказди, тарихий тараққиётнинг йўналишини ўзгартира олади, баъзан ҳатто бутун давр унинг номи билан аталади (масалан, Амир Темур даври, Наполеон даври). Бундай шахслар олдига қўйган мақсади ва фаолиятининг натижасига қараб тарихдан ўз ўрнини эгаллайдилар.

Биз яқин ўтмишимиз, эндигина тарихга айланган XX аср, иштирокчиларининг кўпчилиги ҳали фаолият юритаётган воқеалар, даврни ўзгартиришга, унга ўз ҳукмини ўтказишга уринган, баъзан ҳатто бунга эришган шахслар ҳақида ёзишга ҳаракат қилдик. Улар ўй-хаёллари, орзу-умидлари, интилишлари, қилган ишлари ва тарихда қолдирган номларига кўра турлича. Уларни битта ҳолат бирлаштириб туради: барчаси XX аср кишилари.

XX аср ўздан олдин ўтган барча асрлардан ўзининг одими, воқеалар ривожининг шиддати билан фарқ қилади. Бу асрда кишилиқ жамиятини қайта қуришнинг шунчалар кўп, шунчалар турли-туман ва зиддиятли ғоялари пайдо бўлдики, уларни амалга ошириш учун қилинган ҳаракатлар айрим халқларни тараққиётнинг юқори чўққисига, озод ва обод ватанни бунёд этишга, эркин ва фаровон ҳаётга олиб келган бўлса, баъзи халқлар тақдирида машғум роль ўйнади, улар тараққиётини ортга суриб ташлади, миллионлаб кишиларни ҳалок қилган инқилоблар, фуқаролар урушлари ва иккита жаҳон урушига сабаб бўлди, инсоният цивилизациясини жар ёқасига олиб келди. Мураккаб аср.

XX асрда ўзининг жамиятни қайта қуриш режаси билан чиққан ёки унда иштирок этган, фаолиятининг қайсидир жиҳати билан оламшумул воқеаларга дахлдор бўлган шахслар ҳақида ёздик. Уларнинг бир қисми ўзлари эришган ҳокимиятдан халқ эрки, тинчлиги ва фаровонлиги йўлида фойдаланган бўлсалар, бошқа бирлари ўзларининг «миллий» ёки «синфий» манфаатларга асосланган беъмани ғояларини амалга ошириш йўлида миллионлаб одамларни беҳуда қурбон қилдилар, минг йиллар давомида шакланган анъана ва удумлар, маданиятларни, кишилиқ цивилизациясининг ўзини бузиб ташлашга уриндилар.

XX асрда дунёнинг жуда катта қисмида инсоннинг эрки, озодлиги ва шаънининг дахлсизлиги ғояси тантана қилди, унинг ташаббускорлиги ва

тадбиркорлиги учун кенг йўл очилиб, одамлар ўз меҳнати билан муносиб ҳаётни таъминлашга эришдилар. Бу халқлар бутун XX аср давомида демократик жамият қурдилар, шунга интилдилар. Улар қурган жамият балки мукамал эмасдир, лекин бўлиб ўтган иккита жаҳон урушида, кейинги «совуқ уруш» йилларида ва аср охирида юз берган бўҳронларда демократик жамият ўзининг яшовчанлигини намойиш этди.

Айни пайтда дунёнинг бошқа бир қисмида мавҳум ғояларни амалга ошириш учун бир неча авлоднинг умри сарфланди, бироқ ваъда қилинган тўкинлик борган сари узоқлашиб борди, жамият таназзулга юз тутди. Бу мамлакатларда ҳокимиятга келишнинг легитимистик асослари бузилди, турли хил йўллар билан ҳокимиятга келган шахслар ўз тасаввурларига биноан жамиятни қайта қурмоқчи бўлдилар, шахсий ҳокимиятларини чексиз мустаҳкамлашга интилдилар, натижада тоталитар тузумлар барпо қилинди.

Буюк француз ёзувчиси Стендаль: «...Ёки ўта қизиқарсиз нарсалар ҳақида, ёки жуда қизиқарли воқеалар ҳақида ўқувчиларни бирдай қониқтирадиган қилиб ёзиш анча мушкул иш», — деб ёзган эди¹. Худди шунингдек, китобда келтирилган шахсларнинг кўпчилиги аллақачон ўз баҳосини олган, тарихдан ўз ўрнини эгаллаган. Баъзилари эса ҳали узоқ таҳлил қилинади ва ўзининг арзигулик баҳосини албатта олади. Чунки тарихда истиснолар бўлмайди.

¹ Стендаль. Собр. соч. в пятнадцати томах. Т. 11. — М., 1959, 5-бет.



АДЕНАУЭР, КОНРАД (ADENAUER)
(05.01.1876, Кёльн — 19.04.1967, Бад-Хоннеф, ГФР) —
Германиянинг давлат ва сиёсат арбоби

ГФР нинг 1949 — 1963 йиллардаги федераль канцлери. Конрад Аденауэр шаҳар судининг котиби оиласида дунёга келган. 1894 йил 5 мартда Конрад Кёльндаги Авлиё ҳаворийлар¹ гимназиясини битирган, кейин эса Фрайбург, Мюнхен ва Бонн университетларининг юридик факультетларида таълим олган (1894 — 1897). Давлат имтиҳонларини топширганидан кейин у Кёльн шаҳар прокуратурасида, сўнгра адвокат Каузенинг идорасида (1903 — 1905) ишлаган.

Конрад Аденауэрнинг сиёсий фаолияти муваффақиятли бошланди. 1906 йилда у Кёльн бургомистрининг ўнинчи ёрдамчиси бўлди ва муниципал солиқлар ҳамда бошқа йиғимлар хизматини бошқарди (1910), Кёльннинг бургомистри (1917) бўлди. Кайзер Вильгельм II унга обер-бургомистр унвонини тақдим этди. Муниципал маслаҳатчилар уни танлаб адашмаган эдилар: Кёльн тез ривожланаётган Рейннинг йирик саноат марказига айланди. Айнан ўша пайтларда ўзининг марҳума турмуш ўртоғини эслаб К. Аденауэр шундай деб ёзган эди: «Мен ўзимнинг Эммамни жуда ҳам соғиндим, менга у етишмаяпти. Ёшлик йилларимда мен катта мавқе ҳақида бутун борлигим билан орзу қилардим. Ҳозир мен ҳурматли одамман, аммо, э худо, мен қанчалар ёлғизман...». Лекин ёлғизлик узоқ чўзилмади. 1919 йили К. Аденауэр таниш врач Аугустин Цинссернинг ўзидан 20 ёш кичик бўлган қизига уйланди. Яна икки ўғил ва икки қиз туғилди. Улар биринчи хотинидан қолган болалар билан биргаликда тарбияландилар. Оила бошлиғи кўп вақтини фарзандларига бағишларди. Оилада ўзаро ҳурмат ва аҳиллик ҳукмрон эди. К. Аденауэрнинг Кёльн шаҳри бургомистри лавозимини эгаллаб турган дастлабки йиллари Германиянинг Биринчи жаҳон урушида мағлубиятга учраши ва шармандали Версаль шартномаси тузилиши даврига тўғри келди. У бир неча марта нима учун тинч ва тез ривожланаётган Германия бунчалар катта ва хавfli урушга киришганлигига ҳайратланганини айт-

¹ *Ҳаворийлар* — Исо Масихнинг ўн икки шогирдлари.

ган эди. Янги шароитда одамлар ҳаётини ташкиллаштирар экан, К. Аденауэр бир кеча-кундузда ўн саккиз соатлаб ишларди. У Кёльнни Рейн вилоятининг йирик ва гўзал марказига айлантиришни орзу қиларди ва у кўп нарсага эришди ҳам. Обер-бургомистр К. Аденауэр мамлакатдаги машхур кишилардан бири бўлиб қолди. Уни Давлат кенгашининг — вилоят вакилларининг Берлиндаги маслаҳат органи президенти қилиб сайладилар.

1926 йили К. Аденауэрга канцлер лавозимини таклиф қилишди. У таклифни рад этди, чунки национал-социализм гоёларини маъқулламас эди. 1933 йили 13 ноябрда Гитлер ҳокимият тепасига келиши билан К. Аденауэр Кёльннинг бургомистри вазифасидан озод қилинди. Қамоққа олинмишидан қўрқиб у шаҳардан шаҳарга кўчиб юрди, ниҳоят Рейн дарёсининг қирғоғида жойлашган, Кёльндан унча узоқ бўлмаган Рендорф деб аталган манзилгоҳда оиласи билан ўрнашди. К. Аденауэр икки марта — 1934 ва 1944 йилларда — ҳукуматнинг ашаддий душмани сифатида гестапо томонидан қамоққа олинди. Иккинчи бор қамоққа олинганида қамоқхона бошлиғи унга шундай деган эди: «Илтимос, ўз жонингизга қасд қилишга уринманг. Сизнинг ҳолатингизда бунинг энди ҳожати йўқ. Сиз 68 ёшдасиз ва энди сизнинг ҳаётингиз ҳар қанақасига ҳам тугалланган».

К. Аденауэрнинг сиёсий жиҳатдан машхурлиги Учинчи рейхнинг ҳарбий мағлубиятидан кейингина бошланди. 1945 йилнинг 8 мартда Кёльннинг америкалик комендант К. Аденауэрга бургомистр вазифасини бажаришни таклиф қилди. У рози бўлди. 1945 йилнинг майида Германиянинг таслим бўлиши ҳақидаги ҳужжат имзоланиши биланоқ, иттифоқчиларнинг оккупацион маъмурияти томонидан Германиянинг келажаги учун энг муҳим бўлган сиёсатчилар рўйхати тузилди. Рўйхатдаги биринчи ўринда Конрад Аденауэрнинг исми турарди. Аммо иттифоқчиларнинг ишончига сазовор бўлган бўлғуси канцлер Вашингтон, Лондон ва Парижлик режиссёрлар «бошқарадиган» итоаткор сиёсий кўғирчокқа айланмоқчи эмас эди. Қатъий ва мустақил характерга эга бўлган К. Аденауэр нацизм вайронлари устида янги, демократик, ўз миллий манфаатларини ҳимоя қила олишга қодир бўлган Германия қад кўтаришига ишонарди. Айнан ўша пайтларда унинг «Немис халқи эгилди, аммо у синдирилган эмас» деган машхур ибораси бутун мамлакат бўйлаб тарқалди.

1945 йилдаги Германия ачинарли ҳолатда эди. Иттифоқчилар авиацияси ўз вазифаларини яхши бажарганди: Гамбург, Дрезден, Берлин, Мюнхен, Нюрнберг, Кассель, Вупперталь ва Рур кўмир-металлургия базасининг шаҳарлари вайрон бўлиб ётарди. Бомбалар портлашларидан ҳосил бўлган хандақлар, Гитлер даврида қурилган улкан автомагистраллар мам-

лакатнинг шарқий қисмини эгаллаган Қизил Армия солдатларидан нажот излаётган миллионлаб оч қочоқларга ва Польша, Чехословакия, Югославия ва Венгриядан қувилганларга тўлиб кетганди.

«Наҳотки ҳаммаси тамом бўлган бўлса?» — дея сўраганди ўша кунлари «Гамбургер Фольксцайтунг» газетаси. Унинг саҳифаларида босилган расмлар ҳамма нарсани ўз-ўзидан изоҳлаб турарди: вайроналардан егулик излаб тимирскиланиб юрган, фақат қоқ суяклари қолган болалар, бир парча кўмир учун кўчада муштлашаётганлар, очиқ ҳавода ухлаётган немис асирлари. Ақддан озаёзган немислар иттифоқчиларнинг солдатлари сафларини ёриб ўтардилар ва ўқ ейиши мумкинлигига қарамасдан паровозларнинг кўмирхоналарига ҳужум қилардилар. Ўша кунларда Германиянинг замонавий тарихидаги энг қайғули рекордлардан бири ўрнатилган эди: 1947 йилнинг 1 январь кuni кўчаларда 50 нафар бəшпанасиз киши совуқдан қотиб ўлган эди. Ҳалокат ёқасида турган Германияни қутқариб қолишга қодир бўлган тез ва қатъий чоралар кўриш лозим эди. Нацистлар билан ҳамкорлик қилиб ўз шаънини булғамаган ва айна пайтда оккупацион маъмуриятнинг ҳам, оддий немисларнинг ҳам ишончини қозонган йўлбошчи зарур эди. Конрад Аденауэр ана шундай киши эди. 1948 йили америкаликлар, британияликлар ва французлар эгаллаган Германия худудида 11 та Ғарбий Германия ерлари ташкил қилинди. Боннда Парламент кенгаши иш бошлади ва унинг Президенти қилиб Христиан-демократик иттифоқнинг (ХДИ) раиси ва асосчиларидан бири сифатида К. Аденауэр сайланди. Христианча дунёқараш, Ғарбнинг маънавий бойликлари томон йўналтирилганлик турли хил ижтимоий қатламларни ўзига жалб қилди. К. Аденауэр бозор иқтисодиётини маъқуллади. Бавариялик иқтисодчи — профессор Л. Эрхарднинг маърузалари билан танишгач, у ва у билан бирга ХДИ ҳам бозор иқтисодиёти назарияси билан қуролландилар. Бироқ «совуқ уруш» бошланди ва Германиянинг бирлашиши номаълум вақтгача орқага сурилди. Сиёсий тараққиёт мантиғи Ғарбий Германия давлатининг шаклланишига олиб борди. 1949 йилнинг 23 май кuni Германия Федератив Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

1949 йил 15 сентябрь кuni Конрад Аденауэр эндигина ташкил қилинган Германия Федератив Республикасининг канслери этиб сайланди. Канслер қасамёд қабул қилганидан кейин дарҳол ўнг марказ коалицияни шакллантиришга киришади. — Бир пайтнинг ўзида мамлакат конституциясини қайта ишлаш қизғин олиб борилди. Бироқ Конрад Аденауэрнинг асосий мақсади енгилган, ҳали яқиндагина, бир неча йил аввал аҳолисининг

жуда катта қисми фашизмни қувватлаган мамлакатда демократик ҳукумат тизимини яратиш эди. Ҳар бир вояга етган немис «Учинчи рейх» даврида нима билан шуғулланганлиги ҳақидаги махсус сўроқ варақасини тўлдириши шарт бўлганлигига қарамасдан, бу ҳали Германия нацизм ботқоғидан тозаланганлигини англатмасди. Иттифоқчилар ҳам, канцлер ҳам жуда яхши тушунардиларки, агар барча нацистларни қамоқхоналарга ташласалар, мамлакат тез орада бўм-бўш бўлиб қоларди. Айнан ана шунинг учун ҳам Конрад Аденауэр нацизмни фаол қоралаш билан бирга, айти пайтда «кечириш ва унутиш» тамойилига ҳам риоя қиларди. Шунинг учун ҳам янги Германия ҳукуматида таржимаи ҳолларини фашистларга хизмат қилиш билан булғанган сиёсатчилар пайдо бўлиб қолдилар. Ҳақиқатда «Ғарбий Германия неонацизми»ни қоралаган совет ахборот воситалари, агар шарқий зонада ҳам нацистлар свастикаси соясида ўз мавқеларини қурган «янги кадрлар» унча кам эмаслигини унутмайдиган бўлсак, ҳақиқатдан унча йироқ эмасдилар. Бу ҳолатнинг мантиқсизлигига қарамасдан, Аденауэр танлаган ҳукуматда бой берилган уруш қолдирган янгигина яраларни тирнамасдан туриб, мамлакатнинг энг яхши кучларидан фойдаланиш истаги сезилиб туради. Канцлер, жамиятдан ажратиб қўйилган, оч ва чорасиз собиқ фашистлар шак-шубҳасиз неонацистлар лагерига борадилар, деб ҳисобларди. Ҳазининг бутун мантиқсизлиги ва қарама-қаршиликларига қарамасдан, диалог йўли билан собиқ «нацистлар»ни «қўлга ўргатиш» сиёсати тубсиз жарлик ёқасида турган миллатни жипслаштиришга эришган канцлер К. Аденауэрнинг, шубҳасиз, муваффақияти эди.

Оккупацион маъмурият вакиллари янги канцлер қиёфасида ўжар ва эътиқодли сиёсатчига дуч келганликларини тезда англаб олдилар. «Биз африкалик қабила эмасмиз, — дея такрорлашни ёқтирарди канцлер, — мағрур европалик миллатмиз. Дунё билиб қўйиши керакки, таслим бўлган немис халқи эмас, герман армияси эди». К. Аденауэр канцлерлик лавозимини Гитлердан кўра икки йилдан кўпроқ эгаллаб турди.

1951 йилдан 1955 йилгача К. Аденауэр бир пайтнинг ўзида Ташқи ишлар вазири вазифасини ҳам бажарди. Халқаро ҳамжамиятга қайтиш сира ҳам осон эмас эди — герман фашизмидан жафо чеккан мамлакатларнинг ётсирашларини енгиб ўтиш керак бўларди. Бу ГФР биринчи канцлери дипломатиясининг асосий мақсади бўлиб қолди. Мамлакат аста-секин оккупациядан қутилиб, мустақилликни қўлга кирита бошлади. 1951 йил 2 майда ГФР Кўмир ва пўлат Европа бирлашмаси — Европа Иттифоқи тимсолининг асосчиси бўлди. К. Аденауэр Парижга, Римга, Лондонга, икки йилдан кейин эса Вашингтонга дастлабки рас-

мий ташрифларни амалга оширди. 1952 йилнинг 10 сентябрида Люксембургда у репатриацион тўловлар ҳақидаги шартномага қўл қўйди, унда ёш Исроил давлатига ёрдам бериш кўзда тутилганди. Сиёсий рақибларининг қарама-қаршиликларини енгиб, ГФР 1955 йил 5 майда НАТОга аъзо бўлди. Ҳақиқатан ҳам 1954 йил 23 октябрда имзоланган Париж аҳдномасининг кучга кириши туфайли ГФР учун оккупация даври туғади. Канцлер Европа келажagini иқтисодиётнинг турли шакллари қўшиб олиб борилишида, маънавий ва маданий қадриятларнинг доимий алмашилиб туришида кўрарди.

Совет Иттифоқининг қурооларни қисқартириш ҳақидаги таклифларига ўз норозилигининг сабабларини тушунтирар ва Ғарбий Германияни ремилитаризациялаштириш бўйича Париж шартномасида назарда тутилган чораларни ҳаётга татбиқ этишдан воз кечиш ҳақидаги СДПГ фракциясининг таклифини рад этишга даъват қилар экан, Аденауэр Бундестагдаги нутқида шундай деган эди: «Мен, ГФР канцлери, аввалгидек, мамлакатни демилитаризациялаштиришга қаршиман. Биз социал-демократлар ҳам, коммунистлар ҳам бошқа ҳеч қачон ҳокимият тепасига келмаслигининг чораларини кўрамиз». Айни пайтда у Бонн ҳукумати ҳар қандай шароитда ҳам Париж аҳдномаларидан келиб чиқадиган ҳарбий мажбуриятларини бажаришини айтди. Урушдан кейинги дастлабки вақтларда К. Аденауэрда Ғарб мамлакатлари ва Совет Иттифоқи ўртасида тинч ҳамкорлик имкониятлари ҳақида фикрлар пайдо бўлди. Бироқ хомжаёллар тезда тарқаб кетди: дунё турли хил дунёқарашларга эга бўлган, этник қадриятлари ва сиёсий вазифалари бошқа-бошқа бўлган икки лагерга бўлинди. Икки тузумнинг қарама-қаршилиги кучайиб борарди. Унинг марказида эса иккига бўлинган Германия турарди. К. Аденауэр, бундай ҳолатда немисларнинг бетараф бўлиши мумкин эмас, деган қарорга келди: Германия Ғарб билан бўлади. У коммунистик мафкура билан ва хўжалик юритишнинг режали тақсимлаш тизими билан ҳар қандай келишувларга қарши чиқарди. Бирлашган Германияни у фақат Ғарб дунёси билан иттифоқда кўрарди ва уни бетарафлаштиришнинг ҳар қандай режаларини рад қиларди. Совет Иттифоқининг дунёда тутган ўрнини ва унинг Германия муаммосини ҳал этишга бўлган таъсирини тан олган К. Аденауэр СССР билан дипломатик алоқаларнинг, кейин эса савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳам ўрнатилишига рози бўлди. Москвада бўлган музокараларда у совет раҳбарларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлди ва бунда ўзаро тенг ҳуқуқлилиқ доираларидан чиқилишига ҳам йўл қўймади.

Конрад Аденауэрнинг обрўи тобора ортиб борарди. ХДИ — ХСИ қаторасига тўрт марта парламент сайловларида голиб чиқди. Ғарб мамлакат-

ларининг раҳбарлари К. Аденауэрни тенг ҳуқуқли ва ҳурматли ҳамкор сифатида қабул қилардилар. Айниқса қизгин муносабатлар у билан Шарль де Голль ўртасида ўрнатилди. К. Аденауэрнинг дипломатик мавқеида 1963 йил 22 январь алоҳида ўрин тутди, чунки ўша куни ГФР канцлери ва Франция президенти Елисей майдонида кучоқлашдилар: икки миллат ўртасидаги юз йиллик миллатлараро нифоқ йўқотилди. Конрад Аденауэр билан Шарль де Голль дўстлик ҳақида шартнома имзоладилар. «Менинг, — деган эди ўшанда К. Аденауэр, — энг аввалги ўринга Европа бирлигини қўйиб, фақат шундан кейингина ўз давлатининг манфаатини қўядиган ягона немис канцлери эканлигимни унутманг».

Шарқдан кўчиб келаётганлар оқими ва канцлер К. Аденауэрнинг ҳамда иқтисод министри Эрхарднинг қулай иқтисодий сиёсати Германия «Маршалл режаси» доирасида олган салмоқли молиявий «дармон» билан қўшилиб шунга олиб келдики, 1955 йилдаёқ мамлакат мисли кўрилмаган тараққиётга эришди. Германия энг қисқа тарихий муддатда уруш қолдирган яраларни тузатишга эришди. Мамлакат урушга қадар мавжуд бўлган худудининг қарийб ярмини ва аҳолисининг йигирма беш фоизини шарқий қисмда қолдирганига қарамасдан, 1950 йилдаёқ реал ойлик иш ҳақи урушдан олдинги даражасига етди. Ғарбий немислар ҳар йили Италия, Испания ва Португалия оромгоҳларига боришга одатланиб қолдилар. Қарийб ҳар бир оила ўз автомобилига эга бўлди, телевизорлар, музлаткичлар ва кир ювиш машиналари сингари оддий нарсалар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Ана шундай шароитларда канцлер К. Аденауэр умуммиллий кадрятларни кескин қайта кўриб чиқишга олиб келувчи қадам қўяди. Бундестагда нутқ сўзлар экан, канцлер биринчи марта миллионлаб европалик яҳудийларнинг йўқ қилинишида немисларнинг тарихий масъулиятини тан олди. Аденауэрнинг сўзлари фақат немисларнигина эмас, балки бошқаларни ҳам ҳайратга солди. Қизгин музокаралардан кейин 1952 йилнинг 10 сентябрь куни Люксембургда товон тўлаш (репарация) ҳақида шартнома имзоланди. Унда ёш Исроил давлатига моддий ёрдам кўрсатиш ҳам назарда тутилганди. Исроил билан ГФР ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилгунга қадар Исроил фуқароларига Германияга бориш тавсия қилинмас эди. Аҳвол К. Аденауэр билан Исроил бош министри Давид Бен-Гурион ўртасидаги тўғридан-тўғри музокаралар натижасида икки томонлама муносабатлар нормаллашганидан сўнг ўзгарди. Лекин ана шу воқеалардан кўп йиллар кейин ҳам 1928 йилгача туғилган немислар Исроилга бориш учун ҳужжатларини берар эканлар, махсус анкетани тўлдиришга мажбур эдилар. 1960 йили Нью-Йоркда канцлер К. Аденауэр би-

лан Исроил бош министри Давид Бен-Гурионнинг тарихий учрашуви бўлиб ўтди. К. Аденауэр яҳудийларнинг немис жамиятига интеграциялашувини соддалаштириш учун барча имкониятларни ишга солишга ваъда берди. Канцлер ўз ваъдасини аъло даражада бажарди. 1961 йилда К. Аденауэр шундай деганди: «Бизнинг мақсадимиз, Европа келажакда барча европаликлар учун умумий хонадон бўлсин, у эркинлик макони бўлсин». Герман давлатини ажратиб турувчи Берлин девори тикланишига қаршилик қилишнинг иложи бўлмаганлиги К. Аденауэрнинг ягона йирик омадсизлиги бўлди. 1963 йил 15 октябрда Аденауэр федерал канцлер лавозимидан истеъфога чиқди. У мамлакатни 14 йил бошқарди. 1963 йил 15 октябрда у ўзининг федерал канцлер сифатидаги сўнгги нутқини сўзлади. Ундан кейинги ҳаётининг тўрт йилини Рендорфда оиласи даврасида ўтказди, аммо яна уч йил ХДИга раҳбарлик қилди. Аденауэр мемуарлар ёзди ва боғига қарашди — у фақат сиёсатчигина эмас, қатор агрономик янгиликлар муаллифи ҳам эди.

У барча соҳада меъёрни билиши, оиласига эътиборни ва ўз-ўзини қатъий назорат қилиши билан ажралиб турарди. Ҳар куни эрталаб соат 9 дан кечгача ўзининг Шаумбург саройидаги кабинетида ишларди. Сайловолди кампанияларида у мамлакат бўйлаб юрарди ва одамлар уни қизиқиш билан тингларди. Бу сиёсатчи мурасага кела олар, баъзан айёрлик қилар, айтганини бажартирар ва ишонтирар, бошқаларга қулоқ сола олар, қарор қилгандан сўнг эса, унинг бажарилишини қатъият билан талаб қилар, айти пайтда уни диктаторликда, конституцияни ва демократик нормаларни бузганликда айбашлари учун сабаб бўладиган ишларни қилмас эди. Германияда «Миллат отаси» дея аташадиган одам ана шундай эди. Ёки оддий қилиб: мағлуб мамлакатнинг қиёфасини ўзгартирган «Der Alte» («Қария») дейишарди.

Конрад Аденауэр 1967 йил 19 апрель куни 91 ёшида вафот этди.

Мен учун оддий одам ҳамма нарсадан муҳим. Агар мени тушунсалар, мақсадимга эришган бўламан. Ўлимдан қўрқмайман, фақат мен ўлганимдан сўнг Германия ва Европанинг қандай бўлиши қизиқарли. (Конрад Аденауэр)

«CORAZON» ИСПАНЧАСИГА «ЮРАК» ДЕГАНИ

**АКИНО, МАРИЯ КОРАСОН СУМУЛОНГ КОХУАНГКО
(MARIA CORAZON SUMULONG COJUANOCO AQUINO)**

(25.01.1933, Паники, Тарлак,
Филиппин — 01.08.2009, Манила)



Филиппин президенти (1986 — 1992). Корасон бой филиппинлик оиласида туғилган. Унинг отаси — конгрессмен ва шакар-камиш плантацияларининг эгаси — хитойлик эди, онаси — этник филиппинлик. Филиппинда ва АҚШдаги монастир мактабларида ўқиган. 1953—1954 йиллари Нью-Йоркдаги Маунт-Сент-Винсент коллежини француз тили ва математика мутахассисликлари бўйича тамомлаган. 1953—1954 йилларда Маниладаги Узоқ Шарқ университетиде ҳуқуқни ўрганган. 13 йил давомида «Кохуангко ва ўғиллари» корпорациясининг оилавий хазинабони бўлди.

1954 йилнинг октябрида Корасон журналист ва сиёсий арбоб Бенигно Акинога турмушга чиқади. Бенигно ва Корасоннинг бир нафар ўғли (Бенигно III) ва тўрт қизи (Мария-Элина, Аврора, Виктория, Кристина) бўлган. Бенигно 22 ёшида Тарнака провинциясидаги Консепсьон шахрига мэри қилиб сайланади. 1972 йили сенатор бўлди ва оппозициядан президентликка номзод ҳисобланарди. 22 ёшида Бенигно президент Фердинанд Маркоснинг шафқатсиз режимига қарши кучли оппозицияни бошқарди. Маҳаллий сиёсатчиларнинг таъкидлашларича, агар Бенигно 1973 йилги президентликка сайловларда қатнашганида ғалаба албатта унинг, ёш ва тараққийпарвар либералнинг томонида бўларди. Бироқ тажрибали олигархлар тўдаси атрофида гирдикапалак бўлган, кўпни кўрган сиёсатчи Маркос, эҳтимол ўзи ҳам англамаган ҳолда, бўлғуси воқеаларни олдиндан кўра билди. Мамлакатда коммунистлар, деҳқонлар, маочилар ва талабаларнинг чиқишлари кучайди. Уюшган жиноятчиларнинг зўравонликлари мамлакатни қамраб олди. Бундай шароитда, 1972 йилнинг сентябрида Маркос мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилади. Бу хавфсизлик хизматида ортиқча шов-шувлар ва изоҳларсиз диктаторга ёқмаган журналистларни, олимларни, тадбиркорларни ва, албатта, либерал партия лидери Бенигнони қамоққа олиш ҳамда етти йил давомида ўша ерда ушлаб туриш имконини берди. Ўша суронли пайтларда муҳолифатнинг кўпгина вакиллари чет эларга кетиб қолишга мажбур бўлди.

Бенигно қамоқдан 1980 йили жиддий касалланган ҳолда чиқди. Врачлар тезлик билан юракда операция ўтказиш лозимлигини таъкидладилар.

Президент Маркос собиқ сиёсий маҳбус тақдирининг барча вариантларини ҳисобга олиб, оиласи билан АҚШга кетишига рухсат берди. 1980 йил май ойида у юрагини операция қилдириш учун АҚШга борди. Мураккаб операция муваффақиятли ўтди ва Бенигно соғайгач, катта ва аҳил оила, ниҳоят, бахтли оилавий турмушнинг мазасини татиб кўрди. Операциядан сўнг Акинолар оиласи Ньюпортда (Массачусетс штати) ўрнашди. Уч йилга яқин Корасон оилавий тотувлик, хотиржамлик ва хушқайфиятдан баҳраманд бўлди.

Кунларнинг бирида жисмонан ва руҳан анча тузалиб қолган Бенигно унга бундан буён жафокаш ватанидан, партидаги сафдошларидан ва сиёсий курашдан йироқда қолмаслигини айтди. Ўша пайтдан буён фаросатли ва ҳиссиётли Корасон ҳаловат ва уйқусини йўқотди. Тез орада эса Акинолар оиласида фожа рўй берди. 1983 йилнинг августида Корасоннинг турмуш ўртоғини Манила аэропортида самолёт трапидан тушиб улгурмасиданоқ, ёлланма қотил автоматдан отиб ўлдирди.

Корасон эрининг ишини давом эттириш ва муҳолифатга раҳбарлик қилиш учун ватанига қайтди. Маркос армиянинг қўллаб-қувватлашига ҳамда сайлов аппарати устидан ўрнатилган назоратга, шунингдек, муҳолифатчилар сафидаги келишмовчиликлар унинг ғалабасини таъминлашига умид боғлаб, сайловни 1986 йилнинг 7 февраль кунига белгилади. Бироқ муҳолифат Корасон атрофида бирлашди ва уни президентликка ягона номзод қилиб кўрсатди. Маркос ўзини сайловларда ғолиб чиққан дея эълон қилганидан сўнг, Акино аҳолини бўйсунмасликка чақирди. Муҳолифатнинг ҳисоб-китобига кўра К. Акинога Маркосга нисбатан 1,8 миллион овоз кўпроқ берилган. Мудофаа министри Хуан Понсе Энриле ва бош штаб бошлиғининг ўринбосари Фидель Рамос Корасонни қўллашларини айтишди. 1986 йилнинг 25 феврилида икки кишини — Корасон ва Маркосни мансаб билан қутлаш маросимлари ўтказилди. Аммо Маркос ўша куннинг ўзидаёқ мамлакатдан қочиб қолди. Корасонга ҳавас қилиб бўлмайдиган «мерос» қолганди. Ўша даврда Филиппиннинг ташқи қарзи 27 миллиард долларни ташкил қиларди, иқтисоднинг аҳволи аянчли эди, ашаддий коррупция, порахўрлик гуллаб-яшнаб, мамлакатда камбағаллик ҳукмронлик қиларди. Шунда К. Акино ўзининг ўша машҳур гапини айтган эди: «Диктаторнинг 20 йиллик ҳукмронлигида тўпланиб қолган ахлатни бир ҳафтада йиғиштириб бўлмайди». Тезликда янги демократик конституция қабул қилинди. Янгидан ташкил қилинган Конгресс америкача услубда ишлай бошлади, ҳамма жойларда ҳалол муниципал сайловлар бўлиб ўтди, оммавий ахборот воситаларига катта эркинлик-

лар берилди. Аммо халқ ҳаётнинг тезроқ ва сезиларли яхшиланишини кутаётганлигини Корасон биларди. Лекин ҳаётни бу қисқа муддатда сезиларли яхшилаш, Корасон ўзини кўпинча атаганидек, «уй бекаси»га қийинлик қиларди. Иқтисодиёт унинг қалбидаги ўткир наштарлигича турарди. Тўғри, у ижтимоий соҳадаги бюджет харажатларини оширишга, врачлар ва ўқитувчиларнинг маошларини кўпайтиришга муваффақ бўлди, лекин ҳаммасига маблағ етмаслиги аниқ эди. Аксинча, ўзининг ижтимоий аҳволдан норози бўлганлар жуда кўп эди.

Мамлакат учун осон бўлмаган ана шундай пайтда Маркоснинг содиқ гумашталари Корасонни ҳарбий куч билан ағдариб ташлашга уриндилар. Унинг қўзғолонларни ҳарбийлар ёрдамида бостиришдан ўзга иложи йўқ эди. Курбонлар ҳам бўлди, албатта. Айниқса, «Янги халқ армияси»даги сўл экстремистлар жазавода эдилар. Табиийки, халқнинг кўпчилик қисми учун Кори уларнинг ҳимоячиси ва эртақлардагидек олийҳиммат санам бўлиб қолаверди.

Хушёр ва мулоҳазали бўлган Акино ундан талаб қилинган асосий ишни удалаганини тушунарди: халқнинг қотили ва зўравон, миллиардлаб бойликларни эгаллаб олган ҳамда халқ оммасини тўлиқ қашшоқликка олиб келган Маркос ҳокимиятдан қувилди. Айни пайтда армиянинг қатъий қўллаб-қувватлашига эга бўлмаган Корасон катта маблағларга эга бўлган ва жамият ҳаётининг кўпгина соҳаларини назорат қилган золим тузумнинг қолдиқларига қарши қатъий кураша олмас эди. У амалда эндигина тартиб ўрната бошлаган, аммо Маркоснинг агрофидаги мафия ва коррупция тарафдорларининг улкан қаршилигига дуч келаётган эди. Бир сафар яқин дўстлари ва сафдошлари доирасида ҳорғин Корасон шундай деган эди: «Ўйлашимча, мен халққа ва мамлакатга фақат ўтиш даври учун керак эканман. Кўриб турибман, менинг президентлик муҳлатимнинг охирига бориб, кўплаб уддабурон кишилар, мислсиз иқтисодий ислохотлар ўтказишга қодир бўлган мутахассислар пайдо бўлади».

Акинонинг президент сифатидаги дастлабки қадамларидан бири сиёсий маҳбусларни озод қилиш бўлди. 1987 йилнинг феввалида янги конституция қабул қилинди. Ҳарбийлар ва Маркоснинг тарафдорлари томонидан етти марта ҳокимиятни ағдаришга уринишлар бўлди, уларнинг барчаси бостирилди. 1991 йили Филиппин Сенати мамлакат ҳудудида АҚШнинг ҳарбий иштироки ҳақидаги шартномани ратификация қилишдан бош тортганидан сўнг, Филиппин билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда кескинлик пайдо бўлди. Акино навбатдаги сайловларда ўз номзодини

қўймасликка қарор қилди ва мудофаа министри Фидель Рамосни ўзининг вориси деб эълон қилди. Халқ овозининг 23,6 фоизини олган Рамос Халқ ислохотлари партияси вакили Мариам Дефенсор — Сантьяго (19,7 фоиз) ва собиқ президентнинг хотини Имельда Маркос (10,3 фоиз) каби номзодларни ортда қолдириб, 1992 йил 11 майда президент қилиб сайланди. Ўз шахсий ҳаёти билан шуғулланишни истаган Акино истеъфога чиқди. Шунга қарамасдан у Маркос режимини фош қилишда давом этди. 1998 йилнинг декабрида Акино диктаторнинг хотини Имельдадан Маркос давлат хазинасидан ўғирлаб қочган 10 миллиард долларни қайтаришни талаб қилди.

Филиппинлик зиёли ва маълумотли аёл Корасон сиёсий ва диний жанжаллар оғушида қолган 50 миллионли давлатни олти йил давомида донолик ва қатъият билан бошқарди. Филиппинликлар меҳр билан Кори деб аташадиган мамлакат раҳбари, беш фарзанднинг онаси ва бувиси бўлган Корасон Акино халқнинг муҳаббатини қозона олган замонавий аёл бўлиб қолаверди: у сарик рангни илоҳийлаштириб, сўнгги модада кийинарди, гайриодатий кўзойнакларни яхши кўрарди, ўз обрўсини қадрларди. Унинг оммавий чиқишларида яшнаётган лолалар майдонини эслатувчи қизил кийимли кўп миллионли халқ тўпланарди.

Президентлик йилларида Акино еттига ҳарбий тўнтаришга уринишларни бошидан кечирди. Шунга қарамасдан, у демократик тамойиллар ва институтларни киритишга, ҳукуматдан сўл кучлар вакиллари чиқаришга ҳамда мўътадил ва консерватив кучларни қўллашга муваффақ бўлди. Унинг даврида АҚШнинг Филиппиндаги ҳарбий иштироки сезиларли даражада заифлашди. Мамлакатни демилитаризациялашнинг бошланишига 1991 йили Кларкдаги Америка ҳарбий ҳаво базасини бутунлай вайрон қилган Пинатубо вулқонининг кутилмаганда отилиши туртки бўлди. Янкиларнинг яна Лусон ороли қирғоқларига тирмашиб олишга бўлган барча уринишлари бекор кетди, чунки Филиппин Сенати Субик-Бэй ҳарбий ҳаво базасини ижарага бериш ҳақидаги Пентагон билан имзоланган шартномани ратификация қилишдан қатъий бош тортди. Корасон бекорга мамлакат аҳолисининг хўрланган ва ҳақоратланган қатламнинг ашаддий ҳимоячиси бўлмаган, зеро «Corazon» сўзи испанчасига «юрак»ни англатади.

2009 йил 1-август куни Корасоннинг юраги уришдан тўхтади.

**«EL PUEBLO UNIDO SERA VENCIDO!»
 («БИРДАМ ХАЛҚ ЕНГАДИ!»)**

АЛЬЕНДЕ, САЛЬВАДОР ГОССЕНС (SALVADOR GOSENS)
 (26.06. 1908, Вальпараисо — 11.09.1973, Сантьяго) —
 Чилининг президенти (1970—1973)



Адвокат оиласида туғилган. Унинг оиласи бой бўлмаган, лекин чилиликларнинг тушунчаси бўйича, қадимий уруғдан бўлган Альенденинг авлодлари Испанияга қарши мустақиллик учун урушда, XIX асрда мамлакатни титратган бошқа уруш ва қўзғолонларда фаол иштирок этган ва мурасасизликлари билан ном чиқарган.

Чичо — болалигида уни шундай атардилар — соғлом, спортчи бола бўлиб ўсди. 16 ёшида у ўсмирлар ўртасида ўн кураш ва сузиш бўйича мамлакат чемпиони бўлди ва ҳали вояга етмасиданоқ кўнгилли бўлиб армияга, кирасирлик полкига борди. Сальвадор аъло даражадаги чавандоз, яхши мерган эди. Армияда хизмат қилган даврдан бошлаб у қуролларга бўлган қизиқишини сақлаб қолди. Ўсмирлигидан унинг сиёсий қарашлари шакллана бошлади. Бунда, Чичони Бакунинг, Кропоткиннинг, испан ва итальян социалистларининг рисоалари билан таъминлаган кўшниси, кекса этикдўз — анархист катта роль ўйнади.

1926 йили Чичо Сантьяго университетининг медицина факультетига ўқишга кирди. Альендени биринчи бор итальян фашистларининг доҳийси Муссолинини ўзининг пири деб билган президент Ибаньес диктатурасига қарши ҳаракати учун қамоққа олганлар. Навбатдаги қамоққа олиниш 1932 йили 12 кун мавжуд бўлиб турган Чили Социалистик Республикаси билан боғлиқ бўлган воқеалар пайтида (ўшанда ҳокимиятни бир неча кунга мамлакатнинг социалистик ривожланиш йўлидан бориши тарафдорлари эгаллаган эдилар) рўй берди. Сальвадорни бир неча кунга ўлаётган отаси билан видолашиш учун қамоқдан бўшатадилар. Умумий афв туфайли қамоқдан озод қилинган Сальвадор «Психологик соғломлик ва жиноятчилик» мавзусидаги диплом ишини тугатади. Ўзининг сўл қарашлари билан маълум бўлган ёш врачга обрўлироқ жой топиш осонмасди, шу туфайли у бир неча йил Вальпараисо моргида (мурдахонасида) ишлаган. У жамиятдаги энг камбағал қатламнинг ҳаётига тўқнаш келади; унинг ташаббуси билан врачларнинг касаба уюшмаси тузилади. Оилавий алоқалар Сальвадорни масонликка¹ олиб келди.

¹ *Масонлик* — XVIII асрда пайдо бўлган диний-фалсафий оқим, унинг тарафдорлари ахлоқ-ни камолга етказмоқчи бўлганлар.

Альенде масонликнинг катта таъсир кучидан сўл оқимлар манфаати йўлида фойдаланишни хоҳлаганди. 1939 йили у Халқ Фронтининг Вальпараисодаги бўлимидан парламент депутаты этиб сайланди (шу пайтдан бошлаб 30 йилдан кўпроқ вақт давомида узлуксиз парламентга депутат қилиб сайланган). 1952, 1958, 1964 йилларда Альенде социалистик, демократик ва коммунистик партиялар блокидан президентликка номзод қилиб кўрсатилди, аммо ҳар сафар сайловларни салгина фарқ билан ютқазарди. 1970 йили бешта сўл партиялар «Халқ Бирлиги» коалициясини ташкил этдилар ва Сальвадорни президентликка ўзларининг номзодлари қилиб кўрсатдилар. Шу йил 5 сентябрда Сальвадор Альенде Госсенс Чилининг навбатдаги президенти этиб сайланди.

Альенде ҳукумати мис конларини ва бошқа табиий ресурсларни давлат ихтиёрига ўтказди, бу эса тадбиркорларнинг ва парламентнинг норозиликларига сабаб бўлди. 1973 йил 11 сентябрь эрталаб соат 6 да Вальпараисода флот исён кўтарганлигини маълум қилди. Бу бош штаб бошлиғи Аугусто Пиночет оошчилигидаги тўнтаришнинг бошланиши эди. Альенде исёнчилар билан музокара олиб боришдан бош тортди, Ла Монеда саройини тарк этиш ва хоҳлаган чет мамлакатга кетиш ҳақидаги таклифни рад этди. 11:00 да президент саройига ҳужум бошланди ва 15:30 да яқунланди. Президент Сальвадор Альенде Госсенс ўз вазифасини бажараётиб, ҳалок бўлди. У ҳужум қилган гуруҳларнинг командири ўқидан ҳалок бўлган деб ҳисобланиб келинарди. 2011 йили Альенде оила аъзоларининг розилиги билан унинг жасади очилиб, қайта текширув ўтказилди. Англиялик мутахассислар томонидан ўтказилган текширув натижалари Альенде унга Фидель Кастро совға қилган АК-47 автоматидан ўзини ўзи отиб ўлдирганлигини аниқлади. Альенде оиласи номидан унинг қизи Изабелла Альенде сўзга чиқиб, текширув натижаларидан қониқиш ҳосил қилганлигини билдирди ҳамда президент Альенденинг ўз ҳаётини муносиб яшаганлиги ва шундай яқунлаганлигини таъкидлади.

Мен болалар врачлари бўлишни орзу қилардим, бор-йўғи жасадларнинг ичак-човоқларини ағдарувчи бўлдим, холос. (Сальвадор Альенде)

ИТАЛИЯ СИЁСАТИНИНГ «ҚАРИ ТУЛКИ»СИ

АНДРЕОТТИ, ЖУЛИО (ANDREOTTI)

**(14.01.1919 йили Римда туғилган) — 1972—1973,
1976—1979 ва 1989—1992 йиллари Италиянинг
премьер-министри, бир неча марта Министрлар кабинети
таркибига кирган**



1968—1972 йилларда депутатлар палатасида Христиан-демократик партия фракциясининг раиси. 1995 йили мафия билан алоқада айбланиб, судга тортилган. 1946 йили сайланган Таъсис мажлиси аъзоси сифатида у премьер-министр Альчида де Гасперининг котиби лавозимини эгаллади ва то 1953 йилгача ана шу вазифада қолди. Жузеппе Пелла Либерал партия асосида ўнг марказ ҳукуматини тузганида ўз сиёсий қарашларида янги премьер-министрга нисбатан сўлроқ бўлган Андреотти ишсиз қолди. Лекин 1954 йилдаёқ Жулио Андреотти Аминтори Фанфани кабинетига Ички ишлар министри сифатида кирди. Кейинчалик у Молия министри (1955 йилдан 1958 йилгача), хазина бошлиғи (1958—1959), Юстиция министри (1959—1966, 1974) лавозимларини эгаллаган, шунингдек, 1966—1968 йиллари Альдо Моро ҳукуматида Саноат ва савдо министри бўлган.

Йирик ва унча йирик бўлмаган сон-саноксиз сиёсатчилар орасида Жулио Андреотти алоҳида ўрин эгаллайди — уни ҳеч ким билан таққослаб бўлмайди ва энг аввало сиёсатчи сифатида узоқ яшаганлиги туфайли. У биринчи марта Италия ҳукумати таркибига Иккинчи жаҳон уруши туганидан икки йил кейин, йигирма саккиз ёшида кирган бўлса, янги аср бошида ҳали ҳам сиёсий саҳнада турибди. Андреотти Сенатдаги курсини шунчаки эгаллаб турмайди, у Италия сиёсатида биринчи даражали роль ўйнайди. Европадаги энг йирик мамлакатлардан бирининг бош министрлигига етти марта эриша олган ва шунча марта уни йўқотиб, икки, ҳатто уч амал поғонасидан пастга тушган, яқиндагина унинг қабулхонаси остонасини ялаган кечаги ёрдамчиларига бўйсунушга тайёр турган, кейин эса яна юқорилаб, уларга зўрға бош илғайдиган яна ким бор; ҳукумат резиденцияларининг доимий аъзоларидан қайси бири салкам Сицилия мафиясининг «Чўқинтирган отаси» сифатида судланувчилар ўриндигида ўтирган; ким ҳукуматни бошқарган даврида китоб устига китоб, шу жумладан, сиёсатдан йироқ бўлган мавзуларда ҳам, ёзишнинг уддасидан чиққан. Кўп карра Италиянинг премьер-министри бўлган, ўнлаб йиллар давомида мамлакат ҳукуматидаги қарийб барча мансабларни эгаллаб чиққан Жулио Андреотти каби ҳеч ким йўқ, бўлмаган ва яқин орада бўлмаса ҳам керак.

Маълумоти бўйича юрист бўлса ҳам, у фаолиятини журналистикадан бошлаган. Жулио Андреоттининг ўткир қаламига кўпгина қизиқарли мақолалар ва китоблар тегишли. Унинг «Тарихни яратувчилар билан учрашув» китоби катта муваффақият қозонган. Бу китобида у узоқ сиёсий ҳаёти давомида учрашишга тўғри келган кишилар — Миср қироли Фаррухдан тортиб Маргарет Тэтчергача ҳикоя қилган. Қизиқарли ёзилган бу китобининг кириш қисмида у шундай дейди: «Бу ерда ёзилганларнинг барчаси ҳам ҳақиқат эмас, лекин, ҳарҳолда, бу ерда ёлгон ҳам йўқ». Андреотти адабиётда фақатгина сиёсий жанрни ёқтириб қолмаганди. У ҳаётининг кейинги йилларида бестселлерга¹ айланиб кетган юмористик асари «Жим бўлинг, депутат»ни ёзди, унда жуда кўп ўринсиз, баъзан афоризмга айланиб кетган, кўп ҳолларда ҳурматли сиёсатчилар учун номақбул бўлган кулгили гаплар, парламентдагиларнинг луқмалари тўпланган. Уларни Андреотти Италия парламенти мажлисларининг юзлаб жилдли стенографик ҳисоботларидан олган. Бу китоб бутун Европани кулдирди, унинг аламзада қаҳрамонлари эса, номи оламга машҳур бўлган, ёши етмишдан ошиб кетган сиёсатчининг «масхарабоз ролида чиқиши номақбул», дея таъкидладилар. Бундан заррача ҳам хижолат бўлмаган Андреотти танқидчиларга ўз коллекциясини тўплашда давом этишини ваъда қилган.

Бу албатта унинг эрмак соҳаси, лекин Андреотти жиддий ҳаракатлар тўғрисида ана шундай сиёсий обрўга эга бўлган. Кувноқ, сўзамол, атрофдагилар билан тезда тил топиша оладиган типик италияликнинг ташқи қиёфаси ортида темир ирода, улкан ақл, атрофдагиларни ҳайратга солувчи сабртоқат, олдига қўйилган мақсадга эриша олиш қобилияти яширинган.

У жонкуяр ва эътиқодли католик бўлиб, жуда эрта Христиан-демократик партиянинг энг кўзга кўринган арбобларидан бирига айланди. Ҳали қирқинчи йилларнинг охиридаёқ парламент депутаты бўлган Андреотти бир оз вақтдан кейин Италиядаги энг обрўли сиёсий партия бўлган Христиан-демократларнинг парламент фракциясига раҳбарлик қилди, 1972 йили эса биринчи бор мамлакат ҳукуматини бошқарди. Тез-тез рўй берувчи ҳукумат инқирозлари ва кабинет ўзгаришлари Италиянинг урушдан кейинги йиллардаги сиёсий анъанасига айланган. Урушдан кейинги 60 йил ичида қарийб 50 марта ҳукумат инқирози рўй берди. Андреотти биринчи марта премьер-министр лавозимида икки йил тура

¹ *Бестселлер* (ингл. *Best seller*) — воқеалар шиддат билан ривожланадиган тез тарқалувчи кўп миллионлаб нусхада чоп қилинган китоб.

олди холос, кейин эса бир маром билан министрлик курсисини алмаштираверди. Ўзининг кўп йиллик хизматлари давомида Жулио Андреотти бир неча бор ташқи ишлар министри, ички ишлар министри, иқтисодий режалаштириш министри ва яна премьер-министр бўлди. Навбатдаги ҳукумат инқирозидан кейин унинг сиёсий Олимпда тургани ҳолда янги кабинет таркибига оддий министр сифатида киришига мағрурлик ҳалақит бермас эди. Бунда навбатдаги премьер-министрларнинг бирортаси ҳам ўзининг собиқ бошлиғининг ноҳолислигидан норози бўлиш учун асосга эга бўлмаган. Италиянинг сиёсий ҳаётида қийин даврлар рўй берганида эса Жулио Андреоттига яна ва яна кабинетни бошқаришни илтимос қилардилар.

Андреотти ўзининг сиёсатдаги узоқ фаолиятининг боисини сиёсий афоризмга айланиб кетган жумлада баён қилади: «Ҳокимият фақат унга эриша олмаган кишинигина чарчатади». Албатта, бу унгагина яхши маълум. Зеро Жулио Андреоттининг сиёсий маҳорати Италияда ҳам, бутун дунёда ҳам тан олинган. Уни Римда бекорга «қари тулки» деб аташмайди. Ўзининг давомийлигига кўра мислсиз бўлган Ж. Андреотти сиёсий фаолиятининг сири аслида нимада? Албатта, энг аввало унинг тенгсиз шахсий сифатларида. Бироқ фақат шундагина эмас. Тадқиқотчилар унинг Ватикан билан кўп йиллик яқин алоқасига эътибор қаратадилар. Католик черкови ва унинг маркази Ватикан Италиянинг ва нафақат Италиянинг, балки бошқа давлатларнинг ҳам сиёсий ҳаётида биринчи даражали роль ўйнайди. Ватикан ҳомийлигида тузилган Христан-демократик партия мамлакатдаги асосий сиёсий куч бўлиб қолди. Унинг ташкилотчиларидан, кейин эса раҳбарларидан бири Жулио Андреотти ўз фаолияти даврида Рим курияси¹ раҳбарияти билан жуда яқин алоқада бўлди, учта Рим папасининг ишончли кишиси бўла олди. Унинг сиёсий мағлубиятсизлигининг асосий сири ҳам кўп жиҳатдан ана шунда.

Мамлакат сиёсий ҳаётига Андреотти таъсирининг бунчалар давомийлигининг яна бир сири тахмин қилинади. Кўп йиллар унинг «Сицилия мафияси» билан алоқаси борлиги ҳақида миш-мишлар тинмади. Машҳур «Коза ностра» яширинча уни қўллаб-қувватлаб турганлигини ва, ўз навбатида, унинг ҳомийлигидан фойдаланганлигини таъкидлашарди. «Коза ностра»нинг босси Сальваторе Риина («Тито») нинг Андреотти билан яқинлигини гапирардилар. Яширин учрашувлардан бирида Тито Андреоттига рамзий «хурмат бўсаси»ни совға қилганлигини кўрган «гувоҳлар» ҳам

¹ *Курия* — католик черкови назоратини амалга оширувчи марказий органларнинг мажмуаси.

топилди. Бундай ошқора иззат-икром рамзига камдан-кам одам сазовор бўлади.

Сицилия мафиясининг урушдан кейинги Италиядаги қудрати жуда улкан эди. Ва агар Андреотти билан «Коза ностра» ўртасидаги ҳамма тинмай гапираётган, лекин барибир ҳам ҳужжатлар билан тасдиқланмаган алоқа ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлган бўлса, бу жуда салмоқли алоқадир.

Андреоттининг мафия билан алоқаси ҳақидаги миш-мишлар қарийб доимий тарзда унинг сиёсий фаолиятига эргшиб юрди. Аввал бошидан оқ унинг номи гийбат қилинмаган бирорта ҳам сиёсий жанжал бўлиб ўтган эмас. Бироқ арбоблар жазоланар, министрлар истеъфога чиқар, баъзилари ҳатто қамоққа ҳам тушар, Андреоттига эса ҳеч нарса қилмасди. Аммо охир-оқибатда ёки рад қилиб бўлмайдиган фактлар, ёки душманларининг қайсарлиги шунга олиб келдики, у суд олдида жавоб берадиган бўлди. У ўзига ишонганлигидан ҳатто парламент дахлсизлигидан ҳам фойдаланмади. 1999 йилнинг март ойида Сицилиянинг пойтахти Палермода ҳайратомуз суд бўлиб ўтди. Прокурор «сиёсий обрўсидан мафияга ёрдам бериш учун фойдаланганлиги ва ундан пул ҳамда бошқа турдаги миннатдорчиликлар қабул қилганлиги» учун саксон ёшли сиёсатчиға ўн беш йил қамоқ жазоси талаб қилди.

Андреотти ўзига қўйилган айбларни мутлақо рад этди. У суд маслаҳатчилари олдида ўзини ҳимоя қилиб, ажойиб нутқ сўзлади, прокурор эса айбланувчининг айбини тўлалигича исбот қилиб бера олмади. Натижада 1999 йил 23 октябрь куни суд Жулио Андреоттидан унинг мафияга алоқадор эканлиги ҳақидаги айбловни исбот қилинмаганлиги сабабли олиб ташлашга мажбур бўлди ва у Италия Сенатининг умрбод аъзоси сифатида сиёсий мавқеини сақлаб қолди. Сиёсатчилар ҳам, мафия ҳам ўз сирларини сақлай оладилар ва эҳтимол, ҳақиқат ҳеч қачон юзага чиқмас. Аслида, ҳар қандай ҳолатда ҳам шуниси аниқки, ўзининг ажойиб обрўси учун Жулио Андреотти мафия билан алоқасидан эмас — улар бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъи назар энг аввало, уни урушдан кейинги ўн йилликларда фақат Италиянинг эмас, бутун дунёнинг ҳам сиёсий саҳнасидаги энг машҳур арбобларидан бирига айлантира олган ўз сиёсий талантидан миннатдор бўлмоғи лозим.

ЭНГ МАШХУР ФАЛАСТИНЛИК

АРОФАТ, ЁСИР (YASIR ARAFAT)

(24.08.1929 — 11.11.2006) — (тўлиқ исми Муҳаммад Абд ар-Рауф ал-Кудвах ал-Хусейни) — расмий ҳужжатларга кўра 1929 йилнинг 24 август куни Қоҳирада, бой мусулмон оиласида туғилган



Фаластин етакчисининг ўзи бир неча бор ўша йилнинг 4 августда Қуддуси шарифда дунёга келганлигини айтган. Уни кейинчалик Ёсир деб атай бошлашган («ёсир» сўзи арабчада «енгил» дегани). Фаластин давлат арбоби, 1994 йилдан Фаластин мухторияти маъмуриятининг бошлиғи, 1969 йилдан Фаластинни Озод қилиш Ташкilotи (ФОҚТ) Ижроия кўмитасининг раиси, 1989 йили Фаластин давлати Президенти деб эълон қилинган. Нобель мукофоти лауреати (1994).

Унинг унча баланд бўлмаган тўла қомати, ярим ҳарбий френчи¹, уч кунлик соқол-мўйлови, Фаластиннинг контурини такрорловчи катак-катак «куфия»си (миллий рўмол) аллақачон бутун дунёга машхур. У бировлар учун «тинчлик ўрнатувчи» бўлса, бошқалар учун «террорист». Ҳатто фаластинликлар орасида ҳам у ҳақда ягона фикр йўқ: кимдир уни «доҳий» деб билади, кимдир «сотқин» деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, ФОҚТ Ижроқўми раисига, ФОҚТнинг таркибий қисмларидан бири бўлган ФАТХ ташкilotининг раҳбарига, Фаластин кўролли кучлари Бош кўмондонига, Фаластин миллий маъмурияти бошлиғига, давлатнинг президенти Ёсир Арофатга кўп бора сиёсий инқирозни башорат қилгандилар. Аммо ҳар сафар у энг чорасиздек туюлган ҳолатлардан чиқиб кетарди. Яна бунинг устига ўз обрўсини ошириб ҳам оларди. У қандай қилиб ўттиз йилдан ошиқроқ вақт биринчи рақамли фаластинлик бўлиб қола олишнинг уддасидан чиқди? Кўплар учун (балки ҳамма учун ҳамдир) бу ҳалигача жавоби топилмаган жумбоқ...

Шуни айтиш керакки, ФОҚТ етакчисининг таржимаи ҳоли ҳам унинг сиёсий қарашлари каби қарама-қарши ва баҳслидир. Ҳатто ҳанузгача унинг туғилган вақти ва жойи тўлиқ аниқ эмас. Кўпгина фактлар Арофат барибир Қуддусда ҳам эмас, Ғазода ҳам, Акко ёки Цфатда ҳам эмас, Қоҳирада туғилганлигини кўрсатади. Унинг отаси ғазолик ер эгаси ва онаси келиб чиқиши Муҳаммад пайғамбар оиласига бориб тақаладиган қуддуслик

¹ Френч — ҳарбий усулда тикилган устки кийим.

машхур уругга мансуб бўлган Захва Абу Сауд — 1927 йилда Мисрга кўчиб ўтганлар. Арофат (оиладаги олтинчи фарзанд) тўрт ёшга тўлганда укаси Фатх дунёга келди, онаси эса тўсатдан вафот этади. Бу йўқотишдан қаттиқ таъсирланган отаси иккала кичкинтойни Қуддусга, уларнинг тоғаси Салим Абу Сауд хонадонига жўнатди. Фаластиннинг бўлғуси етакчиси тарбия топган оила миллатчи доиралар билан яқин алоқада эди. Салим Абу Сауднинг хонадонига тез-тез мусулмонлар жамоасининг кўзга кўринган намояндалари келиб турар ва сиёсий суҳбатлар уюштирардилар. Инглиз аскарлари уйга бостириб кирган ва қаторасига ҳаммани калтаклай кетган ўша тунни Арофат тез-тез эслайди: «Ўшанда мен етти ёшда эдим, Фатхи эса жуда кичкина эди. Олти йилдан кейин иккинчи марта, кейин эса учинчи марта ҳам уйланган отам биз ака-укаларни Қоҳирага, ўз олдига чақириб олди».

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Мисрнинг пойтахти сиёсий эҳтирослар, турли хил дунёқарашлар ва нуқтаи назарлар тўқнашуви, қайнаб турган қозонни эслатарди. Ўша пайтлари Арофатнинг ҳаётий позициясига таъсир қилган асосий йўналишлар араб ватанпарварлиги ва миллатчилик бўлди. Бу иккала омил Фаластиннинг бўлғуси етакчисини сиёсий, балки бошқа барча соҳаларда ҳам муваффақият гарови — яхши билим олиш эканлигига ишонтирди. Арофат Техас университетининг муҳандислик факультетига ариза берди, аммо АҚШ давлат департаменти унга виза бермади. Айни пайтда у фаластинликлар билан янги ташкил қилинган Исроил давлати ўртасидаги кураш иштирокчиси деб ҳисобга олинганди. Шунинг учун ҳам у Қоҳира университетига ўқишга кирди. 1948 йили, биринчи араб-яҳудий уруши бошланганида у машғулотларни йиғиштирди ва исроилликларга қарши жанг қилишга жўнаб кетди. Ўша урушдаги даҳшатли мағлубиятдан сўнг у қисқа муддатта Мисрнинг қўл остида бўлган Ғазо секторига ўтиб олади. 1950 йили у муҳандислик факультетида ўқишни давом эттириш учун Қоҳирага қайтиб келади. Бу ерда у ўзининг курашдаги бўлғуси сафдошларини учратади, улар билан биргаликда инглизларга қарши курашади. Курсдошларининг айтишларича, Арофат арабларнинг Исроил билан урушдаги мағлубиятига жуда ҳам қайғурган. Талабалар ўртасидаги баҳсларда у БМТ Бош Ассамблеяси қарорига мувофиқ Фаластинни бўлиб олишдан араб мамлакатларининг воз кечишини «хато» деб атаган. Бундан келиб чиқадики, айнан ўша вақтларда унда фаластинликлар ўз тақдирлари ҳақида ўзлари қайғуришлари кераклиги, буни улар учун «араб оғайнилари» қачон бажаришини кутмаслик лозимлиги ҳақида фикр пайдо бўлган. 1952 йили Арофат Мисрдаги Фаластинлик талабалар итти-

фоқини ташкил қилади ва унинг раиси қилиб сайланади. Унинг таълим олиши саккиз йил (уч йил ўрнига) давом этганидан келиб чиқиб, ишонч билан айтиш мумкинки, унинг учун биринчи ўринда Иттифоқ ишлари турган. Файратли, иродали ва чидамли бўлганлиги туфайли у фақат сиёсий музокараларда иштирок этибгина қолмасдан, ҳарбий ишни ҳам фаол эгаллади. Вақти келиб офицерлик дипломини ҳам олди.

Бунда унга ота-онаси унинг туғилишини Мисрда рўйхатдан ўтказганлиги ёрдам берди. 1956 йили, инглиз-француз-исроил аскарлари Носир томонидан миллийлаштирилган Сувайш каналига бостириб кирганида эса лейтенант Арофат фаластин бирлашмалари таркибида портлатувчилар отрядини бошқарарди. Университетни тугатганидан бир йил кейин у яхшигина даромад келтирувчи учта курилиш фирмаси ташкил қилди. «Мен миллионер эмас эдим, — дея тан олади кейинчалик Арофат. — Лекин мен бой эдим»... Айтиш лозимки, у ҳеч қачон ФОҚТ хазинасидан пул олмас эди. Курилиш соҳасидаги тадбиркорлиги билан бирга Арофат фаол сиёсий алоқаларни ҳам изга туширади. Айнан ўша пайтлари аввалига унча катта бўлмаган, унинг бутун мавқеи ва ҳаёти боғланган ўша ташкилотнинг асоси шаклланганди. Гап у 1959 йили бошқара бошлаган Фаластинни Озод Қилиш Ҳаракати ҳақида бормоқда.

Қизиқ бир воқеа. Бу номланишнинг қисқартирилган кўриниши арабча «ҳалокат» сўзига ўхшаш бўлиб чиқди. Нима қилиш керак? Арофат бу муаммони ҳал қилди: у ҳарфлар ўрнини алмаштиришни таклиф қилди. Араб тилидан таржима қилганда «кашфиёт, эгаллаш, галаба қилиш» маъноларини англатувчи ўша машҳур ФАТХ пайдо бўлди. Айнан ўшанда у ўзига Абу Аммар деган яширин тахаллусни олди. Ўша пайтдаги кўпгина араб етакчилари арабларни «яхудийларни денгизга улоқтириш» ва улардан бўшаган ерларда мустақил Фаластин давлатини тузиш учун бирлашишга чорларди. Арофат ва унинг сафдошлари бутунлай бошқача гоёни олға сурдилар. Унинг асосий гоёси — «Фаластинни озод қилиш — бу энг аввало фаластинликларнинг иши». «Фаластинга йўл — арабларнинг бирлашиши эмас, — таъкидлайди ФАТХ етакчиси. — Фаластин арабларнинг бирлашишига йўл. Бунга фақат «Исроилга қарши қуроли партизанлик кураши» йўли билангина эришиш мумкин, деб ҳисобларди ФАТХ раҳбарлари.

ФАТХнинг машҳурлиги ва фаластинликларга таъсири ошиб бораётганлиги баъзи араб арбобларини ташвишга солмаслиги мумкин эмасди. Фаластинликларни доимо «жиловлаб» туришни хоҳловчи араб давлатларининг раҳбарлари 1964 йили Қоҳирада олий мақомдаги учрашувларга йиғилиб, Фаластинни Озод қилиш Ташкилотини туздилар. Арофат бу қадамни фалас-

тинликларни бўйсундиришга уриниш, деб баҳолади. ФАТХни мустақил жанговар тузилма сифатида сақлаб қолиш учун қатъий, ҳал қилувчи жавоб бериш, ишлари билан ўзини кўрсатиш керак эди, бунинг устига буни ҳеч кимдан ижозат сўрамасдан амалга ошириш лозим эди. ФАТХ жангчилари томонидан 1965 йилнинг 1 январида Исроил ҳудудида ўтказилган биринчи партизанлик операцияси тарихга Фаластин қаршилиқ ҳаракатининг бошланиши сифатида кирди.

1967 йилнинг июнидаги «олти кунлик уруш»да арабларнинг мағлубияти Арофатни ва унинг тарафдорларини яна бир марта фақат ўз кучларига ишониш кераклигига ҳамда Фаластинни озод қилиш учун ўзлари курашишлари лозимлигига ишонтирди. Ана ўша пайтдан бошлаб «фатхчилар» яҳудийлар босиб олган ҳудудларда жанговар операцияларни фаоллаштиришди ва кичик бир ташкилотдан етакчи ҳарбий-сиёсий кучга айланишди. 1968 йил 21 май куни Арофат Караме (Иордания) яқинидаги жангда қатнашади. Унда фаластинликларнинг кичик бир отряди исроилликларнинг мунтазам қўшинларига қарши муваффақиятли курашади. Шиддатли жангда 29 исроиллик ўлдирилди, 4 та танк ва 4 бронетранспортёр йўқ қилинди. Бу жангдаги ғалаба ФАТХ раҳбарининг обрўсини яна ҳам оширди. Энди ФАТХнинг номи дунё оммавий ахборот воситаларининг саҳифаларидан тушмай қолди. 1969 йилнинг февралда Фаластин миллий кенгаши (қувғиндаги парламент) Арофатни ФОҚТ Ижроқўмининг раиси қилиб сайлади. Яна бир йилдан кейин эса у Фаластин инқилоби қуроли кучларининг Бош қўмондони бўлди. Энди барча араб давлатлари уни олий даражада қабул қилдилар. Лекин ФОҚТ учун ва табиийки, Арофат учун ҳам кескин бурилиш йили 1974 йил бўлди. Ўшанда Янги сиёсий дастур қабул қилинди. Бу дастур «Исроилнинг ўрнига эмас, Исроил билан бир қаторда», яъни Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғи ва Ғазо секторидаги босиб олинган ерларда Фаластин давлатини тузиш учун курашга чақирди. Арофат БМТ Бош Ассамблеясида сўзга чиқди ва Исроилга сулҳ таклиф қилди. Ана шундан сўнг ФОҚТни юздан зиёд мамлакатлар тан олдилар, унинг етакчиси эса Яқин Шарқ сиёсий саҳнасида энг атоқли арбоб бўлиб қолди. Бироқ олдинда Арофатни жиддий синовлар кутиб турарди. Энг даҳшатлиси — ФОҚТ штаб-квартираси жойлашган Ливанга 1982 йилнинг июнида Исроилнинг бостириб кириши бўлди. Арофат фаластинликларни уздабуронлик билан бошқарди ва ўз жангчилари билан ташкилий равишда, қўлларида қуроли ва миллий байроқлари билан Байрутни тарк этди. Мухолифлари нималар десалар ҳам, Арофатнинг исроилликлар қамал қилиб олган шаҳарни тарк этиш ҳақидаги қарори ягона тўғри қарор эди — у одамларни келгуси курашлар учун сақлаб қолди.

70-йилларда Арофат Исроил билан қарама-қаршиликларда кескин, мурасасиз позициядан Яқин Шарқ муаммоларида мўътадилроқ нуқтаи назар томонига ўтган, деб ҳисобланади. Фаластиннинг мустақиллиги учун курашда терроризмдан фойдаланиш масаласи 1973 йилдаги урушдан кейин ФОҚТ томонидан расман қайта кўриб чиқилди. Ана шу пайтдан бошлаб ФОҚТ ва ФАТХ халқаро терроризм ҳаракатларини ўтказишдан воз кечади. Бу эса Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг бўлиниб кетишига ва турли фракциялар ўртасидаги тўқнашувларга сабаб бўлди. Халқаро терроризм тактикасидан воз кечилиши Арофатга 1974 йилнинг ноябрида БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида сўзга чиқиш имкони бериб берди. Бироқ фақат 80-йилларнинг охиридагина АҚШнинг тазйиқи остида Арофат Исроил билан музокараларга рози бўлди. 1988 йилнинг 15 ноябрида Фаластин Миллий Кенгаши БМТнинг Фаластинни бўлиб олиш ҳақидаги қарорини тан олди ва террорнинг «барча кўринишларидан» воз кечди. Арофат Исроил халқига мурожаат қилди: «Келинглр, ярашайлик. Келинглр, кўрқув ва кўрқитувни улоқтириб ташлаймиз. Келинглр, ҳукмронлик манманлигидан ва ўлим қуролларидан йироқ бўлган, босқинчилик, эзиш, ўлдириш ва қийноқлардан йироқ бўлган мардлар дунёси учун тинчликни таъминлайлик». Тўғри, бир йилдан кейин, Ливанда туриб Исроил халқига мурожаат қилар экан, Арофат бутунлай бошқа гапларни айтди: «Исроил давлати Иккинчи жаҳон урушининг оқибатидир ва у Берлин девори йўқ бўлгани каби йўқ бўлиши керак».

1982 йилдан бошлаб ФОҚТда келишмовчиликлар кучаяди, Арофат ўзидан кўра радикалроқ кайфиятдаги сафдошларининг танқидларига дуч келади. 1987 йили Арофат ФОҚТ штаб-квартирасини Ироққа кўчирди. Арофатнинг мухолифлари орасида ундан кўра обрўлироқ шахе топилмади, унинг етакчилиги тасдиқланди. 1984 йили олти йил давом этган Фаластин интифадаси бошланди. 1988 йилнинг 15 ноябрида Фаластин давлати эълон қилинди, 1989 йилнинг 2 апрелида эса Фаластин миллий Кенгашининг Бош Кенгаши томонидан Арофат ҳали мавжуд бўлмаган Фаластин давлатининг президенти қилиб сайланди. Бу даврга келиб Арофат энди Исроилнинг энг ашаддий душмани эмасди. Фундаменталистлар («Хамас», «Хизболлоҳ», «Ислом жиҳоди») билан таққосланганда нисбатан «ўнроқ» бўлган Арофат иероилликлар назарида маъқулроқдек эди. 1988 йили у Исроилнинг шу пайтгача Фаластин сиёсий арбоблари томонидан мутлақо рад қилинган мавжуд бўлиш ҳуқуқини тан олди. Бу қадам фаластинлик араблар билан иероилликлар ўртасида тинчлик келишувига эришиш имкониятини яратди.

1990—1991 йилларда Форс қўлтигидаги уруш пайтида Арофат Саддам Хусайн армиясини қўллаб-қувватлади, бу эса Фаластин етакчисининг халқаро обрўсига, айниқса нефть қазиб чиқарувчи араб давлатлари ўртасидаги обрўсига салбий таъсир кўрсатди. Шунга қарамасдан, АҚШ воситачилигида Арофат Исроил раҳбарлари билан музокаралар олиб борди. Бунинг натижасида 1993 йил сентябрида Вашингтонда тамойиллар Декларацияси тузилди. Унга кўра Ғазо сектори ва Иерихонда Фаластин бошқаруви ўрнатилди. 1994 йилнинг майида Исроил қўшинлари бу ҳудудларда Фаластин полицияси билан алмаштирилди, июлда эса, 27 йиллик қувғиндан сўнг Арофат Фаластин бошқаруви маъмуриятининг раҳбари сифатида Фаластинга тантана билан қайтиб келади. Ўша йилиёқ у Исроил раҳбарлари Ицхак Рабин ва Шимон Перес билан бирга Нобель тинчлик мукофотига сазовор бўлди. 1996 йилнинг январь ойида Арофат 88% дан зиёд овоз олиб, Фаластин Миллий Кенгашининг ижрочи раҳбари этиб сайланди. Ғазо, Иерихон, Ғарбий қирғоқнинг барча шаҳарлари Арофат раҳбарлигига ўтди. Аммо террор тўхтамади. 1994 йили биринчи камикадзелар пайдо бўлди. Арофат кўп марта террорни тўхтатишга ваъда берди, аммо террор давом этаверди.

2002 йилнинг январида тинч йўл билан келишувга бўлган умидлар тобора кўпроқ саробга айланганида Арофатнинг мухторият раҳбарлиги лавозимидан кетиши мумкинлиги ҳақида овозалар пайдо бўлди. 2002 йили «Ислом жиҳоди» Арофат билан исроилликларга ҳужум қилмаслик ҳақида келишувга эришганлигини баён қилди. Шарон Рамаллоҳдаги Арофатнинг уч ойлик қамалини бекор қилди. Фаластинликларнинг навбатдаги террорчилик актидан кейин Исроил қўшинлари Арофатнинг Рамаллоҳдаги мудофаа комплексини вайрон қилди ва Фаластин етакчисини душман деб эълон қилди. АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл Арофат билан музокаралар олиб боришда давом этди, бироқ ўқ отишни тўхтатишга эришолмади. Исроил АҚШ президенти Ж. Бушнинг Арофат штаб-квартирасидан қамални олиб ташлаш таклифини қабул қилди. Ўз навбатида Арофат Фаластин автономиясида ислоҳотлар ва янги сайловлар ўтказишга чақирди. Фаластин оммавий ахборот воситаларига берган баёнотида Арофат террорчилик актларини маъқулламаслигини айтган ва ўз халқини бундай актларни тўхтатишга чақирган. Охир-оқибатда Ж. Буш Фаластин халқи Исроил чегаралари ёнида янги, Арофатсиз давлат тузиши, «террор билан ўз обрўсини тўкмаган» янги етакчини сайлашлари лозимлигини айтган.

Биринчи рақамли фаластинликка ўз етакчилигини сақлаб қолишда нима ёрдам берди?

Жавоб, эҳтимол, уни фақатгина шахс эмас, доҳий ҳам қила олган шахсий сифатларида яширинган бўлса керак. Агар кўпчилик сиёсий ар-боблар ҳақида улар «миллий ғояларига содиқ қолганлар» деб айтиш мумкин бўлса, Арофатда бу садоқат ўта улуғланиб келган. Бу улуғлик фақат у ўзининг бутун умрини ана шу ғояга бағишлаганидагина эмас, унинг сиёсий воқеалардан ҳайратланарли даражада хабардорлигида, Яқин Шарқда нималар бўлаётганини яхши тушунишида ҳам ифодаланади. Доимо воқеалар йўналишидан хабардор бўлиб туриш учун суткасига 24 соат уни жойлардаги аҳволдан хабардор қилиб турувчи махсус гуруҳлар тузган. Ўзининг барча алоқаларида Абу Аммар кўнгилчанлик ва ишонч муҳитини яратишга уринарди. Бунда ҳар сафар суҳбатдошининг отаси бўлмаса бобоси ёки кўшнисини унга таниш бўлиб чиқарди. Фаластинликлар орасида бу ишончли усул ҳанузгача қўлланади.

У ярми устамона ясама, ярми табиий мафтункорликка тўлиқ, тўғри сўз ва ёқимтой одам эди. ФОҚТ етакчиси олиб борган зоҳидона турмуш тарзини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Сафдошларининг аксарияти оилали бўлиб олган бир пайтда у бўйдоқлигича қолаверди.

«Менинг аёлим — Фаластин инқилоби...», — дея таъкидлашни яхши кўрарди у журналистларга. Бироқ 1992 йили 63 ёшли Арофат ўзининг ягона муҳаббатига «хиёнат» қилди ва 28 ёшли гўзалга, иқтисодий масалалар бўйича ўз маслаҳатчиси Суҳа Тауилга уйланди. Муҳаббат ҳаққи христиан динининг православ мазҳабига мансуб аёл ҳатто ислом динини ҳам қабул қилди ва ораларидаги 35 ёшлик фарқни енгиб ўта олди. Адолат юзасидан айтиш лозимки, улар ҳали 1989 йилнинг ноябридаёқ турмуш қуришган, аммо буни ҳамма жойда ҳозир нозир журналистлар хабар топгунларига қадар сир тутганлар. Арофат билан Суҳанин тўйлари ҳақида фақат энг яқин сафдошларигина билардилар, аммо улар раҳнамоларининг шахсий ҳаётини ошқор қилишни маъқул кўрмадилар. Айнан ўша журналистлар Суҳа бу Арофатнинг иккинчи хотини эканлигидан далолат берувчи фактларни «излаб топдилар». Унинг биринчи турмуш ўртоғи Наджла Ясин эди. Унинг мавжудлиги ҳақида ҳатто фаластинликлар орасида ҳам камдан-кам одам хабардор эди. ФОҚТ раҳбари у билан ўз муносабатларини расмийлаштирмаган. Наджла кўпроқ Умм-Наср таҳаллуси билан машҳур. 1995 йили ФОҚТ етакчиси фарзанд кўрди. Бундан ташқари оилада Арофат ҳали уйланмасдан аввал фарзандликка олган 12 та фаластинлик ёш болалар ҳам тарбияланишарди. Абу Аммарнинг сафдошлари тасдиқлашларича, у ФАТХ ва ФОҚТ мулкларини назорат қилиб турса ҳам, ҳатто уйланганидан кейин ҳам унинг ўз уйи ва мол-мулки бўлмаган. Унинг кийими — бу икки-учта ярим ҳарбий форма

ва катак-катак «куфия». У олган барча совғаларини очиб кўрмасдан туриб сафдошларига берарди.

Шунингдек овқат ҳам уни қизиқтирмасди. Ишда ёрдамчилари нимани тайёрласалар, шуни истеъмол қиларди. Товуқ шўрва, гуруч, сэндивичлар, десертга эса ҳолва ва чой. У бу егуликларга айна дамда қабулхонада турганларни таклиф этишни ҳам яхши кўрарди. У чекмас ва ичмас эди. Бундай ҳаёт тарзи одамларга раҳбарлик қилишнинг ўзига хос калити эди. Арофат ўз сафдошларининг ҳаёт лаззатлари ва маишатларидан воз кечишни хоҳламаганликларидан уддабуронлик билан фойдаланарди. Яқинлари унинг шўхликларини кўрмаганликка олганлиги ва ҳатто маъқуллаганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Агар эрталабки бир нечта машқларни ҳисобга олмасак, Арофат спорт билан шуғулланмас эди. У китоб ўқимас, мусиқа тингламас, театр ёки музейларга бормас эди. Фақат ташрифлари пайтида, ўз самолётида мультфильмлар кўрарди. Унинг севимли мультфильми «Том ва Жерри» эди, чунки сичқон доимо ғолиб бўлади. Абу Аммар рамзийлик устаси. Аскарга унчалар ҳам ўхшамаганлигидан у ўзининг кундалик кийими учун ҳарбий «хаки» рангини танлаган ва доимо белида тўппонча олиб юрган. Катак-катак куфия-рўмол уни оломондан ажратиб турган, эҳтимол бу шунчалар мураккаб шароитда яшовчи одам учун хавfli бўлгандир, аммо обрўсини кўтариш ҳақида гап кетганда бебаҳо бўлган. Токи Арофат мандат остида бўлган фаластинликлардай кия бошламагунича, бош кийими унчалик аҳамиятга эга эмас эди. Тез орада бу бош кийими Фаластинга мансубликнинг белгиси бўлиб қолди.

Кўпгина араб даҳолари (шу жумладан Йордания қироли Ҳусайн ва Сурия президенти Ҳофиз Асад ҳам) Арофатни бир неча бор алдов ва сотқинликда айблаганлар, унга «ишониш мумкин эмаслиги» ҳақида огоҳлантирганлар. ФОҚТ етакчисига қарши бундай айбловлар Исроилда ҳам айтилган. Гап шундаки, у Қоҳирада имзоланган Исроил-Фаластин келишувига зид бўлган бир қатор баёнотлар берган. Йоханнесбургдаги масжидда мусулмонлар олдида сўзга чиқиб, у Қуддуси шарифни озод қилиш учун «жиҳод»га («муқаддас урушга») чақирди. Бу йиллари бошқа ҳар қандай сиёсий арбобга нисбатан Абу Аммарга суиқасд кўпроқ бўлди. Бунга биринчи навбатда Исроил махсус хизмати кўпроқ уринган. Масалан, 1982 йили фаластинликлар Байрутни тарк этаётганларида Исроил снайперлари машҳур катак-катак куфияни нишонга олиб тургандилар. Аммо «Арофат ўлдирилмасин!» деган буйруққа бўйсунмишга мажбур бўлдилар. Кейинроқ, 1985 йили Исроил авиациясининг Тунисга қилган ҳужуми пайтида уни вайроналар остига кўмишлари ҳам мумкин эди, ахир бу ҳужум оқибатида 73 киши ҳалок бўлган эди. Бироқ ФОҚТ етакчиси

ўша мудҳиш куни одатдагидек кечгача ишламаганди. Умуман у бир жойда устма-устига икки марта тунамас эди, ҳаракат йўналишларини мутгасил ўзгартириб турарди. «Эртага қаерда бўлишимни фақат ўзим биламан, — деб тан олганди ФОҚТ етакчиси. — Фақат машинага ўтираётгандагина кўрсатма бераман». Арофатни асровчиси бор, деган фикр ҳам мавжуд. Ўттиз йиллик ҳарбий-сиёсий фаолияти давомида у қанча тўс-тўполонларда бўлганлигини эслашнинг ўзи кифоя. Иордания билан келишмовчиликлар пайтида фаластинликлар бу мамлакатдан сиқиб чиқарилган 1970 йилнинг «қора сентябри» ҳам уни бука олмади. То 1982 йилгача ФОҚТнинг кучли ички тузилмаси мавжуд бўлган Ливандаги мағлубиятдан кейин ҳам у ташкилотни тарқаб кетишдан асраб қола олди. 1992 йили Саҳрои Кабирдаги авиаҳалокатни ҳам бошидан кечирди. Ўшанда у 13 соатлик ёрдам кутиш вақтини дўстларига мадад бериб ва ёввойи ҳайвонларни қувиб ўтказганди. Ўша пайтда Арофат ва унинг командаси ҳаётини... исроиллик радиоҳаваскор сақлаб қолганди. У экипаж жўнатаётган ҳалокат (SOS) сигналини ушлаб қолди ва ФОҚТ етакчисининг маслаҳатчисига қўнғироқ қилди. Ёрдамчи эса ўз навбатида авиаҳалокатдан мутлақо беҳабар бўлган Ливия ҳукумати билан боғланди.

Аммо барибир ҳам, Абу Аммардан кўплар норози эдилар: муҳтожликни бошидан кечириётган мухторият аҳолиси, ХАМАС экстремистик ташкилоти ва «Ислом жиҳоди» ҳаракати фаолларидан унинг буйруғига кўра қамоқхоналарга ташланганлар (улар Фаластин полицияси билан қонли тўқнашувларни уюштирган эдилар) ва, ниҳоят, унинг террор билан курашидан фойда кам бўлаяпти деб ҳисобловчи исроилликлар. Шунинг учун ҳам дастлабки пайтларда Арофат мухториятда ўз ҳокимиятини мустақамлаш учун қанча курашишига тўғри келган бўлса, тирик қолиш учун ҳам шунча кураш олиб боришига мажбур бўлди. Исроил ФОҚТ етакчисини «сионистик душман» кўрсатмаси билан иш юритаётганликда айблашлари учун асос яратмасликка ҳаракат қилган бўлса ҳам, Арофатнинг аҳволи жуда қалтис эди. У террорни тугатишни ёки ҳеч бўлмаганда уни назорат остида ушлаб туришни истарди. Бироқ у бу ишни амалга ошира олмади, чунки мухториятнинг ўттиз фоиз аҳолиси ўша пайтда «Ислом жиҳоди» ва ХАМАСни қўллаб-қувватлар эди. Уларга қарши курашиш — фуқаролар урушини келтириб чиқаришни англатарди.

Абу Аммар доимо иш билан эди... Баъзан унинг шахсий ҳаёти мутлақо йўқдек туюларди. Унинг ташқи хотиржамлиги ва некбинлиги ортида Фаластин маъмурияти ҳар куни дучор бўладиган муаммоларни пайқаб олиш доимо ҳам мумкин бўлавермасди. Ахир кўп йиллик қуролли курашлардан сўнг ўз миллий давлатини тинч қуриш йўлига ўтиш фақатгина Исроил

босқинининг оғир асоратлари, муҳолифат қаршилигини енгиб ўтиш зарурлиги билангина эмас, Фаластин ерларининг катта қисми ҳали ҳам Исроил назорати остидалиги билан ҳам мураккаб эди. У исроилликларга ҳали 1988 йилиёқ таклиф қилган «мардлар сулҳи» барибир амалга оширилди. Фаластин миллий мухторияти Ғазо сектори ва Иерихон шаҳри атрофи (Иордан дарёсининг ғарбий соҳили) билангина чекланган бўлсада, бу бўлғуси мустақил Фаластин давлатининг тимсоли эди.

Фаластин миллий мухторияти маъмуриятининг раҳбари 2006 йили 11 ноябрь, пайшанба куни эрталаб 76 ёшида Париж яқинидаги француз ҳарбий госпитали — Персида вафот этди. Госпиталга ётқизилганининг 14-куни, икки инқироздан сўнг, чуқур ҳушсизлик ҳолида бўлган Арофатнинг юраги уришдан тўхтади. Арофатнинг васиятига кўра у Қуддусда, Ал-Акса ёнида кўмилиши лозим эди. Бироқ Исроил ҳукумати бунга розилик бермади.

Арабларнинг бирлашуви — Фаластинга йўл эмас, Фаластин — арабларнинг бирлашувига йўл... (Ёсир Арофат)

«ХЎЖАЙИН»



АСАД, ҲОФИЗ АЛ (ASSAD HAFEZ AL)
(06.10.1930 — 10.01.2000) — Сурия президенти

Ўрта Ер денгизи қирғоғидаги жойда дунёга келди ва оиладаги саккизинчи фарзанд бўлди. Унинг отаси деҳқон Сулаймон ал-Асад эди.

Асадлар оиласи кичик диний гуруҳга — мусулмонларнинг алавийя мазҳабига мансуб эди. Алавийлар ҳозирги Сурия аҳолисининг қарийб ўндан бирини ташкил қилади ва ислом шиялиги ҳамда христианликнинг ғаройиб аралашмаси бўлган мазҳабга эътиқод қиладилар. Улар халифа Алини Муҳаммад с.а.в.дан юқори кўядилар, Исо Масиҳга сиғинадилар ва «причастие»¹ маросимини бажарадилар. Ортодоксал² мусулмонлар алавийлар жамоасига нафрат аралаш биров қўрқув билан муносабатда бўлардилар. Бунга кўпинча алавийларнинг баъзи бир ғалати одатлари, масалан, ибодат қилиш маросимини қабристонда ўтказишлари сабаб бўларди. Ҳофиз Асад президент бўлганидан кейин ўзининг мазҳабдошлари обрўсини кўтариш учун кўп куч сарфлади. Жумладан, у шия

¹ *Причастие* — христианларнинг диний маросимларидан бири.

² *Ортодоксал* — изчиллик, содиқлик, эътиқоди мустаҳкамлик.

имомларидан бирининг алавийларни ҳам мусулмон деб тан олиниши лозимлиги ҳақида фатвоси чоп этилишига эришди.

Биринчи жаҳон урушидан кейин, Сурия Усманий турклар империяси ҳукмронлигидан озод бўлган даврлардан буён вазият жуда нотинч эди. Туркларнинг ўрнига келган французларга қарши кўзғолонлар умуман тўхтамасди. Фақат нисбатан хотиржам бўлган 1922 йилнинг ўзида Сурияда Франциянинг 5 мингта аскарлари ўлдирилди.

Ҳофиз Асаднинг болалиги ва ўсмирлиги сиёсатга тўлиб-тошган бир муҳитда ўтди. Француз кўшинлари бирорга ўқ отмасдан Сурияни тарк этганларида у эндигина 16 ёшга кирганди. Сурияликлар бундан худди ўз ютуқларидек мағрурландилар, бу эса адолатдан эмас эди: Франция ўз кўшинларини Совет Иттифоқининг сиқуви остида чиқаришга мажбур бўлди. Бироқ Сурияда миллий туйғуларнинг қайнаб топишига бу заррача ҳам халақит бермади. Бу пайтга келиб Асад жонажон масканини тарк этди ва маълумот олишни яқунлаш учун Латакияга борди. У шаҳарда сиёсий масалалар билан жиддий шуғулланишга киришиб кетганлиги ажабланарли эмас. Тез орада у Араб социалистик уйғониш партиясига (БААС) кирди. Ўшанда бу партия яширин ҳолатда эди ва Сурияда ҳаммаси бўлиб 500 га яқин аъзоси бор эди. БААСнинг мафкураси ўзида социализм ва национализмни бирлаштирарди. Партия йўлбошчилари чет эл капиталига асосланган барча компанияларни миллийлаштиришни ва барча араб давлатларини бирлаштиришни талаб қилардилар. БААС дунёвий партия сифатида яратилган ва ҳозиргача ҳам шундайлигича қолди, унинг Ислом динига бефарқ эканлигини тушуниш осон: партия асосчиси Мишель Аффляк Христиан динига эътиқод қилган. БААСнинг бўлимлари кўпгина араб мамлакатларида иш олиб боради, лекин партия Ироқда ва Сурияда энг кўп муваффақият қозонган ва шу икки давлатда ҳукмрон партияга айланди. БААСчиларнинг диний бефарқлиги туфайли Ҳофиз Асаднинг алавийлиги унинг партиявий ўсишига халақит бермади. Ҳали юқори синфда ўқиётганидаёқ, Асад БААСнинг Латакиядаги шаҳар кўмитаси раиси бўлди. 1948 йили биринчи араб-исроил урушида бўлғуси президент фақат тасодифий бир ҳол туфайли қатнаша олмади: У жанговар ҳаракатлар бошланганидан хабар топиб борганида Дамашқдаги кўнгилчиларни қабул қилиш пунктидагилар уни жуда ҳам ёшлиги сабабли рад қилдилар.

1951 йили у Суриялик талабалар Иттифоқининг президенти қилиб сайланди. 1952 йили Химсдаги ҳарбий академияга кирди, Алепподаги билим юртида ўқиди ва уни 1955 йили тамомлади, кейин СССРга кетди. Бирлашган Араб Республикаси ташкил топганидан сўнг (1958 йил 1 февралда Миср ва Сурия ҳукуматларининг ўзаро келишуви натижасида янги уни-

тар давлат — Бирлашган Араб Республикаси тузилди — 1961 йил Миср ва Сурия республикаларига ажралди.) Асад Қоҳирага йўналтирилди ва у ерда реактив қирувчилар эскадрильяси командири бўлиб хизмат қилди. Миср билан иттифоқ масаласига муҳолифона қарашлари учун у қуроли кучлардан ҳайдалди. Қоҳирада яширин ҳарбий қўмита тузди ва баасчиларнинг тарафдорлари ҳаракатида қатнашди. Сиёсат Ҳофиз Асаднинг ягона қизиқиши эмасди. Ўсмирлигида у врач бўлишни орзу қиларди. Аммо биринчи араб-исроил уруши таъсири остида ёки медицина маълумоти олишга маблағ етишмадими (расмий таржимаи ҳолида шундай дейилган), у ҳарбий касбни танлади. Бўлғуси президент Сурия ҳарбий коллежларидан бирининг учувчилик бўлимига ўқишга кирди. Уни тугатгач Асад ўзининг 50-йилларга келиб обрўли сиёсий кучга айланган БААС партиясидаги алоқалари тўғрисида Сурия ҳарбий-ҳаво кучлари (ҲҲК) Академиясига ўқишга кира олди, кейин эса Миср ва Совет Иттифоқига тажриба орттиришга жўнатилди. Қирғизистон пойтахти Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳри яқинидаги ҳарбий базада қирувчи-учувчилик маҳоратини ўрганган капитан Асаднинг ўша пайтдаги совет раҳбарлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганлиги шубҳали. Фаол ташвиқотларга қарамасдан у советларникига ўхшаш эътиқодли социалистга ҳам айланмади. Лекин бир неча йилдан кейин Асад Сурияда ҳокимият тепасига келганидан сўнг СССРдагилар билдиларки, у «ўзимиздан».

Асаднинг партиядаги ишлари ҳам бундан ёмон бўлмади. Ўтган асрнинг 60-йилларининг бошларида у Суриядаги БААСнинг йўлбошчиларидан бирига айланди, бунинг устига унинг энг муҳим — ҳарбий қанотини назорат қиларди. Ўзининг партиядаги обрўсидан фойдаланиб у алавийлар жамоасидан етишиб чиққанларни юксак лавозимларга фаоллик билан силжитди. Ниҳоят, у энг бой ва обрўли алавий уруғларидан бирининг вакиласи бўлган Аниса Махлуфга уйланиб, мазҳабдошлари ўртасидаги ўз мавқеини жиддий мустаҳкамлади. Бунинг барчаси уни давлат лавозимларининг чўққисига олиб келди. 1963 йил 8 мартда Суриядаги БААС инқилобидан кейин Асад бригада генерали, Сурия ҳарбий ҳаво кучларининг қўмондони бўлди, сўнгра, 1966 йили 23 февраль инқилоби деб аталмиш тўнтариш оқибатида ҳокимият тепасига сўл баасчилар келганидан кейин, мудофаа министри бўлди. Партиядош ўртоқлари Суриядаги барча минерал ресурсларни ва саноатни миллийлаштиргани, Исроилга «олти кунлик» урушни 1967 йилнинг июнида бой берганларини ва бунинг натижасида Жўлан тепаликларини ҳамда Эл-Кунейтра шаҳрини йўқотганликларини хотиржам кутиб турди. Кейин эса, аҳолининг норозиликларидан фойдаланиб, хатоларни

тузатиш ёки бундай ҳолларда, унинг совет ҳамкасблари айтганларидек, бурилишларни тўғрилаш шиори остида ҳарбий тўнтариш уюштирди.

1970 йилнинг ноябрига қадар мустақил Суриянинг қисқагина тарихида йигирмадан ортиқ ҳарбий тўнтаришлар бўлди. Асад уюштирган тўнтариш уларнинг энг охиригиси эди. Шу пайтгача сиёсий рақиблардан ҳеч бири сулола ҳукмронлигини жиддий қўзғатишнинг уддасидан чиқмаган эди. Сўл баасчилар томонидан миллийлаштирилган баъзи кичик саноат корхоналарини эгаларига қайтариб бериш билан Асад аввалги ҳукуматдан норозилик тўлқинини сўндирди. Нефть саноатини тўлалигича ўз назоратига олганидан сўнг эса, у Сурия иқтисодининг тўла ҳуқуқли хўжайинига айланди. Яқин атрофдагилар уни ўзаро айнан «хўжайин» деб атадилар. Армия ва махсус хизматларни ҳали ҳам аввалгидек алавийлар жамоасидан чиққанлар бошқарарди. Исломнинг бу йўналишига эътиқод қилмайдиган мулкдор оилалар вакиллари хўжалик соҳаларидаги мансабларга қаноат қилардилар. Президент (Ҳофиз Асад бу лавозимни 1971 йил март ойида «халқнинг хоҳишига кўра» эгаллади) ва бир вақтнинг ўзида фельдмаршал унвонини олган бош қўмондон бутун ҳукмронлик тизими устида юксалиб турарди.

Асад президентлигининг ташқи сиёсатдаги асосий гоёси Исроилга қарши муросасиз кураш бўлди. 1973 йили салмоқли совет ёрдамини олган Сурия президенти Жўлан тепаликларидаги бир неча йил аввал бой берилган ерларини қайтариб олишга уриниб кўрди. Бироқ исроилликлар ҳужумни қайтардилар ва Сурия ҳудуди ичкарасига шунчалар кириб бордиларки, ҳатто Дамашққа артиллерия зарбалари беришлари мумкин эди. Тўлиқ тор-мор бўлишдан Асадни фақат қўшни араб давлатларининг ёрдами ва совет дипломатларининг БМТ Хавфсизлик кенгашидаги фаол ҳаракатларигина қутқариб қолди. Аммо бу мағлубият мамлакат ичкарасида президент обрўсининг пасайишига олиб келмади. Худди Саддам сингари Асад ҳам барча ҳолатларга қарамасдан, буюк қўмондон эканлигига халқни ишонтира оларди. Бундан ташқари, уруш натижасида Асад эга бўлган букилмас иродали жангчи роли ҳарбий ютуқлардан қатъи назар ўзини ўзи оқларди. Ана шу ролдан фойдаланиб Сурия президенти араб нефть қиролларидан ҳам, СССРдан ҳам йирик молиявий ёрдамлар ола бошлади. Суриянинг ҳарбий харажатлари 70—80-йилларда давлат бюджетининг ярмини ютиб юборарди. Натижада Асад араб ўлчамларига кўра анчагина кучли армия тузишга эришди. Ҳатто фуқаролар уруши анча заифлаштирган қўшни Ливаннинг каттагина қисмини босиб олиб, 1973 йилги мағлубият учун бир қадар ўч олишга ҳам эришди. Тўғри, тантана узоққа чўзилмади. 80-йиллар-

нинг бошларидаёқ «енгилмас» қўмондон Ҳофиз Асадни яна бир марта тор-мор қилган Исроил Ливанда сурияликларни сиқиб қўйди. Баъзи бир Сурия дивизияларига совет ҳарбий маслаҳатчилари қўмондонлик қилганлиги ҳам ёрдам бермади. Ливаннинг Сурия назорати остида қолган ҳудудлари Исроилга қарши террористик ташкилотларни етиштириш учун озуқа манбаи бўлиб қолди. Ҳофиз Асад «Хизболлоҳ»ни Эрон билан биргаликда, «Ислом жиҳоди»ни эса — бир ўзи таъминларди. Фаластинни озод қилиш ташкилоти билан муносабатлар мураккаброқ бўлиб борарди. Нефть қиролларининг молиявий ёрдами учун рақобатлашаётган Ҳофиз Асад ва Ёсир Арофат бир-бирини жуда ёқтирмасдилар. Тўғри, чет эллардаги исломчиларни қўллаб-қувватлайдиган Ҳофиз Асад ўз мамлакатада уларга тоқат қила олмас эди. Ўнлаб йиллар давомида Сурияда фаолият юритаётган «Мусулмон оғайнилар» экстремистик ташкилот етакчилари доимо аҳолига «соф» ислом нуқтаи назаридан президентининг «нотўғри» диний мансублиги ҳақида эслатиб турарди. Бундай ташвиқотдан хавотирга тушган Асад «оғайнилар»га нисбатан жуда қаттиқ чоралар қўллашга киришди. 1982 йили унинг қўшинлари исломчиларнинг асосий маркази жойлашган, катталиги бўйича Суриянинг учинчи шаҳри бўлган Хамани бир ойлик қамал ва ўққа тутишлардан сўнг ҳужум билан эгаллади. Курбонлар сони бир неча ўн мингга етди.

Натижада йигирма йил ҳукмронликдан сўнг Ҳофиз Асаднинг фақат икки душмани — кексалик ва касаллик қолди, холос. 90-йилларда врачлар унда диабет ва лейкемия (оқ қон касаллиги) борлигини аниқладилар. Сурия президенти бир неча инфарктларни бошдан кечирди. Даволанишнинг қўшимча асоратларидан бири сочларнинг тўлиқ тушиб кетиши бўлди. Шунинг учун омма олдида Асад бош кийимида кўриниш берар, намоийшкорона портретларда эса уни ҳали ҳам қуюқ, «шер»га хос бўлган соч билан тасвирлардилар.

Ҳокимиятни ўғилларидан бирортасига бериш ҳақида президент аллақачондан буён ўйлай бошлаганди. У анча пайтлар ворис ролига катта ўғли Баселни тайёрлади, бироқ 1994 йили ворис автоҳалокатда оламдан ўтди. Кўплар ҳалигача бу Асаднинг яқин атрофидагилардан ҳокимиятга даъво қилувчилар томонидан уюштирилган деб ҳисоблайдилар. Қандай бўлганлигидан қатъи назар президентнинг янги ворис қидиришига тўғри келди. У катталиги жиҳатидан иккинчи ўғлини, акасининг ўлими пайтида 29 ёшга тўлган Башарни танлади. Ўша вақтда Лондондаги тиббий марказлардан бирининг ординатурасида офтальмологликка ўқиётган Башар Асад дав-

лат раҳбари бўлиш ҳақида ўйламасди. Бироқ режаларни тезликда ўзгартиришга тўғри келди. Ҳофиз Асад ўғлини Лондондан чақириб олди ва шошлинч тарзда врачни бўлғуси президентга айлантира бошлади. Бошланишида Башар капитан унвони билан Суриянинг сара ҳарбий бирлашмаси — Республика гвардияси дивизиясига қабул қилинди. Кейин унга баъзи бир ички ва ташқи сиёсий ишлар топширилди.

Бунда Ҳофиз Асад ўғлига фақат унинг машҳурлиги ортиб боришига хизмат қиладиган ишларни топширишга уринди. Масалан, Башар фуқароларнинг шикоят ва мурожаатларини кўриб чиқиш бюросини ва коррупцияга қарши кураш кампаниясини бошқарди. Бу эса Асадга ўғлининг баъзи бир бўлғуси рақибларидан ўз вақтида қутилиш имконини ҳам берди. Масалан, Асаднинг ўз ўлимидан салгина аввал мамлакат премьер-министри Маҳмуд Зуби пора олишда айбланди ва ўз жонига қасд қилди. Ҳарбий контрразведканинг жуда обрўли раҳнамоси генерал Али Дуба истеъфога чиқарилди, унинг ўрнини эса Ҳофиз Асаднинг куёви, Башарнинг яқин дўсти Асеф аш-Шавкат эгаллади. Ниҳоят, Дамашқда Ҳофиз Асаднинг кичик укаси, қачонлардир «муслмон оғайнилар»ни йўқ қилишда муҳим роль ўйнаган, аммо ундан кейин ҳаддан ташқари ўзига бино қўя бошлаганлиги учун президент томонидан узоқроққа, Швейцарияга қувғин қилинган Рифаатга тегишли бир нечта компаниялар йўқ қилинди. Шунини таъкидлаш керакки, сиёсий рақибларини тор-мор қилишда Башар Асаднинг ўзи фаол иштирок этди. Барча тахминларга қарши равишда у тезда врачдан бўлғуси диктаторга айланди. Яна, бунинг устига, Исроил премьер-министри Эхуд Барак ўз қўшинларини Жанубий Ливандан олиб чиқди. Бу воқеа Сурияда мамлакат раҳбариятида Ливан йўналишига масъул бўлган Башарнинг йирик ғалабаси сифатида қабул қилинди. Ҳофиз Асад шунчаки замонавий Сурияни яратган ва унинг умрбод президенти бўлиб қолган эмас. У ўтган асрнинг бутун охиригача чораги давомида Ёсир Арофат ёки Иорданиянинг марҳум қироли Ҳусайн сингари Яқин Шарқ сиёсатининг рамзларидан бири бўлди.

Оқибатда ҳокимиятнинг отадан ўғилга ўтиши жуда осон кечди. Ҳофиз Асад вафот этган кун — 2000 йилнинг 10 январида Сурия парламенти конституциясига ўзгартириш киритди. Бу ўзгартириш президентга номзодлар ёшига қўйилган чеклов 40 дан 34 ёшга (Башар шу ёшда) пасайтирилди. Шундан кейин депутатлар бир овоздан Башарни президент қилиб сайладилар, сал кейинроқ эса референдум ўтказилди. Бу референдумда депутатларнинг қарорини 97 фоиз сайловчилар маъқуллади, бунда кўпги-

на алавийя жамоасидан чиққан сурияликлар бюллетенларга ўз қонлари билан белги қўйдилар.

Ҳозирча Башар ҳокимиятни асраш вазифасини ҳар қалай уддалаяпти. Сўнги пайтларда мамлакатдаги нотинчликлар туфайли бу ишни бажариш борган сари қийинлашиб бораёпти. 2011 йил июлда у мухолифат вакиллари билан мамлакатда демократик ислохотлар ўтказиш борасида музокараларга розилик берди. 2004 йили туғилган биринчи ўғлига у отаси шарафига Ҳофиз деб исм қўйди. Бунда у келажакда Сурияни Ҳофиз II бошқаришига очикдан-очиқ ишора қилган бўлса ажаб эмас. Фақат муаммо шундаки, тож ворислигига НАТО қўшинлари халақит беришмасмикин?

Сурия президенти Ҳофиз Асад 2000 йил 10 январда Дамашқда тўсатдан вафот этди. Ўлимнинг сабаби юракнинг тўхтаб қолиши бўлди.

«ЧОЛ»

БЕН-ГУРИОН, ДАВИД (BEN-GURION, DAVID)



Эрец-Исраэльга келгунига қадар — Грин Давид Иосеф, (16.10.1886, Плонск, Польша — 01.12.1973, Тель-Авив) — Мандат остидаги Фаластинда яҳудий ишчилар ҳаракатининг етакчиси, Исроил давлатининг биринчи премьер-министри

Истамбул университетида тугатган. 1930 йиллардан яҳудий аҳолиси расмий органлари ва сионистик ташкилотнинг Эрец-Исраэлда яҳудий давлати тузиш учун курашини бошқарди. Эрец-Исраэлда яҳудийларнинг давлат мустақиллигини эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинишида ҳал қилувчи роль ўйнагани ва 1948 йилнинг 14 майида Исроил давлати тузилганлигини эълон

қилгани туфайли унинг фаолияти исроилликлар жамиятининг ва исроил давлатчилигининг шаклланишида чуқур из қолдирган.

Таълим идиш тилида эмас иврит тилида олиб бориладиган янгиланган хедерда¹ ўқиган Бен-Гурион ўз отасининг таъсири остида болалигидан сионизм гояларига берилди. 1903 йили сионистик ишчилар ҳаракати Поалей Ционга қўшилди, 1906 йилда эса Эрец-Исраэлга кўчиб ўтди. Бу юртга келган дастлабки кунларданоқ Бен-Гурион жамоатчилик фаолияти би-

¹ *Хедер* — яҳудийларнинг ўғил болалар учун бошланғич диний мактаби. Ҳозир ҳам баъзи мамлакатларда сақланиб қолган.

лан жиддий шуғуллана бошлади. У дарҳол фақат бир неча ўнлаб аъзога эга бўлган Поалей Цион партиясининг марказий кўмитасига сайланди. 1906 йили Рамлада бўлиб ўтган конференцияда партия Фаластин маркази учун Б. Бороховнинг сионистик-марксистик ғоясига мое равишдаги дастурини шакллантиришда иштирок этган. Ўша пайтлардаёқ Бен-Гурион иврит тилини мамлакатдаги яҳудий ишчилар ҳаётига тўлиқ кириб боришининг оташин тарафдори эди. 1910 йили у партиянинг органи бўлган «Ха-ахдут» таҳририятининг аъзоси бўлди. 1911 йили Бен-Гурион сионистик конгрессга ва Поалей Цион партиясининг Венада бўлган конференциясига делегат бўлиб сайланди. Ўша йилиёқ у ўз сафдоши И. Бен-Цви билан бирга ҳуқуқни ўрганиш учун Истамбулга кетди. Бунда у султон кулатилгандан кейин «Ёш турклар» бошқараётган Туркиянинг янги интеллигенцияси билан алоқа ўрнатишга уринди.

Биринчи жаҳон урушининг бошларида Бен-Гурион Фаластинда яҳудий давлати қуришга қаратилган яширин фаолият юритишда айбланди — у пайтда Фаластин Усмонийлар империясининг бир қисми эди — ва Мисрга сургун қилинди, у ердан Бен-Гурион АҚШга кетди. АҚШда у аъзолари уруш тугаши биланоқ Эрец-Исраэлга кўчиб боришлари керак бўлган ёшлар ташкилоти билан шуғулланди. 1917 йили Нью-Йоркда Пале Мунвейсга уйланди. Пале эллик йилдан ортиқроқ вақт давомида унинг содиқ ёри бўлиб қолди (1968 йили вафот этган). Фаластинни озод қилиш учун курашда қатнашиш мақсадида яҳудийлар легионида (бу легион Канада армиясининг бир қисми ҳисобланарди, чунки АҚШ Туркия билан уруш ҳолатида эмасди) ва 1918 йилнинг августида қирол ўқчиларининг 39-полки таркибида Мисрга келиб тушди. Урушдан кейин Фаластинга қайтди. Бальфур Декларациясидан кейин Бен-Гурион авваллари ўзи қарши бўлган фикрнинг — Британия армиясида яҳудий қисмларини тузишнинг тарафдори бўлди. 1919 йили Яффанда Поалей Ционнинг 13-конференцияси бўлиб ўтди. Унда Бен-Гурион мамлакатдаги ва чет эллардаги яҳудий ишчиларини қадим ватандаги хўжалик кооперацияси, ўзаро ёрдам ва коллективизм каби социалистик тамойилларга асосланган янги жамиятни шакллантиришда асосий сиёсий кучга айланиши лозим бўлган ягона ташкилотга бирлашишга чақирди.

1920 йили Хистадрут ташкил қилинди. Бен-Гурион унинг Бош котиби этиб сайланди ва 14 йил ана шу лавозимда турди. Бен-Гурион раҳбарлиги остида Хистадрут фақат касаба уюшмалар бирлашмасидангина эмас, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва савдо корхоналарининг концернидан ҳам иборат бўлган ишчиларнинг қудратли ташкилотига айланди.

Хистадрут доирасида ишчилар соғлиғини сақлаш марказий кассаси (куп-пат-холим), ўқув муассасалари тармоғи ташкил этилди. Шунингдек, анча вақт мамлакатдаги яҳудий аҳолисининг мудофаа ишлари ҳам унинг ихтиёрида бўлди. Бен-Гурион бу барча фикрларнинг ташкил қилинишида ва ҳаётга татбиқ этилишида фаол иштирок этди. Шунингдек, у арабларнинг меҳнатидан фойдаланган хусусий корхоналар ва давлат ташкилотларига яҳудий меҳнатини киритиш учун, шароитларининг яхшиланиши учун курашни ҳам бошқарди, иш ташлашларни уюштирди.

1920 йилларнинг бошларида Бен-Гурион Хистадрут билан совет касабачи иттифоқлари ўртасида муносабатлар ўрнатишга уринди. Бунда у СССРда сионистик-социалистик ҳаракатнинг очиқ фаолият олиб бориши учун аниқ имкониятлар яратилади ва совет ҳукумати яҳудийларнинг СССРдан Эрец-Исраэлга кўчиб ўтишларига рухсат беради, деб умид қиларди. Бен-Гурионнинг бу уринишлари натижа бермади. 1923 йили Москвада бўлиб ўтган, Хистадрут ҳам иштирок этган халқаро қишлоқ хўжалик кўрғазмаси вақтида СССРга келди. Бен-Гурионнинг сионистик ёшлар гуруҳлари билан учрашувлари уларнинг жипслашишларига ва СССРда яширин халуциан ҳаракатини (айниқса Ха-Шомер Ха-Цаъирни) ташкил қилишга анча таъсир кўрсатди.

1920 йилларнинг ўрталарига бориб социалистик ҳаракатларнинг кучайишига қаршилик қилувчи гуруҳлар ташкил бўлди. Мухолифатдаги гуруҳлар ва партиялардан энг йириги ва обрўлиси В. Жаботинский бошқарган сионистик-ревизионистлар ҳаракати бўлди. Сионист-социалистларнинг бу ҳаракат билан шиддатли курашларини бошқарган Бен-Гурион улар билан бўлган баҳсларда «синфдан — халққа» формуласини олға сурди. Унга кўра ишчилар синфи яҳудий миллий уйғонишининг етакчи кучи ва шунинг учун ҳам гегемонлик роли ишувда¹ ҳам, умумий сионистик ҳаракатда ҳам унга тегишли бўлиши лозим. 1930 йили Мапай ишчи партияси ташкил қилиниши билан Бен-Гурион унинг асосий етакчиларидан бири бўлди. 1930 йилларнинг бошларида, 18-Сионистик конгресс арафасида Мапай партияси Жаҳон сионистик ташкилотида кўпчилик овозга эришиш мақсадида кенг сайловолди кампаниясини олиб борди. Бу кампания муваффақият қозонди. 1933 йили Прагада бўлиб ўтган конгрессда ишчилар партияларининг вакиллари делегатларнинг 44 фоизини ташкил қилди ва Бен-Гурион Сионистик ташкилот ҳамда Яҳудий агентлиги (ЯА) бошқаруви ижроия қўмитаси аъзоси этиб сайланди. Сионистик ҳаракатда тўлиқ

¹ *Ишув* (ивр. «яшаш жойи», «аҳоли», «жойлашув») — Эрец-Исраэл яҳудий аҳолисининг умумий номланиши.

ихтилоф рўй беришидан хавотирланиб Бен-Гурион ва Жаботинский Хистадрут билан ревизионистлар ҳаракатига қўшилган ишчилар ўртасида келишув дастурини ишлаб чиқдилар. Аммо бу дастур плебисцитда¹ Хистадрутнинг кўпчилик аъзолари томонидан рад қилинди. Айнан ана шу пайтларда Бен-Гурион Эрец-Исраэлдаги араб аҳолиси етакчилари билан муросага келишишга уриниб кўрди, бироқ улар билан музокаралар аниқ натижаларга олиб келмади. 1935—1948 йиллари Бен-Гурион ЯА бошқарувининг раиси бўлди.

1937 йили Британия ҳукумати Фаластиндаги арабларнинг тартибсизликлари сабабини аниқлаш учун қироллик комиссиясини тузди². Ўзининг комиссия олдидаги нутқида Бен-Гурион яҳудийларнинг мандат остидаги Фаластинга оммавий кўчиб келишлари, чўл ерларни ўзлаштириш ва уларда яшашлари учун шароит яратиш ҳақидаги талабни қўйди. Комиссия Фарбий Фаластинни бўлиб олиш ва Галилейни, Исроил ҳудудини ҳамда Ливан чегарасидан то Беер-Тувиягача (Тель-Авивдан жануброқда) бўлган ерларда яҳудийлар давлати тузишни таклиф қилди. Ҳоявий ва сиёсий баҳсларда тактик мулоҳазалар туфайли Бен-Гурион сионизмнинг мақсади яҳудийлар давлатини тузиш эканлигини расман эълон қилиш талабларига қарши эътироз билдирган бўлса ҳам, амалда, қанчалар кичик миқёсда бўлса ҳам мустақил яҳудий давлати тузиш яҳудийларни немис нацизми хавфидан қутқаришнинг ягона имконияти деб ҳисоблагани учун комиссия таклифини қабул қилиш тарафдори эди. Аммо Британия ҳукумати Фаластинни бўлиб олиш таклифини рад этди ҳамда яҳудийларнинг кўчиб келишларини энг кам даражагача қисқартирган ва мамлакатнинг қарийб бутун ҳудудида яҳудийларнинг ер сотиб олишларини ман этган Оқ китобни (1939) нашр қилди. Бен-Гурион Англиянинг сиёсатига кескин қарши чиқди ва намоийишлар уюштириш, яширин репатриацияни кучайтириш ҳамда яҳудийларнинг сотиб олишлари тақиқланган ерларга жойлашиш йўли билан унга қарши курашишга чақирди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида Бен-Гурион сионистик ҳаракат сиёсатини шундай баён қилди: «Биз урушда Британияга гўёки Оқ китоб бўлмаганидек ёрдам берамиз ва Оқ китобга қарши гўёки уруш бўлмаганидек курашаверамиз». У сиёсий кампания уюштириш учун АҚШга жўнаб кетди. Бен-Гурионнинг ташаббуси ва фаол иштироки билан сионист етак-

¹ *Плебисцит* — умумий овоз бериш, халқнинг фикрини билиш мақсадида ўтказиладиган сайлов, референдум.

² 1920 йил апрелда Сан-Ремо конференцияси қарорига кўра Фаластин Англия мандати остига ўтди. 1922 йили Миллатлар иттифоқи ушбу мандатни тасдиқлади.

чиларининг бир гуруҳи, жумладан Х. Вейцман ҳам Нью-Йоркда сионизмнинг янги дастурини туздилар. Унга биноан ҳаракатнинг мақсади Эрец-Исраэлда «янги жаҳон демократик тизимининг интеграл қисми бўладиган» мустақил яҳудий давлатини қуришдир.

Иккинчи жаҳон урушининг охирига бориб маълум бўлиб қолдики, Англия Эрец-Исраэлда яҳудий миллий ўчоғини йўқ қилиш сиёсатини давом эттиришга қарор қилган ва Бен-Гурион Британия ҳукмрон доираларига қарши фаол курашга чақирди. У бу курашнинг услублари деб Европадаги ҳалокатдан омон қолган яҳудийларнинг оммавий яширин иммиграциясини ташкил қилишни, бутун дунёда Британиянинг Фаластин масаласидаги сиёсатига қарши кучли тарғибот кампаниясини олиб боришни, мандатли ҳукуматнинг тақиқлаганига қарама-қарши тарзда янги яшаш жойлари ташкил қилишни ва алоҳида вазиятларда эса мандатли ташкилотларга қарши Хагананинг диверсион ишларини ҳам амалга оширишни лозим деб ҳисоблади. Шунинг билан бирга у Британияга қарши курашни бошқаришда қатъий марказлаштирилишга риоя қилишни талаб этди ҳамда ишуванинг сайлаб қўйиладиган органларига ва сионистик ташкилотларга итоат қилмасдан, Англияга қарши қуролли қўзғолон эълон қилган яширин ҳарбий яҳудий ташкилотлар — Эцел ва Лехиларнинг бирёқлама ҳаракатларининг мурасасиз душмани бўлди. Бу ташкилотларнинг ҳаракатлари ҳокимият томонидан ишсувага қарши аёвсиз жазо чоралари қўлланишидан хавотирланган ва сиёсий фактор сифатидаги террорнинг ҳақиқий душмани бўлган Бен-Гурион уларнинг ҳаракатларини бостириш учун то Британия мандатли маъмурияти билан ҳамкорлик қилишгача бўлган қатъий чоралар қабул қилишга чақирди. Бен-Гурион фақат қисқа муддатга учала ҳарбий ташкилотнинг (Хагана, Эцел ва Лехи) ҳаракатларини яҳудий қаршилик ҳаракати доирасида мувофиқлаштириш ҳақидаги келишувни тасдиқлади.

Бен-Гурион Англияга нисбатан сиёсий мурасасозлик йўлини тутган сионистик партиялар билан кескин баҳслар олиб борди. Мўътадил сиёсат тарафдорларининг тепасида Жаҳон сионистик ташкилотининг президенти Х.Вейцман турарди. 22-сионистик конгресс Бен-Гурионнинг тутган йўлини тасдиқлади. У яна Яҳудий агентлиги бошқарувининг раиси этиб сайланди. Яҳудийларнинг ўз-ўзини мудофаа қилиш масалалари ҳам Бен-Гурион ихтиёрига берилди. Ўшандан буён у ҳарбий кучларни ташкиллаштиришга алоҳида эътибор қаратди ва Хаганани мустаҳкамлаш учун кўп куч сарфлади, бу ташкилотнинг бўлажак яҳудий давлати армиясига айланиш йўлини белгилаб берди. 1947 йил 29 ноябрь куни БМТ Фаластинни

яхудий ва араб давлатларига ажратиш ҳақида қарор қабул қилди ва Бен-Гурион Эрец-Исраэль яхудий аҳолиси Халқ кенгашининг ҳамда кенгаш сайлаган Халқ бошқарувининг раҳбари бўлди. 1948 йилнинг баҳорида АҚШ ҳукуматининг яхудийлар давлати қуришни орқага суриш мақсадидаги тазйиқига ва Халқ бошқарувининг бир қатор аъзолари иккиланишларига қарамасдан, Бен-Гурион Британия мандатининг муддати тугаши билан дарҳол давлат мустақиллиги эълон қилинишини талаб қилди. 1948 йил 14 май куни Тель-Авивда Исроил давлатининг мустақиллик декларациясини ўқиди ва ўзи бу давлат вақтли ҳукуматининг бошлиғи бўлди.

Фаластинни бўлиш ҳақидаги БМТ қарори қабул қилинган (1947 йил 14 май) куннинг эртасигаёқ мустақиллик учун уруш бошланди. Урушнинг дастлабки куниданоқ Бен-Гурион ишува мудофаасига раҳбарлик қилди, 1948 йилнинг 14 майидан эса бостириб кирган бешта араб давлати армияларига қарши Исроил давлати чегараларининг ҳимоясини бошқарди. У мустақиллик эълон қилиниши биланоқ дарҳол расман ташкил қилинган Исроил мудофаа армиясининг тузилишини белгилаб берди. 1948 йилнинг ёзида «Альталента» жанжали ва Бернадотнинг ўлдирилишидан кейин Эцел ва Лехи ҳарбий ташкилотларини йўқ қилиб ва бироз кейинроқ Палмах штабини тарқатиб юбориб, Бен-Гурион тўлалигича фуқаролик ҳокимиятига бўйсундирилган Исроил қуроли кучларининг бирлигини таъминлади.

Биринчи чақириқ Исроил Кнессетига сайловларда партияларнинг ҳеч қайсиси мутлақ кўпчилик овозини ололмади. Мапай партияси нисбатан кўпчиликти (120 делегатдан 46 таси) олди. Президент Х. Вейцман бу партиянинг раҳбари сифатида Бен-Гурионга коалицион министрлар кабинетини тузишни топширди. Исроилнинг бу биринчи доимий ҳукуматида Бен-Гурион премьер-министр ва мудофаа вазири лавозимларини эгаллади. Бу ишларнинг кўпчилиги Бен-Гурионнинг ташаббускорлиги, ҳаракатчанлиги, тиришқоқлиги ва шахсий обрўси туфайли амалга оширилган эди.

1953 йил декабрда Бен-Гурион истеъфога чиқди ва Нагевдаги янги ташкил қилинган партиясиз Сде-Бокер киббуцига кирди. У ана шу тарзда саҳро ерларни ўзлаштиришга қанчалар эътибор беришини таъкидлади ва ёшларга шахсий намуна кўрсатди. 1955 йилнинг февралда Бен-Гурион Моше Шарет ҳукумати томонидан чақириб олинди ва Исроил хавфсизлиги масалаларининг кескинлашгани муносабати билан яна мудофаа вазириликни бошқарди. Қўшни мамлакатлардан Исроил ҳудудига кириб олаётган араб террористларининг бузғунчилик ҳаракатлари кучайганлигига жавобан Бен-Гурион ярашиш чизиғининг нариги томонида бир қатор мунтазам ҳарбий жазо операцияларини ўтказиш ҳақида буйруқ берди.

Учинчи чақириқ Кнессетига сайловлардан кейин (1955 йилнинг ноябри) Бен-Гурион яна ҳукуматни бошқарди, мудофаа министри лавозимини ҳам ўзида сақлаб қолди. Сувайш каналининг Миср ҳукумати томонидан миллийлаштирилиши, Мисрни совет қуроллари билан таъминлашнинг кучайтирилиши ва террористларнинг диверсион актлари яна Исроил хавфсизлигига раҳна солди ва бунинг оқибатида Бен-Гурион ҳарбий ҳаракатларни Франция ва Англия билан мувофиқлаштириб, Синай кампаниясини ўтказди. 1956 йили 29 октябрда Исроил армияси жанубга томон юра бошлади, олти кун давомида Синай ярим оролини ҳамда Ғазо минтақасини эгаллади ва Миср армиясига тор-мор қилувчи зарбалар берди. Аммо АҚШ ва СССРнинг сиқувлари остида Бен-Гурион ҳукумати бу ҳудудларни Мисрга қайтариб беришга мажбур бўлди, лекин келажақда мазкур ҳудудларда ҳарбий ҳаракатлар бошланишининг олдини олиш учун бу ерларда БМТ ҳарбий қисмларининг туришини олдиндан таъминлади.

1959 йилги сайловолди кампанияларида Бен-Гурион номзодларни сайлов округларидан кўрсатиш тизимини қўллаш тарафдори эди. Шу пайтгача пропорционал вакиллик тизими мавжуд бўлиб, унда бутун мамлакат гўёки бир сайлов округидек эди. У округлар бўйича сайловлар тизими Исроил жамиятини майда гуруҳларга бўлиниб кетишининг олдини олади ва муросаларга асосланган коалицион ҳукуматларни тузиш заруратини йўқотади деб ҳисобларди. Бироқ Бен-Гурионнинг фикри нафақат Кнессетда кўпчилик томонидан маъқулланмади, ҳатто Мапай партиясида келишмовчиликлар ҳам келтириб чиқарди. Бу Бен-Гурион ва унинг партияси ўртасида келишмовчиликларнинг бошланишини англатарди.

1960 йилнинг сентябрида мамлакат жамоатчилиги эътиборининг марказида «Лавон иши» турарди. Бен-Гурионнинг истеъфоси даврида мудофаа министри лавозимини эгаллаб турган Пинхас Лавон Исроил разведкасининг Мисрдаги 1954 йилги маглубияти учун ўзидан масъулиятни олиб ташлашларини талаб қилди. Бунга боғлиқ ҳужжатларни ўрганиб чиққан комиссия уни бу масъулиятдан озод қилди. Бен-Гурион комиссия қарорини тан олишдан бош тортди ва 1961 йилнинг январида партияга у билан Лавондан бирларини танлашни таклиф қилиб, истеъфога чиқди. Партиядаги жиддий келишмовчиликлардан сўнг Мапайнинг марказий қўмитаси Лавонни Хистадрут бош қотиби лавозимидан олиб ташлаш ҳақида қарор қабул қилди. 1961 йилнинг августидagi парламент сайловларидан сўнг Бен-Гурион яна ҳукуматни бошқарди. Аммо Бен-Гурион билан партия ўртасидаги келишмовчиликлар давом этаверди ва 1963 йилнинг июнида Бен-Гурион Леви Эшколни ўзининг ўрнига таклиф қилиб, яна ҳукумат-

дан чиқди. 1964 йили Бен-Гурион «Лавон иши»нинг судда кўриб чиқилишини талаб қилди, чунки буни у ўзининг бурчи ва энг муҳим масаласи деб биларди. 1965 йилнинг январида Мапай бу талабни рад қилди ва Хистадрут ҳамда Кнессетта сайловларда Бен-Гурион алоҳида Исроил ишчилар рўйхати (Решимат по`алей Исраэль, қисқартирилган варианты Рафи) билан қатнашди. Бу рўйхат Хистадрутда 12 фоиз овоз олди ва Кнессетта 10 та депутат йўллади. Олти кунлик урушдан сўнг Рафи партияси Мапай ва Тнуъа ле-ахдут хаъ-авода билан биргаликда Исроил меҳнат партиясига бирлашдилар. Бен-Гурион бирлашган партиёга кирмади. 1969 йил октябридаги сайловларда у Давлат рўйхати (Решима мамлахтит) бошида турди ва бу рўйхат бор-йўғи тўртта мандат олди. Келгуси йили Бен-Гурион Кнессетни тарк этди. У сиёсий ҳаётда ишгирок этишдан узил-кесил воз кечди ва ўзини тўлалигича Сде-Бокер киббуцида адабий ишга бағишлади.

Бен-Гурион яҳудий халқининг замонавий тарихидаги суронли даврининг рамзи бўлган маҳобатли сиймо. Америка ва Европанинг у учрашган энг улуғвор сиёсий арбоблари (Трумэн, Кеннеди, Аденауэр, де Голль) гина эмас, Европа адабиёти, фани ва санъатининг уни Сде-Бокерга келиб кўришган кўпгина вакиллари ҳам Бен-Гурионни шундай қабул қилардилар. Бен-Гурион ҳақида турли тилларда кўплаб китоблар нашр қилинган. Унинг Машҳар куни урушидан кейин тез орада вафот этганлиги Исроилда бутун бир давр якунланганининг рамзи сифатида қабул қилинди. Ўз ватанида яратувчан меҳнат орқалигина эришиладиган яҳудий халқининг миллий тикланишига бўлган барқарор ишонч Бен-Гурион дунёқарашининг асосини ташкил қилади. Халқнинг тақдири, Бен-Гурионнинг фикрига кўра, фақат Эрец-Исраэлдагина ҳал бўлади. У чет элларда яхлит ва тўлақонли ҳаёт бўлиши имкониятини бутунлай инкор қиларди. Ерларни эгаллаш ва мудофаа қилишни у тикланиш жараёнининг ҳал қилувчи омиллари деб ҳисобларди. Социализмнинг сионизм билан бирлашиб кетишида Бен-Гурион Исроилнинг қадим пайгамбарлари гоёларини амалга ошириш йўлини кўрарди. Бен-Гурионнинг Инжилни фақат «халқларга машғал бўлиб хизмат қилган» яҳудий маданиятининг дастлабки манбаи сифатидагина эмас, бизнинг асримизда Исроилнинг қайтадан туғилиши учун илҳомлантирувчи омил сифатида ўрганишга шунчалар куч ва вақт сарфлаганига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. Исроил келажакда ҳам бутун маданийлашган оламга жамият ҳаёти ва хўжалик фаолиятининг янги шакллари яратишда, фан ва маданиятни ривожлантиришда, ижтимоий ва миллий тенгсизлик келтириб чиқарадиган камчиликлардан озод бўлган ва ўзида зиёлилик билан жисмоний меҳнатга интилишни бир хилда бир-

лаштирган инсонни тарбиялашда ҳам намуна бўлиб хизмат қила олишига ишонарди. Бен-Гурионнинг Платон, Спиноза асарларига ва буддизмга қизиқиши ҳам идеал жамиятни ва мукамал инсон шахсини яратиш ҳақида қайғуриши билан изоҳланади.

Бен-Гурионга сиёсий арбоб сифатида баҳо бериш бугунги кунгача баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Унинг таъсирчанлиги ва қизиққонлиги кўпинча сиёсий рақиблари билан кескин тўқнашувларга олиб келарди. Бен-Гурионнинг сиёсий кураши кўп ҳолларда бугунлай шахсий характерга эга бўларди. Доимо ўз дунёқарашига содиқ қолган ҳолда Бен-Гурион амалий муаммоларни ҳал қилишда идеализмни¹ прагматизм² билан мослаштириб оларди. Ажойиб нотик, публицист ва музокарачи Бен-Гурион демократик тузумдаги партиявий курашнинг чалкаш йўлларида мўлжални топа оларди. Бир томондан, Бен-Гурион қудратли давлатларнинг сиқувига қарамасдан (масалан, Исроил давлатини эълон қилиш пайтидагидек) энг хавотирли дамларда ҳал қилувчи қадамни ташлай оларди, бошқа томондан эса — оташин нутқлардан кейин эҳтиёткор дипломатнинг режалаштирилган тадбирлари амалга оширилди (Британия ҳукумати билан курашиш, Мустақиллик учун уруш даврида ва ундан кейинги дипломатик қадамлар, Синай кампанияси даври). Бен-Гурионнинг биринчи даражали муҳим қарорларни жасурлик билан, қўрқмасдан қабул қила олиш қобилияти уни «шахсий дипломатия» деб аталмиш ҳолатга, унинг ҳукуматдаги, партиядаги ва Кнессетдаги сафдошлари ва дўстлари бир неча бор рўй берган фактларга дуч келишига (Синай кампанияси, Фарбий Германиядан қурол етказиб бериш, Димонда атом реактори куриш) олиб келди ва бунда узоқ вақт жамиятнинг кенг қатламларида унга халқ доҳийсидек муносабатда бўлишдан кейин охир-оқибатда сиёсий яккаланишига олиб келишининг сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Исроил давлати ташкил қилинган дастлабки ўн йилликда келажакда ушбу давлатнинг қиёфасини белгилаб берувчи бир қатор асосий тадбирлар миллат ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилди:

— қайтиб келиш ҳақида қонун қабул қилинди, унга кўра ҳар бир яҳудий ватанига келиш ҳуқуқига эга ва улар Исроилга келиши биланоқ давлат фуқароси бўладилар;

— аввалига Европадан, кейин эса араб мамлакатларидан оммавий кўчиб келувчилар қабул қилинди;

— Қуддус Исроилнинг пойтахти деб эълон қилинди;

¹ *Идеализм* — юксак ахлоқий ғояларга содиқлик.

² *Прагматизм* — воқеаларни фақат ташқи боғланишига қараб тасаввур қилувчи оқим.

— мактабларда умумий бепул таълим ҳақида қонун қабул қилинди ва халқ таълими тизими яратилди;

— Исроил мудофаа армияси турли мамлакатлардан келган ёшларни тарбиялашда, уларнинг ягона миллат бўлиб бирлашишларида таъсирли омил бўлиб қолди;

— Фарбий Германия билан товон тўланиши ҳақида келишув имзоланди.

Бен-Гурион 1973 йили 1 декабрда (яхудийлар календари бўйича 5734 йил 6 қислев) Тель-Авивда дунёдан ўтди. Сде-Бокер киббуцида (Негев) ерга қўйилди.

Исроилда реалист бўлиш учун мўъжизаларга ишонмоқ керак. (Бен-Гурион)

БЕРИЯ

БЕРИЯ, ЛАВРЕНТИЙ ПАВЛОВИЧ (17 (29).03.1899 Сухуми округининг Мерзеули қишлоғи — 23.12.1953, Москва)

1931 йилдан Грузия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, 1938 йилдан СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, шу йили ноябрдан СССР Ички ишлар халқ комиссари, 1941 йилдан СССР Халқ Комиссарлари Совети Раисининг ўринбосари, 1953 йил мартдан СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва СССР Ички ишлар министри. СССР Сталин режими даврининг энг кўзга кўринган «арбоб»ларидан бири.



Лаврентий Берия камбағал деҳқон оиласида туғилди. Унинг онаси — Марта Жакели (1868—1955) биринчи эрининг вафотидан сўнг қўлида иккита қизи ва бир ўғли билан қолади. Кейинчалик иқтисодий қийинчиликлар туфайли Мартанинг болаларини унинг акаси Дмитрий ўз тарбиясига олади.

Лаврентийнинг отаси Павел Хухаевич Берия (1872—1922) мегрелиялик бўлиб, у ерда қандайдир қўзғолонда қатнашганидан кейин Мерзеулига қўчиб келади. Павел билан Мартанинг оиласида 3 фарзанд туғилади, лекин ўғилларидан бири 2 ёшлигидаёқ чечак касаллигидан ўлади, қизи эса касалликдан сўнг кар-соқов бўлиб қолади. Лаврентийнинг қобилиятли бола эканлигини сезган ота-онаси, унга яхши маълумот бериш мақсадида, Сухумидаги олий бошланғич таълим билим юртига ўқишга беради. Улар Лаврентийнинг ўқишига тўлаш ва яшашини таъминлаш учун уйларининг ярмини сотишга мажбур бўлганлар. 1915 йили Берия билим юртини тугатиб, Бокуга боради ва у ерда механика-қурилиш ўрта билим юртига кира-

ди. 17 ёшидан у Бокуга кўчиб келган онаси ва синглисини боқа бошлайди. 1917 йилнинг мартада Берия Бокудаги билим юрти қошида РСДРП (б) нинг бошланғич гуруҳини ташкил қилади. 1917 йилнинг июнь — декабрь ойларида у гидротехник отряднинг техниги сифатида Руминия фронтга боради, кейин яна Озарбайжонга қайтиб келиб, Боку ишчи депутатлари Кенгаши котибиятининг ходими бўлади. 1918 йилнинг ўртала-рида Боку шаҳри турк — Озарбайжон қўшинлари томонидан эгалланганида ҳам Лаврентий шу ерда қолади ва «Оқ шаҳар Каспий биродарлиги» заво-дида идора ходими бўлиб ишлайди, яширин ҳолатга ўтган большевик-ларнинг (1918 йилнинг охиридан 1920 йилнинг баҳорига қадар Озар-байжонда ҳокимият «Мусават» партиясининг қўлида бўлган) турли топши-риқларини бажариб юрди. 1919 йилнинг март ойидан 1920 йилнинг апрель ойигача Озарбайжонда Совет ҳокимияти ўрнатилгунича Л.П. Берия тех-никларнинг яширин коммунистик ташкилотига раҳбарлик қилган. 1919 йили у техник билим юртини муваффақиятли тугатади ва техник архитектор-қурувчи дипломини олади.

1920 йилнинг апрель ойида Л.П. Берия Грузия Демократик Респуб-ликасида яширин ишлашга жўнатилади. Грузиядаги меньшевиклар ҳуку-матига қарши иш олиб борганлиги учун Кутаиси қамоқхонасига ташлан-ган, кейинроқ Озарбайжонга жўнатиб юборилган.

Бокуга қайтиб келганидан сўнг Берия Боку политехника институтига ўқишга киради. 1920 йилнинг августида у Озарбайжон КП (б) МКда иш бошқарувчи бўлади, ўша йилнинг октябрида эса буржуазия вакилларининг мол-мулкларини мусодара қилиш ва ишчилар турмушини яхшилаш бўйича Фавқулодда комиссиянинг масъул котиби этиб тайинланади. 1921 йилнинг апрель ойидан Лаврентий Берия Озарбайжон ХКС қошидаги Фавқулодда комиссиянинг Махфий-оператив бўлими бошлиғи ўринбосари лавозими-ни эгаллайди. 1921 йилда Озарбайжон партия ходимлари ва чекистлар то-монидан, ўз ваколатларини ошириб юборганлиги ҳамда жиноий ишларни нотўғри олиб борганлиги учун, кескин танқидга учради, лекин жиддий жазолардан қутулиб қолишга эришди. Берия 1922 йилнинг ноябрь ойида Грузияга кетади ва у ерда Грузия ССР ХКС қошидаги ФК махфий-опера-тив қисми бошлиғи бўлади. 1920 йилнинг декабридан 1931 йилнинг октяб-рига қадар Грузия ССР ва ЗСФСРдаги раҳбарлик лавозимларида ишлайди.

1931 йилнинг октябрь ойидан Берия Грузия КП (б) МК нинг биринчи котиби ва Закавказье ўлка комитетининг иккинчи котиби бўлди. 1937 — 1938 йилларда Берия раҳбарлигида гўёки, Закавказьенинг СССР тарки-бидан чиқишини ва Буюк Британия кўл остига ўтишини режалоштирган

Грузия, Озарбайжон, Арманистон партия раҳбарларининг тил бириктиришлари «фош этилган». 1938 йилнинг 17 январидан Берия СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси. Уша йилнинг 22 августида СССР Ички ишлар халқ комиссарининг биринчи ўринбосари, 8 сентябрида — СССР ИИХК-га 1-бошқармаси бошлиғи, 29 сентябрида эса СССР ИИХКнинг давлат хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи этиб тайинланади. 1938 йил 25 ноябрда Л.П. Берия СССР Ички ишлар халқ комиссари вазифасига қўйилди. У ИИХК бошлиғи лавозимига келганидан сўнг қатағон қилишлар миқёси камайди. 1939 йилда аксилинқилобий жиноятларда айбланган 2,6 минг киши олий жазога ҳукм қилинган бўлса, 1940 йили шундай кишилар сони 1,6 минг бўлди. 1939—1940 йилларда озодликдан маҳрум қилинган жойлардаги 837 минг киши оқланди.

Л.П. Берия 1939 йилнинг 22 мартда ВКП (б) Сиёсий бюроси аъзолигига номзод этиб сайланди. 1941 йилнинг 30 январидан унга давлат хавфсизлиги Бош комиссари унвони берилди. Шу йилнинг 3 февралдан эса у СССР Халқ Комиссарлар Совети раисининг ўринбосари этиб тайинланди. ХКС раисининг ўринбосари сифатида Берия Ички ишлар халқ комиссарлиги, давлат хавфсизлиги халқ комиссарлиги, ўрмон ва нефть, рангли металллар, дарё флоти халқ комиссарликларини назорат қиларди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида, 1941 йил 30 июндан бошлаб, Л.П. Берия Давлат Мудофаа Комитети (ДМК) аъзоси бўлди. ДМК мамлакатдаги ҳокимиятни тўлалигича ўз қўлига олганди. ДМКнинг 1942 йил 4 февралдаги қарори билан унга самолётлар, моторлар, қурол-яроғ ва миномётлар ишлаб чиқариш бўйича қарорларнинг бажарилишини, шунингдек, ҳарбий-ҳаво кучларида буйруқларнинг амалга оширилишини назорат қилиш топширилади. 1944 йилнинг май ойида Берия ДМК раисининг ўринбосари ва Оператив бюро раиси этиб тайинланади. Энди у мудофаа саноати, темирйўл ва сув транспорти, қора ва рангли металлургия, кўмир, нефть, химия, резина, қоғоз-целлюлоза, электротехника саноати, электростанциялар ишини кузатар ва назорат қиларди. Берия, шунингдек, СССР Куролли кучлари Бош қўмондонлиги Кенгашининг маслаҳатчиси лавозимини ҳам бажарарди.

Л.П. Берия уруш йилларида мамлакат раҳбарияти ва ҳукмрон партиянинг халқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган ҳамда фронтга тегишли бўлган масъулиятли топшириқларини бажарди, самолётлар ва ракета техникаси ишлаб чиқарилишини бошқарди. СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 30 сентябрдаги қарори билан Л.П. Берияга «уруш даврининг қийин шароитларида қурол-яроғ ва ўқ-дори ишлаб чиқарилишини ку-

чайтириш соҳасидаги алоҳида хизматлари учун» Социалистик Меҳнат қаҳрамони унвони берилди.

У уруш йилларида Қизил Байроқ ордени (Мўғулистон), Республика ордени (Тува), «Ўроқ ва Болға» медали, иккита Ленин ордени, Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. 1943 йилнинг 1 февralида И.В. Сталин В.В. Молотов бошчилигида атом бомбаси яратиш учун иш программаси ҳақида Давлат мудофаа комитетининг қарорини имзолади. Лекин 1944 йилнинг 3 декабрида қабул қилинган И.В. Курчатовнинг лабораторияси ҳақида СССР ДМКнинг қароридаёқ, айнан Л.П. Берияга «уран устида ишлашнинг ривожланиши устидан кузатиш» топширилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўпгина халқлар ўзларининг доимий яшаш жойларидан бошқа жойларга мажбуран кўчирилган. Шунингдек, гитлерчилар иттифоқига кирган мамлакатларнинг вакиллари (венгерлар, болгарлар, финлар) ҳам шундай кўчиришларга дучор қилинганлар. Мажбурий кўчиришларнинг расмий сабаблари уруш йилларида бу халқларнинг каттагина қисмининг оммавий қочишлари, хоинлик ва советларга қарши фаол қуролли курашишлари деб кўрсатилган. 1944 йилнинг 29 январида Лаврентий Берия «Чеченлар ва ингушларни мажбуран кўчириш тартиби ҳақида кўрсатма»ни тасдиқлади, 21 февралда эса у чеченлар ва ингушларни депортация қилиш ҳақида буйруқ чиқарди. 20 февралда у Грозний шаҳрига келди ва 19 минг оператив ходимлар, бутун мамлакатдан «тоғ шароитидаги ўқув машғулотларида» қатнашиш учун тўпланган 100 минг ИИХК офицерлари ва жангчилари қатнашган операцияга шахсан раҳбарлик қилди. 22 февралда у республика раҳбарлари ва етакчи руҳонийлар билан учрашди, келаси куни тонг пайтида кўчириш операциялари бошланди. Берия, шунингдек балқарларни ўз юртларидан кўчиришда ҳам ташаббускор бўлди.

Ўша йилнинг 24 июлида Берия Сталинга хат орқали мурожаат қилди ва унда месхетиялик туркларни, шунингдек, Туркия билан чегарадош ҳудудларда яшовчи курдлар ҳамда хемшинларни депортация¹ қилиш таклифини киритди. Бунга сабаб қилиб Туркиянинг чегарадош ҳудудлари аҳолиси билан қариндошлик алоқалари борлиги, бунинг оқибатида эмиграцион кайфиятлар намоён бўлаётганлиги, контрабанда билан шуғулланаётганлиги, турк разведкаси органларига жосусларни ёллаш ва кўпоровчи гуруҳларни ташкил қилиш манбаи бўлаётганлиги кўрсатилган. 31 июлда

¹ *Депортация* — доимий яшаш жойидан мажбуран кўчириш, ҳайдаш.

Давлат Мудофаа Комитети Грузия ССРдан Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларига 45516 месхетиялик туркларни кўчириш ҳақида қарор қабул қилади. 2 декабрда Берия яна Сталинга хат орқали мурожаат қилади ва унда 91 мингдан зиёд турклар, курдлар, хемшинлар мажбуран кўчирилганлигини хабар қилди.

Аламогордо яқинидаги саҳрода Америка атом қурилмаси синаб кўрилганидан кейин СССРда ўз ядро қуролини яратишга уринишлар кучайтирилди.

1940 йил 20 августда ДМКнинг қарори асосида махсус комитет тузилди ва унга Л.П. Берия раҳбар этиб тайинланди. Комитетга «ураннинг атом ичидаги энергиясидан фойдаланиш бўйича барча ишларга раҳбарлик қилиш» юклатилди. 1949 йилнинг 29 августида Семипалатинск полигонидан атом бомбаси муваффақиятли синаб кўрилди ва Л.П.Берия 1-даражали Сталин мукофоти билан тақдирланди, шунингдек унга СССРнинг фахрий фуқароси унвони ҳам берилди. КПСС МК аъзолари, СССР Олий Совети Президиуми ва совет ҳукумати министрларининг 1953 йил 5 мартдаги қўшма мажлисида Берия КПСС МК Президиумининг Бюроси номидан Г.М. Маленковни ҳукумат раислигига сайлашни таклиф қилди. Мажлис қатнашчилари бу таклифни бир овоздан маъқулладилар. Ўша куниёқ Л.П. Берия СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва СССР Ички ишлар министри этиб тайинланди. 1953 йил 9 мартда Берия И.В. Сталиннинг вафоти муносабати билан ўтказилган мотам митингида қатнашди ва Мавзолей минбаридан нутқ сўзлади. Н.С. Хрушчёв ва Г.М. Маленковлар қаторида Берия ҳам мамлакат раҳбарлигига асосий номзодлардан бири эди. Раҳбарлик учун курашда у ички ишлар ташкилотларига таянди.

26 мартда Берия КПСС МК Президиумига умумий афв этиш ҳақида ёзма таклиф билан чиқди. Унда озодликдан маҳрум этиш жойларидан 5 йилгача муҳлатга ҳукм қилинганларни, ҳукм муддатидан қатъи назар 10 ёшгача болалари бўлган аёлларни, ҳомиладорларни, вояга етмаганларни, бедаво беморларни, кекса ёшдагиларни озод этиш таклиф қилинганди. Шунингдек, 5 йилдан ортиқ муддатларга ҳукм қилинганларнинг жазо муддатларини икки баробар қисқартириш ҳақида ҳам фикр билдирганди. 27 мартда СССР Олий Совети Президиуми «Амнистия ҳақида» қарор чиқарди, унга кўра қамокдагиларнинг учдан бир қисми озод этилиши керак эди. Амалда 1 миллиондан ортиқ киши озодликка чиқарилди, 400 га яқин жиноий ишни кўриб чиқиш тўхтатилди.

Л.П. Бериянинг И.В. Сталин «меросига» даъвоси кучайганлиги ва олий партия раҳбариятида маслакдоши йўқлиги унинг қулашига олиб келди.

Н.С.Хрущёвнинг ташаббуси билан МК Президиуми аъзоларига Берия давлат тўнтариши қилишни режалаштираётганлиги ва «Декабристлар» операсининг премьерасида Президиумни қамоққа олмоқчи эканлиги эълон қилинди. 7 июлда КПСС МК пленумининг қарорига кўра Л.П. Берия КПСС МК Президиуми аъзолигидан озод қилинди ва КПСС МК таркибидан чиқарилди.

У Буюк Британия ва бошқа мамлакатлар фойдасига жосусликда, совет ишчи-деҳқонлар давлатини йўқ қилишга уринишда, капитализмни ва буржуазия ҳукмронлигини қайта тиклашга ҳаракат қилганликда айбланди.

1953 йил 23 декабрда Бериянинг иши СССР Олий судининг маршал И.С. Конев раислигидаги Махсус гуруҳи томонидан кўриб чиқилди. У ва бошқа айбланувчилар (В.Н. Меркулов, Б.З. Кобулов, С.А. Гоглидзе, П.Я. Мешков, В.Г. Деканозов, Л.Е. Влодзимирскийлар) ўлим жазосига ҳукм қилиндилар. Ҳукм ўша куниниёқ ижро этилди.

Бериянинг турмуш ўртоғи Нина (Нино) Теймуразовна Гегечкори (1905 — 1991) 86 ёшида интервью берди ва унда эрининг фаолиятини тўлиқ оқлади. Ўғли Серго Лаврентьевич отасининг маънавий тикланиши тарафдори.

«ЖАНОБ БЕРЛИН»



БРАНДТ, ВИЛЛИ (BRANDT, WILLY) (18.12.1913, Любек — 08.10.1992, Ункель, Рейнланд-Пфальц)

Социал-демократ, ГФРнинг сиёсий ва давлат арбоби, журналист. ГФР федерал канцлери (1969 — 1974), Ташқи ишлар министри (1966 — 1969), Социалистик интернационал президенти (1976), Нобель тинчлик мукофоти лауреати (1971). Унинг ҳақиқий исми Герберт Эрнст Карл Фрам, лекин 1930 йилларда, журналист сифатида у Вилли Брандт тахаллусини олган.

У халқ мактаби ўқитувчисининг никоҳсиз туғилган ўғли эди. Қолаверса, отаси ким эканлигини у анча кейинроқ билди. Унга Герберт деб исм қўйишди ва онасининг фамилияси — Фрамни беришди.

Герберт Фрам одатдагидек оилани ҳеч қачон билган эмас. «Онам ишчилар ҳаракатида фаол иштирок этарди, — дея эслайди у кейинчалик, — мен уникида яшамасдим ва биз фақат ҳафтада бир маротаба кўришардик. Шунинг учун ҳам менда онаси билан бирга яшайдиган болалардаги меҳр ҳисси бўлиши мумкин эмасди. Бундай болалик қандай азоб эканлигини тасаввур қилинг: сиз отасиз улғайяпсиз, онангиз билан бирга яшамайсиз,

бобонгизни отангиз деб биласиз ва у ота ролини ўйнайди». Ёш Герберт Фрамга ишчилар ҳаракати оиланинг ўрнини босарди. Бу ҳақда унинг босиб — эътиқодли социал-демократ қайғуарди, у набирасига Август Бельнинг утопик голяларини ҳикоя қилиб берарди. 14 ёшида қобилиятли ўқувчини имтиёзли «Иоганнеум» гимназиясига қабул қиладилар. Гимназия унга пухта умумий маълумот берди. Аммо унинг пролетарлик илдизи чуқур жойлашган эди. Байрамларга у намойишкорона кўк кўйлақда ва қизил галстукда — ишчи ёшлар кийимида боради. Унинг сеvimли фанлари — немис тили ва тарих. Лекин унинг ҳақиқий ҳаёти аллақачондан буён мактабдан ташқарида ўтарди. 1929 йили у ёшлар социалистик ҳаракатига кўшилади, 1930 йили SPD (Германия социалистик партияси)га киради. Гимназист Герберт Веймар демократияси билан нацистлар ўртасидаги қонли курашнинг гувоҳи бўлади. Кўчалар ўша пайтда «Рот-Фронт»нинг коммунистик жангчилари, гитлерчи SA отрядлари ва социал-демократик гуруҳлар ўртасидаги ашаддий олишувлар майдонига айланди¹. Бир қанча вақт социал-демократик партия газетасининг бош муҳаррири Юлиус Лебер унинг кумирига айланади (Лебернинг кейинги тақдири фожиали бўлади: бир неча бор ҳибсга олишлардан ва кўп йиллик қамоқлардан кейин уни нацистлар 1945 йили қатл қиладилар).

1931 йили ёш йигит SPDни тарк этади ва социалистик ишчилар партияси — SAPга кириб, унинг ёшлар иттифоқи раиси бўлади. Айни пайтда «Любек ишчилар хабарномаси» кундалик газетаси учун мақолалар ёзади. У Юлиус Лебер билан алоқани узади, чунки социал-демократлар нацизм билан етарлича қатъийлик билан курашмаяпти, деб ҳисобларди. Унинг янги «отахони» Якоб Вайхе — Роза Люксембургнинг кекса сафдоши ва SAP раҳбари бўлди. SAPнинг мақсади Веймар Республикасини ҳимоя қилиш эмас, инқилоб ва ишчилар синфининг яқдиллигини таъминлаш эди. 1932 йили Герберт ўқишга кириш учун имтиҳон топширади. Университетда ўқиш учун унга илгари Лебер ваъда қилган партия стипендиясини энди ҳаёлига ҳам келтирмасди, шу сабабли у денгиз коммерсантлигига ўқий бошлайди.

Ҳокимиятни Гитлер эгаллаб олганидан кейин партия Гербертни Норвегияга жўнатади. 1933 йил 1 апрель тунида ишчилар кичик кемаси уни Болтиқ денгизи орқали Данияга яширинча олиб бориб қўяди. Бироз вақт Копенгагенда тургач, у Ослога ўтади. Герберт Фрам 19 ёшда Вилли Брандт деган яширин тахаллус олади ва кейинчалик бутун дунёга ана шу ном билан маш-

¹ SA — штурмчи отрядлар.

хур бўлади. Ҳайрон қоларли тезликда норвег тилини эгаллаб, у норвег ишчилар партиясида ишлайди, тарихни ўрганади, партия ва касаба уюшмалари газеталарига мақолалар ёзади. Норвегияда бўлиши Брандтга сўл радикализмнинг догматик ғояларидан озод бўлишда ёрдам беради. Кўп нарсалар унда кучли таассурот қолдиради. Стортинг (парламент)да депутатлар партиядошлари билан эмас, яшаш жойларига — минтақаларига қараб, консерваторлар социалистлар билан ёнма-ён ўтирадилар. Сиёсий рақиблар бир-бирларига шахсий душман эмаслар. Брандтни Норвегия қироллик оиласининг халққа яқинлиги ҳайратта солади. Партиянинг ёшлар учун масъул мансабдори сифатида у Европани энига ва бўйига кезиб чиқди, жуда кўп нарсаларни кўрди. 1936 йили партия уни Испания социалистик партияси — PUM билан алоқа ўрнатиш учун жўнатади. PUM Гитлер ва Муссолини қўллаб-қувватлаётган Франко ҳокимиятига қарши республика учун курашарди. Мухбир сифатида Брандт норвег газеталарида франкочиларнинг танқларига қарши ов милтиқлари билан жанг олиб бораётган испан милисианосларининг жасоратлари ҳақида гапириб берарди. Лекин у Барселонада Сталин террорининг ҳам гувоҳи бўлади: коммунистик махсус хизматлар эркин анархистларнинг ва PUM жангчиларининг раҳбарларини қамоққа оладилар, уларни троцкийчилар деб эълон қиладилар ва отиб ташлайдилар. Бу аччиқ тажриба Брандтнинг демократик социализм томон бурилишида ҳал қилувчи омил бўлди.

1936 йили партия уни яширин равишда Берлинга, нацистларга қаршилик кўрсатишни ташкил қилиш учун жўнатади. У ярим йил, ҳар куни ҳибсга олиниш хавфи билан Берлинда бўлди, кейин эса Норвегияга қайтди. 1940 йилнинг бошларида немис қўшинлари бу мамлакатни босиб олди. Гестапо чангалига тушиб қолмаслик учун Брандт ўзини норвег солдати қилиб кўрсатади. У немисларга асир тушади. Нацистлар унинг немис эканлигини билмайдилар ва 1940 йили уни қўйиб юбордилар. У Швецияга қочади. 1940 йили Брандт Карлотта исмли норвег қизига уйланади, бир йилдан сўнг хотини Карлотта ва Нинья исмли қизи билан Стокгольмга келишга муваффақ бўлади. Карлотта ундан 9 ёш катта, ақл-фаросатли ва билимли аёл, у Брандтга кўп яхшиликлар қилган. Бироқ уларнинг оилавий ҳаёти узоққа чўзилмади. 3 йилдан сўнг улар ажралишадилар, аммо бутун умрга ўзаро яхши муносабатларини сақлаб қоладилар. «Мен бир-бирига оқибатли ота-оналарнинг фарзанди бўлганимдан жуда бахтлиман, — деб эслайди уларнинг қизи Нинья. — Мен ўзимни уларнинг ҳеч бири ташлаб кетгандек сезмагандим». Ажралишнинг сабабчиси — Руг Хансен, норвег ишчи оиласидан бўлган гўзал қиз. Швецияда Брандт Норвегиядаги яширин манбалардан келиб турадиган янгилик-

ларни тарқатувчи пресс-бюро тузади. Бетараф Швеция норвег қаршилик кўрсатувчилари учун ўзига хос таянч эди. Стокгольм эса урушнинг барча иштирокчилари учун гаройиб янгиликлар биржаси. Брандт иттифоқчиларнинг махсус хизматлари билан яқин алоқа ўрнатади. У ўзининг олдинги радикал қарашларидан аллақачон воз кечган ва швед демократияси уни инқилобчидан социал-демократга айлантирганди.

Германия таслим бўлганидан сўнг норвег фуқаролигида бўлган немис Брандт Любек шаҳри бургомистри бўлиш ҳақидаги таклифни рад этди — унинг провинциядаги амалдор бўлишга хоҳиши йўқ эди. Брандт Германия билан Норвегияни боғлаб турган «ўртача» йўлни танлайди. У Берлинга, Норвегия ҳарбий ваколатхонасига пресс-атташе-майор унвонидаги фуқаролик амалдори сифатида жўнайди. Унинг вазифаси — Ослодаги ҳукуматни Германияда юз бераётган воқеалардан хабардор қилиб туриш. Рут — Норвегия миссиясида қотиба бўлиб ишлайди.

Германияда Брандт мамлакатни тиклашда қатнашишга ҳаракат қилади, у ўзига немис фуқаролигини қайтаради ва иттифоқ назорат кенгашида Курт Шумахер бошқараётган SPDнинг ўзига хос элчиси бўлади. Берлинда у, энг аввало, мамлакатни бошқараётган бургомистр Эрнст Райтерга қойил қолди.

Ройтернинг таъсири остида Брандт яна ҳам «ўнтроққа силжийди». Уларнинг умумий томонлари кўп: иккаласи ҳам эмигрант сифатида Германияни ташқаридан кўришлари мумкин эди, ҳар иккаласи АҚШ билан, Фарб билан иттифоқнинг ҳаётий зарурат эканлигини тушунардилар. 1953 йили Ройтер вафот этди, Брандт эса гўёки унинг SPDдаги вориси бўлиб қолди. 1956 йили Фарбий Берлинда совет кўшинларининг Будапештга киритилишига қарши оммавий норозилик намоёнликлари бўлаётганида ва баъзи бир оташин кишилар халқни Бранденбург дарвозасини штурм қилишга чорлаётган бир пайтда Вилли Брандтнинг вақти етиб келди: у оломонни тўхташиб, тинчликни сақлаб қолаолди. Собиқ канцлер Гельмут Шмидт шундай эслайди: «Бу улкан, нафратланган, дарғазаб, тузатиб бўлмайдиган оқибатларни келтириб чиқарувчи бемаънилик қилишга тайёр турган оломонни кимдир тўхтатиши керак бўлган вазият пайдо бўлди. Брандт буни бажарди ва мен унга қойил қолдим». 1957 йили Брандт Фарбий Берлиннинг бошқарувчи бургомистри бўлди. «Ўша пайтда у биз учун, — дейди ГДР махсус хизматининг бошлиғи Маркус Вольф, — «совуқ уруш»даги энг хавфли душманлардан бири эди, бунинг устига бу хавфли рақиб алоҳида эътиборни тортадиган Берлин каби жойда эди ва биз унинг сиёсий таъсирини заифлаштириш учун имкони бор бўлган ишнинг барчасини қилдик».

1961 йил 13 августда ГДР Берлинни иккига бўлиб турувчи девор барпо қила бошлайди. Брандт девор қандай юксалаётганини қаҳр-ғазаб билан кузатиб турди. Уша йили Брандтни Нью-Йоркка таклиф қилдилар. Бу ерда уни матбуотчилар аллақачондан буён «Жаноб Берлин» дея аташар, у бу ерда жуда машхур эди. Шунинг учун ҳам Нью-Йорк аҳолиси кучли ёмғир остида туриб уни жуда олқишлади, бундай қабулга фақат энг олий даражадаги меҳмонларгина лойиқ кўриларди. 1960 йилнинг иккинчи ярмида урушдан кейинги даврда биринчи марта социал-демократлар ГФРнинг «катта коалиция» деб аталган ҳукумати таркибига кирди. Унда Брандт вице-канцлер ва ташқи ишлар министри лавозимларини эгаллади. 1969 йилдан эса у ГФР ҳукуматини бошқара бошлади. 1970 йили Совет Иттифоқи ва Германия Федератив Республикаси ҳукуматлари ўртасида Москва шартномаси имзоланди. Бу шартномада урушдан кейинги чегараларнинг ўзгармаслиги тасдиқланди ва баҳсли муаммоларни ҳал этишда куч ишлатмасликка келишилди. «Канцлер Брандт Совет — Ғарбий Германия муносабатларини шартнома асосида қуришга розилик берганида сиёсатда стратегик юриш қилди», — деган эди СССР Ташқи ишлар министри А.А. Громико. 1973 йили ҳар иккала немис давлатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Брандт «муросанинг оталари»дан бири бўлди. Бу эътибордан четда қолмади: 1971 йили унга Нобель мукофоти берилди.

1980 йилларда Брандт дунё кезди, матбуотда, митингларда чиқди. У Москва, Ленинград, Қрим ва Сибирда бўлди, Ўзбекистонга ҳам ташриф буюрди. Вилли Брандт 1992 йили вафот этди.

ТУРҒУНЛИК ТИМСОЛИ



БРЕЖНЕВ, ЛЕОНИД ИЛЬИЧ (LEONID BREJNEV)
(01.01.1907 (19.12.1906), Каменск (кейин Днепродзержинск, Днепропетровск области — 10.11.1982, Москва)

1964 йилнинг 14 октябридан 1982 йилнинг 10 ноябригача собиқ Совет Иттифоқининг раҳбари. 1964 йилдан КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари (1966 йилдан Бош секретари) ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Леонид Ильич Брежнев ишчи-металлург оиласида туғилди. 1915 йили у классик гимназияга қабул қилинди, бу ерда математика билан қизиқиб шугулланди, чет тилларни қийинчилик билан ўзлаштирди. 1921 йили меҳнат мактабидаги 6 йиллик таълим курсини тамомлади. 1927 йили техникумни тугатди

ва танобчилик касбини эгаллади. Курск областидаги ва Белоруссиядаги қисқа муддатли ишлардан кейин у Уралга район ер бўлими бошлигининг ўринбосари лавозимига юборилди. Оммавий қамоққа олиш ва «қулоқлар ҳамда қулоқларнинг гумашталарини» сургун қилишлар билан ўтган Уралдаги коллективлаштиришда иштирок этди. 1931 йили Брежнев партия аъзолигига номзод бўлди ва округ ер бошқармасига раҳбарлик лавозимига ўтди, лекин номаълум сабабларга кўра қишлоқ хўжалигини ташлади ва Каменскга қайтди. Бу ерда Брежнев заводда ишлай бошлади ва Металлургия институтининг кечки бўлимига ўқишга кириб, уни 1935 йили тугатди. Бир йилга яқин армияда хизмат қилди, 1936 йили эса жонажон шахрига қайтиб келди ва металлургия техникумига директор қилиб тайинланди. Бу пайтга келиб энди шаҳар Днепродзержинск деб аталарди. Террор 30-йилларнинг иккинчи ярмида партиянинг ёш фаоллари учун тез кўтарилиш имкониятларини очиб берди. 1939 йилга келиб Брежнев энди область партия комитетининг ташвиқот бўйича секретари эди ва мудофаа саноати бўлимини бошқарарди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари турли қисмларда сиёсий ходим бўлиб хизмат қилди, аммо ҳеч қанақа алоҳида хизматларга эга бўлмади. Жанубий фронт сиёсий бошқармаси бошлигининг ўринбосари, 18-армия сиёсий бўлими бошлиғи, 4-Украина fronti Сиёсий бошқармаси бошлиғи бўлди. Унинг шахсий ишидаги тавсифномада (1942): «Қора ишлардан қочади. Ҳарбий билимлари жуда заиф. Кўпгина масалаларни сиёсий ходимдек эмас, хўжалик ходимидек ҳал қилади. Одамларга бир хилда муносабатда бўлмайди. Эркатоё, арзандалари бўлишини ёқтиради», — дейилган эди. Урушни Л. Брежнев 1945 йили Прагада генерал-майор унвонида якунлади. Урушдан кейин партия-хўжалик ишига жўнатилди, 1946—1950 йилларда Запорожье ва Днепрпетровск обкомларининг биринчи секретари лавозимини эгаллади. Дўстона руҳдаги, дилкаш Брежневни қўл остидагилари яхши кўрарди, бу унга яхши раҳбар деган номни сақлаб қолиш имконини берди. 1950 йили Брежнев Молдавияга КП(б) МКнинг биринчи секретари қилиб жўнатилди. У кескин ўзгаришларни ёқтирмас, ишни ўз ўринбосарларига юклар, ўз атрофини содиқ кишилар билан ўраб олишга уринарди. Лавозимига кўра партиянинг XIX съезди делегати бўлган Брежнев МКга сайланди ва ўзи ҳам кутмаган ҳолда МК секретари, кейин эса МК Президиуми аъзоси қилиб сайланди. Юксак лавозимни эгаллаб туриб, Брежнев амалда ишсиз юрарди, чунки Сталин бирор марта ҳам ўзининг янги МК Президиумини йиғмади. 1953 йили Сталиннинг вафотидан кейин кенгайтирилган Президиум тарқатилди, Брежнев эса Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бош-

қармаси бошлигининг ўринбосари қилиб тайинланди ва унга генерал-лейтенант унвони берилди. 1954 йили Қозоғистон МКнинг иккинчи секретари лавозимида чўлни ўзлаштиришга юборилди, бир йилдан кейин биринчи секретарь жойини эгаллади. 1956 йили чўл катта ҳосил берди, бироқ Брежнев энди Москвада эди, бу ерда у МК секретари сифатида Н.С. Хрущёвнинг итоаткор ёрдамчилари сафига қўшилди. 1960 йили Брежнев СССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимини эгаллади. На кучли характерга, на катта интеллектга эга бўлмаган Брежнев «қаттиққўл» бўла олмас ва бўлишни истамас ҳам эди:

У «коллектив раҳбарлик» намоюдаси ролига жуда ҳам мос келарди. Хрущёвни афдаришга олиб келган фитнанинг асосий иштирокчиларидан бири бўлган Брежнев 1964 йилдан партияни бошқарди ва СССРнинг янги коллегиял сиёсатини амалга оширишда биринчи даражали роль ўйнади. Мамлакат ичкарасидаги ҳолатнинг кафолати бўлар экан, иқтисодий ислохотларни ўтказиш масъулиятини А.Н. Косигин билан, «тўғри» гоёвий йўналишни кузатиш масъулиятини М. Суслов билан бўлишиб олган Брежнев ўша даврдаги совет ташқи сиёсатида сезиларли шахсий из қолдирди. 1968 йилги Чехословакияга бостириб киришдан кейин Ғарб билан муносабатларда муроса йўлларини излаш даври келади, бу давр токи ўша қалтис Афғонистонга бостириб кириш қариб-қалтираб бораётган, эскириб қотиб қолган давлатнинг ҳақиқий қиёфасини намоён қилгунича давом этди.

Брежнев ҳокимият тепасида турган 18 йил давомида совет ҳукумати Хрущёвнинг коммунизм қуриш «режа»ларидан воз кечиб, унинг ўрнига ташқаридан қараганда ўша «режа»га нисбатан камтаронароқ бўлган «ривожланган социализм» концепцияси тилга олина бошлади. Раҳбарларнинг фикрига кўра СССР ўша даврда айнан ана шу босқичда турарди. Ўзининг сиёсий қарашларига кўра ўта консерватив бўлган Брежнев командаси ўз фаолиятини мамлакат иқтисодини ривожлантириш масаласига эътиборни кучайтиришдан бошлади ва 1965 йилдан корхоналарга кўпроқ мустақиллик беришга йўналтирилган бир қатор ислохотлар ўтказди. Бу ислохотлар натижасида халқнинг, айниқса қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси бир қадар юксалди, бироқ мамлакат иқтисодининг ҳақиқатдан ҳам ўсишига эришилган биринчи даврдан сўнг 70-йиллар ўрталарида турғунлик белгилари пайдо бўлди, сиёсий раҳбариятнинг ўзгармаслиги асосан ўз лавозим ва имтиёзларини сақлаб қолиш ҳақида қайғураётган мансабдорлар қатламининг ошиб боришига олиб келди. Жамият ҳаётидаги барча соҳаларда раҳбарлик ролига партиянинг даъвогарлиги энг аввало зиёлилар устидан тўлиқ назорат ўрнатиш гоёсининг астойдиллигида кўринади. Олам-

шумул давлат образи диссидентлик ҳолатлари пайдо бўлиши билан дарз кетди, диссидентлар сони жудаям кам эканлигига қарамасдан у, гўёки, ҳокимият ва жамият ўртасидаги жарликнинг кенгайиб бораётганлигининг рамзи эди. Халқаро майдонда Брежнев Хрушчёв бошлаб берган Ғарб билан музокаралар йўлини давом эттирди. Берлиннинг ҳуқуқий ҳолати (статуси) мувофиқлаштирилгани, Ғарбий Европа чегаралари бузилмаслигининг тан олинishi ва айниқса, қуролсизланиш бўйича биринчи икки томонлама келишув кескинликни юмшатиш сиёсатининг сезиларли ютуғи бўлди, унинг энг юқори нуқтаси эса 1973 йили Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик тўғрисида Хельсинки шартномасининг имзоланиши бўлди. Бироқ бу ютуқлар СССРнинг Африкадаги қилмишлари, кейин эса 1979 йили Афғонистонга тўғридан-тўғри бостириб кириши билан анча хиралашди, бунинг оқибатида халқаро муносабатларда яна танглик вужудга келди.

1970 йилдан янги «доҳий»ни улуғлаш бўйича тарғибот кампанияси бошланди. Бу кампаниянинг шубҳали муваффақияти Брежневнинг чексиз шуҳратпарастлиги билан мустаҳкамланарди. У тўрт марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юлдузлари билан, фақат қўмондонлар ўз мақомларига кўра фронт миқёсидаги йирик ғалабалари учунгина тақдирланадиган «Ғалаба» ордени билан, марксизм-ленинизм классиги сифатида СССР ФАнинг Карл Маркс номидаги Олтин медали билан, кўплаб совет ва чет эл орденлари билан тақдирланганди. Брежнев кўплаб мансаб ва унвонлар эгаси эди: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, Олий Совет Президиумининг Раиси, Мудофаа Кенгаши Раиси, Олий Бош қўмондон, Совет Иттифоқи Маршали, Ленин номидаги халқаро тинчлик мукофоти лауреати. Брежневнинг иштирокисиз профессионал адабиётчилар томонидан ёзилган учта асар: «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Кўриқ» учун у адабиёт соҳасида Ленин мукофоти лауреати бўлди. Брежневни масхарабозликка айланиб кетиш даражасида чексиз улуғлаш партия аппаратининг, КГБ ва ҳарбий қўмондонликнинг амалда тўлиқ ҳукмдорлар эканлигини яшира олмасди. Брежнев давридаги ички сиёсат иқтисоднинг ҳарбийлаштирилиши, сталинизмни қайта тиклаш учун қўрқапса қилинган ҳаракат, мансабдорларнинг гуллаб-яшнаши ва оддий халқ ҳаётининг аянчли аҳволи, ҳокимият органларининг пастдан юқоригача порахўрлашиши билан белгиланган. 1968 йили Чехословакияга совет танкларининг киритилишидан 1979 йили Афғонистонга бостириб киришгача бўлган жинояткорона ташқи сиёсат фақатгина ички сиёсатнинг мантиқий оқибати эди, холос. Брежневнинг фаолияти иқтисодда инқирозли,

турғун ҳолатларга олиб келди, даврий фавқулоддаликни туғдирди — эркин фикрлаш ёки диссидентлик унинг ворисларига «ривожланган социализм»нинг яшашга қодир эмаслигини ва ўзгаришлар қилиш зарурлигини кўрсатди.


Унинг даврида Сталинни аста-секин оқлаш учун ҳаракат бошланди. Брежнев бошқарувининг кейинги даврлари адабиётда «турғунлик» деб номланди ва совет ҳокимиятининг умумий инқирози билан, иқтисоддаги салбий йўналишлар билан, бюрократик аппаратнинг ҳаддан ташқари ривожланиб кетиши билан характерланади. Ана шу даврда Брежнев оғир касал эди.

Брежнев 1982 йил 10 ноябрда вафот этди. Қизил Майдонга дафн қилинган.

Ҳалқани аста-секин сиқайтган ажойиб, ёқимтой, жуда содиқ кишилар мени ўраб олган... (Леонид Брежнев)

«ТИНЧЛИК ДУОГҲИ»

БРИАН, АРИСТИД ПЬЕР АНРИ (BRIAND, ARISTIDE)
(28.03.1862, Нант (Бретань) — 07.03.1932, Париж)



Француз давлат арбоби. Меҳмонхона эгаси оиласида туғилган. Парижда ҳуқуқни ўрганган. Ёшлигида умумхалқ иш ташлаши орқали инқилоб қилиш ҳақидаги синдикалистик таълимот тарафдори бўлган. Ж. Гед бошчилигидаги марксистларга муҳолифатда бўлган Француз социалистик партиясини тузишда қатнашган. Дрейфусни ҳимоя қилиб чиққан. 1904 йили Бриан ва унинг тарафдорлари ўша пайтда социалистларнинг нашри бўлган (15 йил ўтгандан сўнг коммунистлар органи) «Юманите» («L'Humanité»)га асос солдилар. 1926 йили Густав Штреземан билан бирга Нобель тинчлик мукофотини олган.

У қўшни шаҳарчадаги Сен-Назер мактабида, кейин эса бир пайтлар машҳур ёзувчи Жюль Верн хизмат қилган Нант лицейида ўқиди. Ўткир ақли, нотиклик қобилияти ва ажойиб хотирасига қарамасдан Бриан ўртача студент бўлган, чунки спиртли ичимликларга ва қарта ўйинига кўп вақтини сарфлаган. Унвон олгач, Бриан Сен-Назерда юридик амалиёт билан шуғулланди, ўша ерда бир қанча вақт ўз хусусий газетасини ҳам чиқарди. Адвокат сифатида муваффақият қозона олмаган Бриан тобора кўпроқ журналистика ва сиёсат билан шуғуллана бошлади. Социалистик партияга кириб, у тред-юнионизм тарафига ўтади ва қатъий ҳаракатлар, жумла-

дан, ишчилар синфи мақсадларига эришишнинг воситаси сифатида умумий иш ташлашларни ёқлаб чиқади. 1894 йили Нантдаги ишчилар съезди Брианнинг умумхалқ иш ташлаши ҳақидаги таклифини маъқулаганидан сўнг, у Социалистик партиянинг бош котиби қилиб сайланди. Бриан юридик амалиётни ташлади ва ўзини тўлиқ сиёсатга бағишлади.

1902 йили бир неча муваффақиятсиз уринишлардан сўнг Бриан депутатлар палатасига сайланади; у ерда тезда қобилиятли нотик сифатида шуҳрат қозонади. Бриан ва унинг ҳамфикрлари черковни давлатдан ажратиш ҳақидаги қонунни ўтказишга муваффақ бўлдилар. 1906 йили мартда у халқ таълими ва маданият ишлари министри бўлди: Жан Мари Саррьяннинг центристик ҳукуматида ўзи парламентда ёқлаб чиққан қонунларни амалга татбиқ этиш билан шуғулланди. Бироқ унинг Саррьян билан ҳамкорлигига қарши бўлган социалистик партиядан кетишга мажбур бўлди. Учинчи республика қисқа муддатли ва кўпинча чорасиз, навбатма-навбат келувчи ҳукуматлардан иборат эди, унда турли хил сиёсий гуруҳлар ўз дастурларини ҳаётга татбиқ этишга уриниб, мураккаб ўйин олиб борардилар. Ана шундай нотинч муҳитда Бриан йигирма йил давомида турли хил ҳукуматларда муҳим лавозимларни эгаллади.

Жорж Клемансоннинг биринчи ҳукумати 1906 йилнинг октябрида тuzилган бўлиб, Брианни халқ таълими ва маданият министри мансабида қолдирди. Икки йилдан кейин у яна юстиция министри портфелини ҳам кўшиб олди. 1909 йилнинг июлида Клемансо ҳукумати кулади, Бриан эса премьер-министр бўлиб қолди.

Ўзининг миллий хотиржамлик ва музокарага эришиш мақсадига қарамасдан 1910 йили темирйўлчилар иш ташлаганларида Бриан инқироз билан тўқнаш келди. Бриан аслида иш ташлаш ҳуқуқини тан олар, аммо темир йўлларнинг миллий иқтисодда алоҳида роль ўйнашини англаш уни хизматчиларнинг чиқишларини бостиришга мажбур қилди. Темирйўлчилар ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилдилар ва иш ташлашнинг раҳбарлари қамоққа олинди. Кейинги норозиликлар министрлар кабинетигаги ўзгаришларга олиб келди, лекин кўпчиликнинг коалициясини сақлаб қолиш Брианга насиб этмади ва у 1911 йилнинг феввалида истеъфога чиқди.

Келгуси йилнинг январида Бриан Раймон Пуанкаре кабинетига юстиция министри бўлди. Бир йилдан кейин, Пуанкаре президент қилиб сайланганида Бриан премьер-министр лавозимини олди. Аммо бу ҳукумат икки ой тура олди холос ва Бриан Биринчи жаҳон урушига қадар ишсиз қолди. Кейин ҳукумат таркибини кенгайтиришга уринган премьер-министр Рене Вивиани Брианга яна юстиция министри лавозимини таклиф

қилди. 1915 йилнинг октябрида Вивини ҳукумати кулади, Бриан эса таркибига Франциянинг барча партиялари вакиллари кирган миллий ярашув ҳукуматини бошқарди. Премьер-министр ва ташқи ишлар министри вазифаларини қўшиб олиб борар экан, Бриан Германия билан тинчлик ҳақида музокаралар олиб боришга мойил эди. Бунинг учун уни кўпгина ҳукумат аъзолари танқид қиларди. Ҳарбий министр истеъфога чиққанидан кейин Бриан мадад олишдан маҳрум бўлди ва 1917 йилнинг мартада истеъфога чиқди. Поль Пенлеве ва Жорж Клемансолар ўз ҳукуматларини туздилар.

Давлат ишларидан четда қолган Бриан 1919 йилги Париж тинчлик конференциясида ҳеч қанақа расмий роль ўйнамади, лекин Биринчи жаҳон уруши якунларига бағишланган Версаль шартномасидан қониқмаганлигини яширмади, чунки шартнома бандларини бажариш мағлубиятга учраган Германияга оғирлик қилади, шу сабабли барқарор тинчлик келтиришга қодир эмас, деб ҳисобларди. 1921 йилнинг январь ойида Бриан яна премьер-министр бўлди, лекин бир йилдан сўнг яна истеъфога чиқди, чунки депутатлар палатаси Британия премьер-министри Ллойд Жорж билан биргаликда тайёрлаган инглиз-француз мудофаа келишувини маъқулламади. Шунга қарамасдан, 1925 йилнинг апрелида Бриан ташқи ишлар министри бўлди ва турли хил француз ҳукуматларида беш ярим йил ана шу лавозимда қолди.

Париж конференциясидан кейин тез орада кўпчиликка аниқ бўлиб қолдики, тинчлик шартномасидаги шартлар узоқ муддатли тинчликни таъминлай олмайди. Германия товои тўловлари тизимини ўзгартирувчи Дауэс режаси (Чарльз Дауэс номи билан аталган) аҳволни ўзгартириши керак эди: у 1924 йил сентябрида кучга кирди. 1925 йил 9 февралда Германия ташқи ишлар министри Густав Штресеман француз ҳукуматига Буюк Британия, Франция ва Германия ўртасида франко-герман чегарасини кафолатловчи ҳужум қилмаслик ҳақидаги қўшма шартномани имзолаш таклифи билан нота юборди. Брианнинг фикрига кўра, бу келишув француз ташқи сиёсатининг мақсадларига тўққинлик қилмасди. Бунинг устига, у Буюк Британияни Франция ҳимоясига жалб қилиши мумкин эди, эҳтимол Европа сиёсатига қизиқиши тобора ошиб бораётган АҚШни француз хавфсизлигининг кафолати бўлишга ҳам кўндиролган бўларди. Шунинг учун Бриан Штресеман билан Британия ташқи ишлар министри Ж. Остин Чемберлен ва Германиянинг собиқ рақиблари вакиллари билан яширин музокараларга киришди, у Версаль шартномасининг адолатсизликларини енгиб ўтиш йўли билан Франция хавфсизлигини таъминламоқчи эди.

октябрида етти Европа давлати ташқи ишлар министрлар одаги (Швейцария) учрашувлари пайтида музокаралар эн қилинди. У ерда эришилган келишувлар жамланмаси пакти номи билан кирган. Франция учун Рейн вилоятириришни, Францияга, Польшага ва Чехословакияга хужум да уларга ҳарбий ёрдам берилишини, урушдан франкорининг кафолатланишини назарда тутувчи моддалар айди. Бундан ташқари, келишув Буюк Британияга Германия қидирда Францияга ёрдам бериш масъулиятини юкларди. шуви Францияда маъқуллаб кутиб олинди, бу мамлакат аннинг сиёсий обрўсини мустаҳкамлади. Шартнома туй кейин у яна премьер-министр бўлди. Бу ҳукумат тўрт оқ вақт ҳокимиятда турган бўлса-да, Бриан Европанинг и тикланишига ёрдам берганлиги учун сиёсий ҳаётда му да давом этди.

окарно пактини тузишдаги ва кўп йиллик ишончсизлик-ия-Германиянинг дўстона музокарасидаги роли 1926 йили мукофоти билан тақдирланди. Бу мукофотни у ўзининг мис шериги Густав Штреземан билан бирга олди. Бриан таналарида ишгирик этмади ва Нобель маърузаси билан

Бриан Франция хавфсизлигининг ва бутун Европа тинчлий кафолати бўлган АҚШ билан доимий иттифоқ тузишдан ди. 1926 йили унга Карнеги номли Халқаро тинчлик фон-Бьюррэй Батлер ва Жеймс Т. Шотвелл мурожаат қилишди, монидан иттифоқ тузиш ҳақида қилинаётган таклифларга уносабатда бўлади, деб ҳисоблардилар. 1927 йил 6 апрелда, саҳон урушига кирганига ўн йил тўлган кунда, Бриан АҚШ рэнк Келлогга дўстлик шартномаси тузиш ҳақидаги нотаси-АҚШни эркин ҳаракат қилиш имкониятидан маҳрум этиш-лог жавоб беришни йилнинг охиригача чўзди, кейин эса шартнома ўрнига «миллий сиёсат қуроли сифатидаги урушни кт билан барча халқларни бирлаштиришни таклиф қилди. эмида Бриан билан Келлог ўртасида ҳушмуомала хат алма-ди. Бриан адолатли равишда урушни лаънатловчи кўп то-ки бўлади, деб ҳисобласа ҳам, у барибир Келлогнинг гоёсини Грансатлантик фикр алмашишнинг натижаси Париж пакти еллог-Бриан пакти номи билан машҳур бўлган бу ҳужжат

1928 йил 17 августда Франция пойтахтида 15 мамлакат вакиллари томонидан имзоланди, кейинчалик бу мамлакатларнинг сони 65 тага етди. Пактнинг дастлабки 15 қатнашчиси ҳам турли даврларда уни бузган бўлсалар-да, у ҳеч ким томонидан бекор қилинмаган.

Локарно келишувлари ва Келлог-Бриан пакти, шунингдек Нобель лауреати деган обрўли ном келтирган сиёсий даромадга қарамасдан, Брианнинг сиёсатдаги таъсири 20-йилларнинг охирига бориб камая бошлади. У 1930 йилда ёзган ва 26 давлатга юборган Европа қўшма Штатлари ҳақидаги Меморандум Миллатлар Лигасида ҳам, ҳукуматлар томонидан ҳам қабул қилинмади. 1931 йил май ойидаги президентлик сайловларида Бриан мағлубиятга учради.

Бир йилдан камроқ вақт ўтгандан сўнг 1932 йил 7 мартда у Парижда вафот этди.

Уруш бу жудаям муҳим иш, уни ҳарбийларга ишониб бўлмайди. (Аристид Бриан)

КАТТА БУШ



БУШ, ЖОРЖ ГЕРБЕРТ УОКЕР (BUSH, GEORGE HERBERT WALKER) (12.06.1924, Милтон, Массачусетс штати)

АҚШнинг 1983—1993 йиллардаги 41-президенти, Республикачилар партияси вакили. Гринвичда вояга етган (Коннектикут штати). Унинг отаси Прескотт Буш Уолл-стритдаги машҳур фирманинг эгаларидан бири, 1952—1963 йилларда Коннектикут штатидан сенатор этиб сайланган. Сенатдаги фаолияти даврида мўътадил республикачилар позициясида турди, Эйзенхауэр тарафдори эди. 1967—1970 йилларда вакиллар палатаси аъзоси, 1971—1975 йилларда турли хил дипломатик лавозимларда, 1976—1977 йилларда Марказий разведка бошқармаси директори, 1981—1989 йилларда АҚШ вице-президенти бўлиб ишлади. 1945 йил 6 январда Барбара Пирсга уйланган.

Буш Янги Англиядаги хусусий мактабларда ўқиган. Филлипс Академиясини Андоверда (Массачусетс штати) тугатганидан сўнг 1942—1944 йилларда денгиз авиациясида хизмат қилган. 18 ёшида у кўнгилли бўлиб урушга кетди ва АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг энг ёш учувчиси бўлди. Япония устида уриб туширилди, тирик қолди, жасурлиги учун уч марта мукофотланган.

1945 йилда Йелль университетига киради. Иқтисод соҳасида таълим олди ва 1948 йили ўқишни тугатди. Отасининг фирмасида ишлашдан бош

тортиб, Техасга кўчиб ўтди ва нефть бизнеси билан шуғулланди. 1953 йил «Запата петролеум корпорейшн»нинг асосчиларидан бири бўлди, кейин эса нефть ускуналари билан шуғулланувчи «Запата офшор компани»нинг президенти бўлди. 1964 йилда Буш Сенатга номзодини қўйди, аммо либерал-демократ Р. Ярбородан мағлубиятга учради. Лекин 1966 йили у вакиллар палатасига Хьюстон сайлов округидан сайланди, 1968 йили эса қайта сайланди. Конгрессда, отасига ўхшаб, мўътадил республикачилар сафида бўлди. 1970 йили яна сенаторликка номзодини қўйди. Президент Р. Никсондан салмоқли ёрдам олганига қарамасдан консерватив бизнесмен Л. Бентсенга сайловда бой берди. Буш Никсон ва Форд маъмуриятларида бирин-кетин муҳим ва масъулиятли мансаблар олди. 1971—1973 йиллари АҚШнинг БМТдаги вакили, 1973—1974 йиллари Республикачилар партияси миллий комитети раиси, 1974—1975 йиллари Хитойда элчи, 1976—1977 йиллари МРБ директори бўлди.

1979 йили Буш президентликка Республикачилар партиясининг номзоди бўлиш учун кампанияни бошлаб юборди. У дастлабки сайловларда Р. Рейгандан бошқа ҳаммадан олдинда борди, лекин Рейган номзод бўлди. Мўътадил республикачиларни хотиржам қилиш ва консерватив демократларни қониқтиришга уриниб, Рейган собиқ президент Ж. Фордни вице-президент лавозимига ўз номзодини қўйишга кўндирмоқчи бўлди. Аммо уни кўндира олмагандан сўнг Бушни танлади. 1980 йилги сайловларнинг натижаси кўп томондан президент Картер Техронда гаровга олинган америкаликларни озод қилишига боғлиқ эди. Буш «октябрь сюрпризи» (гаровга олинганларнинг сайловгача озод қилиниши) рўй берган ҳолатдаги республикачиларнинг ҳаракатларини режалаштиришга жалб этилди. Ишончли маълумотларга кўра Рейган-Буш сайлов кампаниясининг раҳбари У. Кейси эронликлар билан Исроил орқали уларга Америка қуролини етказиб бериш эвазига Рейган президент бўлгунга қадар гаровга олинганларни бермай туриш ҳақида келишган. «Октябрь сюрпризи» бўлмади ва Рейган билан Буш сайланди.

Ваъда қилинганидек, янги маъмурият солиқларни, айниқса, юқори даромадларга қўйилган солиқларни камайтирди, шу билан бирга йирик ҳарбий харажатларни тинчлик даврида энг юқори даражага оширди. Иқтисодий ўсиш ва у билан боғлиқ солиқ тушумларининг умумий миқдори ошиши билан қоплаб бўлмайдиган бюджет камомади вужудга келди. Вице-президент сифатида Буш ўзидан олдинги лавозимдошларининг барчасидан кўра анча муҳимроқ роль ўйнади. 1981 йилги суиқасддан кейин Рейган касалхонага тушганида ҳукуматни у бошқарди, иқтисоднинг муҳим соҳаларида, айниқса транспорт ва молия соҳасидаги тадбиркорлик фао-

лияти устидан давлат назоратини бекор қилиш дастурига раҳбарлик қилди. Ман қилинган наркотик моддаларни сотувдан олиб ташлаш бўйича ҳукумат кўрадиган чораларни мувофиқлаштириш масъулияти ҳам унга юкланган эди.

1988 йили Буш холис вице-президент, Р. Рейганнинг қонуний вориси сифатида АҚШ президентлиги учун ўз номзодини қўйди ва номзодлик учун курашда сенатдаги республикачилар етакчиси Р. Доул ҳамда ўнг йўналишдаги телебошловчи П. Робертсон устидан ғалаба қозонди. Буш республикачиларнинг асосий сиёсий гуруҳлари ёрдамини олишга эришди. Бундай гуруҳлардан ўрта қатлам ва маблағдор кишиларнинг баъзи вакиллари Рейган «инқилоби» натижасида эришган иқтисодий имтиёзлари — солиқ ставкаларининг пасайиши ва тадбиркорлик фаолияти устидан давлат назоратининг олиб ташланишини сақлаб қолишга уринар эди. Биринчи навбатда анъанаяраст-католиклар ва фундаменталист-протестантларнинг вакилларидан иборат бўлган иккинчи бир гуруҳ ватанпарварлик ҳақидаги сафсаталарга, цензурани ҳамда наркотиклар устидан назоратни кучайтириш, абортларни тақиқлаш, мактабларда ибодат қилишни киритиш, гомосексуализмни тақиқлаш орқали «ҳамма нарсага рухсат»ни тугатиш ҳақидаги ваъдаларга айниқса таъсирчан эди. Буш ҳар иккала гуруҳга маъқул келди. У ўзига шерик қилиб ўнг йўналишдаги ёш сиёсий арбобни, индианалик сенатор Ж. Куэйлни танлади. 8 ноябрда бўлиб ўтган сайловларда сайловчиларнинг фақат ярмига яқини қатнашди, лекин Буш овозларнинг 54 фоизини, унинг рақиби Рукакис эса 46 фоизини олди. Бушни ўнта оқ танлидан олтитаси ва бор-йўғи битта қора танли қўллади. Бироқ демократлар вакиллар палатасида ва Сенатда кўпчиликни сақлаб қолди.

Президентлик лавозимида Буш Рейган маъмуриятининг сиёсий курсини сақлаб қолди. У соғлиқни сақлаш министрлигида ва ижтимоий хизматларда барча асосий лавозимлар абортга қарши бўлганларга берилишини шарт қилиб қўйди, Колумбия округига камбағал аёллар учун аборт ҳақини тўлашга маблағ ажратишни тақиқлаш ва янги туғилган болаларнинг ота-онасига ҳақ тўланмайдиган дам олишни кафолатловчи қонун лойиҳасини рад қилиш учун вето ҳуқуқини қўллади. Аммо президент мамлакатнинг ички муаммоларига тааллуқли бўлган иккита асосий таклифларнинг — маблағ ошишидан келган фойдага солиқ миқдорини камайтириш ва давлат байроғини ёқишни тақиқловчи конституцион тузатиш қабул қилинишини таъминлашга эриша олмади. Совет блокининг тарқалиб кетишига қарамасдан, Буш «самовий урушлар» дастури асосида стратегик қуролалинишга харажатларни ошириш таклифини киритди ва ҳатто СССР ядро

қуролини синашдан воз кечганидан кейин ҳам бундай синовларни тўхта-тиш таклифларини рад этди.

Бир йилдан кейин Буш ўзининг асосий сайловолди ваъдаси — янги солиқлар киритмаслик ҳақидаги ваъдасини бузди. 1990 йилнинг 1 январидан давлат бюджетига ҳар йили 4 миллиард доллар даромад берувчи янги солиқ ойлик иш ҳақига киритилди. Йилнинг ўрталарига бориб у ўзи «даромад олишнинг ошиши» деб атаган солиқларнинг оширилишига даъват қила бошлади. Икки партияли «бюджет саммити»дан кейин солиқларнинг иккинчи оширилиши рўй берди. Хонавайрон бўлаётган ссуда — омонат банкларининг депозитларини¹ суғурталаш режалаштирилган бюджет камомадини қарийб 200 миллиард долларгача (1991 йилнинг октябрига 300 миллиард доллар) оширди. 1989 йилга бориб мамлакат иқтисодий турғунлик ҳолатига тушди, 1990 йилнинг ўрталарида эса иқтисодий инқироз бошланди. Аммо СССР билан муносабатларнинг яхшиланиши ва Бушнинг Америка ҳарбий қудратидан қатъий фойдаланганлиги жамоатчилик ўртасида унинг юксак обрўсини сақлаб қолди. 1989 йили декабрь ойида у Панамага ҳукуматни ағдариш учун 24 минг аскар юборди, 1990—1991 йилларда эса 400 минг аскарни Ироққа қарши коллектив ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун Саудия Арабистонига юборди.

АҚШ Конгресси демократ раҳбарларининг ва БМТ Хавфсизлик кенгашининг розилигига эришиб, Буш 1991 йил 16 январда Ироққа ҳаводан ялпи ҳужум қилиш ҳақида буйруқ берди. Беш ҳафта давомида Ироқнинг асосий инфраструктураси вайрон қилинди, Ироқ армияси эса қувиб юборилди. Жамоатчилик фикрини ўрганишларда Бушнинг рейтинги жуда ҳам юксалиб кетди. Аммо иқтисодий тушкунлик 1991 йилнинг ўрталаригача давом этди, кузга бориб жонланишнинг кучсизгина белгилари пайдо бўлди. Президентда инқироз оқибатларига заррача ҳам қизиқиш йўқлиги унинг обрўсига жиддий зарба берди. 1991 йилнинг ноябрига бориб унинг аҳволи шунчалар ёмонлашдики, телевизион шарҳловчи П. Бьюкенен республикачиларнинг дастлабки сайловларида унга қарши чиқишга журъат этди. Буш ўнг доираларга мўлжалланган сайлов кампаниясида ўзининг абортдан нафратланишини таъкидлади ва ҳатто солиқларнинг оширилгани учун кечирим ҳам сўради. У Бьюкененнинг ҳужумларини муваффақият билан қайтарди, бироқ республикачилар партиясининг конвенти² 1992 йилнинг августда йиғилганида аниқ кўриниб турган ўнг йўналишга эга бўлди, бу кўпгина мўътадил йўналишдаги сайловчиларни, айниқса аёлларни чўчитди.

¹ *Депозит* — сақлаш ёки бошқа бирор мақсад билан банкка қўйилган пул, маблағ.

² *Конвент* — сиёсий партиялар ва ташкилотларнинг сайлаб қўйиладиган қонун чиқарувчи органи.

Навбатдаги президентлик сайловларида демократ Б. Клинтон (Арканзас штати губернатори) ва мустақил номзод Р. Перо Бушнинг рақиблари бўлди. 1992 йилнинг 3 ноябрида Клинтон 43 фоиз сайловчиларнинг овозини олди, Буш эса 37 фоиз ва Перо 19 фоиз овоз олди.

Менинг ва сизнинг асрингизда содир бўлган энг буюк воқеа — худонинг продаси билан Америка «совуқ уруш»да ғалаба қозонди. (Жорж Буш)

ШАРҚ ҚИЗИ

БХУТТО, БЕНАЗИР (BHUTTO BENAZIR)
(21.06.1953, Карачи — 27.12.2007, Равалпинди)



Покистон премьер-министри. Келиб чиқиши жиҳатидан эронлик бўлган Нусрат Исфакхонийнинг ҳамда 1971 — 1977 йилларда Покистоннинг президенти ва премьер-министри бўлган Зулфиқор Али Бхуттонинг биринчи фарзанди эди. Ўрта мактабни Карачида тугатган, билим олишни Гарвардда, кейин эса Оксфорд университетида давом эттирган.

Беназир Бхутто маълумотни Америкада олган, у ерда ўн олти ёшидан бошлаб ўқиган. У Фарбда таҳсил олган биринчи покистонлик қиз эди. У биринчи бор ўзи ўқиши лозим бўлган Радклиф коллежининг (Гарварднинг бўлими) синфига киришдан олдин қўрқиб йиғлаган ҳам эди. Коллежни у фалсафа, сиёсат ва иқтисодиёт бакалаври дипломи билан тамомлади. Бундан ташқари, Оксфордда халқаро қонунчилик ва дипломатия курсларини ҳам тугатди.

Беназир Бхутто бой ва обрўли покистонлик уруғнинг вакиласи эди. Унинг отаси амалда бутун умр, мустақил Покистоннинг биринчи ҳукуматидан бошлаб, сиёсат билан шуғулланган. У 1962 йилда ташқи ишлар вазири, 1971—1972 йилларда Покистон президенти, 1972—1977 йилларда премьер-министри лавозимларини эгаллади. 1977 йилда ҳарбий тўнтариш рўй берди — ҳокимият тепасига генерал Зиё ул-Ҳақ келди. 1977 йилнинг 3 сентябрида Зулфиқор Али Бхутто партиядошини ўлдиришда айбланиб, қамоққа олинди. Уч ҳафтадан сўнг Беназир ҳам ҳибсга олинди ва уй қамоғига ташланди (у 1978 йилгача уй қамоғида бўлди). Унинг отаси айбдор деб тан олинди ва ўлим жазосига ҳукм қилинди. 1979 йили Зулфиқор осиб ўлдирилди. Унинг оиласига кўмиш маросимида қатнашишга рухсат этилмади.

Зулфиқор қамоққа олинган ҳарбий тўнтаришдан сўнг Зиё ул-Ҳақ режимиға муҳолифатда бўлган Покистон халқ партиясини Нусрат ва Бена-

зир бошқардилар. Зулфиқор ўлдирилганидан кейин 1979 — 1984 йиллари улар бир неча марта қамоққа олиндилар ва охир-оқибат мамлакатдан бардарга қилиндилар. 1984 йилдан бошлаб Беназир Англияда яшади. 1985 йилнинг июлида унинг укаси Шоҳ Навоз Зиё ул-Ҳақ томонидан ҳибсга олинганидан сўнг заҳар ичиб, ўз жонига қасд қилди.

1986 йили Беназир Покистонга қайтиб келди ва муҳолифатнинг ҳамда отаси асос солган Покистон халқ партиясининг (ПХП) етакчиси бўлди. Ана шу йилнинг ўзида Покистон мустақиллигини нишонлаш куни Беназир жонажон Карачида ўн минг кишилиқ намойиш уюштирганлиги учун қамоққа олинди. Уни бир ойдан сўнг озод қилдилар. 1988 йилнинг май ойида ҳарбий диктатор генерал Зиё ул-Ҳақ парламентни тарқатиб юборди, премьер-министрни вазифасидан озод қилди ва эркин сайловлар ташкиллади. Шу йил июнда у шариат қонунларини мамлакатнинг олий қонунлари деб эълон қилди. Бу ҳолат аёлларнинг сайланишига халақит берарди. Аммо бу ҳийла унга ёрдам бермади — августда Зиё ул-Ҳақ авиаҳалокат оқибатида ҳалок бўлди.

Бу пайтга келиб Беназирнинг тадбиркор ва сиёсатчи, доимо унинг ишларига ёрдам бериб келган Асиф Али Зардариёга турмушга чиққанига бир йил бўлганди. 1990 йилнинг январида Покистон бош вазири Беназир Бхутто фарзандли бўлди.

1988 йилги сайловлар натижасида ҳокимиятга Беназир бошқараётган ПХП келди. Б. Бхутто мамлакатнинг бош вазири бўлди. Зиё ул-Ҳақ даврида қамоққа олинган барча сиёсий арбобларга амнистия берилди.

Беназир Бхутто бу лавозимда икки йил бўлди. 1990 йилнинг октябрида Покистон президенти Фулом Исҳоқ Хон Бхутто кабинетини коррупцияда айблаб, бош вазирни лавозимидан бўшатди, янги сайлов ўтказди ва унда ПХП мағлубиятга учради. Беназир Бхутто қамоққа ҳукм қилинди. 1993 йилги сайловлардан кейин Бхутто яна бош вазир лавозимини эгаллади. ПХП олган умумий овозларнинг сони асосий рақиб — Мусулмонлар лигасиникига нисбатан кам бўлиб чиқди, шунинг учун ҳам Бхутто ҳукумат тузиш учун консерватив йўналишдаги партиялар билан коалиция ташкил қилди. Президент Фаррух Легарий 1996 йилнинг ноябрида ҳукуматни кенгайттирди. 1997 йилги парламент сайловларида ПХП қақшатқич мағлубиятга учради, 217 ўриндан у фақат 17 тасини олди.

1993 йили сентябрда унинг акаси Муртоза чет элдан қайтиб келди ва партияга раҳбарлик қилишни унга топширишларини талаб қилди. Бхуттолار оиласидаги келишмовчиликлар партиянинг жипслигига таъсир қилди. Карачига келиши биланоқ Муртоза терроризмда айбланиб, қамоққа

олинди, аммо 1994 йилнинг июнида гаров эвазига озод қилинди. 1996 йилнинг сентябрида Муртоза полиция билан тўқнашувда ўлдирилди. Унинг ўлимида Беназирнинг эри — Зардарий айбланди. Ўша йили Бхутто ҳам катта миқёсдаги порахўрликда ва ўлдиришларга буйруқ берганликда айбланди. Бхуттолар авлоди атрофидаги уруш-жанжал амалда отаси ўлдирилганидан буён ўтган бутун йигирма йил давомида тинган эмас. ПХП ҳокимиятга оммабоп шиорлар (нон, уй-жой ва кийим — ҳаммага) остида келди, аммо уларни айтишдан кўра бажариш анча қийин бўлиб чиқди, оқибатда ПХП ўз таянчларини йўқотди. Бхутто кабинети мамлакат ичкарисидадиган кўра халқаро майдонда анча таниқлироқ эди.

Мухолифат кўп маротаба оилани ноқонуний молиявий фирромликларда (афтидан бундай ҳолатлар ҳақиқатдан ҳам бўлган) айблаб, Бхуттолар авлодини сиёсий жиҳатдан йўқотишга уринди. Баъзи бир маълумотларга кўра Бхуттолар чет элга (Швейцарияга) 100 миллион долларга яқин маблағ қўйишган. Бхутто ҳукуматини мухолифат газеталари «оилавий корхона» деб аташган. Бхуттолар оиласи учун даромад манбаи асосан қурол билан савдо қилиш эди — фақат 1995 йилнинг ўзида Зардарий французларнинг Dassault Aviation компаниясидан восита учун тўлов сифатида 200 миллион доллар олиши керак эди (ҳукумат истеъфога чиққанлиги сабабли 4 млрд. долларлик келишув бузилди). Бошқа бир келишувга кўра Швейцариянинг компанияси Зардарий ва унинг қайнонаси — Нусрат Бхутто назорат қилган компанияларга миллионлаб долларлар тўлаган. Хотини ҳокимият тепасидалиги пайтида Зардарий, шунингдек, олтинни импорт қилишда ҳам монополияга эга эди. 1997 йили Швейцария банки Бхуттолар ҳисоб-китоблари ҳужжатларини терговга очди — бу амалда иккинчи бор юз берди, Филиппин диктатори Маркос биринчиси эди. 15 апрелда Беназир Бхутто ва унинг эри Асиф Али Зардарийлар коррупцияда ва чет эл компанияларидан пора олганликда айбланиб, беш йил қamoққа ҳукм қилинганликлари ҳақида хабарлар тарқалди. Бхутто, уни сиёсий сабабларга кўра таъқиб қилаётганларини айтиб, ўз айбини тан олмади. 1998 йилнинг бошларида Беназир, унинг эри ва онасига коррупцияда расмий айбловлар эълон қилинди, уларнинг Британия ва Швейцария банкларидаги маблағлари «музлатиб» қўйилди, аммо тез орада Бхуттога қарши айбловлар олиб ташланди.

2002 йилнинг 30 августида Покистоннинг Ларкан шаҳридаги сайлов комиссияси собиқ бош вазир Беназир Бхуттони октябрда бўладиган парламент сайловларида номзод сифатида рўйхатга олишдан бош тортди. Расмий шахсларнинг сўзларига кўра Бхутто Миллий ассамблеяга сайловларда иштирок эта олмас эди, чунки мамлакат қонунлари аввал судланган

фуқароларнинг сайловларда иштирок этишини тақиқлайди. 2002 йилнинг июлида қувғинда яшаётган Бхутто сиртдан айбдор деб тан олинди ва уч йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

2007 йил 27 декабрь кuni Равалпинди шаҳрида оппозициянинг кўп минг кишилиқ митинги уюштирилди ва унда Беназир Бхутто нутқ сўзлади. Митинг якунига етганда террористик акт — портлаш уюштирилиб, унда 26 киши, жумладан, Бхутто ҳам ҳалок бўлди, яна 90 дан зиёд киши жароҳатланди.

БУЮК ЭЛЕКТРИК

ВАЛЕНСА, ЛЕХ (поляк. LECH WAŁĘSA)
(29.09.1943, Попово, Тлухово)



1990 йилнинг декабридан 1995 йилга қадар Польша президенти ва «Бирдамлик» қасаба уюшмаси етакчиси (1991 йилгача), Нобель тинчлик мукофоти лауреати (1983). Валенса асизодалар зотидан бўлган деҳқонлар оиласида дунёга келган. 1981 йили қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактабини битирди. 1961—1963 ва 1965—1967 йиллари — машиналардан фойдаланиш бўйича давлат марказида электромеханик бўлиб ишлади. 1963—1965 йиллари Польша кўшинида хизмат қилди. 1967—1976, 1980 ва 1983 йиллари — Гданьскдаги кемасозлик корхонасида, 1976—1978 йиллари Гданьскдаги «Электромонтаж» бирлашмасида — электрик, 1970 йили — иш ташлаш кўмитасининг раҳбари, 1979—1980 йиллари Гданьскдаги кемасозлик корхонаси иш ташлаш кўмитаси аъзоси, 1980 йилнинг август-сентябрида Гданьск заводлараро иш ташлаш кўмитасининг раҳбари, 1980—1981 йиллари «Бирдамлик» қасаба уюшмаси ташкилий кўмитаси президиуми раиси, кейин эса «Бирдамлик» қасаба уюшмаси умумполяк комиссияси президиуми раиси бўлди.

Унинг ёшлигида келажакнинг буюклигидан дарак ҳам йўқ эди. Валенса тўнлари либерализмнинг ғоявий пири Хайекни ўқимасди. Партия котибларига бомбалар улоқтирмаган ва қамоқхона дорилфунунларини битирмаган. Сиёсий фаолликнинг биринчи дарсини у фақат 27 ёшида олди. Бунгача Лех фақат ёмон хулқи ва қишлоқлар учун механизаторлар тайёрлайдиган билим юртида ўртамиёна қобилияти билангина ажралиб турарди. Билим юртини тугатгандан сўнг Валенса машина-трактор паркларига ўхшаш идорада электромеханик бўлиб ишлади, кейин ҳарбий хизматни ўтади, кейин эса қишлоққа қайтиб келди ва яна электр соҳасида ишлай бошлади. У олий маълумот олмаган ва олишга ҳам уринмаган. Валенса 40 ёшда Нобель мукофотига сазовор бўлганда, лауреат ҳали ҳам мутахассислиги бўйича оддий электрик бўлиб қолаверди. Валенса шахси шаклланаёт-

ган 50—60-йиллар Польша учун оддий даврлар эмасди. Очқидан-очиқ сталинизм даври ўтмишга кетганди. Партиявий доҳий Владислав Гомулка гоҳ ишчиларнинг ўз-ўзини бошқаруви билан тажриба қилар, гоҳ миллатчиликнинг кучайишига умид билан қарарди. У руҳонийларни қамоқлардан бўшатди, лекин бир вақтнинг ўзида кардинал Стефан Вишинский билан кескин жанжаллар ҳам уюштирди.

Сеймга сайловларда бир қадар рақобат пайдо бўлди. Лекин иқтисодий ислохотлар соҳасида Варшава Прагадан, Белграддан ва Будапештдан аниқ орқада қолган эди. Бир гап билан айтганда, тоталитар тузумнинг «қалин деворлари» ортида қандайдир бир янгилик аста-секин сезилиб ўтар, лекин даврларнинг алмашилиши ҳали ҳатто узоқларда ҳам кўринмасди. Мамлакатда оддий қишлоқ электригини сиёсатга торта оладиган ташқи бир куч ҳам йўқ эди. Ҳатто поляк пролетариати сонини деҳқонлар ҳисобига кескин кўпайтириб юборган тезкор саноатлаштириш ҳам фақат 70-йилларга — Эдвард Герек ҳукумати даврига тўғри келди. Шунинг учун ҳам 1967 йили Валенсанинг қишлоқдан шаҳарга кўчиб ўтиш ҳақидаги қарорининг келгуси сиёсий карьераси учун улкан аҳамиятга эга бўлди. Кейинроқ, ўзининг нисбатан кичик ёшига қарамасдан у ишчилар ҳаракатининг фахрийлари ва 1970 йилги Гданьск жанглари кўрмаган ёшлар ҳурмат қиладиган, мислсиз обрўга эга бўлганлар сафига қўшилди. Кейинчалик синфий жанглар маркази бўлиб қолган Ленин номидаги машҳур кемасозлик корхонасида Валенса тўсатдан пайдо бўлиб қолмаган. У Гдиняга ишга кирмоқчи бўлиб бораётган эди. Поезд Гданьск орқали ўтар эди, жуда чанқаган Валенса пиво топиш учун вагондан сакраб тушди. Маълумки, социализм даврида пиво топиш баъзан қийин бўларди. Ёш электрик чанқоғини қондиришга уринаётганда, поезд кетиб қолди. Ваҳоланки, аҳвол шундай бўлган экан, Гданьск Гдинядан заррача ҳам ёмон эмас, дея қарор қилди Валенса. Яхши иш дарҳол топила қолмади, аммо 1967 йилнинг май ойида ниҳоят у кемасозлик корхонасига жойлашиб олди.

Икки йилдан сўнг Валенса ёшгина гулчи қиз Мирославага уйланди. Лекин уни негадир доимо Данута деб чақирарди. Кейин бу ибратли католиклар оиласида болалар пайдо бўлди: умумий ҳисоб билан уларнинг сони 8 тага етди. Кечалари уларнинг барчаси Валенсанинг Гданьскдаги кичкинагина хонасида полда ухлашганда хонанинг эшигини очишнинг иложи ҳам йўқ эди.

Ташқаридан қараганда бу католикча ўзига хослик билан нормал социалистик ҳаёт эди. Табиийки, кўп болали оила қашшоқ ҳаёт кечирар ва бу қашшоқ ҳаёт айниқса, Валенса сиёсий курашга киришгандан кейин яна-

да қийинлашди. 1970 йил 12 декабрда, католикларнинг Рождество байрамларига роппа-роса 2 ҳафта қолганида, коммунистик ҳокимият озиқ-овқат маҳсулотларининг нарҳини кескин ошириб юборди. Бошқа мамлакатда халқ, эҳтимол, бунга чидаган бўларди, бироқ Польша ўзининг жанжаллари билан машхур. Навбатдаги жанжал ҳам ўзини узоқ куттирмади. 14 декабрдаёқ Гданьскда иш ташлашлар бошланди. Партия худудий кўмитаси олдида халқ митингга йиғилди. Бутун шаҳар бўйича ишчиларнинг полиция билан тўқнашувлари давом этарди. Ҳокимият қўллаган жазо чораларига қурбонлардан даҳшатга тушган халқ ўт қўйиш билан жавоб қайтарди. Кейин қўзғолон Гдиняга ўтди ва 17 декабрь «қонли пайшанбада» айниқса аёвсиз кўриниш олди.

Валенса энг бошиданоқ иш ташлаш кўмитаси аъзолари сафига кирди. Гап-сўзларга қараганда, халқ ҳибсга олинганларни озод қилишга ташланганида ёш электрик телефон будкаси устига чиқиб, халқни осойишталикка чақирган. Валенсанинг ҳаётида бу будка Ельциннинг ҳаётида Оқ уй ёнидаги танк ролини ўйнади, йўқми, худо билади, аммо 1970 йилги воқеалар унинг ҳаётида ўзига хос бир марра бўлганлиги шубҳасиз. Иш ташлаш кўмитасида ишлаб қолган ва меҳнат шароитлари устидан назорат бўйича инспектор лавозимини эгаллаган электрик, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда сиёсий мавқега эга бўла бошлади. Герек даври Польша учун умидлар, айни пайтда афсус ва надоматлар даври бўлди. Халқ қўзғолонининг тўлқинида ҳокимият тепасига келиб қолган янги партиявий доҳий Польшадан Шарқий Европа Япониясини ясашга ваъда берди. Кўплар унга ишондилар ва Валенса ҳам уларнинг сафида эди. Гомулканинг кетиши билан эски коммунистик мафкура бутунлай тарқалиб кетди. Герек эса унинг ўрнига иқтисодий аҳволнинг яхшиланишига интилишдан бошқа ҳеч нарса олиб келмади. Бироқ иқтисодий аҳволнинг яхшиланиши унчалик ҳам қовушмаётган эди. Бу лоқайдликни ва амалга ошмай қолган «Шарқий Европа Японияси»дан агар ҳақиқий Японияга бўлмаса ҳеч бўлмаганда АҚШга жўнаб қолиш истагини пайдо қилди. 1972 йили Валенсанинг онаси ҳам ўша ёққа отланди. Ўз уйига ҳам яхши кунлар келишидан умидвор бўлган ўғил онасини кузатиб боришдан бош тортди. Уч йилдан сўнг, барибир ҳам океан ортига ўргана олмаган Валенса хоним машина остида қолиб ҳалок бўлди. Бу пайтда эса Польшада жуда муҳим воқеалар етишиб келаётган эди. Кескин бурилишлар 1970 йили ҳам, 1980 йили ҳам эмас, таржимаи ҳолида Валенсанинг ўзи ёзганидек, 1976 йил содир бўлди. Мамлакатда коммунистларга мутлақо алоқадор бўлмаган сиёсий партиялар пайдо бўла бошлади. Валенса машхур Хельсинки акти дунёга келтирган

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаракатини ажратиб кўрсатади. Лекин эҳтимол, Адам Михник ва Яцек Куронь тузган ишчиларни ҳимоя қилиш кўмитаси яна ҳам кўпроқ аҳамиятга эга эди. Агар 1970 йилги воқеалар пайтида Польша зиёлилари жим турган бўлса, 1976 йилнинг ёзидаги навбатдаги иш ташлашлар тўлқинидан кейин ўтмишда коммунистик-романтик бўлган, аста-секин диссидентлик позициясига ўтган Куронь энди зиёлиларнинг четдан қараб туришга маънавий ҳаққи йўқлигини айтган.

Бу шунчаки ҳалол одамнинг ҳис-ҳаяжонли гапими ёки мўлжалли сиёсий ҳаракатми? Униси ҳам, буниси ҳам бўлиши мумкин. Лекин қандай бўлмасин, 1976 йили Польшада шундай блок шакллана бошладики, сиёсий таъсири унга тенг бўлган блок Шарқий Европа мамлакатларидан бирортасида ҳам пайдо бўлмаган. Гданьск ишчиларига туб ўзгаришлар амалга оширилиши заруратини тобора кўпроқ англаётган Варшава элитасининг¹ сара вакиллари, шунингдек, ортидан Польша костёлининг қудратли қомати кўриниб турган Краков католик зиёлилари ҳам қўшила бошладилар.

Агар СССРда диссидентлик ҳаракати сиёсий эмас, маънавий-ахлоқий моҳиятига эга бўлган бўлса, Польшада зиёлилар ишчилар ҳаракати қиёфасида мамлакатни тўнтариб ташлашга қодир бўлган қуролни кўрдилар. Бироқ ҳали тўнтаришгача анча вақт бор эди. Ҳозирча эса фақат қийинчиликлар ошиб борарди, холос. 1976 йилнинг февралда Валенса ишсиз қолди. Бундан ташқари, уни бир неча бор қамоққа олдилар, шу жумладан Данута олтинчи фарзанди — қизи Аннани туғаётган тунда ҳам. Шунга қарамасдан, сиёсий фаоллик ошишда давом этарди. 1978 йили, Гданьскда эркин касаба уюшмалари тузиш ишлари бошланганида Валенса фақат етакчиси инженер Анжей Гвазда бўлган ташаббускор гуруҳнинг аъзоларидан бири эди, холос. 1980 йилга бориб, сиёсий воқеалар яна қизишаётган бир пайтда, энди электрикнинг ўзи етакчиликка чиқди. Яна ҳаммаси озиқ-овқатлар нархининг оширилишидан бошланди. Барибир Япония бўла олмаган Польша июль-августда иш ташлашлар билан қамраб олинганди. Ишчилар билан муносабатларни яхшилаш учун ҳукуматнинг етакчи вакиллари бордилар. Гданьскда премьер ўринбосари Мечислав Ягельский билан музокараларни Валенса олиб борди.

Стихиянинг ҳаддан ошишига йўл қўймай ва айни пайтда ўзини Ягельскийга нисбатан жуда қатъий тутган 37 ёшли электрик ишчилар ҳаракати устидан назоратни ўз қўлига олди. Табиат Валенсани кўпгина зиёлиларга қараганда анча кўпроқ даражада ташкилотчилик қобилияти ва музокарачилик таланти билан сийлаган бўлиб чиқди.

¹ *Элита* — сараланган, энг яхши.

Ойлик маошларини ошириш, озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш, квартираларга навбатни қисқартириш каби соф ишчилар уюшмалари талабларига қўшимча равишда сиёсий талаблар ҳам пайдо бўлди. 22 августда Валенсанинг олдига зиёлилар доирасининг обрўли вакиллари — католик журнал муҳаррири Тадеуш Мазовецкий ва профессор Бронислав Гремеклар келдилар. Алоқа ўрнатилди ва иш ташлаш қўмитаси талаблари қаторидан қамоқдаги Куроньни ва Михникни озод қилиш ҳақидаги модда ҳам пайдо бўлди. Ҳокимият ишчиларнинг талабларини бажарди ва бу билан ўз интиҳосига ҳукм чиқарди. Гданьсклик иш ташловчилар номидан бу «ҳукм»ни Валенса имзолади, у бу мақсад учун қимматли эсдалик ручкани — Иоанн Павел II нинг (у ҳам келиб чиқиши поляк эди) совғасини ишлатди. Энди электик бутун Польшага машҳур бўлди. Келгуси йил давомида Валенса шунчаки машҳурлигини мустаҳкамлабгина қолмай, мустақил касаба уюшмаси «Бирдамлик»ни бошқарди ва амалда мамлакатнинг норасмий етакчиси, фикри билан партия-ҳукумат доирасида ҳам ҳисоблашишга мажбур бўлган кишига айланди. Ёзувчилар қурултойида ҳаяжонга тушган «фикр қироллари»дан бири ҳатто хитоб қилди: «Бизда Понятовский бор эди, кейин Пилсудский бўлди, энди Валенса бор». «Понятовский ва Пилсудскийлар меъросхўри»нинг оиласи, ниҳоят олти хонали данғиллама кошонага кўчиб ўтди ва унинг учун одатий бўлиб қолган қашшоқликдан чиқди.

Токи 1981 йилнинг декабрида ҳарбий тўнтариш орқали сунъий равишда тўхтатиб қўйилгунга қадар «Бирдамлик» бошқараётган Польша демократия ва бозор муносабатлари томон тез ҳаракат қилаётгандек туюлган эди. Бироқ аслида аҳвол бунга кўра анча-мунча мураккаб эди.

80-йилларнинг бошларидаги мустақил касаба уюшмалари соф популистик тизим бўлиб, ҳокимият билан савдолашиш учун мўлжалланган эди. У яратувчанлик учун мослашмаганди. Заиф коммунистик ҳокимиятининг кучли ишчилар ҳаракати билан ҳамкорлиги иқтисодиётни инқирозга дучор қилиб, ҳеч қанақа ижобий ўзгаришларга олиб келмади.

Бунинг устига ҳокимиятсизлик шароитида, кўплар ўйлаганидек, 1968 йили Чехословакияда бўлгани сингари совет қўшинларининг бостириб кириш хавфи кучайди. Лекин барибир ҳам нозик кинояга мойил бўлган поляклар ҳазил қилиш имкониятини топардилар. Туристтик фирмаларидан бири Москвага йўлланмани: «СССР бизга ташриф буюрмасидан олдин СССРга ташриф қилиб қолинг!» — шиори остида сотганди. Бундай ҳолатда генерал Войцех Ярузельский энг одатий ва унга энг тушунарли бўлган йўлдан — бутун ҳокимиятни ҳарбийлар қўлида жамлаш йўлидан борди. 1981 йилнинг ноябрида бирор-бир мурасага эришиш учун охириги марта уриниб кўрилди. Музокаралар олий даражада олиб борилди. Унда партия етакчиси генерал Ярузельский, Польша

примаси кардинал Глемп, «Бирдамлик» етакчиси Валенса қатнашдилар. Бу шунчалар олийнасаб даврага қўшилиб қолган оддий электрикнинг ҳақиқий тантанаси эди. Бироқ музокаралар натижа бермади. Ана шундай дамда, ўз шон-шуҳратининг чўққисида Валенса биринчи бор кечаги сафдошлари томонидан қаттиқ танқидга учради. Гвезда уни ҳашамдор мўйловидан бошқа ҳеч нарсаи йўқ, ўзига бино қўйган оvsсар, деб атади. Эҳтимол, бундай ҳужум шу билан изоҳланадики, Гвезда ишчилар ҳаракатида етакчилик учун курашда Валенсага бой берди. Бироқ айни вақтда тан олиш керакки, музокараларда бир ойдан сўнг Валенса ҳеч вақосиз, фақат ўша ҳашамдор мўйлови билан қолди. Мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилинди ва ўз талабларида чегара билмаган мухолифат йўлбошчилари қамоқхоналарга ва лагерларга жойлашди. Бу кўнгилсиз манзарага сиёсий жанжаллар қўшимча бўлди. Жанжалларнинг биринчиси 1992 йили Ян Ольшевский ҳукумати бошлаган «жодугарлар ови» жараёни билан боғлиқ. Тасодифан маълум бўлдики, коммунистик давлат хавфсизлик органларига хизмат қилган агентлар рўйхатида «Белок» лақаби билан Буюк электрикнинг ўзи ҳам бор экан. Давлат хавфсизлиги ана шу йўл билан ўзининг сиёсий мухолифларини атайлаб обрўсизлантиришга уринганини сезган Ольшевский жанжални тўхтатди. Шунга қарамаздан, ҳаддан ташқари тиришқоқ бўлган Ольшевский премьерликда узоқ вақт тура олмади.

Иккинчи жанжал биринчисидан кейин дарҳол юзага келди. «Бирдамлик» ворисларининг тўлиқ тарқоқлиги шароитида етарлича реалистик фикрловчи ва мамлакат яқдиллигининг ғамини еган Валенса сўл кучларнинг кўзга кўринган вакилларида бири, деҳқонлар партиясининг етакчиси Вальдемар Павлякка янги ҳукумат тузишни таклиф қилди. Бу билан президент ўзини аниқ зарба остига қўйди ва душманлари унинг оғир аҳволидан дарҳол фойдаланиб қолдилар. Валенса илгари посткоммунистик Польшанинг отаси ҳисобланарди. Бу ҳурматни ундан тортиб олиш унчалар ҳам осон эмасди. Бироқ энди Валенсанинг ўзи сўл кучларга, яъни кимларга қарши курашда сиёсий мавқега эришган бўлса, амалда худди ўшаларга ҳокимиятни беришга қарор қилди. Президент — у бор-йўғи ҳукмронликка чанқоқ бир шахс, шунинг учун мутлақо принципсиз ҳаракатларни амалга оширапти, дея айбладилар уни. Валенса ни ҳокимият тепасига олиб келган афсона тахминан 1994 йилнинг бошларида узил-кесил тугади.

Ана шу пайтдан бошлаб сўллар ҳам, шунингдек, ўнглам ҳам президент билан ҳисоблашмай қўйдилар. Биринчилари залворли қадамлар билан ҳокимиятга томон бораётган бўлса, иккинчилари президент бу ҳокимиятни қўлида ушлаб қололмаганлиги учун газабларини яшира олмадилар. Кечагина ҳамма ёқтирган одам ҳеч кимга керак бўлмай қолди. Унга фақат янги

президентлик сайловларини кутиш ва унда мағлубиятга учраш қолганди, холос. Бу воқеалар 1995 йили рўй берди. Тўғри, ўша пайтда коммунистларнинг ҳокимиятга қайтиб келишидан кўрққанларнинг аксарияти ҳам унинг учун овоз бердилар, иложсизликдан овоз бердилар. Аммо Александр Квасневский ўзини жиддий фикрлайдиган инсон сифатида кўрсатганидан сўнг амалда Валенсадан ҳамма юз ўтирди. Охириги марта у Солт-Лейк-Ситидаги Олимпиада вақтида, унга қишки ўйинлар байроғини кўтаришни ишониб топширганларида одамлар олдида ошкора милт этиб кўриниб кетди. Ғарб уни унутмаганди, бироқ бу энди жуда ҳам кучсиз тасалли эди. Валенса Польша сиёсатида аллақаяқлардан пайдо бўлди ва ўз ишини бажарганидан сўнг яна қаёқларгадир ғойиб бўлди. Бироқ ортда халқ бирдамлигининг шундай бир ёрқин дамлари қолдики, бундай дамлар, эҳтимол ҳар бир мамлакатнинг тарихида ҳар юз йилда бир марта рўй беради, холос. Орқада, ўзининг романтик юксаклигига қарамасдан, бутун Шарқий Европага ривожланишнинг муқобил ва фойдали йўналишини кўрсатган дақиқалар қолди.

Ҳар бир мамлакатда янгиланишларга йўл очган ўз етакчилари — қайтадан мослашган аппарат ходимлари, санъатнинг ҳиссиётли кишилари, прагматик иқтисодчилари бор эди. Аммо улар орасида гданьсклик ягона электрик — Лех Валенса абадий қолади.

БМТнинг ТўРТИНЧИ БОШ КОТИБИ

ВАЛЬДХАЙМ, КУРТ (KURT JOSEF WALDHEIM)

(21.12.1918, Санкт-Андре-Вердерн, Қуйи Австрия —
14.06.2007, Вена, Австрия)

Австрия давлат арбоби, дипломат, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўртинчи бош котиби (1972—1981), Австриянинг федерал президенти (1986—1992). 1968—1970 йиллари Австриянинг Ташқи ишлар министри.



У 1918 йили Курт Вацлав бўлиб дунёга келди, бироқ унинг отаси чехча фамилия билан Австрияда бирон-бир мавқега эришиб бўлмастлигини тез тушунди. Шунда Вацлав Вальдхайм бўлиб қолди. Вақти билан Вацлав фамилиядан бошқа нарсаларни ҳам алмаштириш мумкинлигини тушунди.

1938 йили Вальдхаймлар оиласи Австриянинг нацистлар Германиясига қўшилишига қарши эди. Шу сабабли Куртнинг отаси ишини йўқотди ва;

ҳатто қисқа вақт нацистлар қамоқхонасига ҳам тушди. Кичик Вальдхайм аҳволни тезда англаб етди. У нацистик талабалар иттифоқига ва СА ҳужумчи гуруҳларига аъзо бўлди. Уруш бошланганида Курт Вальдхайм вермахт офицери бўлди. 1936—1937 йилларда у кўнгилли бўлиб Австрия армиясида хизмат қилди, кейин бирмунча вақт ўқиди, сўнг немис армиясига қабул қилинди ва 1941 йили Шарқий фронтга тушди, ўша ерда яраланди.

Вальдхайм Вена консуллик академиясида (1937—1939) ўқиди, 1944 йили Вена университетини тамомлади ва ўша йилнинг ўзидаёқ ҳуқуқшунослик доктори бўлди. 1945 йилдан дипломатик хизматда.

1945 йили Вальдхайм Австрия Ташқи ишлар министрлигига хизматга кирди, 1948—1951 йиллари Париждаги элчихонанинг биринчи котиби бўлиб ишлади. 1951—1955 йиллари — Ташқи ишлар министрлиги кадрлар Бошқармаси бошлиғи бўлди. 1955 йили Австриянинг БМТдаги доимий кузатувчиси этиб тайинланди, ўша йилнинг охирига келиб, Австрия Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинган, Австрия ваколатхонасини бошқарди. 1956—1960 йиллари Вальдхайм Австриянинг Канададаги вакили бўлди — аввалига вакил даражасида, 1958 йилдан элчи лавозимида ишлади.

1960—1962 йиллари Австрия Ташқи ишлар министрлигида сиёсий бошқарма (гарбий шуъба) бошлиғи, кейинчалик эса сиёсий масалалар бўйича бош директор бўлди ва бу лавозимни 1964 йилнинг июнигача эгаллаб турди. 1964—1968 йиллари Австриянинг БМТдаги доимий вакили, Космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш қўмитасининг раиси; 1968 йили космик фазони тинч мақсадларда тадқиқ қилиш ва фойдаланиш бўйича БМТ Биринчи конференциясининг раиси этиб сайланди. 1968 йилнинг январидан 1970 йилнинг апрелигача — Австриянинг федерал ташқи ишлар министри.

Ҳукуматдан кетганидан сўнг уни Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг (МАГАТЭ) Кафолатлаш бўйича қўмита раиси қилиб сайландилар, 1970 йилнинг октябридан эса у яна Австриянинг БМТдаги доимий вакили лавозимига тайинланди ва Бош котиб қилиб сайланганига қалар ана шу лавозимни эгаллаб турди. 1971 йилнинг апрелида у Халқ партиясидан Австрия федерал президентлигига номзод қилиб кўрсатилди. Вальдхайм 1972 йилнинг январидан беш йиллик муддатга БМТ Бош котиби қилиб тайинланди. Хавфсизлик Кенгаши 1971 йилнинг 1 январидан бу тайинланишга тавсия берди, эртаси куни эса Бош Ассамблея бунни тасдиқлади.

Бу лавозимда бўлган дастлабки уч йил давомида Вальдхайм БМТ учун алоҳида қизиқишга лойиқ бўлган жойларга борди. Бу ташрифлар пайтида у БМТнинг ана шу ҳудуддаги тинчликни сақлаш бўйича миссияси — БМТнинг Ярашув шартларининг бажарилишини кузатиш бўйича органини ва БМТ Фавкулудда қуролли кучларини ҳам назорат қилиб турди. 1973 йилнинг

февралада Ҳиндистон яриморолига расмий сафари пайтида Бош котиб Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш ҳукуматлари билан Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги уруш келтириб чиқарган муаммоларни ва унинг оқибатларини тугатиш йўллари ҳамда воситаларини муҳокама қилди. У, шунингдек, БМТ ҳомийлигида амалга оширилган барча операциялар ичида энг йириги — Бангладешга ёрдам бериш бўйича операциянинг бажарилишини ҳам назорат қилди. Вальдхайм мурожаатлар билан чиқди ва Африка Бирлиги Ташкилотининг Работдаги (1972 йилнинг июнида АБТнинг ўн йиллиги муносабати билан), Аддис-Абебадаги (1973 йилнинг майи) ва Могодишодаги (1974 йилнинг июни) сессиялари ишида қатнашди. Вашингтонда (1972 йилнинг марти) Америка Давлатлари Ташкилоти йиғилишида ҳам нутқ сўзлади. 1973 йилнинг февралада Бош котиб Вьетнам бўйича Париж халқаро конференциясида қатнашди; ўша йилнинг декабрида у Яқин Шарқ бўйича Женева Тинчлик конференциясининг биринчи босқичига раислик қилди. 1986 йили Вальдхайм ўз номзодини яна Австрия президентлиги лавозимига қўйди. Сайлов кампанияси давомида Вальдхайм уруш вақтида Югославиядаги партизанлик ҳаракатини аёвсизлик билан бостиришда ва 1943 йили яхудийларни Салоники (Греция) шаҳридан фашистларнинг ўлим лагерларига оммавий жўнатишда қатнашган ҳарбий қисмда таржимон ва разведка офицери бўлганлиги айтилган бир қатор ҳужжатлар топилди. Вальдхайм ўз ўтмиши ҳақида ҳеч нарсани яширмаганини баён қилди, лекин ҳарбий жиноятчилик билан ҳар қандай алоқани рад этди. 1986 йилнинг июнида у сайловларда ғолиб чиқди, лекин унинг ўтмиши сабабли олти йиллик бошқарув даврида халқаро майдонда анча яккаланди.

Уйланган, уч нафар фарзанди бор. Австрия ташқи сиёсатига бағишланган, немис, инглиз ва француз тилларида чоп этилган «Австрия намунаси» («The Austrian Example») деб номланган асарнинг муаллифи. Собиқ президент ўзининг Венадаги ҳовлисида набираларини тарбияларди.

Яхудий ташкилотлари унга қарши чиқишларини давом эттириб, уч марта АҚШга боришини тақиқлашга эришдилар. Чет элларда ҳам ундан ўзларини тортишардилар: Исроил ўзининг Венадаги элчисини чақириб олди, Вальдхайм АҚШга ва Фарбий Европа давлатларининг аксариятига ташриф билан бора олмасди. 1992 йили Халқ партияси унинг номзодини кўрсатмади ва президентликка номзод Т. Клестиль бўлди ва у сайловларда ғалаба қозонди.

18 томлик «Белорус энциклопедия»сининг (Минск, 1996) 3-томида Курт Вальдхайм (Вальдгайм) Австрия давлат арбоби, дипломат деб кўрсатилган.

Курт Вальдхайм 2007 йил 14 июнь куни вафот этди.

АРМИЯ ВА САНЪАТ ҲОМИЙСИ



ВИЛЬГЕЛЬМ II (ФРИДРИХ ВИЛЬГЕЛЬМ ВИКТОР АЛЬБЕРТ ПРУССКИЙ), (нем. WILHELM II, FRIEDRICH WILHELM VIKTOR ALBERT VON PREUBEN)

(27.01.1859, Берлин — 04.06.1941, Доорн, Утрехт провинцияси)

1888 — 1918 йиллари Германия императори ва Пруссия қироли, император Фридрих ва қиролича Викториянинг катта ўғли. Касселдаги гимназияда ўқиди, кейин ҳарбий хизматни ўтади ва Бонн университетида ҳуқуқни ўрганди. 1881 йили Шлезвиг-Гольштейн-Сондербург-Августенбург маликаси Августа Викторияга уйланди. 1888 йили отаси вафот қилганидан сўнг Вильгельм тахтни эгаллади. Тез орада у канцлер билан келишмай қолди ва 1890 йили уни истеъфога чиқишга мажбур қилди. Ёш кайзер Германия сиёсатидаги янги йўналишга асос солди; натижада мамлакат Россия ва Буюк Британиянинг ишончини йўқотди. Кайзер Бисмарк фавқулодда муҳим аҳамият берган бир-бирини ҳимоялаш ҳақидаги Россия — Германия шартномасини Вильгельм янгилашдан бош тортиди ва яққаланиб қолган Россия Антантанинг асоси бўлиб қолган Франция билан ҳамкорлик қила бошлади.

Вильгельм Европанинг обрўли ҳукмдорларидан бири эди. Қироллик ва-колатларининг муқаддаслигига ишонган Вильгельм замонавий сиёсий ҳаётнинг барча босқичларида фаол роль ўйнади. У фаолияти давомида жиддий хатоларга ҳам йўл қўйган (1896 йили Трансваальни босиб олишга уринган Британия ҳарбий отряди ҳужумини қайтарганлиги билан император Бур президентини табриклаган телеграмма; 1908 йили «Дейли телеграф» газетасида кайзернинг инглиз дўстлари билан суҳбатининг чоп этилиши, унда Англияни ёқтиришда кайзер Германияда бир ўзи эканлиги таъкидланган; Хитойга жазо отрядини юборишдан олдин укаси Генрихга қатъий кўрсатмалар берганлиги; Уэльс шаҳзодаси билан жанжаллашиш, тарқалиб кетган Австро-Венгрияга 1908, 1912 ва 1914 йиллардаги инқирозлар пайтида узоқни кўролмасдан қилган ёрдами) ва бу хатолар фақат Германиянинг мавқеини пасайтирибгина қолмасдан, унга қарши турган иттифоқчиларни ҳам кучайтирган. Шунинг билан биргаликда у санъат ва фанни, таълимни жонбозлик билан қўллаб-қувватлади. Онасининг ва Бисмаркнинг афсусларга тўлиб-тошган эсдаликлари ҳамда князь фон Бюловнинг хотиралари Вильгельмнинг характери ва сиёсати ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Император ўзи ҳукмронлик қилишни истагани учун Бисмаркни истеъфога жўнатди. Бироқ айнан императорнинг давлатни бошқаришга ноқобиллиги Биринчи жаҳон урушининг сабабларидан бири бўлди. «Темир канцлер» номини олган Отто фон Бисмаркни истеъфога жўнатар экан,

«сиёсат — бу менинг ишим!», — дея хитоб қилади Вильгельм II. Ёш император ақлли, мағрур ва қобилиятли, аммо ундан кам бўлмаган даражада юзаки ва театрона қилиқларга мойил эди. У давлат ишлари билан муттасил шуғулланишга қодир эмасди. Европада Вильгельм II нинг қарорларини олдиндан билиб бўлмайдиган сиёсатчи деб ҳисоблашарди. Ёш императорга сиёсатчилар эмас, ҳарбийлар кўпроқ таъсир ўтказардилар. Бу даврда армиянинг кундалик ҳаётдаги роли беқиёс ортади. Жамият ҳаётига назорат, яширин эшитиш, субординация¹ каби «тўғри фикрлаш тарзи»нинг шаклланишига имкон туғдирувчи ҳарбий тушунчалар, нормалар ва «фазилатлар»нинг кириб бориши рўй берарди.

Ўзининг садоқатли фуқароларидан «илҳом императори» деган лақаб олган Вильгельм II ўзини санъатда ҳам синаб кўради. У расм чизарди, дирижёрлик қиларди, шеърлар ёзарди, саройдаги театрда спектакллар кўярди. Вильгельм II нинг намойишқорона дабдабаликка, ҳарбий машқларга ва серҳашам ҳарбий тантаналарга мойиллигини, афтидан, немис жамияти ҳам қабул қилган. Бу ишда энг аввало, саноатчилар, банкирлар ва йирик ер эгалари — юнкерлар, шунингдек, офицерлар, амалдорлар ва бой шаҳар аҳолиси ўрناق бўлади. Олий табақадагилар кўнгил очаётган бир пайтда кўпчилик аҳоли учун биринчи навбатда бутунлай бошқача бир санъат — бу оғир шароитда кун кўриш, яшаб қолиш санъати турарди.

Шунинг учун ҳам 1880 йилнинг 20 февралда Рейхстагга (парламентга) бўлиб ўтган сайловларда энг кўп овозни Социал-демократик партия олганлиги бежиз эмас. Император Вильгельм бунга дарҳол чоралар кўрди: у ички сиёсат йўналишининг ўзгарганлигини эълон қилди ва ишчиларни давлат билан яраштиришга уриниб, уларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашни мақсад қилиб олди. Ҳукумат партиялардан юқори туриши кераклигига ишонган янги канцлер Лео фон Каприви ҳам императорнинг фикрига қўшилади. Капривининг ташаббуси билан Бисмарк даврида социалистик ва социал-демократик йўналишдаги ташкилотларни таъқиб қилиш учун асос бўлган социалистлар ҳақидаги қонунни Рейхстаг бекор қилади. Бундан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашга йўналтирилган бир қатор қонунлар қабул қилинади: 13 ёшгача бўлган болаларнинг яқшанба кунлари ишлаши тақиқланади; аёллар учун иш куни 11 соат билан чекланади; 16 ёшдан катта бўлмаган болалар учун эса 10 соат қилиб белгиланади. Бироқ ҳукумат социал-демократларни ишчиларнинг қўллаб-қувватлашидан маҳрум қила олмади.

¹ Субординация — хизматчилар ва ҳарбийларнинг мансаб ва унвониға қараб бир-бирига бўйсунлишлари.

Бисмарк олиб борган иттифоқлардан воз кечиш сиёсати натижасида Россия XIX асрнинг охирларида Берлиннинг таъсир доирасидан чиқди ва Франция билан иттифоқ тузди. Бундан кейин вазият Германия учун янада ёмонлашди. Империя ҳарбий флот қурилишини тезлаштиради ва бу билан ўзига янги душманлар орттиради. Энг қудратли денгиз давлати Буюк Британия Германиянинг фаоллигини ўз хавфсизлигига раҳна деб баҳолади. Шунга қарамасдан, Германия ҳукумати ўз ҳаракатларини инглизлар билан келишмасдан амалга оширишни давом эттиради. Вильгельм ўз йўлидан чекинишни хоҳламайди ва келажакда Германияни денгиз мамлакати сифатида кўришни исташини чарчамасдан такрорлайди. Бунда у, энг аввало, ҳарбий-денгиз флоти министрлигидаги статс-секретарь, адмирал Альфред Тирпицга суянади. Тирпиц фақат ҳарбий мутахассисгина эмас, қобилиятли ташвиқотчи ҳам эди. У флот қурилишига ёрдам бериш учун йирик миқёсдаги ташвиқот кампаниясини бошлайди ва бутун мамлакат бўйлаб флот офицерлари ҳамда машҳур нотикларни бу ишга сафарбар этади. Унинг уринишлари ўз маҳсулини беради, бутун мамлакатни мисли кўрилмаган кўтаринкилик, ғайрат қамраб олади.

Германияда очиқдан-очиқ тажовузкорона ташқи сиёсат тарафдори бўлиб чиқаётган қудратли гуруҳлар шаклланади. Рейхстагнинг заифлиги шароитида уларнинг Германия раҳбариятига таъсири хавфли равишда ошиб борарди. Айни пайтда ишчилар ҳаракати ҳам кучаяди. Касаба уюшмалари оммавий ташкилотларга айланади. Улар «Эркин социалистик касаба уюшмалари» деб номланган ва 1913 йилга келиб ўз сафларида икки ярим миллион аъзоси бўлган иттифоққа бирлашди. Бироқ иш берувчи тадбиркорлар аввалгидек ишчиларни ўзларига тенг ижтимоий гуруҳ сифатида кўришни истамасдилар. Бу эса иш ташлаш ҳолатларининг кучайишига олиб келди.

Ўз ҳукмронлигининг сўнгги йилларида Вильгельм вазиятни ҳушёрроқ баҳолай бошлади ва Германия, Австро-Венгрия ва Италия иттифоқининг заифлашгани ҳамда Антантанинг кучайганлиги билан боғлиқ бўлган Германия ҳолатининг қалтислик даражасини пасайтиришга уриниб, сиёсатдаги аввалги усуллардан воз кечди. Унинг Биринчи жаҳон урушини келтириб чиқаришдаги ролига келганда (бу модда Версаль шартномасига киритилган) император ҳақиқатан ҳам бу урушда ҳал қилувчи роль ўйнаганлигига қарамасдан, кўплар буни инкор қилди. Ҳарбий фронтда немис қўшинларининг тор-мор қилиниши ва Германиядаги инқилобнинг бошланиши билан кайзер тахтдан воз кечишидан (1918 йил 28 ноябрь) анча

олдин амалда ўз канцлери томонидан ҳокимиятдан маҳрум этилганди. Гинденбургнинг маслаҳатига кўра Вильгельм 1918 йил 9 ноябрда Нидерландияга ўтиб кетди. Бу мамлакат ҳукумати иттифоқчиларнинг уни экстрадиция¹ қилиш ҳақидаги талабига рад жавобини берди.

Вильгельм 1941 йил 4 июнь куни Доорнда вафот этди.

Бош штаб — бу мен. (Вильгельм II)

ВИЛЬСОННИНГ «ЯНГИ ЭРКИНЛИГИ»

ВИЛЬСОН, ТОМАС ВУДРО (THOMAS WOODROW WILSON)
(28.12.1856, Стэнтон, Виржиния штати — 03.02.1924,
Вашингтон, Колумбия федерал округи)

АҚШнинг давлат ва сиёсат арбоби, Демократик партиядан АҚШнинг йигирма саккизинчи президенти (1913—1921). АҚШнинг Биринчи жаҳон урушидаги иштироки ташаббускори. Тарих ва сиёсий иқтисод профессори. 1910 йили штатлардан бирининг губернатори этиб сайланади. 1912 йили демократик партиянинг номзоди сифатида президентликка ўтади. Германия томонидан эълон қилинган чекланмаган сув ости уруши Американинг Европа билан савдосини хавф остига қўйганида, 1917 йили АҚШ Антанта томонидан урушга киради. 1918 йил 18 январда Вильсон ўзининг забт этишларсиз ва товон тўлашларсиз қуриладиган демократик дунё ҳақида сўз кетган машҳур 14-моддаси баён қилинган тинчлик дастурини эълон қилди. Миллатлар Лигасини тузиш ташаббускорларидан бири бўлди. Аммо Кўшма Штатларнинг Миллатлар Лигасига киришдан бош тортиши ушбу дастурнинг икккиюзламачилик эканлигини кўрсатди.



Рухоний Жозеф Раглес Вильсон оиласида учинчи фарзанд туғилди. Бобосининг шарафига фарзандни Томас деб атадилар. Соғлиги заифлиги сабабли бола бошланғич маълумотни ўз уйида олди. Томас фақат 13 ёшга кирганида Жоржия штати Огаст шаҳарчасида Дерри мактабига (академияга) ўқишга кирди. Орадан икки йил ўтгач оила Колумбияга (Жанубий Каролина) кўчиб ўтди ва Вильсон хусусий мактабда ўқишни давом эттирди. У ўқишда муваффақият қозонган эмас. Боланинг сеvimли машғулотли бейсбол ўйнаш эди. 1873 йилнинг охирларида Жозеф Вильсон ўғлини Девидсондаги (Шимолий Каролина) пресвитериан черкови хизматчиларини тайёрловчи коллежга ўқишга юборди. 1874 йилнинг ёзида Вильсон

¹ Экстрадиция — бир давлатнинг қонунларини бузган шахсни ўша давлат вакилларига бериш.

касалиги сабабли коллежни ташлади ва энди Уилмингтонда яшаётган ота-онаси ёнига қайтди. У черковга борди ва бой қавмда (Шимолий Каролина) отасининг ваъзини тинглади. 1875 йили Вильсон Тринстон (Шимолий Каролина) коллежига ўқишга кирди, у ерда асосий эътиборни давлатшуносликни ўрганишга қаратди, Дизраэли, Кичик Питт, Гладстон ва бошқаларнинг таржимаи ҳолларини ўрганди. Вильсоннинг «Қўшма Штатларда кабинетни бошқариш» мақоласи Тринстоннинг илмий доираларида эътибор қозонди. 1879 йили Вильсон Виржиния университетининг юридик мактабида билим олишни давом эттирди. Бироқ келгуси йилнинг охирида у касал бўлиб қолади ва Уилмингтонга қайтиб келди, у ерда уч йил давомида мустақил равишда шуғулланди, ҳуқуқни, тарихни, АҚШ ва Англиянинг сиёсий ҳаётини ўрганди. Виржиния университетиде ўқиган даврида Вильсон ўзининг амакиваччаси Генриетта Вудрони севиб қолади. Бироқ Генриетта Вильсон билан яқин қариндошлигини баҳона қилиб, унга турмушга чиқишга рози бўлмади. Ўзининг биринчи муҳаббати шарафига ёш йигит 1882 йили Вудро исмини қабул қилди.

1882 йилнинг ёзида у Атлантага келди, бу ерда юридик амалиёт билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи имтиҳонларни муваффақият билан топширди. Вудро ва унинг Виржиния университетидеги таниши Эдвард Реник «Реник ва Вильсон. Адвокатлар» деган идора очдилар, бироқ уларнинг бизнеси касодга учради. Шундан кейин Вильсон Жон Гопкинс университетининг аспирантурасига ўқишга кирди (1883). 1885 йилнинг январиде унинг «Конгрессни бошқариш: Америка сиёсатининг тадқиқотлари» деб аталган салмоқли китоби чоп этилди. Муаллиф бу китобиде шундай таъкидлайди: «Президентлар обрўйининг пасайиши — бу сабаб эмас, фақат президентлик лавозимининг нуфузи пасайганлигининг намоишидир, холос. Бу олий лавозим тушқунликка учради... чунки унинг ҳукмронлиги хиралашди. Унинг ҳукмронлиги шунинг учун хиралашдики, конгресснинг ҳукмронлиги устувор бўлиб қолди». Бу китоб учун муаллиф Жон Гопкинс университетининг махсус мукофотиға сазовор бўлди.

1885 йилнинг ёзида Вудронинг шахсий ҳаётиде ўзгаришлар юз берди. Унинг турмуш ўртоғи Эллен Эксонни табиат ақл ва чирой билан сийлаган эди. У адабиёт ва санъат билан шуғулланар, яхши раем чизарди, файласуфларнинг асарлари билан таниш эди. Бир сафар Вильсон хотинининг қўллаб-қувватлашларисиз Оқ уйдаги Президентлик ўриндигини эгаллаши гумон эканлигини айтган эди. Жон Гопкинс университетиде докторлик даражасига эришган Вильсон Филадельфия яқинидаги Брин-Мор аёллар коллежиде тарихдан даре бериш учун кетди, ундан кейин Уэслиан (Кон-

нектикут) университетига ўтди, бироқ у ерда ҳам узоқ туриб қолмади — уни Принстон коллежида сиёсий фанлардан дарс бериш учун таклиф этдилар. 1902 йилда Вильсон Принстон университетининг ректори лавозимини эгаллади. Ректорнинг ғайриодатий шахсияти демократик партия етакчиларининг эътиборини ўзига жалб қилди: 1903 йилиёқ у президентликка номзоди кўрсатилиши мумкин бўлганлар сафидан ўрин олди. Бироқ аввалига Нью-Жерси губернатори бўлди. 1912 йилги президентлик сайловларида Вудро Вильсон ғалаба қозонди.

Унинг ички сиёсати тарихга «Янги демократия» ёки «Янги эркинлик» сифатида кирди. Унинг моҳияти уч моддадан: индивидуализм, шахе эркинлиги, рақобат эркинликларидан иборат эди. Уч йил мобайнида қонунчилик соҳасида президент Линкольн давридан буён у ҳаммадан кўпроқ ишни амалга оширган, деб ҳисобланади. Ташқи сиёсатда Вильсон «Мақсадларни белгилаб берди, услубларни аниқлади ва АҚШнинг ушбу асрадаги ташқи сиёсати характерини белгилади», — деб ёзади Америка тарихчиси Ф. Келгун. Вильсон таъкидлаганки: «Президент бизнинг тарихимизнинг шунчалар узоқ давом этган даврида бўлгани каби, фақат ўз уйимизнинг кишиси бўлиб қола олмайди. Бизнинг давлатимиз қудрати билан ҳам, имкониятлари жиҳатидан ҳам дунёда биринчи ўринга чиқди... Шунинг учун бизнинг президентимиз доимо жаҳондаги энг буюк мамлакатлардан бирини намоён қилмоғи керак... У доимо ишларимизнинг бошида турмоғи, унинг лавозими бу мансабни эгаллаган кишининг ўзи сингари машҳур ва обрўли бўлмоғи лозим».

Президентликнинг дастлабки йиллари у асосан «доллар дипломатияси»га риоя қилди. Вильсоннинг ишончи комил эдики, «агар дунё ҳақиқатдан ҳам тинчликни хоҳласа, у Американинг ахлоқий меъёрларига риоя қилмоғи керак». Президент ғарбий яримшар мамлакатларини ўзига хос бир Панамерика лигасига бирлаштиришга, унда барча баҳслар тинч йўл билан, бир-бирининг ҳудудий яхлитлигини ва бошқаришнинг республика шакли доирасида сиёсий мустақиллигини кафолатлаган ҳолда ҳал қилинишига эришиш учун кўп ҳаракатлар қилди. 1914 йилнинг декабрида Давлат департаменти Лотин Америкаси мамлакатлари ҳукуматларига келишув лойиҳасини тарқатди. Бразилия, Аргентина ва яна олтита давлат битимни қўллаб-қувватлади. Бироқ Перудан тортиб олинган ҳудудни йўқотишдан қўрққан Чили, лойиҳани танқид қилди ва ҳужум қилмаслик ҳақидаги ўзига хос Панамерика битими муваффақият қозонмади — шартнома тузилмади. Сиёсатда демократик тамойилларни, иқтисодда эркин бозор тартибларини эълон қилганига қарамасдан, Вильсон Марказий Америка ва

Кариб давлатлари ишларига аралашарди. Ф.Кэлхауннинг ҳисобига кўра, Вильсоннинг президентлик даврида АҚШ бошқа мамлакатларнинг ички ишларига етти марта ҳарбий аралашувни амалга оширган: икки марта Мексикада, кейин Гаитида, Доминикан Республикасида, Биринчи жаҳон уруши йилларида Европа қитъасида, Россиянинг шимолида ва Сибирда. Европада уруш бошланганда АҚШ бетарафлик йўлини тутди. Урушнинг биринчи ойлари Вильсоннинг шахсий ҳаётидаги фожиа билан тўғри келди. 1914 йилнинг бошларида у жуда қаттиқ эъзозлайдиган хотини вафот этди. 1914 йилнинг 4 августидан президент Вильсон Конгрессда мамлакатнинг бетарафлиги ҳақидаги ўн та баёнотдан биринчиси билан чиқди. Яна икки ҳафтадан кейин у ўз баёнотига аниқлик киритди. У айтдики, АҚШ «сўзда эмас, амалда бетараф бўлиши керак», «ҳаракатларидаги сингари фикрларида ҳам беғараз бўлмоғи, бир тарафнинг бошқа бир тарафга қарши курашида томонлардан бирини қўллаш деб тушунилиши мумкин бўлган хулқдан қочиш лозим». Бетарафлик ҳақида эълон қилган Вильсон уруш олиб бораётган мамлакатларнинг пойтахтларига Европада тинчлик ўрнатилишига «ҳозирнинг ўзида ёки маъқул бўладиган ҳар қандай вақтда» кўмаклашиш таклифи билан хабар юборди. Ҳали июль ойидаёқ Лондон, Париж ва Берлиндаги Америка элчилари бу мамлакатлар ҳукуматларига АҚШнинг воситачи сифатидаги хизматларини таклиф этадилар. Бироқ таклифларга жавоб берилмади. Вильсон оқилона айтганди: «Вақт келишини кутмоқ ва ишни гап сотиш билан бузиб қўймаслик керак». У Американинг алоҳида ҳолати унга ўз воситачилигини таклиф қилиш ҳуқуқини беради, деб ҳисобларди. Америка урушда қатнашмаётган ягона буюк давлат эди. 1915 йилнинг ёзида Вильсонда Халқаро муносабатларни мувофиқлаштирадиган ва жаҳондаги асосий кучларни назорат қиладиган бирорта ташкилот яратиш зарурлиги ҳақида фикр етилди. Вашингтоннинг бу ташкилотда ўзига хос судья ролини ўйнаши, баҳсли масалаларнинг қандай ҳал қилиниши унга боғлиқ бўлиши назарда тутилганди. Жаҳон сиёсатидаги АҚШнинг роли ҳақида Вильсон биринчи марта 1916 йилнинг 27 май куни Нью-Йоркда йиғилган Тинчликка мажбур қилиш лигаси (ТМКЛ) деб номланган ташкилотнинг 2000 аъзоси олдида гапирди. «АҚШ, — деди президент, — ташқаридан туриб кузатувчи эмас, уни урушнинг охири ва урушдан кейинги имкониятлар қизиқтиради. Барча миллатларнинг манфаатлари бизнинг ҳам манфаатларимиздир». Вильсон дунёдаги барча миллатларни ҳамкорликка чақирди ва Америка эътиқод қиладиган бир қатор тамойилларни эълон қилди: халқнинг ўз ҳукумати-ни сайлаш ҳуқуқи; катта мамлакатлар қандай ҳуқуққа эга бўлса, кичик

мамлакатлар ҳам шундай ҳуқуққа эгаллиги; халқлар ва миллатлар ҳуқуқини ҳурмат қилиш. «АҚШ, — деб ваъда қилди президент, — тинчликни ва юқорида қайд қилинган тамойилларни ҳимоя қилиши учун ҳар қандай бирлашмага шерик бўлиб киради». Шундай қилиб, Вильсон АҚШнинг Эски қитъа мамлакатлари билан дунё ишларида масъул бўлишга тайёрлигини эълон қилди.

Вудро Вильсоннинг 1916 йилдаги сайлов кампанияси «у бизни урушдан сақлаб қолди» шиори остида ўтди. «Урушда жанг қилаётган ҳар икки томоннинг давлат арбоблари кўзлаган мақсадлари бир хил», — дея таъкидлар экан, Вильсон адолатли ҳакам ролига даъво қилаётган эди. АҚШни иттифоқчилик мажбуриятларини бажармаганликда айблаётган Антанга мамлакатлари сиқувни кучайтирдилар; айти пайтда Қўшма Штатларнинг ўзида урушга қарши кайфият кучли эди. Бунда ҳал қилувчи фактор Антанга мамлакатларининг ҳарбий буюртмалари бўлди. Ниҳоят, Оқ уйда бетарафлик ҳолати тугади, деган қарорга келинди. 1916 йил 12 декабрда Германия ғолибона оҳангда иттифоқчиларга ярашиш ҳақида музокара-ларни бошлаш таклиф қилинган баёнотни эълон қилди. Бир ҳафта ўтгандан сўнг Вильсон ҳам урушаётган томонларни жанг қилишдан мақсадларини яна бир бор айтишга чақириб, ўз баёнотини эълон қилди. Немислар тинчлик ҳақидаги ҳар қандай музокара-ларда Американинг ролини тан олишни умуман рад этдилар. Буни АҚШ матбуоти «Аламли тан олмаслик ва ҳақорат қилиш» деб баҳолади. Айти пайтда Американинг баёноти бетараф мамлакатларнинг ўзига хос «тинч ҳужум»лари бошланишига туртки бўлди. Уни Швейцария, Швеция, Норвегия ва Дания қўллаб чиқди, бу эса иттифоқчиларда «ёқимсиз таассурот қолдирди». Шунга қарамасдан, Антанга Вильсонга тинчгина жавоб қилди. 1917 йилнинг 22 январида Сенатда сўзга чиққан Вильсон «Ғалабаларсиз дунёга» чорлади ва Монро доктринасини бутун жаҳон ҳужжати сифатида қабул қилишни таклиф этди. Американинг тинчлик шартлари ҳам баён қилинди: халқларнинг тенглиги, денгиз йўллари ва савдо эркинлиги; забт этишлар ва товон тўловларсиз дунё. Вильсоннинг нутқи, деган эди Италия ташқи ишлар министри Сонино, кучайиб бораётган «Американинг Европа ишларига аралашиб учун хавfli интилишлари»нинг белгиси сифатида баҳоланмоғи лозим.

Вильсоннинг тинчликпарвар ва гуманист сифатидаги обрўи ошиб борарди. Президентнинг 1916 йилнинг охири — 1917 йилнинг бошларидаги чиқишлари ана шунга мўлжалланган эди. 1917 йил 2 апрелда кечкурун Вильсон Конгрессга келди ва одамга тўлиқ залда гулдурос қарсақлар ва

хайқириқлар остида Қўшма Штатлар Германия билан уруш ҳолатида эканлигини эълон қилди. Ўзининг тактикасига содиқ бўлган Вильсон уруш эълон қилмади. «Уруш ҳолатида» деган жумлани ишлатди, бу эса масъулиятни Германияга юклаш имконини берарди. Урушга кирар экан, АҚШ ўзини «ассоцияланган», яъни кейин қўшилган иттифоқчи деб эълон қилди ва мустақил йўналишига бўлган даъвосини таъкидлади. АҚШ Германияга қарши иттифоқда аввалига алоҳида, кейин эса етакчи ролни эгалламоқчи эди. Бу унга урушдан кейинги тинчликни ўрнатишда устуворлик қилишни таъминлаган бўлар эди. Вильсон Қўшма Штатлар етакчи роль ўйнайдиган Бутунжаҳон мамлакатлар иттифоқини тузишни орзу қилар эди. Ҳали 1917 йилнинг 18 декабридаёқ «урушнинг маънавий бурилиш нуқтаси» бўладиган мурожаатни тайёрлаш зарурати ҳақидаги фикрини билдирган эди. Унинг нутқлари ичида энг асосийси 1918 йил 8 январда ўқилган ва урушни тугатишнинг ҳамда урушдан кейинги тинчликни таъминлашнинг америкача дастури — Вильсоннинг машҳур «ўн тўрт моддаси»дан иборат эди. Бу нутқ Монро назарияси ва Теодор Рузвельтнинг «катта тўқмоқ сиёсати»дан кескин фарқ қиларди. Вильсоннинг рақиби Рузвельт дастурни «ўн тўртта қоғоз парчаси» деб атади ва улар «Германиянинг сўзсиз таслим бўлишидан эмас, Қўшма Штатларнинг шартли таслим бўлишидан» хабар беради, деб таъкидлаган эди. «14 модда» давлатлар ўртасидаги ўзгача муносабатларни талаб қиларди ва охир-оқибатда улар асосида ярашиш ҳақида битим тузилди. Вильсон эса янгича сиёсий тартибнинг даракчиси, кичик миллатларнинг ҳимоячиси, бетараф ва тинчликсевар кучларнинг етакчиси, дунё Миллатлар Лигаси иттифоқининг асосчиси деб эълон қилинди.

«Ўн тўрт модда»да, жумладан, ошкора дипломатия, очиқ шартномалар эълон қилинганди: денгизларда сузиш эркинлиги, қуролланишни қисқартириш ва ҳоказолар. 6-моддада унинг бошқа миллатлар билан ҳамкорлигини таъминлаш, у ўз тақдирини мустақил ҳал қилиши ва бошқариш турини танлаши учун Россия билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал қилиш ҳақида гапирилган. Сўнгги 14-моддада «Катта давлатлар каби кичик давлатларнинг ҳам мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигига ўзаро ҳамда бир хилдаги кафолат берилиши мақсадида миллатларнинг умумий иттифоқини» яратиш эълон қилинади. «Ўн тўрт модда»нинг чоп қилиниши АҚШ ҳукуматининг йирик дипломатик акцияси эди. У Вильсоннинг бўлғуси тинчлик шартномаларини ўз қўлига жамлаб олишга интилишини кўрсатарди ва Германияга у тинчлик ҳақида айнан АҚШга илтимос билан мурожаат қилиши кераклигига шама қилар эди. Америкаликлар бутун дунё

тасаввурида демократик мамлакат образини яратмоқчи бўлиб, «ўн тўрт модда»ни ташвиқот қилиш бўйича кенг кампания бошлаб юбордилар.

1919 йилнинг бошида бўлган Париж тинчлик конференциясида ҳам Вильсон «ўн тўрт модда» руҳидаги нутқ билан чиқди. Конференция давомида Англия, Франция ва Италия вакиллари Германияга тегишли мустамлака ерларни бўлиб олмоқчи бўлганларида, Вильсон узоқ курашлардан сўнг бу мустамлакалар устидан Миллатлар Лигасининг топшириғи — «мандати» бўйича ва унинг назорати остида вақтинчалик, чекланган бошқарув ўрнатиш лозимлигини талаб қилди. Мандат остидаги ҳудудларнинг бирортаси ҳам Американинг мустамлакаси бўлмади. Совет Россиясига қарши интервенция Вильсоннинг ташқи сиёсатидаги энг қалтис жойларидан бири бўлди. Бу ҳақда Вудро Вильсон ва АҚШ ҳарбий министри Н. Энбейкер ўртасида давомли баҳслар бўлиб ўтди. Америкалик тарихчи Р. Феррелл ёзади: «Вильсон ҳарбий интервенцияда иштирок этиш ҳақидаги бир қанча таклифларни рад этган». 1918 йилнинг июлида уларнинг кўплаб талабларини рад этганидан сўнг, президентга Англия ва Франция зўр бериб тазйиқ ўтказдилар. Антанга Американи иттифоқчилик мажбуриятларини бажармаганликда айблади. Бироқ Вильсон айтганидек, «Антантанинг тазйиқи остида бир нотўғри қадам ташлаб, у шундай қадамнинг иккинчисини ташламоқчи эмас» эди. Париж тинчлик конференцияси вақтида Россияга қарши интервенцияни давом эттириш масаласи кун тартибида турганда, Вильсон ва Ллойд Жорж муҳолифатда бўлиб қолдилар. Улар интервенциянинг тўхталишини, советлар билан музокаралар олиб борилишини талаб қилар эдилар. Айни пайтда Черчилль ва Клемансо ҳарбий аралашув ва иқтисодий қамални давом эттириш тарафдори эдилар. Тинч музокаралар вақтида беғараз ҳакам ролига чидаш осон эмас эди. Антанга мамлакатлари Германиянинг улкан товон тўлашини, немис мустамлакаларини бўлиб олишни талаб қиларди. Франция Рейн вилоятининг сўл қирғоғидаги ерларни эгаллашни талаб қиларди. «Катта тўртлик» (Клемансо, Ллойд Жорж, Вильсон ва Орландо) аъзолари ўртасида доимо кескин келишмовчиликлар пайдо бўларди. Иттифоқдош давлатларнинг етакчиларига Вильсоннинг сиёсати энг маъқул ва соз сиёсат бўлиб туюларди. Шунинг билан бирга конференция ҳужжатларида кўрсатилишича, Вильсон ўз фикрини ўзгартирмаган ва иттифоқчилар устидан бир неча бор ғалаба қозонган. Ўзининг ҳақлигига, «Худонинг иродасига кўра» иш юри-таётганлигига қаттиқ ишонган АҚШ президенти ёлғиз курашди, ўз имкониятларига ортиқча баҳо бериб юборганлиги оқибатида Парижда бир неча бор асаблари бузилиши даражасигача борди. 1919 йилнинг 14 февраль куни

у шундай деди: «Бу қурол (Миллатлар Лигасининг Устави) воситасида биз биринчи навбатда ва энг муҳим тарзда буюк бир кучга, айнан айтганда жаҳон жамоатчилиги фикрининг маънавий кучига — ошқораликнинг ҳам покловчи, ҳам изоҳловчи, ҳам мажбур қилувчи кучига ўзимизни боғлиқ қилиб қўямиз... Зулмат кучлари уларни дунё миқёсида оммавий лаънатлашнинг ҳамма ерга кириб борувчи нури билан маҳв қилиниши лозим». Натижада тинчлик шартномаси имзоланди, Миллатлар Лигаси Устави — Вильсоннинг севимли ҳужжати қабул қилинди. Президентнинг Париждаги вазибалари яқун топди. АҚШ президентининг мақсади аён эди — энг кам харажатлар билан энг йирик иқтисодий мамлакатни жаҳон сиёсатидаги биринчи ролга олиб чиқиш. У бунга эришди ҳам. Уруш тамом бўлишидан бир ярим йил аввал унга қўшилган АҚШ, нисбатан кам йўқотишлар билан энг кўп иқтисодий ва сиёсий фойда кўрди, 1914 йили Европадан қарздор бўлган бу давлат унинг кредиторига ва айни пайтда ҳар томонлама дунёнинг буюк давлатига айланди.

Америка президентининг кўпгина масалалар бўйича фикри АҚШ ҳукмрон доираларининг фикрига мутлақо қарама-қарши эди. Айнан шунинг учун ҳам Вильсон Европада голиб қаҳрамон бўлди, бироқ ўз ватанида шон-шараф топмади. У қайтиб келаётганида мамлакатда Вильсонга қарши тадбирлар бошланган эди. Сенатда Г. Лодж ва Р. Лафоллетт етакчилигидаги иккита қудратли муҳолиф гуруҳлар пайдо бўлган эди. Сенат Вильсоннинг шартномасини тасдиқлашдан бош тортди ва Миллатлар Лигаси Уставига бир қатор ўзгартиришлар киритилишини талаб қилди. Аммо президент таслим бўлмоқчи эмас эди. У Миллатлар Лигасини қўллаб-қувватлаш учун ташвиқот сафарига чиқди. Бироқ буни соғлиги кўтара олмади: 1919 йилнинг сентябрида Пуэблода (Колорадо штати) Вильсон фалаж бўлиб қолди. Шунга қарамасдан, президент курашишда давом этди. У янги жаҳон уруши келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида Миллатлар Лигасини тузиш зарурат эканлигига америкаликларни ишонтиришга уриниб, радио орқали чиқишлар қилди.

Вудро Вильсон ҳаётининг энг сўнгги куни — 1924 йил 3 февралига қадар ўзининг ҳақлигига ишониб яшади.

Озодлик тарихи бу қаршилик кўрсатиш тарихи. Эркинлик тарихи бу ҳужжатлар ҳуқуқини чеклаш тарихи. (Вудро Вильсон)

МАМЛАКАТ ТИМСОЛИ

**ГАВЕЛ, ВАЦЛАВ (чех. VACLAV HAVEL)
(05.10.1936 йили Прагада туғилган)**

Ёзувчи, драматург, «Хартия — 77»нинг¹ биринчи ахборот котибларидан бири, 1989 йилнинг ноябридаги сиёсий ўзгаришларнинг етакчиси, Чехословакиянинг сўнгги президенти ва Чехия Республикасининг биринчи президенти. Праганинг энг машхур оилаларидан бирида туғилган. Ҳали бобосининг учинчи аждоди йилномаларда эслаб ўтилган: у тегирмончи бўлган ва шаҳарликларнинг жуда катта ҳурмати қозонган. Кейинги авлодларнинг вакиллари фарзандларига ажойиб билим бердилар ва оиланинг шухратини янада оширдилар.



Вацлав Гавел таниқли тадбиркор оиласида дунёга келди. Гавелнинг бобоси машхур Люцерн Саройини қурган ҳамда «Баррандов» киностудияси ва чех кино санъатининг асосчиларидан бири бўлган. Вацлав Гавел имтиёзли, бироқ кучли интеллектуал муҳитда улғайди. Коммунистик фитнадан сўнг ёш Вацлав гуманитар йўналишда яхшироқ маълумот олишга бўлган бутун умидини йўқотди. У химик-лаборант мутахассислиги бўйича билим юртини тамомлади, бир вақтнинг ўзида кечки гимназияга ҳам қатнади. Кейин политехника институтининг иқтисод факультетига кирди, лекин икки йилдан сўнг у ердан кетди. Унинг биринчи адабий тажрибаси деб оилавий альбомларидан биридаги «Вацлав Гавел, 3-синф ўқувчиси» бажарган ишни ҳисоблаш мумкин. «Гавловода урушнинг тугаши» деб номланган бу ишида у Қизил Армия сиқуви остида немис қўшинларининг Ждарцадан қочиши билан боғлиқ 1945 йил 9 май воқеаларининг драматик баёнини яратди.

1947 йили у Ждарцадаги ўрта мактабни тугатди. Бундан кейин Вацлавни дарҳол Подебрададаги ўғил болалар мактаб-интернатига жўнатдилар ва бу ерда у мустақил ҳаётни бошлади. 1956 йилнинг ноябрида ёш ёзувчиларнинг учрашувида Вацлавнинг ўша даврда бидъат ҳисобланган ижод эркинлиги ҳақидаги сўзлари ўзининг жасорати ва сайқалланган лўндалиги билан тингловчиларни лол қолдирди.

У ҳарбий хизматни Ческа-Будеевицада сапёр бўлиб ўтайди, бу ерда у театр жамоаси ташкил қилиб, унда ўзи ҳам роллар ўйнайди. Бундан ташқари, Карел Бринда билан ҳаммуаллифликда жангчи шон-шарафи ҳақида

¹ *Хартия* — қадимги қўлёзма, ҳужжат ва шундай ҳужжат материали (папирус, пергамент); ижтимоий-сиёсий мазмундаги айрим ҳужжатлар номи.

жуда ҳам сиёсийлаштирилган «Ҳаёт олдинда» пьесасини ёзади. 1959 йили Гавел бир пардали «Оилавий кеча» пьесасини ёзади ҳамда театр танқидчилиги ва назарияси билан шуғуллана бошлайди. У мақолаларини «Театр» ва «Маданият» журналларида чоп қилдиради. Танқидчи-санъатшуноздан сиёсийлашган публицист ва қизиқиш соҳаси жуда кенг бўлган эссеист етилади. 1963 йилнинг 3 декабрь куни Отомар Крейчининг театрида ҳаммуаллифларсиз ёзилган биринчи йирик пьесаси — «Боғдаги байрам»нинг премьераси бўлади. Тажрибавий шеърят йўналишида ёзилган шеърлар — «Типограммалар» 1966 йил «Протоколлар» тўпламига киради. «Боғдаги байрам» ва «Хабар бериш» пьесалари, шунингдек, «Диалектик метафизика ҳақида» ва «Гэг анатомияси» эсселари ҳам шу тўпламга киритилди. Бу китоб катта шов-шувга сабаб бўлди.

АБС ва «На Забралди» театрларида сахна ишчиси бўлиб ишлади, 1962 — 1966 йиллари эса Санъат академиясининг театр факультетида сиртдан драматургияни ўрганди. 1965 йилнинг март ойида Матбуотни назорат қилиш бош бошқармаси ўзининг кундалик ахборотида «Қиёфа» журнаliga Гавелнинг «Олға» деб номланган «визуал шеъри»ни чоп қилишни тақиқлайди; 1966 йилнинг март ойида словак талабалар журналидан Гавелнинг Чехословакия ёзувчилар иттифоқи «Фаол ёшлар» бўлимидаги ўз фаолияти ҳақида берган интервьюсини олиб ташлаш тавсия қилинди. 1968 йилнинг 21 августида совет қўшинлари Чехословакияга бостириб кирганида Вацлав Либерец шаҳридаги маҳаллий радиода ишлар эди. Гавел яқингинада эришилган демократиянинг ҳеч бўлмаганда асосий ютуқларини сақлаб қолишга қаратилган норозилик чиқишларида кўп марталаб қатнашди, ёзувчилар иттифоқи МК аъзоси бўлади ва янгиланган «Қиёфа» журнаlining таҳририятини бошқаради. Етмишинчи йилларнинг бошларида «Фитначилар» пьесаси устида ишлашга киришар экан, Гавел мамлакат бошига тушган муаммоларни ўзича ҳал қилишга уринади. Пьеса 1974 йили Фарбий Германияда сахнага қўйилади, Чехословакиядаги премьераси эса қарийб йигирма йилдан кейин — 1992 йилда бўлади. Айнан етмишинчи йилларда ҳақиқатта бадий ёндошиш билан «эркинликнинг бўлинмаслиги» ўртасидаги узвий алоқадорликни англаб етиш Гавелни мустақил тафаккур платформасини яратувчилар қаторига — 241 киши имзоланган «Хартия — 77»га олиб келди.

1977 йилнинг 14 январида кўп марталаб сўроқлардан сўнг навбатдаги қамоқ жазосига ҳукм қилинади ва у ердан фақат баҳорда — 20 майда чиқади. Ўша 1977 йилнинг октябрида уюштирилган айблов билан Гавелни шартли равишда 14 ой қамоққа, ҳукмнинг ижро этилишини уч йилга

кечиктириш шарти билан ҳукм қиладилар. Аммо икки ойдан кейиноқ унга «Давлат хизматчисига хизмат вазифасини адо этаётган вақтда ҳужум қилганлик» айбловини қўядилар. 1978 йилнинг март ойигача Гавелни қамоқхонада сақлайдилар, лекин ишнинг тўхтатилиши биланоқ у Адолатсиз таъқиб қилинаётганларни ҳимоя қилиш қўмитасининг ташкилотчиларидан бири бўлади ва унинг ишида жуда жонбозлик билан 1979 йилнинг 29 майгача ишлайди. Айнан ўша куни қўмигага нисбатан жазо чоралари қўллана бошлайди: Гавелни яна ҳибсга оладилар, мавжуд тузумни ағдаришга уринишда айблайдилар ва 23 октябрда ҳукм ижросини кечиктирмаслик шарти билан тўрт йил қамоққа ҳукм қиладилар. Озод қилиниши билан Гавел дарҳол ижтимоий ҳаётга қўшилиб кетади: «Хартия»нинг ҳужжатлари остига имзо чекади, гарблик мухбирларга интервью беради, қамоқхонадаги хотиралари асосида «Хато» пьесасини ёзади. Гавелнинг омма олдида биринчи бор пайдо бўлиши 1988 йилга тўғри келади: сентябрда у Липница фольклор саҳнасига чиқади, декабрда театрнинг ўттиз йиллигини байрам қилишда иштирок этади. 16 январда уни яна қамоққа оладилар ва халқаро жамоатчиликнинг норозилигига қарамасдан қўпурувчилик фаолияти учун яна тўққиз ойга ҳукм қиладилар. 1989 йилнинг 17 ноябридан кейин айнан Гавел коммунистик режимнинг қулашига олиб келган воқеаларнинг марказий сиймоси бўлиб қолди. Гавелнинг чақирғидан сўнг ва унинг ташаббуси билан «Фуқаролик ҳаракати» ташкилоти пайдо бўлади. Гавел унинг етакчиси сифатида президентликка ягона реал номзод бўлиб қолади ва 1989 йилнинг 29 декабрида уни бу лавозимга сайлайдилар. Ўзининг иккинчи президентлик муддатига сайланганидан (1990 йил 5 июль) сўнг ҳам Гавел кўпчилик учун тирик афсона, инқилобнинг тароватли ва тортинчоқ, адолатли ва сабр-тоқатли рамзи бўлиб қолаверди. У мамлакатни бошқарган даврда ҳар қандай танбал ўзини — президент билан таққослаганда — жасур инқилобчи деб ҳис этиши мумкин эди. Чехословакияни икки давлатга ажратиш жараёни кетаётган 1992 йилдан президентга бўлган иштиёқ пасая бошлади: 1992 йил 20 июлда Гавел истеъфога чиқди.

Гавелнинг сиёсий ҳаётида ўз парвозлари ва инқирозлари бор эди. 1992 йилда Чехословакия президентлигига бўлган сайловларда унга 20 та овоз етишмади, шундан сўнг у президентлик лавозимини тарк этди ва сиёсий ҳаётдан узоқлашди. Аммо Чехословакия бўлиниб кетганидан сўнг у яна президентликка — энди мустақил Чехия президентлигига сайланди. Орадан беш йил ўтгандан кейин, республика президентлигига қайта сайловларда у фақат учинчи турдагина ғалабага эришди.

1996 йилдаги сайловларгача янги партия аппарати Гавелни градлик зиёнсиз халпараст, ювош, бўм-бўш одам деб янглиш ўйларди. Ўша сайловлар олдидан қарийб ҳамма нарсани гаровга қўйган Гавелнинг ўзини қатъий тутиши ва 1998 йил 20 январидagi сайловлар натижаси айнан ҳозир унинг сиёсий тақдири ҳал бўлаётганлигига ҳеч кимда шубҳа қолдирмади.

1996 йилнинг январида, 30 йилдан ортиқроқ вақт ичида унинг содиқ сафдоши бўлган рафиқаси Ольга Гавлова вафот этди. Улар 1956 йили танишган эдилар, унинг қизлик фамилияси Шплихалова эди. Орадан 8 йил ўтганидан кейин, 1964 йили турмуш қурдилар. Кейинчалик Вацлав Гавел у ҳақида ўзининг тенгсиз ҳаётий суянчиғи сифатида кўп марта лаб гапирган эди. 1997 йилнинг январида Гавел иккинчи марта уйланди. Актриса Дагмар Вешкрнова унинг хотини бўлди.

Чехия давлатини бошқарар экан, Гавел уни Европага қайтаришга, яна бир бор Фарб давлатлари учун йўл очишга уринди. У мақсадига эриша олди ҳам. Унинг асосий хизмати шундан иборат бўлдики, 1999 йили Чехия НАТО аъзоси бўлди, уч йилдан кейин эса Чехия Шимолий Атлантика уюшмаси аъзоларининг саммитига мезбонлик қилди, айнан шу саммитда уюшмани бундан кейин ҳам кенгайтириш ҳақидаги тарихий қарор қабул қилинди. Гавел Чехиянинг Европа Иттифоқига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиш ҳуқуқини ва интилишини ҳимоя қилди. Президентлик лавозимида турган 13 йил давомида 59 мамлакатга борди, умумий ҳисобда Чехиядан ташқарида бир йилни ўтказди.

Чех жамияти Гавелнинг хизматларини юксак баҳолаганлигига қарамасдан, у кўп мартаба танқид қилинди. Аксарият ҳолларда умумий афв этишлар ва амнистиялар танқиднинг сабаби бўларди. 13 йил давомида Гавел уч марта амнистия эълон қилди. Бу амнистияларнинг энг йириги ва энг кўп танқид қилингани 1990 йилгиси эди, ўшанда қамоқдагиларнинг 75%и, яъни 15 минг одам озодликка қўйиб юборилган. 13 йилда президент 1938 кишини афв этди, бунда баъзи бир ҳолатлар оммавий ахборот воситаларида ва шунингдек, сиёсий саҳнада ҳам кескин танқид қилинганди. Бир неча киши президентнинг афвини қабул қилишни хоҳламади.

Қамоқхонада ўтказилган йиллар Вацлав Гавелнинг соғлиғига таъсир қилди. Бир неча бор президентлик лавозимини эгаллаб турганда, у ўлим ёқасидан қайтди: 1996 йили — ўпкадаги хавfli шиш, 1998 йилнинг апрели — йўғон ичакнинг тешилиши, ўша йилнинг июль-августида — юрак

уришининг бузилиши. Бундан ташқари, президент тез-тез шамоллаш билан боғлиқ касалликлар, бронхит билан ҳам оғир эди, операциядан сўнг ўнг ўпка оғригидан азоб чекарди. Бир неча бор соғлигининг ёмонлашгани сабабли мажбурий истейфо ҳақида масала кўтарилди. Бироқ касал вақтида ҳам президент ишлашда давом этди, бу билан у соғлиги туфайли муаммолар президент лавозимини бажариш учун тўсиқ бўла олмаслигини исбот қилди.

Адабий-драматик доираларда Вацлав Гавел абсурд театр учун пьесалар муаллифи сифатида муносиб ўрин эгаллайди. Энг машҳурлари орасида — «Боғдаги байрам» («Боғдаги кечки зиёфат»), ҳаммуалифларсиз ёзилган биринчи йirik асари (премьераси 1963 йил декабрда Отомар Крейчи театрида бўлиб ўтган), «Меморандум» (1965), «Улкан бўм-бўшлиқ» (1985) ва бошқалар. Президент бўлганидан сўнг Гавел бирорта ҳам пьеса ёзмади ва кейинги пайтларда, бир неча бор сиёсий нафақага чиққанидан сўнг адабий ижодга қайтишини айтган. 1968 йилги Прага баҳори вақтида Гавел мустақил ёзувчилар клуби ва таклиф этилган партиясизлар клубининг фаолиятида қатнашди. 1965 йилдан номарксистик «Қиёфа» журналида ишлади. Унинг «Ҳокимиятсизлар ҳокимияти», «Ольгага мактублар» эсселари жуда машҳур бўлиб кетди.

Кейинги 12 йил давомида Гавел бир қатор Чехия ва халқаро мукофотларга сазовор бўлди. Хизматлари учун немис Крести (2000), Шведларнинг Улаф Пальме мукофоти (1990) ёки Нидерландиянинг Эразм Роттердамский мукофотини (1986) энг аҳамиятлилари сирасига кириши мумкин. Бир неча марта Нобель тинчлик мукофотига номзод қилиб кўрсатилган.

Чехия Республикаси президенти мамлакатнинг қиёфасини намоён қилувчи инсон бўлса ҳам, лекин шахмат қироли каби реал кучга эга эмас. Асосий ролларни ҳукумат ва парламент ўйнайди. Чехия президентининг ихтиёрида фақат шахсий маънавий обрўси ва президентлик сўзи қолган, шекилли. У драматург, диссидент, чех жамиятида ва бутун дунёда жуда машҳур шахс. Эҳтимол, айнан драматурглик, ўз фикрини ифодалашга ва одамларнинг юрагига сўз ёрдамида кириб боришга ўрганган одамнинг дастлабки касби — драматурглик Гавелга шунчаки «шахмат қироли» эмас, президент бўлишга ёрдам бергандир.

*Сиёсат имкониятнинг санъати эмас, сиёсат — имконсизликнинг санъати.
(Вацлав Гавел)*

БИРИНЧИ КОСМОНАВТ

ГАГАРИН, ЮРИЙ АЛЕКСЕЕВИЧ
 (09.03.1934, Клушино қишлоғи, Гжатск райони,
 Фарбий область (ҳозирги Смоленск) — 27.03.1968, Кир-
 жач шаҳри яқинида, Владимир области, Россия)

*СССР космонавт-учувчиси, космик фазога биринчи парвоз
 этган. 1968 йили Жуковский номидаги ҳарбий-ҳаво академия-
 сини битирган. 1961 йил 12 апрелда «Восток» космик кемаси-
 да парвоз қилиб, 108 дақиқада Ер шарини бир марта айланиб
 учган. Инсониятнинг космосга парвозини бошлаб берган.*

1962 йил 12 апрелда овози уруш давридан буён ҳаммага таниш бўлган СССР Марказий радиоси диктори Левитаннинг «Диққат! Диққат! Диққат! Совет Иттифоқининг барча радиостанциялари ишламоқда. Муҳим ҳукумат ахборотини эшиттирамиз», — деган сўзлари жаранглаганда, уни эшитган бутун собиқ СССР аҳолиси бир қалқиб тушган эди. Чунки бу овоз кечагина шу усул билан фронтдан хабарларни эшиттирарди. Аммо бу сафар фақат совет кишилари учунгина эмас, балки бутун инсоният учун катта хушxabар эди. Гагарин космосга парвоз қилди!

Юрий Алексеевич Гагарин Россиянинг Фарбий области Гжатск районидаги Клушино қишлоғида (ҳозирги Смоленск областининг Гагарин райони) туғилган. Унинг отаси Алексей Иванович Гагарин (1902—1973) — дурдгор, онаси — Анна Тимофеевна Матвеева (1903—1984) сут-товар фермасининг ишчиси бўлган.

Юрийнинг болалиги Гжатск шаҳри (ҳозирда Гагарин шаҳри) яқинидаги Клушино қишлоғида ўтган. 1941 йилнинг 1 сентябрида у мактабга боради, аммо 12 октябрда қишлоқни немислар эгаллади ва унинг ўқиши тўхтаб қолди. Немислар Клушинони бир ярим йил давомида эгаллаб турдилар. Юрийнинг укаси Борисни бир немис шарфга осиб қўяди, лекин онаси уни қутқаришга улгуради. 1943 йилнинг 9 апрель куни қишлоқни Қизил Армия озод қилади ва мактабда ўқиш яна бошланади.

1945 йилнинг май ойида Гагаринлар оиласи Гжатск шаҳрига кўчиб ўтади. 1949 йили Юрий ўрта мактабни тугатади ва Люберци шаҳридаги хунар билим юртига ўқишга киради. Айни пайтда у ишчи ёшлар мактабида ҳам ўқишни давом эттиради. 1951 йилнинг июнида билим юртини ҳам тугатади.

1951 йилнинг августида Юрий Гагарин Саратов индустриал техникумига киради ва 1954 йил 25 октябрда биринчи марта Саратов аэроклубига

боради. 1955 йили Юрий ўқишни муваффақият билан тугатди ва биринчи марта ЯК-18 самолётида мустақил учди. Аэроклубдаги машқлар давомида Юрий Гагарин ҳаммаси бўлиб 196 марта ҳавога кўтарилди ва 42 соат 23 дақиқа учиб юрди.

Юрий Гагарин 1955 йилнинг кузида армия сафига чақирилди ва Чкалов шаҳрига, К.Е. Ворошилов номидаги учувчиларнинг 1-ҳарбий авиация билим юртига юборилади. 1957 йили у билим юртини аъло баҳолар билан тугатади. Икки йил давомида Шимолий флотнинг 122-қирувчи авиация дивизиясидаги 169-қирувчи авиация полкида хизмат қилди. 1959 йилнинг октябрь ойига қадар у умумий ҳисобда 265 соат учди. 1957 йили Юрий Гагарин Валентина Ивановна Горячевага уйланди.

1959 йилнинг 9 декабрь куни Гагарин космонавтликка номзодлар гуруҳига олишларини сўраб ариза ёзди. Бир ҳафтадан кейин уни Москвага, марказий авиация илмий тадқиқот госпиталида ҳар томонлама тиббий кўрикдан ўтказиш учун чақирдилар. Келгуси йилнинг бошларида яна бир тиббий комиссия катта лейтенант Гагаринни космосга учиш учун яроқли, деб топди. 1960 йилнинг 3 март куни ХХК (ҳарбий-ҳаво кучлари) Бош кўмондони К.А. Вершининнинг буйруғи билан космонавтликка номзодлар гуруҳига киритилди. Шундан сўнг космонавтларни тайёрлаш дастури бўйича доимий машғулотлар бошланди.

Ҳазога биринчи бўлиб учиш учун Гагариндан бошқа ҳам номзодлар бор бўлиб, улар йигирмата эди (ХХКнинг 1-гуруҳи). Номзодларни Королёвнинг ўзи танлаб оларди, уларнинг бўйи, оғирлиги ва соғлиги ҳисобга олинарди: ёши 30 дан, оғирлиги 72 килограммдан, бўйи 170 сантиметрдан ошмаган бўлиши шарт эди (Гагариннинг бўйи 165 см, баъзи манбаларга кўра — 157 см). Фақат ана шу кўрсаткичларга эга бўлган космонавтгина биринчи космик кема «Восток»га сиғиши мумкин эди, чунки кеманинг ҳажми ва оғирлиги учирувчи-ракетанинг қуввати билан жуда чекланган эди. Бундан ташқари, космонавт КПСС аъзоси бўлиши талаб қилинарди (Гагарин 1960 йилнинг ёзида партия сафига кирганди).

Йигирмата номзоддан олтитаси танлаб олинди. Королёв жуда шошиларди, чунки 1961 йилнинг 20 апрелида америкаликлар ўз одамларини космосга учирешилари ҳақида хабарлар олинганди. Шунинг учун ҳам, учиш 11 ва 17 апрель кунлари ораллигига режалаштирилган. Космосга учадиган кишини охири пайтда Давлат Комиссиясининг қарори билан белгиладилар: улар Гагарин ва унинг дублёри Герман Титов бўлдилар. Гагариннинг ҳазога учиши ҳақида ТАССнинг учта хабари тайёрланганди. Бирин-

чиси — «Муваффақиятли», иккинчиси — у бошқа мамлакат ҳудудига ёки дунё океанига қўнган ҳолатда — изланишда ёрдам беришларини сўраб, «Бошқа мамлакатларнинг ҳукуматларига мурожаат» ва учинчиси — агар Гагарин тирик қайтмаган ҳолатда — «Фожиавий».

«Восток — 1» кемаси 1961 йилнинг 12 апрель куни Москва вақти билан 9 дан 7 дақиқа ўтганда Байконур космодромидан учирилди. 108 дақиқада Ер атрофини бир марта айланиб кема режалаштирилган учишни якунлади (режалаштирилгандан бир сония олдинроқ). Тормозлаш тизимидаги носозлик туфайли туширувчи аппарат Сталинграддан 110 км. узоқликдаги белгиланган жойга эмас, Саратов областига, Энгельс шаҳри яқинидаги Смеловка қишлоғи атрофига қўнди.

Учишдан кейин космонавтни биринчи бўлиб кўрган кишилар ўрмон қоровулининг хотини Анна Акимовна Тахтарова ва унинг олти ёшли набираеи Рита бўлдилар. Тез орада воқеа жойига шу яқиндаги ҳарбий қисмдан одамлар келдилар. Ҳарбийлардан бир қисми туширувчи аппаратни кўриқлаб қолдилар, бошқа бир гуруҳи эса Гагаринни ўз ҳарбий қисмларига олиб кетдилар. У ердан Гагарин телефон орқали ПВО (ҳарбий-ҳаво ҳужумидан мудофаалаш) дивизияси командирига рапорт берди: «ХХК Бош қўмондонига етказишингизни сўрайман: вазифани бажардим, белгиланган ҳудудга қўндим, ўзимни яхши ҳис қиляпман, лат ейиш ва си-нишлар йўқ. Гагарин».

Бу орада Энгельс аэропортидан МИ — 4 вертолётни ҳавога кўтарилиди, у Гагаринни топиши ва олиб кетиши лозим эди. Улар туширувчи аппаратни топдилар, лекин у ерда Гагарин йўқ эди. Шу ерлик одамлар Гагарин юк машинасида шаҳарга кетганлигини айтдилар. Вертолёт шаҳар томонга қараб учди. Йўлда улар юқоридан юк машинасини кўрдилар, ундан Гагарин қўл силтарди. Улар Гагаринни вертолётга олдилар ва Энгельс аэропортига радиограмма юбордилар: «Космонавт бортга олинди, аэродромга кетаяпмиз».

Тушга томон Байконурдан Энгельсга иккита самолёт келди, уларда ХХК қўмондони генерал-лейтенант Агальцов ва бир гуруҳ журналистлар келгандилар. Москва билан алоқа ўрнатилганга қадар ўтган уч соат давомида Гагарин интервью берди ва расмга тушди. Алоқа ўрнатилганидан кейин унинг ўзи Брежневга ва Хрушчёвга учишни амалга оширгани ҳақида ҳисобот берди. Кейин Гагарин Куйбишев (ҳозирги Самара) шаҳрига учиб кетди.

Аввалига ҳеч ким Гагаринни Москвада катта тантаналар билан кутиб олишни режалаштирмаганди. Буни энг сўнгги пайтда Никита Сергеевич Хрушчёв ҳал қилган. Унинг ўғли Сергей Хрушчёвнинг айтишича, у мудофаа министри маршал Малиновскийга телефон қилган ва: «У катта лей-

тенантми. Тезда унинг унвонини кўтариш керак», — деган. Малиновский, унча хоҳламайроқ, Гагаринга капитан унвонини беришини айтган. Бундан Никита Сергеевичнинг жаҳли чиққан: «Қанақасига капитан? Сиз унга ҳеч бўлмаसा майорликни беринг», — деган. Малиновский анча вақт рози бўлмаган, лекин Хрушчёв ўз сўзини ўтказган ва ўша куниёқ Гагарин майор бўлган. Кейин Хрушчёв Кремлга телефон қилган.

Гагарин тушган самолёт Москвадаги Внуково аэропортида кўнганида, уни ҳақиқатан улкан қабул маросими кутиб турарди. Кутиш майдонида кўплаб одамлар, юқори ҳокимият поғонасидагиларнинг барчаси, журналистлар тўпланишганди. Самолётдан ҳукумат трибуналарига қадар қипқизил гилам йўлакча тўшалганди. Бу йўлдан, оркестр садолари остида, Юрий Гагарин трибуналарга яқинлашиб, Никита Хрушчёвга рапорт берди: «Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати-нинг топшириги бажарилганини Сизга билдиришдан мамнунман...». Кейин Гагарин очиқ машинада, тик турган ҳолда шаҳарга йўл олди ва ҳаммани табриклади. Қизил Майдонда Никита Хрушчёв Юрий Гагаринга «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» Олтин Юлдузини топширди ва «СССР космонавт-учувчиси» деган янги унвонни берди.

Шундан кейин Гагариннинг номи бутун дунёга машҳур бўлиб кетди. Кўпгина мамлакатлар дунёдаги биринчи космонавт-учувчини ўз ватанларига таклиф қилдилар. У ҳаммаси бўлиб 30 мамлакатга борди.

108 дақиқалик учиш Юрий Гагариннинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. У бирданига Ер юзидаги энг машҳур одамлардан бирига айланди.

1964 йили Гагарин космонавтларни тайёрлаш Маркази бошлиғининг ўринбосари бўлди. Шунинг билан бирга у жуда катта ижтимоий-сиёсий фаолият олиб борди. У айна пайтда Н.Е. Жуковский номидаги Ҳарбий-ҳаво академиясида ҳам ўқиди. Академияда диплом иши ёқланганидан кейин Ю.А.Гагарин янги типдаги самолётларда учиш амалиётларини бажаришга ўтди. 13 дан 22 мартгача у МИГ — 15 УТИ самолётида (иккиламчи бошқарувдаги ўқув-машғулот қирувчи самолёти) умумий давомийлиги 7 соат бўлган 18 учишни амалга оширди. Мустақил учишлар олдидан у, учувчи-инструктор, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, полк командири Владимир Серёгин билан биргаликда охириги икки назорат учишини бажариши лозим эди.

1968 йилнинг 27 мартида соат 10 дан 18 дақиқа ўтганда Гагарин ва Серёгин Москва яқинидаги Шчёлково аэродромидан ҳавога кўтарилдилар. Учиш пайтида кўриш шароити нормал бўлган, булутларнинг пастки чегараси ердан 900 метр баландликда сақланган. Учиш зонасида машқни бажариш 20 дақиқадан кам бўлмаган вақтни эгаллаши керак эди, бироқ

орадан тўрт дақиқа ўтганидаёқ Гагарин ерга вазифа бажарилганлиги ҳақида хабар берган ва қайрилиб олишга ҳамда базага қайтишга рухсат сўраган. Шундан сўнг самолёт билан алоқа узилган.

Самолётнинг ёқилғи захираси тугаганлиги аниқ бўлиб қолганидан кейин учиш зонасида қидирув ишлари бошланди ва у 3 соатдан кўпроқ давом этди. Соат 14 дан 50 дақиқа ўтганда вертолётлардан бири МИГ-15 УТИ самолётининг қолдиқларини топади.

Фожиани текшириш учун Давлат комиссияси тузилган, аммо бир неча ой давомида юзлаб мутахассисларнинг текширувларидан кейин ҳам комиссия ҳалокат сабабларини аниқ тушунтириб бера олмади. Ҳозирги кунгача фожиа сабаблари ва унинг қай тарзда юз берганлиги ноаниқлигича қолмоқда.

СССРда умуммиллий мотам эълон қилинди. Бу СССР тарихида биринчи марта тирик пайтида давлат бошлиғи бўлмаган одамнинг ўлими муносабати билан мотам куни эълон қилиниши эди.

Юрий Алексеевич Гагарин ва Владимир Серёгинларнинг хоклари солинган идишлар Кремль деворларига қўйилган.



ҲИНДИСТОН ҚИЗИ

ГАНДИ, ИНДИРА

(19.11.1917, Оллоҳобод — 31.10.1984, Дехли)

Ҳиндистон премьер-министри. Ҳиндистоннинг биринчи премьер-министри. Жавахарлал Нерунинг қизи. Ҳиндистонда ва Швейцарияда маълумот олган, Оксфорд университетиде ўқиган.

Индира Оллоҳободда (Уттар-Прадеш штати) машҳур адвокат Жавахарлал Неру оиласида туғилган. Анганаларга қарши равишда у онасининг уйида эмас, муқаддас жойда қурилган бобосининг бой хонадониде дунёга келди ва ўз ватани шарафига «Ой юрти» — Индира исмини олди.

Икки яшарлик пайтида у «миллат отаси» — Махатма Ганди билан танишди, саккиз ёшида эса унинг маслаҳатига кўра жонажон шаҳарчасида уй тўқимачилигини ривожлантириш бўйича болалар корхонасини ташкил қилди. Индира етарлича таълим олди. 1934 йили у машҳур ҳинд шоири Рабиндранат Тагор (Тҳакур) ташкил қилган халқ университетига ўқишга кирди. Бироқ 1936 йили онаси вафот этгандан сўнг ўқишни тўхтатишига ва Европага кетишига тўғри келди. Индира Оксфордга ўқишга кирди, аммо Иккинчи жаҳон

уруши бошланиб қолди ва Индира бу оғир дамларда ўз халқи билан бўлишга қарор қилди. Жуда кўп ҳиндлар кўчиб бориб, жойлашиб олган Жанубий Африка орқали уйга қайтишга тўғри келди. Ўша ерда, Кейптаунда, у ўзининг биринчи ҳақиқий сиёсий нутқи билан чиқди. Ҳиндистонда Индирани унчалик кучоқ очиб кутиб олмадилар, чунки миллатнинг рамзи аллақачон Жаварҳарлал Неру бўлиб қолган эди. Индира оилавий ташвишларга киришиб кетди. 1942 йил у Феруз Гандига турмушга чиқди, 1944 йили биринчи ўғли Раджив, икки йилдан сўнг эса Санжай туғилди.

Унинг отаси Жаваҳарлал Неру премьер-министр бўлгандан сўнг шахсий котиблик масъулияти Индирага қолди. Жаваҳарлал Неру Ҳиндистоннинг биринчи премьер-министри бўлганида қизи бор кучи билан унга ёрдам беришга ҳаракат қилди. Аввалига оғир бўлди — спартанча ҳаёт тарзи уни Grand dame бўлиш ва қабул маросимлари уюштиришга ўргатмаган эди. Лекин у майда-чуйдаларни ҳам ёдда сақлашга ва ҳамманинг ташвишини қилишга ўрганди. Ҳозир табассумсиз эслаш ҳам мумкин эмас: Далай-лама иштирокида қабул маросими ўтказилмоқда эди, барча пазандликка оид хоҳишлар ҳисобга олинганди, бироқ Индира бирданга олиймақом меҳмонлар тушдан кейин таом истеъмол қилмасликларини эслаб қолди. 75 киши учун ўн бир яримда, яна 150 меҳмон учун бир яримда қабул уюштиришга тўғри келди...

1959 йили Ганди ҳукмрон партия — Ҳиндистон миллий конгрессининг (ХМК) раиси этиб сайланди. 1960 йили эрининг ўлиmidан сўнг бу лавозимдан кетди.

1964 йилда отаси вафотидан сўнг ҳокимият учун кураш бошланди ва Индира бу курашдан четда қола олмасди. Ўзини узоқни кўра оладиган сиёсатчи сифатида намоён қилиб, латофатли, мафтункор табассумли Индира Ганди 48 ёшида давлатдаги энг юқори мансабга эришди ва 12 йил мамлакатни бошқарди. У 1964 йили ахборот министри этиб тайинланди, 1966 йили, Лал Баҳодир Шастрининг ўлиmidан сўнг эса ХМК етакчиси ва Ҳиндистон премьер-министри бўлди. Индира Гандининг бошқарув йиллари сира ҳам ташвишлардан холи ўтган эмас. Индиранинг 12 йиллик бошқаруви даврида халқнинг норозилигини эпчиллик билан премьер-министрга қарата олган кучли муҳолифат шаклланди.

1969 йили, ҳукумат Ҳиндистоннинг энг йирик 14 та банкини миллийлаштиргандан кейин, Конгресснинг консерватив арбоблари Гандини партиядан ўчиришга уриниб кўрдилар. Партия ҳукмрон Конгресс (Х) ва муҳолиф Конгресс (М)га бўлинди. Парламентда кўпчилиқни йўқотган Ганди сайловни муддатидан бир йил олдинга белгилади ва 1971 йилнинг март ойида

овозларнинг учдан икки қисмидан кўпроғини олган Ганди тарафдорлари галаба қозондилар. Индира Гандининг сиёсий ҳаётида 1971 йил энг яхши йил ҳисобланади. Шу йили у парламент сайловларида ишончли галабани қўлга киритди ва Бангладеш билан бўлган урушда енгиб чиқди.

Иқтисодий аҳволнинг ёмонлашиши ва ички келишмовчиликларнинг ортиб бориши билан Гандининг ҳам обрўи пасайиб борди. 1975 йили у суд томонидан 1971 йилда сайловлар ҳақидаги қонунни бузганликда айбланди. Бунга жавобан Ганди фавқулодда ҳолат эълон қилди ва конституцияга ҳокимиятни ўз қўлига олиш имкониятини берувчи ўзгартиришлар киритди. Кенг халқ оммасининг фавқулодда ҳолатдан кучли норозилиги ва ҳукуматнинг оилани режалаштириш дастурини (шу жумладан, бичиш йўли билан бепушт қилишни ҳам) ҳаётга татбиқ этишга астойдил уринишлари 1977 йилги сайловларда доимий ғолибдек туюлган Индира Гандининг тўлиқ мағлубиятига олиб келди. Лекин у, ниҳоят пайдо бўлган бўш вақтини энди оиласи билан бирга, қадрдонлари қуршовида ўтказадиган бўлди. Аммо машҳур хотинининг соясида гўёки сезилмасдек туюлган эри Феруз бу пайтда оламдан ўтган, яхшиямки икки ўғли — Раджив ва Санжай оғир кунларда онасининг таянчи эди.

Мағлубиятига ва кекса ёшига қарамасдан Ганди аввалгидек сиёсий воқеаларнинг марказида турар эди. Энг аввало у янги Ҳиндистон Миллий Конгресси партияси тузилганлигини эълон қилди. Кейин Ганди, ҳозир сиёсатчилар айтаётганидек, яна бир «кучли қадам» қўйди — у ўз уйини барча хоҳловчилар учун очиб қўйди. Жамоавийлик анъаналари жуда кучли бўлган мамлакатда бу галаба сари қўйилган йирик қадам эди. Уч йилдан кейин Индира Ганди яна ҳокимият тепасига қайтиб келади ва уни умрининг охиригача сақлаб қолади.

1978 йили Ганди Конгрессда яна бир бўлинишни уюштиради. И-Конгресси («Индира учун») штатларда ўтаётган маҳаллий қонунчилик органларига сайловларда галабага эришди, ноябрда эса Ганди парламентга сайланди. 1980 йилнинг январида, Жаната партия ҳукумати инқи-розга учрагандан сўнг, Ганди яна премьер-министр лавозимини эгаллайди.

Ҳокимиятга қайтгандан сўнг тез орада Ганди оғир шахсий йўқотишни бошидан кечирди. Авиаҳалокатда унинг кичик ўғли ва асосий сиёсий маслаҳатчиси Санжай ҳалок бўлди. Санжайнинг ўлиmidан кейин Индира Ганди катта ўғли Радживни сиёсат билан шуғулланишга кўндирди.

1980 йилларнинг бошларида Индира бир қатор диний ва этник жанжалларга рўбарў келди. Террористик гуруҳларнинг етакчилари ўз тараф-

дорлари билан бирга сикх диний оқимининг бош зиёратгоҳи Амритсардаги Олгин Ибодатхонанинг асосий қисмини эгалладилар...

1984 йил 31 октябрь кунини Ҳиндистон премьер-министри Индира Ганди хоним кўтаринки қайфиятда кутиб олди. У алоҳида бир мамнуният билан кутган учрашув — машҳур инглиз ёзувчиси, драматурги ва актёри Питер Устинов билан телеинтервью режаланштирилган эди. У узоқ вақт кийим танлай олмади ва ниҳоят келини Сонянинг маслаҳати билан олтин рангли зафарон сарисини кийди. Кейинги вақтларди ўглининг ўз хотини билан муносабати яхшилангандек бўлди. Улар Индиранинг уйига тез-тез келдиган бўлдилар, Раджив, ниҳоят унинг маслаҳатларига қулоқ солди.

Ганди ўтган ҳаёт йўлига қайрилиб боқар экан, ҳайрон қолишдан тўхтамас эди: инсоннинг ҳаётида ҳамма нарса қанчалар омонат ва ўзгарувчан. Унинг ўз тақдирини олиб қараганда ҳам шундай. Уларнинг оиласи олий ҳинд кастаси — брахманларга тегишли эди. Унинг отаси Жаваҳарлал Неру, миллий мустақиллик учун курашчи, Ҳиндистоннинг маънавий етакчиси ва рамзи эди.

Бироқ ҳаёт ўзгариб туради... Индира Гандининг охирги бошқарув даври унинг учун фожиали бўлди. Сикх экстремистларини зарарсизлантириш бўйича «Мовий ранг юлдуз» операцияси муваффақиятсиз ўтказилди ва унинг ўлимига сабаб бўлди. 1984 йилнинг июнида Индира Ганди ҳарбий бўлинмаларга Олгин Ибодатхонани штурм қилиш ҳақида буйруқ берди. Отишувларда 1000 га яқин одамлар, шу жумладан террористларнинг раҳбарлари ҳам ҳалок бўлдилар. Орадан беш ойдан камроқ вақт ўтгандан кейин, 1984 йил 31 октябрда ўз шахсий кўриқчилари — Беант Сингх ва Сатвант Сингхлар томонидан Индира Ганди отиб ўлдирилди, унга қарата 20 та ўқ узилди. Премьер-министр ва Конгресс етакчилигини Раджив Ганди эгаллади. Аммо 1991 йил 21 май куни у ҳам террорист аёл — камикадзе томонидан ўлдирилди.

Тарих — энг ёмон ўқувчиларига эга бўлган энг яхши ўқитувчидир. (Индира Ганди)

БУЮК ҚАЛБ СОҲИБИ

ГАНДИ, МОХАНДАС КАРАМЧАНД
(GANDHI MOHANDAS KARAMCHAND)
 (02.10.1869, Порбандар (ҳозирги Гужарат) —
 30.01.1948, Нью-Дехли)

Мустақил Ҳиндистон Республикасининг асосчиси. Унинг отаси Карамчанд Ганди ҳиндларнинг савдогарлар кастаси баньяга мансуб эди. У бир муддат Порбандар рожалигининг (князлиги), кейин эса Раджкот рожалигининг девонбеги (бош вазири) бўлди. Мохандас Гандини етти ёшида Кастурбай Мақанджига унаштириб қўйдилар, 13 ёшида эса уйланди. Ҳиндистонда маълумот олгач, 1888 йили Англияга кетади, у ерда ҳуқуқни ўрганди. 1891 йили Ҳиндистонга қайтиб, юриспруденция билан шуғулланади. 1893 йили

Жанубий Африкага, у ерда жойлашган ҳинд фирмасига юрист сифатида боради. Ҳиндистон мустақилликка эришганидан (1947) ва у икки давлатга бўлиниб кетгандан сўнг (Ҳиндистон Иттифоқи ва Покистон), Ганди бошланиб кетган ҳинд-мусулмон қирғинига қарши чиқади ва ҳинд экстремистик ташкилотининг аъзоси томонидан ўлдирилади. Халқи уни Махатма — «Буюк қалб» деб атади.

Мохандас Карамчанд миллий-озодлик ҳаракатининг раҳбарларидан бири, «Гандизм» номи билан машҳур бўлган таълимотнинг асосчиси. Гандининг отаси Катхиявар яримролидаги бир қатор князликларда министр бўлган. Ганди ҳиндуизм динининг ақидаларига қатъий риоя қиладиган оилада улғайган ва бу унинг дунёқараш шаклланишига ўз таъсирини ўтказган. 1888 йили юрист касбини эгаллаш учун Англияга ўқишга боради. Ушбу сафар ҳақиқий мижозарога айланади. Каста боланинг Европага боришига қарши эди. Анъаналарга содиқ ҳиндлар унинг европача одатларга берилиб кетишидан, ичкиликка ёки гўшт ейишга одатланиб қолиш билан ўзини таққирлаб қўйишидан хавотирланардилар. Мохандасни кастадан ҳайдайдилар. Консерватив диний оиладан чиққан бола учун бу шунчаки ижтимоий узилиш эмас, балки оғир ҳаётий танлов эди. Ганди акасининг таъсири остида қарор қабул қилди: билим олиш, янги ва олдиндан билиб бўлмайдиган ҳаёт йўли ва Ҳиндистондан узоқ вақтга кетиш. Бироқ ўша пайтларда ҳеч ким айрилиқ бунчалар узоқ бўлишини ва қайтиш шунчалар тантанавор бўлишини ўйламаган ҳам эди.

1891 йили Англияда юридик маълумот олиб қайтгач, Ганди 1893 йилгача Бомбейда адвокатлик амалиёти билан шуғулланди. 1893—1914 йиллари Жанубий Африкада Гужарат савдо фирмасининг юристи бўлиб ишлади. Бу ерда Ганди тинч намоёнлар уюштириб, ҳукумат номига норозилик хатлари юбориб, ирқий камситишлар ва ҳиндларнинг сиқувга олинишлар

рига қарши курашга бошчилик қилди. Тез орада Ганди адвокат сифатида ҳам, сиёсий арбоб сифатида ҳам муваффақиятга эришди. Бир нечта ашрамлар — маънавий коммуналар тузди, улардан бири Дурбан яқинида бўлиб, Феникс-фарм деб, Йоханнесбург яқинидагиси Толстой-фарм деб аталарди. 1894 йили Ганди Наталда Ҳинд конгрессини ташкил қилди, 1904 йилдан бошлаб кундалик газета чиқара бошлади. Ҳиндларнинг камситилишларига қарши туришга уриниб, 1906 йили фуқаролик итоатсизлигини ўтказди. Ўзи ишлаб чиққан қаршилик кўрсатиш режасини Ганди «Сатьяграха» деб атади. Сатьяграха кампаниясини ўтказганлиги учун уни тез-тез қамоққа олардилар — 1913 йили у 2000 Ҳинд шахтёрларининг Наталдан Трансваальга юришларига бошчилик қилганида тўрт кунда уч марта ҳибсга олинди. Намойиш ўша вақтда мудофаа министри бўлган Я.Смэтс билан келишув бўйича тўхтатилди. Жанубий Африкада Ганди зўрлик ишлатмасдан қаршилик кўрсатиш тактикасини ишлаб чиқди. 1988—1902 ва 1906 йиллардаги уруш вақтида инглизларга ёрдам бериш учун Ҳиндлардан санитар отряди тузди. Аслида, унинг ўзи тан олишича, бурлар ва зулустарнинг курашларини адолатли деб ҳисоблайди; шундай бўлсада у ўз ҳаракатлари билан Ҳиндларнинг Британия империясига содиқ эканлигини исбот қилишга уринарди, бу эса Гандининг фикрича, инглизларни Жанубий Африка иттифоқидаги ўз-ўзини бошқарув мақомини Ҳиндистонга ҳам беришга кўндириш учун зарур эди. 1914 йилнинг июлида Ганди Жанубий Африкани тарк этди.

Ҳиндистонга қайтиб келгач, Ганди Аҳмадобод яқинида янги ашрам ташкил қилди. Ватанига қайтиши билан (1915) Ганди Миллий конгресс партиясига яқинлашди ва тез орада Ҳиндистон миллий-озодлик ҳаракатининг етакчиларидан бирига, Конгресснинг гоявий раҳбарига айланди. Кейинчалик Ҳиндистонда Ҳинд халқи билан мустамлакачилар ўртасидаги қарама-қаршилик натижасида оммавий антиимпериалистик ҳаракат бошланди. Ганди ва унинг издошлари кўп кишилик митингларда инглиз ҳукмронлигига қарши чақириқлар билан мамлакат бўйлаб айланиб юрдилар. Бу курашни Ганди фақат зўравонликларсиз шакллар билан чеклади, у инқилобий халқ томонидан ҳар қандай куч ишлатишни қоралади. Шунингдек, синфий курашни ҳам қоралар ва ижтимоий келишмовчиликларни, ҳомийлик тамойилидан келиб чиқиб, ҳакамлик йўли билан ҳал қилиш тарафдори эди. Гандининг бу позицияси Ҳинд ватанпарварларининг манфаатларига жавоб берарди ва Ҳиндистон Миллий Конгресси уни тўла қувватлади. Ўша 1918 йилиёқ у биринчи марта очлик эълон қилди. 1919 йили инглизлар Ҳиндларнинг фуқаролик эркинликларига тааллуқли бўлган чекловларнинг қўлланиш муддатларини узайтирган Роулетт қонун-

ларини қабул қилганида, Ганди биринчи умумҳиндистон иш ташлашини эълон қилди. Мамлакатнинг минглаб аҳолиси зўравонлик ишлатмасдан норозилик билдирдилар, бироқ кўпгина жойларда оммавий кўча тартибсизликлари бўлиб ўтди. Инглизлар намойишчиларни қувғин қилдилар ва бу жараён Амритсардаги қирғин билан якунланди. У ерда ҳинд намойишчилари пулемётлардан ўққа тутилди ва 379 киши ҳалок бўлди. Амритсар воқеалари Гандини Британия империяси тарафдоридан унинг ашаддий душманига айлантирди. Иккинчи умумҳиндистон иш ташлашини Ганди 1920 йили бошлади. Тез орада у ватандошларини Британия тўқимачилик маҳсулотларини харид қилмасликка ва қўл дастгоҳларида ўзларининг маҳсулотларини ишлаб чиқаришга чақирди. 1922 йили уни исёнга чақаришда айблаб қамоққа олишди, суд қилишди ва олти йил қамоқ жазосига ҳукм қилишди (1924 йили озод қилинди). Ганди инглизларнинг «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» сиёсатининг барча тамойилларига, ҳиндлар билан мусулмонлар ўртасида келишмовчиликлар оловини ёқишга қарши, касталарнинг сақланиб қолишига қарши курашди. 1919—1920 йиллар давомида Ганди зўравонликсиз инглиз ҳукмронлари билан ҳамкорлик қилмаслик кампаниясини уюштирди. Бироқ 1922 йили Миллий конгресс раҳбарияти Гандининг таклифи билан бу кампанияни тугатди, чунки Чаури-Чаура деган жойнинг аҳолиси намойиш қатнашчиларига нисбатан қурол ишлатган инглиз полициячиларига қарши куч ишлатган эди. Шундан кейин Ҳиндистонда оммавий чиқишлар пасая борди. 1923—1928 йиллари Ганди ўзининг сиёсий фаолиятини қўлда арқоқлаш ва тўқимачиликни қайта тиклашни ташвиқот қилишга бағишлади. Инглизларга қарши ҳаракатларнинг янгидан жонланиш йиллари (1929—1933) Ганди ҳукуматнинг тузни монополия қилишига қарши йўналтирилган фуқаролик итоатсизлиги кампаниясига («Туз юриши») раҳбарлик қилди. 1931 йили Ганди келишувга рози бўлди ва вице-қирол Ирвин билан битим тузди. Унга кўра Миллий конгресс бу кампанияни тугатди; Ганди «Юмалоқ стол» конференциясида конгресс номидан иштирок этишга рози бўлди, вице-қирол эса қамоққа олинган конгрессчиларни озод қилишни ва ҳинд буржуазиясига бир қатор енгилликлар беришни ваъда қилди.

Аммо Ганди бу билан чекланмади, бир қатор дастурлар лойиҳаларини олдинга суриб, кучли кампаниялар уюштирди: дахлсизликка қарши ва мусулмон-ҳинд бирлиги учун, ҳуқуқлар учун, бошланғич таълимни ривожлантириш учун, алкоголь ичимликларни тақиқлаш учун, шахсий гигиена қоидаларининг киритилиши учун ва шу кабилар. 1929 йили конгрессчилар 26 январни Миллий мустақиллик куни деб эълон қилишди

ва Ганди учинчи умумҳиндистон иш ташлашига раҳбарлик қилди. Келгуси йили тузга солиқнинг оширилишига қарши норозилик билан чиқди.

1931 йили Ганди Лондонга «Юмалоқ стол»нинг иккинчи конференциясига борди, унда сиёсий келажак муҳокама қилинди. Кўпгина эски дўстлари билан, шу жумладан инглиз публицисти К.Ф. Эндрюс ва француз ёзувчиси Р. Роллан билан учрашди. 1932 йилнинг бошларида яна қамоққа олинди. Ганди олти кун давомида дахлсизлар кастасига нисбатан юритилаётган сиёсатга норозилик белгиси сифатида овқат емади. 1933 йилги очлик эса 21 кун давом этди. Гандини очлик бошланиши биланоқ озод қилишди. Буни агар у ўлиб қолса, инглиз ҳукуматини айблашларига йўл қўймаслик учун қилдилар. Икки йил давомида олти марта ҳибсга олинган хотини Кастурбай ҳам сиёсий фаолият билан фаол шугуллана бошлади. 1936 йили Ганди ўз ашрамини Севаграмга (Марказий Ҳиндистон) кўчирди ва у ерда кундалик газетасини нашр қилишни давом эттирди.

1919—1947 йиллари Ганди раҳбарлигидаги Миллий конгресс халқ қўллаб-қувватлайдиган оммавий миллий ташкилотга айланди. Халқни миллий-озодлик ҳаракатига жалб этиш Гандининг асосий хизмати ва уни Ганди Махатма (Буюк қалб) деб атаган халқ орасидаги улкан обрўсининг манбаи эди. У деҳқонлар жамоаларини, қишлоқ хунармандчилигини, қўлда мато тўқиш ва арқоқлаш асосида тўқимачилик саноатини қайта тиклашга жон кўйдирди, чунки буларда Ганди фақат ишсизликни йўқотиш воситаси ва меҳнаткашлар аҳволини яхшилаш чорасинигина эмас, Ҳиндистон иқтисодини чет элларга боғлиқликдан озод қилиш имкониятини ҳам кўрарди. 1934 йилнинг сентябрида Ганди Миллий конгрессдан чиққанлигини эълон қилди, лекин амалда у умрининг охиригача Миллий конгресснинг етакчиси бўлиб қолаверди.

Ганди бир неча марта ҳибсга олинди ва қамоқхоналарда ўтирди (масалан: 1922—1924, 1930—1931, 1942—1944 йилларда). Қамоқларда ҳам, озодликда ҳам бир неча бор очлик эълон қилди. Хотини билан биргаликда ҳибсга олинди ва Пунадаги қамоқхонага ташланди. 1943 йилнинг февралда 21 кунлик очликни амалга оширди, келгуси йили хотини қамоқхонада вафот этди. Гандининг соғлиғи ҳам анча ёмонлашди. 1944 йилнинг май ойида у қамоқдан озод қилинди.

Натижада жанубий африкалик ҳиндлар баъзи бир камситувчи қонунларнинг бекор қилинишига эришдилар. Гандининг очлик эълон қилишлари унинг издошлари сафида катта ҳаяжон уйғотарди ва баъзан ҳукуматни ён беришга ҳам мажбур қиларди.

1942 йили инглизлар ҳинд миллий ҳукуматини тузишдан бош торганида ва антиимпериалистик кайфиятлар ўсиб бораётганлиги муносабати билан Ганди инглиз мустамлакачиларига нисбатан «Йўқолинг Ҳиндистондан!» шиорини олға сурди ва буни фақат мустақил Ҳиндистонгина япон босқинчиларига етарли қаршилик кўрсата олишлиги билан изоҳлади. Ҳиндистоннинг мустақилликни қўлга киритишига олиб келган 1946—1947 йиллардаги мустамлакачиликка қарши оммавий ҳаракатларнинг кучайиши шароитида Ганди инқилобий чиқишларни қоралади (шу жумладан, ҳинд денгизчиларининг 1946 йилнинг февралидаги исёнини ҳам). Айни пайтда Ганди Ҳиндистонни икки давлатга — Ҳиндистонга ва Покистонга ажратишга тайёрлаш ва уни амалга ошириш муносабати билан ҳинд ва мусулмонлар ўртасидаги қонли тўқнашувларга ҳам қарши чиқди. 1946 йилнинг августида Неру инглизлардан ҳукумат тузиш таклифини олди, бу эса Мусулмон лигасининг етакчиси М.А. Жиннани тўғридан-тўғри ҳаракат кунини эълон қилишга мажбур этди. Бу эса, ўз навбатида, ҳиндлар ва мусулмонлар ўртасида тўқнашувларни келтириб чиқарди. Ноябрьда Ганди тартибсизликларни тўхтатишга чорлаб, Шарқий Бенгалия ва Бихарни пиёда кезиб чиқди. Бўлинишга кескин қарши чиққан Ганди ҳиндлар ва мусулмонларни аҳилликка чақирди.

Покистоннинг Ҳиндистондан расмий ажралиши рўй берган ва мамлакатлар ўз мустақилликларини эълон қилган 1947 йилнинг 15 августида ҳам Ганди ўз қайғусини баён қилиш мақсадида ҳамда ҳиндлар, мусулмонлар ва сикхлар ўртасидаги тўқнашувларнинг олдини олиш учун очлик эълон қилди. Бир неча ойдан кейин, 1948 йил 12 январда етмиш саккиз яшар Ганди ўзининг сўнгги, беш кун давом этган очлигини бошлади. Ганди ҳар кун Нью-Дехлидаги Бирла-Хаус деворлари яқинидаги боғда жамоа бўлиб ибодат қилишга қатнашарди. 1948 йил 30 январда ибодат қилишга бораётган пайтида «Ҳинду Маҳасабҳа» партиясининг аъзоси бўлган мутаассиб — ҳинд томонидан ўлдирилди.

Гандининг танланган асарлари тўплами «Менинг ҳаётим» (The Story of My Experiments With Truth, 1927) деб номланган таржимаи ҳолини ҳам қўшганда 80 томдан, минглаб мақолалар ва жуда кўп сонли хатлардан иборат.

Ганди ҳинд буржуа миллатчилиги ва Ҳиндистонда инглизлар ҳукмронлигига қарши ҳаракатнинг идеологиясига, унинг номи билан гандизм деб аталган диний-фалсафий ва ижтимоий-сиёсий таълимотга асос солди. Унинг таълимоти Осиё ва Африкадаги кўплаб мустамлака халқларнинг озодлик учун курашида ёрдам берди.

Биз зўравонликларсиз қаршилик кўрсатиш тарафдоримиз. (Махатма Ганди)

БУЮК ХАЁЛПАРАСТ

ГЕВАРА, ЧЕ ЭРНЕСТО (исп. ERNESTO GUEVARA CHE)
(14.06.1928, Росарио, Аргентина — 09.10.1967, Ла-Игера,
Боливия)



Куба инқилобининг энг йирик арбобларидан бири, «инқилоб экспорти»нинг назарийтчиси ва амалиётчиси. Асли исми — Эрнесто Рафаэль Гевара Линч де ла Серна (Ernesto Rafael Guevara Lynch de la Serna), архитектор оиласида туғилган. 1953 йили Буэнос-Айрес университетининг медицина факультетини тамомлайди ва врач дипломини олади. Кўплаб саёҳатларга чиқиб, Боливия, Эквадор, Коста-Рика, Панама, Перу ва Гватемаланинг сўл ҳаракатлари вакиллари билан алоқа ўрнатди. Кастро ҳукуматида Гевара Куба миллий банкининг раиси (1959—1961), кейин эса sanoat министри лавозимларини эгаллаган. Ерни бўлишга ва sanoatни миллийлаштиришга раҳбарлик қилган. Ўта эътиқодли марксист.

Эрнесто Че Гевара Росарио шаҳрида туғилди. У дунёга келиши арафасида донья Селия турмуш ўртоғи дон Эрнесто Гевара Линч билан бирга Мисионесдаги иерба-матэ¹ плантацияларини сотиб, Аргентинанинг Буэнос-Айресдан кейинги катта шаҳри Рисариода ўрнашадилар. Шу ерда 1928 йил 14 июнь куни муддатидан бир ой олдин Че туғилди.

У аждодлари испаниялик бўлган аргентиналиклардан эди. Отасининг айтишича «Че ота томондан ўн иккинчи авлод, она томондан эса саккинчи авлод аргентиналик». Аргентинада уларникидан қадимийроқ уруғни топиш қийин. Испанларнинг қадимий одатига кўра янги туғилган чақалоққа иккита фамилия берилди: ота томондан Гевара, она томондан Серна.

Болалигида уни оила аъзолари Тэтэ деб аташарди. У жуда қобилиятли бола бўлсада, мактабда аъло баҳоларга ўқимаган. Бунинг сабабларидан бири унинг касаллиги эди: Тэтэ астма билан касалланганди. Шундай бўлишига қарамасдан у 1945 йили коллежни мувафаққият билан тамомлайди. Шу йили оиласи Буэнос-Айресга кўчиб ўтади ва Эрнесто маҳаллий университетнинг медицина факультетига ўқишга киради.

Эрнестонинг икки синглиси — Селия ва Анна Мария, икки укаси — Роберто ва Хуан Мартин бўлиб, уларнинг ҳаммаси ўқимишли, ҳаётда ўз ўринларини топганлар, ота-оналарига ҳеч ташвиш келтирмаганлар. Эрнес-

¹ *Иерба-матэ* — Жанубий Америкада ўсадиган, барги чой каби дамлаб ичиладиган мангу яшил дарахт, чойнинг бир тури. Матэ ҳам дейишади.

то бутунлай бошқача эди. У талабалик йилларидаёқ дўсти Альберто Гранадос билан бирга мотоциклда деярли бутун Лотин Америкасини айланиб чиқади ва ўзининг ёзишига қараганда уни яхши ўрганиб ҳам олади.

Эрнесто тенгдошларидан ўзининг кескин характери ва ўткир юмори билан ажралиб турарди. Фақат унинг руҳий сифатлари — мардлиги, дўсти учун ёрдамга доим тайёрлиги, романтизми, тасаввурга бойлиги ва энг аввало жасурлиги тенгдошларини ўзига тортарди. Аммо у билан тенгдошлари ўртасида қандайдир тўсиқ бор эдики, уни кесиб ўтишга ҳамма ҳам журъат қила олмасди. Нима учун? Балки даволаб бўлмайдиган касаллик туфайли азоб чеккан ва охиригача болаларча соф бўлиб қолган дарвишона қалби бунга тўсиқ бўлгандир. У ўсмирликдаги севгилиси Чинчина билан ҳам кўпчиликка галати туюлган қалб даъвати туфайли ажрашади: Эрнесто Венесуэлага моховларни даволаш учун кетишга қарор қилади.

1953 йили мартда врачлик дипломини олган Эрнесто ўз ватанида ҳам яхшигина ишга жойлашиши, тўкин яшаши мумкин эди. Аммо у саргузашт истаб Лотин Америкасининг бир қанча мамлакатларини айланиб, 1953 йилнинг охирида, 24 декабрь куни Гватемала пойтахти Гватемала шаҳрига етиб келади. Бу ерга бутун Лотин Америкасидан сиёсий муҳожирлар йиғилган эди. Эрнесто шу ерда кубалик инқилобчилар билан танишади. Ўзининг биринчи умр йўлдоши Ильяда Гадеа билан ҳам шу ерда топишади. Ильяда университетни иқтисод йўналиши бўйича тугатган бўлиб, отаси испан, онаси эса маҳаллий ҳиндулардан эди. Гватемалада халқпарвар президент Хокабо Арбенс ҳукумати америкаликлар томонидан ағдарилгандан сўнг ҳукумат қўшинлари тарафида курашган Эрнесто Гевара бошқа инқилобчилар қатори Мехикога келади. Бир оз қийинчиликлардан сўнг у маҳаллий касалхоналардан бирига ишга жойлашади. Шу ерда 1954 йилнинг охирида у Ильяда билан турмуш қуради. 1956 йил 15 февралда уларнинг биринчи фарзанди — қизи Ильдита туғилади.

«Монкада» казармаларига ҳужум қилганликда айбланиб қамалган кубалик инқилобчилар 1955 йили амнистия туфайли озодликка чиқадилар ва Мехикога келадилар. Эрнесто инқилобчилар сардорларидан бири Рауль Кастро билан танишади. Иккаласи ҳам бир-бирларида яхши таассурот қолдиради. 1955 йил июлда Эрнесто Мехикога келган Фидель Кастро билан танишади. Улар кечаси билан инқилоб, адолат ва эркинлик ҳақида суҳбатлашадилар. Тонгда Эрнесто Кубага тайёрланаётган отрядга врач сифатида қабул қилинади. Ўша даврда бу романтик ёшлар учун Фидель бир маёқ эди, уларнинг ўзи каби ёш, улар каби романтик, лекин анча тажрибали инқилобчи, тан олинган лидер эди.

1956 йил 25 ноябрда 82 нафар инқилобчи Ф. Кастро бошчилигида кичикроқ кема «Гранма»га ўтириб, Куба томон сузиб кетишади. Хотини ва қизи билан хайрлашган Эрнесто ҳам улар орасида эди. Инқилобчилар уч йилдан зиёд Кубада Батиста режимига қарши курашдилар ва 1959 йил 1 январь куни ғалаба қозондилар. Эрнестога «Че» деган исмни ҳам исёнчилар беришган эди. «Че» аргентиналиклар сўзлашганда кўп қўллайдиган боғловчи сўз бўлиб, гуара ҳиндулари тилида «меники» деган маънони англатарди. Умуман аргентиналиклар ҳис-ҳаяжонларини, ҳайратларини, қайғуларини, меҳрларини, маъқуллаш ва норозиликларини нутқ оҳангига қараб «че» дея изҳор қилишарди. «Че» Эрнестонинг инқилобий тахаллусига айланиб қолди.

1959 йил июнда Че кубалик ёш инқилобчи аёл Алеида Марчга уйланади. Уларнинг беш йиллик бирга турмушлари даврида икки қиз ва икки ўғил туғилади. Биринчи хотинидан қизи Ильдита ҳам улар билан бирга яшайди. Кубадаги катта обрў, оилавий бахтга қарамасдан Че бу ерни ҳам тарк этади. У умрининг охиригача инқилобни давом эттиришга қарор қилган эди.

Ченинг ҳаёти кўп жиҳатдан XX аср инқилобий тажрибасининг ўзига хос якунини акс эттиради. У шошилиб яшади. 1928 йили туғилиб, 1967 йили 39 ёшида ҳалок бўлди. Унинг сиёсий фаолияти 14 йилдан камроқ давом этди, аммо катта мазмунга тўлиқ бўлди: 1954 йили Гватемалада империалистик фитнага қарши ҳаракатда қатнашди; 1956—1959 йиллар «Гранма» десантидан бошлаб, то Гаванага голибона кириб боришгача бўлган Куба герильясида¹ жанг қилди; 1959—1965 йиллар ҳукуматда ва дипломатик лавозимларда ишлади; 1966 йили Конгода партизанлар урушида қатнашди; 1967 йили Боливияда қуроли жангда иштирок этди ва ўлим... Ўз ҳаётида Че узоқ умр берилганларнинг аксариятига нисбатан кўпроқ ишлар қилишга улгурди.

Ўзининг таъ олишига кўра унга партизанлар уруши «бадий қониқиш» бағишлар эди. «Мен Росинантани яна эгарладим», — деган эди у Кубани тарк этаётиб. Аввалига Куба негрларидан иборат юз элик кишилик гуруҳ таркибида у Бельгия Конгосига жўнади ва у ерда 11 ой бўлди.

Бу ерда ишлари унча юришмади. Маҳаллий деҳқонлар унинг отрядини қўллаб-қувватламадилар. Аслида у унчалик жанг ҳам қилмади. Унинг гуруҳи жойларда партизанлик уруши учун кадрлар тайёрларди. У яратган, эккан кўчат амалда бугун Африкада ўз ҳосилини бера бошлади. Бирок

¹ Герилья — Латин Америкаси мамлакатларидаги партизанлар уруши шундай деб аталади.

африкаликлар кўпчилик ҳолларда АҚШ билан эмас, бир-бирлари билан жанг қилишни маъқул кўрдилар. Ченинг шогирдлари, шогирдларининг шогирдлари аксарият ҳолларда бошқа қабилаларни, ундан-да осонроғи ўз қабиладошларини талайдиган доҳийлар, диктаторлар бўлиб етишдилар. Улар олмослар ва нефтдан, ҳамма бойликлар устидан ўрнатилган назоратдан келаётган даромадларни АҚШнинг ва бошқа давлатларнинг банкларига жойлаштирдилар.

АҚШга қарши ҳал қилувчи жангни Че Боливияда амалга оширишга қарор қилди. Унинг фикрига кўра, Боливия бутун Латин Америкасидан келадиган ўқиб-ўрганувчи инқилобчилар учун партизанликнинг улкан тажриба мактаби бўлиши керак эди. Улар Латин Америкасини эгаллаш билан АҚШни катта таъминот манбаидан маҳрум қилган бўлардилар.

Қитъанинг бевосита марказида жойлашган Боливиянинг ўзи эса бундай ишни амалга ошириш учун энг қулай майдон бўлиб кўринарди. Ёнма-ён жойлашган 5 та давлатда Боливияга жўнатиш учун гуруҳлар тайёрлаб қўйилганди. Ишлар Чилида айниқса яхши кетаётган эди. У ердаги Сальвадор Альенде бошқарган сўл мухолифат ҳокимиятни эгаллаш учун қуролли ва ошқора ҳаракатларни қўшиб олиб боришга ва энди Мао сингари Пекинга эмас, Вашингтонга «Буюк юриш»ни бошлашга тайёр эди.

Ченинг ихтиёрида 50 та жангчи бўлиб, улар ҳам ҳали тўлиқ тайёр эмасди. Уларнинг орасида Реже Дебрени — ўша пайтда машҳур бўлган француз сўл файласуфини алоҳида кўрсатиш лозим.

Сўл зиёлилар орасида Ченинг машҳурлиги жуда улкан эди. Че одамлар сиғинадиган шахсга айланиб қолган эди. У энди фақат ўзигагина тегишли эмасди. Ченинг Европада машҳур бўлишига ҳисса қўшганлардан бири Дебре эди. У Чени шунчаки инқилобчи эмас, инқилоб назариётчиси сифатида машҳур бўлишига ҳисса қўшди. Амалиёт — тарихнинг яратувчиси. Амалиёт — тарихнинг мезони. Амалиётнинг энг юксак босқичи — инқилоб. Аммо амалиётни ривожлантиришда яна ҳам олға кетиш — шаҳарларда, айниқса қишлоқ жойларда ихчам партизан гуруҳлари тузиш керак. Сўл файласуфларнинг фикр йўналиши ана шундай эди. Бу фалсафа Германияда, Италияда, Перуда, Японияда террорни туғдирди. У Фаластинда ва Яқин Шарқда террорни таъминлаб турди. Террористлар ўлдирган одамларнинг, террористик актлардаги тасодифий қурбонларнинг ҳар бир томчи қонида Европа сўл фалсафаси фикрининг бир парчаси, Че Гевара қалбининг бир томчиси бор. Тўғри, Дебре Боливияда асир тушиб, очиқ суд жараёнида «жасорат билан» ўзини

ҳимоя қилган ва қамоқ жазосини ўтаган бўлса-да, у яширинча Чени сотган деган шубҳа бор. Лекин бу исботланмаган. Францияга қайтиб келгач, сўл файласуф табиий равишда француз амалдорлари сафига қўшилиб кетди ва Франция президенти Ф. Миттераннинг «Учинчи дунё» мамлакатлари бўйича маслаҳатчиси лавозимини эгаллади.

Шу муносабат билан яна битта ғаройиб алоқа: Реже Дебре биринчи бор Кубага Бернар Кушнер исмли врач-идеалист билан бирга келган эди. 90-йилларнинг охирида Кушнер Европа Иттифоқининг Косоводаги вакили бўлиб, Сербияга «инсонпарвар босқинчилик» назариясининг асосий жарчиларидан бири бўлди. Сўллик XX аср идеалистларини қаршилик кўрсатмаслик гуманистик ғоясига ёки гуманистик инқилоб ва фитналар ғоясига олиб келди. Униси ҳам, буниси ҳам қон тўкилишидан бошқа бирор-бир натижа бермади.

Че Боливияга 1966 йилнинг ноябрида келди. У бошлиқ гуруҳнинг ҳарбий ҳаракатлари муттасил муваффақиятсиз чиқарди. Қочиб ўтганлар, сотқинлар ҳам бўлди. Деҳқонлар четдан келган адолат ўрнатувчиларни ёқтирмадилар. Боливия армияси, америкалик маслаҳатчилар ва жангчилар Вьетнамда тўпланган тажриба асосида партизанликка қарши ҳаракатлар олиб борарди. Уларни ёки кичик гуруҳларда, ёки якка-якка қўлга олардилар. ҳар бир хоҳловчи Ченинг «Боливия кундалиги»ни — чексиз ғам-ғусса, чексиз иложсизлик ва чексиз жасорат матнини ўқиб чиқиши мумкин. Сўл интеллектуалларнинг аксариятидан фарқли ўлароқ, Че ҳеч қачон иккиюзламачи бўлмаган. Унинг шахсияти унинг ғояларидан, ҳаёт ҳақидаги тасаввурларидан, у яратган дунё тасвиридан анча улканроқ эди. Унинг ўзи бир олам эди.

1967 йилнинг 9 октябрида Че боливиялик ярадор Чанг билан ёлғиз қолди. Чанг сал кам туғма қар эди. Унинг кўзи ҳам яхши кўрмасди. Кўзойнаги синганидан ҳеч нарса кўрмай қолди. Бунинг устига оёғидан ярадор бўлганди. Ченинг ўзи ҳам енгил ярадор бўлган, у, эҳтимол, кетиб қолиши ҳам мумкин эди, бироқ Чанг билан бирга қолди. Уларни биргаликда қўлга олдилар. Келгуси кун ирталаб Чени йўқ қилиш ҳақида буйруқ келди. Унтер офицер Марио Теран буйруқни бажармоқчи бўлди. Аммо бажара олмади — қўллари қалтиради. «От, кўрқма», — дея уни дадилликка чоралади Че. Унтер дадиллик учун ароқ ичиб олди ва автоматдан қаторасига ўқ узди. Кейин аниқлик учун бошига ўқ отди. Ченинг қўл бармоқларини кесиб олдилар ва дактилоскопик экспертиза учун АҚШга жўнатишди.

Ўттиз йил ўтгандан сўнг унинг жасади қолдиқларини қардошлар мазоридан олиб, Кубанинг Санга-Клара шаҳрида тантанали кўмишди. Ченинг Боливия экспедициясидан фақат 3 киши тирик қолганди, холос.

Че ўлимидан кейин афсона ва мифларнинг персонажи бўлиб қолди. Алберто Карданинг машҳур фотосурати, эҳтимол, юз миллионлаб нусхада тарқалиб кетган. Барча хилдаги сўллар Ченинг обрўидан фойдаланадилар, худди дўкандорлар каби унинг номи билан савдо қиладилар.

У ригорист¹ эди, лекин бошқача, алоҳида — оппонентларини баҳсда ишонтиришга уринадиган, урушда олиўжанобликка чақирувчи, ўз фикрларини яширмайдиган ригорист эди. Аслида ҳаётда бунга эришиб бўлмайди. Қарийб барча бошлаган ишларида омад ундан юз ўтирди, фақат битта жиҳат уни улуғлади — у ўйлаган ва гапирган нарсаларига ишонар, қандай айтган бўлса, шундай ишонар эди, шундай бажарарди. У ҳокимиятни ёқтирмасди. Че доимо ўзлигича қоларди. Че озодлик байроқлари остида Боливардан ва Гарибальдидан бошланган ва саводсиз мутаассибларга бошчилик қилган Сорбонна интеллектуалларининг 70-йиллар ўрталарида Камбоджада ҳокимиятни эгаллаб олишлари билан яқунланган «партизанлик инқилоблари» даврининг фарзанди эди. Охирги партизанлар инқилоби Камбоджада миллионлаб одамларнинг ҳалокатига олиб келди. Геваранинг чексиз шахсий ҳалоллиги, виждонлилиги ҳокимиятга келган партизанлар доимо шафқатсиз диктаторлар бўлганлигининг ўрнини боса олмайди. Улар аёвсизликларининг даражаси фақат тарихий шарт-шароитларга боғлиқ эди, холос.

Ўлимидан кейин Че барча турдаги сўл радикаллар ва интеллектуаллар қалбларини жунбишга келтираётган ва хурсанд қилаётган шоу сингари яшаб келмоқда. Улар учун Че ўзига хос аниқлик белгиси, рамз, ўзига тортувчи маёқ бўлиб қолди. Ҳокимиятни озодлик деб билувчилар учун, оқибатда эркинликнинг йўқ қилинишига олиб келувчи шундай озодлик учун кураш барибир мағлубиятга маҳкум эканлигини англамаётганларнинг барчаси учун у шундай бўлиб қолмоқда. Бундай кураш эртами ёки кечми — мағлубиятга маҳкум.

...Юракларда муҳрланган умид учқунларини олға сура олган дарвишона қалб соҳиби. У ўзининг мафтункор нигоҳини бошқаларнинг ҳаётига уни яхшилашга бўлган улкан хоҳиш ила тикди... Инсонпарварлик даҳоси, учинчи минг йиллик тонгида инсоннинг инсонга хизматини ҳар қачонгидан ҳам юқорироқ кўйиб, уни қандай бўлса шундай тушунмоқ лозим. (Жан Кормье)

¹ Ригорист (лотинча rigor — қатъийлик, ўта талабчанлик) — айрим принципларга ҳаддан ташқари риоя қилиш, уларни ўтакетган даражада қатъийлик билан амалга ошириш. Шу жиҳатдан баъзан аскетизм ва фанатизм билан яқинлашиб кетади.

ТЕМИР ИРОДАЛИ ГИНДЕНБУРГ

ГИНДЕНБУРГ, ПАУЛЬ ЛЮДВИГ ГАНС АНТОН ФОН БЕНЕКЕНДОРФ УНД ФОН (PAUL LUDWIG HANS ANTON VON BENECKENDORFF UND VON HINDENBURG) — (2.10.1847, Познань — 2.8.1934, Нейдек)



Немис ҳарбий ва давлат намояндаси, генерал — фельдмаршал (1914). Прусс офицери оиласида туғилган, кадетлар корпусини тугатган. 1866 йилги австро-прусс урушининг ва 1870—1918 йиллардаги Француз-прусс урушининг қатнашчиси, 1914—1918 йиллардаги Биринчи жаҳон урушида Шарқий Пруссиядаги 8-герман армиясига қўмондонлик қилган. Шу йил ноябрдан бошлаб эса бутун Шарқий фронт қўшинларини бошқарган. 1916 йилнинг августидан Бош штаб бошлиғи, амалда Бош қўмондон. Унг социал-демократларнинг етакчилари билан Гинденбург бошқарган ҳарбийлар иттифоқ тузиб, 1918 йили Германиядаги Ноябрь инқилоби пайтида ишчиларнинг инқилобий чиқишларини аёвсиз бос-тирдилар. 1925 йили унг партиялар иттифоқи Гинденбургни Веймар Республикаси президенти қилиб сайланишига эришдилар. Ҳарбий-монархистик ва фашистик ташкилотларни қўллаб-қувватлаган; «Темир дубулга» ҳарбий ташкилотининг фахрий раиси бўлган Гинденбургнинг сиёсати Германия ҳарбий қудратининг қайта туғилишига ва ҳарбий имкониятларнинг тикланишига олиб келди. 1932 йили унг социал-демократик намояндларининг ёрдамлари билан яна бир муддатга президентликка сайланган. 1930 йилнинг 30 январида Гитлерга ҳукумат тузишни буюриб, ҳокимиятни фашистлар қўлига берди.

Дастлабки ҳарбий таълимни Пауль фон Гинденбург кадетлар корпусида олди. 18 ёшида лейтенант бўлиб, 3-гвардиячи пиёдалар полкида хизмат қилди. Унинг сафларида Берлин учун бўлган иккита ғолибона урушда иштирок этди: 1866 йилги австро-прусс ва 1870—1918 йиллардаги франко-прусс урушларида. Кейин Гинденбург ҳарбий академияда ўқиди ва армия корпусининг Бош штабида, дивизия штабида биринчи офицер (оператив бўлим командири) бўлиб, пиёдалар полкининг рота командири бўлиб хизмат қилди. 1885 йилдан Бош штабда, уч йилдан кейин армия корпус штабида ва кейин ҳарбий министрликда пиёда қўшинлар бўлими бошлиғи, 1893 йилдан 1911 йилгача фон Гинденбург бирин-кетин пиёдалар полкининг командири, армия корпус штаби бошлиғи, дивизия бошлиғи ва 4-армия корпуси командири лавозимларини эгаллади. Пауль фон Гинденбург офицерлик ва генераллик вазифаларидаги 45 йиллик хизматларидан кейин нафақага чиқди. 1914 йил сентябрида, Биринчи жаҳон уруши бошланганда пиёда қўшинлари генерали Гинденбург Шарқий Пруссияда ҳаракат қилган 8-герман армиясининг қўмондони қилиб тайинланди. Гинденбург Шарқий Пруссияда қўшинларни бошқарди. Танненберг яқинида ва Мазур ботқоқлиги ёнида (1914) рус қўшинлари устидан ғалаба қозонди. Бу ютуқлар

Гинденбургга шуҳрат келтирди. Шарқий Пруссияда бир шаҳар унинг шарафига Гинденбург деб атала бошлади (1923 йил бу шаҳар муниципалитетига коммунистлар кўпчилигини ташкил қилдилар ва шаҳарнинг номини Ленинбург деб ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилдилар). 1914 йилнинг сентябрида пйёдалар генерали фон Гинденбургни 9-немис армияси қўмондонига қилиб тайинлашди. Айни вақтнинг ўзида 8-армияни ҳам унга бўйсундирдилар. Уша йилнинг октябрида эса у Германиянинг шарқдаги Бош қўмондонига бўлди. Шарқий фронтнинг бош қўмондонига лавозимидаги генерал-фельдмаршал Гинденбург 1916 йили Нарочь кўли яқинида русларнинг 10-армияси ҳужумини қайтара олганлиги билан машҳур бўлди. 1916 йил августида Берлиндаги маъмурлар Дала Бош Штаби бошлиғи фон Фалькенгайнни бўшатишди ва бу лавозимга генерал-фельдмаршал фон Гинденбург тайинланди. Германиянинг Биринчи жаҳон урушидаги маглубияти унинг ички ҳолатида ҳам ўз аксини топди. 1918 йилнинг ноябрида мамлакатда инқилоб авж олди. Генерал-фельдмаршал фон Гинденбург Бавариядаги Киль, Берлин каби немис шаҳарларида инқилобий чиқишларни қуролли бостиришнинг ташкилотчиларидан бири бўлди. Кўп жиҳатдан Гинденбург туфайли немис армиясининг асосий қисми, энг аввало, унинг офицерлари таркиби маглуб давлатнинг келажакдаги ҳарбий қудратини қайта тиклаш учун сақлаб қолинди.

1919 йилнинг июнида Гинденбург истеъфога чиқди ва Ганновер шаҳрига жойлашди. Германия ташвиқот органлари унинг тимсолида Биринчи жаҳон урушининг энг буюк қўмондонига образини яратди. Мамлакатнинг ҳарбий ва саноат доиралари Германиянинг жаҳондаги буюк мамлакатлардан бири сифатида қайта тикланишини асосли ҳолда Гинденбург номи билан боғлардилар. Истеъфодаги генерал-фельдмаршал 1925—1932 йиллари ўнг партиялар иттифоқи томонидан Веймар Республикасининг президенти қилиб сайланди. Давлат бошлиғи лавозимида Гинденбург Германия ҳарбий-иқтисодий қудратининг қайта тикланишига, унинг қуролли кучлари ўсиб боришига, мамлакат аҳолиси орасида реваншизм руҳининг мустаҳкамланишига ҳар томонлама ёрдамлашди. У имкони борича тезроқ немис миллати учун шармандалик бўлган Версаль шартномасининг «тушовлари»ни Германиядан олиб ташлашга уринди. «Темир дубулға» милитаристик иттифоқининг фахрий раиси бўлди, бошқа ҳарбийлашган ташкилотларни қўллаб-қувватлади. Ўзининг кўпгина тилларга таржима қилинган «Менинг ҳаётимдан» деб номланган эсдаликларида Гинденбург Биринчи жаҳон урушида Шарқий фронтда ҳам, Ғарбий фронтда ҳам бўлиб ўтган йирик жанглардаги ўзининг ролини бўрттириб кўрсатган. Пауль фон

Гинденбург Германия президенти сифатида яна шу билан тарихга кирганки, у 1933 йилнинг январида немис фашизмининг доҳийси Адольф Гитлерга ҳукумат тузишни топширган. Ана шу тарзда нацистлар Германияда ҳукумат тепасига келди ва ҳаммаси бўлиб 6 йилдан сўнг Иккинчи жаҳон урушини бошлади. Унга тайёргарлик ҳали Гинденбургнинг бошқаруви пайтидаёқ бошланган эди.

Қонли «Узун пичоқлар туни» воқеаларидан сўнг Гинденбург, фюрернинг ўзи томонидан тайёрланган, Гитлерга табрик телеграммасига имзо чекди: «Ҳозиргина олинган ҳисоботлар асосида мен шунга амин бўлдимки, Сиз ўзингизнинг қатъийлигингиз ва шахсий жасоратингиз туфайли хоинларнинг қилмишларини бешпикдаёқ бўғиб ташлашга муваффақ бўлдингиз. Бу телеграмма билан Сизга менинг чуқур миннатдорчилигимни ва самимий ташаккуримни изҳор қиламан. Менинг энг яхши туйғуларим ва ишончимни қабул қилинг».

Фон Гинденбург 1934 йили Нойдекдаги (Фарбий Пруссия, ҳозирги Польша) ўзининг мулкида вафот этди. 12 августда, яъни маршалнинг ўлиmidан бир ярим ҳафта ўтганидан сўнг унинг васияти эълон қилинди. Хужжатнинг қалбакилаштирилганлигига ҳеч кимда шубҳа йўқ эди; бир неча жумлалар улар Гитлер айтиб тургандек ёзилганлигини кўрсатиб турарди, чунки улар аниқ фюрернинг дунёқарашига мос келарди. Васият қўидаги сўзлар билан бошланганди: «Менинг канцлерим Адольф Гитлер ва унинг ҳаракати немис халқига барча синфий келишмовчиликлардан ҳамда ижтимоий шароитларнинг фарқларидан юқорироққа кўтарилиб, ички бирдамликка томон ҳал қилувчи тарихий қадам қўйишга имкон берди. Мен ўзимнинг ҳаётимни герман халқининг 1919 йили пайдо бўлган ва 1933 йилнинг 30 январига қадар аста-секин етилган эзгу орзу-умидларим бизнинг халқимизнинг тарихий ваколоти тўлиқ ва узил-кесил амалга оширилганича тараққий этаверади, деган қатъий умид билан тарк этаятман. Мен кўзларимни, бизнинг ватанимизнинг келажагига қатъий ишонган ҳолда, хотиржам юма оламан». Бу аслида миллатчи, халқининг, давлатининг келажагини фашизм ғоялари билан боғлаган сиёсий кўр одамнинг гаплари эди.

Немислар чекинаётганларида Гинденбургнинг қабрини портлатиб юбордилар.

Ҳозирги пайтда Россия билан уруш энг аввало асаблар масаласидир. (Пауль фон Гинденбург)

«УЧИНЧИ РЕЙХ» ДИКТАТОРИ



ГИТЛЕР (HITLER) АДЛЬФ (20.04.1889, Браунау, Австро-Венгрия — 29.04.1945, Берлин)

Германиянинг сиёсий арбоби. Деҳқон оиласидан чиққан, келиб чиқиши австриялик. А.Шикльгрубернинг учинчи ўғли. Нацистлар партиясининг ва Германиянинг раҳбари, 1933—1945 йиллари Учинчи рейхнинг фюрери (доҳийси) ва канцлери. Биринчи жаҳон урушидан кейин Европа фашизми тўлкинида Германияда ҳеч мисли йўқ золимона ҳукмронлик тартибини яратди. Ўзининг касалманд тасаввурини немис халқининг заруратига ўхшатиб, мисли кўрилмаган муваффақиятга өришди, Германияни қайта қуроллантирди, Европа тузилишини сезиларли даражада вайрон қилди,

Иккинчи жаҳон урушини бошлаб, Европа цивилизациясини ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйди.

Адольф Гитлер Инн дарёси бўйидаги кичик бир шаҳарча — Браунауда, Австрия ва Германия чегарасида туғилди. 52 ёшли австриялик божхона хизматчиси Алоис Шикльгрубер ва 20 ёшли деҳқон аёл Клара Пёльцль унинг ота-оналари эди. Адольф Гитлернинг онаси жиддий, оппоқ қиёфали, кўзлари катта-катта, эътибор билан боқувчи, сокин, меҳнаткаш аёл эди. У уй ишларини саранжом-сариншта олиб борар ва ҳар тарафлама эрига ёқишга ҳаракат қиларди. Адольф ўзининг сабр-тоқатли онасини яхши кўрар, у ҳам ўз навбатида, ҳатто унинг сўзларига кўра «ақлдан озган» бўлишига қарамасдан, учинчи ўғлини ўзининг севимли фарзанди деб ҳисобларди. Онаси уни бошқа фарзандларига ўхшамаслигига ишонтирарди, бироқ унинг бутун меҳрига қарамасдан, Адольф домангир ва жиззаки бола бўлиб улғайди. Психологик жиҳатдан онаси уни беихтиёр ўзининг бахтсиз ҳаёти учун аламини олаётгандек шакллантирди. Адольф ўзининг жаҳлдор отасидан, бу золим ва мурасасиз, ўзининг ҳаётдаги қатъий қарашига болаларини бўйсундирган одамдан кўрқарди. Бахтсиз ва ёлғиз, уч марта омадсиз уйланган Алоис ичкиликдан ором изларди. Ёш Адольфга бир неча марта маст отасини уйига олиб келишга тўғри келган. Кейинчалик у отасининг маст бўлганида шифқатсизлик қилувчи, оилавий пулларни совурувчи одам эканлигини эслаб ўтганди. Бу қовоғи солиқ ва баджаҳл золим, болаларига доимо таёқ ёки қайишнинг кучини кўрсатиб турарди. Алоис ўғлига ўдағайлар, уни камситар ва муттасил жазоларди. Мурасага кела олмайдиган икки характер ўртасида улкан зиддият ҳукмрон эди. Эҳтимол, Гитлернинг кейинги бошқаларга бўлган жўшқин нафрати ўз отасига бўлган нафратдан келиб чиққандир. У доимо кучлилар томонда бўлиши кераклигини жуда эрта англади.

1895 йили 6 ёшли Адольф Линц яқинидаги Фишльхам шаҳарчасидаги халқ мактабига ўқишга борди. Ўта диндор бўлган онаси икки йилдан сўнг уни Ламбахга, бенедиктлар монастирига жўнатди, ундан кейин, унинг фикрича, ўгли охир-оқибатда руҳоний бўлиши керак эди. Лекин уни монастир боғида чекаётган пайтида ушлаб олдилар ва мактабдан ҳайдадилар. Кейин оила Линц шаҳрининг ёнидаги Леондингга кўчиб ўтди, бу ерда ёш Адольф дарҳол ўқишда ўзини кўрсатди. У ўртоқлари орасида тиришқоқлиги билан ажралиб турарди, болаларнинг барча ўйинларида у етакчи эди. 1900—1904 йилларда у Линц, 1904—1905 йилларда эса Штейр ўрта мактабларида ўқиди, унинг ютуқлари ўртача эди. 16 ёшида Адольф мактабни ташлади. Икки йил давомида у ҳеч нарса билан шуғуланмади, кўчаларда дайдиб юрди ёки герман тарихи ва афсонашунослигидан китоблар ўқиб, кутубхонада вақт ўтказарди. У қандай қилиб рассом бўлиши ҳақида орзу қиларди, аслида эса санъатда масъулиятдан қочишни яхшилаб ўрганди. Унда бутун умрга билимли одамларни ёқтирмаслик ҳисси пайдо бўлди. «Менинг ўқитувчиларимнинг аксариятида, — дер эди у, — ақли жойида эмасди, фақат камдан-камларигина ўз кунларини Худонинг ҳақиқий бандалари каби тугатди».

Адольф қойил қоладиган ягона ўқитувчи — тарих муаллими, оташин пангерманчи, прусс қироли Фридрих II ва канцлер Бисмаркнинг маддоҳи, болани Габсбурглардан нафратланиш ҳамда герман миллатчилиги ишини ҳимоя қилишга ўргатган Леопольд Петч эди. Адольф унинг дарсларида олган билимлар асосан немис халқининг «буюклиги» ва «тарихий ваколати»дан гувоҳлик берувчи фактлар билан чекланарди. Мактабни битирганлиги ҳақидаги ҳужжатда унинг тарихдан олган билимлари «қониқарли» деб баҳоланган бўлса ҳам, бу кейинчалик Гитлернинг «мен мактабдаёқ тарихни тушунишга ва ҳурмат қилишга ўрганган эдим» дея мақтанишига халақит бермади. Бу пайтлари Адольфнинг ягона дўсти девор безакдорининг ёрдамчиси, унинг доимий мистицизмга берилиб кетишининг миннатдор томошабини Август Кубичек эди.

1907 йилнинг октябрида 18 ёшли Адольф рак билан тузалмас ҳолда касалланган онасини ташлаб кетди ва ҳаётда ўз йўлини топиш учун Венага жўнади. Бироқ уни катта омадсизлик кутиб олди ва Вена Бадиий академиясига кириш имтиҳонларидан ўта олмади. Бу унинг нафсониятига, иззатталаблигига даҳшатли зарба бўлдики, бундан у ҳеч қачон қутила олмади, ҳаммаси учун «бу ақли паст профессорлар»ни айблаб юрди. 1908 йили унинг онаси ўлди, бу унинг ҳаётида яна бир зарба бўлди. Кейинги 5 йилда у тасодифий иш ҳақлари билан, хайр-эҳсон билан кун кўрар ёки ўз чиз-

маларини сотарди. «Венадаги ғариблик ва кулфатдан ғам чекиш ҳеч қачон унутилмайди, — дея эслайди у кейинчалик, — бу 5 йил ичида мен аввалига мардикор бўлиб, кейин эса рассом бўлиб яшаш учун маблаг топдим. Очлик менинг доимий йўлдошим эди. У мени бир нафасга ҳам тарк этмасди». У ҳар куни кафеларни айланар, хомаки чизгилар чизар ва нонга пул топиш учун бу расмларни сотишга уринарди. Соч-соқоли ўсиб кетган, ифлос қора бош кийим ва узун, салкам ерга тегиб юрадиган пальтода у ҳақиқий тубанликка тушган дайдига ўхшарди.

Венада у нафратланишни, ёмон кўришни ўрганди. Ёш Адольф Карл Люгер асарлари таъсири остида «каламўшлар, текинхўрлар ва қон сўрувчилар» сифатида яҳудийларни ёмон кўришни бошлади. Кейин, у руҳий изланиш деб атаган нарса — ҳиссиёт ва онг ўртасида курашни англади. Яҳудийлар, оламни йўқ қилиш учун марксистлар билан бирлашмоқдалар деган қарорга келди у. «Агар яҳудийлар марксчилар ёрдамида дунё устидан ғалаба қозонсалар, унда бу инсониятнинг ҳалокатини англаган бўлади». Бунинг устига у демократиядан нафратлана бошлади ва заиф Габсбурглар ағдариб ташланганидан кейин яратиладиган буюк ва шон-шарафли Германия ҳақидаги орзуларидангина енгил тортарди, холос. Бу пайтга келиб у мистика ва оккультизмга¹ қизиқиб қолди. Кичкинагина кафедра у нафратланадиганларига қарши сиёсий нутқлар билан чиқарди. Одамлар қарашларни сеҳрловчи, оч ва касалманд бу ўсмирга қулоқ сола бошладилар. У 1913 йилнинг май ойида Венани тарк этди ва Германияга, Мюнхенга ўтиб олди. Бироқ бу ерда ҳам, қувноқ ва қайнаб турган пойтахт шаҳарда ҳам тушкун ва жудур, ёлғиз ва бегона бўлиб қолаверди.

1914 йилнинг февралда Адольф Гитлерни Австрияга, ҳарбий хизматни ўташга лойиқлигини аниқлаш учун тиббий кўриқдан ўтишга чақирдилар. Аммо «жуда заифлиги ва ҳарбий хизматга нолойиқлиги» сабабли, уни озод қиладилар. 1914 йилнинг августида уруш бошланганида у Бавария қиролига уни армияга олишларини сўраб мурожаат қилди. Уни, асосан кўнгилли талабалардан ташкил топган 16-Бавария пиеда полкига қабул қилишди. Фақат бир неча ҳафталик машғулотлардан кейин уни фронтга юбордилар. Гитлер уддабурон ва жасур солдат бўлиб чиқди. Аввалига у санитар бўлди, кейин эса бутун уруш давомида алоқачи вазифасини бажарди, у полкнинг штабидан олдинги қаторга хабарлар ва буйруқларни етказарди. Тўрт йиллик уруш давомида у 47 та жангда қатнашди, кўпинча энг қайноқ жойлар-

¹ Оккультизм — дуохонлик, азойимхонлик, иссиқ-совуқ, афсун каби хурофотларга ишонтирувчи таълимотнинг умумий номи.

да бўлди. Икки марта ярадор бўлди. 1916 йил 7 октябрда оёғидан ярадор бўлганидан сўнг Берлин яқинидаги Гермис ҳарбий касалхонасига келиб қолди. Икки йил ўтганидан сўнг урушнинг тугашига тўрт ҳафта қолганида у газдан заҳарланди ва энг оғир уч ойни лазаретда ўтказди. Ўзининг биринчи мукофоти — 2-даражали Темир крест орденини 1914 йилнинг декабрида олди, 1918 йилнинг 4 августида эса 1-даражали Темир крест билан мукофотланди, бу герман императорлик армиясида оддий аскарга камдан-кам бериладиган мукофот эди. Бу сўнгги мукофотига Гитлер душман офицери-ни ва 15 солдатини асирга олганлиги учун эришди. Уруш унинг ҳаётида чуқур из қолдирди. Ниҳоят уруш унга ўзи доимо интилган мақсадни берди: У ёвузликни билди ва уни қўллашни ўрганди.

Германиянинг урушда шармандали мағлубиятидан кейин Гитлер Мюнхенга қайтиб келди. Германиядаги инқилобдан ва Веймар Республикасининг тикланишидан қутуриб кетган Гитлер бир вақтнинг ўзида 1919 йилги Версаль шартномасига ва янги герман демократиясига қарши курашиш учун сиёсий фаолиятга киришди. У ҳали ўзининг аввалги полкида ҳисобда турганлиги сабабли унга сиёсий партиялар ортидан жосуслик қилишни топширдилар. 1919 йилнинг сентябрида унга Немис ишчилар партиясидан миллатчилик руҳидаги кекса ходимларнинг кичик бир гуруҳи ҳақида маълумотлар тўплашни буюрдилар. Бу партиянинг дастури ҳам, ҳаракат режаси ҳам йўқ эди (у фақат ҳукуматга қарши эди), унинг хазинасида бир неча марка бор эди, холос, лекин Гитлерни бу партиянинг баъзи бир унинг ўзиникига мос келадиган ғоялари ҳайратга солди. У бу партияга 55-аъзо бўлиб кирди, кейинроқ эса партия ижроия қўмитасининг 7-рақамли аъзоси бўлди.

Ниҳоят, у ўзининг сиёсий ташвиқотчилик қобилиятини муносиб қўллай оладиган бўлди ва энди у қаерда тўпланишидан қатъи назар, оломон олдига чиқиш имкониятини қўлдан чиқармасди. «Мен гапира олардим! Орадан 30 дақиқа ўтгандан кейин мўъжазгина хонадаги одамлар гўёки электрланиб қолардилар!». Орадан икки йил ҳам ўтмасдан уни бу кичик бир партиянинг раҳбарлигига кўтардилар. Гитлер партияга янги ном ўйлаб топди — Германия национал-социалистик ишчи партияси (НСДАП). Национал-социалистик сўзларидан келиб чиққан «нацизм» термини ҳам ана шу номдан олинган. Гитлер ўзининг бутун вақтини янги партиянинг тикланишига бағишлаш учун армиядан кетди. Бунинг учун ўша пайтда Германиядаги шароитлар энг қулай эди: иқтисодий муҳитдан кучли норозилик ва галаба қилган рақибларга ашаддий нафрат. Гитлер ҳали Венадаёқ ўйлаб юрган ва ўзи жуда катта аҳамият берган 1920 йил 24 февралда

эълон қилинган ўз дастурини 25 моддада ифодалади: антисемитизм, ашаддий миллатчилик, орийлар ирқининг устуворлиги, либерал демократларга нафрат ва фюрерлик тамойили. Дастур шундай тузилган эдики, ҳокимиятдан норози бўлган ҳар бир кишини ўзига жалб қилиши мумкин эди. Гитлер ғояларининг аксарияти янгилиги билан ажралиб турмасди, лекин у уларни ғоятда чиройли ва ишонарли қилиб баён эта оларди. У нацистлар партиясига рамзий белгини — свастикани (учлари қайрилган хоч) ва «Хайль!» саломлашишини берди, унисини ҳам, бунисини ҳам ўзининг қадимги тарихий издошларидан олди. У партиявий дунёқарашларини кенг ташвиқот қилиш учун «Фелькишер беобахтер» газетасини қўлга киритиш йўлларини изларди. Партиявий йиғинларни қўриқлаш учун у ўзининг яқин дўсти капитан Эрнест Рем раҳбарлиги остида хужумкор жигаранг кўйлаклилар отряди — СА (Sturmabteilung) ни ташкил қилди. Бошқа бир ташкилот СС (Schutzstaffel), қора кўйлаклилар Гитлернинг шахсий гвардияси бўлди. Бу гвардия қатъий интизомга асосланган, унинг аъзолари сўнгги томчи қонлари қолгунча ўз фюрерлари учун жанг қилишга қасамёд қилардилар.

1923 йилнинг охирида Гитлер Веймар Республикаси қулаш арафасида турганлигига ва айнан ҳозирги пайтда ўзи ваъда қилган «Берлинга юриш»ни амалга ошириш ва «яхудий-марксист» сотқинларнинг ҳукуматини ағдариб ташлаши мумкинлигига ишонч ҳосил қилди. Армиянинг кўмагида у Германияни нацистлар назоратига олмоқчи эди. Гитлер ўз режаларини халқ орасида ва армияда машҳур бўлган, Биринчи жаҳон урушининг ветерани, ўта жаҳолатпараст ва жангари генерал Людендорфга айтди. Гитлер билан Людендорф сиёсий аҳволнинг ноаниқлигидан фойдаланишга уриниб кўрдилар ва Бавария ҳукуматига таъсир ўтказиш ва рейхсвернинг¹ маҳаллий қисмлари командирини миллий инқилоб эълон қилишга мажбур этиш мақсадида 1923 йил 8 ноябрда давлат тўнтаришига уринишни уюштирдилар. Пиво залидаги одамларни гаровга олган Гитлер ёввойи бир ҳаяжон билан стул устига сакраб чиқди, тўппончадан шифтга ўқ узди ва инқилобни эълон қилди: «Ёки эртага Германия учун миллий ҳукумат тузилади, ёки бизнинг жасадларимизни топадилар!» Эртасига нацистлар ҳарбий министрлик биноси томон Мюнхен кўчаларидан марш билан ўтдилар, аммо уларни полициячилар кутиб олдилар, ўт очиб ҳайдаб юбордилар. Исён бостирилди.

¹ *Рейхсвер* — Версаль шартномаси билан чекланган 1919–1935 йиллардаги Германия қуролли кучлари. 1935 йилда Гитлер бу чекланишларни бир томонлама бекор қилиб, умумий ҳарбий мажбурият асосида вермахтни тузишга киришди.

1924 йил 24 февралда Гитлери давлатга хиёнат қилишда айблаб, суд қилдилар. У берилган имкониятдан фойдаланиб қолди ва суд жараёнини тантанавор ташвиқот минбарига айлантириб юборди. Гитлер ўз бўйнига ҳимоячи ролини олиб, ўзининг ажойиб нотиклик қобилиятини намоиш қилди: «Менинг фикрим шундай: Мен француз қиличидан ўлгандан кўра, большевистик Германияда дорга осилишни маъқул кўраман». Шундай пайтлар келдики, свастикали байроқлар остида кўчаларда тўпланган оломон яқиндагина ўзлари томон ўқ узганлар билан бирлаша бошлади. Роталар батальонларга, батальонлар полкка, полклар дивизияга айланди. «Хатто бизни минг марта айбдор деб тан олсангиз ҳам тарихнинг абадий суди бизни оқлайди ва сизнинг судингизнинг қарорини масҳара қилиб, улоқтириб юборади». Гитлери беш йил қамоққа ҳукм қилдилар. Унинг суд залидаги ўзини тутиши барча немисларда кучли таассурот қолдирди. Улар Гитлери энг буюк миллий қахрамон сифатида ҳурмат қила бошладилар. У амалга ошмаган исёндан муҳим жиҳатларни ўзлаштириб олди: унинг ҳокимиятга ошкора йўллар билан келиши жуда ҳам муҳим. Гитлер Ландсберг қамоқхонасида фақат 9 ой бўлди. Унга ўз хатолари устида фикр юритиши мумкин бўлган қулай хонани ажратдилар. У тўшақда овқатланар, камерадош ўртоқлари олдида нутқ сўзлар ва боғда сайр қиларди — бунинг барчаси қамоқхонадан кўра кўпроқ оромгоҳни эслатарди. Бу ерда у Рудольф Гессга, нацистлар ҳаракатининг сиёсий библиясига айланган «Майн кампф»нинг биринчи қисмини айтиб туриб, ёздирди. Бу бақироқ, баландпарвоз, пала-партиш руҳда ёзилган китобда Гитлер ўз ҳаёти тарихини, ўз фалсафасини ва ўзи Германияда амалга оширмақчи бўлган дастур лойиҳасини баён қилган эди. Китобнинг асосий ғояси — ижтимоий дарвинизм: шахслар ҳам, миллатлар ҳам давом этаётган яшаш учун курашнинг субъектларидир. Ахлоқ — аҳмоқлик, устунлик — кучда. Немисларнинг ирқий устунлигига яҳудийлар — «инсоният тушкунлигининг эпчил ибليسлари», марксистлар, большевиклар ва либераллар, шунингдек, барча хилдаги инсонпарварлар ва саховатпешалар хавф солардилар. Германия фақат агар ички душманларига қарши шафқатсиз кураш олиб борсагина, яна буюк давлат бўла олади. Фақат диктатурани қўллаб-қувватлаган халқнинг ёрдамида ва янгилашни туфайлигина кучли Германия ташқи душмандан тортиб олиб «лебенсраум» — «ҳаётий кенглик»ка эга бўлади. Янги нацизм ҳаракати бўлажак оламшумул давлат учун стратегик асос бўлиши керак. «Майн кампф» зерикарли ва вайсақи асар бўлишига қарамасдан тез орада жуда машҳур бўлиб кетди. 1939 йили бу китоб ўн битта тилга таржима қилинди, унинг умумий тиражи эса 5,2 миллиондан иборат бўлди. Қалам ҳаққи Гитлери бой одамга айлангирди.

1923 йилги исённинг барбод бўлганлиги нацистлар партиясининг вақтинча тушқунлигига сабаб бўлди. Умумий авф бўйича 1924 йил декабрида Ландсберг қamoқхонасидан озод қилинган Гитлер яна ғайрат билан ўз ҳаракатини тиклашга киришди. Энг яқин сафдошлари — маҳоратли ташвиқотчи Пауль Йозеф Геббельс ва Биринчи жаҳон уруши қаҳрамони, маҳоратли учувчи капитан Геринглар ёрдамида Гитлер ўша пайтларда жуда ҳам қадрланмайдиган ишга — омманинг хайрихоҳлигига эришишга киришди. Унинг олдида дарҳол ечимини талаб қиладиган муаммо пайдо бўлди — у ўзининг Берлиндаги тарафдорлари — Грегор Штрассер раҳбарлигидаги сўл социалистлар ва Мюнхендаги ўнг миллатчилардан бирини танлаши керак эди. 1926 йилнинг феввалида бўлган партия конференциясида Гитлер Штрассерга нисбатан айёрлик қилди — уни энг йирик нацистик ҳаракатта (Бамберг партия съезди) бирон-бир таъсир қилиш имкониятидан маҳрум этди. Камдан-кам учрайдиган сиёсий зийракликка эга бўлган ва ўзининг нотиклик санъатидан фойдалана оладиган Гитлер ўз тарафига ўнларни ҳам, сўлларни ҳам ағдара олди. Унинг нутқлари аҳолининг иқтисодий инқироздан энг кўп азоб чеккан, кам таъминланган қатламларига қаратилган эди. У аста-секин «Пиво исёни» барбод бўлгандан кейин йўқотаёзган таянчини яна топа бошлади. 1930 йилга келиб Гитлер миллатчилик ҳаракатининг сўзсиз етакчиси бўлиб қолди. Жонга теккан касабачилар ва коммунистлардан ишончли ҳимояни Гитлердан кутаётган рейнландлик саноатчиларидан партия хазинасига маблағлар оқиб келарди. Янги пайдо бўлган доҳийнинг етакчи буржуазия томонидан ҳам, норози ишчилар томонидан ҳам қўллаб-қувватланиши тобора кучайиб борарди. Гитлер ҳар иккала томонга ҳам уларни яҳудий молия магнатларининг талончиликларидан халос қилишни ва ҳимоялашни қатъий ваъда қилди.

1928 йилги Рейхстагга сайловларда нацистлар фақат ўн икки ўринга эга бўлдилар, айти пайтда коммунистлар 54 ўринни олдилар. 1929 йили иқтисодий инқироз бошланиши билан Гитлер товон талаб қилувчи «Юнг режаси»га қарши туриш учун миллатчилик кайфиятидаги Альфред Хугенберг билан иттифоқ тузди. Хугенберг назорат қиладиган газеталар орқали у аввал бошидан кенг миллий оммага мурожаат қилиш имкониятига эга эди. Бундан ташқари унда партиясини мустаҳкам молиявий негиз билан таъминлаётган кўп сонли саноатчилар ва банкирларга мурожаат қилиш имконияти ҳам пайдо бўлганди. 1930 йилги сайловларда НСДАП 6 миллиондан зиёд овозга ва рейхстагда 107 та депутатлик ўрнига эга бўлди; бу билан мамлакатдаги катталиги жиҳатидан 2-партияга айланди. Коммунист-

лар вакилларининг сони 77 тага кўпайди. Гитлернинг жанжалли сиёсати унга немис сайловчиларининг эътиборини қаратмасдан қолмади. 1932 йилнинг 25 феввалида Брауншвейг Германияга қўшилгандан кейин Гитлер ўз партиясининг кучини президентлик ўрни учун курашда синаб кўришга қарор қилди. Қариб қолган Пауль фон Гинденбург социалистлар, католиклар ва лейбористлар орасида тарафдорларга эга эди. Яна иккита бошқа номзодлар ҳам бор эди: армия офицери Теодор Дуйстерберг ва коммунистларнинг етакчиси Эрнст Тельман. Гитлер улкан сайловолди кампаниясини ўтказиб, овозларнинг 30 фоиздан кўпроғини олди ва бу билан Гинденбургни мутлақ кўпчиликдан маҳрум қилди. 1932 йил 10 апрелда урушнинг машҳур ветерани 53 фоиз овоз билан ғалабани қайтариб олди (Гинденбург — 19359650; Гитлер — 13418011; Тельман — 3706655). 1932 йил июлда рейхстагга сайловларда нацистлар 230 ўринни олдилар ва Германиянинг энг йирик сиёсий партиясига айландилар. Ноябрьда Гитлер қисқа муддатли омадсизликка учради. Унда нацист депутатларининг сони 196 тагача камайди, айна пайтда рейхстагдаги коммунистлар сони 100 тагача кўпайди. Айнан ана шу пайтда жигарранг кўйлақчилар билан Рот Фронтнинг кўчалардаги қонли тўқнашувлари энг чўққига чиққан пайт эди. Бу пайтда мамлакатдаги сиёсий вазият аста-секин ёмонлашиб борарди. Канцлер Генрих Брюнинг ақидаларга ишонмаслиги ва келажакка соғлом назар билан қарашига қарамасдан давлатни қаттиққўллик билан бошқаришга мажбур эди. Бу, хато қарор, кейин маълум бўлганидек, диктатурага йўл очди. 1932 йил 30 майда Гинденбург Брюнингни вазифасидан четлатди. Шарқ юнкерчилиги, ғарбнинг мулкдор саноатчилари ва рейхсвернинг офицерлар корпуси ўртасидаги шиддатли яширин сиёсий кураш бошланди. Бу уч гуруҳнинг вакиллари ҳукуматда асосий мансабларни эгалладилар. Уларни олдин фитначилик санъатининг устаси Франц фон Папен, кейин эса ҳарбий диктатура тарафдори генерал Курт фон Шлейхер бошқарди. Фон Папен Гитлер билан сиёсий иттифоқ тузди. Улар 1933 йил 4 январда махфий учрашдилар ва Гитлер рейхсканцлер лавозимини, фон Папеннинг сафдошлари эса асосий министрлик лавозимларини эгаллайдиган кабинетни тузиш учун биргаликда курашишга келишиб олдилар. Улар, шунингдек, социал-демократлар, коммунистлар ва яҳудийларни сиёсий саҳнадан йўқотишга ҳам келишдилар. Гитлер ўз дастурининг социалистик қисмидан воз кечишга ваъда берди. Фон Папен эса Гитлерни қўллаш учун саноатчилардан йирик сармоя йиға олишига ишонтирди. Энди фақат қариб қолган, Биринчи жаҳон уруши пайтидаги ҳужумга ташланган кўпол капрални тобора кўпроқ эслатаётган президентнинг эътибори-

ни қозонишгина қолганди, холос. Ўзининг Нойдекдаги оилавий мулкнинг тақдиридан хавотир олгани сабабли, президентнинг ўғли Оскар фон Гинденбург ва йирик банкир Курт фон Шредер ҳам президентга фон Папен билан ҳамкорликни давом эттиришни жиддий маслаҳат бердилар. 1933 йилнинг 30 январида ўзи жудаям хоҳламаган ҳолда Гинденбург Гитлерни коалицион ҳукуматда Германиянинг канцлери деб эълон қилди, лекин унга фавқулодда ваколатларни беришдан бош тортди. Бу кичик бир одамнинг, қачонлардир Вена кўчаларида изгитан ифлос дайдининг ҳаётидаги энг улуғ дам эди. У ўз мақсадига исёнлар ва инқилобларсиз, ўзи умид боғлаганидек қонуний йўл билан эришди.

Гитлер 1933 йили бошланган Учинчи рейх минг йил яшайди, деб ишонтирарди. Ҳокимият тепасига чиққандан кейин у жон-жаҳди билан мамлакатда мутлақ диктатура яратиш ва мустаҳкамлашга киришди. Рейхстагда мутлақ кўпчиликка эга бўлмаганлиги сабабли Гитлер янги сайловлар ўтказишга Гинденбургнинг розилигини олди. Ўз ҳолатини коммунистлар ҳисобига мустаҳкамлашни истаган канцлернинг биринчи ташвиши мамлакатни қизил террор хавфидан огоҳлантириш бўлди. 1933 йил 27 февралда рейхстагга ўт қўйилиши сиёсий рақибларини йўқ қилиш учун зарур бўлган, Германияда тоталитар тузумни ўрнатиш учун баҳона бўлди. Ўт қўйиш расмий равишда ақли заиф 24 ёшли голландиялик, бир вақтлар Голландиядаги коммунистик клубнинг аъзоси бўлган Маринус Ван дер Любенинги иши бўлса ҳам, ёнгини нацистларнинг ўзлари уюштирганлиги, айбни эса коммунистларга агарганлиги кўриниб турарди. Аниқланганки, штрумчилар гуруҳи Герингнинг штаб-квартирасидан бошланадиган ер ости йўлидан фойдаланиб, рейхстаг биносига кириб олган, пардалар ва гиламларга қандайдир енгил алангаланадиган суюқлик қуйиб чиққанлар, кейин эса овсарроқ голландиялик собиқ коммунистни олиб келганлар ва у ўт қўйган. Рейхстагга ўт қўйилиши масаласи ҳали-ҳанузгача тарихчиларнинг баҳсларига сабаб бўлмоқда. Рейхстагни нацистлар ёки коммунистлар ёқишидан қатъи назар, бу Гитлернинг фойдасига бўлди, чунки у ўзининг душманларини тор-мор қилишга баҳона топиб олди. 1933 йилнинг 5 мартдаги сайловлар нацистларга рейхстагдаги ўз вакилларини 196 тадан 288 депутатгача, олинган овозларнинг умумий сонини эса — 1173000 тадан 17277200 тагача ёки сайловчилар умумий сонининг 44 фоизигача ошириш имконини берди. Гитлер ўз ҳокимиятини пухта ўйланган шафқатсизлик ва террор тизими билан мустаҳкамларди. Ким бундай бошқарув шаклига қарши чиқишга уринса, улар калтакланар ёки ўлдириллар, ҳибсга олинар ва қамоқхонага ташланар эди. Обрули одамларга тегинмасликка уриниб,

Гитлер айёрлик билан консерваторларни чеккага сиқиб чиқарар, айна пайтда ўз одамларини қўполлик билан ҳукуматга жойлаштирарди. Ўзининг рақибларини хонавайрон қилиб, қамоққа олиб, ҳуқуқларидан ва ҳаётининг ўзидан ҳам маҳрум этиб, ажойиб устакорлик билан макиавеллик¹ сиёсатини юритарди. У ўзига итоаткор ҳукуматни яратди, қонунчилик, таълим ва динни национал-социализмга бўйсундирди. Муссолини каби у ҳам ватандошлари устидан бешиқдан қабргача назорат ўрнатишга уринарди. «Хайль Гитлер!» — саломлаштиришнинг мажбурий шаклига айланди, свастика нацистик давлатнинг рамзи бўлиб қолди, «Хорст Вессель» расмий мадҳия ҳуқуқини олди, «нон ва томоша»лар эса немис миллатининг биринчи даражали эҳтиёжлари деб эълон қилинди. Геббельс-нинг раҳбарлиги остида фюрерга сажда қилиш урфи ўрнатиладди. 1934 йили канцлер ва президент лавозимларини бирлаштирган Гитлер Германиянинг мутлақ ҳокими бўлиб қолди.

Мутлақ диктатурага эришиш йўлида ягона тўсиқ партиянинг ўз ичидаги, СА ва унинг етакчиси капитан Эрнст Рем атрофида гуруҳланаётган радикал кайфиятдаги элементларгина қоланди. Гитлер унга сиёсий ҳокимият йўлини очиб берган ва маблағ билан таъминлаган саноат магнатлари ҳамда рейхсвер генералитети билан ҳамкорлик қилиб туришга ва Германиянинг ички муаммоларини ҳал қилишда қатъий ҳаракатлардан тийилишга мажбур эди. Бироқ Рем ва унинг тарафдорлари сабрсизлик билан инқилобни давом эттиришга чақирардилар. «Альте кампфер»даги аввалги сафдошлари Гитлердан армияда ўзи учун муҳимроқ ролни талаб қилардилар. Германия генераллари Гитлерга, у штурмчиларни жиловлаб қўймаса, уларнинг қўллаб-қувватлашларидан маҳрум бўлишини очиқ тушунтирдилар. Гитлер ўз ҳаракати учун националистик ва социалистик йўналишларидан бирини танлаши лозим эди. У қаттиқ ва қатъий қарор қабул қилгани учунгина ўз мавқеини сақлаб қолди. Партия ва ҳарбий етакчиларнинг, энг аввало Генрих Гиммлер раҳбарлигидаги ССнинг қўллаб-қувватлашлари ҳақида ваъдаларини олган Гитлер 1934 йили 30 июнда («Узун пичоқлар кечаси») СА раҳбариятига тор-мор қилувчи зарба берди. Рем ҳибсга олинди. Икки кундан кейин Гитлер унга ўзини ўзи ўлдиришни таклиф қилди. Бундай таклифни Рем рад этди. Шундан сўнг у ўз камерасида отиб ташланди. Бу орада Берлинда САнинг олий раҳбариятидан 150 га яқин киши ҳибсга олинди. Уларнинг аксарияти шу заҳотиёқ ўлдирилди. Бу кеча ўлдирилганларнинг аниқ сони номаълум. Олти киши собиқ канцлер Курт фон Шлей-

¹ *Макиавеллик* — қўпол кучга, ахлоқ нормаларини писанд қилмасликка асосланган сиёсат; италиялик сиёсий арбоб Никколо Макиавелли (1469—1527) номи билан аталган.

хернинг вилласига бостириб кирди ва уни отиб ташлади. Мюнхенда бундан 10 йил олдин гитлерчилар исёнини бостиришни буюрган 72 яшар Густав фон Карни уйидан судраб чиқиб, отиб ташладилар, мурдасини эса ботқоқликка улоқтирдилар. «Ўша соатларда, — эслайди Гитлер, — мен ўзимни герман миллатининг энг олий ҳакамидек ҳис қилдим». Бу ғайриқонуний қирғиндан Гитлер Учинчи рейхнинг сўзсиз диктатори бўлиб чиқди.

Бундан буён қонуннинг устуворлиги тугади. 1934 йилнинг августида Гинденбургнинг ўлиmidан сўнг Гитлер рейхспрезидент лавозимини бекор қилиб, ўзига фюрер ва канцлер унвонларини олди. Барча армия офицерлари истисносиз содиқликка қасам ичишлари керак эди, фақат конституцияга эмас, шахсан Адольф Гитлерга. Ўша дамлардан бошлаб Гитлерни ички ишлар кам қизиқтирарди; унинг асосий ташвиши ўз режимини сақлаб қолиш учун зарур деб ҳисобланган террор тизимини амалга оширувчи олий лавозимли шахсларни тўлиқ бўйсундириш сиёсатини амалга ошириш эди. Олий раҳбарларнинг ҳар қайсиси — Геринг, Геббельс, Гиммлер ўзи учун алоҳида лавозим ташкил қилиб, ўз соҳасининг ичида золимона ҳукмронлик қиларди. Фюрер уларни диққат билан кузатар, уларга тегишли бўлган ташкилотларнинг бирортаси ҳам ортиқча кучга эга бўлиб кетмаслиги ва унинг ўз ҳокимиятига хавф туғдирмаслигига эътибор бериб турарди. У Гиммлерга ички душманлар билан курашиш учун концентрацион лагерлар тизимини яратишни буюрди. 1935 йили фуқаролик ва ирқ ҳақида Нюрнберг қонунлари қабул қилинди. Бу қонунлар яҳудийларни фуқароликдан маҳрум қиларди ва орийлар (немислар) билан ноорийлар (яҳудийлар) ўртасида никоҳларни тақиқлардилар. Гитлер, гўёки Учинчи рейхнинг чекланган ҳудудида яшаш учун қийинчиликлар туғдираётган яҳудий, социалист ва зиёлиларни мамлакатдан кетишга мажбурловчи қарорларни олға сурди.

Германия битта яхлит қамоқхонага айланди. Учинчи рейхнинг бош ташвиқотчиси Геббельс фюрерни осмонга кўтариб мақтарди: «Биз тарихдаги энг буюк воқеаларнинг гувоҳи бўлаяпмиз. Даҳо оламини яратаяпти! Ҳали Германия ухлаб ётганида биз унинг овозини эшитгандик. У биздан миллатни яратди. Фақат угина ҳеч қачон хато қилмайди! У доимо бизнинг осмонимиздаги юлдуз каби порлайди!» ва шунга ўхшашлар. Аслида, қайси мамлакатда бўлишидан қатъи назар, ҳамма диктаторларга ҳам тахминан шундай таъриф берилади. Канцлер бўлганидан сўнг Гитлер агрессив ташқи сиёсат олиб бора бошлади. Ватикан ва Польша билан тузилган шартномалар (1934) унинг ҳақиқий фикрларини ниқоблаш учун керак эди. 1933 йилнинг ёзида Гитлер Австрияга бостириб киришга уриниб кўрди, лекин Муссолини ўз қўшинларини Австрия чегараларини кўриқлаш учун юборганидан сўнг, ўз фикридан

воз кечишга мажбур бўлди. 1935 йилнинг мартида Гитлер 550000 аскардан иборат 36 дивизиялик қуроли кучлар тузилишини эълон қилди, бу эса Версаль шартномаси шартларининг тўғридан-тўғри бузилиши эди. Буюк мамлакатлар журъатсизгина норозилик билдирдилар. Бир йил ўтанидан сўнг, 1936 йилнинг март ойида у 1925 йилдаги Локарно шартномасини бекор қилиб, қуролсизлантирилган Рейн зонасига қўшин юборди ва яна ГАРБ давлатлари томонидан ҳеч қанақа эътироз бўлмади. 1936 йилнинг июлида Испанияда фуқаролар уруши бошланиб кетганида Гитлер генерал Франсиско Франкога ва испан фалангистларига ёрдам берди. Испанияга «Кондор» легиони жўнатилди ва немис учувчилари, кейинчалик Иккинчи жаҳон урушида қўл келган биринчи жанговар тажрибани шу ерда олдилар. 1936 йилнинг 25 октябрида Италия билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ («Пўлат пакт») тузилди, унга Гитлер «жойи йўқ» миллатлар учун «ҳаётий ҳудуд» ни эгаллаб олиш имконияти сифатида қаради. Ҳарбий тайёргарлик ва у билан боғлиқ бўлган ўзини-ўзи таъминлашга (автаркия) мўлжалланган иқтисодий қайта йўналтирилиш даврида Гитлер, ўзининг бўлажак қурбонларини ёлғондакам хавфсизлик туйғуси билан гафлатда қолдирмоқ учун, эҳтиёткорона алдов йўлини танлади. Аслида эса, у урушга жиддий тайёргарик кўраётганида ҳам тинчликка интилиш ҳақида баёнотлар берарди ва ёлғон қанчалар муҳим ва ошкора бўлса, унга шунча кўп одам ишонишни маъқул кўради ва асос ҳам излаб топади.

1937 йилнинг охирига бориб Гитлер ўзининг босқинчилик сиёсати учун тўлиқ куч йиғиб бўлди. 1937 йилнинг 5 ноябрида, яъни Польшага ҳужум қилишдан ва Иккинчи жаҳон урушининг бошланишидан қарийб икки йил олдин у, ўшандан буён Хоссбах кенгаши сифатида маълум бўлган, ҳарбий раҳбарлар кенгашини чақирди ва ўша ерда Германия учун «ҳаётий кенглик» муаммосини 1943 — 1945 йиллардан кечга қолдирмасдан ҳал қилмоқчи эканлигини аниқ тушунтирди. У, бу кенгашда қатнашган ва унинг тажовузкорона фикрларига қарши чиққан иккита Олий қўмондонлик аъзоларидан — фельдмаршал Вернер фон Бломберг ва генерал-полковник Вернер фон Фричлардан айёрона йўл билан қутулди. 1938 йилнинг март ойида Гитлер австро-герман муносабатларидаги мураккабликларни баҳона қилиб аншлюсни¹ амалга оширди, у ерга қўшинлар киритди ва Австрияни зўрлаб Учинчи рейхга қўшиб олди. Нацистларнинг хоҳиши остида ўтказилган плебисцитда² аншлюсни маъқуллаган 99,59 фоиз австрияликларнинг овозлари олинган. «Бу менинг ҳаётимдаги энг улуғ дамлар», — деди Гитлер.

¹ Аншлюс — қўшиб олиш, бирлаштириш, зўрлик билан истило қилиш.

² Плебисцит — жуда муҳим масалани умумхалқ овозига қўшиш.

Суверен давлат бўлган, мустақиллиги Фарб мамлакатлари ва Совет Иттифоқи томонидан кафолатланган Чехословакиядаги судетлик немисларни «озод қилиш» бўйича кампанияни 1938 йилнинг охирида бошлаган Гитлер бу билан ўз сиёсатини аввалгисидан кўра жиддийроқ синовдан ўтказди. Нацистлар томонидан Чехословакиянинг ичкарасида «саҳналаштирилган» тартибсизликлардан кейин, Гитлер Судет немисларига уларни ташлаб қўймасликни ваъда қилди. Ҳарбий пўписадан хавотирга тушган Британия премьер-министри Невилл Чемберлен ва Франция премьер-министри Эдуард Даладъелар Германияга келдилар ҳамда 1938 йилги шармандали Мюнхен битимини имзолалдилар. Бу қонсиз ғалаба Гитлернинг немислар назаридаги обрўсини янада оширди. Бир йилдан камроқ вақт ичида рейхга 10 миллион аҳолиси бўлган ҳудуд қўшиб олинди. Эришилган ҳар бир ғалабадан кейин Гитлер бундан кейин ҳеч қандай ҳудудий даъволар қилмоқчи эмаслигини айтарди. Веналик собиқ тиланчи-фитначи энди Европада Наполеон замонидан буёнги энг қудратли диктатор бўлиб қолди. Немислар уни бекиёс, ҳатто, Бисмаркдан ҳам буюкроқ давлат арбоби деб ҳисоблардилар, Фарб давлатларининг дипломатлари эса ундан тажовузкор сифатида хавотирланардилар.

Гитлер навбатдаги қурбон қилиб Польшани танлади. Энди у бой берилишини Версаль шартномаси билан боғлаётган Данцигга ва Польша коридорига даъво қиларди. Польшанинг мурожаатига жавобан Фарб давлатлари унинг мустақиллиги сақлаб қолинишини кафолатладилар. Икки фронтда жанг қилишдан тийилиш ҳаётий муҳим эканлигини тушунган, бу ҳақда ҳали «Майн кампф»да ёзган Гитлер Москва билан музокаралар бошлади. 1939 йил 23 августда икки ашаддий душман — Германия ва Совет Иттифоқи дўстлик ва ҳужум қилмаслик ҳақидаги шартномани имзолаб, Польшани ўзаро бўлиб олиш ҳақида келишиб ҳам олдилар. Гитлери Сталинга қарши тезлашга уринишларда шубҳа қилиб юрган Фарб дипломатларига унинг жавоби ана шундай бўлди. Бундай дипломатик бомбадан ҳайратга тушган Чемберлен Буюк Британия Польша олдидаги ўз мажбуриятларини ҳеч иккиланмасдан бажаришини Гитлерга хабар қилди. Фазабланган Гитлер бу хабарни жавобсиз қолдирди, бироқ алоҳида суҳбатда: «Ҳозир 50 ёшдаман ва мен 53 ёки 60 ёшга кирганимда эмас, ҳозир уруш олиб боришни маъқул кўраман», — деган.

Ана шу пайтдан бошлаб Гитлернинг ҳаёти ва фаолияти Иккинчи жаҳон уруши воқеаларининг шовқинлари билан қамраб олинди. У ҳарбий китель кийди ва Германиянинг тўлиқ ғалабасигача уни ечмаслигини эълон қилди. 1939 йилнинг 1 сентябрида бошланган урушнинг дастлабки ҳафталаридаёқ Польша немис ва совет қўшинлари томонидан бўлиб олинди.

Гитлернинг 1939 йил 1 сентябрдаги рейхстагга фавкулудда мурожаатида Буюк Британия ва Францияга тинчлик ҳақида шартнома тузиш таклиф қилинди — бу «охирги таклиф» эди. Бир ой ўтганидан сўнг, «Пиво исёни»нинг беш йиллигини нишонлаш тантаналарида Гитлер Учинчи рейхнинг тўлиқ ғалабаси билан тугайдиган 5 йиллик урушга буйруқ беришини эълон қилди.

Кейин 1939 — 1940 йилларнинг бутун қиши давом этган, Гитлер ҳам, унинг Фарбдаги душманлари ҳам ҳеч қанақа ҳаракат қилмаган «ғалати уруш» даври келди. Франция «Мажино чизиги» ортида тинчгина ўтиришга умид қиларди, британиялик учувчилар эса Германияни варақалар билан «бомбардимон» қиларди. 1940 йили миллатга қилган Янги йил мурожаатида Гитлер Европадаги «Янги тартиб» учун курашмоқчи эмаслигини айтди. 1940 йилнинг март ойида у иттифоқдоши Муссолини билан Бреннер довоида, унга ўз фикрларини очиқ айтиш учун учрашди. 1940 йилнинг 9 апрелида герман қўшинлари Дания ва Норвегияга бостириб кирди. Гитлер, бу гўёки Буюк Британия Норвегиянинг ҳудудий сувларида минали майдонлар ўрнатаётганлиги билан боғлиқлигини айтди. Бир ой ўтганидан кейин Бельгия, Нидерландия, Люксембург ва Францияга «блицкриг» («яшин тезлигидаги уруш») амалга оширилди. «Бу жанг Германиянинг минг йиллик тарихини ҳал қилади», — деди Гитлер. 1940 йил 22 июнда тантана қилаётган Гитлер французлардан жанговар ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилди, бу талаб айнан 1918 йили немислар сулҳ имзолашга мажбур бўлган Компьендаги йўловчи вағонида қўйилди. Фюрер Берлинга голиб қаҳрамон сифатида кириб келди. Шу воқеалар немисларнинг Гитлер даҳо эканлигига ишончларини янада мустаҳкамлади. У айниқса, ажойиб ҳарбий операцияларни стратегик режалаштирганлиги учун алоҳида ишонч қозонди. Гитлернинг навбатдаги қадами Буюк Британияга ҳаводан ёпирилиш ҳужуми ва бундан кейин «Денгиз арслони» операциясининг — Британия оролларида қуруқлик кучлари туширилишининг амалга оширилиши бўлди. Бироқ Қироллик ҳарбий-ҳаво кучларининг учувчилари, таслим бўлиш ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмасдан Гитлернинг ҳарбий армодасига¹ жуда ҳам қудратли жавоб зарбаси бердилар. Фақат 1940 йилнинг 15 августидан инглизлар 180 немис самолётини уриб туширдилар. Ҳавода устунликка эриша олмасдан туриб, оролларга бостириб кириш ҳақида ўйлаб ўтирмаса ҳам бўларди. Ана шу пайтдан бошлаб Гитлер ўз зарбаларини Шарққа томон бурди. Гитлернинг яқин вақтга мўлжалланган режа-

¹ Армада — танк, кема ёки самолётларнинг жуда катта қўшилмаси.

ларидан беҳабарлиги туфайли жаҳли чиққан Муссолини Грецияга ҳужум қилди, бироқ у ерда ҳам мағлубиятга дуч келганлиги Гитlernи ўз эътиборини Болқон ва Шимолий Африкага қаратишга мажбур қилди. 6 апрелда Гитлер Греция ва Югославияга қўшин киритди, кейинроқ эса Африка корпусини Ливия ва Мисрга жўнатди. Бу тадбирнинг дастлабки даврдаги муваффақиятига Совет Иттифоқининг бетарафлиги қўл келди. Ана шу вақтда Гитлер ўз ҳаётидаги ҳал қилувчи қарорни қабул қилди. Ихтиёрида 25 немис дивизияси ва ҳамкор давлатларнинг юзга яқин дивизиялари бўлган Гитлер Совет Иттифоқига ҳужум қилишга қарор қилди, чунки уни олти ҳафта ичида эгаллаб олишига ишончи комил эди. У шунингдек, «большевизмга қарши салиб юриши»ни амалга ошириб, СССР билан унинг ғарбдаги иттифоқчилари ўртасига нифоқ солишдан ҳам умидвор эди.

1941 йилнинг 22 июнь куни немис қўшинлари Совет Иттифоқининг чегараларини бузиб ўтдилар ва Болтиқ денгизидан Қора денгизгача бўлган ҳудудга бостириб кирдилар. Дастлаб муваффақият Гитлер томонида бўлди, унинг қўшинлари Москвагача бўлган масофанинг учдан икки қисмини 26 кунда босиб ўтдилар. Совет қўшинлари чуқур эшелонлаштирилган мудофаани қўллаб, чекинардилар. «Бутун, — деган эди Гитлер 1941 йилнинг 2 октябрида, — урушнинг сўнги, ҳал қилувчи жанги бошланади». У қисман ҳақ бўлиб чиқди — СССР учун ҳал қилувчи бўлди. Гитлернинг гўёки Россия тор-мор қилинганлиги ҳақидаги мақтанишларига қарамасдан, Кавказдаги сўнги шиддатли ҳужум барбод бўлди. 1941 йил 9 декабрда Москва остоналаридаги тор-мор этилишдан кейин Гитлер ўзининг Бош қўмондонни фельдмаршал Вальтер фон Браухични лавозимидан олиб ташлади ва бутун ҳарбий ҳаракатларни бошқаришни ўз зиммасига олди. Бу пайтга келиб Америка Қўшма Штатлари ҳам урушга кирди ва дунёнинг бешдан тўрт қисми нацистлар Германиясига қарши бирлашди. 1942 йилги янги йил мурожаати Гитлернинг хушчақчақ ва ўзига бино қўйган кайфияти сезиларли даражада пасайганлигини кўрсатади. Унинг қўшинлари ҳали ҳам Украина ва Шимолий Африкада ғалаба қозонаётган бўлсалар ҳам, лекин энди «блицкриг» фойда бермаётганди. Гитлер ўзининг дала қароргоҳида яккаланиб олди, тактика ва стратегия бобида ҳарбий маслаҳатчиларига жиззакилик қилар ва, хато қарорлар қабул қилишда давом этарди. Шарқий фронтда у бир мақсаддан иккинчисига ташланар, ўзининг қўшинларига, уларнинг аҳволлари умидсиз бўлиб қолганида ҳам, чекинишни тўхтатиш ва жанг қилиш буйруқларини бераверарди.

У Ўрта Ер денгизини писанд қилмади, лекин нисбатан унча катта бўлмаган қўшимча ҳаракат ижобий натижаларга олиб келиши мумкин

эди. Айна пайтда Гитлер сиёсий ва дипломатик фаолиятга тобора камроқ эътибор қарата бошлади. У Гиммлерга Европада «Янги тартиб» тизимини ишлаб чиқишни буюрди: забт этилган худудлар — Чехословакия, Польша, Франция ва Бельгияни бошқаришни нацист губернаторларга бериш, Норвегия ва Голландияни эса эркин иттифоққа киритиш топширилди. Барча босиб олинган мамлакатларда қаршилик кўрсатишнинг қудратли ўчоқлари пайдо бўлди, уларни Гитлер ўзи Германияда муваффақият билан қўллаган террорнинг таниш услублари билан бостиришга уринади. Армияни таъминлаш учун Германияга жуда кўп сонли чет эл ишчилари олиб келинди. Бошқача фикрда бўлганларга қарши курашиш учун, орийлар ирқини «ифлослантириб турган» яхудийлар ва бошқа «паст» унсурларни йўқ қилиш учун Гитлернинг буйруғи билан концентрацион лагерлар тармоғи анча кенгайтирилади.

Бурилиш даврлари 1942 йилнинг кузи бўлди. Бу пайтга келиб Ал-Аламайн (Миср) остоналарида генерал Роммель кўшинлари тор-мор қилинганди. Ноябрьда генерал Фридрих фон Паулюснинг 6-армияси Сталинград остоналарида тўхтаб қолди ва муваффақиятсизликларга учрай бошлади. «Мен Волгадан кетмоқчи эмасман!» — дея қичқирарди Гитлер ва қамалда қолган 6-армияга сўнгги солдатгача жанг қилиш буйруғини берди. 1943 йилнинг февралда фон Паулюс таслим бўлди. Бу фожиа урушнинг бой берилишини англатарди. Бугун дунёга Сталинградни эгаллаб олишга ваъда берган Гитлер қонга беланиб қолган ва унга берган қасамини бажаришга уринаётган улкан армиянинг ҳалокатига кўникишга мажбур бўлди.

Ўз мағлубиятини тан олишни истамаган Гитлер охириги ҳаракатга умид қилиб, Германия иқтисодиётининг умумий сафарбарлигини эълон қилди. Бироқ бир омадсизлик ортидан бошқаси келаверди. 1943 йилнинг июлида Италияда Муссолини режими кулади ва Гитлер уни тиклаш масъулиятини ҳам ўзига олди. У иттифоқчилар авиацияси томонидан немис шаҳарларининг бомбардимон қилиниш хавфи миллатнинг жанговар руҳини яна аланга олдиради, деб ҳисобларди. «Германия ҳеч қачон таслим бўлмайди. Биз сўнгги кишигача жанг қиламиз». Гитлерга зарбалар ҳамма тарафдан ёғиларди. Иттифоқчилар унинг Шимолий Африкадаги кўшинларини тор-мор қилдилар. Шарқий фронтда унинг кўшинлари бир аҳоли пункти орқасидан бошқасини ташлаб чиқар эканлар, тобора рейхнинг чегараларига яқинлашардилар. Инглиз-америка кўшинлари Сицилияга келиб тушдилар, тезда Италиянинг қолган худудларини ҳам эгалладилар, 1943 йилнинг 1 октябрида Неаполга етиб келдилар, 1944 йилнинг 4 июнида эса Римга кирдилар. 6 июнда 1944 йилнинг энг муҳим воқеаси — иттифоқчи-

ларнинг Францияга кириши, «Сюзерен» («Оверлок») операцияси рўй берди. Ҳарбий тарихда энг буюк операциялардан бири бўлган бу операция мутлақо қутилмаганда тайёрланган ва амалга оширилганди. Тез орада иттифоқчиларнинг миллионлик армияси немисларни шарққа қувиб, уларга ўзларининг «блицкриг»ларини кўрсатиб қўйди. Иттифоқчиларнинг қўшинлари Рейндан ўтганларида, Шарқда эса совет қўшинлари тинимсиз яқинлашаётганларида Гитлер улкан бир қопқонга тушиб қолди. Герингнинг люфтваффеси герман шаҳарлари ва саноат марказларини иттифоқчиларнинг вайрон қилувчи бомбардимонларидан ҳимоя қилишга қодир эмаслиги маълум бўлиб қолди. Сув ости флотининг уринишлари ҳам исталган натижаларни бермади.

Аянчли ҳарбий аҳвол Германиянинг ичкарасида Гитлерга қарши унча катта бўлмаган ҳаракатни илҳомлантирди ва уни фаол ҳаракатлар қилишга ундади. Фюрерга қаршилик қилиш ҳаракатининг хилма-хиллиги фавқуллодда кенг эди: ишлашдан бўйин товлашдан тортиб то махфий фитнагача. Бир неча кичик ва тарқоқ муҳолифатчи гуруҳлар ҳеч қачон йирик оммавий ҳаракатга уюштирилган эмасди. Кўринишдан улар, нацистларга қарши ҳақиқий уруш олиб бораётган, забт этилган мамлакатлардаги махфий ҳаракатларнинг аъзоларида мавжуд бўлган ўша муҳим кучга эга бўлмаганлар. Бироқ герман қаршилик ҳаракати барибир ҳам Гитлерни йўқ қилишга бир неча бор уриниб кўрди. 1944 йил 20 июлда бир нечта ҳарбий ва фуқаролик лавозимларидаги кишилар, шу жумладан фельдмаршал Эрвин фон Вишлебен, Лейпциг бургомистри Карл Фридрих Герделер ва 37 ёшли полковник Клаус Шенк граф фон Штауффенберг Гитлерга унинг Растенбургдаги қароргоҳидаги кенгаш пайтида анчадан буён ўйлаб юришган суиқасдни амалга оширишга уриниб кўрдилар. Портлаш вақтида енгил яраланишлар билан қутулиб қолган Гитлер суиқасдчиларга нисбатан даҳшатли қасос уюштирди.

1945 йил 16 январдан Гитлер ўз қароргоҳини узил-кесил Берлинга, Империя девонининг ер ости бункерига кўчирди. 1945 йилнинг 3 январь куни Гитлер радио орқали чиқиш қилди ва ўз сўзида «охир-оқибатда ғалаба биз тарафда бўлади» деди. Мартнинг ўрталарида Гитлер фронтга, Кюстрин районига ўзининг сўнгги назорат чиқишини амалга оширди. Апрельнинг ўрталарида Германия урушни бой берганлиги аниқ бўлиб қолди, лекин реаллик туйғусини йўқотган Гитлер ҳали Учинчи рейхнинг тақдирини ҳал қилинмаганлигини, Берлинга ёрдам беришга янги армиялар келаятганлигини (аслида В. Венк, Т. Бусс ва Ф. Штейнерлар қўмондонлигидаги бу қўшинлар бирлашмаси заифлиги туфайли бирон-бир жиддий қар-

шилиқ кўрсата олмадилар), урушнинг боришини ўзгартириб юборадиган «махфий қуроли» борлигини таъкидлашда давом этарди. Ниҳоят 22 апрелда Гитлер ўз яқинларига «Уруш бой берилади» деб айтди.

1945 йил 29 апрель кечаси Империя девонининг биносида Гитлер билан Ева Брауннинг никоҳ маросими бўлиб ўтди, М.Борман ва И.Геббельслар гувоҳлик қилдилар. Бу пайтда Гитлер иккита сиёсий васият тузди: биринчиси 1945 йилнинг февраль-апрель ойларида Борманга айтиб туриб ёздирилганларга асосланганди; иккинчисини у ўлими олдидан тузди. Унда Гитлер урушни ёки ўзлари яҳудий бўлган, ёки яҳудийларнинг манфаатлари учун хизмат қилган бошқа мамлакатларнинг давлат арбоблари жуда хоҳлаган ва келтириб чиқарганлигини таъкидлаган. Гитлер васиятида Геринг ва Гиммлерни давлатга хиёнат қилишда айблаб, НСДАП сафидан чиқарди ва барча лавозимларидан озод қилди, президент ва канцлер лавозимларига ворис қилиб К.Дёниц ва Геббельсларни тайинлади. 1945 йил 29 апрелда соат 15 дан 30 дақиқа ўтганда Гитлер ва Ева Браун ўз жонларига қасд қилиб, ҳаётларини яқунладилар. Уларнинг таналарига бензин қуйилди ва Империя девони ҳовлисида ёқиб юборилди. Келгуси куни — 30 апрелда соат 21 да радио Гитлернинг ўлими ҳақида хабар берди. Бутун тунлар давомида ҳаммани зериктирувчи вайсаллар, зиёфатлардаги суҳбатлар Гитлернинг шахсияти ва характерини очиш имконини беради. Ирқ ҳақида: «Бизнинг бурчимиз — бизнинг халқимизнинг қонида мудраётган кучларни доимо уйғотиб туриш». Ўзини мақташ: «Қачонлардир Европада фақат биттагина пруссак бўлган, у Римда яшаган. Кейин Мюнхенда иккинчиси пайдо бўлган. Бу мен эдим». Улуғлик васвасаси: «Рейхсканцеларияга кириб келаётган ҳар бир киши дунё хоқони олдига келганлигини ҳис қилмоғи керак». Ғаламислик: «Мен ҳали Черчилль ақлдан озган деб айтмаган инглизни учратмадим». «Рузвельт — ақли заиф одам эканлигига шубҳа йўқ». Душманлик: «Америкаликлардан ҳам кўра овсарроқ одам йўқ. Улар ҳеч қачон қаҳрамонларча жанг қила олмайдилар».

Ҳокимиятга чиқиш йўлида ҳам, ўзи ҳукмронлик қилган вақтларда ҳам у ёлғондан, террордан ва ўта шафқатсизликдан фойдаланди, аммо бунинг барчаси уни ҳалокатдан сақлаб қола олмади. Бутун дунёнинг назарида Гитлер иблиснинг тимсоли бўлиб қолди. Ундан қолган мерос — бу бутун цивилизация тарихидаги энг даҳшатли, золимона ҳукмронликдан қолган хотира. Бу хотира дунёдаги барча халқларга диктаторлик ва золимона бошқаришнинг мудҳиш оқибатларини ҳар доим эслатиб турмоғи лозим.

Кенг оммани алдаш учун кичик эмас, катта ёлғон керак... Мен шундай ёшларни ўстираманки, бутун дунё даҳшатга тушади. (Адольф Гитлер)

ПРЕЗИДЕНТ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ



ГОЛЛЬ, ШАРЛЬ ДЕ, АНДРЕ ЖОЗЕФ МАРИ (DE GAULLE, CHARLES ANDRE MARIE), (22.11.1890, Лилль — 9.11.1970, Коломбе-ле-Дез-Эглиз)

1959–1969 йилларда Франция президенти, давлат, ҳарбий ва сиёсий арбоби, бригада генерали (1940). Дворянлар оиласида туғилган. Сен-Сир ҳарбий билим юрти (1912) ва Париждаги ҳарбий мактабни (1924) битирган. 1940 йил Лондонда «Озод Франция» (1942 йилдан «Курашаётган Франция») ватанпарварлик ҳаракатига асос солган; 1941 йили француз миллий комитети, 1943 йили Жазоирда тузилган миллий озодлик комитетининг раҳбари бўлди. 1944 йилдан 1946 йилнинг 1 январигача — Франция вақтли ҳукуматининг бошлиғи. Урушдан кейин «Француз халқининг

бирлашмаси» партиясининг асосчиси ва раҳбари. 1956 йили Франциянинг премьер-министри. Де Голлнинг ташаббуси билан президентнинг ҳуқуқлари кенгайтирилган янги конституция тайёрланди (1958). У президент бўлган йилларда Франциянинг ўз ядро қучларига эга бўлиши бўйича режалар амалга оширилди.

Унинг отаси, Анри де Голль, иезутиларнинг Ифпатли ҳомила коллежида ўқувчиларга адабиёт, фалсафа, математикадан дарс берарди. 1886 йили Анри ўзининг холаваччаси Канна Мэйога уйланди. Шарль уларнинг иккинчи ўғиллари эди. Оиласи Парижда яшаса ҳам, у Лиллда дунёга келди. Де Голль хоним ўз онасининг уида туғмоқчи бўлди. Шарль Сен-Сир ҳарбий билим юртида ўқиди, кейин Париждаги олий ҳарбий мактабда таълим олди. У Биринчи жаҳон урушида иштирок этди ва қарийб уч йилни немислар қўлида асирликда ўтказди. 1920 йили Шарль кондитер фабрикаси эгасининг қизи, 20 ёшли Ивонна Вандруга уйланди. Қиз хушқома, камтар ва ажойиб тарбия кўрган эди. Тўғри, у бир сафар ҳеч қачон ҳарбийга эрга тегмаслигини айтган эди. Бироқ де Голлни учратгач, ўз фикрини ўзгартирди. Икки ёш танишганларидан ярим йил ўтгандан кейин турмуш қурдилар. Улар уч фарзанд кўрдилар. 1928 йил 1 январда туғилган иккинчи қизлари Анна туғма касаллик — чуқур ақлий заифликдан азият чекарди. Лекин ўзининг учала фарзандларидан де Голль айнан ўша қизини, ҳаммаси бўлиб 20 йил яшаган Аннани яхши кўрарди. 1929 йилнинг охирида уни Сурия ва Ливандаги француз қўшинлари штабига ўтказдилар. 1937 йилгача де Голль асосан ўқитувчилик иши ва штаб фаолияти билан шуғулланди. У ажойиб нотик эди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида де Голль ҳарбий стратегия ва тактика масалалари бўйича бир қатор назарий ишлар билан чиқди. Уларда механизациялашган армияни яратиш ва замонавий урушда танклардан, авиация ҳамда пиёда қўшин

билан ўзаро ҳамкорликда фойдаланиш ҳақида фикр билдирди. У «Профессионал армия» қўлланмасини ёзди.

Урушнинг биринчи кунларидан де Голль полковник унвонида 5-француз армиясининг танк қисмларига командирлик қилди, 1940 йилнинг майида, Сомма дарёсидаги жанглар вақтида 4-бронетанк дивизиясини бошқарди. Шахсий жасорати учун де Голль бригада генерали унвонини олди.

1940 йилнинг 6 июнида, француз армиясининг анчагина қисмини фашистлар Германияси тор-мор қилганидан кейин де Голль миллий мудофаа министрининг ўринбосари бўлди. Немис қўшинлари Парижга кирганидан ва ҳокимият тепасига Петэн ҳукумати келганидан кейин де Голль Буюк Британияга ўтиб кетди ва ўша ердан туриб 1940 йил 18 июнда радиодан французларни фашистлар Германиясига қарши курашни давом эттиришга чақирди. Де Голль Лондонда гитлерчиларга қарши иттифоққа қўшилган «Озод Франция» ҳаракатига, 1941 йилнинг 24 сентябрида эса Француз миллий қўмитасига асос солди. Генерал де Голль СССР билан расмий муносабатлар ўрнатилишини тезлаштирди ва «Озод Франция»ни Франциянинг ягона қонуний вакили сифатида тан олинишига уринди. У, Совет Иттифоқи билан иттифоқ ўрнатилганидан сўнг, шунингдек, «Озод Франция» ҳукмронлигининг Сурия ва Ливанга тарқатилиши ва французларнинг Африкадаги ҳарбий ҳаракатларида бевосита иштирокининг оширилиши муносабати билан Француз миллий комитетини яратиш учун қулай фурсат келади, деб ҳисобларди. Дипломатик каналлар орқали советларнинг тан олиниши масаласида келишувга эришилгандан сўнг де Голль 1941 йил 24 сентябрда ўзининг раислигида Француз миллий комитетини ташкил қилиш ҳақида ордонанс¹ чиқарди. Комитет таркибига кирган комиссарлар министрлик даражасига кўтарилган эдилар ва шунинг учун амалда комитет ҳукумат даражасида эди. 1941 йил 26 сентябрда Лондондаги совет элчиси И.М. Майский де Голльга хат топширди, унда СССР ҳукумати уни «барча озод французларнинг раҳбари сифатида» тан олиши, у «гитлерчилар Германиясига қарши умумий курашда уларга ҳар томонлама ёрдам ва ҳамкорлик» кўрсатишга ва ғалабадан кейин Франциянинг тўлиқ мустақиллиги ва улугворлигини таъминлашга тайёр эканлиги билдирилганди. Совет элчисига берилган жавоб хатида генерал де Голль тан олинганлиги учун ўзининг миннатдорчилигини билдириб, ёзди: «Ўз томонидан, озод французлар номидан мен умумий душманмиз устидан тўлиқ ғалабага эришилганига қадар СССР ва унинг иттифоқчилари томонида туриб курашишга ваъда бераман». Бу ўзига хос хат алмашиш

¹ *Ордонанс* — Францияда ва бошқа мамлакатларда ҳукумат чиқарган қарор.

СССР ҳукумати ва Француз миллий комитети ўртасида ўзига хос иттифоқ шартномаси тузишга тенг эди. Инглизларнинг 26 сентябрдаги худди шунингдек тан олиш ҳақидаги хатида, Буюк Британия де Голль қошида ўзининг дипломатик вакилини расмийлаштира олмасликлари, чунки бу «Сизни суверен давлатнинг раҳбари деб тан олишни англаган бўларди» дейилади. Шундан кейин де Голльнинг дипломатияси тобора кўпроқ Совет Иттифоқига томон йўналтирилди. Де Голль билвосита советлар кўмагидан Англия билан бўлган мураккаб муносабатларда жуда фаол фойдаланди. Иккала мамлакат ўртасидаги ҳарбий ҳамкорлик доирасида у Совет Иттифоқига «Нормандия» эскадрильясини юборди. 1943 йилнинг ноябрида Жазоирда ташкил қилинган ва 1944 йилнинг июнида де Голль Франция Республикасининг вақтли ҳукуматига айлантирган Француз миллий озодлик комитетининг ягона раиси бўлди (1944 йилнинг августида де Голль ҳукумати озод қилинган Парижга кўчиб ўтди).

1944 йил 26 ноябрда де Голль Москвага келди. Сталин билан суҳбат давомида де Голль Германия тор-мор қилингунча биргаликда курашиш мақсадида СССР билан шартнома тузиш истагини билдирди. Сталин эътироз билдирмади. Кутилмаганда Молотов Франциянинг Люблиндаги Польша ҳукуматини тан олиши (унда коммунистлар кўпчиликни ташкил этарди) муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлар эди, деб қолганида музокараларнинг бир неча кунга ўтган эди. Бу де Голльга маъқул эмасди: «Сталин мени ўн еттинчи Совет Республикасини тан олишга мажбур қилмоқчи. Мен эса буни хоҳламайман»¹. Кейин Молотов Лондон — Москва — Париж учлик шартномасига Черчилль қарши эмаслигини айтди. Бироқ де Голль айнан ана шуни истамас эди-да! У Франция хавфсизлигини таъминлашнинг мумкин бўлган уч босқичи ҳақида ўз «назарияси»га эга эди: биринчиси — СССР ёрдамида, иккинчиси — инглизлар, аммо улар Па-де-Калени кесиб ўтгунларича узоқ кутиб туришга тўғри келади ва ниҳоят «Америка — у фақат бошқалар урушни қарийб енгиб бўлай деганида ёрдамга етиб келади. Бундай аҳволда, албатта, фақат Франция билан СССР ўртасида иттифоқ тузилиши кераклиги табиий». «Кейин эса, — қўшиб қўйди у, — Черчилль билан бошқа иттифоқ тузиш ҳақида ўйлаш мумкин». Де Голль Москванинг шартларини қабул қилишдан бош тортди. Аммо у қандай бўлмасин ўз пактига эга бўлмоқчи эди: «Агар мен шартномасиз қайтиб борсам, бу шахсан мен учун йирик мағлубият бўлади». Ниҳоят совет вакиллари билан бири французлар вакили билан суҳбатда шундай деди: «Биласизми, ахир бизнинг ярим расмий вакилимиз Италия ҳукумати қошида

¹ Ҳақиқат пайтда СССР ўн олтинчи республикадан иборат эди.

у тан олиншидан олти ой аввал бориб турди. Сизлар ҳам, у расмий тан олинганига қадар ана шундайин вакилни Польша ҳукумати қошида сақлаб турсаларингиз қандай бўлади?» Де Голль бундай вариантга қарши эмас эди. Совет-француз иттифоқи шартномаси ҳақида музокаралар француз А. Вюрмсернинг аниқ ифодалаган сўзларига кўра шу билан якунландики, «совет томони шартномани имзолашга рози бўлиши учун французлар унча ҳам юқори бўлмаган, лекин анча муҳим бўлган чойчақа тўладилар». Уруш тутаганидан сўнг де Голль Францияда президентлик типига тартиб ўрнатишга уриниб кўрди. Ўз режаларини амалга оширишда қатор қийинчиликларга дуч келган де Голль 1946 йилнинг январида ҳукумат бошлиғи лавозимидан кетди ва 1947 йилдан бошлаб ўзи тузган «Француз халқининг бирикмаси» (РПФ) партиясига раҳбарлик қилди. 1953 йилнинг май ойида РПФнинг тарқатиб юборилиши ҳақида эълон қилиб, у вақтинча фаол сиёсий фаолиятдан йироқлашди.

1958 йилнинг майида, Жазоирдаги ҳарбий исён келтириб чиқарган кескин сиёсий инқироз даврида парламент Голлнинг ҳукуматга қайтиб келишини ёқлади. 1958 йилнинг 1 июнида Миллий Кенгаш де Голль бошчилигидаги ҳукумат таркибини тасдиқлади. 1958 йилнинг 21 декабрида эса генерал Француз Республикасининг президенти этиб сайланди. Ҳокимият тепасига келган де Голль дарҳол мамлакатдаги ҳаётни нормаллаштириш ва Франциянинг ташқи сиёсати стратегиясини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. Энг аввало Жазоирдаги урушни якунлаш ва бошқа Африка давлатлари — собиқ француз мустамлакалари билан янги муносабатлар ўрнатиш керак эди. Франциянинг бу мамлакатлардаги ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий мавқеидан ҳали сақлаб қолиш мумкин бўлганларини кутқаришга уриниб, де Голль Француз ҳамкорлиги деб аталган иттифоқ тузди. У Жазоирда Франция билан яқин алоқаларни сақлаб қоладиган, унинг Саҳрои Кабирдаги нефть манбалари ва бошқа табиий бойликларига йўл очиқлигича қолишига имкон берувчи тинчликни изларди. Жазоир урушини тартибга олиш тўрт йил давом этди. Де Голль фикрича, энг муҳим вазифалар олдида миллат яқдил бўлиши керак.

Ҳар бир киши эшитганларини ўзига фойдали бўлган маънода қабул қиладиган қилиб гапириш унинг энг севимли услуби эди. Шундай қилиб у зоқ вақтлар НАТОни мустаҳкамлашни хоҳлайди деб ишонган «атлантикачилар»ни ҳам, унинг миллатига қарамасдан интеграциялаш гоъларига умид қиладиган «европачилар»ни ҳам, ўзининг бошқа рақибларини ҳам адаштира оларди. Бу усул де Голль ҳали 1930 йилларда «Найзанинг ўткир тиғида» китобида тасвирлаган «пайти келгунча ўзининг ҳақиқий мақсадлари-

ни яшириб турувчи ва уларни фақат керакли вақтдагина намоён қилувчи, оломонга ўзини яхши қилиб кўрсатиш учун бор маҳоратини ишга солувчи» одам сифатидаги сиёсий арбоблик моҳиятига кирар эди. 1958 йилнинг августида Жазоирни Франция таркибида сақлаб қолиш учун мамлакат аҳолисининг 52 фоизи овоз берди. Ҳокимият тепасига келган вақтидан буён де Голль Жазоир масаласини ҳарбий йўл билан ҳал этилишининг келажаги йўқлигига ишончи комил эди. «Мен мустамлакачилик ўз даврини яшаб бўлганлигини тушунаман, — деган эди у суҳбатларнинг бирида. — Шунинг учун ҳам мен Африканинг ўн учта мамлакатига мустақиллик бердим. Мен Жазоир масаласини ҳам ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили асосида ҳал қилиш умидидаман». «Мен босқичма-босқич олға ҳаракатландим», — деган эди де Голль, 1962 йили Франция билан мустақил Жазоир ўртасидаги бундан кейинги муносабатлар ҳақида битимнинг имзоланиши якунлангандан сўнг. «Сиёсат — бу реал воқеаларга асосланган санъат», — у бу воқеани шундай изоҳлаган. 1962 йил 8 апрелда ўтказилган умуммиллий референдумда Эвиан битимларини француз сайловчиларининг 91 фоизи маъқуллади! Ўша даврда Францияни ҳарбий-сиёсий салоҳияти ва иқтисодий мавқеи бўйича НАТОнинг етакчи давлатлари билан таққослаш мумкин эмаслигини яхши англаган де Голль, уни жаҳоннинг буюк давлатлари сафига қайтаришни истарди. Бироқ бунинг учун Франция АҚШ ва НАТОга қарамликдан чиқиши ва мустақил ташқи сиёсат юритиши лозим эди. Ўз ҳаракатларини у тўртта имтиёзли йўналишга қаратди: АҚШ ва НАТО, ГФР ва Англия, «Умумий бозор» ва «кичик» Европа, СССР ва «катта» Европа. Гоҳо бир томонда сиқувни кучайтириб ва кейин уни бошқа томонга қаратиб, гоҳо бир вақтнинг ўзида ҳамма томонга таъсир ўтказиб, де Голль ўзининг катта сиёсатини ва дипломатик ўйинини олиб борарди. Энг аввало Франциянинг АҚШ ва НАТО билан алоқалари характерини ўзгартириш талаб қилинарди. Де Голлнинг ташқи ишлар министри М. Кув де Мюрвиль ўзининг «Ташқи сиёсат (1958—1969)» китобида гувоҳлик беришича «1946—1958 йиллардаги Франциянинг ташқи сиёсатида АҚШ устувор йўналиш эди. Биз молиявий соҳада уларга боғлиқ эдик — бу Маршал режаси, бизнинг хавфсизлигимиз эса НАТОга боғлиқ эди». 1959 йили Парижда де Голль АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрга, агар Европада келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда Франция «кўпгина географик, сиёсий ва стратегик сабабларга кўра... энг аввало жабр кўрган бўларди», деган эътирофни қилди. Совет дипломатлари билан суҳбатда де Голль, ҳозирги ҳолатда Франция ва Совет Иттифоқи, ҳатто уларнинг миллий манфаатлари ҳеч қанақа тўқнаш келмаган тақдирда ҳам урушга тортилиши мумкин экан-

лигини таъкидлаган: «Франция АҚШга доимий боғлиқ бўлиб қолмайди. Бундай ҳолатни келтириб чиқарган сабаблар вақти билан йўқолади ва шунда, — деб яқунлаган эди у, — сизлар Франция учун ҳозир қилаётган хизматларингиз, албатта тақдирланади».

Хукумат раҳбари бўлган де Голль Англия премьер-министри Г. Макмиллан, АҚШ давлат котиби Ж. Даллес билан учрашувда Шимолий Иттифоқ ва бутун француз-америка ҳамкорлиги тизимини ўзгартириш ва бу ўзгартиришлар оқибатида Франция дунё сиёсати учун масъул давлат ролини олиши лозим эди. Бу талаб тиниқ осмонда чақмоқ чаққандай бўлди. Америкаликлар ва улар билан алоҳида муносабатларга эга бўлган инглизлар Франция НАТОдаги ўзига ажратилган иккиламчи ўринга кўникиб қолганлигига ишончлари комил эди. 1958 йилнинг 17 сентябрида де Голль НАТОда АҚШ, Англия ва Франция иштирокида уч томонлама директорат яратиш таклифи билан Эйзенхауэрга мурожаат қилди. Унинг моҳиятини баён қилар экан, Кув де Мюрвиль шундай деб ёзган эди: «Ёки Франция стратегик қуроолардан фойдаланиш масалаларидан бошлаб хавфсизлик муаммоларини ҳал этишда АҚШ билан ва, албатта, Буюк Британия билан яқин алоқада бўлади, ёки Франция ўзининг НАТОдаги иштироки масаласини қайта кўриб чиқади». Унинг талабини қондиришни рад этишга жавобан де Голль Франциянинг НАТО ҳарбий ташкилотидан чиқиши ҳақида қарор қабул қилади. 1966 йили март ойида у АҚШ президенти Л. Жонсонни ва 14 та мамлакатлар — НАТО аъзоларининг хукуматларини Франциянинг бирлаштирилган кўмондонликдаги ўз иштирокини тўхтатиш ва ўз қуроли кучларини НАТО ихтиёрига бермаслик ҳақидаги қароридан хабардор қилади. Де Голль таъкидладикки, НАТО янги шарт-шароитларга жавоб бера олмайди, Европа халқаро ихтилофларнинг маркази бўлмай қолди, АҚШ аввалги атом монополиясини йўқотди. 1967 йилнинг кузига келиб Франциянинг НАТО ҳарбий ташкилотидан ажралиши яқунланди. Франциянинг барча қуроли кучлари устидан тўлиқ назоратни қайтариб олишни де Голль мамлакатнинг ўз ядро қуролини яратиш билан қўшиб олиб борди. Айни пайтда де Голль «барча йўналишлар бўйича миллий мудофаа» ҳақидаги фикрни, яъни хавфни барча томонлардан йўқ қилиш фикрини олға сурди. Бу Францияга катта урушдан четда туриш ва ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш имкониятини берган бўларди. Де Голль АҚШнинг хавфли милитаристик ҳаракатларини ошкора танқид қила бошлади ва уларнинг сиёсатига кўр-кўрона итоат қилиш нималарга олиб келишидан огоҳлантирди. Франция президенти АҚШнинг Вьетнамдаги урушини шундай кескин ибораларда фош қилдикки, бу ҳатто француз-америка муноса-

батларининг жиддий кескинлашишига олиб келди. 1965 йил 19 декабрда де Голль яна 7 йил муддатга президентлик лавозимига қайта сайланди.

У Совет Иттифоқи билан муносабатларни яхшилаш тарафдори эди. 1966 йил 30 июнь куни де Голль Москвада совет-француз декларациясига имзо чекди. СССР Ташқи ишлар министри А.А.Громико шундай эслаган: «Де Голль суҳбатда кескин томонларни четлаб ўта оларди. У қалтис масалаларга эътибор бермасликдек ҳавас қилса арзийдиган қобилиятга эга эди. Бунинг устига у ўз фикрларини шундай баён қила олардики, суҳбатдошининг фикрини маъқуллашга мойилдек кўринган ҳолда, аслида ўз фикрида қолган бўлиб чиқарди. Аини пайтда кўпинча ҳақиқий фикр бирлиги йўқлиги сезилиб турарди. Бундай пайтларда де Голль одатда «ҳаммаси бўлиши мумкин», — деган дипломатик жумладан фойдаланарди...».

Де Голль яхши нотик эди. Расмий зиёфатларда ва нонушталарда у силлиқ гапирарди ва бунда қарийб ҳеч қачон ёзма матнга қарамасди. Бу кучли таассурот қолдирарди. Лекин де Голлга яқин бўлган кишиларнинг айтишларига кўра, у олдиндан ёзилган нутқларни унчалар қийналмасдан ёдлаб олар экан. У ҳайратланарли хотирага эга эди. Бу усул унга қўл келарди... Де Голль жуда қатъиятли бўлар, лекин ҳеч қачон шафқатсиз бўлмасди. 1962 йилнинг августида бир гуруҳ террористлар у билан турмуш ўртоғи кетаётган автомобилни автоматлардан ўққа тутганларидан кейин де Голль ўлим ҳукмини фақат гуруҳнинг йўлбошчиси Бастьен-Тьерига тасдиқлади, чунки у, француз армиясининг офицери бўла туриб, ўқ отишни билмаган. 1969 йил 28 апрелда референдумда ютқазганидан сўнг (Сенатни қайтадан ташкил қилиш ва Франциянинг ҳудудий-маъмурий тузилишини ўзгартириш масаласи бўйича), де Голль президент лавозимидан кетди. Ўз хоҳиши билан чиқилган истеъфодан сўнг у узоқ яшамади. Унинг юраги 1970 йилнинг 9 ноябрь куни уришдан тўхтади.

Де Голль ҳақли равишда Франциянинг буюк кишилари сафидан муносиб ўрин эгаллайди. Ўзининг саксон йиллик ҳаётида бу одам Франциянинг Жанна д'Аркдан кейинги энг буюк қахрамони бўла олди. У мамлакатни икки марта бошқаришга улгурди, ҳар икки сафар ҳам миллий ҳалокат ёқасида турган давлатни қабул қилди ва истеъфога чиқаётганида иқтисоди ўсаётган ва халқаро обрўи ошиб бораётган давлатни қолдирди.

Унинг қabri Франциянинг пойтахтидан узоқда, Шампань вилоятидаги камтарона Коломбэ қабристонига жойлашган.

Французлар, генерал де Голль вафот этди, Франция етим қолди. (Жорж Помпиду)

«ҚАЙТА ҚУРИШ» МЕЪМОРИ

ГОРБАЧЁВ МИХАИЛ СЕРГЕЕВИЧ
(02.03.1931 йилда туғилган)



1952 йилдан КПСС, 1971 йилдан КПСС МК аъзоси, 1980 йил 21 октябрдан Сиёсий бюро аъзоси (27.11.79 йилдан номзод), 27.11.78 йилдан КПСС МК котиби, 11.03.85 дан КПСС МКнинг Бош котиби, 09.12.89 йилдан 23.06.90 йилгача КПСС МК Россия бюросининг раиси. Ставрополь ўлкаси Красногвардейск районидаги Привольний қишлоғида туғилган. 1955 йили М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетини, 1967 йили Ставрополь қишлоқ хўжалиғи институтини тамомлаган. 1946 йилдан машина-трактор станциясининг механизатори. 1955 йилдан Ставрополь ўлкасида комсомол ишларида: шаҳар комитетининг биринчи котиби, ўлка комитетида бўлим бошлиғининг ўринбосари, ўлка комитетининг иккинчи ва биринчи котиби. 1962 йили Ставрополь ҳудудий ишлаб чиқариш колхоз-совхоз бирлашмаси КПСС ўлка комитетининг партия ташкилотчиси. 1962 йилнинг декабридан КПСС Ставрополь шаҳар комитетининг биринчи котиби, 1968 йилдан КПСС Ставрополь ўлка комитетининг иккинчи, 1970 йилдан биринчи котиби. 1978—1985 йиллари КПСС МК котиби. 1985 йилдан КПСС МК Бош котиби ва бир вақтнинг ўзида 1988—1989 йиллари СССР Олий Совети Президиумининг раиси, 1989—1990 йиллари эса СССР Олий Совети Раиси, 1990 йилдан СССР Президенти. 1989—1990 йиллари СССР халқ депутати. М.С.Горбачёвнинг мислсиз ислохотчи; дунё миқёсидаги сиёсатчи сифатидаги улкан хизматларининг, халқаро муносабатлар ва тараққиётнинг характерини яхши томонга ўзгартирганлигининг тан олиниши белгиси сифатида у Нобель мукофотига сазовор бўлган (15.10.1990).

Михаил Горбачёв ўсмирлик чоғида ҳамма сингари комсомол сафига кирди, машина-трактор станциясида механизатор бўлиб ишлади. 1955 йилда МГУ нинг юридик факультетини тамомлади, ўша пайтлар у ерда таълим А.Я. Вишинскийнинг юридик мактаби тамойиллари асосига қурилган эди. Партияга М. Горбачёв 1952 йили, «ватансиз космополитлар»га¹ қарши кампания авжига чиққанида кирди, яъни ўз фаолиятини конформист² сифатида бошлади. 1956 йили уйига қайтгач, партиявий амал зиналардан шиддат билан кўтарилди ва 1970 йили КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи котиби бўлди. Партия мансабдори бўлган пайтида у сиртдан Ставрополь қишлоқ хўжалиғи институтини тугатди. М. Горбачёв 1978 йили Ю.В. Андроповнинг ва М.А. Сусловнинг тавсияларига кўра КПСС МК Сиёсий бюросининг аъзоси бўлди. 1985 йили К.У.Черненконинг ўлимидан сўнг М. Горбачёв КПСС МКнинг Бош котиби бўлди. Ҳокимиятга

¹ Космополит — ватанпарварликни, халқларнинг мустақилликка эришиш ҳуқуқларини, миллий маданиятни инкор этувчи. Уларнинг шиорлари — «Одам дунё фуқаросидир».

² Конформист — мослашувчанлик, келишувчанлик, ҳукмрон фикрга итоат этувчи.

нисбатан ёш, Сталин даврининг жинойтларига алоқадор бўлмаган, яхши маълумот олган партократ эга бўлди. Америка СМТ (стратегик муҳофаза ташаббуси)ларининг яратилиши, Афғонистондаги урушнинг истиқболсизлиги, қуролланиш пойгасининг кўтариб бўлмайдиган иқтисодий юки, ҳокимиятдагиларнинг порахўрлиги ва бошқа кўплаб муаммолар, кўриниб турган ташқи сиёсатни ўзгартириш зарурати кескин ислохотларни талаб этарди. М. Горбачёвнинг ташқи сиёсатдаги қадамлари жуда таъсирли бўлди: қуролланишнинг босқичма-босқич қисқартирилиши, умуминсоний нормалар ва қадриятларнинг тан олинishi унга дунё миқёсида улкан шуҳрат келтирди. Бироқ М. Горбачёвнинг ички сиёсати самарасизлигича қолаётгани: ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, ичкилик-бозликка қарши кампания, маҳсулотларнинг давлат қабулидан ўтказилиши ва самарасиз мактаб ислохоти шу ички сиёсатнинг маҳсули эди. Ташқи бетарафлик сиёсатига мамлакат ичкарисидаги «ошкоралик» ва «демократлаштириш», «кўпроқ социализм!» доимий шиорлари остида мос келиши керак эди. Бир томондан сиёсий маҳбусларнинг озод этилиши, А.Д. Сахаровнинг сургундан қайтарилиши, иккинчи томондан эса, М. Горбачёвнинг таъкидлашича, қайта қуришнинг ташаббускори бўлган КПСС раҳбарлик ролининг шак-шубҳасиз сақлаб қолиниши мавҳум ички сиёсатни акс эттирарди.

XIX партия конференциясида М. Горбачёвнинг партия ва давлат раҳбари лавозимларини қўшиб олиб бориш ҳақидаги таклифининг қабул қилиниши билан аввал эълон қилинган «Бутун ҳокимият Советларга» шиори йўққа чиқди. Аниқ ижтимоий ва иқтисодий дастурларнинг йўқлиги, ҳаётий имкониятга эга бўлмаган тизимни «қайта қуриш» варианты билан алмаштиришга уриниш шунга олиб келдики, 1988 йилги «юқоридан инқилоб» ўз қонунлари бўйича ривожлана бошлади. Ҳаявоний ва сиёсий плюрализм¹ М. Горбачёв олдиндан кўра билмаган «социалистик йўл»ни рад этган ижтимоий онгда кескин бурилишларга, мажруҳ марказлаштирилишнинг оқибати сифатида «суверенитетлар намоиши» ва миллатлараро қирғинларни туғдирган «КПССнинг раҳбарлик роли»га олиб келди. Бу жараёнлар иқтисодий тартибсизлик билан чуқурлашганди. М. Горбачёвнинг номенклатура тизимига таяниб яна қайта қуриш меъмори ташаббусини ўз қўлига олиш учун уриниши, уни «марказчилар» гуруҳига олиб келди, энди у кескин ўзгаришларга қодир бўлмаган

¹ *Плюрализм* — борлиқнинг ёки билим асосларининг бир неча ёки жуда кўп мустақил бошланиши мавжуд деган таълимот.

ҳолда қўлдан чиқаётган ҳокимиятни ушлаб қолишга уринди, холос. Халқнинг овоз беришига ишончи комил бўлмаган М. Горбачёв демократик сайловлардан воз кечди. 1990 йилнинг март ойида у депутатларнинг иттифоқкор кўпчилиги томонидан СССР Президенти қилиб сайланди, лекин бу унинг лавозимини легитимликдан маҳрум этди ва муҳим давлат лавозимларида турган консерваторлар билан иттифоқига сабаб бўлди. М. Горбачёвнинг сиёсати 1991 йилги ғалаёнларга ва унинг ҳокимиятни йўқотишига олиб келди.

М. Горбачёвнинг фожиаси шундан иборат эдики, ислохотлар билан тузатиб бўлмайдиган, фақат йўқ қилишгина зарур бўлган тоталитар ижтимоий тузумни ўзгартиришга уринди. Бироқ М. Горбачёвнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда, объектив равишда, унинг фаолияти тоталитар давлатнинг вайрон бўлишига, «совуқ уруш»нинг тўхтатилишига, Шарқий Европа мамлакатларининг озодликка эришишига, собиқ СССР халқларининг янги сиёсий онги шаклланишига олиб келди. СССРдаги ҳали оёққа турмаган демократия қарши тура олмаган деструктив ижтимоий ва миллий жараёнлар охир-оқибатда СССРнинг тарқалиб кетишига, совет республикаларидаги озодлик учун кураш эса уларнинг мустақилликка эришишига олиб келди. Бундай оқибатнинг олдини олишга уринган М. Горбачёв унинг сиёсий фалсафаси ва ахлоқининг асосий тамойилларига зид бўлган куч ишлатишдан бошқа барча иложи бор нарсаларни қилиб кўрди.

1991 йил 25 декабрда М. Горбачёв давлат бошлиги ваколатларини ўзидан соқит қилди.

1992 йилдан бери у ижтимоий ва иқтисодий тадқиқотлар Халқаро жамоатчилик фондининг (Горбачёв-фонд) Президенти. Шунингдек, 1993 йилнинг мартдан 20 дан ортиқ мамлакатларда ўз бўлимларига эга бўлган халқаро мустақил экологик ташкилот — Халқаро Яшил Хочнинг ҳам Президенти.

М. Горбачёвнинг халқаро сиёсат борасидаги хизматлари жаҳон жамоатчилиги томонидан муносиб баҳоланган. 1990 йили унга Нобель тинчлик мукофоти берилди. У дунёнинг 12 та шаҳри фахрий фуқароси, 25 та университетнинг фахрий доктори ҳисобланади. М. Горбачёвнинг 80 йиллик юбилеи 2011 йил 30 мартда Лондондаги Альберт-холл муҳташам саройида XX аср жаҳон тарихида катта из қолдирган сиёсатчилар, фан ва маданият арбоблари, шунингдек, Арнольд Шварцнегер, Шерон Стоун, Катрин Денёв, Андрей Макаревич каби дунёнинг машҳур санъаткорлари иштирокида катта тантана билан нишонланди. Берлин шаҳрида унинг бюсти ўрнатилди.

ДОНИШМАНДЛИК УММОНИ

**ДАЛАЙ-ЛАМА XIV ҲАЗРАТИ ОЛИЙЛАРИ,
ТЕНЗИН ГЪЯЦО (06.07.1935 йили туғилган)**



Тибет халқининг маънавий етакчиси. У Тибетнинг шимоли-шарқдаги кичик бир Такцер қишлоғида камбағал деҳқон оила-сида дунёга келди ва Лхамо Дхондруб исмини олди. 1909 йили муқаддас жойларни зиёрат қилаётган Далай-лама XIII Такцер қиш-лоғига ҳам келди. У бу жойларнинг гўзаллигини эътироф этди ва бу ерларга яна келиш истаги борлигини айтди. 1937 йили, Да-лай-лама XIII вафот этганидан сўнг Такцер қишлоғига унинг янги тимсолини излаётган ламаларнинг алоҳида гуруҳи келди. Маъ-лум бир синовлардан кейин икки яшар Лхамо Дхондруб Далай-ламанинг тимсоли деб тан олинди.

Далай-ламалар Ченрезига, ҳамдардлик Буддасининг ердаги тимсолла-ри ҳисобланадилар; улар одамларга хизмат қилиш учун бу ерда туғилади-лар. Тан олинган Далай-лама Лхамо Дхондруб янги — Жецун Жампел Нгаванг Йеше Тензин Гьяцо деган ном олди. Бу кўп сонли эпитетларнинг имкони бор таржималари: «Муқаддас», «Нозик шон-шухрат», «Буюк ҳам-дард», «Дин ҳимоячиси», «Донишмандлик уммони». Тибетликлар одатда уни Йеше Норбу — «ҳамма нарсани бажарувчи қимматбаҳо» ёки оддий қилиб Кундун — «ҳозирлик» деб атайдилар. Далай-лама 1940 йилнинг 22 феввалида Тибетнинг пойтахти Лхаса шаҳрида тахтта чиқарилди. 1949 — 1950 йилларда Хитой коммунистлари Тибетга бостириб кирганла-ридан кейинги тўққиз йил давомида у Хитой ҳукмдорлари билан келиш-ган ҳолда, тинчликда яшашга уриниб кўрди. У Пекиннинг қўллашига эришмаганидан сўнг, 1959 йилнинг 17 мартада Ҳиндистонда қўним то-пиш учун Лхасадан кетишга мажбур бўлди.

Далай-лама анъанавий тибет тизими бўйича таълим олди, унинг ик-кита расмий устозлари — Линг Ринпоче ва Триджанг Ринпочелар бор эди. Таълим дастурига «бешта катта фанлар» (мантиқ, тибет маданияти ва санъати, санскрит, тиббиёт, будда фалсафаси) ва «бешта кичик фан-лар» (поэзия, мусиқа ва драматик санъат, астрология ва огзаки ҳамда ёзма адабиёт) кирарди. Далай-лама ўқув машғулотларига олти ёшида киришди ва уни энг юқори илмий даража — геше лхарамбага (Будда фалсафаси доктори) эришиб, йигирма беш ёшида яқунлади. Йигирма тўрт ёшида у Тибетнинг учта монастирлик университетлари: Дрепунге, Сера ва Ганденда дастлабки имтиҳонларни топширди. Битирув имти-ҳонлари ҳар йилги Монлам дуо ўқиш фестивалида — 1959 йили қишда

Лхасанинг бош ибодатхонасида бўлиб ўтди. Унда 20 000 олим-монахлар иштирок этарди.

1950 йил 17 ноябрда Тибетга Хитой халқ-озодлик армияси қўшинлари кирганидан сўнг ҳали бори-йўғи 16 ёшда бўлган Жаноби олийлари давлат ва ҳукумат бошлиғига айланиб, ўзига сиёсий ваколатларни ҳам олишга мажбур бўлди.

1954 йили у Мао Цзедун ва бошқа Хитой раҳбарлари, шу жумладан Чжоу Эньлай ва Дэн Сяопин билан тинч музокаралар олиб бориш учун Хитойга боради. 1956 йили Будданинг туғилганига 2500 йил тўлганлиги муносабати билан у Ҳиндистон премьер-министри Жавахарлал Неру ва Хитойнинг премьер-министри Чжоу Эньлайлар билан Тибетдаги аҳвол кескинлашганлиги сабабли бир қатор учрашувлар олиб боради.

Унинг Тибет-Хитой келишмовчиликларини тинч йўл билан ҳал қилишга уриниши Пекиннинг Шарқий Тибетдаги қатъий сиёсати туфайли йўққа чиқарилди ва бу ўз навбатида халқнинг кучли норозилигини келтириб чиқарди. Қаршилик ҳаракатлари тезда Тибетнинг бошқа қисмларига ҳам тарқалади. 1959 йил 10 мартда Тибетнинг пойтахти Лхасада ўз миқёсига кўра мислсиз бўлган кўзғолон кўтарилди. Унинг қатнашчилари Хитойнинг Тибетдан чиқиб кетишини ва ўз мамлакатлари мустақиллигининг тан олиншини талаб қилдилар. Тибет халқ кўзғолони Хитой армияси томонидан аёвсиз бостирилди. Далай-лама Тибетни тарк этиб, Ҳиндистонда сиёсий бошпана топди. Унинг ортидан 80000 тибетлик ҳам бу ерга келдилар. Далай-лама Ҳиндистоннинг Дхарамсала шаҳарчасида яшайди ва уни «кичик Лхаса» деб атайди. У ерда кувғиндаги Тибет ҳукумати жойлашган. Кувғиннинг дастлабки йилларида Ҳазрати Олийлари бир неча марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Тибет масаласини ҳал этишини сўраб мурожаат қилди. Натижада БМТнинг Бош Ассамблеяси Хитойни Тибетда инсон ҳуқуқлари ва тибетликларнинг ўзларини ўзлари бошқаришга бўлган ҳуқуқларини ҳурмат қилишга чақирди (1959, 1961 ва 1965 йиллари). Кувғиндаги янги ҳукуматни тузар эканлар, Ҳазрати Олийлари ўзининг биринчи навбатдаги вазифаси деб тибетликларнинг омон қолишлари ва уларнинг маданиятини сақлаб қолишни билди. Тибетлик қочоқларнинг асосий яшаш жойлари ана шу мақсадни кўзлаб курилди. Уларнинг асосий машғулоти қишлоқ хўжалиги эди. Иқтисодий ривожланиш ва таълим тизимининг яратилиши ўз тиллари, тарихи, дини ва маданиятини яхши биладиган тибетлик болалар янги авлодининг тарбияланиб етишишига кўмаклашди. 1959 йили Тибет драма санъати институти (ТИРА), шунингдек, Ҳиндистонда яшовчи тибетликлар учун олий ўқув юрти —

Олий тибетшунослик Марказий институти яратилди. Тибетча турмуш тарзининг асоси бўлган Тибет буддизми таълимотининг тўла тўплами сақланиши учун қувгинда 200 дан ортиқ монастирлар қайтадан яратилди.

1963 йили Ҳазрати Олийлари буддизм тамойилларига ва бўлғуси озод Тибетнинг модели сифатида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига асосланган демократик конституцияни эълон қилди. Бугунги кунда Тибет парламенти сайлов асосида шакллантирилади. Ҳазрати Олийлари доимо Тибет маъмуриятини демократлаштириш зарурлигини таъкидлаб келган ва Тибет масаласи ҳал бўлганидан кейин ҳеч қанақа сиёсий лавозимни эгалламаслигини бир неча марта айтган. 1987 йили АҚШ Конгрессининг инсон ҳуқуқлари бўйича мажлисида Далай-лама Тибет тинчлик зонасини яратишга биринчи қадам сифатида «Беш моддадан иборат тинчлик режаси»ни олға сурди. Режа хитойликларни Тибетга оммавий кўчиришларини тўхтатиш, инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва демократик эркинликларини тиклаш, Хитойнинг Тибет ҳудудидан ядро қуроли ишлаб чиқариш жойи сифатида фойдаланишини тўхтатиш, шунингдек, Тибетнинг келажаги ҳақида жиддий музокаралар бошлашни назарда тутарди. 1988 йил 15 июнда Страсбургда у «Беш моддадан иборат режа»нинг кенгайтирилган вариантини олға сурди, бунда Тибетни «Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда» демократик бошқарувни таклиф қилди.

1991 йил 2 сентябрда қувгиндаги Тибет ҳукумати Хитой раҳбарларининг музокараларни рад этганлиги туфайли ўзининг олдинги таклифларини бекор қилди. 1991 йил 9 октябрда у АҚШнинг Йелль университетидagi чиқишида Ҳазрати Олийлари юзага келган сиёсий ҳолатни ўз кўзи билан кўриб келиш истагини билдирди. «Бу портлаб кетай деб турган ҳолат, — деди у, — ўз ордидан зўравонликни келтириб чиқаришидан мен жуда кўрқаман. Мен бунинг олдини олиш учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қилишни хоҳлайман... Менинг ташрифим ўзаро тушунишга эришмоқ учун ва муаммоларни музокаралар йўли билан ҳал қилишга асос тайёрламоқ учун янги имконият бўлган бўлур эди».

1967 йилдан буён Ҳазрати Олийлари Далай-лама бешта қитъа бўйлаб бир қатор саёҳатлар қилди ва айни пайтгача Ер юзининг 46 мамлакатига бўлди. Ҳазрати Олийлари Россияга етти марта келган: 1979, 1982 ва 1986 йиллари, кейинроқ, 1991 ва 1992 йиллари анъанавий буддавийлик динига эътиқод қилувчилар кўп яшайдиган республикалар — Бурятия, Агин автоном округи, Тува ва қалмиқлар юртига борди. 1994 йили у яна озроқ вақт Москвада бўлди ва 1996 йили Монголияга боришда ҳам Москвага тушиб ўтди. Ўн йилдан сўнг, 2004 йилнинг ноябрида, Далай-лама қисқа пастор-

лик ташрифи билан Қалмиқистон Республикасига борди. Ҳазрати Олийлари Далай-лама 1973 йили Ватиканда Рим Папаси Иоанн Павел II билан учрашди. 1980 йили Римдаги матбуот конференциясида у Иоанн Павел II билан учрашишга умид билдирди.

«Биз беқиёс улкан инқирозлар даврида, оламини титратиб юборадиган даврларда яшаяпмиз. Халқлар ўртасидаги муносабатларда хавфсизлик кафолати ва ўзаро мувофиқлик бўлмас экан, қалблар ором олиб яшашларининг иложи йўқ. Мана шунинг учун мен Муқаддас Папа билан учрашувни ишонч ва умид билан кутаман, у билан фикрлар ва туйғулар алмашиш учун ҳамда халқлар ўртасидаги муносабатларда тинчлик ва хотиржамлик эшиklarини қандай очиш мумкинлиги ҳақидаги у кишининг фикрларини тинглашни истардим». Далай-лама Рим Папаси Иоанн Павел II билан Ватиканда 1980, 1982, 1990, 1996 ва 1999 йилларда учрашган. Ҳазрати Олийлари Кентерберий архиепископи Роберт Ранси ва англикан черковининг Лондондаги бошқа етакчилари билан ҳам учрашди. У, шунингдек, ислом, рим-католик ва яҳудий динлари раҳбарлари билан ҳам учрашди ҳамда жаҳон динлари конгрессида сўзга чиқди, унинг шаънига бу ерда конфессиялараро маросим ўтказилди. «Мен доимо ишонаманки, — деган эди у, — бизда битта дин ёки фалсафа бўлганидан кўра, динларнинг кенг хилма-хиллиги, фалсафаларнинг хилма-хиллиги маъқулроқдир. Бу шунинг учун ҳам маъқулдирки, одамларнинг диний мойилликлари турлича. Ҳар бир диннинг ўз беқиёс ғоялари ва услублари бор. Уларни ўрганар эканмиз, биз ўз динимизни бойитамиз».

Норвегия Нобель комитетининг тинчлик бўйича мукофотини Ҳазрати Олийлари Далай-ламага беришга қарор қилганлигини бутун дунё жамоатчилиги (Хитойдан ташқари) маъқуллади. Комитет «Далай-лама ўзининг Тибетни озод қилиш учун курашида оғишмай, зўрлик ишлатишга қарши чиқмоқда. У ўз халқининг тарихий ва маданий меросини асраб қолиш мақсадида сабр-тоқат ва ўзаро ҳурмат-эҳтиромга асосланган тинч ечимни излашга чақирмоқда».

1989 йили Далай-лама Тибетни озод қилишда зўрлик ишлатилмайдиган кураш эълон қилганлиги учун Нобель тинчлик мукофотига сазовор бўлди. 1989 йил 10 декабрь куни Ҳазрати Олийлари Далай-лама Нобель мукофотини барча қувғин қилинаётганлар номидан, барча озодлик учун курашаётганлар ва бутун дунёда тинчликни ўрнатиш учун меҳнат қилаётганлар номидан, шунингдек, Тибет халқи номидан қабул қилди. «Бу мукофот, — деди Далай-лама, — ҳақиқат, мардлик ва қатъийлик қуроли билан Тибет озодликка эришади, деган бизнинг ишончимизни тасдиқлайди. Бизнинг курашимиз зўравонлик ва нафратдан холи бўлмоғи дар-

кор». Далай-лама, шунингдек, Хитой талабалари раҳбарлигидаги демократик ҳаракат иштирокчиларига ҳам қўллаб-қувватловчи сўзлар билан мурожаат қилди: «Шу йилнинг июнь ойида Хитойдаги халқ демократик ҳаракати шафқатсиз бостирилди. Лекин мен норозилик намойиши ўз ҳосилини бермади деб ўйламайман, чунки озодлик руҳи яна Хитой халқининг қалбларига кириб борди ва Хитой бугун Ер юзининг кўпгина қисмида мавжланаётган бу озодлик руҳи олдида бепарво қараб тура олмайди. Жасур талабалар ва уларнинг тарафдорлари Хитой раҳбарларига ҳамда бугун дунёга бу буюк миллатга хос бўлган ҳақиқий инсонпарварликнинг намунасини кўрсатдилар».

У будда руҳонийсининг умрини яшамокда. У Дхарамсалада эрталаб соат 4 да уйғонади, медитация¹ қилади, дуолар ўқийди ва расмий учрашувлар, аудиенция², диний таълимотлар ва маросимларнинг қатъий тартибига бардош беради. У ҳар бир кунини дуо ўқиш билан якунлайди.

*Мен бор-йўғи оддий бир будда руҳонийсман, кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас.
(Далай-лама XIV)*

«ПРАГА БАҲОРИ»НИНГ ЕТАКЧИСИ



ДУБЧЕК, АЛЕКСАНДР (DUBCEK, ALEXANDER)
(27.11.1921 — 07.11.1992)

Чехословак давлат ва жамоат арбоби. Словакиянинг Топольчани райони Угровец қишлоғида дурадгор оиласида туғилди. Братислава шаҳридаги Ян Коменский номидаги университетнинг юридик факультетини битирган. 1925 йили ота-онаси билан биргаликда Ўрта Осиеда Интергельпо кооперативига асос солган 300 чехословак коммунист-байналмилалчилар сафида Совет Иттифоқига кўчиб келади. Фрунзе ва Горький шаҳарларидаги ўрта мактабларда ўқиди. 1938 йили Дубчеклар оиласи Чехословакияга қайтиб келади ва Тренчин шаҳрида ўрнашади. 1938–1941 йиллари чилангарнинг шогирди ва машиналарни таъмирлаш бўйича чилангар, 1941–1944 йиллари эса Ваг бўйидаги Дубница шаҳридаги Шкода заводида темирчи бўлиб ишлади. Немис-фашист босқинчиларига қарши Словак миллий кўзголонининг қатнашчиси. Икки марта ярадор бўлган. 1945–1949 йиллари Тренчин шаҳридаги хамиртуруш заводида ишлаган. 1939 йилдан Чехословакия Коммунистик партияси (ЧКП) аъзоси. 1945–1951 йиллари – Тренчин шаҳрида Словакия Коммунистик партияси (СКП)

¹ Медитация — хаёлни бир жойда жамлаб, фикр юритиш.

² Аудиенция — ташриф.

вилоят қўмитасининг даставвал котиби, сўнгра биринчи котиби, 1951–1952 йилларда – СКП МКнинг бўлим бошлиғи, 1952–1953 йиллари – Словакия ишчилар иттифоқи (СИИ) Миллий fronti бош котибининг ўринбосари, 1953–1955 йиллари Баньска-Бистрица шаҳрида СКП вилоят қўмитасининг биринчи котиби, 1955–1958 йиллари Москвада КПСС МК қошидаги олий партия мактабида ўқиди, 1958–1960 йиллари Братислава шаҳрида ЧКП вилоят қўмитасининг биринчи котиби, 1960–1968 йиллари – МК котиби, МК Президиуми аъзоси, ЧКП МК биринчи котиби. 1968 йилнинг январь ойидан 1969 йилнинг апрель ойига қадар Чехословакия КП МК Биринчи котиби; тарихга «Прага баҳори» номи билан кирган Чехословакиядаги ўзгаришлар жараёнининг ташаббускорлари ва раҳбарларидан бири. 1969 йили Чехословакия Федерал кенгашини бошқарган. Беш мамлакат – Варшава шартномаси аъзоларининг қўшинлари киритилганидан сўнг Дубчек амалда ҳибсга олинди ва Чехословакиянинг бошқа раҳбарлари билан бирга музокаралар учун Москвага олиб келинди. Прагага қайтганидан сўнг бир муддат ўз лавозимини сақлаб турди, ammo кейин озод қилинди ва Москванинг вакили Г. Гусак билан алмаштирилди. 1970 йили Чехословакия КПдан ўчирилди. 1989 йилнинг охирларида В. Гавел билан биргаликда Чехословакиядаги «Баҳмаи инқилоби»нинг фаол қатнашчиларидан бўлди. 1989 йилнинг декабридан Чехословакия Федерал кенгаши раиси лавозимини эгаллаб турди. Автомобиль ҳалокати натижасида олинган жиддий шикастлар оқибатида ҳалок бўлди.

Александр Дубчек 47 ёшида XX аср тарихига номдор шахслардан бири сифатида кирди. 1968 йилнинг 21 августида КГБ офицерлари ҳибсга олган ЧКП МКнинг Биринчи котиби Александр Дубчекни ҳарбий самолётда совет қўшинлари эгаллаб олган Прагадан СССРга келтиришганда, қарахт ҳолатига қарамасдан, у ўзини бошқа мамлакатда деб ҳис қилмас эди: 47 йилдан 17 йилини Совет Иттифоқида яшаган эди. Ҳали урушдан олдинроқ Александр Дубчек чилангарлик ишини ўрганганди. Урушдан кейин у партия ходими бўлди (таржимаи ҳоли ва эътиқоди бунга ёрдам берди), лекин қўллари чилангарлик ишларини унутмади — 1970 йили уни ҳамма ердан (ҳатто касаба уюшмаларидан ҳам) ҳайдаганларида, бир словак ўрмон-саноат хўжалиғи уни чилангар қилиб ишга олди ва Дубчек қарийб 20 йил давлат хавфсизлик хизматининг тинимсиз назорати остида ўрмон ичида меҳнат қилди. Уни, вилоят қўмитасининг котиби ва айни пайтда университет талабасини ОПМга (Олий партия мактаби) «малакасини ошириш»га жўнатганларида 4 йилни (1955—1958) Москвада ўтказди. Сталинчилик йилларидаги партиявий иш уни амалдор ва мансабпараст қила олмади. Москвадаги ўқиши Сталиннинг баъзи бир жиноятларини қоралаган КПССнинг XX съезди таассуротлари остида ўтди. Чехословакияда сталинизм қолдиқларидан қутулиш бир маромда бормаётганди: Готвальднинг ўрнига келган Новотний энди бошқа ҳеч кимни қамамаётганди, лекин барча қурбонларни ҳам оқламай, ҳокимиятга бор кучи билан ёпишиб олган эди.

Москвадан қайтгач, Дубчекнинг ишлари яхши кетди — 5 йил ичида у Словакия МКнинг Биринчи котиби ва ЧКП МКнинг президиуми аъзолигига «ўсди». Чехословакияда сталинизмдан қутулиш расмий жараёнлари қанчалар секин кечгани сари жамият шунчалар яқдиллик билан ҳокимиятга қаршилиқ қиларди: Новотнийни танқид қилишдан кўрқмай кўйгандилар. Уни Хрушчев тайинлаган эди ва Никита Сергеевични олиб ташлаганларидан сўнг, Брежнев Новотнийга ҳокимиятни ушлаб туришда ёрдам бермай кўйди. Москва Праганинг биринчи котиб ва президент мансабларини ажратишига йўл кўйиб берди. 1968 йил 5 январда Дубчекни биринчи котиб этиб сайладилар — Кремль бу қарорга рози бўлди. Апрельда Новотнийни президентликдан ҳам туширдилар.

«Прага баҳори» январда бошланди. Дубчек жуда тез мамлакатнинг ҳаризматик етакчиси бўлиб қолди. Унга ишондилар — унинг табассумига, софлигига, инсонийлигига, унинг гапираётган гапларига ишондилар. Дубчек ҳокимиятга ёпишиб олган эмасди, авторитарликка мойиллиги ҳам йўқ эди. У инсон қадрладиган социализм ва уни қуришга Москванинг йўл кўйиб беришига ишонарди. Инсоний социализм ғояси бутун дунёга ёйилди ва у кўпларда умид уйғотди. Дубчек формуланинг муаллифи эмас эди (уни ёрдамчилари ўйлаб топгандилар), лекин у унга овоз берган ва бу билан одамларни қизиқтириб кўйганди. Бир сафар Брежнев уни Кремлнинг коридорида ушлаб олди ва тугмасидан тутди — у ҳайрон эди: «Агар сизларда инсоний бўлса, унда бизда қанақа социализм?». Дубчек «оға»сини хафа қилиб кўймаслик учун кўлидан келганича ҳаракат қилди. Чех ислохотчилари унча кўп нарсага улгурмадилар. Дубчек серғайрат етакчи эмас эди, унинг атрофидагилар эса (бу, айниқса 1968 йилдан кейин аён бўлиб қолди) турли-туман бўлиб чиқди: гапдон Сморковский, ўжар Кригель, рационал Черник, амалпараст Цисарж, имтиёزلарни ёқтирувчи Кольдер, яширин сталинчилар — Биляк, Индра, Якеш, ёш Зденек Млинарж (у МГУ да М. Горбачёв билан бирга ўқиган ва «Прага баҳори» расмий платформасининг муаллифи эди)... 1968 йили «Социалистик Чехословакия» журналининг суратлар билан безатилган сонлари СССРда бозори чаққон эди. Ўша пайтда кўпчиликни ҳайратга солган сурат — Прагада 1 май намоиши: Дубчек сафдошлари билан прагаликларнинг улкан колоннаси бошида бутун шаҳардан ўтиб, Вацлав майдони томон бормоқда эдилар. Ўша давр одамлари байрамларда москваликларнинг сафлари мавзолей трибунасида тўпланиб турган КПСС геронтократиясини олқишлардилар, бошқа совет республикалари пойтахтларида ҳам шундай бўларди. Прагада бўлиб ўтаётган воқеалар, албатта, кремлик қарияларнинг жаҳ-

лини чиқарарди, ammo аввалига улар у ерда кимлар бошловчи эканлигини ажрата олмадилар (қарийб барча прагалик етакчилар улар билан, худди ўзлариникидек, русча гаплашардилар, кулардилар, Дубчекни эса Брежнев умуман Александр Степанович деб чақирарди). Украинанинг ўша пайтдаги раҳбари Шелест унинг юзига москвача ҳақиқатни шартда айтди-қўйди: «Галиция яҳудийси бизга ҳамкор эмас». Бунга жавобан Дубчек ва бутун чех делегацияси ўринларидан турдилар ва зални тарк этдилар (кейин Брежнев кечирим сўрагандай бўлиб, ниманидир бўлдиради).

Дубчек содда одам эмас эди, лекин у доно сиёсатчи ҳам эмас эди ва шу сабабли Чехословакияни совет танкларидан асраб қололмади. Сўнги дақиқагача у босиб олинишга ишонмади. Ҳамма нарсани тушуниб турган Янош Кадар¹ жон-жаҳди билан Дубчекка деди (улар 17 августда Венгрия билан Чехословакия чегарасида учрашгандилар): «Сиз ҳақиқатан ҳам ким билан иш қўраётганингизни тушунмайсизми?». Дубчек Москва билан келишмай қолишни хаёлига ҳам келтирган эмасди — у, Брежнев менга ишонади, дея ўйлар эди: ундан бошқа яна кимни халқи шундай қувватлайди ва яна ким русларни шунчалар яхши кўради? Москванинг режасига кўра чехларнинг ўзлари совет кўшинларини таклиф қилишлари керак эди. Сотқинлар бор эдилар. Таклифга бир неча киши қўл қўйди; қалтирётган Васил Биляк уни Шелестга узатди. Босиб олинишдан бир соат аввал сталинчилар ЧКП МК президиумининг мажлисида ўз таклифларини ўқишлари ва уни овозга қўйишлари лозим эди. Улар вақтдаги фарқни ҳисобга олмагандилар — десант тушириш, томошани бузиб, уларнинг чиқишларидан олдинроқ бошлаб юборилди. КГБчилар мажлис пайтида Дубчекнинг кабинетига бостириб кирдилар: улар рўйхат бўйича қамоққа олаётгандилар. Бироқ водевиль спектакли бундан кейин ҳам режадагидек бормади. Президент Л. Свобода Москвага боришга эришди ва у ерда барча қамоққа олинганларнинг озод этилишини талаб қилди — уларни Кремлга олиб келдилар. Бундан кейин энди у қаршилиқ қилмади. Чехословакия яна 20 йилга зулматга чўмди...

1989 йилги «Бахмал инқилоби» ўрмон саноат хўжалиги чилангарини ҳам ўзига чорлади — Александр Дубчекни Федерал кенгашнинг раиси этиб сайладилар. Ammo унинг социализмга ва федерал давлатга содиқлигининг, унинг русларга бўлган меҳрининг энди пайти эмас эди. Барчаси Чехословакиянинг бўлиниб кетишига қараб бормоқда эди. Дубчек мустақил Словакиянинг президенти бўлиши мумкин эди, лекин бу ҳол уни

¹ Венгриянинг ўша пайтдаги раҳбари.

қувонтирмасди. 1992 йил 1 сентябрда Прага — Братислава трассасининг 88-километрида шаррос ёғаётган ёмғир Дубчекнинг машинасини йўлдан четга иргитиб юборди. Врачлар икки ойдан зиёдроқ уни қутқаришга уриндилар, лекин 7 ноябрда Дубчек вафот этди.

Унинг ўлимидан кейин икки ой ҳам ўтмасдан Чехословакия иккита мустақил давлатга — Чехия ва Словакияга бўлиниб кетди.

Шундай сиёсат олиб бориш керакки, социализм ўзининг инсоний қиёфасини йўқотмасин. (Александр Дубчек)

«ДОКТОР МИМЕОГРАФ»

ДЭН СЯОПИН (22.08.1904, Сичуань провинцияси — 19.02.1997, Пекин)



Хитой давлат ва сиёсат арбоби. Мулкдор оилада туғилди. 1920 йили Францияга ўқишга борди, коммунистик ғоялардан илҳомланди. 1925—1926 йиллари СССРда бўлди. 1926 йили Хитойга қайтиб келиб мамлакатнинг шимоли-ғарбига қилинган Буюк юришда қатнашди (1934—1935), японларга (1937—1945) ва Гоминьданга (1945—1949) қарши курашган коммунистик отрядларга командирлик қилди. 1945 йили Хитой Коммунистик партиясининг секретари этиб тайинланди. 1952—1966 йиллари ХХР Давлат маъмурий кенгаши премьерининг ўринбосари, 1956—1966 йиллари

ХКП МК бош котиби, 1975—1976 ва 1977—1982 йиллари ХКП МК раисининг ўринбосари, 1982—1987 йиллари Хитой КП маслаҳатчилар Марказий комиссиясининг Раиси, 1981—1989 йиллари ХКП МК ҳарбий кенгашининг раиси, 1983—1990 йиллари ХХР Марказий ҳарбий кенгаши раиси лавозимларида ишлаган.

Эндигина 16 ёшга кирганида Дэн Сяопин бир гуруҳ хитойлик талабалар билан бирга Францияга ўқишга борди, у ерда беш йил давомида ғарб фани чўққиларини эгаллади ва айна пайтда аввалига «Рено» заводида ишлади, кейин паровозда ўт ёқувчи, бир оз муддат официант бўлиб хизмат қилди ва ХКП Европа бўлими фаолиятида иштирок этди. Парижда у Чжоу Эньлай билан танишди, улар ўртасидаги дўстлик кейинчалик Дэннинг ҳаётида муҳим роль ўйнади. Ўша ерда «Доктор Мимеограф» (кўпайтириш қурилмаси, гектографга ўхшаш нарса) деган ҳазиломуз тахаллус билан Дэн Сяопин варақалар тайёрлай бошлади ва уларни Париждаги Хитой квартални ишчилари ўртасида тарқатди. У тез орада ўзини яхши махфий ташкилотчи сифатида кўрсатди. 1925 йили

француз полицияси ёш инқилобчига эътибор қаратади, маълумот йиғади ва Дэн мамлакатни ташлаб чиқишга ва СССРга жўнашга мажбур бўлди.

Ўша пайтлари Сталин Хитойда (ва умуман Шарқда) инқилобий жараёни ривожлантиришга эътибор қаратгани ва ана шу мақсад йўлида ёш йигитни Шарқ меҳнаткашлари Коммунистик университети (Дозоров фамилияси билан) қабул қиладилар, кейин эса у бундан кўра ҳам ихтисослашган Сунь Ятсен номидаги Хитой меҳнаткашлари Университети (кейинчалик Хитой меҳнаткашларининг Коммунистик Университети) ўтади.

1927 йил сентябрида Дэн Сяопин Хитойга қайтиб келди ва «миллий армия»нинг Сиань шаҳридаги Фэн Юйсян ҳарбий билим юрти сиёсий бўлимининг инструктори бўлиб ишлади. 1927—1929 йилларда Дэн Сяопин Шанхайда, 1929 — 1930 йиллари эса Гуанси вилоятида ишлади. 1930 йилнинг октябрида у ердан Қизил армиянинг 7-корпуси бошлиғи сифатида Цзянсига — Хитойнинг Марказий совет районида йўл олди, у ерга анча толиққан, лекин жанглarda чиниққан корпус 1931 йилнинг баҳориде етиб келади. Ана шу пайтдан бошлаб Дэн Сяопиннинг сиёсий ҳаётида янги босқич бошланади. У Жуйцинъ уезида ХКП секретари бўлиб сайланади ва ХКП даги партиянинг ички кураш характери ҳамда Дэн Сяопин тутган позиция ана шу даврдаёқ унинг ўз шахсий фикри бўлганлигини исботлаб турса ҳам, у ҳақда Мао Цзэдунга яқин киши сифатида гапира бошлаган эдилар. Дэннинг мустақил позицияси унинг биринчи қаҳр-ғазабга учрашига сабаб бўлди (1932—1935 йиллар), бундан сўнг у Чжоу Эньлайнинг қувватлаши билан партияга ва қуроли кучларга раҳбарлик қилувчи гуруҳ аъзоларидан бирига айланади. 1935—1949 йиллари Дэн Сяопин қуроли кучларда ва партияде раҳбарлик лавозимларини эгаллайди. У 8-армиянинг 129-дивизияси сиёсий комиссари, ХКП МК Шимолий Хитой бюроси секретари, ХКП МК еттинчи чақириқ аъзоси, иккинчи дала армиясининг сиёсий комиссари, ХКП жануби-ғарбий бюросининг биринчи секретари лавозимларида ишлади. 1949 йил 1 октябрь куни Пекиндаги Тяньаньмэнь майдонидаги митингда тантанали равишда Хитой Халқ Республикаси эълон қилинди. Ҳали 21 сентябрдаёқ янги Хитой давлатининг пойтахти қилиб танланган Пекинда Халқ сиёсий маслаҳат конференциясининг (ХСМК) сессияси очилди. У ягона миллий фронтнинг бирлашмаси бўлиб, бир пайтнинг ўзида ташкилий кенгаш функциясини ҳам ўзига олган эди. 30 сентябрда эса сессия Мао Цзэдун бошчилигидаги Марказий халқ ҳукуматини сайлади. Ўша пайт-

лари бир қатор маъмурий районлар ташкил қилинганди, ХКП жануби-ғарбий бюросининг биринчи секретари бўлган Дэн Сяопин Лю Бочэн билан бирга шундай энг йирик маъмурий районлардан бири (Гуйчжоу, Юньнань, Сикан ва Сичуаньдан иборат бўлган) Жануби-Ғарбий маъмурий район устидан назоратни амалга ошира бошлади. 1952 йили эса, энди ХХР давлат маъмурий кенгаши премьерининг ўринбосари сифатида янги давлатнинг иқтисодий ва сиёсий асослари бўйича Марказий сайлов комиссияси бош котиби, Марказий ҳарбий кенгаш раисининг ўринбосари, Давлат кенгаши президенти ўринбосари, ниҳоят, 1954 йилнинг майидан ХКП МК Бош котиби бўлди.

1956 йилнинг сентябрида Дэн Сяопин ХКПнинг VIII съездида маъруза билан чиқади, унда «танланган камсонлилар»ни жамиятни ўзларининг субъектив дунёқарашларига мослаб қайта қуришга уринишдан огоҳлантирди. Ҳали ўша маърузадаёқ жамият ҳаётини демократлаштириш, партиявий ва маъмурий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни ажратиблиш зарурлиги ҳақида ҳамда «бошқарувчилар — бошқарилувчилар», «доҳийлик» тизимидаги узилувчанлик йўналишларига, реалликдан узилиб қолишга, демократик деб аталган ҳукумат аппаратининг амалда бюрократик ҳукуматга айланишига ва шу кабиларга қарши дадил фикрлар билдиради. Афсуски, Дэн Сяопин съездда гапирганларининг қарийб барчаси «эшитилмасдан» қолиб кетди. 50-йилларнинг охирида амалга оширилиши мумкин бўлган ўзгаришлар 20 йил орқага сурилди. Бу Дэн Сяопиннинг тақдирида бўлганидек, бутун Хитой халқининг ҳам тақдиридаги аччиқ йигирма йилликдир.

1957 йилнинг «демократик баҳори» 1958 йилнинг драматик баҳори билан алмашди. Бу «иллюзия»га қарши тура олмаганликлари ХКП МК Бош котиби, партия ҳамда давлатнинг бошқа раҳбарларининг айби эмас эди; объектив реаллик шундай эдики, соғлом фикрлашни мамлакатни люмпенлаштиришнинг кўтарилган тўлқинига қарши қўйиш ўзига ўлим ҳукмини тилаш билан тенг эди. «Уч йил қаттиқ меҳнат қилиш — ўн минг йил бахт» ғоясининг ҳаёлий ва ҳалокатли эканлигини жамият кейинроқ англай бошлади ва айнан ана шу вақтда иқтисодий ҳамда сиёсий тараққиётни нормал ўзанга йўналтиришга қодир бўлган куч зарур эди. 60-йилларнинг бошларида Дэн Сяопин Лю Шаоци билан биргаликда, Мао Цзэдун билан очиқ қарама-қаршиликка киришмасдан, мамлакатдаги иқтисодий ҳолатни ўзгартиришга, товар ишлаб чиқарувчининг (энг аввало, деҳқоннинг) ишлаб чиқаришдан манфаатдорлигини қайтадан тиклашга уришиб кўрдилар. Мажбурлаб «коммуналлаштириш» деҳқонларнинг коллектив

хўжаликка ишончини йўқотганлигини тушунар экан, Дэн қишлоққа «саньцзя ва бао» тизимини — ерда нима етиштиришни эркин белгилаш ҳуқуқини; ортиқча маҳсулотни бозорда эркин сотиш; қишлоқ хўжалигидан бошқа фаолият билан эркин шуғулланиш ҳуқуқларини ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг маълум бир қисмини умум фойдаланиши учун бериш мажбуриятини киритишни таклиф қилади. Хитойнинг қишлоқларига юқумли касаллик тезлигида тарқалаётган «саньцзя ва бао» тизими ўзгаришлар муваффақият билан амалга оша бошлаганидан ишонарли гувоҳлик бериб туради. Мао ва Дэн Хитой иқтисодини ривожлантириш йўллари ҳақида бир хил фикрда бўлмадилар. Мао, тез иқтисодий ривожланиш энг кам миқдорда замонавий техникани жалб қилган ва хусусий ишбилармонликдан воз кечган ҳолда меҳнаткаш омманинг ғайратини жалб қилиш ҳисобига эришилади, дея умид қиларди. 1958 йилда «катта сакраш» сиёсатида амалга оширилган Маонинг қарашлари тизимни ҳалокатга олиб келди. Иқтисодни тиклаш вазифаси топширилган Дэн Маога маъқул бўлмаган «прагматик» йўналишнинг тарафдори эди. Натижада 1966 — 1969 йиллардаги «маданий инқилоб» жараёнида Дэн ва унинг тарафдорлари қувгинларнинг қурбонлари бўлдилар. 1973 йили у оқланган ва премьер-министр ўринбосари, 1975 йили — ХКП МК раисининг ўринбосари, сиёсий бюро аъзоси ва Бош штаб бошлиғи қилиб тайинланган. 1976 йил январида, Чжоу Эньлайнинг ўлиmidан сўнг «тўртлар бандаси» Дэнни ҳокимиятдан четлатди. 1976 йилнинг сентябрида Маонинг ўлиmidан сўнг «тўртлар бандаси» ҳукмронликни йўқотди ва 1977 йилнинг июлида Дэн ўзининг раҳбарликдаги барча лавозимларини қайтариб олди. Қишлоқ хўжалигида маоча «халқ коммуналари» тизими йўқотилди. Саноат соҳасида бозор ўзгаришлари ва махсус иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ишлаб чиқаришда кескин ўсишга ва, айниқса, мамлакат жанубидаги денгизбўйи вилоятларида истеъмол моллари экспорти кескин ошишига олиб келди. Чет эл инвестициялари фаол жалб этила бошланди.

Дэннинг энг яқин сиёсий ҳамфикрлари (Ху Яобан ва Чжао Цзиян) кенг демократик ислоҳотлар ўтказилишига бош қўшаётган бир вақтда Дэннинг ўзи сиёсий либераллашиш йўналишида ҳатто қисман ва эҳтиёткорона чоралар қўришни рад этди. 1989 йилнинг апрелида, Ху Яобаннинг ўлиmidан сўнг Пекинда бошланган тартибсизликларни аёвсиз бостиришга кўрсатма берди. Тяньаньмэнь майдонида мингдан ортиқ киши ҳалок бўлди, ўн минглаб одам ҳибсга олинди ва қамоққа жўнатилди.

Мушукнинг ранги муҳим эмас, асосийси сичқон овласа бўлди. (Дэн Сяопин)

РОССИЯНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ



**ЕЛЬЦИН, БОРИС НИКОЛАЕВИЧ (01.02.1931,
Свердловск вилояти Талицк райони Бутка посёлкаси —
23.04.2007, Москва)**

Россия Федерациясининг биринчи президенти (1991 йил июнь — 1999 йил декабрь). Деҳқон оиласида туғилган. 1955 йилда у Урал политехника институтини тугатди. 1963 йилгача Б. Ельцин бирин-кетин гишт терувчи, кранчи, уста, назоратчи, бош муҳандис, Южгорстрой бошлиғи бўлиб ишлади. 1963 йилдан Б. Ельцин Свердловск уй қурилиш комбинатининг бош муҳандис, кейин бошлиғи бўлиб ишлаган.

1968 йили Б. Ельцинни КПСС Свердловск обкомининг қурилиш бўлими мудир ва секретари этиб тайинлаганларида унинг партиявий ўсиши бошланди. У 1976 йилдан Свердловск обкомининг биринчи секретари. 1981 йилда Б.Ельцин КПСС МК аъзоси бўлди, 1985 йили эса уни Москвага партия ишига, КПСС МКга, қурилиш бўлими бошлиғи лавозимига ўтказишди. 1985 йилнинг охиридан 1987 йилнинг ноябргача у КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари ва КПСС МК сиёсий бюро аъзолигига номзод. КПСС МКнинг 1987 йил октябрь пленумида популизм ва нораціонал кадрлар сиёсати учун кескин танқидга тортилди. У ўз хатоларини тан олди, лекин бир оз вақт ўтганидан сўнг мансабдан пасайтирилиб, СССР қурилиш давлат комитети бошлиғининг ўринбосари ишига ўтказилди. 1989 йилнинг мартада Б. Ельцин Москва шаҳридан СССР халқ депутати этиб сайланди. Ўша йилнинг июнь ойида у СССР Олий Кенгаши Президиумининг аъзоси ва айни пайтда қурилиш ва архитектура комитетининг раиси бўлди. Олий Кенгашда Б. Ельцин парламентдаги муҳолифатнинг ташкилотчиларидан бири сифатида танилади. 1990 йилнинг баҳорида Б. Ельцин РСФСР халқ депутати, шу йилнинг 29 майида эса РСФСР Олий Кенгашининг раиси этиб сайланади. Ўша йилнинг июлида у КПССдан намоёншкорона чиқади.

1991 йил 2 июнда Б.Ельцин РСФСРнинг биринчи президенти этиб сайланди. Ана шу пайтдан унинг тарқалиб кетаётган Совет Иттифоқининг президенти М. Горбачёв билан қаттиқ ва мурасасиз кураши бошланади. 1991 йилнинг августидан бир қатор олий партия ва давлат арбоблари СССРнинг тарқалиб кетишига қарши туришда М. Горбачёвнинг тўлиқ ожизлигини кўриб, давлат тўнтариши уюштиришга уриниб кўрдилар. Фитначилар М. Горбачёвни фақат номигагина қолган ҳокимиятдан четла-

тиш ва дезинтеграцион жараёнларнинг ғоявий илҳомчиси ҳамда ташкилотчиси сифатида Б. Ельцинни ҳибсга олиш ниятида эдилар. Бу режаларни амалга ошириш учун Москвага кўшин киритилди. Бироқ Б. Ельцин атрофидагиларнинг қатъий ҳаракатлари ва халқнинг уларни кенг қўллаб-қувватлаши фитначиларнинг режаларини барбод қилди. Фитначиларнинг штаби, ГКЧП деб аталмиш гуруҳ қамоққа олинди ва давлат тўнтаришига уриниш ҳақидаги иш бўйича тергов бошланди.

Август воқеалари Б. Ельцинни «халқ қаҳрамони»га ва Россиянинг расмий етакчисига айлантирди. Россия Федерациясининг президенти Б. Ельциннинг бундан буён фақат битта рақиби бор эди — СССР президенти М. Горбачёв. Б. Ельциннинг ҳар қандай йўл билан рақибини четлатишга уриниши ва 1991 йили ўзининг энг чўққисига чиққан дезинтеграцион жараёнлар Совет Иттифоқини драматик финалга олиб келди. 8 декабрда Россия (Ельцин), Украина (Кравчук) ва Белоруссия (Шушкевич) президентлари Беловеж аҳдномасини имзоладилар, унда бу давлатларнинг тўлиқ мустақиллиги баён этилди, бу эса СССРнинг тарихидаги сўнгги нуқтани кўйди.

Б. Ельцин бошқарувининг бутун давомида ўтказилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар оқибатида Россия ҳар томонлама инқирозни бошдан кечирди. 1992 йилнинг январида халқ истеъмол моллари нархларининг либераллаштирилиши (эркин кўйиб юборилиши) эълон қилинди, давлат ва муниципал корхоналарни хусусийлаштириш ҳамда савдо эркинлиги ҳақида қарорлар қабул қилинди. Бу (моҳияти ижобий бўлган) чоралар жуда салбий оқибатларга олиб келди — рубль фожиали тарзда қадрсизланди, россиялик фуқароларнинг ўз давлатлари томонидан таланиши рўй берди. 1992 йилнинг феввалида Ингушетия ва Шимолий Осетияда қонли этник тўқнашувлар бошланди, Чеченистон амалда федерация таркибидан чиқди, Бутунтатар курултойи Татаристоннинг мустақиллигини эълон қилди. Б. Ельцин салбий ҳолатларнинг ривожини тўхтатиб туришга уриниб, «Босқичма-босқич конституцион ислохот ҳақида» фармонга қўл қўйди. Бу қарор халқ депутатлари съездини, шунингдек, Россия Федерацияси Олий Советини тарқатиб юборишни назарда тутарди. Бунга жавобан Олий Совет Президиуми президент Б. Ельциннинг ваколатларини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди. Икки ҳокимиятнинг низоси Олий Совет уйининг ўққа тутилиши (1993 йил 3 — 4 октябрь) билан якунланди.

1993 йил 12 декабрда Федерация Советига ва Давлат Думасига сайловлар ўтказилди. Айнан ўшанда Россия Федерацияси Конституцияси қабул қилинган эди. Давлат ҳокимиятининг янги таркиби мамлакат ҳаётига

бирор-бир ўзгариш олиб кирмади. Қадрсизланишнинг навбатдаги ҳалқаси айланиб келар, маошларни беришда узилишлар бошланди, Чеченистон уруши давом этарди. Чечен айирмачилари уруш алангасини Шимолий Кавказнинг бошқа ҳудудларига тарқатишга уринардилар. 1995 йилнинг июнь ойида чечен кўпоровчи отрядлари бутун бир шаҳарни — Будённовскни (Ставрополь ўлкаси) гаровга олди. 1996 йилнинг январидида чечен жангарилари Кизляр шаҳрини ва Доғистондаги Первомайская станицасини эгалладилар. Мамлакат қабристонларида Чеченистонда ҳалок бўлган россиялик солдатларнинг қабрлари кун сайин ошиб борарди. Мамлакатдаги жуда мураккаб иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳолатга қарамасдан 1996 йили Б.Ельцинни президент қилиб иккинчи муддатга сайладилар. Ўз бошқарувининг охириги йилларида Ельцин тез-тез касал бўлиб, ойлаб Кремлда кўринмас эди. 1996 йил 19 сентябрда Б.Ельциннинг юрагида жарроҳлик операцияси ўтказилди.

Б. Ельциннинг даврида бир неча премьерлар алмашинди: Е.Т. Гайдарни В.С.Черномирдин алмаштирди, кейин ҳукумат раиси мансабида С.В. Кириенко, Е.М. Примаков, С.В. Степашинлар ҳам бўлиб ўтдилар. 1999 йил сентябрда премьер қилиб Б. Ельцин ўзининг вориси деб атаган, Федерал хавфсизлик бюроси директори В.В. Путин тайинланди. 1999 йил 31 декабрдаги Россия халқига қилган янги йил мурожаатида Б.Ельцин Россия президенти ваколатларини муддатидан олдин ўз зиммасидан соқит қилганлигини айтди. У олдиндан ўзининг расмий вориси — ҳукумат раиси В. Путиндан ўзи ва оила аъзоларининг хавфсизлиги учун давлат кафолатларини олди.

Борис Ельцин тарихга демократик деб айтиб бўлмаса-да, ҳар ҳолда тоталитар ҳам бўлмаган Россиянинг биринчи президенти сифатида кирди. Унинг бошқарувининг ҳайрон қоларли жойи шундаки, мутлақо энг яхши бўлмаган обком секретари демократик ўзгаришларнинг яловбадори бўлди ва ҳақиқатан ҳам Россияни ўзгартира олди. Соғлиғи йўл кўйган вақтда ҳеч қачон қадаҳ-қадаҳ ароқдан воз кечмаган, ҳар қандайин келишувни бузиб юборишга ва ўзининг пресс-секретарини Енисейда чўмилиртиришга қодир бўлган Борис Николаевич Ельцин, шунга қарамасдан, фақат рус демократик интеллигенциясининг ва ўрта синфнинггина (бошқарувининг бошларида эса бундан кўра кенгроқ халқ оммасининг ҳам) эмас, дўсти Билл Клинтоннинг ҳам ва дўсти Гельмут Кольнинг ҳам самимий муҳаббатини қозонганди. Б.Ельцин ваколатларни қўлида жамларди. Унинг қиёфасида президентни эмас, подшони кўрсалар, бу унга зимдан ёқарди. Аммо Россиянинг биринчи президенти Конституция бўйича ўзига

берилган қарийб чекланмаган ҳуқуқлардан жуда кўп фойдаланди деб ай-тиб бўлмайди. Б. Ельцин яхши яшашни истарди ва бошқаларга ҳам шуни раво кўрарди. Ўзини сўз эркинлиги кафолати деб эълон қилган ва ҳақиқатан ҳам ОАВ мустақиллигига ҳеч қачон чанг солмаганди. Чечен урушини бошлади, лекин матбуотда унинг ёритилишига қаршилик қилмади. Кейин эса мағлубиятни тан олишга ва исёнкор республика ҳудудидан Россия кўшинларини олиб чиқишга рози бўлди. Оқ Уйга ўт очилишига ва чечен фитнасига қарамасдан, Б. Ельцин Россия халқлари хотирасида ишлар ўзи қандай кетаётган бўлса, шундай кетишига йўл қўйиб берадиган, ҳеч кимга ҳаддан зиёд кўп ҳокимият бермайдиган ва «тўхташиб олишлар ҳамда қарама-қаршиликлар» классик тизимини ишлаб чиққан оққўнгил амаки бўлиб қолди. У аҳволнинг ёмонлашишига олиб келадиган драматик ўзгаришларга йўл қўймас эди, лекин жуда кўплар Б. Ельцин бошқаруви даврида кунларини зўрға кўрардилар. Биринчи президент кўп ваъда берар, анча кам қисмини бажарарди. Нархлар ошганидан кейин барибир ҳам ваъда берганидек бошини рельсга қўймади, лекин ҳеч қачон халқнинг қаттиқ нафратига ҳам учрамади. Б. Ельциннинг шахсияти абадулабад эркинликдан ҳали — ҳозирча ярим эркинликка томон узоқ, уқубатли, палапартиш ўтиш даврининг рамзи бўлиб қолди. Унинг давридаги ўзгаришлар қанчалар чуқур бўлганлигини келажак кўрсатади. Биттаси, шак-шубҳасиз, Б. Ельцин ҳукмрон сифатида ўз даврига мансуб эди. Б. Ельцин тоталитар ўтмишга қайтишга йўл қўймасдан, мамлакатда маданийлашган ёки унчалар ҳам маданийлашмаган авторитар режимни ўрнатиш имкониятларини очувчи конституцияни яратди. Ҳокимият тепасига сайловолди кампанияси ватанпарварлик шовқин-сурони ва янги чечен уруши отишмаларининг ўқ овозлари остида ўтган демократик тўлқинларда келган Б. Ельциннинг ўзи авторитаризм васвасасидан бахтли қутулиб қолган, унинг вориси эса фақат ҳокимиятни биринчи демократик сайланган президентнинг қўлларидан олганлиги туфайлигина демократия билан боғлиқ.

Хотини — Наина Иосифовна (1932), қизлик фамилияси — Гирина. Катта қизи — Елена Окулова (1957). Кўёви — Валерий Окулов, 1997 йилдан «Аэрофлот — Россия халқаро линиялари» ОАО директорлар кенгашини бошқаради. Уларнинг Екатерина ва Мария исмли қизлари ва Иван исмли ўғли бор. Екатерина Окулова турмуш қурган, ўғли бор. Кичик қизи — Татьяна Дьяченко (1960) 1997—1999 йиллари Россия Федерацияси президентининг имиж бўйича маслаҳатчиси лавозимини эгаллаган. Президент маъмуриятининг собиқ бошлиғи Валентин Юмашевга эрга теккан. 2002 йилнинг апре-

лида уларнинг қизлари Маша дунёга келди. Татьяна Дьяченконинг биринчи турмушидан икки нафар ўғли бор — Борис ва Глеб.

Борис Ельцин совет ҳукуматининг Ленин (1981), Меҳнат Қизил байроқ (1971, 1974), Хурмат белгиси (1966, 1981) орденлари билан мукофотланган.

Борис Ельцин 2007 йил 23 апрелда вафот этди.

«Мен одамлар озод бўлишларини истагандим...». (Борис Ельцин)

ҒАЛАБА МАРШАЛИ

ЖУКОВ, ГЕОРГИЙ КОНСТАНТИНОВИЧ
(19.11. (01.12.) 1896, Стрелковка қишлоғи,
Калуга вилояти — 18.06.1974, Москва)



Совет Иттифоқи Маршали (1943), тўрт марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1939, 1944, 1945, 1956). Камбағал деҳқон оиласида туғилган. 1903–1906 йиллари черков-приход мактабида ўқийди ва уни мақтов ёрлиғи билан тамомлайди. 1915 йили армияга чақирилади, 1916 йилнинг ёзида унтер-офицер бўлади. Иккита Георгий крестлари билан мукофотланган. 1918 йили Қизил Армияга кўнгилли бўлиб киради. 1939 йили Халхин-Гол ёнида япон босқинчиларини тор-мор қилиш бўйича ўтказилган ажойиб операция учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. 1940 йили унга армия генерали унвони берилади ва у Киев алоҳида ҳарбий округи кўмондони этиб тайинланади. 1941 йил январь-июль ойларида Бош штаб бошлиғи, СССР Мудофаа халқ комиссари ўринбосари. 1942 йилнинг августидан СССР Мудофаа халқ комиссари ўринбосари ва Олий Бош Кўмондон ўринбосари, Сталинград жангида фронтлар ҳаракатларини мувофиқлаштирган. 1945 йил 8 май куни Германия Куролли Кучларининг таслим бўлишини қабул қилади. 1946 йилнинг март ойидан қуруқликдаги қўшинлар Бош кўмондон ва СССР Куролли Кучлар министрининг ўринбосари. Ўша йили И.В.Сталин томонидан вазифасидан озод қилинган. 1946 йил июнидан Одесса, 1948 йилдан — Урал ҳарбий округлари қўшинларининг кўмондониди. 1953 йилдан — СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, 1955 йилдан — СССР Мудофаа министри. 1957 йили Г.К. Жуков ўз «шахсига сиғиниш»ни ўрнатишда, «фитначиликка мойиллик»да, Куролли Кучларни партия назоратидан чиқартиришга уринишда айбланди. 1957 йилнинг октябрида Н.С. Хрущёвнинг қўрсатмасига мувофиқ министрлик вазифасидан озод қилинади. Г. Жуков цензурага ва муҳаррирлик тўғрилашларига дучор этилган «Хотиралар ва фикрлар» (М., 1969) эсдаликларини ёзган. Муаллиф таҳририда 1992 йили қайта нашр қилинган (II нашр, 3 томлик). Москвада, Кремль деворлари ёнида дафн этилган.

Георгийнинг болалиғи қийин ва қувончсиз бўлди. Этикдўз касбига эга бўлган отаси доимо йўқчиликда юрар, тез-тез Москвага пул топишга кетарди. Онаси деҳқончилик билан шуғулланарди. Георгий ўзидан икки ёш

катта бўлган опаси Мария билан бирга етти ёшидан бошлаб дала ва уй-хўжалик ишларида ёрдам беради. 1906 йили у уч йиллик Величков черков-приход мактабини мақтов ёрлиғи билан битирди. 12 ёшидан у ўз тоғаси (онасининг туғишган акаси), бой уста-мўйнадўз қўлида шогирд-югурдак бўлди. Тоғасининг мўйнадўзлик устахонаси Москвадаги Камергер тор кўчасида — катта уйнинг бурчагини эгаллаганди. Георгий уй ишларини кўп бажарар, мураккаб мўйнадўзлик ҳунарини тиришқоқлик билан ўрганди, камёб мўйналарни дўконларга тарқатиб чиқар ва китоб ўқиш учун вақт ажрата оларди. 1912 йили у уста ёрдамчиси бўлди ва унга яшаш учун хона олишга рухсат берилди. Бу кечки умумтаълим курсларига қатнаш имкони-ни яратди. 1914 йили бошланган Биринчи жаҳон уруши армия сонининг оширилишига олиб келди. 1915 йилнинг майида ёшларни муддатидан илгари армияга чақириб ўтказилди. Тез орада Георгий Жуковга ҳам чақирув қоғози юборилди. 1915 йилнинг 7 августда Малоярославец шаҳрида 19 ёшли Георгий Жуков армияга чақирилди ва Харьков губерниясидаги Балаклея шаҳрида жойлашган 5-захирадаги отлик полкка қабул қилинди. Ана ўшандан бошлаб Г. Жуков то умрининг охирига қадар ҳарбий бўлди. Захирадаги 5-отлик полкдаги хизмати осон кечмади: от билан кундалик машқлар, ҳолдан тойдирувчи саф тайёргарлиги, отларга қараш, тўйимсиз овқат. Лекин Г. Жуков барибир ҳам илғор эди. 1916 йилнинг баҳорида энг яхши тайёрланган аскарлар қатори уни ҳам кичик унтер-офицерликка ўқувчи коман-да сафига киритдилар. Узоқ давом этмаган машғулотлардан сўнг кичик офицер Г. Жуков 10-драгун полкига жўнатилди. У шу полк таркибида фронтдаги жангларда қатнашди, кузда мина портлашида қаттиқ жароҳат олди ва Харьков ҳарбий госпиталига жўнатилди. 1917 йилнинг феввали келди. Инқилобий воқеалардан армия ва флот ҳам четда қолмади. Кўпгина генераллар ва офицерлар қўшинларга командирлик қилишдан четлатилди-лар. Бўлинма ва қисмларда солдат комитетлари ташкил этилди. Георгий Жуков ҳам полк кенгашига сайланди. 1917 йилнинг кузида таркибига москваликлар кирган эскадронни кутилмаганда тарқатиб юбордилар. Г.К. Жуков қийинчилик билан жонажон юртига етиб келди.

У қишлоқда ота-онасининг ёнида турганида, 1918 йилнинг феввалида тепкили терлама билан, ўша йилнинг апрелида эса қайта терлама билан қаттиқ касалланди ва фақат тажрибали маҳаллий волость врачси Н.В. Всесвятский-нинг ҳаракати туфайлигина тирик қолди. Мамлакатда фуқаролар уруши авж олаётган эди. Г. Жуков кўнгилли бўлиб Қизил Армия сафига кирди. Тез орада қизил командирлар тайёрлаш курсига юборилди. Фуқаролар урушидан сўнг Г.К. Жуков эскадронга командирлик қилди, 1923 йилдан эса

7 йил полкни бошқарди. Бу давр ичида фақат командирлик ва тарбиячиликдан бой тажриба орттирибгина қолмасдан, мустақил ҳарбий қисмнинг тўлақонли хўжайини бўлишни ҳам ўрганди.

1938 йил июлдан бошлаб Г.К.Жуков Беларусь алоҳида ҳарбий округи қўшинлари командирининг кавалерия бўйича ўринбосари бўлди. Келгуси йилнинг ёзида эса у 57-алоҳида корпусга, кейин эса Монголиядаги совет қўшинларининг 1-армия гуруҳига командирлик қилди. Бу армия гуруҳи унинг қўмондонлиги остида Монголия халқ-инқилобий армиясининг қисмлари билан биргаликда Халхин-Гол дарёси районида қисқа муддатда япон қўшинларининг йирик гуруҳини қуршаб олиш ва тор-мор қилиш бўйича операция ўтказди. Ҳали ана шу операциядаёқ Георгий Жуков олдиндан кўра билиш қобилиятини, душманни енгиш учун жасур, ноанъанавий чоралар белгилаш ва қўллаш олиш қобилиятини намоён қилди. Халхин-Голдаги жанговар ҳаракатлар тажрибаси қўшинларда ўрганилди. У ҳарбий фаннинг ривожланишига арзигулик ҳисса қўшди. 1940 йил майнинг бошларида Г.К. Жуковни шахсан И.В. Сталин қабул қилди. У алоҳида Киев округи командири этиб тайинланди. Ана шу йили Қизил Армиянинг олий қўмондонлик таркибига генераллик унвонлари бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Ўшанда Г.К. Жуковга армия генерали унвони берилди. Киев алоҳида ҳарбий округида янги қўмондон қўшилмалар ва қисмлар командирлари олдида дарҳол қўшинларни жанг шароитига яқинлаштирилган шароитларда ўргатиш талабини олға сурди. Бу тушунарли, чунки Иккинчи жаҳон уруши авжида эди, СССРга қарши агрессия хавфи тобора ортиб борарди. Г.К. Жуков округида команда-штаб машқларининг ва қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги кўрикларининг ташаббускори бўлиб чиқди. У қўшинлар босқинчиларга тор-мор этувчи зарба беришлари учун улкан иш бажариш лозимлигини таъкидлади. 1940 йилнинг декабрида округлар ва армиялар қўшинларининг қўмондонлари, ҳарбий Кенгашлар аъзолари ва штаб бошлиқлари иштирокида Бош штабда кенгаш бўлиб ўтди. Унда армия генерали Г.К.Жуков ҳам маъруза қилди. У СССРга фашистлар Германиясининг ҳужум қилиши муқаррар эканлигини таъкидлади.

1941 йил январининг охирида Г.К. Жуков Бош штаб бошлиғи, СССР Мудофаа халқ комиссарининг ўринбосари этиб тайинланди. У ўзининг энг яқин ёрдамчиларига суянган ҳолда бу кўпқиррали ва жуда масъулиятли лавозимни тез ўзлаштириб олди. Ўша пайтлари Бош штаб улкан оператив, ташкилий ва сафарбарлик ишларини бажарди. Лекин Г.К. Жуков дарҳол унинг фаолиятидаги, шунингдек, Мудофаа халқ комиссарлиги ва қўшин турлари қўмондонликларидаги камчиликларни илғаб олди. Жум-

ладан, уруш бўлган ҳолатида барча Куролли Кучларни бошқаришни амалга ошириш мумкин бўлган команда пунктларини тайёрлаш, қўшинларга қўмондонликнинг кўрсатмаларини тез етказиш, қўшинлардан хабарларни қабул қилиш ва ишлаб чиқиш чоралари кўрилмаган эди. Бош штабнинг фаолияти Г.К. Жуков раҳбарлиги остида сезиларли фаоллашди. У, биринчи навбатда, армияни қисқа муддат ичида урушга муваффақиятли тайёрлаш учун йўналтирганди. Аммо вақт қўлдан бой бериб қўйилган эди. 1941 йил 22 июнда фашистлар Германиясининг қўшинлари СССРга бостириб кирдилар. СССР уруш домига тортилди. Бош штаб кечаю кундуз ишлашга ўтди. Қийин шароитларда, шафқатсиз чегара ёни жанглари давом этаётган пайтларда Г.К. Жуков қарийб доимий фронтда бўлар ва душманнинг зарбаларини қайтариш учун чоралар кўрарди. 1941 йилнинг 23 июнида қўмондонликнинг Бош Ставкаси тузилади. Унинг таркибига Г.К. Жуков ҳам киради. Кейинчалик фронтларга раҳбарлик қилишни яхшилаш мақсадида у Олий Бош қўмондонлик Ставкаси деб ўзгартирилди. Г.К. Жуков Ставка вакили сифатида Жануби-Ғарбий фронт қўмондонлиги билан биргаликда механизациялашган корпуслар кучлари билан Брода шаҳри районида қарши зарба уюштирди. Бундан мақсад битта — гитлерчилар қўмондонлигининг ўз ҳаракатчан қўшилмалари билан бирданга Киевга ёриб ўтиш учун уринишларини йўққа чиқариш эди.

1941 йилнинг август-сентябрида Резерв fronti қўшинларига қўмондонлик қилар экан, Г.К. Жуков Иккинчи жаҳон уруши жараёнида биринчи марта ҳужум операциясини муваффақиятли амалга оширди. 1941 йилнинг 11 сентябрида Георгий Жуков Ленинград fronti қўмондони этиб тайинланди. У ақл бовар қилмас ҳаракатлар ҳисобига барча резервларни сафарбар қилишга, шаҳарнинг ҳимоясига ўз улушини қўшишга қодир бўлган барчани оёққа турғизишга эришди. Фронт қўшинлари Болтиқ флотини кучлари билан биргаликда ва Ленинград меҳнаткашларининг фаол қўллаб-қувватлаши билан душманни тўхтата олди. Бу ҳаракат жуда улкан оламшумул аҳамиятга эга бўлди ва урушнинг кейинги боришига ўз таъсирини ўтказди.

1941 йил октябридан аҳвол жуда оғирлашган Москва шаҳрини ҳимоя қилишни бошқариш Ғарбий фронт қўмондони Г. Жуковга топширилди.

Г.К. Жуков ўзига билдирилган ишонччи оқлади. Қизил Армия унинг раҳбарлиги остида гитлерчиларнинг сараланган дивизияларини тўхтата олди, кейин эса, қарши ҳужумга ўтиб, душманни юзлаб километр нарига улоқтириб ташлади. 1942 йилнинг августидан бошлаб Г.К. Жуков СССР

Мудофаа халқ комиссарининг биринчи ўринбосари ва Олий Бош қўмондоннинг ўринбосари этиб тайинланди. У Сталинград остоналарида, Ленинград қамалини ёриб ўтиш кунларида, Курск остонасидаги жангларда, Днепр учун жангларда фронтларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришни амалга оширди. Корсунь-Шевченко операциясининг якунловчи даврида машҳур армия генерали Н.Ф.Ватутин фашистлар томонидан ярдор қилинди ва госпиталда ҳалок бўлди. Ставка 1-Украина фронтини Г.К. Жуков бошқаргани мақсадга мувофиқ, деган хулосага келди. У бу ишончни шон-шараф билан оқлади. Унинг қўмондонлигидаги қўшинлар 1944 йилнинг апрелида кўплаб шаҳарлар ва темир йўл узелларини озод қилдилар, Карпат тоғ ёнбағирларига чиқдилар. Ватан олдидаги алоҳида юксак хизматлари учун Совет Иттифоқи Маршали Г.К. Жуков олий ҳарбий мукофот №1 «Ғалаба» ордени билан тақдирланди, минглаб жангчилар эса орденлар ва медаллар билан мукофотландилар. 1944 йилнинг эзида Г.К. Жуков Белоруссия стратегик операциясида 1 ва 2-Белорус фронтларининг ҳаракатларини мувофиқлаштирди. Аниқ режалаштирилган ва моддий-техник воситалар билан яхши таъминланган бу операция муваффақиятли якунланди. Вайрон қилинган Минск, Белоруссиянинг кўплаб шаҳар ва қишлоқлари душмандан озод этилди.

Немисларнинг «Марказ» ва «Шимолий Украина» армиялар гуруҳларининг тор-мор этилиши, Висла дарёсидаги йирик истеҳкомларнинг учдан бири эгалланганлиги ва Варшавага чиқиш совет қўшинларини Берлинга яқинлаштирди. 1945 йилнинг апрель-май ойларида Совет Иттифоқи Маршали Г.К. Жуков қўмондонлиги остидаги фронт қўшинлари 1-Украина ва 2-Белорус фронтлари қўшинлари билан ҳамкорликда Берлин операциясини муваффақиятли амалга оширдилар. Гитлерчиларнинг энг йирик қўшин гуруҳларини тор-мор қилиб, улар Берлинни эгалладилар. 1945 йил 8 майда Г.К. Жуков Совет Олий Бош қўмондонлигининг топшириғига кўра Карлхорстда фашистлар Германиясининг таслим бўлишини қабул қилди. Бу атоқли лашкарбоши Г.К. Жуковнинг таржимаи ҳолидаги энг ёрқин ва шарафли саҳифа бўлиб қолди. Унинг ҳаётидаги иккинчи ёрқин воқеа — Қизил Майдондаги ғалаба намойиши. Унга, фашизмни тор-мор қилишда улкан ҳисса кўшган қўмондонга, бу тарихий намойишни қабул қилиш насиб этди.

Урушдан кейин Г.К. Жуков Германиядаги совет қўшинларининг Бош қўмондони ва Совет ҳарбий маъмуриятининг бошлиғи. 1946 йилнинг март-июлида у қуруқликдаги қўшинлар Бош қўмондони ва Куролли Кучлар министрининг ўринбосари, 1946—1948 йиллари — Одесса, кейин эса,

1953 йилнинг мартигача — Урал ҳарбий округларига қўмондонлик қилади. Март ойидан қарийб икки йил Мудофаа министрининг ўринбосари. 1955 йил февралидан 1957 йил октябрга қадар Г.К. Жуков СССР Мудофаа министри. Қуролли Кучларни бошқарар экан, у шахсий таркибни тарбиялашда қатъийлик билан жанговар тажрибани киритди, қўшинларни замонавий ҳарбий техника асосида қайта қуролантиришни оғишмай амалга оширди, Қуролли Кучларда қатъий интизом ўрнатди, жангчиларнинг ижтимоий таъминланишини яхшилаш чораларини кўрди.

Маршал Г.К.Жуковнинг армиядаги, халқ орасидаги обрўси беқиёс эди. У тўрт марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, икки карра «Ғалаба» ордени, 6 та Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени, 3 та Қизил байроқ ордени, 2 та биринчи даражали Суворов ордени, чет мамлакатларнинг кўплаб орден ва медаллари, фахрий қурол билан тақдирланган. У Монголия Халқ Республикаси Қаҳрамони. Уруш даврида Олий Бош қўмондон ўз буйруқларида унга 41 марта ташақкур билдирган. Аммо ғалабага ва Совет Қуролли Кучларини мустақкамлашга катта ҳисса қўшган буюк лашкарбошининг улкан хизматлари ҳар доим ҳам ҳисобга олинавермасди. Г.К. Жуковни юксак мансаблардан туширдилар ва КПСС МК таркибидан чиқардилар, бунда доҳийларнинг ҳам ҳиссаси бўлди. Бу зулмлар лашкарбошини бука олмади. Бурчга садоқат, бир марта ва абадий танлаб олинган ишга содиқлик Г.К. Жуков характерининг асосий белгилари эди. У ўз қобилиятининг теранлиги ва қуввати, ўзининг гоъвий-ахлоқий сифатларига кўра Ватаннинг муносиб фарзанди эди. У ўзида олийжаноб инсоннинг, ватанпарвар ва байналмилалчининг энг яхши белгиларини жамлаганди. Истеъфога чиққандан кейин Г.К. Жуков ўзининг сўнгги жасоратини кўрсатди. Соғлиғи заиф эканлигига қарамасдан (инфаркт, инсулт, асаб шамоллаши) у Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги ҳаққоний китобини — «Хотиралар ва фикрлар»ни шахсан ёзиб, улкан инсонийлик бурчини бажарди. Китоб: «Совет солдатига бағишлайман. Г.К. Жуков» деган сўзлар билан бошланади. Совет Иттифоқида бу китоб 8 миллионга яқин нусхада 12 марта чоп қилинди. У дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатида 19 тилда нашр қилинган, бунинг устига биринчи чет эл нашри 1969 йили ГФРда чиққан. Немисча нашрининг муқовасида «Бизнинг давримизнинг энг улуғ ҳужжатларидан бири» деб ёзиб қўйилганди. Г.К. Жуков ўзининг қизлари Эра, Элла ва Машани беқиёс севарди. У кўп ўқир, ов ва балиқ овлашга қизиқар, баян чаларди.

1974 йил 18 июнь куни Г.К.Жуков вафот этди. Мамлакат раҳбарларининг қарорига кўра у Қизил Майдонда Кремль деворлари ёнида буюк

ҳарбий ва давлат арбоби сифатида иззат-икром билан дафн этилди. Маршал Г.К. Жуковнинг номи ҳаво ҳужумига қарши ҳарбий қўмондонлик академиясига берилди. Лашқарбоши Г.К.Жуковнинг номи планетанинг, Москва, Санкт-Петербург ва бошқа шаҳарлар кўчаларининг номларида абадийлаштирилди. Москва, Екатеринбург, Омск, Тверь, Ирбит, Харьков, Курск ва бошқа бир қатор шаҳарларда Г.К. Жуковга ёдгорлик ўрнатилган, Калуга областининг Жуков шаҳрида унинг бронза бюсти ўрнатилган, Стрелковка қишлоғида эса гранит ҳайкали қўйилган. 1994 йили Россия Федерацияси Президентининг фармони билан Совет Иттифоқи Маршали Жуков номидаги «Иш ва садоқат учун» ордени ва Жуков медали таъсис этилди.

Мен учун энг асосийси Ватанга, ўз халқимга хизмат қилиш бўлди. Ва соф виждон билан айтишим мумкин: мен ўзимнинг бу бурчимни бажармоқ учун ҳамма нарсани қилдим. (Георгий Жуков)

ЗИДДИЯТЛИ ЗАМОН ФАРЗАНДИ¹



ИКРОМОВ АКМАЛ

(1898, Тошкент — 13.03.1938, Москва)

Партия ва давлат арбоби, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ташкилотчиларидан бири, 1921 йилдан Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари, 1922—1924 йиллари Москвадаги Коммунистик университетда ўқиди, 1925 йилдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул секретари, 1929 йилдан эса Компартиянинг биринчи секретари.

XX аср ўзбек халқининг давлат ва сиёсат арбоби Акмал Икромов Тошкент шаҳридаги Ўқчи маҳалласида Икром домла оиласида туғилди. Дастлаб отасининг мактабида саводини чиқарди. Домла Икромнинг оиласи анча катта бўлиб (ўн тўрт киши), домланинг топган-тутгани доимо ҳам етавермас эди. Акмал болалигидан отасига ёрдам бериш учун ишга киришади ва икки йил тошкентлик савдогар Мир-Ахматбойнинг кўлида ишлайди. Оғир меҳнат ва етишмовчилик ўсмирнинг соғлиғига путур етказди. У касал бўлиб бир неча ой тўшақда ётиб қолади. Соғайгандан кейин қурилишга сувоқчи бўлиб ишга киради. Бўш пайтларида ўз устида ишла-

¹ Ўзбек давлат арбоблари А. Икромов, Ш. Рашидов, Ф. Хўжаев ва У. Юсуповларга бағишланган мақолаларни тайёрлашда т.ф.д. Қ. Ражабов материалларидан фойдаланилган.

ди, саводини оширди, форс ва араб тилларини ўрганди. У Шарқ поэзиясини, айниқса Навоий, Фирдавсий, Умар Хайём ва Низомий ижодини чуқур ўрганди, ўзи ҳам шеърлар ёзди. Қурилишда ишлаб юрган пайтларида рус ишчилари билан танишди ва уларнинг социалистик ғоялари таъсирига берилди бошлади. 1917 йили онаси, сўнгра оғир касаллик туфайли отаси вафот этади.

1917 йил августидан Акмал Икромов Тошкентдаги педагогика курсида таҳсил олади ва шу даврда большевиклар билан яқин алоқага киришади. 1918 йили эса уларнинг партиясига аъзо бўлиб киради. Албатта ёш Акмалнинг ушбу йўлни танлашига болаликдаги оғир ҳаёт, етишмовчиликлар, атрофдаги тенгсизлик ва ноҳақлик, ота-онасининг ўлими туфайли оиласи бошига тушган оғир кунлар катта таъсир кўрсатади. У 1918 йилда Тошкент ва Наманган шаҳарларида ўқитувчилик қилди. Акмал Икромов «Изчилар» тўдаси ва «Чигатой гурунги»нинг аъзоси сифатида дастлаб совет тузумига, унда шаклланиб келаётган тўрачилик ва ҳақсизликларга қарши мақола ва шеърлар ёзди. Аммо тез орада бу ташкилотлар билан алоқасини узиб, большевиклар томонига ўтди. Чунки ўша пайтда большевиклар ўртага ташлаган шиорлар мазмунан сохта бўлса-да, ўзининг жарангдор шакли билан Акмал Икромовга ўхшаган ёшларнигина эмас, анча тажрибали миллатпарвар зиёлиларни ҳам чалғитиб қўйган эди. А. Икромов 1919 йилдан Наманганда, аввал халқ таълими бўлимида, кейин маданият бўлими мудири ва коммунистларнинг Наманган шаҳар қўмитасида мусулмонлар бюроси раис муовини ва раиси лавозимларида ишлади.

1920 йил май-август ойларида коммунистларнинг Фарғона қўмитасида қишлоқ билан ишлаш бўлими мудири, қўмита раисининг муовини лавозимларида ишлади. Туркистонда ер-сув ислохотини ўтказишга тайёргарлик бошланиши муносабати билан Республика Ер ишлари халқ комиссариатини мустаҳкамлаш мақсадида РКП (б) МК Турқбюроси А. Икромовни Туркистон Ер ишлари халқ комиссарининг муовини қилиб тайинлайди.

1920 йил декабрида Акмал Икромов Сирдарё вилоят партия қўмитаси котиби ва маданият ишлари бўлими мудири қилиб тайинланади. 1921 йилнинг охирида Акмал Икромовни Туркистон Коммунистик партияси Марказий қўмитасининг масъул котиби этиб тасдиқлашади. У энди 23 ёшга тўлган эди. Бу қисқа биографик очеркда А. Икромовнинг барча лавозимларини санаб ўтиш қийин, албатта. Лекин замондошларининг эслашича, у барча лавозимларда чин иштиёқ билан меҳнат қилган.

Акмал Икромов 1922 — 1924 йилларда Москвада Я.Свердлов номидаги Коммунистик университетда ўқиди ва коммунистик гоёлар билан қуроллантирилди. У талабалик йилларида И. Сталиннинг 1923 йил апрелдаги «Партия ва давлат қурилишидаги миллий масала» номли марузасида келтирилган фикрларга, хусусан, миллатларни автономлаштириш гоёсига қарши чиқди. У фикрларини қўрқмасдан, дадил айта оладиган киши эди ва бу хислат унинг тақдирида қандай машғум роль ўйнашини ҳали билмасди. Шунга қарамасдан, айнан Москвада олган ана шу коммунистик сабоқ А.Икромов фаолиятининг кейинги даври ва йўналишини белгилашда катта таъсир кўрсатди. Москвадан қайтгач, А. Икромов ташкилий ишларга фаол қўшилиб кетди. Маълумки, 1924 йили Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказилиб, совет республикалари ташкил қилинган эди. А. Икромов 1924 йил декабрдан 1925 йил февралгача Тошкент обкомининг масъул котиби лавозимида ишлади, 1925 йил февралда эса Ўзбекистон Компартияси МК масъул котиби лавозимига сайланди. Бу даврда фаолият юритган барча раҳбарлар, жумладан, А. Икромов фаолиятида ҳам иккита йўналишни ажратиш мумкин: биринчи йўналиш — Ўзбекистон коммунистларининг етакчиси бўлган А. Икромов ўзининг фаолияти давомида совет ҳокимияти сиёсатини изчиллик билан амалга оширди. Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти, коллективлаштириш, «қулоқларни синф сифатида тугатиш» каби тадбирларда фаол иштирок этди, уларга раҳбарлик қилди. Айни шу йилларда матбуот саҳифаларида хурфикрликка йўл берилиб, туркийлик, истибдод хусусида муайян фикрлар кўрина бошлаганда, компартиянинг масъул котиби сифатида А. Икромов «Сиёсий кўрлармиз» деган мақола билан чиқиб, шундай «оғмачилар»ни кескин қоралайди. У «иноғомовчилик»ка қарши бир неча бор чиқишлар қилиб, уларни «миллий оғмачилик»да ва «миллатчилик»да айблайди. 1927 йил октябрда Самарқандда бўлган ЎзССР маданият ходимларининг иккинчи қурултойидаги А. Икромовнинг «Мафқуравий жабҳадаги кураш ва маданият ходимларининг вазифалари» мавзусидаги маърузасидан миллий тараққийпарварларнинг ўша машҳур илк қатағони учун гоёвий замин яратишда фойдаландилар. Шундан сўнг 1929 йилда Мунаввар қори бошлиқ тараққийпарварлар жисмоний қатағонга учрадилар¹.

1929 йил 18 декабрда А. Икромов Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи котиби этиб сайланди. У мамлакатнинг пахта мустақиллиги учун

¹ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. К. 2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида (Тузувчилар: М. Жўраев, Р. Нуруллин, С. Камолов ва бошқалар). — Т., «Шарқ», 2000, 324-бет.

курашда ҳам фаол иштирок этди. 1929 йилда А. Икромов биринчидан, пахта экиш учун янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш; иккинчидан, пахта экишни, айниқса, Тожикистон ва Сурхондарё вилоятларида ингичка толали пахта экишни кучайтириш; учинчидан, бошқа экинларни сиқиб чиқариш ҳисобига пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш лозим, деган конкрет таклифлар билан чиқди. Бу таклифлар ҳам республикамизда пахта яккаҳокимлигини ўрнатиш ва Ўзбекистонни СССР нинг хомашё баъзасига айлантиришда катта роль ўйнади.

А. Икромов фаолиятидаги иккинчи йўналиш — айнан шу йиллари Ўзбекистонда оғир ва енгил саноатнинг асослари яратилди. Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи (Ташсельмаш), Тошкент ва Фарғонада текстил комбинатлари, Самарқандда, Бухорода ва Қўқонда тикувчилик фабрикалари, Тошкентда кондитер фабрикаси ва бошқалар қурилди. Саноатнинг янги соҳаларига, Чирчиқ, Ангрен, Олмалик каби саноат шаҳарларига асос солинди. 1940 йилда Ўзбекистонда 1452 та саноат корхонаси фаолият юритаётган эди. Таълим тизимида катта ишлар амалга оширилиб, Бухоро, Фарғона, Тошкент ва Самарқандда педагогика институтлари очилди, малакали педагогик кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Буларнинг барчасида А. Икромовнинг ҳам раҳбарлик роли ва ҳиссаси бор.

Бугун ватанимиз — Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлидан бормоқда. Замонимиз тинч, мақсадларимиз улуғ ва аниқ. Бугунги тинч замондан ортга боқиб, у алғов-далғов замонларни охиригача тушуниш, у давр кишиларининг ҳақиқий ўй-хаёллари-ю орзу-умидларини архивларда сақланаётган расмий ҳужжатлар орқалигина аниқлаш ва, айниқса улар фаолиятини бугунги кун меъзони билан баҳолаш анча мушкул ва тўғри бўлмаса ҳам керак. Аслида биз баҳо бермоқчи ҳам эмасмиз, чунки А.Икромовнинг, оиласининг кейинги мудҳиш тақдири у ишонган, сидқидилдан хизмат қилган большевиклар режимининг унга бўлган ҳақиқий муносабатини кўрсатиб берди. Мустабид тузум қатағонлари уни ҳам аяб ўтирмади. А. Икромов 1937 йил сентябрда Тошкентда ҳибсга олинди ва 1938 йил март ойида Москвада отиб ташланди.

Турмуш ўртоғи Е.Л. Зелькина ЎзССР Ер ишлари халқ комиссарининг муовини бўлиб ишлаган. А. Икромовдан кейин у ҳам қатағонга учраган. Ўғли Комил Икромов журналист бўлиб, Москвада вафот этган.

Акмал Икромов ўша зиддиятли замоннинг ўзи каби мураккаб, аммо ёрқин сиймоларидан бири сифатида тарихимизда муносиб ўрнини эгаллаган.

«УМИД ОСТОНАСИДАН ҲАТЛАБ...»



**ИОАНН ПАВЕЛ II (КАРОЛЬ ВОЙТИЛА) —
(18.05.1920 — 02.04.2005)**

Краков яқинидаги унча катта бўлмаган поляк шаҳарчаси Вадо-вицда камтарона хизматчи оиласида дунёга келди. Бўлғуси Папанинг ҳар томонлама қобилияти мактаб йилларидаёқ намён бўлди. Иккинчи жаҳон уруши бошланишидан бир йил олдин Кароль гимназияни тугатди ва Краковдаги Ягеллон университетининг фалсафа факультетига кирди, у ерда католик ёшлар уюшмасига яқинлашди. Немис истилоси йилларида, университет ёпиб қўйилганида, Войтила отаси билан узил-кесил Краковга кўчиб ўтади, у ерда диний семинарияга қатнаша бошлади.

Аввалига шахтада, кейин эса, «Солвей» концерни кимёвий корхоналарининг цехларида у ўз нонини ўзи ишлаб топишига тўғри келди. Краков озод қилинганидан кейин Войтила дин билан фаол шуғулланишни давом эттирди. 1946 йилнинг 1 ноябрида у Краков архиепископи Адам Стефан Сапега томонидан руҳонийлик даражасига ўтказилди. Кейин Римда Доминикан «Angelicum» университетининг фалсафа факультетида, Швейцария ва Бельгияда ўқиди. 1948 йили ёш руҳоний ватанига қайтиб келди. Бу ерда у Неговиц қишлоғи қавмида (1948—1949), кейин эса Краковнинг шаҳар қавмларидан бирида (1949—1951) викарий (руҳонийнинг ёрдамчиси) вазифасини бажарди. 1953 йили Ягеллон университетининг теология факультетида ахлоқий илоҳиёт доктори даражасини олди ва Краков диний семинариясида ижтимоий ахлоқ бўйича марузалар курсини олиб борди.

1956 йили Кароль Войтила Люблин католик университетида профессор ўринбосари этиб тайинланди ва келгуси йили доцент лавозимини олди. 1958 йил 4 июлда Папа Пий XII нинг марҳамати билан Краков архиепископлигининг епископ ёрдамчиси (викарий) бўлди ва 1958 йил 28 сентябрда епископ даражасига ўтказилди. 1964 йил 13 январда Папа Павел VI уни Краков архиепископи ва митрополити этиб тайинлади, 1967 йил 29 майда эса Папанинг қўлларидан кардиналликнинг қирмизи қалпоқчасини олди.

Бу йиллари ёш архиепископ Войтиланинг номи Польшадан ташқарида ҳам тез машҳур бўла бошлади. У Польша Епископлик конференциясининг вице-президенти, Рим-католик черкови епископлари Синодининг доимий котибиати аъзоси бўлди, тарихий Иккинчи Ватикан соборининг ишларида фаол иштирок этди (1962—1965). Шунга қарамасдан, уни «папабил», яъни Апостол тахтига реал номзод сифатида ҳеч ким кўрмасди. Иоанн Павел I нинг 33 кунлик понтификатидан кейин 1978 йилнинг ок-

тябрида Ватиканда яна Конклав (Рим Папасини сайлаш учун Кардиналлар коллегиясининг мажлиси) очилди. 16 октябрда 72 соатлик мажлис ва етти тур овоз беришдан сўнг Сикстин капелласи устидаги машхур мўридан оқ тутун чиқа бошлади, бу эса янги Рим Папаси сайланганидан гувоҳлик берарди. 1523 йилдан буён Апостоллик тахтига биринчи бор итальян эмас, Папа Иоанн Павел II номини олган славян кўтарилди.

Ажойиб жисмоний ҳолатда бўлган эллик саккиз ёшли Папа дарҳол ўзини янги ғоялар ва фикрларга тўлиқ бўлган черков бошлиғи сифатида намоён қилди. Айни пайтда тез орада маълум бўлдики, у анъанавий диний консерватизмни мисли йўқ қарорлар ва ишлар билан биргаликда қўшиб олиб боришга қодир экан. 1979 йил июнда у Польшага машхур саёҳатни амалга оширди, у ерда, Жорж Вейгелнинг сўзларига кўра, «Марказий-Шарқий Европада зўрлик ишлатилмасдан коммунизмнинг инқирозини вужудга келтирган кишилар онгидаги инқилобни келтириб чиқарди». У синагогагача борган ва протестантлик черковида сўзга чиққан, масжидга кирган ва православ мамлакатига расмий ташриф қилган биринчи Ғим Папаси бўлди. Папа турли хил диний мазҳаблардаги христианларни яқинлаштиришга ҳаракат қилди. У Константинополь патриархи билан учрашди, Кентерберий кафедрал собори ва Рим Евангелие соборига ташриф қилди. У 1983 йили Мартин Лютер туғилганининг 500 йиллиги муносабати билан нутқ сўзлади. 1986 йили унинг ташаббуси билан Асижда тинчлик ҳақида дуо ўқиш Бутунолам Куни ўтказилди, унда дунёдаги қарийб барча динларнинг вакиллари қатнашдилар. 1991 йили Иоанн Павел II Форс қўлтигида, кейин эса Болқонда тинчликка чақирди. 1995 йили у БМТ штаб-квартирасида инсон ҳуқуқлари универсаллигини ҳимоя қилиб чиқди ва Бирлашган Миллатларни «бирдамлик, демакки, тинчлик ишини ҳам» ўз зиммаларига олишга чақирди.

Иоанн Павел II нинг йигирма олти йиллик понтификати Черковнинг кўп асрлик тарихида Муқаддас Пётр ва саодатманд Пий IX бошқарувларидан кейин давомийлиги жиҳатидан учинчи бўлди. Бу йиллар давомида понтифик 250 пасторлик ташрифларини, шу жумладан 104 чет эл саёҳатларини амалга оширди, бунда у Ердан Ойгача бўлган масофадан уч карра ортиқ йўлни босиб ўтди. Бу ташрифлар давомида у барча қитъалардаги 1022 шаҳарларга борди ва умумий ҳисобда 822 дан ортиқ кеча-кундузни Ватикандан ташқарида ўтказди. Иоанн Павел II нинг амалга ошмаган орзуси бўлиб — Россияга саёҳат қилиш қолаверди. 1981 йил 13 майда турк террористи Али Агжа зиёратчилар ва сайёҳларнинг ҳафталик бош йиғинида, йигирма минг кишининг иштирокида Папага бор-йўғи уч ярим метр масофадан ўқ узди, кучли тўққиз миллиметрлик тўппончадан узилган ўқ биринчи Рим руҳонийсининг қорнига тегди ва аортадан бир неча

миллиметр наридан ўтди. Жуда мураккаб операцияни бошидан кечирган Папа Али Агжа билан шахсан учрашишни талаб қилди. Кардиналлардан бирининг айтишича, Папа юзини қўллари билан ёпиб, Али Агжага нималарнидир гапириб, террорист билан узоқ вақт ёнма-ён ўтирган. У камерадан чиққанида юзида кўз ёшлари ялтираб турарди.

Иоанн Павел II 120 фалсафа ва илоҳиятга бағишланган илмий ишларнинг, 14 энциклик ва 5 китобнинг муаллифи. Бу китобларнинг охиргиси — «Хотира ва ўхшашлик» 2005 йил 23 февралдаги унинг сўнгги бор касалхонага ётқизирилиши арафасида ёзилган эди. У ёзган асарлар орасида бадийлари — шеърлар ва пьесалар ҳам бор. Бироқ Папанинг асосий бестселлери «Умид остонасидан ҳатлаб...» деб номланган, 10 йил аввал чиққан ва жаҳонга 20 миллион нусхада тарқатилган китоб бўлди. Понтифик ОАВнинг астойдил диққат эътиборини доимий равишда ўзига тортар эди. Ўрта ҳисобда ҳар йили унинг шахсиятига бағишланган 200 га яқин китоб нашр этиларди. Иоанн Павел II шахсиятига унинг понтификатининг биринчи йиллари, у тоталитаризмнинг барча турларини ва, айниқса, коммунизмни кескин ва ошқора танқид қилган даврда алоҳида қизиқиш қаратилган эди.

Рим Папаси Иоанн Павел II 2005 йил 2 апрель шанба куни Рим вақти билан соат 21 дан 37 дақиқа ўтганда вафот этди.

*Давлатлар, иқтисодий ва сиёсий тузумлар чегарасини очинг! Қўрқманг!
(Иоанн Павел II, Рим Папаси).*

ЖАМАҲИРИЯ ОТАСИ КАДДАФИЙ, МУАММАР (1942, Сирт – 20.10.2011, Сирт)



Тўлиқ исми Муаммар бен Муҳаммад Абу Меньяр Абдул Салом бен Ҳамид ал-Каддафий — аниқ туғилган санаси жумбоқлигича қолмоқда. Унинг кўпгина биографлари Ливиянинг дохийси 1940 йили туғилганини айтадилар. Каддафийнинг ўзи ёзишича, у 1942 йилнинг баҳорида Сирт шаҳридан 30 км жануброқда бадавий чайласида дунёга келган. Унинг отаси ал-Каддафа қабиласининг вакили — чўпон эди. Онаси уч нафар катта қизлари билан уй ҳўжалигини юритарди. Ўрта мактабни тугатгач, Каддафий Ливия билим юртига кирди. Боунингтон-Хисдаги (Англия) ҳарбий мактабда тайёргарликдан ўтди. Талабалик йилларида «Озод офицерлар юнионист-социалистлар» яширин ташкилотини тузди. Бу ташкилот Абдул Носирнинг «Озод офицерлар» ташкилоти сингари ҳокимиятни қўлга олишни ўзларига мақсад қилиб қўйганди.

Ливия Социалистик Халқ Араб Жамаҳириясининг ва унинг Инқилобий Раҳбарлигининг бошлиғи. 1977—1979 йилларда — Ливия Умумий халқ конгрессининг Бош котиби. 1969 йил 1 сентябрдан 1977 йилнинг мартагача Инқилобий қўмондонлик Кенгаши раиси. 1970—1972 йиллари — премьер-министр.

1969 йил 1 сентябрда Каддафий ва унинг сафдошлари қирол Идрис ал-Сенусий ҳокимиятини ағдардилар. Инқилобий кўмондонлик Кенгашини бошқарган Каддафий кўшилмаслик сиёсатини юритди. Ливия ҳудудида Британия ва Америка базаларининг чиқариб юборилишига эришди ва Миср Президенти билан яқин муносабатлар ўрнатди.

Каддафий даврида Ливия Яқин Шарқ ва Африка муаммоларида фаол иштирок эта бошлади. 70-йилларнинг бошларида Каддафий Миср ва Сурия билан федерация тузиш бўйича муваффақиятсиз уринишни амалга оширди. Фаластинликларнинг қуроли курашларини қўллаб-қувватлади. 1973 йилдан бошлаб аста-секин Мисрдан узоқлашиб борди ва 1977 йили Анвар Садатнинг Исроил билан сулҳ тузиш ҳаракатига қарши чиққан араб етакчилари орасида обрўли одам бўлиб қолди. Каддафий ҳукумати Исроил билан музокаралар олиб бориш имкониятини рад этган Фаластин экстремистик гуруҳларини доимий қўллаб-қувватлади. Каддафий Ливияда асосини халқ кўмиталари ва кенгашлари ташкил қилган ҳокимиятни ўрнатди, 1977 йилнинг мартида «Халқ Республикаси»ни эълон қилди, унинг президенти сифатида ўзи бошлиқ Араб Социалистик Иттифоқидан (АСИ) ташқари барча сиёсий ташкилотларни тақиқлади. 1979 йили Каддафий ўзининг «Инқилобни давом эттириш» устида ишлаш ниятини эълон қилиб, президентлик лавозимидан истеъфога чиқди, лекин мамлакатдаги асосий сиёсий шахе бўлиб қолаверди. 80-йиллари муҳолифатнинг босими остида иқтисодни либераллаштириш ва маъмурий ислохотлар ўтказишга уринишлар қилиб кўрди; ҳарбий харажатларни қисқартирди, айниқса, нефтнинг нархи тушиб кетганидан ва Ливия 1973 йили босиб олган Чаддаги Аозу районидан унинг кўшинлари олиб чиқиб кетилганидан сўнг ҳокимиятнинг либераллашуви кучайди. 90-йиллари Каддафий ҳокимиятига муҳолифат ҳали ҳам бор эди. Бу қабилаларнинг бир неча кўзғолонларида ва давлат тўнтаришига уринишларида намоён бўлди.

Ташқи сиёсатда Каддафий ҳукумати инқилобий ва террористик ташкилотларга, айниқса, панисломизм ғояларига риоя қилувчиларга ёрдам кўрсатарди. Унинг ҳукумати, шунингдек, Ирландия республикачилар армияси (ИРА), Филиппиндаги мусулмон кўзғолончилари ва Африка миллий конгрессини ҳам қўллаб-қувватлади. 80-йиллари Каддафийнинг номини бир қатор террористик ҳаракатлар билан шу жумладан, 259 кишини ҳаётдан олиб кетган, Шотландия устида йўловчи самолётнинг портлаши билан боғлашадилар. 1991 йилги тергов Шотландия устидаги портлашга Ливия разведкаси офицерлари дахлдор эканликларини аниқлади. Келгуси йили, айбдорларни Каддафий АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматларига бериш-

дан бош тортганидан кейин, Ливияга қарши иқтисодий санкциялар қўлланди. Ливия ҳукумати 1992 йили шубҳа қилинаётганлар устида суд АҚШ ёки Буюк Британияда эмас, Ливияда ўтказилишини талаб қилиб, БМТга норозилик билдирди. 1998 йили АҚШ ва Буюк Британия ишни учинчи бир бетараф мамлакатда шотланд суди томонидан кўриб чиқишни таклиф қилди. Шунга қарамасдан Ливия барибир ҳам айбдорларни бермади (бу аҳвол 1998 йилнинг охиригача сақланиб қолди).

Муаммар тўққиз ёшга тўлганидан кейин ота-онаси уни бошланғич мактабга берди. У мактабни тўрт йилдан кейин тамомлади ва Себҳа шаҳрида жойлашган ўрта мактабга кирди. Мактабда ўқиган йилларида у озодлик учун ўз жонини қурбон қилган қаҳрамонлар ҳақидаги китобларни яхши кўрарди. Ким билсин, балки айнан шу китоблар Каддафийни ҳали мактабдаёқ ёшларнинг яширин ташкилотини тузишга ундагандир. Шунга айтиш лозимки, бўлғуси полковникнинг ўқувчилик йиллари Ливияда мухолифатлик ҳаракатининг пайдо бўлиш даврига тўғри келди. Ўша пайтларда шаҳар ва қишлоқ йўқсиллари, ўрта қатлам, талаба ва ўқувчи ёшлар орасида қирол ҳукмронлигига қарши норозилик етила бошланганди. Йирик шаҳарларда ва вилоятларнинг марказларида қироллик тартибига мухолиф бўлган гуруҳлар пайдо бўла бошлади. 1956—1961 йиллари улардан бирига Муаммар Каддафий раҳбарлик қилди. 1961 йилнинг октябрь бошларида Себҳа шаҳрида Жазоир инқилобини қувватловчи ёшлар намоиши бошланди. У дарҳол монархияга қарши оммавий чиқишга айланиб кетди. Намоишнинг ташкилотчиси ва раҳбари Каддафий эди. Бунинг учун у қамоққа олинди ва кейин шаҳардан чиқариб юборилди. Ўқишини Мисуратда давом эттиришга тўғри келди. Бу ерда у маҳаллий лицейга кирди ва уни 1963 йили муваффақият билан тамомлади. Каддафий Мисуратга келганидан кейин унинг сафдошларидан бири Муҳаммад Халилнинг кейинчалик ҳикоя қилишича: «Биз Себҳада бошлаган ишимизни давом эттиришга қарор қилдик! Яъни, ўз томонимизга кўп ҳамфикрларни жалб этиш, ёшлар орасидан араб бирдамлигига, озодлик тамойилларига, мамлакатда кескин ўзгаришлар қилиш зарурлигига ишонувчиларни топишга ҳаракат қилдик». 1963 йили Себҳа, Триполи, Мисурат шаҳарларининг яширин гуруҳлари вакилларининг учрашувида ҳарбий ва фуқаролик бўлимларидан иборат бўлган ягона норасмий ташкилот тузишга қарор қилинди. Муаммар Каддафий бошқарган биринчи гуруҳ аъзолари ҳарбий коллежда кириш-учун Бенғозига кетдилар. Иккинчи гуруҳ аъзолари турли хил олий ўқув юр்தларига кирдилар. Ўқишнинг биринчи кунлариданоқ Каддафий ўзининг энг намунали курсантлигини кўрсатди. Коллежда ҳеч ким унинг

мавжуд тартибга душман эканлигига шубҳа қила олмасди. У бирор марта ҳам на сўз билан, на иш билан ўзини ошкор қилмади. Шунинг учун ҳам ҳали Себҳадаёқ унга қарши очилган иш ҳеч нарса билан тўлдирилмади. Унинг Бенғози университетидаги тарих бўйича кечки маърузаларга бориши эса шунчаки қизиқиш деб тушуниларди.

1964 йили унча катта бўлмаган Тельмейта қишлоғи ёнида, Бенғозидан бир неча ўн километр нарида ташкилотнинг биринчи съезди бўлиб ўтди. Каддафийнинг таклифи билан унинг шиори — 1952 йили Миср инқилоби олға сурган «Озодлик, социализм, бирдамлик» шиори бўлди. Ёш, инқилобий кайфиятдаги ҳарбийлар гуруҳи «Ёш офицерлар юнионист-социалистлар ташкилоти» (ЁОЮСТ) деб атала бошлади. Съездда ахлоқ кодексини ишлаб чиқилди ва марказий комитет сайланди. Унинг аъзоларига «инқилобий ғояларни амалга ошириш йўлида» карта ўйнаш, вино ичиш, кўнгилочар даргоҳларга бориш тақиқланар, барча диний маросимларга қатъий риюя қилиш талаб қилинарди. Марказий комитетга аниқ мақсадга йўналтирилган қўзғолон тайёргарлигини кўриш топширилган эди.

Аввалига комитет аъзолари ҳар ойда йиғилишарди. Кейин у, сир тутиш мақсадида, мустақил ҳаракатланувчи гуруҳларга бўлинди. Гуруҳларнинг таркиби ва уларнинг вазифаларини фақат Каддафий биларди. Албатта, «Озод офицерлар» сиёсий ишлар тажрибасига ҳам, ижтимоий янгилишларнинг маълум бир дастурига ҳам эга эмасди, қатъий ғоявий эътиқодлар ҳақида-ку, айтмаса ҳам бўлади. Шунга қарамасдан улар ўз олдларига аниқ ифодаланган мақсадларни қўйган эдилар: монархия ҳокимиятини ағдариш, асрий қолоқликка барҳам бериш, империализмнинг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлигидан озод бўлиш, ҳақиқий миллий мустақилликка эришиш, кенг халқ оммаси учун ижтимоий адолатни ўрнатиш, бирдамлик, Фаластин араб халқининг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш учун кураш. ЁОЮСТ аъзолари ҳарбий коллежни тугатганларидан кейин яширин гуруҳлар ўртасидаги алоқалар мураккаблашди. Кечаги курсантлар кейинги хизматларини ўташ учун қўшинларга жўнатилдилар. Бенғозидан 4 км нарида бўлган Гар Юнее ҳарбий лагеридаги алоқа қўшинларида хизмат қила бошлаган Каддафий яширин гуруҳларнинг раҳбари ва мувофиқлаштирувчиси бўлиб қолаверди. Унга гуруҳларнинг фаолияти, қўшинлардаги аҳвол ҳақида ахборот келарди, ундан эса яширин иш тўғрисидаги кўрсатмалар, учрашувлар жойларини аниқлаш тўғрисида кўрсатмалар берилар эди. Амалда 1966 йилдаёқ бевосита ҳарбий тўнтаришнинг тайёргарлик босқичи бошланган эди. Офицерлар яширин гуруҳларининг таъсири фақат қуруқликдаги қўшинлардагина эмас, қуроли кучларнинг

бошқа турларида ҳам ортиб борарди. Зиёлилар, амалдорлар ва ишбилармонлар орасида юритилаётган иш қониқарсиз эди. Маҳаллий буржуазиянинг анчагина қисмини қироллик тартиби қаноатлантирарди, феодал ва олий амалдорлик гуруҳлари ҳақида эса гапирмаса ҳам бўларди. 1967 йилнинг июнидаги уруш инқилобнинг ўзига хос катализатори бўлди. Бутун араб оламида ватанпарварлик кайфиятининг ва миллатчилик эҳтиросларининг бирданига ортиб кетишини келтириб чиқарган бу урушдаги арабларнинг мағлубияти Ливияда ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Армияда ҳам норозилик кучайиб борарди. Ҳарбий хизматчиларнинг, айниқса, офицерларнинг ватанпарварлик туйғулари, монархия ҳукумати, Исроил ҳужумини қайтаришда иштирок этишга армияга рухсат берилмаганлиги туфайли камситилган эди. Бироқ қироллик тартибидан умумий норозилик кучайган ва офицерлик корпусининг кўпчилиги мухолифликка ўтганлиги билан армияда турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатини ифода этувчи бошқа оқимлар ҳам мавжуд эди. Улардан энг ўнроғини қирол маслаҳатчисининг укаси, полковник Абдул Азиз Шелхий бошқарарди. 1969 йили у Бош штаб бошлиғининг ўринбосари ва қироллик армиясини қайта ташкил қилиш бўйича комитет раиси этиб тайинланди. Охири лавозими, кейинчалик маълум бўлишича, ҳарбий тўнтаришга тайёргарликни яшириш учун ниқоб сифатида ўйлаб топилган экан.

«Озод офицерлар»нинг етакчилари ташаббусни ўз қўлларига олишга қарор қилдилар. Бу пайтга келиб улар огоҳлантирувчи ҳаракатни амалга ошириш учун фақат армиядагина эмас, фуқаролар орасида ҳам ўзларининг етарлича тарафдорларига эга эдилар. Қирол ҳокимиятини ҳарбий йўл билан ағдариш режаси ишлаб чиқилди. Бунда, кейинчалик Каддафий ёзганидек, фақатгина ички сиёсий фактларгина эмас, Ливияда чет эл ҳарбий иштироки ҳам ҳисобга олинган. Ҳали 1969 йилнинг сентябригача режалаштирилган қироллик ҳокимиятини ағдариш мақсадидаги ҳарбий чиқиш бир неча марта бекор қилинган. Каддафий ва унинг сафдошлари шошилиш ҳаракатлар ўзида жуда катта хавф-хатарни ва олдиндан айтиб бўлмас оқибатларни яшириб туради дея ҳисоблардилар. 1969 йилнинг ёзида армияда офицерлар таркибини навбатдаги алмаштириш кампанияси бошланади. У Каддафийга ҳам тегишли бўлди, у хизматни давом эттириш учун дарҳол Триполига жўнаш буйруғини олди. Бу алмашишлар «Озод офицерлар»нинг режаларига зарурий тузатишлар киритилишини талаб қиларди. Танглик энг юқори нуқтасига етди... Августнинг иккинчи ярмида қирол Идрис чет элга даволанишга жўнаши маълум бўлди. Армияда полковник Шелхий офицерларнинг катта бир гуруҳини чет элга тажриба

орттиришга жўнатармиш, деган овозалар пайдо бўлди. Уларнинг орасида анчагина яширин ташкилот аъзолари, шу жумладан Каддафий ҳам бор эди. Келаётган ахборотлар шундан гувоҳлик берардики, полковник Шелхий ўз тарафдорлари — бир гуруҳ катта офицерлар билан 15 сентябрда ҳокимиятни эгаллаб олиш ва бошқарувнинг парламент шаклидаги республика эълон қилиш ниятида эдилар. «Озод офицерлар»нинг раҳбарияти қуролли қўзғолонни 1 сентябрга белгилади. Аллақачон ишлаб чиқилган қўзғолон режасини амалга ошириш учун Каддафий тезликда Триполини тарк этиши ва Бош штаб ҳамда асосий ҳарбий ташкилотлар жойлашган Бенғозига қайтиб келиш зарур деб ҳисоблади. 1969 йил 1 сентябрь тонг палласида қўзғолонга тайёргарлик кўриш жараёнида тузилган Каддафий бошчилигидаги 12 офицердан иборат Инқилобий Кўмондонлик кенгаши (ИҚК)нинг раҳбарлиги остидаги ЁОЮСТ отрядлари бир вақтнинг ўзида Бенғозиди, Триполида ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида чиқишларини бошладилар. Улар тезликда асосий давлат ва ҳарбий объектлар устидан назорат ўрнатдилар. Американинг базаларига олиб борадиган барча йўллар олдиндан тўсиб қўйилганди. Шу куннинг ўзида Каддафий радио орқали чиқиш қилиб, мамлакатда монархия ағдарилганлигини эълон қилди. Ҳокимиятнинг бу олий органини ким бошқариши ҳали ҳеч кимга маълум эмас эди. Фақат инқилобий тўнтаришдан икки ҳафта ўтганидан сўнггина 27 ёшли Муаммар Каддафий инқилоб раҳбари ва ИҚК раиси деб эълон қилинди. Айни вақтда унга полковник унвони берилганлиги ҳақида ҳам хабар қилинди (тўнтариш кунларида у алоқа қўшинлари капитани эди). Амалда бош кўмондон бўлса ҳам у ҳалигача полковник погонларини тақиб юради. У бошқаларга ҳам генераллик унвонларини жуда хоҳламасдан берарди, чунки бу «инқилобий армия учун энг муҳими эмас» деб ҳисоблайди. ИҚК бошқа аъзоларининг номлари фақат 1970 йилнинг 10 январигагина эълон қилинди.

Янги ҳокимият мустаҳкамланиб олгунча ва унинг раҳбарларининг исмлари эълон қилингунча ўтган бир неча ҳафта ичида Ливияда рўйхатга олинган дипломатлар, журналистлар, шунингдек, чет эл ишбилармон ва ҳарбий доираларнинг вакиллари инқилобий тўнтариш ташкилотчиларининг «ҳақиқий ҳомийлари» ҳақида хилма-хил тахминлар ва фикрларни олға сурдилар: руслар, МРБ, носирчилар ва бошқаларни айтдилар. Бу ерда шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, Вашингтон ва унинг иттифоқчилари Каддафий ва унинг сафдошлари қиёфаларида узоқ муддатли жиддий дастурларига ҳам, мамлакат ичкарисида кенг омманинг қўллашга ҳам эга бўлмаган провинциал офицерларнигина кўрардилар. АҚШ ва Англия Ливиядаги ҳарбий ва иқтисодий ҳозирлик билан бир қаторда бу ўткинчи, вақтинча-

лик факторлардан ҳам ёш, тажрибасиз Ливия раҳбарларига босим ўтказишда фойдаланмоқчи эдилар. Улар айнан ана шу асосда кейинчалик «умумий тил» топишишдан умидвор эдилар.

Лекин бу ҳисоб-китоб амалга олмади. Ливия инқилобининг антиимпериалистик йўналиши янги ҳукумат дунёга келганининг дастлабки ойларидаёқ жуда аниқ намоён бўлди. 1969 йил 7 октябрда БМТ Бош Ассамблеясида Ливиянинг доимий вакили ливияликлар ўз ерларидаги барча чет эл базаларини йўқ қилмоқчи эканлигини айтди. Бундан кейин Ливия раҳбарияти АҚШ ва Англия элчиларини бу ҳақдаги шартномалар бекор қилинишидан хабардор қилди. Қарийб бир вақтнинг ўзида мамлакат иқтисодиётидаги чет эл капиталининг позицияларига ҳам ҳужум бошланди. Ливия инқилобининг биринчи яқунлари ва энг яқин турган вазифалари 1969 йил 11 декабрда халққа маълум қилинган вақтинчалик конституцион декларацияда ўз ифодасини топди. Ислом давлатнинг расмий дини деб эълон қилинди. Инқилобнинг асосий мақсадларидан бири «динга, ахлоққа ва ватанпарварликка» асосланган социализм қуриш эканлиги баён қилинди. Каддафий ва унинг сафдошлари бунга «ижтимоий адолатни таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг юксак даражасига эришиш, эксплуатациянинг барча турини йўқотиш ва миллий бойликларни адолатли тақсимлаш» йўли билан эришмоқчи эдилар. ИҚК министрлар кабинетини тайинлаш, уруш эълон қилиш ва шартномалар тузиш, давлатнинг ички ҳаёти ва ташқи сиёсатига тегишли бўлган, қонун кучига эга декретлар чиқариш ҳуқуқлари берилган жамият сиёсий ташкилотининг бош бўғини функцияларини олганди. ИҚК раиси Каддафий Ливия Араб Жамаҳириясининг бошлиғи этиб тайинланди.

1977 йилининг март ойида Себҳада бўлиб ўтган Умумхалқ конгрессининг фавқулодда сессиясида мамлакатнинг янги номини «Ливия Халқ Социалистик Жамаҳирияси» деб эълон қилувчи Декларация қабул қилинди (ЛХСЖ), унинг қонунчилиги Қуръонга асосланиши, сиёсий тузуми эса тўғридан-тўғри халқ ҳокимияти бўлиши айтиб ўтилди. ИҚК ва ҳукумат тарқатилди. Уларнинг ўрнига «Жамаҳирия» тизимига мос келувчи янги институтлар тузилди. Умумий Халқ Конгресси Олий қонун чиқарувчи орган деб, у ҳукумат ўрнига ташкил этган Олий халқ комитети эса ижроия ҳокимияти деб эълон қилинди. Министрликлар халқ котибиатлари билан алмаштирилди, уларнинг тепасида жамоавий раҳбарлик органлари — бюролар тузилди. Ливиянинг чет мамлакатлардаги элчиликлари ҳам халқ бюроларига айлантилди. Тўғридан-тўғри халқ ҳокимиятининг популистик тамойилига мос равишда мамлакат йўлбош-

чисининг роли расман гўёки сиёсий тизим доирасидан чиқарилган эди. 1974 йилиёқ Каддафий ўзини тўлиқ «Оммани уюштиришдаги ғоявий ва назарий ишларга» бағишламоғи учун «сиёсий, протокол ва маъмурий мажбуриятлардан» озод этилганди. Бироқ у 1977 йилга қадар давлат бошлиғи ва қуроли кучлар Бош қўмондони бўлиб қолаверди. Жамаҳирия эълон қилиниши билан у энди расман бирон-бир давлат лавозимини бажара олмас эди. Ахир «Жамаҳирия» тузуми давлатни сиёсий ташкилот сифатида расман рад этарди. Шундан буён Каддафий фақат Ливия инқилобининг йўлбошчиси дебгина эълон қилинарди. Ва ана шу билан гўёки унинг мамлакат сиёсий тизимидаги асл роли белгиланарди. Шунга қарамасдан нафақат Каддафийнинг, ИҚКнинг бошқа собиқ аъзоларининг ҳам янги ҳукумат тизимининг бундан кейинги ривожланишига ва мавжудлигига реал ғоявий ва йўналтирувчи таъсири ортди.

1977 йилнинг март ойида Триполидаги оммавий митингда Каддафий Ливия сиёсий тизимида юз бераётган ўзгаришларни баён қилар экан, Ливия инқилоби ютуқларига доимий раҳна солиб турувчи хавфни кўрсатиб ўтди. Ана шу туфайли у Ливиянинг ҳимоясини бутун «қуроланган халқ» амалга оширишига чорлади. Бироқ эълон қилинган армияни «қуроланган халқ» билан алмаштириш мақсади амалга ошмас бўлиб чиқди. 1977 йилги Себҳа декларацияси амалда 1969 йилги конституциянинг ўрнини босди. Аслида бу декларация конституция характерида эга эмас эди, чунки «Яшил китоб» жамиятнинг асосий қонуни сифатида конституциянинг ролини умуман рад этарди. «Жамиятнинг ҳақиқий қонуни одат ёки дин», — дейди Каддафий ва албатта аниқлик киритади: «Дин одатни ўз ичига олади, одат эса халқнинг табиий ҳаёти ифодасидир. Динга ва одатга асосланмаган қонун инсон томонидан атайлаб инсонга қарши яратилади ва ана шу сабабли ҳам улар ҳуқуққа эга эмаслар, чунки улар табиий манбаларга — одатга ва динга асосланмаганлар».

«Жамаҳирия» тузумининг сиёсий ва қонуний расмийлаштирилиши фақатгина эски пойдевор устида янги бино деворини яратди, холос. Иқтисодий тартиб асосан Жамаҳирия эълон қилинганига қадар мавжуд бўлганнича қолди. Ливия раҳбарияти бунинчагина аниқ англари ва иқтисодий фронтда ҳам ҳужум бошлаш учун фаол тайёргарлик олиб борарди. «Жамаҳирия» тамойилларини бу соҳада жорий қилиш мураккаб тажрибаларнинг узундан-узоқ йўли билан олиб борилди, бу тажрибалар кўплаб уринишлар ва хатоларга ҳам бой бўлди.

1977 йилнинг сентябрида Каддафий хўжалик ҳаётини ривожлантиришнинг асоси сифатида «иқтисодда ўз-ўзини бошқариш» тамойилларини олға сурди. Бу тамойилга мувофиқ корхоналар унда ишловчи ишчиларнинг жамоавий бошқарувига ўтишлари назарда тутилганди. Кейинчалик у томонидан эълон қилинган «Ёлланма ишчилар эмас, шериклар» шиори «Яшил китоб»нинг 2-қисмида ўзининг назарий асосини топди ва ўша йилнинг ноябридан бир қатор ишлаб чиқариш корхоналарида жорий қилина бошланди.

Ўша популистик гоёларни ривожлантириш мақсадида Каддафий «Био — унда яшовчининг мулки» деган янги шиорни олға сурди. Яъни, уйда яшовчи одам унинг ижарачиси эмас, эгасидир. 1978 йилнинг май ойида тураржой биноларини ижарага беришни тақиқловчи, собиқ ижарачиларни эса ўзлари ижарага олиб турган хоналар ва уйлариининг эгаларига айлантирувчи қонун қабул қилинди. «Ёлланма ишчилар эмас, шериклар» шиорини ҳаётга татбиқ этар эканлар, ишчилар ва хизматчилар халқ кўмиталари раҳбарлигида фақат ишлаб чиқариш соҳасида эмас, савдода ҳам, шунингдек, хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларида ҳам корхоналар ва ташкилотларни эгаллаб олдилар. Аввалги эгалари товон тўловчи билан бирга ана шу корхоналарни бошқаришда, лекин «ишлаб чиқарувчилар билан тенг шериклик» ҳуқуқи асосида бошқаришда иштирок этиш имкониятларини ҳам олдилар. Ливияда «халқнинг эгаллаши» деб номланган бу кампания йирик ва ўрта буржуазиянинг шахсий мулкларини йўқ қилишнинг ўзига хос шакли бўлди.

«Жамаҳирия» сиёсий тизимининг жойларда ва, айниқса, ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатиши буржуазия қатламининг тўсқинлик қилишидан ҳам, амалга ошириладиган ишларнинг етарлича тайёрланмаганлиги, янги бошқарув аппаратларининг хўжаликни бошқаришга қодир эмаслиги сабабидан ҳам қийинлашаётган эди. Бу аҳолининг бир қисмида норозилик ва ғалаён келтириб чиқарди. Ливия раҳбариятининг сиёсий ва иқтисодий янгиликларига мусулмон руҳонийларининг бир қисми ҳам қарши чиқди. Улар Каддафийни «Куръон қоидаларидан четга чиқишда» айбладилар.

Бунга жавобан ҳукумат руҳонийлар таъсирини чеклашга йўналтирилган жиддий чоралар кўрди. Каддафий телевидение орқали муҳолифона кайфиятдаги «Ислом софлигини асровчилар»нинг Куръонни билишларини ошқора имтиҳон қилди. Диндорлар Ливия инқилоби етакчисининг саволларига жавоб бера олмадилар ва улар аҳолининг кўз ўнгида обрўсизландилар. Бу Каддафийга кейинчалик улардан баъзи бирларини диний

хизмат юритиш ҳуқуқидан маҳрум этишга асос бўлди. 1979 йил март ойида Каддафий янги ғояни — «инқилобни ҳокимиятдан ажратиш» ғоясини олға сурди. Инқилоб ва халқ комитетларининг тармоғига суянадиган ЛХСЖнинг Инқилобий раҳбарияти ташкил этилди. Каддафийнинг фикрига кўра янги комитетларнинг яратилиши жойларда «Жамаҳирия» тизими фаолиятига иложи борича кўпроқ фуқароларни жалб этиши лозим эди. Шундай қилиб, тўғридан-тўғри халқ ҳокимиятининг популистик тамойили умумхалқ миқёсига эга бўлди. ЛСХЖнинг Инқилобий раҳбарияти давлатни бошқаришда иштирок этмасди. Амалда эса у Ливия Жамаҳириясининг сиёсий тизимида яна ҳам муҳимроқ роль ўйнай бошлади. Инқилобий раҳбариятнинг ҳар бир аъзоси маълум бир доирада мажбуриятларга эга эди. Масалан, Каддафий ўзида қуролли кучлар Бош қўмондони лавозимини сақлаб қолган ҳолда, айна пайтда Умумхалқ конгрессининг бош котиби ҳам эди. «Ислом социализми» деб аталмиш тузумда жамиятни қайта қуришнинг аниқ рецептларини топа олмаган Каддафий ўз назариясига доимо ўзгартиришлар киритиб турарди. Агар «Яшил китоб»га қадар ислом расмий мафқуранинг ғоявий манбаларидан бири ҳисобланган бўлса, 1979 йилнинг ёзида чиққан бу китобнинг учинчи қисмида «учинчи дунёвий назариянинг ҳаққонийлиги» энди ислом қонуниятлари билан ўлчанмасди. Аксинча, ислом қонунларининг «ҳаққонийлиги» уларнинг ушбу назарияга мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳолана бошланди. Тарихнинг ҳаракатга келтирувчи кучи деб миллий ва жамоат кураши эълон қилинди. Шу билан бирга, деб аниқлик киритди Каддафий, «агар биз фақат мусулмонларни қўллаш билангина чеклансак, унда фанатизм ва эгоизм намуналарини кўрсатган бўлардик».

«Яшил китоб»га бундан кейинги тушунтиришлар ва изоҳларда унинг кўпгина қоидаларига сезиларли ўзгартиришлар киритилди. Лекин бу китоб 2011 йилгача Ливиядаги расмий мафқуранинг асосий катехизисидек¹ бўлиб келди. Ливия жамиятининг «Жамаҳирия» деб аталган замонавий сиёсий тизимга мослашиши қийин, Каддафий хоҳлаганидан кўра секинроқ борди. Бироқ у яратган тузум, шубҳасиз, Ливия халқини сиёсий фаолликка ундади. Аммо у тан олишга мажбур бўлганидек «мамлакатни бошқаришда халқнинг иштироки тўлиқ бўлмади». Шунинг учун ҳам 1992 йилнинг 18 ноябрида Сирт шаҳрида бўлиб ўтган Умумхалқ конгресси сессиясида Ливияда янги сиёсий тузум яратиш ҳақида қарор қабул қилинди. У мамлакатнинг халқ ҳокимияти олий босқичига — намунали Жамаҳирияга ўтишни назарда тутарди. Гап дастлабки халқ кенгашлари ўрнига давлат


¹ *Катехизис* — диний ақидаларнинг савол-жавоб тарзидаги қисқача баёни.

ичида ўзини ўзи бошқарувчи кичик давлатлар сифатидаги бир ярим мингта коммуналар яратиш ҳақида борарди. Улар тўлиқ ҳокимиятга, шу жумладан бюджет маблағларини тақсимлаш ҳуқуқига ҳам эга эдилар. Аввалги сиёсий тизимни қайтадан ташкил этиш зарурати, Каддафийнинг тушунтиришича, у «таркибининг мураккаблиги сабабли ҳақиқий халқ ҳокимиятини таъминлай олмади, бу эса омма ва раҳбарият ўртасида узилишга олиб келди, ортиқча марказлаштиришни келтириб чиқарди». Умуман олганда Социалистик Халқ Араб Жамаҳирияси «Ҳокимият, бойлик ва қурол — халқ қўлида!» шиори ҳукмрон бўлган янги «ислом социалистик жамиятини» куриш йўлидан оғишмай бораётган эди. Аммо 2010—2011 йилнинг қиш фаслида араб дунёсида бошланиб кетган воқеалар ва уларда НАТОнинг иштироки Каддафий ҳокимиятини ҳам ағдариб ташлади. Ливияда фуқаролар уруши бошланиб кетди. 2011 йилнинг 7 июнь куни Жиноят ишлари бўйича халқаро суд Каддафийни қотилликлар, ноқонуний қамоққа олишларда айблаб, ҳибсга олиш учун санкция берди.

2011 йилнинг 20 октябрида Сирт учун бўлган жанг тугаганидан кейин Каддафий ўлдирилади.

Ҳақиқий ислом заифларни, ҳатто улар мусулмон бўлмасалар ҳам, ҳимоя қилувчи диндир. (Муаммар Каддафий)

БУЮК «БАРБУДОС»



КАСТРО РУС, ФИДЕЛЬ АЛЕХАНДРО
(исп. FIDEL ALEJANDRO CASTRO RUZ),
(13.08.1926 йили Майари поместьеси, Биран қишлоғи,
Орьенте провинциясида туғилган)

Куба инқилобининг йўлбошчиси, команданте, Куба премьер-министри (1959—1976) ва президенти (1976—2008). Биринчи никоҳдан иккита фарзанди бўлган Анхель Кастро ўз уй хизматчиси Лина Рус Гонсалесдан бўлган беш нафар никоҳсиз болаларни ҳам ўғил қилиб олади. Фидель ўша болаларнинг иккинчиси, Рауль эса энг кичиги эди.

Фидель ва унинг ака-укалари Сантьягодаги католик интернатда бошлангич таълим олдилар. Фидель, шунингдек, Гаванадаги Белен иезуит колледжиди ва Гавана университетининг юридик факультетида ҳам ўқиди, уни 1950 йили тамомлади. Университетда Кастро Куба халқи партиясига (уларни «ортодокслар» деб аташарди) кирди. 1952 йилги сайлов кампаниясида Гаванадаги районлардан биридан вакиллар палатасига унинг номзоди қўйилди.

1952 йил 10 март куни генерал Фультенсио Батиста давлат тўнтаришини амалга оширди, президент Карлос Прио Сокаррас ҳукуматини кулатди ва сайловларни бекор қилди. 1953 йилнинг бошларида Кастро диктаторни кулатиш мақсадида яширин ташкилот тузди. 1953 йил 26 июлда Сантьягодаги Монкада казармаларига қилинган қуролли ҳужумни бошқарди. Ҳужум муваффақиятсизликка учради ва Кастро ҳибсга олинди. Етти ой ўтганидан сўнг у ўз ҳимояси учун «Тарих мени оқлайди (Historia me absolvera)» деб номланган машҳур нутқини ўқиди, унда фуқароларни озодлик учун курашни давом эттиришга чақирди. Яширин чоп этилган Кастронинг бу нутқи 50-йилларнинг энг муҳим ташвиқот ҳужжати бўлиб қолди. 1955 йили Кастро афв этилди ва Мексикага кетди, 1956 йилнинг 2 декабрида эса бир гуруҳ ҳамфикрлари билан Кубадаги инқилобий гуруҳларга бирлашиш мақсадида Орьенте провинциясига келиб тушди. Жангларда отрядининг бир қисмини йўқотган Кастро Сьерра-Маэстра тоғларига яширинди ва кейин икки йил давомида Батиста армиясига қарши партизанлар уруши олиб борди. Охир-оқибатда Батиста 1958 йил 31 декабрь куни мамлакатдан қочиб кетди. Ф.Кастро Куба армиясига қўмондонлик қилишни ўз зиммасига олди, 1959 йилнинг февралда эса ҳукумат бошлиғи лавозимини эгаллади. 1976 йили ўзини Куба Миллий Ассамблеяси Давлат Кенгаши Раиси деб эълон қилди ва бу билан ҳукумат ва давлат бошлиғи лавозимларини бирлаштирди. Ф. Кастро 1960 йили СССР билан алоқа ўрнатди ва бу билан 1958 йилдан сўнг Кубадаги Америка мулкларининг давлат ихтиёрига ўтказилишидан асабийлашган Америка ҳукуматини янада ташвишга солди. 1961 йилнинг январида АҚШ билан Куба ўртасидаги дипломатик муносабатлар узилди. 1961 йил апрелда икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг қизғинлик даражаси «Чўчқалар кўрфазига бостириб кириш» деб номланган можаро билан боғлиқ ҳолда ўзининг чўққисига етди. 1962 йили Кариб можароси рўй берди. СССР Кубанинг соҳилбўйи сувларидан ракетали кемаларини олиб кетганидан, АҚШ эса Кастро ҳукуматини ағдаришдан ўзини тийишга ваъда берганидан кейин ядро урушидан зўрға сақланиб қолдилар. 1961 йили Кастро очиқдан-очиқ марксизм-ленинизм тарафдори эканлигини айтди. Бошқа социалистик мамлакатлардан ўрнак олган Куба ҳукумати ҳам бутун саноатни, транспортни, алоқани, оммавий ахборот воситалари ва ер мулкисининг асосий қисмини давлат ихтиёрига ўтказди. 60-йиллари Кубанинг Боливия ва Венесуэладаги партизанлик урушларидаги эълон қилинмаган иштироки Москва сиёсатига хайрихоҳ бўлган мўътадил коммунистик партияларнинг норозилигига сабаб бўлди. 1968 йили Куба Варшава Шартномаси мамлакатларининг Чехословакияга бостириб киришини қўллаб-қувватлади.

Кастро Африкадаги инқилобий ҳаракатларга алоҳида қизиқиш билан қарарди. Москванинг розилиги билан Куба Анголага мингта аскар жўнатади (1975), у ерда бу аскарлар советлар тарафдорлари томонида жанг қилдилар. 1978 йилнинг бошларида Куба қўшинлари советларнинг қўллаб-қувватлашлари билан Эфиопияга Сомалининг ҳужумини қайтаришда ёрдам берди. 60-йилларнинг охирига бориб 40 мингта кубалик аскар дунёнинг турли мамлакатларида эдилар. 60-йилларнинг бошларида Кастронинг ҳукуматта қарши бир нечта исёнларни бостиришига тўғри келди; унинг сиёсатидан норози бўлган ўн минглаб фуқаролар қамоқхоналарга ташланди ва икки миллиондан ортиқ фуқаро чет элларга, асосан АҚШга кетиб қолдилар. 1977 йили Кастро 1961 йилда бузилган АҚШ билан дипломатик муносабатларни янгилашга уриниб кўрди ва ана шу мақсадда кўплаб сиёсий маҳбусларни озод қилди ҳамда уларнинг мамлакатдан чиқиб кетишларига йўл қўйди. АҚШ дипломатик муносабатларни янгилашнинг шарти сифатида Кубага Ангола ва Эфиопиядан ўз қўшинларини олиб чиқишни таклиф этди, аммо Кастро бу таклифга ҳеч қанақа муносабат билдирмади. 80-йилларнинг охирларида, М.С. Горбачёв СССРда демократик ислохотларни бошлаганида, Кастро коммунистик интизом ва марказлаштирилган иқтисод тамойилларини ҳимоя қилишда давом этди. СССР тарқалиб кетганидан сўнг Куба ўзининг муҳим иттифоқчиси ва бош шеригини йўқотди. 90-йилларнинг ўрталарида Кастро иқтисодиётда ўртамиёна либерал ислохотларга киришди. 1998 йилнинг январида Кубага Папа Иоанн Павел II ташриф буюрди ва унинг илтимосига кўра кўпгина сиёсий маҳбуслар қамоқхоналардан озод қилинди. 2000 йилнинг декабрида Россия Федерациясининг президенти В.В. Путиннинг ташрифидан кейин Кастро Россия билан иқтисодий муносабатларни тиклай бошлади. 2005 йили АҚШ Марказий Разведка Бошқармасининг (МРБ) хабарномаси эълон қилиниб, унда Ф. Кастро паркинсон касаллигига чалинганлиги айтилади. 2006 йил 31 июлда Ф. Кастронинг котиби Карлос Валенсияго телевидение орқали чиқиб, Фиделнинг хатини ўқиб эшиттиради. Хатда Фидель соғлиги ёмонлашганлиги туфайли мамлакатни бошқаришни укаси Рауль Кастрога топширганлигини айтади. Бир неча бор матбуотда Ф. Кастронинг ўлганлиги тўғрисида хабарлар тарқалганлигига қарамасдан унинг соғлиги нисбатан яхшиланиб борди. Ҳокимиятни бошқарган йиллари Ф. Кастрога жуда кўп марта, жами 600 дан зиёд суиқасдлар уюштирилган, уларнинг барчасидан Фидель ҳеч бир зиёнсиз омон қолган. Суиқасдларнинг 8 тасида МРБ жавобгарлигини АҚШ Сенати расман тан олган. 2006 йилнинг 31 июль кунини Кастро ўз ваколатларини укаси, биринчи вице-премьер Рауль Кастрога топширади. 2008 йил 19 февралда президентлик муддатининг тугашига беш

кун қолганда Фидель Кастро ўз номзодини янги муддатга қўймаслигини эълон қилди. 24 февраль куни Миллий Ассамблея Куба президенти этиб Рауль Кастрога сайлади. 2011 йилнинг 21 мартда Кастро Куба Компартияси МК Биринчи котиблиги лавозимини ҳам топшириш истагини билдирди. Шу йилнинг 19 апрелида Биринчи котиб этиб Рауль Кастро сайланди.

Ф. Кастро биринчи бор Батиста ҳукумати министрининг Хуана Диас Баларт исмли қизига уйланган, бир нафар ўгли бор. Улар тез орада ажралишган. Кейин Нати Ревуэльта исмли жуда гўзал аёл билан яшаган, ундан қизи Алина туғилган. Алина АҚШда яшайди, ўзининг отаси ҳақидаги китоблари билан машҳур. Ф.Кастронинг ҳаётидаги кейинги аёл Делив Сато, ундан 6 нафар фарзандлари бор. Фиделнинг котибаси Селия Санчес ҳам у билан яшаган. С. Санчес 1980 йилларнинг ўрталарида жонига қасд қилиб ўзини ўлдирган, аммо уни Рауль Кастро отиб ташлаган деган миш-мишлар ҳам ўша пайтда кенг тарқалган.

Ф.Кастро кўплаб давлатларнинг орден ва мукофотлари билан тақдирланган, улар орасида гаройиблари ҳам бор. Масалан, 2003 йили Санта-Бригада аёллар монахлик орденининг Командорлик крести билан тақдирланган (орденга XIV асрда Швецияда асос солинган); шу йили 31 августда унга АҚШ ҳиндуларининг олий мукофоти — «Бургут пати» берилганлиги ҳам эълон қилинган. Фидель ушбу шарафга муяссар бўлган ягона америкалик бўлмаган шахс. Ундан бошқа давлат бошлиқларига бу мукофот ҳеч қачон берилмаган.

Тарих мени оқлайди (Historia me absolvet!). (Фидель Кастро Рус)

«ВИЖДОНЛИ ОДАМ АМЕРИКАДА ЯШАЙ ОЛМАЙДИ»



КЕННЕДИ, ЖОН ФИЦЖЕРАЛД (JONI FITZGERALD KENNEDY) (29.05.1917, Бруклайн, Массачусетс штати — 22.11.1963, Даллас, Техас штати)

АҚШнинг 35-президенти. Чоат мактабида ўқиган, кейин Гарвард университетида таълим олган ва уни 1940 йили аъло баҳолар билан тамомлаган. АҚШ Иккинчи жаҳон урушига киришидан икки ой аввал ҳарбий-денгиз флотига хизматга кирган ва Тинч океанининг жанубий қисмидаги Соломон оролларида ўрнашган қисмлардан бирида назоратчи торпеда катерига кичик лейтенант унвонида командирлик қилган. Оғир ярадор бўлган ва икки марта жасурлиги учун мукофотланган.

Уруш тугаганидан кейин у мухбир бўлиб ишлади. Массачусетсдаги II сайлов округидан Демократик партиядан вакиллар палатаси аъзолигига

Ўз номзодини қўяди ва республикачи рақибини беш карра устунлик билан енгиб, сайланади. 1947 йил январда 29 ёшида вакиллар палатасида депутатлик ўрнини эгаллади ва кейин ҳам икки марта ана шу лавозимга қайта сайланди.

1952 йили у республикачи сенатор Г. Лодж билан беллашишга қарор қилди, унинг бобоси (у ҳам Жон Кеннеди) 1916 йили Сенатга бўлган сайловларда Кеннедининг она томондан бобоси бўлган Бостон мэри Ж. Фицджералдни мағлубиятга учратган эди. Жоннинг сайловолди кампаниясига унинг акаси Роберт раҳбарлик қилди. Лодж хавфли рақиб, бунинг устига ўша йил генерал Д.Эйзенхауэр байроқлари остида республикачиларнинг ҳокимиятга қайтадиган йили эди. Генерал Массачусетсда 208 минг овоз олиб, галаба қилди, лекин Кеннеди 70 минг овоз ортиқча олиб, Лоджни мағлубиятга учратди. У 1958 йили сайловчиларнинг 70 фоиздан зиёд овозини олиб, қайтадан сайланди.

Кеннеди — сенатор нарх ва тураржой учун тўловларни мўътадиллаштириш сиёсатини қўллаб-қувватлади, кўчмас мулк эгаларининг манфаатлари йўлида ҳаракат қилган лоббистларга ва уларнинг ветеранлик ташкилотлари консерватив раҳбариятидаги иттифоқчиларига қарши ўлароқ давлат томонидан уй-жой қурилишини ривожлантириш тарафдори бўлди, касабача уюшмалари манфаатларини ҳимоя қилди ва Тафт-Хартли қонунига қарши овоз берди.

Бироқ ташқи сиёсат борасида ва бошқа бир қатор масалаларда Ж. Кеннеди кўпинча шимолий штатлардан бўлган аксарият демократларга нисбатан анча ўнроқ бўларди. У президент Г. Трумэнни, давлат котиби Ж. Маршални ва давлат департаменти амалдорларини Хитойни коммунистларга «бериш»да айблаётган республикачиларга қўшилди. Маъмуриятнинг мудофаа борасидаги сиёсатини танқид қилди ва чет элларга ёрдам бериш дастурларига ишончсизлик муносабатида бўлди. Черков қошидаги Бошланғич мактабларга федерал ёрдам дастурларини ёқлаб чиқди. Юксак, қатъий нархлар билан мустаҳкамланган қишлоқ хўжалик субсидияларига қарши овоз берди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари борасида мўътадил позицияни эгаллади.

Ж. Кеннедининг нуқтаи назари билан ортодоксал либералларнинг қарашлари ўртасидаги фарқ айниқса фуқаролар эркинлиги соҳасида аниқроқ намоён бўларди. Бу «совуқ уруш» йиллари ва миллий хавфсизлик билан шахсий эркинлик ўртасидаги нозик мувозанат оғир синовларга учраган Кореядаги уруш замонлари эди. Ж. Кеннеди кўпинча фуқаролар эркинликларида эмас, хавфсизлик томонида бўлиб қоларди. Бу муаммо висконсинлик республикачи сенатор, коммунистларга қарши

салиб юришларининг ташаббускори Ж. Маккарти ҳаракатлари натижа-сида эътибор марказида бўлиб қолди. Ж. Кеннеди Ж. Маккартидан четда бўлишни маъқул кўрди, бироқ унинг ошкора душманлари томонида ҳам бўлмади. У вақти-вақти билан жангари сенаторни қўллаб-қувватларди, баъзан эса унга қарши овоз берарди. 1954 йили Сенат Ж. Маккартига танбеҳ беришга овоз берганида, Ж. Кеннеди касаллиги сабабли қатнашмади ва бу масалага ўз фикрини бир неча йил давомида аниқ айтмади.

Ж. Кеннеди бир қатор қонун лойиҳалари устида чарчамасдан ишлади. 1956 йили у сайловчилар коллегияси ислоҳотларига қарши курашни бошқарди ва президентни сайлашнинг мавжуд тартиби доирасида саноати ривожланган, аҳоли зич яшовчи штатларга берилган имтиёзлар консерватив қишлоқ районлари делегатларининг кўпчилик эканлигига қарши зарурий салмоқ бўлади, дея таъкидлади. Собиқ президент Г. Гувер бошқарган ҳукумат аппаратини қайта ташкил қилиш комиссиясининг тавсияларидан аксарияти улар томонидан қонуний расмийлаштирилди. Ж. Кеннеди қуролли кучларнинг тиббий кутубхонасини миллий тиббий кутубхонага айлантириш ҳақидаги қонун лойиҳасининг тасдиқланишини ҳам таъминлади. Портретларини Сенатнинг қабуллар залига осиб қўйишлари мўлжалланаётган барча даврларнинг бешта энг буюк сенаторларини танлаш вазифаси юклатилган махсус комитетга раҳбарлик қилганида Ж. Кеннеди умуммиллий машҳурликка эришди. У бу лавозимга энг аввало Ж. Адамсдан тортиб то Тафтгача бўлган америкалик сиёсий арбобларга бағишланган «Жасорат тимсоллари» («Profiles in Courage», 1956) китобининг муаллифи сифатида таржимаи ҳоллар бўлими бўйича Пулитцер мукофотини олганлиги туфайли тайинланди.

1956 йили бўлиб ўтган Демократик партиянинг миллий конвенти Ж. Кеннедининг умуммиллий сиёсий минбарга чиқишини таъминлаган воқеа бўлди. Ўз партияси томонидан иккинчи марта президентлик лавозимига кўрсатилаётган Э. Стивенсон конвентга сайловларда вице-президент лавозимига номзод сифатида унга сафдош бўладиган одамни сайлашни таклиф этиб, ғайриодатий қадам қўйди. Ж. Кеннедига хавфли рақиб — бир қатор штатларда бўлиб ўтган дастлабки сайловларда ғолиб чиққан теннессилик сенатор Э. Кифовер қарши турарди. Овоз беришнинг учта драматик туридан кейин Э. Кифовер ўз номзодининг кўрсатилишини таъминлади.

Ж. Кеннеди қарийб дарҳол келгуси сайловнинг бюллетенидаги биринчи ўрин учун курашга киришиб кетди. 1958 йили у Сенатга қайта сайловлар

маҳалида фавқуллода ишонарли ғалабага эришди. Ж.Кеннеди жамоатчилик эътиборининг марказида қолиш учун барча ҳаракатларни қилди. У ўнлаб газета ва журналларга мақолалар ёзди, касаба уюшмалари рэкетини тадқиқ этиш билан шуғулланувчи, кенг реклама қилинган Макклелан комитетининг аъзоси бўлди ва меҳнат муносабатларини қайта куриш ҳақидаги мўътадил қонун лойиҳасини Сенатда маъқулланишига эришди. Жазоирга мустақиллик ва Ҳиндистонга иқтисодий ёрдам талаби билан чиқиб, ташқи сиёсат соҳасида жиддий обрў қозонди. 1960 йилнинг аввалида Ж. Кеннеди расмий равишда президентликка ўз номзодини олга сурганида унга Миннесотадан сенатор Х. Хамфри, Миссуридан сенатор С. Саймингтон, Техасдан Сенат кўпчилигининг етакчиси Л. Жонсон ва Э. Стивенсонлар қарши турардилар. Лос-Анжелесда конвент бўлиши вақтида Ж. Кеннеди ўзига ғалабани таъминлаган ва овоз беришнинг биринчи туридаёқ тасдиқланган эди. Икки ҳафтадан кейин республикачилар вице-президент Р. Никсонни ўзларининг номзоди этиб сайладилар. Ўзининг шериги сенатор Жексон демократларга Жанубнинг анъанавий қувватлашини таъминлайди, деб ҳисоблаган Ж. Кеннеди ўз эътиборини Шимоли-шарқнинг аҳоли зич жойлашган штатларига қаратди. Бу стратегия муваффақият келтирди, лекин устунлик арзимасгина бўлди. Ж. Кеннеди Р. Никсондан 119 минг сайловчиларнинг овозини кўпроқ олиб (69 млн. овоз берувчидан) ғалаба қилди. Ж. Кеннеди 1961 йил 20 январда АҚШ президенти қасамёдини қабул қилди. Янги президентнинг ҳаракат режаси «Янги марралар» дастурида айтиб ўтилган. Конгресс Тинчлик Корпуси яратилишини маъқуллади, энг кам ойлик иш ҳақини кўтарди, ижтимоий суғуртани либераллаштирди ва уй-жой қурилиши, мамлакатнинг камбағал районларига ёрдам бериш, ишчи кучини қайта тайёрлаш ва вақтинчалик ишсизларга товон тўлаш ҳақида қонунлар қабул қилди. Президентга импорт тарифларини пасайтириш ҳақида музокаралар ўтказишга мисли йўқ ваколатлар берилди. Бироқ Конгресс унинг бир қатор таклифларини қабул қилмади: кексаларга тиббий ёрдам кўрсатиш, шаҳарларнинг ишлари бўйича министрлик тузиш, таълим соҳасига ҳар томонлама қўмаклашиш ҳақидаги таклифлари жавобсиз қолди. Конгресснинг Оқ уй билан таққосланганда камроқ либерал эканлиги ва фаолликка мойиллиги ҳам кам эканлиги билиниб қолди. Аксарият асосий комитетларнинг раислик лавозимларини назорат қилувчи жанубий демократлар ижро ҳокимияти ҳаракатларига доимий тўсқинлик ролини республикачи ҳамкорлари ёрдамида ўзларида сақлаб қола олдилар. Президент ўз қонунчилик дастурларининг кенг жамоатчилик томонидан салмоқли қўллаб-қувватланишига ҳам эриша олмади. Шахс сифатида у жуда

машхур эди. Бироқ мамлакат умуман олганда гуллаб-яшнаётган бир пайтда сайловчиларнинг улкан гуруҳларини ўзгаришлар кераклигига ишонтириш жуда қийин эди.

Президент жуда қадрлаган қонун лойиҳаларидан иккитаси кўп ойлardan буён муаллақ ҳолатда турарди ва фақат унинг ўлиmidан кейингина қабул қилинди. Улардан бири шахсий ва корпоратив даромад солиқлари миқдорини пасайтириш йўли билан ижтимоий ўсишни кучайтиришни назарда тутарди. Иккинчиси — фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Бу соҳада президент анча кечикиб ҳаракат қилди. 1960 йилги демократик платформада мавжуд бўлган ўзининг сайловолди ваъдалари ва ишонтиришларига қарамасдан у бошқа дастурларни, айниқса савдони либераллаштиришга тегишли бўлганларини, жанубий штатларнинг конгрессменлари билан муносабатларни кескинлаштирган ҳолда хавф остида қолдира олмайман, дея ҳисоблади. 1963 йили бутун мамлакатни, унинг Шимолини ҳам, Жанубини ҳам афроамерикан аҳолининг улкан намоёишлари тўлқини қамраб олди. Конгресснинг республикачи етакчиларини тўлақонли шериклар сифатида ҳамкорликка таклиф этган маъмурият ишга ёллаш вақтида ва жамоат жойларида камситиш, таҳқирлашларга қарши чораларни, шунингдек, амалга оширилиш жараёнида камситишлар қўлланадиган дастурларни федерал молиялаштиришни тўхтатишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқди.

Ташқи сиёсат соҳасида Ж.Кеннеди президент сифатида мағлубиятдан бошлади, кейин эса, вақт ўтиши билан урушдан кейинги халқаро муносабатларнинг эҳтимол энг йирик ютуғи бўлган муваффақият билан якунлади. 1961 йилнинг апрелида кубалик эмигрантлардан фойдаланган ҳолда коммунистик Куба ҳудудига бостириб киришга уриниши унинг мағлубияти бўлди. 1962 йилнинг октябрида Куба Ж. Кеннедининг Кариб инқирозини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган аввалгисидан кўра муваффақиятлироқ ҳаракатлари майдонига айланди.

Кескин муаммолар, шунингдек, Фарбнинг Берлиндаги ҳарбий ҳозирлигига Н.С. Хрушчёвнинг қарши туриши билан ҳамда Лаос ва Жанубий Вьетнамда давом этаётган партизанлар урушлари билан боғлиқ эди. Бу муаммоларнинг бирортаси ҳам Ж. Кеннеди маъмурияти томонидан ҳал қилинган эмас. Шунга қарамасдан, президент Фарб билан Шарқ ўртасидаги кескинликни юмшатишни ўзининг бош вазифаси деб ҳисобларди, 1961 йилнинг июнида Венада бўлган Н.С. Хрушчёв билан учрашув эса натижасиз якунланди. 1963 йилнинг июнида Вашингтондаги

Америка университетидида нутқ сўзлаган Ж. Кеннеди «совуқ уруш»нинг «бузуқ ва хавфли доирасини» узишга чақирди. У ядро қуроли синовларини тақиқлаш ҳақида келишувга эришиш учун олдинда турган янги учрашув ҳақида ва АҚШнинг вақтинча бир томонлама атмосферадаги синовлардан воз кечиши ҳақида эълон қилди. Москвада бўлиб ўтган АҚШ, Буюк Британия ва СССР вакилларининг учрашуви давомида ниҳоят ядро қуроли синовини вақтинча қисман тўхтатиш ҳақида келишувга эришилди. Кейинчалик бу келишувга ўнлаб бошқа давлатлар ҳам қўшилдилар.

1963 йилнинг охирида янги сайловларга тайёрланар экан, президент мамлакат бўйлаб ташрифларни бошлади. 22 ноябрда, Даллас (Техас штати) орқали ўтиш пайтида у отиб ўлдирилди. Полиция 24 ёшли Л. Освальдни қамоққа олди. У собиқ денгиз пиёда аскарни бўлиб, қанчадир вақт СССРда яшаган ва АҚШга қайтиб келганидан сўнг Янги Орлеаннинг ўнг ҳамда мафия доиралари билан яқин алоқалар ўрнатган. Айни вақтда ўзини «сўл»лардан қилиб ҳам кўрсатган. Қамоққа олинганидан икки кун кейин Л. Освальд жиноят олами билан яқин алоқага эга бўлган, Далласдаги тунги клубнинг эгаси Ж. Руби томонидан отиб ташланди. Ж. Кеннедининг ўлимидан сўнг президентлик қасамёдини қабул қилган вице-президент Л. Жонсон Олий суд раиси Э. Уоррен бошчилигида жиноятни текширувчи комиссия тузди. 1964 йил 27 сентябрда ўз докладини чоп этган комиссия Ж. Кеннеди Л. Освальд томонидан ўлдирилган, деган хулосага келди. Ж. Кеннедининг ўлдирилиши XX асрнинг энг сирли жумбоқларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ж. Кеннедининг отаси — Жозеф Кеннеди президент Ф. Рузвельтга унинг «янги курс»ини амалга оширишда энг яқин ёрдамчилардан бўлган. Унинг учала ўғли ҳам — Жон (1917—1963), Роберт (1925—1968) ва Эдвард (1932) демократия ва католик черков ғояларига содиқ эътиқодли либераллар эди. Учаласи ҳам ўзининг либерал анъаналари ва демократик принциплари билан машҳур бўлган Гарвард университетидида таълим олишган.

Ж. Кеннедининг хотини Жаклин ўз даврининг энг латофатли аёлларидан бўлган. Уларнинг уч нафар фарзандлари бор.

Ёки инсоният уруш хавфини тугатади, ёки уруш инсониятнинг ўзини тугатади. (Жон Кеннеди)

«МИЛЛАТ ҚУЁШИ»

**КИМ ИР СЕН (15.04.1912, Мангёндэ қишлоғи,
Пхеньян — 18.07.1994, Пхеньян)**

Корея Халқ Демократик Республикасининг раҳбари, амалда диктатори (1945—1994). «Буюк Доҳий, Миллат Қуёши, Забардаст Республика Маршали» Ким Ир Сеннинг отаси Ким Хён Чжик (1894 — 1926) қишлоқда ўқитувчилик қилган. Онаси Кан Бан Сок (1892 — 1932) маҳаллий протестант руҳонийсининг қизи бўлган.



Хукмдорнинг шахси доимо мамлакат тақдирига кучли таъсир кўрсатади. Бу, айниқса хукмдорнинг ҳуқуқи на анъаналар, на кучли чет эллик «ҳомийлар», на кучсизгина бўлсада жамоатчилик фикри билан чегараланмаган диктатураларга хос. XX асрдаги шундай диктатуралардан бири Шимолий Корея — 46 йил (амалда 49 йил) муттасил уни бир киши — «Буюк Доҳий, Миллат Қуёши, Забардаст Республика Маршали» Ким Ир Сен бошқарди.

Ярим аср давлатнинг энг олий лавозимини эгаллаб туриш ҳозирги тез ўзгарувчи замон учун камдан-кам учрайдиган ҳодиса ва шунинг ўзигина Ким Ир Сеннинг фаолияти билан танишиш учун қизиқарлидир.

Болалигида Ким Ир Сен — камтаргина қишлоқ ўқитувчисининг ўғли, ҳеч бир жиҳати билан эътиборни тортмайди, ёшлигида унга — партизан отрядининг командирига — ўз ўтмишини кўз-кўз қилишнинг кераги йўқ эди, кейин, Шимолий Кореянинг хукмдори бўлгандан сўнг эса, у ўз мавқеига, мавжуд шароитга мос таржимаи ҳолни ўзига тўқишга мажбур бўлди. Шароит эса тез-тез ўзгариб турганлиги сабабли Доҳийнинг расмий таржимаи ҳоли ҳам унга мослашиб ўзгариб турди. Шу сабабли унинг таржимаи ҳолида баъзи ноаниқликлар, охиригача айтилмай қолган гаплар, шубҳали фактлар учраб қолиши мумкин.

Ким Ир Сеннинг оиласи ва унинг болалиги ҳақида кўп нарса маълум эмас. Корея ташвиқотчилари ва расмий тарихшунослиги томонидан бу мавзуга бағишлаб салмоқли ўнлаб томлар ёзилган бўлсада, улардан ҳақиқатни излаб топиш анча мушкул иш.

Ким Ир Сен 1912 йил 15 апрель куни (бу сана ҳам баъзан шубҳа остига олинади) Пхеньян яқинидаги Мангёндэ номли кичик бир қишлоқда туғилган. Отаси Ким Хён Чжик нима билан шуғулланганлигини аниқ айтиш қийин, чунки ўзининг қисқа ҳаёти давомида бир қанча касбларни алмаштиришга мажбур бўлган. Матбуотда, Ким Ир Сен ҳақидаги маълумотларда, энг кўп тарқалгани, унинг отасини қишлоқ ўқитувчиси деб ёзишган. Афтидан

Доҳийга ҳам бу маъқул келган бўлса керак, шу отасининг касби бўлиб расмий тарихда қолган. Онаси Кан Бан Сок маҳаллий протестант руҳонийсининг қизи бўлган. Ким Ир Сеннинг ҳақиқий исми Ким Сон Чжу бўлиб, оилада ундан ташқари яна икки ўғил бўлган. Корейс зиёлиларининг қуйи қатламидаги барча оилалар сингари Ким Хён Чжик ва Кан Бан Сок оиласи ҳам бой эмасди. Муҳтожлик ва япон босқинчилари эгаллаб турган мамлакатдан кетиш истаги бошқа кўплаб оилалар сингари бу оилани ҳам 1919 ёки 1920 йили Маньчжурияга кетишга мажбур қилди. Бу ерда кичкина Ким Сон Чжу хитой мактабида ўқий бошлади. У болалигидаёқ хитой тилини мукамал ўрганиб олди, умрбод бемалол сўзлашди ва хитой мумтоз романлари унинг севимли китоблари бўлиб қолди. 1926 йили Ким Хён Чжик 32 ёшида вафот этди, 14 ёшли Ким Сон Чжу етим қолди. Мактабнинг юқори синфларидаёқ Ким Сон Чжу маҳаллий хитойларнинг яширин комсомоллари тузган марксистик ташкилотга аъзо бўлиб қиради. Аммо ташкилот тезда фош этилиб, унинг энг ёш аъзоси бўлган 17 ёшли Ким Сон Чжу ҳам қамоққа олинади ва бир неча ой турмада ўтиради. Кейинчалик расмий Шимолий Корея тарихчилари Ким Ир Сен шунчаки аъзо эмас, балки ташкилотнинг раҳбари бўлган, деб ёзишига қарамасдан, бу қараш ҳужжатларда ўз тасдиғини топмайди. Тез орада Ким Сон Чжу озодликка чиқади, лекин шу даврдан бошлаб унинг ҳаёт йўли кескин ўзгаради: у мактабни ҳам битирмай туриб, япон босқинчиларига ва уларнинг маҳаллий тарафдорларига қарши курашиш учун ўша пайтда Маньчжурия худудида фаолият кўрсатаётган кўп сонли партизан отрядларидан бирига қўшилиб кетади. Ўша йиллари босқинчиларга хизмат қилишни, уларга хушомад қилиб амал олишни истамаган хитой ва корейс ёшларининг кўпчилиги шу йўлни танлаган эдилар.

30-йилларнинг бошларида Маньчжурияда японларга қарши оммавий партизанлик ҳаракати авж олган эди. Унда барча — коммунистлардан тортиб ўнг миллатчиларгача фаол иштирок этаётганди. Ёш Ким Сон Чжу ҳали мактабда ўқиб юрган пайтдан бошлаб комсомол билан алоқада бўлганлиги учун Хитой коммунистик партияси томонидан тузилган партизан отрядларидан бирига қўшилади. Расмий корейс тарихчилари ёш Ким Ир Сен ўзи тузган Корея Миллий-Инқилобий Армиясига кўмондонлик қилган, деб таъкидлашларига қарамасдан, у пайтда албатта бундай армиянинг ўзи ҳали режада ҳам йўқ эди. Корейс ташвиқотчилари Ким Ир Сенни биринчи навбатда миллий қаҳрамон қилиб тасвирлашга уринганликлари сабабли унинг Хитой компартиясига аъзо бўлганлиги, Совет Армияси сафларида хизмат қилганлиги ҳақида гапирилмайди. Аслида у 1932 йили Хитой компартиясига аъзо бўлгандан сўнг Ким Ир Сен тахаллусини олган эди.

Ким Ир Сен ёш бўлишига қарамасдан партизанлик ҳаракатида ўзини кўрсата олган ва тез орада 6-дивизия командири лавозимига кўтарилган. Дивизияни «Ким Ир Сен дивизияси», уни эса 24 ёшлик кўмондон, деб ёзишади корейс тарихчилари. Аслида у номигагина дивизия бўлиб, унда тахминан 160 нафар жангчи бўлган. Шунга қарамасдан ёш партизан учун бу сўзсиз катта муваффақият эди. 30-йилларнинг охирларида Ким Ир Сен Шимолий Корейлик деҳқоннинг қизи, 16 ёшидан партизанлик ҳаракатига қўшилган Ким Чжон Сукни учратади ва унга уйланади. Бу унинг иккинчи хотини эди. Биринчиси Ким Хё Сун номли аёл бўлиб, у ҳам партизанлар отрядида жанг қилган, 1940 йили японларга асирга тушган, кейинчалик Корея Халқ Демократик Республикасида (КХДР) яшаган ва турли лавозимларни эгаллаган. Аммо расмий тарихчилар Ким Ир Сеннинг биринчи хотини деб КХДРнинг ҳозирги раҳбари Ким Чен Ирнинг онаси Ким Чжон Сукни ёзишади.

30-йилларнинг охирида Маньчжурия партизанларининг аҳволи анча ёмонлашади. Бу пайтда Ким Ир Сен 1-армия 2-оператив район командири бўлиб, унга Цзяндао провинциясидаги партизан отрядлари бўйсунарди. 1940 йили иложсизлик ҳолатида Ким Ир Сен бир гуруҳ жангчилар билан Амур дарёсидан Совет Иттифоқи ҳудудига ўтади. Унинг СССРдаги эмигрантлик ҳаёти бошланади. Айтиш лозимки, узоқ вақт корейсшунослар ва корейсларнинг ўзлари орасида Доҳийни СССРда алмаштириб қўйганлиги ҳақида гап юрарди. Гўё партизанлар отряди раҳбари Ким Ир Сен 1940 йили жангда ҳалок бўлган, ҳозирги Доҳий эса ўрнига СССРдан жўнатилган экан. Айниқса, Жанубий Корейда бу миш-миш жиддий тарқалган эди. Албатта, бу гаплар тасдиғини топмаса-да, унинг тарқалишига сабаб бўлган жиҳатлар бор эди. Ким Ир Сен тахаллусидан бир неча партизан отрядларининг командирлари фойдаланган эдилар.

СССРда Ким Ир Сен Хабаровск пиёдалар ҳарбий билим юртида ўқиди. 1942 йил февралда (айрим манбаларга кўра 1941 йил) Ким Чжон Сук ўғил туғди. Унга русча Юрий деб исм қўйишди. Юра КХДРнинг «Севимли Раҳбари, Чучхе¹ Инқилобий ишининг Буюк давомчиси» Ким Чен Ир эди.

СССРда Ким Ир Сен батальон командири, капитан даражасида хизмат қилди. Яна икки фарзанди: ўғли Шура ва қизи шу ерда туғилди. У ва хотини ўзини шу ерда яшашга, Совет армиясида хизмат қилишга тайёрлашган, ва-

¹ Чучхе — Шимолий Корейда 60-йиллари бошланган, Хитойдаги «маданий инқилоб», СССРдаги «қайта қуриш» сингари ижтимоий-сиёсий жараён.

танга қайтишни орзу ҳам қилишмасди. Лекин уруш тамом бўлгандан сўн СССРнинг Кореядаги манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ким Ир Сен каби кишилар кўплаб керак бўлди. У дастлаб совет раҳбарларининг таклифини хоҳламайгина қабул қилди, чунки у ҳам, оиласи ҳам СССРдаги тинч ҳарбий хизматга аллақачон ўзларини тайёрлаб бўлишган эдилар. Айтишларича, Ким Ир Сен тасодиф туфайли, ўзининг хоҳишига зид равишда Шимолий Кореянинг раҳбари бўлиб қолган. Унда дастлаб фақат диктаторлик эмас, амалпарастлик белгилари ҳам бўлмаган. «Мен полкка, кейин дивизияга командир бўлишни хоҳлайман, бу ишни (Кореяга раҳбар бўлишни) хоҳламайман», — деган экан у совет ҳарбий раҳбарларининг таклифига қарши. Шундай бўлсада, совет раҳбарларининг қарори билан Ким Ир Сен 1945 йил декабрда Корея компартияси Шимолий бюросининг раиси, 1946 йил февралдан эса Шимолий Корея муваққат халқ комитетининг раиси бўлди.

Унинг Кореяга қайтишини бахтли бошланди деб ҳам бўлмади: 1947 йил ёзда чўмилаётиб иккинчи ўғли Шура чўкиб кетди, 1949 йил сентябрда эса туғиш пайтида хотини Ким Чжон Сук вафот этди. Бу икки мусибат унинг қалбида жароҳат, бир умрлик армон бўлиб қолди.

Маълумки, Подстам конференциясининг қарорига кўра Корея 38-параллель бўйича иккита — америка ва совет зоналарига бўлинди. Шимолда советлар ҳокимиятга ўз одамларини қўйиш учун ҳаракат қилдилар. Жанубда америкаликлар ҳам шу иш билан шуғулландилар. Пхеньян ва Сеулдаги раҳбарлар ўзларининг ҳокимияти ягона қонуний эканлигини бир-бирларига даъво қилдилар. Иш урушга қараб борарди. 1950 йил апрелда Ким Ир Сен Москвага ташриф билан келди ва Сталин билан учрашди. Шу учрашувда уруш тақдири ҳал қилинган бўлса ажаб эмас. Ким Ир Сен Корея масаласини ҳарбий йўл билан ҳал қилиш истагини билдираётган ягона раҳбар эмасди. Совет ҳарбийларининг ичида ҳам шундайлар кўп эди. Бунинг сабаблари ҳам бор: Хитойда коммунистлар ҳокимият тепасига келган, СССРда эса атом бомбаси пайдо бўлган эди.

1950 йил 25 июнда Шимолий Кореянинг Жанубий Кореяга тўсатдан қилган ҳужуми билан икки давлат ўртасида уруш бошланди. Урушнинг учинчи куни жанубликлар пойтахти Сеул шаҳри олинди, августнинг охирида эса Жанубнинг 90% ҳудуди шимолликлар қўл остига ўтди. Аммо тўсатдан ташланган Америка десанти аҳволни бутунлай тескарига алмаштирди: ноябрга келиб шимолликларнинг 90% ҳудуди жанубликлар назорати остига ўтди. Фақат Хитой армиясининг аралашувигина яна аҳволни ўнглашга имкон берди. 1951 йил баҳорда иккала армия уруш бошланган пайтдаги чегарага, яъни 38-параллелга келдилар. Урушнинг асосий оғирлигини хитойликлар ўз зимма-

ларига олдилар. 1950/51 йил қиш ойлари амалда Корея худуди Хитой-Америка тўқнашувига айланиб кетди. Хитойликлар Кореянинг ички ишларига аралашмасди, Ким Ир Сен айна пайтда совет ҳарбийларининг ҳаддан ташқари назоратларидан ҳам қутулди. 1953 йил 27 июлда иккала корейс давлатлари ўртасида яраш битими тузилди. Бироқ 50-йилларнинг бошларида Ким Ир Сен олдида КХДР ташкил топгандан бери раҳбариятда шаклланган фракциялардан қутулиш ва бу жараёнда ўзи зарар кўрмаслик вазифаси турарди. Айтиш керакки, Доҳий бунинг уддасидан чиқди. Ҳатто 1956 йили совет-хитой раҳбарларининг вакиллари сифатида Микоян билан Пен Дэжуа Пхеньянга келиб, партиядagi тозалашларни тўхтатишни талаб қилганларида ва акс ҳолда Ким Ир Сеннинг ўзи ишдан олинишини айтганларида ҳам у усталик билан қутулиб қолди. У вақтинча бўлсада ён беришга мажбур бўлди. Бу воқеа Ким Ир Сен сиёсатида жиддий ўзгариш ясади. У 50-йилларнинг 2-ярмидан эҳтиёт-корлик билан СССР ва Хитойдан узоқлаша борди, аммо уларнинг, айниқса СССРнинг молиявий ёрдамсиз мамлакат оғир аҳволга тушишини яхши тушунарди. Шунга қарамасдан, 1958 — 1962 йиллари партия раҳбариятида тозалаш ўтказилди, «совет» ва «яньань» фракциялари йўқ қилинди. Аммо бу тозалашлар Сталин қатағонлари шаклида қонли бўлмади — мухолифатчилар асосан мамлакатдан чиқариб юборилди. Жанубий Корея билан яраш битими тузилгандан кейинги дастлабки йилларда Шимолий Корея иқтисодиёти шиддат билан ривожланди. Бунда, албатта, СССР билан Хитойдан келган иқтисодий ёрдам ҳал қилувчи роль ўйнади. 1945 — 1970 йилларда СССРдан 1 млрд. 146 млн., Хитойдан эса 541 млн. АҚШ доллари миқдорида ёрдам олинган. Жанубий Корея иқтисодий тараққиётда шимолдан анча орқа-да қолиб кетди ва бу қолюқликни фақат олтмишинчи йилларнинг охиридагина баргараф қилишга эришилди.

1960 йиллардан кейин СССР билан ХХР ўртасида бошланган келиш-мовчиликлардан ҳам Ким Ир Сен усталик билан фойдаланди: иккаласининг ҳам назоратидан чиқиб, айна пайтда улардан ёрдам олишни давом эттирди. Шу даврдан бошлаб Ким Ир Сен шахсини улуғлаш мисли кўрилмаган даражага етади. 1972 йили «Буюк Доҳий, Миллат Куюши, Темир Иродали Саркарда, Забардаст Республика Маршали»нинг 60 йиллик юбилейи катта тантаналар билан нишонланди. Агар шу пайтгача Ким Ир Сенни мақташ Сталин ва Мао Цзедунниқидан оширилмаган бўлса, энди у ҳозирги замоннинг энг машҳур раҳбари сифатида мақтала бошланди. 1974 йилдан эса Доҳийнинг туғилган куни мамлакатнинг асосий байрамига айлантирилди. Аммо энди аҳолининг яшаш даражаси жанубдагидан сезиларли орқада бўлиб, бу қолюқлик борган сари ортиб бораётган эди. Мамлакат

раҳбарлари эса асосан Доҳийнинг яқин қариндошлари бўлиб, улар ҳақиқий ҳолатни яшириш билан банд эдилар. Аммо аҳвол борган сари оғирлашиб борарди ва энди яширишнинг иложи қолмаётган эди. Мамлакат очлик ёқасида турарди. Шунда Буюк Доҳий ядро қуроли билан кўрқитишга ўтди. Найранг яхши амалга ошиб, Доҳийнинг ашаддий душмани бўлган «америкалик империалистлар» Кореянинг ядро дастурини тўхтатиш эвазига иқтисодий ёрдам беришга рози бўлдилар. Аммо бу Ким Ир Сеннинг охириги найранги эди. 1994 йил 8 июлда унинг юраги уришдан тўхтади. Ҳоқимиятга ҳеч қандай муаммосиз ўғли Ким Чен Ир (1941–2011) келди.

Хотини ўлгандан сўнг Ким Ир Сен бошқа уйланмаган, аммо жанублик мухбирларнинг ёзишича «Камалак» деган қизлар гуруҳи тузилиб, унга бутун мамлакат бўйлаб энг чиройли қизлар танлаб олинган ва улар доҳийнинг жориялари ҳисобланган экан.

Ким Чен Ирга отасидан оч, лекин коммунистик ғояларга содиқ мамлакат, кўплаб муаммолар ва албатта «Камалак» қизлар гуруҳи мерос бўлиб қолди.

Халқни занжирбанд қилиш учун аввало уни ухлатмоқ лозим. (Жан Поль Марат)

«МЕНИНГ ОРЗУЙИМ БОР»



**КИНГ, МАРТИН ЛЮТЕР (15.01.1929, Атланта
Жоржия штати — 04.04.1968, Мемфис, Теннесси штати)**

Ўқитувчи Альберта Кинг ва баптист руҳонийси Мартин Лютер Кинг (исм-шарифи ўғлиники билан бир хил эди) оиласида дунёга келган. Мактаб, коллеж ва университетда энг аълочилардан бири эди, Монтомерида машҳур транспорт бойкотини уюштирган, Америкада инсон ҳуқуқлари учун кураш ҳаракатининг етакчиси бўлган. Уни 120 марта қамоққа ташлаганлар. У 1964 йили Нобель тинчлик мукофотига сазовор бўлган. Ўша йили «Озодликка йўл» («Stride Toward Freedom») деб номланган биринчи китоби нашр этилади. 1963 йил 28 августда 250 мингта фуқаролик ҳуқуқлари учун курашувчиларнинг машҳур «Вашингтонга юриши»да иштирок этди. Лин-

кольн мемориалининг зиналарида Кинг ўзининг машҳур «Менинг орзуйим бор» нутқини ўқиди.

Мартин Кингнинг болалиги Буюк инқироз йилларига тўғри келди, лекин у ўртача таъминланган оилада улғайди. Дэвид Т. Говарднинг бошланғич мактабида сўнг Буккер Т. Вашингтоннинг ўрта мактабида ўқир экан, М.Кинг тенгдошларидан анча илгарилаб кетди, чунки ўқув дастурларини мустақил

ўзлаштирди. 1944 йили, ҳали ўрта мактабни тугатмасдан туриб у Атлантадаги қора танлилар учун Морхаус коллежига имтиҳон топширди ва кирди. Ўшандаёқ у Рангли аҳоли тараққиёти миллий ассоциацияси (РАТМА) аъзоси бўлди. М. Кинг руҳонийликни қабул қилди ва черковда отасининг ёрдамчиси бўлди. Коллежни социология бакалаври унвони билан тугатган М. Кинг, 1948 йили Честердаги (Пенсильвания штати) Крозернинг Теология семинариясига кирди ва 1951 йили унда илоҳиёт бакалаври унвонини олди. Унга белгиланган стипендия Бостон университети аспирантурасига ўқишга кириш имконини берди. У ерда 1955 йили М.Кинг «Паул Тиллих ва Генри Нельсон Вимэн тизимларида Худо моҳиятининг қиёсий таҳлили» мавзусида диссертация ёқлади ва фалсафа доктори бўлди. Бу йиллари М.Кингга руҳоний ва ислоҳотчи Вальтер Раушенбуш, Георг Гегел, Генри Торо, Эдгар Брайтмен, Паул Тиллих ва Рейнгольд Нибулларнинг илмий ишлари чуқур таъсир кўрсатди. «Ижтимоий евангелие яратишга уриниш, — деган эди Кинг, — христианлик ҳаётининг исботидир». 1953 йили М. Кинг Коретта Скотт деган талаба қизга уйланди, уларнинг икки ўғил ва икки қизлари туғилди.

Монтгомерида (Албама штати) Декстер-авенюдаги баптистлар черковида М. Кинг 1954 йили руҳоний бўлди ва 1960 йилнинг январиди Эбинизер черковида яна отаси билан бирлашганига қадар ўз вазифасини бажарди. Монтгомерида М.Кинг ижтимоий ҳаракатлар комитетларини тузди, РАТМА маҳаллий ижроия комитети таркибига кириб, унинг учун маблағлар йигди.

Роза Парке билан бўлган воқеадан сўнг (бу тикувчи аёл автобусда оқ танли йўловчига ўрин бўшатиб беришдан бош тортганлиги учун қамоққа олинган) 1955 йилнинг декабрида Монтгомерида Мукаммаллашиш ассоциацияси тузилади ва М. Кинг унинг президенти бўлади. Қора танли аҳоли томонидан Монтгомерининг автобус транспортини бойкот қилинишининг тўғрилигига шубҳаланган М. Кинг, аввалига бу лавозимни эгаллашга иккиланди ва Торадан¹ «Ахлоқсиз тизим билан энди ҳамкорлик қилиш мумкин эмас» деган парчани эслаб, рози бўлди. 5 декабрь куни кечқурун М. Кинг, ўзи кейинчалик эслашича, ўз ҳаётидаги ҳал қилувчи сўзларини айтган. «Қаршилиқ кўрсатишнинг ўрнини босувчи ҳаракат йўқ», — деди М.Кинг тўпланганларга ва норозилик «озодлик ва адолатдан камига ҳам рози бўлишга мажбурловчи сабр-тоқатдан» воз кечишга ёрдам беради де-

¹ Тора — диний муқаддас китоб.

ган ишончни билдирди. Негрлар жамоаси М. Кинг раҳбарлиги остида Монтгомери транспортини 382 кун бойкот қилди. 1956 йилнинг ноябрида АҚШ Олий суди Алабамадаги сегрегация¹ ҳақидаги қонунни ғайриконституцион деб тан олди. Декабрда оқлар ва қора танлилар биринчи бор автобуслардан биргаликда фойдаландилар. М.Кинг умуммиллий машҳурликка эришди, 1957 йилнинг феввалида унинг портрети «Тайм» журнали саҳифасида пайдо бўлди.

XX асрнинг ўрталаридаги М.Кинг бош қўшган фуқаролик ҳуқуқлари ҳаракатининг илдизи урушдан олдинги йилларга бориб тақалади. РАТМА ва Ирқий тенглик Конгресси, А.Филипп Рэндолор сингари ишчиларнинг етакчилари қора танлиларнинг тенг ҳуқуқчилиги сари бир қатор қадамлар қўйдилар. Улар эришган ютуқларнинг энг чўққиси 1954 йилги «Браун таълим ишлари бўйича Топекининг кенгашига қарши» жараён бўлди. Олий суд оқ танли ва қора танлиларнинг алоҳида ўқитилиши тенгсизликни туғдиради ва демак, АҚШ Конституциясидаги 14-тузатишга қарама-қарши, деб эълон қилиш билан таълим соҳасидаги сегрегацияга яқун ясади.

Инсон ҳуқуқлари ишига М.Кинг қўшган улкан ҳисса унинг христиан фалсафаси тамойилларига содиқ қолишига имкон яратди. М. Кинг ўзи учун намуна деб Ҳиндистоннинг Британия ҳукмронлигидан озод бўлишига имкон яратган пассив қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг етакчиси Махатма Гандининг фаолиятини ҳисобларди. «М. Гандининг зўрлик ишлатмасдан қаршилик кўрсатиш фалсафаси, — деган эди М. Кинг, — озодлик учун курашни оқловчи ягона йўлдир».

Монтгомеридаги бойкот пайтида М. Кингнинг уйи портлатиб юборилганлиги, ўзи эса қамоққа олинганлиги уни АҚШ қора танлилар жамоасининг қаҳрамонига айлантирди. 1957 йилнинг январиди Жанубнинг негр етакчилари «Жануб христианлари раҳбариятининг конференцияси» (ЖХРК) деб номланган фуқаролар ҳуқуқлари учун черков ташкилотлари иттифоқини туздилар ва М. Кинг унинг президенти этиб сайланди. Қора танли аҳоли ҳуқуқларининг тан олинган ҳимоячиси М. Кинг айнан ана шу даврда «Озодлик томон қадам: Монтгомери ҳақида ҳикоя» («Stride Toward Freedom: The Montgomery Struggle») китобини ёзди. 1958 йилнинг сентябрида Гарлемда дастхат бериш вақтида у руҳий касал аёл томонидан пичоқ билан кўкрагидан ярадор қилинди.

ЖХРКдан база сифатида фойдаланиб М.Кинг транспортда, театрларда, ресторанларда ва шу каби жойларда қора танлиларнинг камситилишларига чек қўйишга қаратилган, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи

¹ Сегрегация — ирқий камситишнинг бир тури.

бир қатор кампанияларни ташкил қилди. У бутун мамлакатни айланди, маърузалар ўқиди, бунда 15 марта ҳибсга олинди. 1960 йили у Ҳиндистон премьер-министри Жавахарлал Нерунинг таклифига биноан Ҳиндистонда бир ой бўлди, у ерда Махатма Ганди фаолияти билан чуқурроқ танишди. 1963 йил март-апрелида Кинг Бирмингемда (Алабама штати) ишлаб чиқаришда ва турмушда камситишларга қарши оммавий намойишга раҳбарлик қилди, ундаги шиорлардан бири турли хил ирқдаги фуқаролар комитетлари тузиш бўлди. Полиция намойишчиларни (уларнинг орасида болалар кўп эди) итлар, сув оттичлар ва калтаклар ёрдамида ҳайдаб юборди.

Намойишларнинг тақиқланишини бузганлиги учун М. Кинг 5 кунга қамалди. Бу давр ичида у ўзини «ўйламасдан ва бевақт қилинган ҳаракатлар»да айблаётган шаҳардаги оқ танли диний арбобларга «Бирмингем қамоқхонасидан хат»ни ёзди. Вақти-вақти билан бўлиб турадиган галаёнларга қарамасдан, оқ танли ва қора танли арбоблар сегрегацияни йўқотишга келишганларидан сўнг Бирмингемда зиддият бирмунча юмшади. 1963 йили М. Кинг ўзининг ўринбосари Ральф Эбернати, ирқий тенглик Конгресси асосчиси Байярд Рустин ва бошқа арбоблар билан биргаликда АҚШ тарихидаги энг йирик фуқаролар ҳуқуқлари учун намойишни уюштирди. 28 августда, АҚШ Конгрессида фуқаролар ҳуқуқлари ҳақидаги қонун муҳокама қилинаётган бир пайтда Вашингтонда 250 минг оқ ва қора танлилар тўпландилар. Ўша куннинг ўзида қора танлиларнинг етакчилари президент Жон Ф. Кеннеди билан маслаҳатлашдилар. Сўнгра М. Кинг Линкольн Мемориали зиналарида инсонларнинг бир-бирига қон-қардошлигига ишонч ифодаланган нутқини сўзлади. Нутқ «Менинг орзуйим бор» деган ном билан жуда машҳур бўлиб кетди — бу сўзлар нутқнинг матнида нақарот бўлиб жаранглайди.

М. Кингнинг «Биз нима учун кута олмаймиз» («Why We can't wait») номли китоби 1964 йили нашр этилди. Ўша йилнинг май-июнь ойларида М. Кинг ЖХРК аъзолари билан бирга Сент-Огастенда (Флорида штати) ўтказилаётган уй-жой фонди интеграцияси учун намойишларда иштирок этди. Бир ойдан сўнг президент Линдон Б.Жонсон уни Оқ уйга таклиф қилди, у ерда М. Кинг 1964 йилги фуқаролар ҳуқуқлари ҳақидаги қонуннинг бир қисми бўлиб қолган уй-жой ҳақидаги битимнинг имзоланишида қатнашди. Қонун жамоат жойларида ва ишлаб чиқаришда, меҳнат шароитида ва ҳақ тўлашда ирқий камситишларни тақиқлади. Йилнинг охирида М.Кингга тинчлик Нобель мукофоти берилди.

Норвегия Нобель мукофоти комитетининг вакили Гуннар Ян ўзининг кириш сўзида шундай дейди: «Мартин Лютер Кинг халқаро ишларга алоқадор бўлмаса ҳам, унинг кураши тинчлик ишига хизмат қилади... У Фарб

оламида биринчи бўлиб кураш деганда албатта зўрлик ишлатиш тушунилиши шарт эмаслигини исбот қилди».

М. Кинг ўзининг Нобель мукофотини олишдаги нутқида шундай деган: «Куч ишлатмаслик шуни англатадики, бутун ана шу йиллари менинг халқим сабр-тоқат билан азоб-уқубатларга чидади, уни бошқаларга раво кўрмади, етказмади... Бу шуни англатадики, энди биз кўрқувни ҳис қилмаймиз. Бироқ бундан биз бошқаларни, ёки, ҳатто ўзимиз унинг бир қисми бўлган жамиятни кўрқитишни истаймиз, деган гап келиб чиқмайди. Ҳаракатимиз оқ танлиларни хўрлаш ва эзиш ҳисобига негрларни озод этишга уринмайди. У кимнинг бўлмасин-да устидан галаба қилишни истатамайди. У Америка жамиятининг озод бўлишини ва бутун халқнинг ўз-ўзини озод қилишда қатнашишни истайди».

1965 йилнинг мартада М. Кинг Селмадан (Алабама штати) Монтгомерига сайлов ҳуқуқлари берилиш шиори остида юриш уюштирди, бироқ юришда ўзи қатнашмади. Намойишчилар йўл полицияси ҳужумига дуч келганидан сўнг М.Кинг янги юришга чорлади. Унда 3 мингдан зиёд оқ ва қора танли намоёнчилар иштирок этди ва уларга йўлда 25 минг киши қўшилди. Монтгомеридаги Капитолий деворлари ёнида М. Кинг тўпланганларга нутқ билан мурожаат қилди. 6 августда президент Л. Жонсон сайлов ҳуқуқи ҳақида қонунни имзолади, М. Кинг Вашингтонга таклиф қилинди ва имзо чекиш маросимида қатнашди.

Кўпчилик учун зиддиятли шахс бўлиб қолаётган М. Кингнинг фақат Жанубда эмас, мамлакатнинг бошқа қисмларида ҳам душманлари етарли эди. М. Кингнинг энг эътиборли танқидчиси, маълумки, Федерал қидирув бюроси (ФҚБ) директори Эдгар Гувер бўлиб, у М. Кингни коммунист, сотқин ва ўта ахлоқсиз одам деб атади. М.Кинг ФҚБ агентларини Олбэнида (Жоржия штати) шикоятлар бўйича чоралар кўрмаётганликда айблаганида ва буни улар келиб чиқиши жанублик эканлиги билан изоҳлаганида, Э. Гувер қора танли арбобни «мамлакатдаги энг учига чиққан ёлғончи» деб аташдан истиҳола қилмади. ФҚБ М.Кинг ва ЖХРКнинг телефонларини яширин тарзда тинглар, М. Кингнинг шахсий ва жамоатчилик ҳаёти ҳақида кенг маълумотлар тўпларди.

1967 йили М. Кинг «Биз бу ердан қаёққа борамиз?» («Where do We go from here?») китобини чоп эттирди. У апрелда очикдан-очик Вьетнамдаги урушга қарши фикр билдирди. М. Кинг Вашингтондаги урушга қарши катта митингга мактуб билан мурожаат қилди, «Вьетнамдаги воқеалардан ташвишга тушган руҳонийлар ва тинч фуқаролар» ташкилотининг ҳамкор раиси бўлди.

Ҳаётининг сўнгги йилларида М.Кингнинг эътибори фақат ирқчиликкагина эмас, ишсизлик муаммосига ҳам, бутун Америкада очлик ва камбағаллик масаласига ҳам қаратилди. Дунёқарашининг кенгайиши куч ишлатмаслик тамойилларига қарши бўлган Уоттс, Ньюарк, Гарлем ва Детройт геттоларидаги тартибсизликлар вақтида қора танли ёшларнинг радикал доираларини қўллаб-қувватлаш заруратини келтириб чиқарди. «Аслида вақт ҳеч қанақа аҳамиятга эга эмас, — деб ёзади М. Кинг. — Инсоният тараққиёти мутлақо муқаррарлик доирасида айланмайди. У Худонинг иродаси, кишиларнинг ҳормай-толмай қилган ҳаракатлари оқибатида вужудга келади, уларсиз вақт жамиятдаги инқироз ва турғунлик кучларининг иттифоқчиси бўлиб қолади». М.Кинг ирқий камситишлар камбағаллик муаммоси билан узвий боғлиқлигини англай бошлади. Аммо ана шу масала бўйича у дастур яратишга улгура олмади, 1966 йили Чикагонинг хароба кулбаларида ҳаёт шароитини яхшилаш ҳаракатининг муваффақиятсизлиги ҳам шу билан изоҳланади. Бироқ 1967 йилнинг ноябрида М. Кинг камбағал одамлар кампанияси бошланганлигини эълон қилди, у 1968 йилнинг апрелида Вашингтонда оқ ва қора танли камбағалларнинг тўпланиши билан якунланиши керак эди. 1968 йил 28 мартда М. Кинг Мемфиснинг (Теннесси штати) ишбилармонлар қисмида 6 минг кишилик норозилик юришини бошқарди, бу юришнинг мақсади иш ташлаган ишчиларни қўллаб-қувватлаш эди. Бир неча кундан сўнг, Мемфисда сўзга чиқиб, М. Кинг шундай деди: «Бизнинг олдимизда қийин кунлар турибди. Лекин бу аҳамиятга эга эмас. Чунки мен тоғнинг чўққисига чиқиб тушдим... Мен олдинга қарадим ва жаннатмонанд Ерни кўрдим. Эҳтимол, мен у ерда сизлар билан бирга бўла олмасман, лекин мен сизлар ҳозир шуни билишларингизни истайманки, бизнинг ҳаммамиз, бутун халқ ўша Ерни кўрамиз». Келгуси кун М.Кинг Мемфисдаги «Лоррэйн» мотелининг балконида турганида снайпер ўқидан ярадор қилинди. У Сент-Жозеф госпиталида оламдан ўтди ва Атлантада кўмилди.

М. Кингнинг фаолиятини Атлантадаги Мартин Лютер Кинг номидаги Зўрликларсиз ижтимоий ўзгаришлар маркази ўрганмоқда ва давом эттирмоқда. 1983 йили АҚШ Конгресси Мартин Лютер Кингнинг туғилган кунини январнинг учинчи душанба кунини нишонлаш таклифини рад этди. Бироқ 1986 йил 16 январда М.Кингнинг бюсти Вашингтон Капитолийсининг катта биносида ўрнатилди — қора танли америкалик бундай шарафга биринчи марта лозим кўрилди. 1986 йил 20 январда Америка миллати Мартин Лютер Кинг кунини биринчи бор нишонлади.

Мен хоҳлайманки, ўша кунни сиз, мен очларни тўйдиришга уринганлигимни айта олсангиз. Мен хоҳлайманки, ўша кунни сиз, мен ўз ҳаётимда яланғочларни кийинтиришга уринганлигимни айта олсангиз. Мен хоҳлайманки, сиз, ўша кунни мен ўз ҳаётимда қамоқдагилардан хабар олишга уринганлигимни айтсангиз. Ва мен хоҳлайманки, сиз, мен инсониятни севишга ва унга хизмат қилишга уринганлигимни айтсангиз. Мендан кейин чиройли, ажойиб нарсалар қолмайди. Бироқ мен ўзимдан эзгуликга бахш этилган ҳаётни қолдиришни истайман. Ва мен айтишни хоҳлаганларимнинг ҳаммаси ана шулар. (Мартин Лютер Кинг)

ФРАНЦИЯ ЙЎЛБАРСИ



КЛЕМАНСО, ЖОРЖ (CLEMENCEAU COERCES EVGENE BENJAMIN) (28.09.1841, Муйерон-ан-Пар, Вандея — 24.11.1929, Париж)

Франция премьер-министри. Нантда, кейин Парижда медицинани ўрганган. Уша ерда мухолифлик ҳаракатида иштирок этган ва қамоққа олинган. 1865 йили Стамфорддаги (Коннектикут штати) Хотин-қизлар мактабида француз тили ва отда юриш санъатидан сабоқ берган. 1870 йили Ж. Клемансо Парижга қайтиб келган ва врачлик амалиёти билан шуғулланган. Наполеон III кулагидан кейин Париж муниципал кенгашининг аъзоси бўлган. 1871

йили Учинчи Республика депутатлар палатасига сайланган. Ж. Ферри кабинетининг кулашига ҳисса қўшган (1885).

Юз йиллар давомида Франция нафақат Европадаги, балки бутун дунёдаги тарихий жараённинг доимий етакчиси эди. Кейин бу давр якунланди, лекин у ҳақдаги хотиралар сақланиб қолди. Француз атирлари жаҳондаги энг ёқимли, шароблари энг нозик ва сафобахш, аёллари энг латофатли, эркаклари энг жасур бўлган. Ва, албатта, фани, фалсафаси, илоҳиёти, адабиёти, театри, мусиқаси, тасвирий санъати, меъморчилиги, хуллас, французлар ҳамма соҳада биринчи эдилар. Франциянинг давлат тузуми эса асрлар давомида намунали ҳисобланиб келинган. Агар монархия бўлса, унда бутун оламнинг ҳукмдор подшолари Париж саройининг ахлоқ-одобидан ўрнак олганлар. Республика бўлганида эса, бутун дунёнинг сўллари Сент-Антуан манзилгоҳидаги «қутурганлар»нинг ифодали ва мудқиш шеваларига тақлид этардилар. Янги Дунёдан то Япониягача маълумотли кишилар французча гапирар ва, ҳатто кўпинча французча ўйлар ҳам эдилар.

Француз давлат арбобларининг Буюк Карл, Муқаддас Людовик, Генрих IV, кардинал Ришелье, Людовик XIV, Буюк инқилоб даҳолари, Наполеонлар елкама-елка турган ажойиб қаторида ўз даврининг модасига монанд катта мўйловли ва нима учунлиги номаълум бўлган қаҳрли юзидаги аниқ мўғулсимонлик белгиси билан паст бўйли, бақалоқ одам камтарона турибди. Ҳаёти давомида, ёруғ дунёда эса у салкам 90 йил яшаган, уни «Йўлбарс», «Ғалабанинг отаси» деб атаганлар. Мутахассис сиёсатчилар учун у министрликларнинг қулатувчиси бўлган, чунки у ўзининг ярим асрлик сиёсий фаолиятида камида ўнта ҳукумат кабинетини ағдарган, лекин ҳеч қачон салмоқли ва адолатли сабабларсиз бундай қилмаган.

Бошқача характеристикалар ҳам берилган. Лениннинг ўзи бой беришни истаган Биринчи жаҳон урушини ютганлиги учун Клемансонни «империализм ҳайвонлари ичида энг ваҳшийларидан» бири деб атаган. Кўплар уни оддийгина қилиб, «кекса тулки» деб атар эдилар, чунки у сиёсий курашда шафқатсиз эди ва ҳамма вақт овда тулки каби тўсатдан ҳамда кутилмаган ҳолатда зарба берарди.

Унинг Ватанига, ҳар қандай шовинизмдан ва миллий такаббурликдан холи бўлган беғараз муҳаббати — фақат миллатнинг реал манфаатлари учун курашда жасорат, сиёсатда ва урушда фақат оқилона, аниқ, совуққон ҳисоб-китоб, халққа қатъий, мусаффо ва адолатли муносабатдан иборат эди. У энг муҳим фикрини ёшлик йилларидаги ўзининг дўсти ва иттифоқчиси бўлган Жан Жорес билан 1906 йили парламент баҳслари вақтида айтган. Ўз фаолиятини эса Клемансо энг сўл позициялардан бошлаган ва узоқ йиллар мўътадил консерваторлар даргоҳларига уқубатли йўлни босиб ўтган, шунда ҳам токи умрининг сўнгги кунигача содиқ республикачи бўлиб қолган.

У 1841 йили Вардесда туғилган ва унинг болалиги Обре мулкида ҳамда Нант шаҳрида ўтган. Унинг ота-онаси бой эмас, лекин ўзига тўқ эдилар. Клемансолар авлодидаги кўпгина эркаклар врачлик қилганлар. Бу Франциянинг бахтли юлдузи сўна бошлаган замонлар эди. Унинг иқтисоди XVII — XIX асрлар доирасидаги суронли воқеалар билан хароб қилинганди. Миллат давлат қурилишининг турли тизимлари тарафдорлари ва умуммиллат доҳийси ролига кўп сонли даъвогарлар томонидан бўлиб ташланган — республикачилар, роялистлар, орлеанистлар, бонапартчилар «жонажон Франция» устидан ҳукмронлик қилиш учун курашардилар.

Бирин-кетин тўнтаришлар юз берар ва фуқаролар уруши хавфи уфқда момақалдиरोқли булутдек осилиб турарди. Жоржнинг отаси — округдаги машҳур врач Бенжамин Клемансо эътиқодли республикачи эди, унинг ука-

си Поль Клемансо эса бонапартчи эди. 1848 йили Миллий Кенгаш французларга мурожаат қилиб, уларни Иккинчи Республика ҳаракатини тўхтатишга, бонапартчилар монархиясини тиклашга уринаётган парижлик ишчилар исёнини бостиришга чақирганида Бенжамин ўғли Поль ана шу чақириқ бўйича Парижга бормоқчи эканлигини билиб қолди ва дарҳол Нантдан Обрега етиб келди: «Поль, агар сен бу лаънатиларни ҳимоя қилишга борсанг, мен ҳам бораман, лекин парижликлар томонида туриб жанг қиламан!». Бироқ улар бир-бирларини жуда яхши кўрардилар ва уйларида қолдилар. Бу вақтда Жорж 7 ёшда эди. Эҳтимол, бу унинг аёвсиз сиёсий ўйиндаги биринчи дарси бўлган. Жуда болалигиданоқ у, ака-ука бир-бирига қарши борадиган сиёсий плюрализм нимага олиб боришини биларди. 1851 йили бонапартчилик диктатураси ўрнатилди. Наполеон I нинг жияни Луи Наполеон Бонапарт жуда шафқатсиз, жоҳил ва мутлақо лаёқатсиз одам, Францияда Иккинчи империяни эълон қилди. Демократик институтлар йўқ қилинди, газеталар ёпилди, сиёсий ташкилотлар тақиқланди. Мамлакатдаги маънавий муҳит бўғувчан ва ҳаракатсиз эди. Давлат тизимидаги марказий шахе полициячи бўлиб қолди. 1860 йили, бу ҳолат ўзгармасдек ва ҳар қандайин муҳолифлик маъносиздек туюлган бир пайтда, 19 ёшли Жорж Клемансо Парижга келди ва оилавий аънава бўйича Сорбоннанинг медицина факультетига ўқишга кирди. Ж. Клемансо дарҳол сиёсий фаолият гирдобига шўнғиди. Бир йил ҳам ўтмасдан у ҳукуматга қарши намоёнлиқни ташвиқ қилганлиги ва уюштиргани учун Мазас қамоқхонасига тушди. Ҳали талабалик пайтидан у биринчи бор француз инқилобий ҳаракатининг жонли тумори, «абадий тутқун» Огюст Бланк билан, бошқа «қизиллар», масалан, Луиза Мишле билан дуч келади. Унинг ўзи ҳам «қизил» сифатида сиёсий ҳаётда иштирок этади. Уни медицина қизиқтирмади. У 1865 йили ҳимоя қилган медицина доктори даражаси учун диссертацияси, унинг ўзининг сўзларига кўра, фақат уни ҳеч ким ўқиб чиқмаганлиги учунгина муваффақиятли ҳимоя қилинган.

Университетдан кейин Ж. Клемансо бир неча йилни чет элларда ўтказди ва фақат француз-прусс уруши арафасидагина ватанига қайтиб келди. У Парижга 1870 йил 1 сентябрь куни, француз кўшинлари Седан яқинида тормор қилинган ва ўзининг буюк амакисидан нимаси билан фарқ қилишини ниҳоят тушуниши учун унчалар кўп вақт керак бўлмаган Наполеон III таслим бўлган куни келди. Республика эълон қилинади ва Жорж Клемансо асосан ишчилар яшайдиган Монмартр округи мэри этиб тайинланади. Кейин Парижнинг прусс кўшинлари томонидан қамал қилиниши, ҳукуматнинг Версальга қочиши, Коммунага сайловлар ва парижликларнинг аёвсиз бостирилган қонли исёнлари келди. Бу кўзғолон якунида Россиядаги Ок-

тябрь тўнтаришининг қайғули овози жарангловчи ўша даҳшатли мусиқанинг кириш қисми бўлган, деб ҳисобланади. Ж. Клемансо ҳайрон қоларли даражада воқеаларни олдиндан аниқ кўра билиш қобилиятига эга эди. Коммуна кунларида, шаҳар аллақачон баррикадалар билан тўсилган бир пайтда у ўзи учун ноқулай бўлсада, «қизил» эмас, миллий ярашув тарафдори эканлигини баён қилди. У Коммунага сайланмади ва Версаль Миллий кенгаши аъзолигидан истеъфога чиқди. Унга Вандеяга қочиб кетишдан бошқа йўл қолмади. Уни коммунарлар отиб ташлашларига сал қолди, ҳукуматда эса бир қанча вақт уни ҳибсга олиш масаласи кўндаланг турди. Ўша кунларни эслаб, у шундай деб ёзганди: «Бу бутун тарих давомидаги энг аҳмоқона ақлсизлик эди. Одамлар ўлдирардилар, ўқ остига ташланардилар, ўзини ўлдиришларига йўл қўйиб берардилар, кўпинча нима учунлигини ўзлари ҳам билмасдан, ҳақиқий руҳ буюклигини намоён қилардилар».

Бир неча ой ўтганидан сўнг Ж. Клемансо Парижга қайтиб келади. Врачлик амалиёти билан шуғулланар экан, у яна катта сиёсат соҳасига киради. У сўл радикал (унинг ўзи ўйлаб топган атама), халқ ҳокимияти тарафдори — бироқ халқ ҳокимиятни инқилоб орқали эмас, сайлов бюллетенларини ташлаб амалга оширади; Франция империя бўлмаслиги керак ва унга мустамлакаларни босиб олиш лозим эмас; айтиб бериш керакки, мағлубият оқибатида ўзининг йўқотилган ерларини, жумладан, Эльзас ва Лотарингияни Страсбург шаҳри билан бирга қайтариб олиш, яъни Германия билан урушга тайёрланиш керак деб ҳисобларди. Ж. Клемансо шовинист эмас эди, лекин сўзнинг энг тўғри маъносидagi ватанпарвар эди. У демократиянинг заиф жойларини биларди. Энг заиф жойи — парламент ва ҳукумат даражасидаги порахўрлик. У министрликларнинг тўнтарувчиси эди. У ҳар қандайин жаҳолатпарастликдан нафратланарди ва Дрейфус ишида у дрейфуслар тарафидан туриб жуда юксак иқтидори ва обрўсини намоён қилди. Фақат антисемитизмни номаъқул деб ҳисоблагани учунгина эмас, яна шунинг учун ҳамки, уруш олдида армияда ҳар хил ғайриинсоний кайфиятларнинг тарқалишига йўл қўйиб бўлмаслигига ишончи комил эди.

Антанта учун даҳшатли бўлган 1917 йили, Россия урушдан чиққанидан сўнг, Ж. Клемансо Франциянинг премьер-министри этиб тайинланди. У 76 ёшда эди. Францияга хавф солиб турган мағлубият ўрнига унга ғалаба келтириш учун Ж. Клемансога бир йилга яқин вақт керак бўлди. Версаль тинчлик конференциясида раислик қилар экан, у мағлубиятга учраган Германияга нисбатан жуда қатъий позицияни эгаллади ва кейинчалик, истеъфога чиққан пайтида ҳам, ҳаётининг сўнгги кунига қадар Германиянинг ўч олиш хавфи борлигини таъкидлашдан чарчамади.

Ж. Клемансо кўп саёҳат қилди: Ҳиндистонда, Мисрда, Суданда, Корсикада... бўлган. Ватанида ҳам, чет элларда ҳам кўпчилик «Йўлбарс»ни ёддан чиқармаганди. Ўзининг туғилган кунда, ярашув имзоланган кунда ва бошқа ёдда қоларли кунларда у дунёнинг ҳамма бурчакларидан хат ва телеграммалар оларди. 1926 йили унинг «Демосфен» деб номланган китоби чикди, кейин унинг «Сўнгги фикрлар» (1927) икки томлик мулоҳазалари, «Клод Моне: Кўзачалар» (1928) китоблари пайдо бўлди, ўлимидан сўнг эса унинг туталланмаган «Бир ғалабанинг буюклиги ва қашшоқлиги» (1930) китоби нашр этилди.

1929 йил 24 ноябрда 88 ёшли Жорж Клемансо ўзининг Париждаги хонасида вафот этди. Уни Коломбьеда, отаси билан ёнма-ён, кекса қарағай остига кўмишди. Атрофда бу икки қабрдан ташқари ҳеч нарса йўқ. Ж. Клемансо қабристонни ёқтирмас, одамларни якка-якка бўм-бўш майдонларда кўмиш лозим деб ҳисобларди. Бутун кўмиш маросими марҳумнинг хизматлари ва давлатда эгаллаган ҳолатига мос равишда парламент ажратган маблағ ҳисобига ўтказилди. «Йўлбарс» ўзи учун ҳеч нарса орттирмаган ва қулоғига қарзга ботган экан. У ярим аср депутат, ички ишлар министри бўлган. Бир вақтнинг ўзида премьер-министр ҳам бўлган. Бирор марта бир тийин ҳам олмаган.

Қаҳрамон бўлишгина етарли эмас. Биз ғолиб бўлишни ҳам истаймиз (Жорж Клемансо).

ИРҚЧИЛИКНИ ТЎХТАТГАН ОДАМ



КЛЕРК, ФРЕДЕРИК ВИЛЛЕМ ДЕ (DE KLERK, FREDERIK WILLEM) (18.03.1936 йили Йоханнесбургда туғилган)

Жанубий Африка Республикасининг президенти. Почефструм университетини тугатган (1958). 1961 йили Ференихингда адвокатлик амалиётини бошлаган. 1973 йили Почефструм университетининг профессори бўлди. 1972 йили Миллий партия рўйхати бўйича Ференихингдан парламент аъзоси этиб сайланди. 1974 йили қайтадан сайланди. 1978 йилдан бошлаб министрлар кабинетида бир қатор лавозимларни, шу жумладан ички ишлар министри лавозимини ҳам эгаллади. 1982 йили де Клерк Трансваалда Миллий партиянинг бўлим раҳбари бўлди. 1984 йили маҳаллий бошқарув ишлари ва миллий таълим бўйича (оқ танлилар учун) министр, 1989—1994 йиллари ЖАР президенти, 1994—1996 йиллари ЖАР президентининг ўринбосари. 1978 йилдан бошлаб бир қатор министрлик лавозимларини эгаллаган. 1989 йилдан Националистлар партиясининг етакчиси. Нобель тинчлик мукофоти лауреати (1993).

Унинг отаси, Ян де Клерк, ЖАР премьер-министри эди. Фредерик де Клерк ўз қарашларига кўра консерватор, прагматик, апартеид тузуми-

нинг аста-секин ислоҳ қилиниши тарафдори. 1989 йилнинг сентябридаги сайловларда ўз партияси учун, озроқ устунлик билан бўлса ҳам, галабага эришди. 1990 йилнинг февралда Африка Миллий Конгресси (АМК) мухолифат ҳаракатидан тақиқни олиб ташлади ва унинг амалдаги етакчиси Нельсон Манделани қамоқдан озод этилди, 1991 йил июнига бориб эса ирқий камситиш характериға эға бўлган барча қонунларни бекор қилди. Н.Мандела ва АМКнинг 1994 йилнинг апрелидаги биринчи умумхалқ сайловларидаги ажойиб галабаларидан сўнг президентнинг иккинчи ижрочи ёрдамчиси бўлди. Н.Мандела билан бирға 1993 йилда Нобель тинчлик мукофоти билан тақдирланган.

Юридик маълумотта эға бўлган Фредерик, 1972 йили Жанубий Африка парламенти таркибига киради. 1978—1989 йилларда В. Ж. Форстер (В. J. Vorster) ва П. У. Бота (P. W. Botcha) кабинетларида ишлади. П. У. Ботанинг 1989 йил февралда партия етакчиси лавозимида ва 1989 йилнинг августида давлат президенти лавозимида ўрнини эгаллади. 1991 йилнинг декабрида АМК билан музокараларға киришди ва 1992 йилнинг мартада оқ танли аҳолининг умуммиллий референдуми унга оқ танли озчиликнинг ҳукмронлигини тугатувчи асосий конституцион ислоҳотлар ўтказиш бўйича режаларни амалға оширишни давом эттириш учун аниқ ваколатлар берди. 1994 йил февралда де Клерк ва Н.Мандела 1994 йилда бўладиган кўпмиллатли сайловлардан кейин миллий бирдамлик ҳукуматини ташкил этиш ҳақида келишувға эришдилар.

1989 йили, президент П. В. Бота инсультни ўтказгандан сўнг, де Клерк Миллий партияға бошчилик қилди, Ботанинг истеъфосидан кейин эса президент этиб сайланди (1989 йил 14 сентябрь). Де Клерк мамлакатни бошқаришға африкаликларни жалб этиш йўлини танлади. 1990 йили Африка миллий конгресси ҳамда Панафрика конгрессини легаллаштирди. 1991 йили гуруҳларға ажратиш, аҳолини регистрация қилиш ва жамоат хавфсизлиги ҳақидаги камситувчи қонунлар бекор қилинди. 1990 йили де Клерк ва Н. Мандела янги конституция ҳақида консултациялар бошладилар ва 1991 йилнинг декабрида уни тайёрлаш учун конференция чақирдилар. Музокаралар 1993 йилнинг февралда, де Клерк ва Н. Мандела Миллий партия ҳамда Африка миллий конгресси иштирокида ўтиш ҳукумати тузуми ҳақида келишувға эришганларида муваффақиятли якунланди. 1992 йили де Клерк қора тауншипларда зўравонлик уюштиришда шубҳа қилинган офицерларни армиядан ҳайдади, аини вақтда апартеид даврида жиноят қилган давлат амалдорларининг барчасини афв этиш ҳақида қонунни имзолади. Де Клерк 1992 йилнинг апрелида Нигерияға ташриф

бюрган биринчи жанубий африкалик оқ танли бўлади. 1993 йилнинг октябрида эса де Клерк тинчлик соҳасида Нобель мукофоти лауреати бўлди. 1994 йилда Жанубий Африкадаги биринчи демократик сайловда АМК ғалаба қозонди, Миллий партия эса 21 фоиз овоз олди, бу унга президент ўринбосарини та-йинлаш ҳуқуқини берди. Де Клерк президентнинг иккинчи ўринбосари этиб сайланди. 1996 йилнинг июнида у истеъфога чиқди, 1997 йилнинг августида эса Миллий партия бошлиғи лавозимини тарк этишини ва сиёсатдан кетишини эълон қилди.

ГЕРМАНИЯНИНГ БИРЛАШТИРУВЧИСИ



КОЛЬ, ГЕЛЬМУТ ЙОЗЕФ МИХАЭЛЬ
(30.04.1930 йили туғилган)

Германия Федератив Республикасининг канцлери. Рейн дарёси бўйидаги Людвигсхафенда солиқ амалдорининг oilасида дунёга келган. 1959 йили Гейдельберг университетиде фалсафа доктори даражасини олганидан сўнг, Рейнланд-Пфальц ери давлат қонунчилик органининг аъзоси бўлди. 1965 йилдан — Христиан-демократик иттифоқнинг (ХДИ) вакили, 1969 йили — давлат министр-президенти (ижроия ҳокимиятининг бошлиғи) ва Фарбий Германия парламентининг Бундесрати (олий палатаси) аъзоси. 1973 йили ХДИ раиси. 1975 йили ижроия ҳокимияти бошлиғи лавозимиға қайта сайланди. 1976 йили, умуммиллий сайловлардан кейин, Бундестагда (парламентнинг куйи палатасида) ХДИ фракциясини бошқариш учун бу лавозимдан кетди. 1976 йили ХДИ Шмидт бошқарган коалиция устидан ғалаба қилишға яқин эди. 1982 йилнинг октябрида Шмидт Бундестагдаги коалицияни сақлаб қола олмади ва Коль ХДИ етакчиси сифатида ХДИ — Эркин Демократик партия (ЭДП) билан коалицион ҳукуматда канцлер бўлди. 1983 йилги сайловларда коалиция ғалаба қозонди. Коль консерватив сиёсатни ўтказишда давом этди. 1983 йили Фарбий Германия худудига ядро қуроли жойлаштирилиши муносабати билан инқироз авж олди, 1984 йили машинасозлик ва металлургия саноатида етти ҳафталик иш ташлаш бўлиб ўтди. 1987 йили умуммиллий сайловларда ХДИ — ЭДП коалицияси сайловчилар овозларининг мутлақ кўпчилигини олди.

1989—1990 йилларда СССР Шарқий Европадан кетганидан кейин Коль Германияни бирлаштириш ташаббуси билан чиқди ва бу 1990 йилнинг октябрида юз берди. 1990 йилнинг декабрида 1933 йилдан буён биринчи марта ўтказилган умумгерман сайловларида у бошчилигидаги коалиция анчагина ўрин олиб, парламентга сайланди. Коль ҳукумати олдида Шарқий Германияда оммавий ишсизлик, ўта ўнг-ва-неонацист гуруҳлар фаолиятининг қайта туғилиши, уларнинг мамлакатда чет эллик ишчилар ва бошқа иммигрантлар мавжудлигига қарши чиқиши каби муаммолар турарди. Ҳуку-

мат жавоб чораси сифатида янги иммиграцион қонунлар қабул қилди. Коль Европа Иттифоқи кенгайишини қувватлаб чиқди, 1991 йил декабрда Маастрихт келишувини сўзсиз қўлади. 1994 йили ХДИ — ЭДП иттифоқи умуммиллий сайловларда кичик устунлик билан ғалаба қилди. 1998 йили сентябрда ХДИ — ЭДП коалицияси социал-демократик партиёга ютқазди ва канцлер лавозимини социал-демократлар етакчиси Герхард Шрёдер эгаллади. 1999 йилнинг охири — 2000 йилнинг бошларида Коль ўз партиясини маблағ билан таъминлаш учун ғайриқонуний манбалардан фойдаланганликда айбланди.

Гельмут Коль Германия канцлери лавозимида туриш бўйича Конрад Аденауэр рекордини ортида қолдирди, лекин барибир Бисмаркнинг маррасига ета олмади. Бироқ инсоният хотирасида қолиш учун унга 16 йил ҳам етарли бўлди. Унинг отаси Биринчи жаҳон урушида жанг қилган, 1940 йилда эса Миттераннинг ўзи ярадор бўлган ва асир тушган Верден остоналарида Миттеран билан рамзий қўл сиқишиб, Франция билан Германияни ярашгирди. Унинг ингилишлари туфайли Германия Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, шу жумладан Украина билан ҳам жуда яқинлашди. У турли хил мамлакатлар: АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия, Хитой, Польша, Исроил, Араб мамлакатлари билан тенг муносабатда бўлди, Ўзбекистоннинг ҳам Европадаги энг яқин ҳамкорларидан бирига айланди. Коль ягона Европа бешиги олдида турган, унинг даврида Германиянинг халқаро обрўи сезиларли кўтарилди. Немислар Колни ниҳоятда улуғладилар, лекин улар ўзларининг кечаги эркатойларини бундан кам бўлмаган ғайрат билан дўппослай кетдилар. Аввал бошиданоқ христиан-демократлар шаънига молиявий маблағлар тушишига оид жанжални «ХДИ фирибгарлиги» деб атадилар. Уни махсус парламент комиссияси текширди. ХДИ раиси ва ХДИ — ХСИ фракциясининг бошлиғи Вольфганг Шойбле эса, ҳатто парламент минбаридан туриб партиянинг ноқонуний фаолиятига, шунингдек, фактларни яширишга уринганлигига тавба қилишга мажбур бўлди. Коль ҳам тавба қилди. Жанжал шундан иборат эдики, ХДИнинг 25 йиллик тажрибага эга бўлган етакчиси Гельмут Колнинг бу сиёсий партиянинг ноқонуний молиялаштиришга алоқадорлиги маълум бўлиб қолди. Партиянинг яширин ҳисоб рақамига 33 миллион маркага яқин маблағ келиб тушганлиги хабар қилинарди. Тўғри, Колнинг номи фақат икки миллионига алоқадор дейишди. Шунда у баъзи бир ҳомийлар ҳақиқатдан ҳам ХДИга бу пуллар билан ёрдам берганлигини ҳатто ошкора тан олди ҳам. Уларнинг бир қисми собиқ ГДР ҳудудида христиан-демократик ташкилотлар тузишда сарфланган. Ғарб жамияти-

даги шахс устидан ҳукмронлик қилишнинг ёзилмаган қонунларига биноан экс-канцлер шу заҳотиёқ бу ҳомийлар номини сотиши лозим эди. Бироқ Коль уларнинг номини айтишни қатъиян рад этди ва шундай деди: «Менинг ХДИ доирасидаги ишларимга молиявий ёрдам кўрсатган баъзи бир шахсларга берган ваъдамни бузишни мен ўзим учун нолайиқ деб ҳисоблайман». Шу билан бирга Коль Христиан-демократик иттифоқининг фахрий раиси лавозимини тарк этди. Кўринишидан, энг яқин сафдошларининг хоинлиги Коль учун кучли зарба бўлган.

1999 йилнинг охирида ХДИнинг ҳозирги етакчиси Ангела Меркель (уни ГДРнинг сиёсий хилваттоҳларидан айнан Коль олиб чиққан эди) «Франк-фуртер Альгемайне»да собиқ ҳомийсидан воз кечишга уринган мақоласини чоп эттирди. 2000 йил 18 январда Берлинда ХДИ етакчилари ўзларининг фавқулодда йиғилишига тўпландилар. Улар 7 соат давомида юз берган ҳолатни муҳокама қилдилар.

Худонинг марҳамати билан урушдан кейин туғилиш немислар томонидан амалга оширилган барча ноҳақликлар учун жавобгарликдан бош тортиш ҳуқуқини бермайди. (Гельмут Коль)

ПРОЛЕТАРИАТ ДОҲИЙСИ

ЛЕНИН (УЛЬЯНОВ), ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ (10 (22). 04. 1870, Симбирск (ҳозирги Ульяновск) — 21.01.1924, Москва, Горки)



Россиянинг наслий дворяни, билим юртлари инспектори оила-сида туғилди. Гимназияни олтин медаль билан тугатганидан сўн (1887) Қозон университетининг юридик факультетига киради. 1887 йилнинг декабрида талабалар махфий йиғинида қатнашганлиги учун хибсга олинган, университетдан ҳайдалган ва Қозон губерниясидаги Кокушкино қишлоғига сургун қилинган. 1888 йилнинг кузида Қозонга қайтиб келгач, марксизмни ўргана бошлади. Сиёсий арбоб.

1890 йили Владимир Ульянов ўз вақтида акаси Александр ҳам ўқиган Петербург университетининг юридик факультетининг тўлиқ курси учун экстерн йўли билан имтиҳон топширишга рухсат олди. Келгуси йили у номзод унвони учун имтиҳон топшира олди ва Самара судида адвокатлик ишига кирди.

1892—1893 йиллари Ульянов Самара судида оқловчи ёрдамчиси бўлиб ишлади. 1893 йилнинг охирида у Петербургга жўнашга қарор қилди. Зиё-

лилар орасида фавқуллодда машхур бўлган марксизм гоёсига қизиқиб қолган Ульянов халқ орасида ташвиқотчилик ишини олиб борди — ишчи тўғаракларига раҳбарлик қилди. Ишчилар ўз мураббийлари «руҳининг фавқуллодда кучлилиги» билан қамраб олингандилар. Жуда тез орада у ўзининг 24 ёшда эканлигига қарамасдан, «чол» деган тахаллусга сазовор бўлди. 1894—1895 йилларда у ўзининг биринчи йирик ишларини — «Халқ дўстлари» кимлар ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар», «Народникларнинг иқтисодий моҳияти ва унинг жаноб Струве китобида танқид қилиниши» асарларини ёзди, уларда замонавий Россия воқеийлигини таҳлил қилишда марксизмни қўллади.

Бу ерда биринчи бор В. Ульянов сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари намоён бўлди. Бутун умри давомида у ҳеч қачон баҳс мавзуси бўйича айтилганларидан қониқмаган, танқид қилиш пайтида эса тезда оппонентнинг шахсий характеридаги камчиликларни қўшиб ҳақоратлашларга ўтиб кетган ва мухолифларини тўлиқ маънавий йўқ қилишга эришган.

1894 йили В. Ульянов ўзининг қарашлари ва эътиқодига тўлиқ қўшилган курсистка¹ Надежда Крупская билан танишади. 4 йилдан кейин унча давомли ва унча романтик бўлмаган учрашувлардан сўнг бу қиз унинг хотини бўлди.

1895 йилнинг апрелида В.Ульянов Г.В. Плеханов бошчилик қилган Женевадаги рус социал-демократлари тузган «Меҳнатни озод қилиш» гуруҳи билан алоқа ўрнатиш учун чет элга борди. В. Ульянов икки тубли чемоданда яширин адабиётларни олиб Россияга қайтиб келганидан кейин подшо полицияси уни тинимсиз кузатиб юрди. Шунга қарамасдан у Вильно, Петербург ва Москвада Женеванинг «Меҳнатни озод қилиш» гуруҳи билан алоқа ўрнатишга ва Швейцарияга доимий ахборот бериб туришни таъминлашга эришди. 1895 йилнинг сентябрида «талантли юрист» келгуси коммунистик партиянинг тимсоли бўлган «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш иттифоқи»нинг ташкилотчиларидан бири бўлди. Декабрда анчадан буён ўйлаб юрган «Меҳнаткашлар иши» газетасининг нашри тайёрланади; народникларнинг яширин босмахонаси уни босишга тайёр эди. В. Ульянов биринчи номернинг намунасини тўғрилаётганида, 20 декабрнинг тунида полиция бостириб киради. Петербургдаги «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш иттифоқи»нинг қарийб барча аъзолари қамоққа олинди. Уларнинг орасида В. Ульянов ва Надежда Крупская ҳам бор эди.

¹ Курсистка — курсда ўқувчи қиз.

лар. Хукуматга қарши фаолияти учун В.Ульянов Сибирга сургун қилинди. Шушенское қишлоғида ўтказилган уч йил жуда маҳсулдор бўлди. В. Ульянов Россиядаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволнинг таҳлилига бағишланган 30 дан ортиқ асарларни ёзишга улгурди, бундан кейинги инқилобий курашнинг режасини ишлаб чиқди.

1898 йили В.Ульянов, Г.Плеханов ва бошқа марксистлар инқилобий фаолиятни мувофиқлаштириш учун Россия социал-демократик ишчилар партиясини (РСДРП) ташкил қилдилар. 1901—1902 йилларда народниклар бу партия билан рақобатлашувчи социал-инқилобчилар (эсэрлар) партиясини туздилар. Ҳар иккала партия социалистик ёки Иккинчи Интернационал сифатида маълум бўлган федерация таркибига киради. В.Ульянов эсэрлар билан баҳслашмоқчи эди, лекин тез орада унинг РСДРП аъзолари билан ҳам келишмовчиликлари пайдо бўлди. «Искра» («Учқун») газетасининг саҳифаларида В. Ульянов, Г. Плеханов ва Юлий Мартов ишчиларнинг иқтисодий талабларигина эътиборга лойиқ, сиёсий кураш эса уларнинг иши эмас, деб таъкидловчи «иқтисодчилар» деб аталадиганларни танқид қилдилар. В. Ульянов ва бошқа «искрачилар» пролетариатни эзишнинг барча кўринишларига қарши бундан кўра фаолроқ курашиш ҳамда иқтисодий ва сиёсий курашга, подшоликни ағдаришга сафарбар қилиниши лозим бўлган марказлаштирилган партия тузиш тарафдори эдилар. В. Ульянов бундай гояларни «Нима қилмоқ керак?» (1902) асарида оммалаштирган.

Сургун муддати тугагач В. Ульянов, Петербургга бориши тақиқланган бўлишига қарамасдан, у ёққа Ю. Мартов билан бирга жўнади. Бироқ Петербургда у дарҳол қамоққа олинди, бир неча ҳафтадан кейин уни озод қилдилар. Агар ўша пайтда В. Ульяновни яна сургун қилишганларида балки Россия социал-демократиясининг тарихи бошқа йўлдан борган бўларди. 1900 йил 29 июлда у Австрия чегарасини кесиб ўтди ва Швейцарияга йўл олди. Женевада В.Ульянов яширинча Россияга жўнатиладиган биринчи умумрус марксистик газета бўлган «Искра» газетасини чиқара бошлади.

1901 йилнинг январидан В. Ульянов ўзининг Г. Плехановга ёзган хатларидан бирига биринчи бор Ленин тахаллуси билан имзо чекди. Ниқоблаш учун ишлатилган «Н» инициали кейинчалик ўз ўрнини ҳақиқатта мос келувчи «В.И.» ҳарфларига бўшатиб берди. «Ленин» тахаллусининг ҳақиқий маъносини ва келиб чиқишини фақат тахмин қилиш мумкин, холос. В.Ульяновнинг ўзи бу ҳақда гапирмасликни маъқул кўрарди.

1898 йили тузилган Россия социал-демократик ишчилар партияси (РСДРП) нинг ташкилий заифлигини ҳис қилган В. Ленин, қатъий марказлаштириш ва озчиликнинг кўпчилиikka бўйсунуши асосида уни қайта

тузиш режасини таклиф қилди. РСДРПнинг Лондонда бўлган II съезди партиянинг янги устави ва дастурини қабул қилди. Съездда партия аъзоларининг жамиятда радикал ўзгаришлар тарафдорлари — большевикларга ва мўътадил-либерал позицияни эгаллаган меньшевикларга ажралиши рўй берди.

Партия ичидаги ажралишган гуруҳлар ўртасида ярашиш муросасини топишга бўлган муваффақиятсиз уринишлардан сўнг В. Ленин большевиклар фракциясини ажратишга қарор қилди. У «пролетар интизоми»га бўйсунитишни, партия ташкилотларининг марказлаштирилган ва иерархияга асосланган бўлишини талаб қилади. «Бир қадам олға, икки қадам орқага» асарида Ленин партия иерархиясининг марказлаштирилган тамойили асосида қурилишида узил-кесил тўхталади. «Демократизм анархияга олиб боради, — дейди Ленин, — ва бу билан ишчилар оммасининг сиёсий масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқини поймол қилади. Социал-демократ яacobинчи бўлмоғи керак; тозалаш ва зўравонликсиз инқилоб ва пролетариат диктатураси бўлмайди».

1905 йилнинг 9 январида Петербургда рўй берган «қонли якшанба»да ишчиларнинг шафқатсиз жазоланганлиги ҳақидаги хабар Женевага етиб борганида рус эмигрантлари кучли ҳаяжонга тушдилар.

1905 йилнинг баҳорида Лондонда ўтган большевиклар партиясининг III съезди (бир вақтнинг ўзида меньшевиклар ҳам Женевада ўз съездларини ўтказдилар) иш ташлаш «партиянинг энг долзарб вазибаларидан биридир» деган қарор қабул қилди ва маҳаллий партия ташкилотларига дарҳол иш ташлаш учун ташвиқот қилишга, ишчиларни қуроллантириш ва жанговар гуруҳлар ташкил этишга киришиш топшириғини берди. В. Ленин маълум даражада шафқатсиз зўравонлик қўлланган ҳолда партизанлик услублари асосида қурилган бу жанговар гуруҳлар фаолиятининг тактикасини мустақил ишлаб чиқди. Марксизмнинг ҳарбий мутахассиси ҳисобланган Ф. Энгельснинг асарларини ўқиш ўз маҳсулини берди. Унинг, уруш сингари кўзғолон ҳам санъат ва у маълум бир қоидаларга асосланади, деган тамойили В. Ленин учун ҳал қилувчи бўлди. Исён қачон бошланмоғи керак, ўзи? В. Ленин аскарларнинг рус-япон уруши майдонидан қайтишини, шунингдек, деҳқонлар норозиликлари кучайишини кутиш ва 1906 йилнинг баҳорида зарба бериш керак, деган фикрда эди. Бироқ 1905 йилнинг сентябрида иш ташлашлар тўлқинининг кўтарилиши В. Ленинни Россияга қайтиш зарурлигига ишонтирди.

В. Ленин большевикларни чоризмга қарши қуролли кўзғолон кўтаришга, демократик республика ўрнатишга йуналтирар эди. У буржуа-демок-

ратик инқилобининг социалистик инқилобга айланиб кетиш имкониятини назарий асослаб берди: «Демократик инқилобдан биз дарҳол социалистик инқилобга ўта бошлаймиз. Биз узлуксиз инқилоб тарафдоримиз. Биз ярим йўлда тўхтаб қолмаймиз». В. Ленин 1905 — 1907 йиллардаги инқилобни бўлажак муқаррар социалистик инқилоб ғалабасининг бош репетицияси деб ҳисобларди. Ўз асарларидан бирида у «Москва кўзғолони сабоқлари»ни баҳолади, бунинг асосий маъноси келажакда кўзғолонни янада санъаткорона бошқариш ва зарбани янада қатъийлик билан бериш лозимлигини айтди.

Инқилобнинг мағлубиятидан кейин В. Ленин партияни сақлаб қолишга ва бошланаётган ички инқирозни йўқотишга уринди. 1912 йилнинг январда, Прагада бўлиб ўтган РСДРП конференциясида у Марказий комитет аъзолигига сайланди. Меньшевиклар билан муносабатлар тобора кескинлашмоқда эди. Прага конференциясида большевиклар билан меньшевиклар ўртасида узил-кесил ажралиш рўй берди, меньшевиклар партиядан чиқарилди. Ана шу пайтдан бошлаб бир-бирига иккита алоҳида партия қарши турди; фақат Думадагина бирлашган социалистик фракция доирасида ҳали ҳам ҳамкорлик олиб бориларди. 1912 йили В. Ленин ҳамфикрлари билан алоҳида партияни — большевиклар партиясини ташкил қилди. Унинг аъзолари фақат ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилган стратегиясигагина эмас, аниқ сиёсий дастурига ҳам эга эдилар: 8 соатлик иш куни; ер ислоҳоти, демократик таъсис мажлиси. Бу учта талаб ишчи ва деҳқонлар иттифоқининг зарурлиги ҳақидаги чақириқларни мустаҳкамларди. Большевиклар ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш курсини яширин инқилобий фаолият билан биргаликда олиб борувчи қудратли ва интизомли ташкилий тизимга эга эди. В. Лениннинг ташаббуси билан большевикларнинг марказий матбуот органи — «Правда» газетаси ташкил қилинади, унинг биринчи сони 1912 йил 22 апрелда чиқарилади. Бу газетанинг тиражи тез орада 40 мингга етди. 1912—1914 йиллари большевик-ленинчилар рус инқилобий ҳаракатида етакчи позицияларни эгаллади. Бироқ тез орада уларнинг обрўйига жиддий путур етди. Ҳукумат Биринчи жаҳон уруши бошланиши муносабати билан бошланган ҳарбий кўтаринкиликдан барча бошқача маслақдагиларни таъқиб қилиш учун дастак сифатида фойдаланди. Бундан ташқари, фақат Россиядагина эмас, можарога тортилган барча мамлакатларнинг социалистик ҳаракатларида «Ватанпарвар» ва «Урушга қарши» фракцияларга бўлиниш рўй берди.

Биринчи жаҳон урушининг бошларида Австро-Венгрия худудидаги Порониода турган В. Ленин Россия фойдасига жосуслик қилишда айб-

ланиб, қамоққа олинди, лекин тез орада австриялик ва польшалик социал-демократларнинг уринишлари билан озод қилинди. 1914 йилнинг августидан В. Ленин Швейцарияда жойлашади. У ерда урушнинг буюк давлатчилик шовинизми ва босқинчилик характерини фош қилди, пролетариат «халқнинг ҳақиқий озодлиги йўлида ва социализмга етишиш йўлида қатъий қадамларни» шундай ҳолатдагина ташлай олади, деб ҳисоблаб, империалистик урушни фуқаролар урушига айлантириб юбориш шиорини олға сурди.

В. Ленин урушни маъқуллаш керак, чунки у инқилобга кўприк бўлади ва фуқаролар урушига айланиши лозим, деб ҳисобларди. Бу аслида сиёсий ахлоқсизлик эди. Матбуотда унинг радикал мазмундаги баёнотини чоп этишди: бизга — инқилобчи марксистларга урушда ким ғалаба қилишининг фарқи йўқ, аммо подшо ҳокимиятининг енгилиши кўнгилдагидек иш бўларди, чунки у барча империалистик ҳукуматлар орасида энг жоҳили ва энг қоғодидир. У Петрограддаги Дума депутатларидан Россия ишчилари подшо ҳокимиятининг мағлубиятини кутаётганликлари ҳақидаги баёнотига имзо чекишларини талаб қиларди. Вақт ўтиши билан В. Ленин моддий қийинчиликларга дуч келди. Публицистик фаолиятдан келадиган даромад ҳеч қачон етарли бўлмаган. Авваллари Россиядан келиб турган маблағлар, шу жумладан мулкдор одамларнинг хайр-эҳсонлари ҳам охирлаб қолди. 1921 йил «Вперёд» газетасининг саҳифаларида Эдуард Бернштейн таъкидладик, урушнинг охирларида Ленин Россияда тартиб-интизомни бузишга қаратилган ташвиқот учун Германия давлати хазинасидан олтин билан 50 миллион маркадан зиёд маблағ олган. Ташқи ишлар министрлиги ҳужжатларини ўрганиб чиқиш ҳам урушнинг бошларидаёқ Германия ҳукумати Швейцарияда яшаб турган россиялик инқилобчилар билан алоқа ўрнатганликларини, умумий тарзда В. Лениннинг дастури билан танишиб чиққанлиги ва воситачилар орқали каттагина пул маблағлари берганлигини рад қилиб бўлмайдиган ҳужжатлар билан исботлайди. В. Ленин ўзи ёмон кўрган подшолик билан ёки Вақтли ҳукумат билан курашиш учун ҳар қандай манбадан пул олаверган.

1916 йилнинг февралда В. Ленин Берндан Цюрихга ўтди, у ерда Аристотель, Лейбниц, Фейербах ва Гегелнинг асарларини мутолаа қилди.

Ҳолдан тойган ва ҳарбий муваффақиятсизликлардан жаҳлга минган Россияда яна инқилобий ағдар-тўнтар етилиб келаётганди. 1917 йилнинг февралда Петроградда (1914 йилдан Санкт-Петербург шундай аталган) ўз-ўзидан келиб чиққан ғалаёнлар давлат тўнтаришига айланди. Унда ар-

мия подшо ҳокимиятига қарши чиқди. «Икки ҳокимиятчилик» пайдо бўлди: ҳокимият бир томондан Ишчи ва солдат депутатлари советларига, бошқа томондан эса Думага, Муваққат ҳукуматга тегишли эди. Кўпгина эсэрлар, меньшевиклар ва, ҳатто большевиклар ҳам Муваққат ҳукуматни қўллардилар. Швейцария газеталари орқали 1917 йилги Февраль инқилобидан хабар топган В. Ленин дарҳол большевикларнинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга киришди. Кун тартибига битта масала — буржуа-демократик инқилобининг ўсиб, социалистик инқилобга ўтиши масаласи қўйилганди. Подшо ҳокимияти қулаши биланоқ, дарҳол В. Ленин Россияга қайтиш йўлларини фаол қидира бошлади. У Буюк Британия ва Франция орқали ўтишга рухсат ололмади. Айнан ўша вақтда немислар ҳукумати Шарқий фронтдаги ҳарбий ҳаракатларнинг нейтраллашишидан умидвор бўлиб, В. Ленинга ва бошқа рус эмигрантларига Германия ва Швейцария орқали ватанларига қайтиш учун рухсат берди.

Мана, ниҳоят, Петроградда Финляндия вокзалига келиш пайти бўлди, у ерда В. Ленинни минглаб кишидан иборат оломон кутиб турарди. Бу 1917 йилнинг 3 (16) апрели эди. 3 апрелдан 4 апрелга ўтар кечаси балерина М.Ф. Кшесинскаянинг дабдабали ҳовлисида ўтган большевиклар йигинида у биринчи навбатда сиёсий вазиятни белгилаб берган машҳур «Апрель тезислари» билан сўзга чиқди. «Муваққат ҳукуматни ҳеч қандайин қўллаб-қувватлаш йўқ!», «Бутун ҳокимият Советларга!» шиорлари олға сурилди. РСДРПнинг Бутунроссия конференцияси маъқуллаган тезислар большевиклар партиясининг айни вақтдаги сиёсатининг асосини белгилади. В. Ленин ҳайратга солувчи куч ва ошкоралик билан ўзининг узоқни кўзловчи режаларини очди. Кейинчалик Л. Троцкий шундай деб эслайди: «Ҳатто Ленинга жуда яқин бўлган кишиларни ҳам қўрқувга ўхшаш бир туйғу қамраб олди. Бундан бир ой олдин тинимсиз такрорланган ва энди ўзгармасдек туюлган, барча ўрганиб қолган формулалар бизнинг кўз олдимизда бирин-кетин у томонидан чилпарчин қилинарди». Бир неча кундан кейин В. Ленин ўзининг «Апрель тезислари»ни нашр эттирди. Булар унинг ҳаракат режаларини намоён этди. «Агар советдаги кўпчиликни бу тизим тарафига оғдиришга эришилса, унда куч ишлатиш қўлланиладиган ҳал қилувчи жангга ҳожат қолмайди. Акс ҳолда фуқаролар уруши муқаррар бўлиб қолади». Лениннинг бу тезислари фақат бошқа партияларнигина эмас, унинг ўз сафдошлари орасида ҳам кескин норозиликни келтириб чиқарди.

1917 йилнинг июлида «Йўқолсин Вақтли ҳукумат!», «Бутун ҳокимият Советларга!» шiorлари остида ўтган оммавий намоишлардан сўнг, Ленин қонуний ҳукуматга қарши тартибсизликлар уюштиришда ва Германия фойдасига жосуслик қилишда айбланди. Доҳийни қутқариш учун Марказий Комитет В. Лениннинг яширин ҳолатга ўтиши ҳақида қарор қабул қилди. 1917 йилнинг 7 июлида пролетариат доҳийси Петроградни тарк этди, кун давомида у Разлив станцияси яқинида чайлада яшириниб турди, кейин эса Финляндияга ўтказиб юборилди. Ленин яшириниб юрганида бир қатор йирик асарлар ёзди, уларнинг орасида «Давлат ва инқилоб» асари ажралиб туради. Агар у 1917 йилнинг апрелида ҳокимиятнинг Советларга тинч йўл билан ўтиши мумкинлигига мутлақо самимий ишонган бўлса, энди, Россияда юзага келган сиёсий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, партияни очиқ қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўришга чақирди.

Советларнинг II Бутунроссия съезди чақирилиши вақтига келиб В.И. Ленин яширин равишда Петроградга келди ва МК йиғилишларида шахсан иштирок этди. Қўзғолон қилишга қарор қилинди ва у 1917 йилнинг 25 октябрида (эски ҳисоб бўйича) ўтказилди. Ўша куни кечқурун Советларни II съездининг биринчи мажлисида большевиклар ҳокимиятни эгаллаганликлари ва Муваққат ҳукумат ағдарилганлиги эълон қилинди. Ленин Совет Социалистик Республикасини ва унинг дастлабки икки декретини: урушнинг тўхтатилганлиги ҳақидаги ва барча помещчикларнинг ва хусусий эгаликдаги ерларнинг бепул фойдаланиш учун меҳнаткашларга берилиши ҳақидаги декретларни эълон қилди.

Янги совет ҳокимиятини куриш фавқулodда қийинчиликлар билан бошланди: қарийб барча зиёлилар ва барча хизматчилар унга бойкот эълон қилдилар.

1918 йили Ленин ташаббускорлигида ва МК бир қисмининг қаттиқ қаршилигида Германия билан Брест сулҳи деб аталмиш келишув тузилди. Бу сулҳга кўра большевиклар бир қатор шаҳар ва ерларнинг Германияга ўтишига, улкан товон тўланишига рози бўлдилар, бу сулҳ адолатли равишда шармандали деб аталди. В. Лениннинг янги давлат қурилиши ишлари билан жуда қаттиқ шуғулланиши унинг соғлигига ўз таъсирини кўрсата бошлади: у бош оғриғи ва уйқусизликдан азоб чека бошлади. 1922 йилнинг 25 майида унга биринчи зарба берилди. 1923 йилнинг 10 мартида Лениннинг касаллиги янгидан авж олди ва уни узил-кесил сафдан чиқарди. Май ойида В. Ленин Горкига ўтказилди. 1924 йил 21 январь соат 6 дан 50 дақиқа ўтганида, касаллигининг навбатдаги хуружидан кейин, В.И. Ленин вафот этди.

1924 йилнинг 22 январи тонгида, иложи борича кўпроқ меҳнаткашларнинг, шу жумладан чет элликларнинг ҳам вакиллари дафн маросимигача доҳий билан хайрлаша олишлари учун А.И. Абрикосов ва Б.И. Збарскийлар В. Лениннинг жасадини бальзамлаштирдилар. РКП (б) МК ва дафн комиссияси мингдан зиёд телеграмма ва хатлар олдилар, уларда халқ дафн маросимини кейинга суришни, В. Лениннинг жасадини сақлаб қолишни сўрарди. «Ильич жисман биз билан қолиши ва уни меҳнаткашларнинг чексиз оммаси кўриши мумкин бўлиши зарур», — деб ёзганди Путилов заводининг ишчи ва инженерлари. СССР Советларининг II съезди халқнинг иродасини бажариб, 1924 йил 26 январдаги мотам мажлисида СССР МИКнинг Ленин жасади кўйилган тобут жойлашган, кўриш мумкин бўлган хонақоҳ (мавзолей) куриш ҳақидаги қарорини тасдиқлади.

В. Лениннинг вафотидан сўнг унинг фаолиятига хилма-хил, кўпинча бир-бирига зид бўлган баҳолар берилди. Худди шу тарзда, Кантондаги мотам митингида Сунь Ятсен В. Лениннинг портретига мурожаат қилиб, деди: «Дунё тарихининг кўплаб асрлари оша ҳеч қачон ҳаётга татбиқ этилмайдиган сўзларни айтган минглаб доҳийлар ва олимлар ўтдилар. Сен, Ленин, бундан истисносан. Сен фақат гапириб ва ўргатибгина қолмадинг, сен ўз сўзларингни ҳақиқатга айлантирдинг ҳам. Сен янги мамлакат яратдинг. Сен бизга йўл кўрсатдинг». Ким ўзи у — Владимир Ульянов — Ленин? Ҳанузгача доҳийнинг мумиёланган жасадига илоҳий иззат-икром кўрсатаётган ўн минглаб кишилар ҳали ҳаёт, яқиндагина эса унга миллионлар сажда қилардилар. «Даҳоларнинг даҳоси», — дейишадди мухлислари. Ҳа, у ғалаёнларнинг даҳо тактиги ва сиёсатчиси эди. 1917 йилда айнан у, унинг партияси ғалаба қилди (аслида рус халқи учун Февраль қопқонини бошқалар тайёрлаган эдилар). Ва голиблик ҳуқуқига кўра В. Ленин янги давлатга асос солди. «Зоти айниган, худосизнинг шайтон билан аралашмаси», — дейди Ленин ҳақида жанжалкаш ёзувчи Григорий Климов. Бу ёзувчи Владимир Ильичга (бирйўла унинг ака-укалари ва опа-сингилларига ҳам) ягона миннатдорчиликни бундан буён зоти айниганларни кўпайтирмаганликлари учун, ўзидан авлод қолдирмаганлиги туфайлигина билдирган. Жаҳон пролетариатининг доҳийсига берилган бошқа характеристикалар ана шу иккала кутб ўртасида жойлашган. Россияга қарши урушаётган давлат ҳудудидан гўё вайрон қилувчи кучи тротил эквивалентида ифодаланадиган ядро бомбаси сингари сурғучланган вагонда олиб келинган немис жосуси — Россияни ҳатто парчалаб юбора олди.


У ҳеч қанақа иқтисодчи эмас. Ва бу тўғри ҳам. Доҳийнинг иқтисодий асарларидан маълумки, Ленин инқилобдан кейин пулни бекор қилиш ва «тўғридан-тўғри маҳсулот айирбошлаш»га ўтишни жиддий хоҳлаган эди, омадсизликка учрагач, абадий орқага қайтди («НЭП — бу жиддий ва узоқ муддатга»). Озиқ-овқат развёрсткаси сиёсатини у А. Керенский ҳукуматидан кўчириб олди, бошқача иқтисодни ўйлаб топган эмас. Янги, социалистик иқтисодий тизимни 20-йилларнинг охирларида И.Сталин ишлаб чиқди ва амалга оширди.

В. Ленин марксизм назарийчиси эмас, у инқилобнинг назарийчиси эди. У ёзган ишларнинг барчаси фақат инқилоб назарияси ва амалиётининг ишлаб чиқиши эди, холос. У ҳеч қачон дастурлар ишлаб чиққан эмас, у фақат биттагина ҳокимиятни эгаллаш мавзусига қизиқар эди. Шунинг учун ҳам у ғалаба қилди. Лениннинг бутун оламини англаши инқилобий курашнинг техникасига мослашганди. Ленин — империалист, анархист эмас. Унинг бутун онги империалистик, золимона бўлган. Унинг дангаллиги, дунёқарашининг торлиги, фикри фақат бир нарсага қаратилганлиги, фикрлашининг камбағаллиги ва зоҳидоналиги, оммага қаратилган шиорларнинг оддийлиги ана шу билан боғлиқ.

«В. Ленин маънавий қудратли эмасди, кўп нарсалар унга қўл етмас ва номаълум эди. Фикрнинг ва маънавий ҳаётнинг ҳар қандай тозаланиши уни чўчитарди. У кўп ўқир, кўп ўрганарди, аммо унда кенг билим йўқ эди, унинг катта ақлий маданияти йўқ эди. У билимни маълум бир мақсад, кураш ва ҳаракат учун эгалларди. Бир ғояга мутлақо савдойи бўлиб киришиш онгининг даҳшатли торайишига ва ахлоқий қайта туғилишига, курашда мутлақо ахлоқсиз воситалар қўлланишига олиб келди. Ленин тақдирнинг одами, муқаррар одам эди, унинг кучи шунда». (Н. Бердяев)

Бирорта ҳам осиелик босқинчи, на Темур, на Чингизхон у каби шон-шўрат қозонган эмас. Унинг қисмати — оламини қутқариш; унинг услуби — ана шу оламини портлатиш, у ҳамма нарсани қулатарди. У худони, подшони, мамлакатни, қонунларни ва одатларни ағдарди, у кишилик жамияти деб аталмиш бутун бир тарихий тузумни ағдарди. Охир-оқибатда у ўзини ағдарди. Фақат биргина у Россияни ботқоқликдан олиб чиқиши мумкин эди. Русларнинг энг буюк бахтсизлиги унинг туғилганлиги эди, лекин уларнинг навбатдаги бахтсизлиги унинг ўлими бўлди. (У. Черчилль)

«ЕВРОПАНИНГ ИЗВОШЧИСИ»



ЛЛОЙД ЖОРЖ, ДЕВИД (17.01.1863, Манчестер — 26.03.1945, Лланистамдви, Карнарвоншир)

Британиянинг давлат ва сиёсат арбоби, дипломат. Касби бўйича адвокат, жамоалар палатаси аъзоси (1890—1945). Буюк Британия премьер-министри (1916—1922). Либерал партия етакчиси (1926—1931). Париж тинчлик конференциясида (1919—1920) ва Версаль тинчлик шартномасини (1919) тайёрлашда муҳим роль ўйнаган. Генуя конференциясида Буюк Британия делегациясининг раҳбари сифатида Европада коллектив хавфсизлик яратиш гоясини фаол қўллаб-қувватлаган.

Девид Жоржнинг отаси Уильям — жануби-ғарбий уэльслик фермернинг ўгли — Лондонда маълумот олган ва кейинчалик ўқитувчилик қилган, ватани Пемброкширга қайтиб, ер майдонини ижарага олди. 1864 йили Уильям Р. Жорж ўпка шамоллашидан вафот этган. Р. Жорж хоним 3 та кичик боласи билан, катта қизи Мери ҳали 3 ёшга ҳам тўлмагани, акасининг ёнига, Шимолий Уэльсдаги Лланистамдви қишлоғига ўтиб олди. Ана шу вақтдан бошлаб бир неча ўн йилликлар давомида Девиднинг тақдири унинг тоғаси этикдўз Ричард Ллойд тақдири билан боғлиқ бўлди. Девид ўзига ота ўрнини босган бу одам шарафига Ллойд Жорж деган икки фамилияни қабул қилди. Унинг болалиги Лланистамдви қишлоғида ўтган. Қавмлик мактабини тугатгач, у учта имтиҳон топширади ва солистор¹ ишлари бўйича ходим ёки воситачи ҳуқуқини олди. Ллойд Жорж Криччитда хусусий юридик идорасини тузди.

1888 йили бой фермернинг қизи Девид Мегги Оуэнга уйланди. Қизнинг отаси Ллойд Жоржни ўзига мос куёв деб ҳисобламасди. Лекин Девид ўз мақсадига эриша олди. 50 йилдан сўнг улар олтин тўйларини нишонлайдилар, гарчи уларнинг йўллари бундан анча илгари ажралиб кетган бўлса ҳам.

Ўша 1888 йили Ллойд Жорж Кэрнарвон муниципал графлиги олдермени (оқсоқоли) этиб сайланди. Сиёсатдаги дастлабки қадамлари уни 1890 йили депутатлар палатасига олиб келди. Бу даврда валлийлик депутат ўз фаолияти билан либерал партиянинг сўл қанотидан ўрин эгаллади.

1890 йили Ллойд Жорж Лондонга кўчиб ўтди. Лекин XX аср бошларига қадар у тез-тез Уэльсга келиб турарди. Валлийлик миллатчиларнинг етак-

¹ *Солистор* — Англияда паст тоифали адвокат; Олий судда мустақил иш олиб бориш ҳуқуқига эга эмас.

чилардан бири бўлиб қолганида Девид ҳали 30 ёшга ҳам кирмаган эди. Ллойд Жорж барибир ҳам ўзининг сиёсий фаолиятида Вестминстер саройи асосий роль ўйнайди деб ҳисобларди. 1898 йили у ўз тоғасига: «Мен сизнинг «Энг аввало палата», деган шиорингизни қабул қилдим», — деб ёзади. Кўрслик, заҳархандалик, рақибининг мулоҳазасидаги заиф жойларини топа олиш қобилияти Ллойд Жоржга машҳур парламентарий бўлиш имконини берди.

1905 йили ҳокимиятга либераллар келди. Ллойд Жорж ўзининг ҳукумат таркибида ишлаши учун иккита шарт қўйди: таълим ҳақидаги қонунни ўзгартириш ва Уэльс учун ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини кенгайтириш. 12 декабрда 32 ёшли Девид биринчи бор ўзининг савдо министрлиги кабинети остонасидан ҳатлаб ўтди. Либерал партия ҳокимият тепасида 10 йилга яқин турди. Ллойд Жорж авваллари мустамлака ишлари билан кам қизиқарди, бироқ бурлар билан яқинлашишга тутилган йўл уни қизиқтириб қўйди. 1906 йили у жанубий африкалик сиёсатчи генерал Смэтс билан учрашди. Кейинчалик мустамлакаларнинг бошқа раҳбарлари билан ҳам танишди. Ллойд Жорж тобора кўпроқ мустамлакаларни янада фойдалироқ эксплуатация қилишнинг турли лойиҳаларига эътиборини қаратарди. У империяни ўзгартириш ва кенгайтириш мамлакат ичкарисидаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имконини беради, деган хулосага келди. Асквит ҳукуматида Ллойд Жорж газначилик канцлери бўлди (1908). Бу лавозим Британия ҳукуматида мавқеи жиҳатидан иккинчи ҳисобланарди. 1911 йили Ллойд Жорж 48 ёшга кирди, бу пайтга келиб Молия министрининг «шер ёли» ва плашчи Лондоннинг диққатга сазовор белгисига айланди. Министрни кўпинча Ковент-Гарден опера театрида кўриш мумкин бўларди. Ллойд Жоржнинг уйига Бернард Шоу, Герберт Уэльс, машҳур драматург Жорж Барри, Г. Ирвинг, Чарльз Чаплин ва инглиз зиёлиларининг бошқа арбоблари бориб турарди. Англияда ва чет элларда инглиз-бур уруши вақтларидан буён Ллойд Жорж халқаро баҳсларни тинч йўл билан ҳал қилиш тарафдори дея обрў қозонди. 1914 йил 19 сентябрда у митингда сўзга чиқиб, ўзининг бутун сиёсий ҳаётида «Буюк урушда иштирок этиш имкониятига нафрат билан муносабатда» бўлганлигини эслатиб ўтди. Лекин ҳозир унинг ишончи комилки, иштирок этиш зарур, чунки «бизнинг миллий ғуруримиз» ўртага қўйилган, бунинг сабаби эса «бизнинг кичкинагига қўшнимиз — Бельгиянинг мустақиллиги, озодлиги ва дахлсизлигини ҳимоя қилишга» масъул этувчи иккита шартномага Англия қўл қўйган.

1916 йил декабрнинг бошларида Ллойд Жорж Буюк Британиянинг премьер-министри бўлди. Бу «ғайратли сиёсатчи коалицион ҳукуматни

1922 йилнинг октябригача бошқарди. Ллойд Жорж урушнинг сўнги кунларида ўзининг парламентдаги чиқишларида йирик ҳарбий ютуқларга, у ёки бу фронтлардаги ярашувларга, душман мамлакатлар ҳукуматларининг ағдарилишига урғу қаратди. У ҳатто ўзининг палатада пайдо бўлгунига қадар немислар билан ярашиш ҳақидаги хабарнинг тарқалишини тўхта-тиб қолишга ҳам уринди...».

Ллойд Жорж Лондонда «Ғалаба намойиши»ни уюштирди, унга Клемансо, Фош, Италиянинг премьерлари В. Орландолар келдилар. Матбуот гуруҳлари Ллойд Жорж «ғалабанинг ташкилотчиси» эканлигини ёзарди. У уруш «эпилогини» ажойиб қилиб ўйнади: шошилиш сайловлар уюштирди ва янгиланган коалициянинг тепасида «миллий» йўлбошчи сифатида ўрнашиб олди. 1918 йилнинг декабрь ойи охирида Ллойд Жорж янги ҳукумат тузди ва бир неча кундан сўнг тинчлик конференцияси очилаётган Парижга йўл олди.

Ундаги «кабинет дипломатияси» тантаналари Британия парламенти-нинг қарашларига тўлиқ жавоб берарди. Аслида, конференциядаги барча асосий масалаларни Ллойд Жорж, Жорж Клемансо ва Томас Вильсон ҳал қиларди. Ҳали конференция арафасидаёқ голиб мамлакатларнинг раҳбар арбоблари ўртасида бир неча муҳим учрашувлар бўлиб ўтди. Урушнинг охирида Европага келган, Т. Вильсоннинг асосий маслаҳатчиси бўлган Хауз, президентнинг «Ўн тўрт модда»сига иттифоқчиларнинг розилигини олишга уринди. Бу Америка дастурининг иккинчи моддасида «Денгизлар эркинлиги» деб аталмиш тамойил баён қилинарди. Бу модда бўйича аёвсиз баҳслар қизиқ кетди. Ллойд Жорж шундай деди: «Буюк Британия ўз флотининг Қўшма Штатлардан устунлигини сақлаб қолиш учун то сўнги тангасигача сарфлайди».

Охир-оқибатда Хауз «денгизлар эркинлиги» борасида ён берди, буни Ллойд Жоржнинг дипломатик муваффақиятлари қаторига қўшиб қўйиш лозим бўлди. Аммо Англия премьер-министри ҳали асосий жанглар олдинда эканлигини тушунарди. У АҚШ ва Франциянинг режаларини диққат билан ўрганиб чиқди. Раҳбарларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаб олишга уринди. Конференциянинг дастлабки ҳафтадаги ишлари Британия премьерини тўла қаноатландирди. Февралнинг охирида Т. Вильсон АҚШда, Ллойд Жорж эса Англияда эканлигида кейингиси шундай деган: «Вильсон уйга бир боғлам пул билан қайтди. Мен эса немис мустамлакалари, Месопотамия ва шу каби кўринишидаги жарангдор тангалар билан чўнтақларимни тўлдириб қайтдим. Ҳар кимга — ўзига ёққани».

1919 йилнинг 28 июнида, Сараеводаги қотилликдан роппа-роса 5 йил ўтганидан сўнг Версаль саройининг Ойнаванд залида тинчлик шартно-

маси имзоланди. Буюк Британия энг кўп фойда олди. Германия мустамлакачи, савдо ва ҳарбий-денгиз мамлакати сифатида рақиб бўлмай қолди. Инглизлар ўз таъсир доираларини хомашёга бой бўлган янги ҳудудларга кенгайтирдилар. 1920 йили, иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, дунёдаги нефть захираларининг 75 фоизга яқини Англия назорати остига ўтган! 1920 йили бутун «Катта тўртлик»дан (Англия, Франция, АҚШ, Италия) фақат Ллойд Жоржгина ҳокимият тепасида қолган ва шунинг учун ҳам бошқа сиёсий арбоблар орасида алоҳида ўрин эгаллаган. Матбуот уни «Европанинг извошчиси» деб атади. Ллойд Жорж норасмий дипломатларнинг шахсий штатига эга бўлиб, ўз ташқи сиёсатини алоҳида бир қониқиш билан олиб борарди. Бальфурдан сўнг ташқи ишлар министри Керзон бўлди. Аммо премьер кўпинча министрнинг фикрини инобатга олмас ёки уни хабардор қилмасдан иш кўрарди. Ўшанда Пуанкаре: «Англия иккита ташқи ишлар идорасига эга, Лорд Керзоннинг ва Ллойд Жоржнинг идораларига», — деган эди.

Ллойд Жоржни «олий даражадаги» учрашувлар тизимининг яратувчиси деб ҳисоблаш мумкин. 1921 — 1922 йилларда Британия премьерининг жуда фаол иштирокида ўтгиздан зиёд халқаро конференциялар ва кенгашлар ўтказилди. Унинг ташаббуси билан уларнинг кўпчилиги Европанинг энг хушманзара бурчакларида чақирилди. 1920 йили у Туркия билан тинчлик шартномасини ишлаб чиқишга ва бошқа халқаро масалаларга бағишланган конференция очилган Сан-Ремога келди. Бу ерда барча энг муҳим қарорлар Ллойд Жоржнинг Франция премьери Мильеран ва бошқа раҳбарлар билан яккама-якка суҳбатларидан кейин қабул қилинар эди. Сан-Ремода Яқин ва Ўрта Шарқнинг тақдири муҳокама қилинарди. 1919 йилдан Англия Арабистондаги, Эрон ва Мисрдаги, Босфор қирғоқларидаги ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаб олди. Франция билан яккама-якка олишув инглизларнинг устунлиги билан ўтаётганди. Мильераннинг қаршилигини синдириб, Ллойд Жорж уни Фаластин ва Мосул билан бирга Ироқни узил-кесил Буюк Британияга беришга мажбур қилди. Инглиз-француз нефть келишувининг мақсади Америка нефть бизнесини ўлжани бўлиб олишдан четлатиш эди. Англия, Франция ва Италия Ўрта Шарқдаги таъсир доираси ва иқтисодий чоралар қўллашни чеклаш ҳақида яширин келишув туздилар. Туркия билан «тинчлик шартномаси» лойиҳаси ҳам келишиб олинди.

Сан-Ремодаги конференцияни «инглизлар қудратининг чўққиси» деб атадилар. Публицист Ж. Кайзер барча денгизлар, иқтисодий, сиёсий ва диний пойтахтлар, халифалик, сионизм, шарқ католицизми ва ҳ.к. Англия назорати остида эканлигини кўрсатиб: «Шарқ британлашган», — дея ёзган эди. Британия министрлар кабинетининг кўрсатмасига биноан

инглиз-совет иқтисодий келишувининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1920 йилнинг 18 ноябрида Ллойд Жорж палатада лойиҳа тайёр эканлигини айтди. Унинг матнини олган ва Керзоннинг ёқтирмаслигини билган Красин (советларнинг вакили) нота билан тўғридан-тўғри премьерга мурожаат қилди. Ллойд Жорж Хорн билан бирга музокаралар олиб боришга киришди. Сўнги дақиқаларда мувофиқлаштирилган ўзгартиришлар советларнинг истакларига мос келарди. 16 мартда Хорн ва Красин савдо келишуви матни тагига имзоларини қўйдилар. 1920 йилнинг 29 мартида премьер палатада: «Савдо келишуви совет ҳукуматини Россиянинг амалдаги ҳукумати деб тан олди, аслида ҳам у, шубҳасиз, шундай», — деди.

Бироқ янги йил арафасида Парижда йиғилган молиячилар подшо қарзларини тўламоқчи бўлмаётган советларга ўз даъволарини эслатиб ўтдилар. Англия премьер-министри тез орада Москванинг қарзларини ва миллийлаштирилган корхоналар учун товонларни тўлашга розилик бериш уларнинг сиёсий тан олиншига олиб келади деган фикрга келди. Бу ҳақдаги конференцияни Генуяда ўтказишни белгилаб қўйдилар. Генуя конференциясида 100 кишидан иборат бўлган Буюк Британия делегацияси энг кўп сонли бўлиб чиқди. Биринчи мажлис 10 апрелда Сан-Жоржио саройида очилди. Раислик қилувчи Италия премьер-министри Фактнинг нутқидан кейин Ллойд Жорж сўзга чиқди. У «дам олиш, сукунат ва хотиржамлик» зарур бўлган, силласи қуриган ва издан чиққан Европанинг ҳаяжонга солувчи кўринишини тасвирлаб берди. Ҳамма истаётган тинчликнинг ўрнатилиши бугунлай Генуя конференцияси қарорларига боғлиқ эканлигини айтди. Ўша мажлиснинг ўзида Англия премьер-министри кичик комитетлар таркибини тайинлашда ўжарлик қилаётган француз делегатларини совет ва немис вакилларининг камситилишларидан воз кечишларига эришиб, ўзига одатий бўлган келиштирувчи ролида чиқди. «Бизлар бу мажлисда мутлақ тенглик асосида иштирок этмоқдамиз», — деди Ллойд Жорж. Конференция унинг реалистик позициясини маъқуллади.

11 апрель куни совет делегациясига Лондон меморандумининг матни тақдим этилди. Совет томони ўз жавобини берди. Россияга интервенция туфайли етказилган зарар даъво қилинаётган қарзлардан икки баробардан ҳам ошиқроқ эди. 14 апрель эрталаб баҳсли масалаларни муҳокама қилиш бошланди. Ллойд Жорж советларнинг қарши даъволари миқдорини «мутлақо ақлга сизмайди» деб атади ва фақат арзимас ён беришларга рози бўлди. Англия премьер-министри Россия урушдан олдинги қарзларини тўлашини талаб қилишда давом этди. Бироқ совет томони ҳам бўш келмасди. Натижада музокаралар боши берк кўчага кириб қолди. Апрельнинг охирларида Ллойд Жорж Совет Россияси билан нефть соҳасидаги келишувига эришишга уриниб кўрди. У Кавказ нефтидан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритишни истарди. Бироқ

Совет делегацияси бунга ҳам кўнмади. Томонларнинг ўз фикрларини ўзгартиришни хоҳламасликлари конференцияни муваффақиятсизликка маҳкум этарди. Аммо Ллойд Жорж умидини йўқотмасди. Бироқ у масалаларни ҳал этишни расмий делегацияга қўйиб берди, ўзи Гаагага бормади.

1922 йили Ллойд Жоржнинг севгилиси Френсис Стивенсон унинг учун Сассекс графлигидан Черт мулкани харид қилди. У 1923 йилдан бу ерда доимий Френсис билан яшарди, фақат онда-сондагина пойтахтга келиб-кетар эди. Ллойд Жорж коалицион ҳукуматининг кулаши кабинет бошлиғи советларнинг ён беришига эриша олмагани, Шимолий Европада инглиз кўмирини сотиш учун бозорни эгаллай ололмагани ва Марказий Европада инглиз саноати маҳсулотлари учун рақобатнинг энг яхши имкониятларини топа олмаганидан ва шу қабилардан кейин муқаррар бўлиб қолди. Истеъфога чиққан Ллойд Жорж 1923 йили АҚШ ва Канадага сафар қилди. АҚШда «қадим Европанинг етакчиси» президент Кулиж билан учрашди, ҳинду қабилаларининг йўлбошчилари билан «тинчлик трубкасини» чекишди, кўплаб нутқлар сўзлади. 30-йилларнинг бошларига қадар Ллойд Жорж Фарбнинг энг машхур сиёсий арбоби бўлиб қолаверди. Собиқ премьер узоқ вақтларгача «мамлакат уни чақириб олади» деб ишонарди. 1931 йилнинг августида Макдональд «миллий» ҳукумат тузди. Афсуски, Ллойд Жорж оғир беморлиги сабабли, янги кабинетда унинг номи йўқ эди. 1931 йилнинг ноябрида навбатдан ташқари сайловлардан ва либераллар уч гуруҳга бўлиниб кетанларидан кейин у ўзидан партия етакчиси ваколатларини соқит қилди. 20-йилларнинг охиридан Дэвид Бразилия, Миср, Ҳиндистон ва Цейлонга саёҳат қилди, Ямайкада даволанди. 1932 йили унинг соғлиғи тўлиқ тикланди. Ллойд Жорж котиблари ёрдамида уруш ҳақида ва урушдан кейин ўрнатилган тартиб ҳақида хотиралар ёзди. «Уруш ҳақида эсдаликлар»и муаллифга мисли кўрилмаган бойлик ва муваффақият олиб келди. 1936 йилнинг сентябрида у Германияга ташриф қилди. У Гитlernи юксак баҳолади. Ва фақат фашистларнинг Испанияга бостириб киришларигина уни ўз фикрини ўзгартиришига мажбур қилди. Ллойд Жорж фақат Франция билангина эмас, СССР билан ҳам яқинлашишга қизғин тарафдор бўлиб, Чемберленнинг «Мюнхен курси»ни танқид қилди. 1939 йилнинг май ойидаги ташқи сиёсат борасидаги баҳслар вақтида у Россия билан келишувга чақирди. Ллойд Жорж охириги марта 1940 йил 8 майда, қуйи палата депутатлари Чемберленнинг кетишини талаб қилганларида яна муҳим роль ўйнади. Чемберлен хотиржамлигини сақлаб ва барча ҳамда ҳар бир киши томонидан «қурбонлик» зарурлиги ҳақида гапирарди. «Чемберлен қурбон қилишга чақирмоқда, — хитоб қилди ўшанда Ллойд Жорж, — қани унинг ўзи намуна бўлсин ва истеъфога чиқсин — ҳеч нарса ғалабага ана шундай кўмаклаша олмайди». Икки кундан

кейин янги коалицияни Черчилль бошқарди. У Ллойд Жоржга ҳукумат таркибига киришни таклиф қилди. У буни ҳам, АҚШда элчи бўлиш таклифини ҳам рад этди. 1941 йил бошларида Ллойд Жорж кўп вақтлардан буён Бриччитда яшаётган Мэгги ўлим тўшагида эканлиги ҳақида хабар олди. У йўлга тушди, бироқ кечикди — Мэгги оламдан ўтган эди. 1944 йилгача Ллойд Жорж фақат Чертда яшади. Германия СССРга ҳужум қилганидан сўнг у дарҳол Англия билан Совет Иттифоқи ҳаракатларининг якдиллигини ёқлаб чиқди. 1943 йилнинг октябрида Ллойд Жоржнинг Фрэнсис Стивенсон билан тўйлари гувоҳларсиз ўтди. Орадан кўп ўтмасдан врачлар унда рак ўсимтасини топдилар. Касаллик тез авж олди. 1944 йилнинг кузида Ллойд Жорж турмуш ўртоғи билан Лланистамдвиз яқинидаги фермага кўчиб ўтди. Янги йил арафасида у болалар байрамида қатнашди. Машҳур нотик, болаларга мурожаат қилиб, энди бир неча сўзни боғлаб гапира олмасди. У ҳали Диккенс романларини тинглай олар, иттифоқчиларнинг ғалабаларига қувонар, тинчлик ҳақида пэрлар палатасида нутқ сўзламоқчи бўларди. У лордларнинг азалий рақиби булса-да, графлик унвонини қабул қилди. Бироқ ҳаёт тез сўниб борарди. 1945 йилнинг 26 мартда «кичик валлийлик» вафот этди. Девид Ллойд Жоржни Двайфор дарёси қирғоғига — унинг болалиги ўтган ерга кўмдилар.

Тинчлик учун кураш давом этаверади! (Девид Ллойд Жорж)

ОЗОДЛИК ВА АДОЛАТ РАМЗИ



МАНДЕЛА, НЕЛЬСОН РОЛИХЛАХЛА
(MANDELA, NELSON) (18.07.1918 – 05.12.2013)

Жанубий Африка Республикаси президенти. Коса тилида гапирувчи темпу қабилиси йўлбошчисининг катта ўғли. Форт-Хейер коллежида ўқиган, 1940 йили бойкотда қатнашгани учун ҳайдалган. Йоханнесбургдаги юридик идорада шогирд бўлиб ишлаган, Жанубий Африка университетида сиртдан ўқиган. Витватерсранд университетида ҳуқуқни ўрганган. 1952 йили АМК (Африка миллий конгресси)нинг қувгиндаги етакчиси Оливер Тамбо билан бирга Йоханнесбургда африкаликларнинг биринчи юридик фирмасини очган. Африка миллий конгрессининг (АМК) президенти (1991 йилдан). АМК ёшлар лигасининг асосчиларидан бири. Апартеидга¹ қарши курашчи. Бир неча марта ҳибсга олинган. 1964 йили умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган; 1990 йили озод қилинган. Нобель тинчлик мукофоти лауреати (1993). 1994 йили 26–29 апрелда бўлиб ўтган мамлакат тарихида биринчи ноирқий демократик сайловларда Нельсон Мандела ғалаба қилди ва ЖАРнинг биринчи қора танли президенти бўлди. 1999 йили сиёсатдан кетган.

¹ Апартеид — ирқий айирмачиликка асосланган сиёсат.

Нельсон Мандела АМК ёшлар лигасининг тузилишига катта ҳисса қўшган. 1940 йилларнинг охирлари — 1950 йилларнинг бошларида АМКнинг ҳукмрон миллий партияга муҳолифатда бўлган аъзолари сафига қўшилган. Апартеид тизимига куч ишлатмасдан қаршилик кўрсатиш ҳаракатини бошқарган. 1953 йили АМК Трансвааль бўлимининг президенти қилиб сайланди. 1956 йили давлатга хиёнат қилишда айбланиб, қамоққа олинган (1961 йили оқланган).

1960 йили Мандела АМКнинг етакчиси бўлди. Шарпевилдаги хунрезликлардан, АМК ва Роберт Собукве бошчилигидаги Панафрикан конгресси тақиқланганидан кейин АМКнинг ҳарбий ташкилоти — «Умконто ва сизве» («Миллат найзаси»)ни тузди. Йил давомида у қамоққа олинишдан қочиб юрди, бироқ 1962 йилнинг ўрталарида у иш ташлашларга ундагани учун қамоққа ташланди. 1964 йили Мандела ва Умконтонинг бошқа раҳбарлари ҳокимиятни ағдариш мақсадида тил бириктиришда айбланиб, умрбод қамоққа ҳукм этилдилар. 1990 йилнинг февралда Н.Мандела қамоқдан озод қилинди. 1990 йилнинг ўрталарида Европа, Шимолий Америка ва Африкага ташриф буюрди ва у ерда ЖАРга қарши иқтисодий чекловларни давом эттиришга чорлади. 1990 йили де Клерк билан янги конституция лойиҳасини муҳокама қилишда қатнашди. 1991 йилнинг июлида АМК президенти бўлди. 1991 йилнинг декабрида Н.Мандела ва де Клерк янги конституцияни ишлаб чиқиш учун кўп ирқли ва кўп партияли конференция чақирдилар. Музокаралар 1993 йилнинг февралда вақтли коалицион ҳукумат тузилиши билан якунланди. Унинг хотини Винни Мандела (1936 йилда туғилган, қизлик исм-шарифи Номзамо Винифред Мадикизела) 80—90-йиллари ЖАРдаги африкаликлар қаршилик ҳаракатларининг етакчиларидан бири бўлган. 1988 йилнинг охирларида унинг бир нечта тан кўриқчилари тўртта қора танли ўсмирларни ўғирлаб кетиб, калтакланларида ва ўсмирлардан бирининг кейинчалик жасадини топиб олганларида унинг обрўйига катта путур етди. 1991 йили Винни олти йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди (ҳукмнинг ижроси кейинга қолдирилган). Эр-хотинлар 1992 йили бир-бирларидан узоқлашдилар, шундан сўнг Н.Мандела Мозамбикнинг йўлбошчиси Самора Машелнинг беваси Грейс Машелга уйланди. У 1993 йилнинг сентябрида БМТ Бош ассамблеясида сўзга чиқиб, ЖАРга қарши иқтисодий чекловларни бекор қилишга чақирди. 1993 йили Н. Мандела ва де Клерк Нобель тинчлик мукофотига сазовор бўлдилар. 1994 йили биринчи умумхалқ сайловларида АМК 63 фоиз овозга эга бўлди ва Мандела Миллий ассамблеянинг президенти этиб сайланди. 1996 йили ирқий мансублиги, жинси, диний эътиқодларидан

қатъи назар барча жанубий африкаликларга тенг ҳуқуқни кафолатловчи мамлакатнинг янги конституцияси қабул қилинди. Шунга қарамасдан, жиноятчиликнинг ошиб бориши ва иқтисодий муаммолар, 90-йилларда мамлакатдан оқ танли аҳолининг кўплаб кўчиб кетиши оқибатида Н.Мандела президент лавозимида қола туриб, 1997 йилнинг декабрида АМК етакчиси лавозимидан кетди, 1999 йилги сайловларда эса ЖАР президентлигига ўз номзодини қўймади. Бир неча китобларнинг муаллифи, уларнинг орасида «Озодликка осон йўл йўқ» (1965), «Мен ўлимга тайёрман» (1979) асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. 2000 йил арафасида президентлик лавозимини вориси Табо Мбекига топширган Нельсон Мандела Роббен оролига келди ва ўзининг аввалги бир кишилиқ ҳужрасида шамчироқ ёқди. Н. Мандела 2013 йил 5 декабрь куни 95 ёшида вафот этди.

БМТ 18 июлни Н. Мандела куни деб эълон қилди.

XX аср ҳафсалалар пир бўлиш асри бўлди. (Нельсон Мандела)

КИЧИК ХАЛҚНИНГ БУЮК ЙЎЛБОШЧИСИ



МАННЕРГЕЙМ, КАРЛ ГУСТАВ

(04.06.1867, Вильняс, Финляндия — 28.01.1951, Лозанна, Швейцария)

Финляндия Республикаси президенти. Гельсинг форс университетини (1887) ва Санкт-Петербургдаги Николаев кавалерия билим юртини тугатган. 1889 йили Россия армиясига кавалергардликка¹ қабул қилинган. 1893 йили поручик ва 1901 йили штабс-ротмистр унвонларини олди. Маньчжуриядаги уруш даврида 3 марта жанговар мукофотларга сазовор бўлди ва полковник даражасига кўтарилди. Биринчи жаҳон урушида Галицияда жанг қилган кавалерия дивизиясининг командири бўлган. Урушнинг иккинчи йили яхши командирлик қилгани ва жасорати учун генерал-майор унвонига сазовор бўлди. Россияда инқилоб бошланиши билан мустақиллигини эълон қилган Финляндияга қайтди. 1918 йил 16 январда Сенат К. Маннергеймни фин армиясининг Бош қўмондони этиб тайинлади. Германия шахзодаси Фридрих Карлни Финляндия қироли қилиб сайлаш муваффақиятсизликка учрагандан сўнг, 1918 йилнинг декабридан 1919 йилнинг июнигача Маннергейм регент² вазифасини бажарди. 1919 йилнинг июнида Финляндия республика деб эълон қилинди. Президентлик сайловларида К. Маннергейм мағлубиятга учради. 1931 йили давлат мудофаа кенгашининг раиси этиб тайинланди, 1933 йилдан бошлаб, Карел бўйнида темирбетон ва гранит-тупроқли чегара истеҳкомлари қурилиши билан шуғулланди. 1939 йилги совет-фин

рал-майор унвонига сазовор бўлди. Россияда инқилоб бошланиши билан мустақиллигини эълон қилган Финляндияга қайтди. 1918 йил 16 январда Сенат К. Маннергеймни фин армиясининг Бош қўмондони этиб тайинлади. Германия шахзодаси Фридрих Карлни Финляндия қироли қилиб сайлаш муваффақиятсизликка учрагандан сўнг, 1918 йилнинг декабридан 1919 йилнинг июнигача Маннергейм регент² вазифасини бажарди. 1919 йилнинг июнида Финляндия республика деб эълон қилинди. Президентлик сайловларида К. Маннергейм мағлубиятга учради. 1931 йили давлат мудофаа кенгашининг раиси этиб тайинланди, 1933 йилдан бошлаб, Карел бўйнида темирбетон ва гранит-тупроқли чегара истеҳкомлари қурилиши билан шуғулланди. 1939 йилги совет-фин

¹ Кавалергард — гвардиячи отлиқ полкининг солдати ёки офицери.

² Регент — монархнинг кичик ёшлиги пайтида вақтинча давлатни бошқарувчи шахс.

урушида Финляндия армиясининг Бош қўмондони бўлди. Уруш Финляндиянинг маглубияти ва 1940 йил 12 мартда Москвада тинчлик шартномасининг имзоланиши билан якунланди. К.Маннергейм президент қилиб сайланди, ammo Финляндиянинг Германия томонидан туриб урушга киришидан сал аввалроқ лавозимини ташлаб кетди ва қуролли кучларни бошқарди. 1944 йилнинг августида у яна президент этиб сайланди. 1944 йилнинг сентябрида СССР билан бир томонлама сулҳ тузиб, Финляндия мустақиллигини сақлаб қолишга эришди. 1946 йили истеъфога чиқди.

Финляндия, совет раҳбариятининг бу мамлакатни СССРга қўшиб олишга бир қанча марта уринишларига қарамасдан, инқилоб вақтидаги каби Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам мурракаб вазиятда ўз мустақиллигини сақлаб қолишга эришган, илгари Россия империяси таркибига кирган ягона мамлакат. Финлар, кичик халқ ҳам катта ишларга қодир бўлиши мумкинлигини намойиш қилиб, гуллаб-яшнаётган давлат яратдилар. Финляндия тарихида тан олинган умуммиллий йўлбошчи, доно раҳбар, XX асрнинг йирик сиёсатчиси К. Маннергейм даври алоҳида ўрин эгаллайди. Бироқ китобхонларнинг жуда кам қисмигина унинг асл таржимаи ҳоли билан таниш. Унда эътиборга лойиқ ва қизиқарли жиҳатлар кўп. Келинг фактларга мурожаат қилайлик.

Карл Маннергейм Финляндияда, асли келиб чиқиши шведиялик бўлган оилада туғилган. У швед, фин, рус, инглиз, француз тилларини билар ва хитой тилида изоҳлаша оларди. У жуда нодир ҳарбий тажрибага эга бўлиб, рус-япон, Биринчи жаҳон, совет-фин, Иккинчи жаҳон урушларида қатнашган. У Россия императори Николай II га садоқат билан хизмат қилди, унинг портретини умрининг охиригача ўз кабинетида сақлади. Япония билан урушда К. Маннергейм Мукден яқинидаги жангда ўрнак кўрсатди ва муддатидан олдин полковник унвонига сазовор бўлди. Урушдан сўнг Бош штаб томонидан Марказий Осиё мамлакатлари бўйлаб ҳарбий-илмий экспедицияга жўнатилди. У европаликлардан биринчи бўлиб маҳобатли Далай-лама билан учрашди ва будда руҳонийлари турмуши ва диний маросимлари саҳналарини фотосуратга олди. Ушбу изланишларнинг натижалари 1909 ва 1920 йилларида чоп этилди. Бу экспедициядан кейин Маннергеймга император Жаноби Олийлари қўшинларининг генерал-майор унвони берилди.

Октябрь тўнтаришига Маннергейм кескин салбий муносабатда бўлди. У Февраль инқилобини ҳам ёқтирмаган эди. У подшога қилган қасамдини бузиш мумкин эмас деб ҳисобларди, шунинг учун ҳам истеъфога чиқди ва мустақиллик учун кураш бошлаган Финляндияга ўтиб кетди. Мустақилликка эришган мамлакатнинг ҳали ўз бошқарув тизими йўқ эди. Йирик sanoatchilar Финляндия тахтига немис шаҳзодаси Фридрих Карл Гессенс-

кийни таклиф қилдилар, бироқ у ҳатто таклиф этилган подшолик жойига келиб ҳам улгурмади: Германиядаги Ноябрь инқилобидан сўнг кайзернинг тахтдан воз кечиши режаларни бузиб юборди. Ва шунда мамлакат тақдирини К.Маннергеймга топширдилар. Унга Финляндия ҳукмдори унвонини бердилар, бу мақомда у давлат қурилиши, бошқарув асосларини ишлаб чиқди, дипломатик фаолият билан шуғулланди: Англия ва Франция томонидан Финляндиянинг мустақиллигини тан олиши ҳақида муваффақиятли музокаралар олиб борди.

К. Маннергейм давлат тепасида ҳаммаси бўлиб етти ой турди. Мамлакат конституцияси қабул қилинганидан кейин президентлик сайловлари эълон қилинди. Қанчалар ажабланарли бўлмасин, бироқ демократик жамиятда тез-тез учраб турадигандек, у сайловларни бой берди. Лекин унинг обрўси баланд эди. Фуқаролар уруши ва регентликнинг оқибати шу бўлдики, К. Маннергейм фин жамиятининг онгида уруш қаҳрамони, оқ генерал ва жамоат арбоби сифатида қолди. Оқлар учун у озодлик курашчиси, мустақиллик учун кураш қаҳрамони, Финляндияни қизиллардан қутқариб қолган ва руслардан озод қилган одам эди. Қизиллар уни синфий душман тарафида туриб жанг қилган генерал деб ҳисобларди. У президент этиб сайланмаган бўлса-да, лекин жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллади. Айнан у рассом Аксели Галлен-Каллела билан бирга армия ва флот учун фин орденлари, ҳарбий кийимларнинг лойиҳаларини чизди. Кўп саёҳат қилди, банклар идораларида мажлислар ўтказди. Болаларни ҳимоя қилиш иттифоқи тузди, фин Қизил Хочини бошқарди.

У Германия билан анча яқин алоқада эди, аммо Германияга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлар, Гитлерни яхши одатларга эга бўлмаган маҳмадона деб ҳисоблар эди. Бироқ Гитлер Маннергеймни анча юқори баҳоларди. Ҳатто уруш даврида ҳам унинг 75 йиллигида излаб боришга вақт топди. 1930 йили К. Маннергейм Давлат мудрофаа кенгашининг раиси этиб сайланди, бу президент қошидаги маслаҳат органи эди. Лекин К. Маннергеймнинг обрўси шунчалар баланд эдики, Совет Иттифоқига қарши туриш Финляндияга ҳеч қандай яхшилик келтирмаслигини тушуниб турса ҳам, фин армиясини мустаҳкамлаш учун муҳим ишлар қилди. Бунинг устига, ҳали 1938 йилдан буён совет раҳбарлари Финляндияга ҳудудий даъво билан чиқаётган эдилар. Финлар бу талабларни бажаришни мутлақо рад этдилар. Улар Риббентроп — Молотов пактининг яширин баённомаларида Финляндия Совет Иттифоқининг манфаатлари зонаси деб эълон қилинганлигини билганларида эди, советларнинг талабларига, балки, рози бўлишарди. Лекин К. Маннергейм ён беришга тўғри келишини,

улкан давлат ўз талабларидан воз кеча олмаслигини, ҳеч бўлмаганда унга ўз ҳурматини сақлаб қолиш имкониятини бериш кераклигини тушунарди. Шунинг учун ҳам у совет-фин муаммоларини муроса йўли билан ҳал қилиш тарафдори эди. Бу вақтда у 70 ёшда эди. У истеъфога чиқишга қарор қилди. Ҳатто истеъфога чиқиш ҳақида илтимоснома ҳам берган эди. Бироқ совет-фин уруши бошланиб қолди ва К. Маннергейм Финляндия қуроли кучлари Бош қўмондони этиб тайинланди.

К. Маннергеймнинг ўзи ҳарбий ҳаракатларни бошқарар ва Финляндиянинг уруш шароитидаги сиёсатини йўналтирар эди. Унинг ўрнида бошқа ҳар қандай киши ҳукумат таъсири остига тушиб қолар эди. «Бу уруш мустақиллик учун урушнинг давоми ва унинг яқунловчи жангидан бошқа нарса эмас», — деб айтганди солдатларга К. Маннергейм ўз буйруғида. Бутун фин халқи, шу жумладан сўл кучлар, собиқ қизиллар ҳам ана шу буйруққа бўйсунди. Ташқи душман рўпарасида миллат бирлашди ва унинг тепасида К. Маннергейм турди.

Бу урушда Финляндия 105 кун муваффақиятли туриб берганлиги энг аввало юксак даражадаги миллий бирлик билан изоҳланади. Бу урушнинг яқунлари маълум. Финлар енгилди, лекин улар ўз мустақилликларини сақлаб қола олдилар. Финляндия босиб олинисдан қутулиб қолди. Ўз буйруғида Маннергейм солдатларига жасурликлари учун миннатдорчилик билдирди: «Мен жуда кўп жанг майдонларида урушганман, лекин ҳали ҳеч қачон сиздек жангчиларни кўрмаган эдим... Сизнинг жасоратингизга ва фидойилигингизга қарамасдан оғир шароитларда сулҳ тузишга тўғри келди, буни тушуниш мумкин. Сизнинг қаҳрамонлигингиз бутун дунёда таҳсинларга сазовор бўлди, аммо уч ярим ойлик урушдан кейин биз яна ёлғизмиз».

Бу ёлғизлик мамлакатни Гитлернинг бағрига итарди. Мамлакатнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ўзига хос бўлди. Бу тарихнинг кўпгина воқеалари бугунги кунгача, эҳтимол, китобхонларга маълум эмас. Маълумки, Совет Иттифоқи Финляндияга қарши жанговар ҳаракатларини 1941 йил 22 ва 25 июнь кунлари бомбардимон қилишлар билан бошлаган. К. Маннергейм учун бу муҳим эди. Расман Финляндия «Барбаросса режаси»ни амалга оширишда қатнашмаётганди. Мажбуриятлар борасида ҳам у Германия билан боғланмаганди. Финляндия Германия томонидан туриб жанг қилаётган бўлса ҳам, барибир унинг учун бу уруш ўзиники эди. Маннергейм шундай фикрда қатъий туриб олди. У немислардан Финляндияни ҳимоя қилишда фойдаланарди, аммо жиддий ҳарбий ҳаракатлар қилишдан ўзини тиярди. Шундай тарзда, 1941 йилнинг 2 августида Кейтелнинг Ленинградга ҳужум қилиш ҳақидаги талабига Маннергейм Фин-

ляндия Карел бўйнидаги собиқ давлат чегарасидан ўтмоқчи эмас, деб жавоб берди. У шундан келиб чиқардики, СССР фин армияси томонидан Ленинградга хавф-хатарни кўрмаслиги керак эди. Фин артиллерияси ва авиацияси Ленинградни ўққа тутмади ва бомбардимон ҳам қилмади. Уруш давомида у немисларнинг СССРни Шимолий муз океани билан боғлаб турувчи Мурманск темир йўлини қирқиб ташлаш режасини ҳам рад этди. Бу энг муҳим магистрал бўлиб, ундан иттифоқчиларнинг ёрдам юклари етказиб берилган. Бу йўлни узиб ташлаш унчалик қийин эмас эди. Аммо К. Маннергейм ўзининг АҚШ ва Англияга нисбатан ҳам бетарафлигини таъкидларди.

Фин frontiдаги уруш 1941 йилнинг охирига келибоқ позициялар урушга айланди ва совет раҳбариятига унчалик ташвиш орттирмади. Бу ҳолат совет кўшинларининг ҳужумлари бошланган 1944 йилнинг ёзигача ўзгармади. Мамлакатни қандайдир йўл билан урушдан олиб чиқиш кераклиги маълум бўлиб қолди. Бу масалани ҳал қилиш учун ҳокимиятни тўлалигича К. Маннергеймнинг қўлига бериш керак эди. 1944 йилнинг 4 августда президент томонидан шу йўл танланди ҳам. Куролни собиқ сафдошлари томонга қаратиш энг қалтис иш бўларди. Кўринишдан, Сталин бу вазиятлардаги К. Маннергеймнинг ҳолатини тушунарди. Лекин ҳатто Гитлерга нисбатан ҳам у анчайин одобли иш тутди. У Гитлерга кейинчалик хат юборди ва ўзининг бу қарорини шу билан асосладики, Германия сингари улкан мамлакатни тўлиғича йўқ қилиб юбориш мумкин эмас, кичкина Финляндияни ер юзидан супуриб ташлаш мумкин. Гап миллатнинг яшаб қолиши ҳақида борарди. Финляндия билан СССР ўртасидаги яраш сулҳи 1944 йил 19 сентябрда, иттифоқчилар билан Финляндия ўртасидаги тинчлик шартномаси эса фақат 1947 йили имзоланди. Сулҳ шартномасининг барча оғир бандларига қарамасдан бу сафар ҳам К. Маннергейм туфайли мамлакат мустақиллиги сақлаб қолинди. Ўша пайтлар Москвадагилар К. Маннергейм қиёфасида энг аввало ишониш мумкин бўлган бошлиқни ва рақибни кўрардилар. У фин халқининг тинчлик шартларига бетарафлигининг кафолати эди. Сталиннинг ўзи Финляндиянинг премьер-министри Пеккалега Финляндия К. Маннергейм туфайли босиб олинмаганлиги ва шундай қилиб финлар кўп жиҳатдан кекса маршалдан миннатдор бўлиши лозимлигини айтади. 1946 йил 4 мартда Маннергейм соғлиғи туфайли бундан кейин президентлик вазифасини бажаришнинг иложи йўқлиги ҳақида эълон қилди. Унинг ўрнига Паасикиви сайланди.

Маннергеймнинг яҳудийларга бўлган муносабати ҳам шу кунгача кам маълум бўлган воқеадир. Уруш йиллари Болгарияда, Данияда яҳудийлар-

ни ўлдирмадилар деган хабарлар ҳам унчалик тўғри эмас. Болгариянинг қўл остида бўлган худудларда яҳудий аҳолисининг анчагина қисми ҳалок бўлган. Улар Даниядан ҳам қочишга мажбур бўлганлар, бунда уларнинг маълум бир қисми ҳалок бўлган, Финляндияда эса аҳвол бутунлай бошқача бўлган. К. Маннергейм Германиянинг яҳудийларга қарши сиёсати билан боғлиқ талабларни қатъиян рад этган. Мавжуд фактларга биноан, уруш йилларида бирорта ҳам йирик фин газетасида бирорта ҳам антисемит мақола пайдо бўлмаган. Мамлакатнинг истисносиз бугун яҳудий аҳолиси Иккинчи жаҳон урушидан соғ-саломат чиққан, яҳудийларнинг анчагина қисми фин армиясида хизмат қилган ва советларга қарши урушда қатнашган деган маълумотлар мавжуд.

СССР тарихини ўқиганларнинг барчаси учун Маннергейм номи билан «Маннергейм линияси» деган тушунча боғлиқ. Эҳтимол, мутахассислар 1918 йили айнан К. Маннергейм раҳбарлиги остида Финляндиядаги инқилоб ҳарбий куч билан бостирилганлигини билса керак. Аммо кўпчилик Карл Густав Эмиль Маннергейм миллати швед, голландиялик Маархайм авлодидан чиққан одам, қарийб 30 йил давомида рус армиясининг офицери бўлганлигини билмасалар керак. Николаев кавалерия билим юртининг битирувчиси генерал-лейтенант унвонига кўтарилган, рус-япон ва Биринчи жаҳон урушининг қатнашчиси бўлган. Турли мамлакатларнинг 124 та мукофотларини олган, улар орасидан К. Маннергейм 1914 йили шахсий жасорати учун сазовор бўлган 4-даражали Муқаддас Георгий орденининг камтарона хочини ҳаммасидан кўра кўпроқ қадрлар эди. Бироқ бундан ҳам кам киши Карл Маннергейм буюк саёҳатчи бўлганлигини билди. Николай Пржевальский, Михаил Певцов, Всеволод Роборовский, Пётр Козлов — турли йилларда Марказий Осиё ва Хитойга ҳарбий-жуғрофий экспедицияларни бошқарган рус офицерларининг бу қаторига ҳақли равишда 1906 — 1908 йиллари Марказий Осиёдан Хитойга, Самарқанддан Пекинга отларга миниб, экспедиция уюштирган полковник Карл Маннергейм ҳам киритилиши керак. Рус саёҳатчилари тарихида бу ҳақиқатан ҳам «Йўқолган экспедиция» эди. Инқилобга қадар у ҳақда Маннергейм ёзган ҳисобот жиддида «Овоза қилиниши мумкин эмас» деган ёзув турарди, инқилобдан кейин эса К. Маннергеймнинг номи агар эса олинса ҳам, фақат «аксилнқилобий» ва «антисовет» маъносигагина олинарди. Экспедицияни 2-Урал казаклар полкининг Самарқандда ўрнашган казаклари — Игнатий Юнусов ва Шокир Раҳимжоновлар кузатиб боришлари лозим эди. «Казакларни танлашга полк командири жуда жиддий эътибор

берди, уларнинг иккитаси мусулмон бўлиб, иккаласи ҳам қирғизча гапирарди. Улар ажойиб отларда, безакли эгар-жабдуқларда ўтирардилар. Кийим, қурол билан таъминланишлари бенуқсон, ҳатто аъло даражада эди», — ўз шериклари ҳақида полковник К. Маннергейм шундай ёзган эди. Маннергейм икки казак билан Андижон ва Ўш орқали чиқиб кетди. Қашқардан Маннергейм Ёркент орқали машҳур Ипак йўлининг бир қисми бўйлаб Хитойга «саёҳат» уюштирди. Уни бундай саёҳатга Шарқий Туркистонда японларнинг пайдо бўлганликлари ҳақидаги кучли миш-мишлар мажбур қилди. Йўлда Маннергейм қаттиқ шамоллаб қолди, ундан кейин кузатиб бораётган таржимон ҳам касалланиб қолди. Шу сабабли 29 сентябрда Қашқарга «саёҳат» бошлаган саёҳатчилар фақат 1906 йилнинг 21 декабридагина қайтиб келдилар. Бироқ Маннергейм японлар ҳақидаги миш-мишларнинг асоссиз эканлигига ишонч ҳосил қилган бўлса ҳам, Хўтанга бориб келиши фойдадан холи бўлмади. У маҳаллий аҳоли топиб олган қадимий ёдгорликларнинг катта коллекциясини, шу жумладан, қадимий кўлёмаларни ҳам тўплашга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, у Қашқар атрофидаги ҳудудларда қандай қабилалар яшашларини аниқлади ва маҳаллий ҳунармандларнинг рўйхатини тузди. Шунингдек, Маннергейм қора ва оқ нефритлар — бу жойларда муқаддас бўлган тошлар ҳақида ахборот ҳам тўплади. Барон Маннергейм экспедициясининг мақсади Россиянинг яқинда Япония билан урушдаги муваффақиятсизликлари билан бевосита боғлиқ эди. Буюк девор ортидаги Хитой вилоятларидан ўтар экан, полковник Маннергейм мамлакат мудофаасининг тайёрлиги, қўшинларнинг ўргатилиши билан танишиши, Хитой марказий ҳукуматининг қарорлари унинг Шимолий вилоятларида қанчалар ўз ифодасини топганлигини, уларнинг хитойликлар томонидан мустамлака қилиниш даражасини, у жойларнинг туб аҳолиси Россияга қандай муносабатда эканлигини, у жойларда японларнинг таъсири қандай эканлигини аниқлаши керак эди.

Маршал узоқ умр кўрди ва 1951 йилнинг 28 январида Лозаннада (Швейцария) вафот этди. Маннергеймнинг дафн маросими 1951 йили 4 февралда Хельсинкида бўлиб ўтди. Уни сўнгги йўлга 10 минглаб финлар ва кам сонли яҳудий жамоаси кузатиб қўйди. Ҳозир унинг Хельсинкидаги уйида К. Маннергейм музейи жойлашган. У шундай шарафга лойиқ эди.

«МАДАНИЙ ИНҚИЛОБ» ИЖОДКОРИ**МАО ЦЗЕДУН (26.12. 1893 — 09.09.1976)**

Хитойнинг давлат ва сиёсат арбоби. Хунань вилояти Сянтань уезди Шаошань қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келган. Болалигида у хусусий мактабга қатнаган. 1910 йили Сянсян уездидаги иккинчи босқич Дуньшан бошланғич мактабига кирди, кейин эса, келгуси йил баҳорда Хунань вилояти пойтахти Чанша шаҳридаги Сянсян ўрта мактабида ўқий бошлади. 1913 йили Мао Цзедун Хунань тўртинчи вилоят педагогика билим юртига имтиҳон топширди ва 1918 йили уни тамомлади. XX асрнинг энг зolim ҳукмдорларидан бири бўлган Мао Цзедун К.Маркс, Ф.Энгельс, В.Лениндан иборат классик ушлик билан бир қаторда марксистик сиёсий онгнинг устунларидан бири ҳисобланган. Хитой коммунистик партияси ва Хитой Халқ Республикасининг (1949) асосчиларидан бири бўлган Мао Цзедунни шафқатсизлик, мақсадга интилишда қатъият ажратиб турарди.



Ёшлигида Мао Цзедун ўша вақтлари «эски билим» деб аталган Хитой феодал маданиятининг ҳам, Фарб буржуа демократиясининг маданияти — «янги билим»нинг ҳам қадриятларини ўрганди. Конфуций, Кай Ювей, Лянь Цичао, Сунь Ятсен, Л. Толстой ва Н. Кропоткиннинг, шунингдек, неокантчилар ва неогегелчиларнинг асарлари у ёки бу даражада унга таъсир кўрсатган ва дунёқарашининг шаклланишига кўмаклашган.

1918 йилнинг апрелида Цай Хэсен ва бошқалар билан бирга у Чаншада, Хитойни ўзгартиришнинг янги йўллари ва услубларини излаш мақсадида «Янги халқ» жамиятини тузди. Жамият тузилгандан кейин тез орада Мао Цзедун «иш ва ўқиш» дастури доирасида илғор ғояларни ва инқилобий тажрибани ўрганиш учун Францияга боришга жамият аъзоларидан ва бошқа илғор ёшлардан гуруҳ тузди. Ўқишни 1911 йилги инқилоб бўлиб қўйди. Сунь Ятсен бошчилигидаги қўшинлар маньчжурларнинг Цин сулоласини ағдарди. Мао отрядда алоқачи вазифасини бажариб, ярим йил армияда хизмат қилди. 1912—1913 йиллари қариндошларининг талабига кўра унинг тижорат мактабида ўқишига тўғри келди. 1913 йилдан 1918 йилгача Мао маъмурий марказ — Чаншада яшади, ўша ердаги педагогика билим юртида ўқиди. Бир йилга (1918—1919) Пекинга кетди, у ерда Пекин университетининг кутубхонасида ишлади.

1919 йилга бориб у кўзга кўринган сиёсий арбоб обрўсига эга бўлди. Шу йилнинг ўзида биринчи марта марксизм билан танишди ва бу таълимнинг оташин мухлиси бўлиб қолди. Бир оз кейинроқ у ўзига Чан Кайшининг эътиборини қаратди ва Гоминьданнинг ташвиқот бўлими бош-

лиги бўлди. Қарийб ўша пайтдаёқ Чан билан сиёсий келишмовчиликлар пайдо бўлди ва 1925 йилнинг майида Маони вазифасидан бўшатдилар.

У ХКПнинг энг сўл қанотига мансуб бўлган деҳқонлар ҳаракати раҳбарларини тайёрловчи курсларнинг ходими бўлди. Бироқ 1927 йилнинг апрелида Чан Кайши ХКП билан иттифоқни узди ва ўзининг «Шимолга юриши»да ХКП аъзоларидан алоҳида равишда ўзи инқилобий армия тузди, уни 8—19 сентябрда «Кузги ҳосил» кўзғолони пайтида бошқарди. Кўзғолон муваффақиятсизликка учради ва Мао ХКП раҳбарлигидан ҳайдалди. Бунга жавобан у ўзига содиқ бўлган кучларни тўплади ва ХКПдан қувилган яна бир раҳбар Чжу Дэ билан бирлашиб, тоғларга чекинди. У ерда 1928 йили «Омма томон йўл» номи билан армия тузди. Мао ва Чжу биргаликда Хунань ва Цзянси провинциялари чегараларидаги Цзинган тоғларида ўзларининг совет республикаларини ташкил қилдилар. 1934 йилга келиб унинг ўн беш миллион аҳолиси бор эди. 1924 йилдан 1934 йилга қадар улар партизанлик усулини қўллаб, Гоминьданнинг Советларни йўқ қилишга қаратилган тўртта ҳужумини муваффақият билан қайтардилар. 1930 йили гоминьданчилар Маонинг хотини Ян Кайхайни қатл қилдилар. 1934 йили Цзингандаги Советларга бешинчи ҳужумдан кейин Маонинг 86 000 эркак ва аёл билан бу ҳудудни тарк этишига тўғри келди. Мао кўшинларининг Цзингандан бу оммавий юриши Шаньси вилоятида якунланиб, тахминан 12 000 километрлик машҳур «Буюк юриш»га айланиб кетди. 1935 йилнинг октябрида Мао ўзининг бор-йўғи 4000 кишилик тарафдорлари билан партиянинг янги штаб-квартирасини тузди. Бу даврда Хитойга японларнинг бостириб кириши ХКП ва Гоминьданни бирлашишга мажбур қилди ва 1936 йилнинг декабрида Мао Чан Кайши билан ярашди. Мао 1940 йил 20 августдан 30 ноябрга қадар японларга қарши, «Юз полкнинг ҳужуми» номи билан маълум бўлган операцияни қўллади, бироқ бошқа томондан японларга қарши операцияларда камроқ фаоллик кўрсатди, бутун эътиборини ХКПнинг Шимолий Хитойдаги позициясини ва ўзининг партиядаги раҳбарлик ҳолатини мустаҳкамлашга қаратди. 1940 йилнинг мартада у ХКП МК Сиёсий бюроси Раиси этиб сайланди. Уруш тугаши билан ХКП ва Гоминьдан ўртасидаги ночоргина ярашув ҳам барҳам топди. Коалицион ҳукумат тузиш учун бўлган уринишларга қарамасдан шафқатсиз фуқаролар уруши бошланиб кетди. 1946 — 1949 йилларда Маонинг кўшинлари Чан Кайши армиясини бирин-кетин маглубиятга учратди, охир-оқибатда эса уларни Тайванга қочишга мажбур қилди. 1949 йилнинг охирида Мао ва унинг коммунист тарафдорлари қитъада Хитой Халқ Республикасини эълон қилдилар.

Чан Кайшини ва миллатчи Хитойни қўллаб-қувватлаган Қўшма Штатлар Маонинг улар билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга бўлган уринишларини рад этди, бу билан уни Сталин билан ҳамкорликка ундади. 1949 йил Мао СССРга келди. Премьер Чжоу Эньлай Сталин билан музокаралар олиб борди ва 1950 йилнинг феврилида Хитойга қайтиши олдидан Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақидаги шартномага имзо чекди.

1957 йили Мао шиори «Майли, юзлаб гуллар яшнасин, майли, турли дунёқарашларнинг минглаб мактаблари рақобат қилсинлар» сўзлари бўлган «Майли, юзлаб гуллар яшнасин» ҳаракатининг ташаббускори бўлди. У ижод аҳли томонидан партиянинг, унинг сиёсий раҳбарлик ҳамда бошқарувчилик услубларининг кўрқмасдан танқид қилинишини маъқулларди. Аввалдан шундай ўйлаб қўйилган бўлганми ёки шунчаки танқиднинг душманона оҳангидан кўрққаниданми, тез орада Мао кучайиб бораётган «Юзта гул» ҳаракатини бошқача фикрловчиларга томон буриб юборди ва ўз вақтида Сталин каби ўз шахсига сиғинишни яратишга киришди. Шунинг билан бир вақтда Мао деҳқонларга қарши зарбани янгидан бошлади, уларни хусусий мулкни тўлиқ йўқ қилишга, товар ишлаб чиқаришни йўқотишга ва халқ коммуналари тузишга чақирди. У мақсади бутун мамлакат миқёсида саноатлаштиришни тезлаштириш бўлган «Катта сакраш» дастурини нашр эттирди. Партия съездларида «Уч йил қаттиқ меҳнат ва ўн минг йил роҳат қилиш» ёки «ўн беш йилда Англияни энг муҳим саноат маҳсулотлари ҳажми бўйича қувиб етиш ва ундан ўзиб кетиш» сингари Хитойдаги ишларнинг реал ҳолатига мос келмайдиган ва объектив иқтисодий қонунларга суянмайдиган шиорлар олға сурилди.

1958 йилнинг охирига келибоқ «Катта сакраш» ва «Қишлоқни коммуналлаштириш» сиёсати боши берк кўчага кириб қолганлигининг белгилари пайдо бўла бошлади. Шунга қарамасдан, Мао ўжарлик билан белгиланган йўлни давом эттирарди. «Катта сакраш»нинг янглишишлари ва хатолари ХХР халқ хўжалигидаги оғир аҳволнинг сабабчиси бўлди. Саноатда жиддий номутаносиблик пайдо бўлди, инфляция кучайди, халқнинг ҳаёт даражаси кескин пасайди. Қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотлари ҳажми кескин қисқара бошлади. Мамлакатда дон етишмас эди. Бунинг барчаси маъмурий хўжасизлик ва ёмон табиий шароитлар билан бирлашиб умумхалқ очлигини келтириб чиқарди. «Катта сакраш» сиёсати фақат халқнинг қаршилигигагина эмас, ХКПнинг кўзга кўринган арбоблари Пэн Дэхуая, Чжан Вэньтан ва бошқалар томонидан кескин танқидга ҳам учради. Мао ўзидан давлат бошлиғи вазифасини соқит қилди ва Лю Шао-

ци унинг ўрнини эгаллади. 1950 йилларнинг охири — 1960 йилларнинг бошларида Мао ўзига ёлғизликда ва хотиржамликда яшашни лозим кўрди, лекин мутлақо фаолиятсизликни эмас; 1960 йилларнинг ўрталарида у ижтимоий фаолиятга қайтди ва Лю Шаоцига пухта тайёрланган ҳужум уюштирди. Курашнинг асоси Мао таклиф қилган «буюк пролетар маданий инқилоб» бўлди. «Маданий инқилоб»нинг биринчи босқичи 1966 йилдан 1969 йилгача давом этди. Бу инқилобнинг энг фаол ва вайрон қилувчи босқичи бўлди. Ҳаракатнинг бошланиши учун сабаб 1965 йил ноябрда чоп этилган Яо Вэньюннинг «Хай Жуйнинг мансабдан туширилиши» тарихий драмасининг янги таҳрири ҳақидаги мақоласи бўлди. Пьеса 1960 йили машҳур Хитой тарихчиси, Пекин ҳокимининг ўринбосари У. Хан томонидан ёзилганди. У ўз драмасида ўрта асрлардаги Хитой ҳаётидан бир кўришнишни тасвирлаётганида гўёки 1959 йили ХХРдаги «Катта сакраш»га ва халқ коммуналарига салбий баҳо берган ХХРнинг собиқ мудофаа вазири Пэн Дэхуанинг қувғин қилиниши ва мансабидан озод этилиши адолатсизлик эканлигига шама қилганликда айбланган эди. Пьеса мақолада «антисоциалистик заҳарли ўт» деб аталган. Бунинг ортидан ХКП Пекин шаҳар комитети раҳбарларига ва ХКП МК ташвиқот бўлимига қарши айбловлар бўлди. 1966 йилнинг май ойида ХКП МК сиёсий бюросининг кенгайтирилган мажлисида Мао Цзедуннинг «Маданий инқилоб» ҳақидаги асосий ғоялари баён қилинган ахбороти тингланди, ундан кейин партия, ҳукумат ва армиянинг бир қатор олий раҳбарлари кескин танқид остига олинди, кейин эса ўз лавозимларидан озод ҳам қилинди. Шунингдек, Маонинг собиқ котиби Чень Бод бошчилигида маданий инқилоб ишлари бўйича гуруҳ (МИГ) ташкил қилинди. Маонинг хотини Цзян Цинь ва Шанхай шаҳар комитетининг котиби Чжан Чуньцяо унинг ўринбосарлари бўлдилар, ХКП МК котиби, давлат хавфсизлик органларининг раҳбари Кан Шэн гуруҳ маслаҳатчиси бўлди. Аста-секин МИГ сиёсий бюронинг ҳамда Котибиатнинг ўрнини боса бошлади ва Маонинг ҳаракатлари билан «маданий инқилоб»нинг штабига айланди.

Партиядаги мухолифат кучларни енгиш учун Мао Цзедун ва унинг тарафдорлари сиёсий етук бўлмаган ёшлардан фойдаландилар, улардан хунвейбинларнинг ҳужумкор отряди — «қизил кўриқчилар»ни туздилар (биринчи хунвейбинлар 1966 йил май ойининг охирларида Пекиннинг Цинхуа университети қошидаги ўрта мактабда пайдо бўлган). Хунвейбинларнинг биринчи манифестида шундай дейилганди: «Биз қизил ҳокимиятни, партия МКни ҳимоя қилувчи кўриқчилармиз. Раис Мао бизнинг суянчигимиз. Бутун инсониятни озод қилиш бизнинг мажбуриятимиздир.

Мао Цзедуннинг ғоялари бизнинг барча ишларимизда энг юксак кўрсатмалардир. Биз қасамёд қиламизки, МКнинг ҳимояси учун, буюк доҳий Раис Маонинг ҳимояси учун биз ҳеч ўйланиб ўтирмасдан, сўнгги томчи қонимизни ҳам берамиз, маданий инқилобни қатъият билан охиригача олиб борамиз». Маонинг ташаббуси билан талабаларга «маданий инқилоб»ни олиб боришга ҳеч нарса халақит бермаслиги учун мактабларда ва олий ўқув юрғларида ўқиш тўхтатиб қўйилди. Зиёлиларни, партия ва комсомол аъзоларини таъқиб қилиш бошланди. Профессорларни, мактаб ўқитувчиларини, фан ва санъат арбобларини, кейин эса кўзга кўринган партия ва давлат хизматчиларини масхарабозлик қалпоқларини кийдириб «омма ҳукмига» олиб чиқардилар, гўёки уларнинг «ревизионистик ҳаракатлари» учун, аслида эса, мамлакатдаги аҳвол ҳақида мустақил фикр юритганлиги учун ХХРнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида танқидий фикрлар билдирганлиги учун калтакладилар, хўрладилар. Давлат хавфсизлик министрлигининг Пекин бўлими берган, унчалик тўлиқ бўлмаган ахборотларига кўра, 1966 йилнинг август-сентябрида фақат Пекиннинг ўзида хунвейбинлар 1722 кишини ўлдирганлар, 33695 оиланинг мол-мулкани мусодара қилганлар, уйларида тингув ўтказиб, пойтахтдан қувғин қилганлар. 1966 йилнинг 3 октябрига қадар шаҳарлардан «манфур» бўлган 397400 киши бадарға қилинган.

Мамлакат ичкарасидаги террор тажовузкорона ташқи сиёсат билан тўлдирилди. Мао Сталиннинг шахсга сифиниш сиёсатининг фош этилишига, Н. Хрушчевнинг «илиқлик» сиёсатига қатъий қарши чиқди. 50-йилларнинг охиридан бошлаб Хитой ташвиқоти КПСС раҳбарларини буюк давлатчилик шовинизмида, Хитойнинг ички ишларига аралашинишда ва унинг ҳаракатларини назорат остига олишга уринишларда айблади. Мао таъкидлардики, Хитой халқаро майдонда буюк давлатчилик шовинизми ва гегемонизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашмоғи керак. Мао СССР билан 1950 йилги дўстлик ҳақидаги шартномада кўзда тутилган ҳар қандай ҳамкорликни йиғиштира бошлади. Уларнинг Хитойда бундан кейин туришларига йўл қўйилмаслик мақсадида совет мутахассисларига қарши кампания уюштирилди. ХХР раҳбарлари совет-хитой чегарасидаги аҳволни атайлаб кескинлаштира бошладилар, СССРга очикдан-очик худудий даъволар қилдилар. 1969 йили иш Даманск яриморлида ва Семи-палатинск вилоятида ошқора қуроли тўқнашувларгача етиб борди.

1966 йилнинг августида ХКП МКнинг пленуми чақирилди, унда таъқибларнинг қурбони бўлган кўпгина МК аъзолари қатнаша олмади. 5 августда шахсан Маонинг ўзи мажлислар залида ўзининг «Штабларга ўт оч!» деган

дацзибаосини ёзди ва осиб қўйди. У пленум қатнашчиларига «буржуазия штаби» мавжудлигини эълон қилди, марказдаги ва жойлардаги кўпгина партия раҳбарларини «буржуазия диктатураси»ни амалга ошираётганликда айблади ва марказдаги ҳамда жойлардаги раҳбар партия органлари, халқ комитетлари, меҳнаткашларнинг оммавий ташкилотларини тўлиқ вайрон қилишни ёки фаолиятсизлантиришни, кейин эса янги «инқилобий» ҳокимият органлари тузишни назарда тутиб, «штабларга ўт очиш»га чақирди. Пленумда партия раҳбарияти «қайта ташкил қилингани»дан кейин партия МК раисининг амалдаги бешта ўринбосаридан биттаси — Мао Цзедуннинг «вориси» деб ҳисобланган мудофаа министри Линь Бяогина қолди. Маонинг хунвейбинлар билан «ўйин»лар олиб бориши (унинг хунвейбинлар билан ёзишмалари, улар билан учрашувлари назарда тутилади) натижасида ва пленум вақтидаги «штабларга ўт очиш» чақириқларидан кейин хунвейбинларнинг бебошликлари пленумдан сўнг янада кенгроқ миқёсда рўй бера бошлади. Ҳукумат органлари, жамоат ташкилотлари, партия комитетларини вайрон қилиш бошланди. Амалда хунвейбинлар партия ва давлат ташкилотларидан устун қўйилган эди.

Мамлакатдаги ҳаёт издан чиққан, иқтисодга жуда оғир зиён етакзилган, юз минглаб ХКП аъзолари жазога тортилган, зиёлиларни таъқиб қилиш кучайган эди. «Маданий инқилоб» йилларида, дейилганди «тўртлик» иши (1981) бўйича тергов хулосасида, «ХКП МКнинг, турли тоифадаги жамоат хавфсизлиги органлари, прокуратура, суд, армия, ташвиқот органларининг раҳбар ходимларидан жуда кўпчилиги қувғин қилинган ва йўқотилган». «Тўртлик»нинг ва Лин Бяонинг ҳужжатларига кўра, умумий ҳисобда 727 мингдан кўпроқ киши қурбон бўлган, улардан 34 мингдан ортиқроғи «ўлишга мажбур қилинган». Расмий Хитой ҳужжатларига кўра, «маданий инқилоб» давомида жабр кўрганларнинг сони 100 миллионга яқин кишини ташкил қилган.

1966 йилнинг декабрида хунвейбин отрядлари билан бир қаторда, цзаофан (исёнкор)лар отрядлари ҳам пайдо бўлди. Уларга ёш, кўп ҳолларда малакасиз бўлган ишчилар, хизматчилар, ўқувчилар жалб қилинган. Улар «маданий инқилоб»ни ташкилотларда, корхоналарда олиб боришлари, ишчиларнинг хунвейбинларга қаршиликларини маҳв этишлари керак эди. Лекин ишчилар ХКП комитетларининг чақириқлари билан ўз-ўзидан безорилик қилаётган хунвейбин ва цзаофанларга зарба берардилар, иқтисодий аҳволларининг яхшиланишларига эришардилар, ўз даъволарини баён қилиш учун пойтахтга борардилар, ишлашни тўхтатардилар, иш ташлаш эълон қилардилар, талончилар билан жангга кирардилар. Партия

органларининг вайрон қилинишига мамлакатнинг кўпгина олий раҳбарлари қарши чиқдилар. «Маданий инқилоб» душманлари қаршиликларини енгиш учун «ҳокимиятни эгаллаш» кампанияси амалга оширилди. 1967 йилнинг январида Шанхайнинг цзаофанлари шаҳарда ҳокимиятни қўлга олдилар. Шундан сўнг, «ҳокимият қўлларида бўлган ва капиталистик йўлдан бораётганлардан ҳокимиятни эгаллаш» тўлқини бутун Хитой бўйлаб авж олди. 1967 йилнинг январида Пекинда 300 та муассаса ва ташкилотларда ҳокимият эгаллаб олинди. Партия комитетларига ва ҳокимият органларига улар ХХР тузилганидан буён 17 йил давомида «капитализмни реставрация қилишга» уринганлик айбловлари қўйилди. Мавжуд қаршиликларни бостирган ва алоқа воситалари, қамоқхоналар, омборлар, яширин ҳужжатларни сақлаш ва тарқатиш, банклар, марказий архивларни назорат қилувчи армия ёрдамида «ҳокимиятни эгаллаш» амалга оширилди. «Исёнкор»ларга ёрдам бериш учун махсус ҳарбий қисмлар ажратилган эди, чунки армияда ҳам хунвейбинлар билан цзаофанларнинг безориликларидан норозилик мавжуд эди. «Ҳокимиятни эгаллаш» режасини тез амалга оширишнинг имкони бўлмади. Ишчиларнинг иш ташлашлари кенгайиб борар, ҳамма ерда цзаофанлар билан, шунингдек, хунвейбинлар ва цзаофанларнинг турли ташкилотлари ўртасида ҳам қонли тўқнашувлар бўлиб турарди. Хитой тарихчилари шундай деб ёзадилар: «Хитой тартибсизликлар ҳукмрон бўлган ва террор бошқарган давлатга айланди. Барча даражадаги партия ва ҳукумат органлари ишдан чиқарилган эди. Раҳбар кадрлар ва билим ҳамда тажрибага эга бўлган зиёлилар қувғинга дучор этилди». 1967 йилнинг январидан бошлаб маҳаллий ҳокимиятнинг антиконституцион органлари — «ревком»лар тузиш бошланди. Дастлабки пайтларда уларда хунвейбинлар ва цзаофанларнинг етакчилари кўпчиликни ташкил қилди ва бу ҳолат партия ходимлари ва ҳарбийларнинг норозилигига сабаб бўлди. Марказда ва жойларда сиёсий кураш авж олди, бир қатор ҳудудларда ҳарбий қисмлар билан хунвейбинлар ва цзаофанларнинг уюшмалари ўртасида тўқнашувлар келиб чиқди. 1971 йил ёзининг охирида мамлакат амалда ҳарбий назорат остига олинган эди.

1968 йилнинг октябрида бўлиб ўтган ХКП МК пленумида аъзоларнинг фақат учдан бир қисмигина қатнашди, чунки қолганлари бу пайтга келиб жазоланган эдилар. Пленум «маданий инқилоб»нинг барча фаолиятини маъқуллади, партия сафидан Лю Шаоцини «тоабад» ўчирди, уни барча лавозимларидан озод қилди, ХКП янги устави лойиҳасини маъқуллади. ХКПнинг IX съездини чақиритишга қизғин тайёргарлик бошланди. Делегатлари сайланмаган, тайинланган ХКПнинг IX съезди (1969 йил-

нинг апрели) мамлакатда 1965—1969 йиллари амалга оширилган барча ҳаракатларни маъқуллади ва қонунийлаштирди. Съездда Линь Бяо қилган асосий маърузада 1968 йилнинг баҳорида бошланган партия ташкилотлари ва давлат муассасаларини тозалашни давом эттириш лозимлигига кўрсатма берилди. Партиянинг бутун тарихи «Мао Цзедун йўли»нинг турли хил «оғишмачилар»га қарши кураши сифатида баён этилган. IX съезд «узлуксиз инқилоб»га, урушга тайёргарлик кўришга йўналишни маъқуллади. Партиянинг съезд қабул қилган янги Устави 1956 йилги Уставдан фарқли ўлароқ партиянинг иқтисодий ва маданий қурилиш, халқнинг ҳаётини яхшилаш, демократияни ривожлантириш соҳасидаги вазифаларини аниқлаб бермади. ХКП фаолиятининг назарий асоси деб «Мао Цзедун ғоялари» эълон қилинди. Уставнинг дастур қисмида Линь Бяони Мао Цзедуннинг «вориси» қилиб тайинлаш ҳақидаги модда ҳам мавжуд эди. Абсолют монархияга хос бўлган, ХКП Уставига киритилган ворис ҳақидаги модда халқаро коммунистик ҳаракатдаги «новаторлик ҳодисаси» ҳисобланди. Бу ҳақиқатан ҳам новаторлик эди, лекин шу маънодаки, халқаро коммунистик ҳаракат пайдо бўлган вақтдан буён бундайин ғалати воқеа бўлган эмас. У дунё учун қандай буюк аҳамият касб этганлигини айтиш қийин, лекин у Хитойни ҳалокат ёқасига олиб келди. IX съезддан кейин ўз позицияларини сақлаб қола олган раҳбарлардан баъзилари мамлакат тараққиётининг долзарб эҳтиёжларини ҳисобга олиб, Маодан экстремистик кўрсатмаларга тузатишлар киритилишини талаб қилдилар. Уларнинг ташаббуслари билан 70-йилларнинг бошларидан эҳтиёткорлик билан режалаштириш, меҳнат бўйича тақсимлаш, моддий рағбатлантириш элементлари киритила бошланди. Шунингдек, халқ хўжалигини бошқаришни, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни яхшилаш бўйича ҳам чоралар қабул қилинди. Маданий ҳаёт устидан қаттиқ назорат аввалгидек сақланиб қолган бўлишига қарамасдан, бу соҳадаги сиёсатда ҳам баъзи бир ўзгаришлар юз берди.

1970—1971 йилларда Хитой раҳбарияти орасидаги янги инқирозларни акс эттирувчи воқеалар бўлиб ўтди. 1970 йилнинг март ойида Мао ХХР Раиси лавозимини бекор қилиш ҳақида таклифини айтиб, ХХР Конституциясини қайта кўриб чиқиш ҳақида қарор қабул қилди. Мудофаа министри Линь Бяо ва маданий инқилоб ишлари бўйича раҳбар Чэнь Бода унинг фикрига қўшилмадилар.

1972 йили Қўшма Штатлар билан дипломатик ва иқтисодий муносабатларни ўрнатиш йўлига кириб, Мао Пекинда ўша йили президент Р. Никсонни қабул қилди ва дунёни ҳайратга солди. 1975 йилнинг январий-

да 10 йиллик танаффусдан кейин Мао парламент чақиришга йўл қўйди. ХХРнинг янги конституцияси қабул қилинди. Конституция ўзида ўзаро келишув натижаларини намоён этарди: бир томондан, унга 1965—1969 йиллардаги кўрсатмалар (шу жумладан урушга тайёрланишга чақириқ ҳам) киритилганди, бошқа томондан у коммуналар аъзоларининг томорқага эгаллик ҳуқуқини мустақамларди, ишлаб чиқариш бригадаларини (коммуналарни эмас) ҳўжалик ҳисобининг асосий бирлиги деб тан оларди, халқ ҳаётининг моддий ва маънавий даражаси муттасил оширилишини, меҳнатга ҳақ тўланишини назарда тутарди.

Янги конституция қабул қилинганидан сўнг тез орада «маданий инқилоб» даврида юқорига кўтарилганлар ўз позицияларини мустақамлашга янгидан уриниб кўрдилар. Ана шу мақсадда Маонинг ташаббуси билан 1974—1975 йиллари «пролетариат диктатураси назариясини ўрганиш» шиори остида кампания ўтказилди. Бу кампаниянинг асосий вазифаси иқтисодий ривожланишга эътиборни кучайтириш, халқ ҳўжалигини бошқаришнинг оқилона услубларини қўллаш зарурлигини таъкидлаётган ХКП раҳбарларига қарши кураш эди. Янги сиёсий кампания давомида меҳнатга яраша тақсимлаш, томорқага эга бўлиш ҳуқуқлари, пул-товар муносабатлари «буржуазия ҳуқуқи» деб эълон қилинди. Янги кампания ниқоби остида кўпгина саноат корхоналарида ва коммуналарда ишчиларнинг иқтисодий манфаатлари чеклаб қўйилганди. Бир қатор ҳолатларда моддий рағбатлантириш чоралари бекор қилинган, белгиланган вақтдан ортиқ ишлатиш қўлланилган, томорқалари эса йўқ қилинган. Бунинг барчаси халқнинг оммавий норозилигини, иш ташлашлар ва ғалаёнларни келтириб чиқарди.

Оғир бетобликдан кейин 1976 йилнинг январида ХХР Давлат кенгаши премьерери Чжоу Эньлай вафот этди. Ўша йилнинг апрелида унинг хотирасига бағишланган маросимлар пайтида Пекиннинг марказий майдони — Тяньаньмэнда оммавий намойишлар юз берди. Бу Мао Цзедуннинг мавқеига кучли зарба эди. Намойиш қатнашчилари унинг хотини Цзянь Цин ва маданий инқилоб ишлари бўйича гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фаолиятларини қоралардилар ва уларнинг четлатилишини талаб қилдилар.

Бу воқеалар жазолашларнинг янги тўлқинларини келтириб чиқарди. Дэн Сяопин барча лавозимларидан озод қилинди, ХХР Давлат кенгашининг премьерери жамият хавфсизлиги министри Хуа Гофэн бўлди. Хитойда тиғи Дэн Сяопинга ва унинг яқин сафдошларига йўналтирилган «маданий инқилобнинг тўғри хулосаларини қайта кўриб чиқувчи ўнг оғмачилик эпкинни билан курашувчи» янги сиёсий кампания ташкил қилинди.

«Ҳокимиятга эга бўлган ва капиталистик йўлдан бораётган шахслар» билан курашнинг янги босқичи бошланди. Террор тўлқини 1976 йил 9 сентябрда тўхтаб қолди. Мао Цзедун ўлди. Унинг бўлажак меросхўрлари дарҳол жазоларга дучор қилиндилар. Цзянь Цин ва унинг «тўртлар бандаси» деб аталган энг яқин сафдошлари қамоққа олинди. Маонинг раислик лавозимига синчиклаб танланган вориси Чжао Гофэнни, ҳукумат мўътадиллар назорати остига ўтиши биланоқ, ички партия доирасидан ҳайдаб юбордилар.

«Маданий инқилоб» ўзида қарама-қаршиликларнинг ажойиб аралашмасини акс эттиради. «Юзта гул» ҳаракатидагидек унинг ҳам асосий тамойиллари танқид қилиш, ҳокимиятга эга бўлган кишиларнинг софлигига шубҳа билан қараш ва «норозилик ҳуқуқи» қондаси эди. Лекин барибир, унинг мақсади шубҳасиз, оммавий равишда «шахсга сифиниш»ни — ҳамма жойда ҳозир у нозир, сиймоси барча жамоатчилик жойларида ва хусусий уйларда савлат тўкиб турган Мао Цзедуннинг шахсига ва гоёларига садоқатни яратиш ҳамда мустақамлаш бўлган. «Кичкинагина қизил китобча» — раис Маонинг фикрлари тўпламини («Цитаталар») — Хитойдаги ҳар бир эркакнинг, ҳар бир аёлнинг ва ҳар бир боланинг қўлида кўриш мумкин эди. Шундай бўлса ҳам, Маонинг вафотидан кейин бир неча йил ўтмасданоқ Хитой коммунистик партияси, Маонинг инқилоб ташаббускори сифатидаги обрўйини ўрнига қўйган ҳолда, «маданий инқилоб»ни ҳалдан ошишлар учун, шу жумладан Маонинг шахсига сажда қилганлик учун ҳам қоралади.

Мао Цзедуннинг асосий асарлари «Мао Цзедуннинг танланган асарлари»да нашр қилинган. Унинг бошқа ишлари «Мао Цзедуннинг танланган фикрлари», «Танланган ҳарбий асарлари», «Мао Цзедуннинг қишлоқдаги аҳвол ҳақидаги асарлари», «Мао Цзедуннинг журналистик соҳасидаги танланган асарлари», «Мао Цзедуннинг танланган ёзишмалари», «Мао Цзедуннинг шеърлари»да жойлаштирилган.

Мао Цзедун уч марта уйланган: биринчи бор — Ян Кайхуэйга (гоминьданчилар томонидан 1930 йили ўлдирилган), иккинчи марта — Хэ Цзичжэньга ва учинчи марта — Цзян Цинга; унинг икки ўғли ва икки қизи бор эди.

Ҳар бир коммунист шуни англаши лозим — ҳокимиятни милтиқлар яратади. Бизнинг принципимиз — партия милтиқларни бошқариши керак, милтиқчилар партиёга буйруқ беришига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. (Мао Цзедун)

«АФСУНГАР»

МАРШАЛЛ, ЖОРЖ КЭТЛЕТТ (GEORGE MARSHALL)
(31.12.1880, Юнионтаун, Пенсильвания штати —
10.10.1959, Вашингтон)



АҚШнинг давлат ва ҳарбий арбоби, армия генерали (1944). 1901 йили Виргиния ҳарбий коллежини тамомлаган ва 1902 йилдан АҚШ армиясининг офицери бўлиб Филиппинда хизмат қилган. 1917—1918 йиллари Биринчи жаҳон урушида биринчи Америка армияси оператив бўлимининг бошлиғи ва Франциядаги 8-Америка корпуси штаб бошлиғи сифатида қатнашган. 1919—1924 йиллари генерал Д.Першингнинг адъютанти. 1924—1927 йилларда Хитойда жойлашган 15-Америка пиёдалар полкида хизмат қилган. 1927—1932 йиллари Беннин фортида (АҚШ) пиёдалар мактаби бошлиғининг ўринбосари. 1939 йили АҚШ армия штаби бошлиғи қилиб тайинланди ва бутун Иккинчи жаҳон урушини ана шу лавозимда ўтказди. Бирлашган инглиз-америка штабининг аъзоси, АҚШ ва Англия ҳарбий-стратегик режаларининг бош муаллифларидан бири ҳамда Иккинчи жаҳон уруши давомида Америка кўшинлари ҳаракатларига раҳбарликни амалга оширган. Уруш йилларида президентлар Ф.Рузвельт ва Г.Трумэнларнинг асосий ҳарбий маслаҳатчиси бўлган, улар билан бирга энг муҳим халқаро конференцияларда (Каса-бланка, Квебек, Техрон, Ялта, Потсдам) иштирок этган. 1945—1947 йилларда президент Г. Трумэннинг Хитойда, Чан Кайши ҳукуматидаги шахсий вакили бўлди. 1947—1949 йиллари АҚШ давлат котиби; 1950—1951 йиллари Мудофаа министри. Г. Трумэн доктринасини ишлаб чиқишда ва Европадаги капиталистик мамлакатларга «ёрдам» беришнинг Америка режасини (Маршалл режаси, 1947) ишлаб чиқишда қатнашган. Бу режа Европадаги империалистик ҳарбий блокларнинг иқтисодий асоси бўлганди. «Совуқ уруш» сиёсатининг фаол тарафдори, НАТО блокининг ташаббускорларидан бири. 1952 йилдан сўнг сиёсий фаолиятдан узоклашди. Нобель тинчлик мукофоти лауреати (1953).

Жорж кўмир сотувчиси Жорж Кэтлетт Маршалл ва Лаура Брэдфордлар оиласидаги учинчи фарзанд эди. У бошқалардан устун туришга иштиёқли кучли бўлган босиқ ва жиддий бола бўлиб ўсди. Ота-онасининг қаршичилигига қарамасдан у ҳарбий соҳани танлади ва 1897 йили Виргиния ҳарбий коллежига ўқишга кирди, 1901 йили эса уни муваффақият билан тамомлади. Ж. Маршалл кичик лейтенант унвонида пиёда кўшинларга йўлланима олди. Филиппинда 18 ой хизматни ўтаб, АҚШга қайтиб келди ва Форт-Ренога (Оклахома штати) юборилди. У бир йилни Форт-Ливенвортдаги (Канзас штати) пиёда-отлиқ мактабида ўтказди, уни 1907 йили аъло баҳоларга тамомлади, бир йилдан кейин эса Ж. Маршалл армия штаб коллежини тугатди. Филиппинда иккинчи муддатни ўтаганидан кейин Ж. Маршалл АҚШга қақриб олинди ва Сан-Францискога хизматта тайинланди, кейин эса Форт-Дугласга (Юта штати) юборилди. Ўша йиллари командир-

лардан бири у ҳақда шундай деганди: «Менинг нуқтаи назарим бўйича армияда дивизияга ундан яхшироқ командирлик қилишга қодир бўлган бешта ҳам одам топилмайди». Биринчи жаҳон урушида 1-пиеда кўшин армиясига киритилган Ж. Маршалл Люневил яқинидаги, Пикардиядаги ва Кантиндаги жангларда қатнашди (1917). Бир йилдан сўнг у Бош штабга хизматга ўтди ва полковник унвонида 1-армиянинг операцияларини ишлаб чиқди. 1919 йили Ж. Маршалл Германияга қарши мўлжалланган ҳужумнинг режасини тайёрлади.

Айнан ўшанда унга генерал Жон Першинг эътиборини қаратди. «Афсунгар» — уни ўртоқлари шундай деб атардилар — Американинг «Аъло хизмати учун» медалига ва Франциянинг ҳарбий крестига сазовор бўлганди. Тинчлик даврининг тартибига биноан Ж. Маршаллнинг унвони капитанликка туширилди ва у хизматини муваффақият билан давом эттирди. Ж. Маршалл генерал Ж. Першингнинг адъютанти бўлди, кейин эса уч йилни Хитойда ўтказди, у ерда хитойча гапириш ва ёзишни ўрганди. Бу билимлар унга кейинчалик асқотди. АҚШга қайтиб келганидан сўнг у Форт-Беннингдаги (Жоржия штати) армия пиедалар мактаби комендантининг ёрдамчиси қилиб тайинланди, у ерда қарийб беш йил хизмат қилди. Ўқитувчиликда Ж. Маршалл пиедаларнинг илғор тактикаси ва жанг таъсирчанлигини ошириш тарафдори сифатида обрў қозонди. Хизматдошлари уни виждонлилиги, юмшоқ кўнгиллиги ва моҳир мутахассислиги учун ҳурмат қиларди. Маршалл Вашингтонга (Колумбия округи) ўтиб олди, у ерда Бош штабнинг ҳарбий режалаштириш бўлими бошлигининг ёрдамчиси бўлди. Бир йилдан кейин уни генерал унвонида штаб бошлиғи вазифасини бажарувчи қилиб тайинладилар. 1939 йилнинг сентябрида, Европада Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан у армия штабининг бошлиғи бўлди. АҚШда мавжуд бўлган армия фақат «учинчи даражали давлат»га муносиб эканлигига ишончи комил бўлган Ж. Маршалл кўроллари янгилашга ва кўшинларни мустаҳкамлашга киришди. Ҳарбий тайёргарликнинг заифлиги доимо уни хавотирга соларди ва 1940 йили у Конгрессни муқобил хизмат ҳақида қонун қабул қилишга ва миллий гвардия ҳақидаги масалани кўриб чиқишга ишонтирди. Инспекторлик ташрифлари вақтида Ж. Маршалл шунга ишонч ҳосил қилдики, офицерлар таркиби ўзларида чидамлилиқ, фикрлаш ва раҳбарлик қобилиятларини ривожлантириши зарур экан. Вашингтонда Ж. Маршалл назоратни кучайтириш ва командирликнинг таъсирчанлигини ошириш учун ҳарбий министрликни қайта ташкил қилди. Давлат секретари Корделл Халл сингари Ж. Маршалл ҳам Тинч океанидаги армия командирларини Япония томонидан ҳужум қилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди.

Курулли кучларни мустаҳкамлаш билан 'ҳормай-толмай' шуғулланар экан, Маршалл жаҳон уруши операцияларини режалаштиришни ҳам тўхтатмади. Японларнинг Пёрл-Харбордаги ҳужумларидан кейин АҚШ президенти Франклин Рузвельт Ж. Маршаллни ўзининг стратегия ва тактика масалалари бўйича маслаҳатчиси қилиб олди. Ж. Маршалл Ф. Рузвельтни Аргентина, Касабланка, Квебек, Қоҳира, Техрон ва Ялтадаги конференцияларга кузатиб борди. Германия устидан ғалаба қилишни биринчи навбатдаги вазифа деб ҳисоблаган Ж. Маршалл инглизлар билан биргаликда Шимолий Америкадаги ва Сицилиядаги ҳарбий ҳаракатларга, Совет Иттифоқига қурол ва озиқ-овқат етказиб беришга раҳбарлик қилди, Италия билан урушни ғолибона якунлади ҳамда қўшинларни Нормандияга тушириш ва Германияни босиб олиш бўйича тарихдаги энг йирик экспедицияни режалаштирди. Уруш даврида Ж. Маршалл атом бомбасини яратиш устидан назорат қилиш бўйича сиёсий комитетнинг ишида иштирок этди. 1945 йили у президент Гарри С. Трумэнга бу қуролни япон шаҳарлари Хиросима ва Нагасакига қарши қўллашни тавсия қилди. «Бомба урушга якун ясади, — деди Ж. Маршалл кейинчалик, — шунинг учун биз уни қўллашимиз лозим эди». Япония таслим бўлганидан сўнг Ж. Маршалл штаб бошлиғи лавозимидан истеъфога чиқди. Олти кундан кейин унинг дипломатик фаолияти бошланди, бунда у Г. Трумэннинг илтимосига кўра фуқаролар урушининг олдини олиш ва националистлар ва коммунистларнинг коалицион ҳукуматини тузиш умидида Хитойга йўл олди. Бироқ ўт очишни тўхтатиш узоққа бормади ва 1947 йилнинг январида Ж. Маршалл Г. Трумэнга ўзининг ташрифи муваффақиятли бўлмагани ҳақида ахборот берди ва Хитойдан Америка қўшинларини олиб чиқиб кетишни тавсия қилди. Бир ойдан сўнг Г. Трумэн Ж. Маршаллни АҚШ давлат котиби этиб тайинлади ва урушдан кейинги халқаро алоқаларни тиклаш вазифасининг бутун оғирлигини унга юкледи. 1947 йилнинг баҳорига келиб президент Европанинг келажаги борасида Совет Иттифоқи билан мурасага келишдан умидини узди ва АҚШнинг советлар босиб олишларини тўхтатишга бўлган қарори Греция ва Туркияга ҳарбий ёрдам бериш билан ифодаланди.

1947 йил 5 июнда Гарвард университетида АҚШнинг Давлат котиби Жорж Маршалл сўзга чиқди. Нутқининг асосий гояси АҚШ томонидан Европани мўл-кўл моддий ёрдам билан қўллаб-қувватлашнинг объектив зарурлиги ҳақида эди: «Биз Европага жиддий қўшимча ёрдам беришимиз керак, акс ҳолда биз улкан миқёсдаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий инқироз билан тўқнашамиз». 16 та давлат вакилларида иборат махсус

комиссия ишлаб чиққан Фарбий Европа иқтисодини қайта тузиш режаси асосида АҚШ Конгресси давомли баҳслар ва маслаҳатлашувлардан сўнг, 1948 йилнинг апрелидан то декабригача бўлган даврга мўлжалланган дастурни (European Recovery Program) қабул қилди. Президент Г. Трумэн уни 1948 йилнинг 3 апрель куни имзолади. Аввалига дастурнинг таъсир доирасини Европанинг барча давлатларига, шу жумладан СССРга ҳам тарқатиш назарда тутилган эди. Бироқ совет раҳбарияти Черчиллнинг 1946 йилги Фултондаги нутқида асос солинган «совуқ уруш»даги ўзининг асосий душмани билан бундай ҳамкорликни қабул қилмади. СССР Американинг ёрдамидан воз кечди, ортидан бу пайтга келиб аллақачон совет таъсир доирасига ўтиб қолган Шарқий Европа мамлакатлари ҳам биринкетин ёрдамни рад этдилар. Шундай қилиб, Ж. Маршалл режасининг таъсир доирасида Австрия, Бельгия, Дания, Франция, Греция, Исландия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Швеция, Швейцария, Туркия, Буюк Британия ва Фарбий Германия бўлди.

Бундан кейинги тўрт йил давомида бу давлатларга саноатни ва қишлоқ хўжалигини тиклаш, молия бозорини мустақамлаш, савдони ривожлантириш учун 13 миллиард доллар йўналтирилди. Пулнинг асосий қисми Европага тўғридан-тўғри маблағ сифатида, қолгани эса — узоқ муддатли қарз шаклида келди. Бу билан махсус тузилган бюро — Пол Г.Хоффман бошчилигидаги Ўзаро Иқтисодий Ҳамкорлик маъмурияти (Economic Cooperation Administration) шуғулланди. Пул маблағларини мувофиқлаштириш учун Буюк Британия ва Франциянинг ташаббуси билан Европада иқтисодий ҳамкорлик комиссияси тузилди. Кейинчалик у Европа Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилотига айланди. Бироздан сўнг унга ГФР ҳам қўшилди.

Ж. Маршалл режаси тез орада ўз реал фойдасини бера бошлади. Баъзи бир давлатларда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) нинг ўсиши 15-25 фоизни ташкил этди. Бу ёрдам натижасида Европада амалда куп-қуруқ жойда кимё, пўлат қуйиш ва электроника саноати яратилди. Ж. Маршалл режаси доирасидаги иқтисодий ёрдам технологияси шунчалар таъсирли бўлиб чиқдики, президент Г. Трумэн 1949 йили уни нисбатан кам ривожланган бошқа давлатларга ҳам қўллади.

Европага ёрдам бериш «совуқ уруш» даврида Ж. Маршалл дуч келган ягона муаммо эмас эди. Совет-Америка муносабатлари ёмонлаша бориши билан Германияда тўрт томонлама бошқарув тартиби ўз имкониятларини тугатди, мамлакат икки давлатга бўлинди. 1948 йили Ж. Маршалл Берлиннинг совет блокадасига ҳаво кўпригини қарши қўйди. АҚШ ва Совет Иттифоқи ўртасидаги бу каби ихтилофлар Кореядаги баҳсли масалани БМТда

кўриб чиқиш учун олиб чиқишга давлат департаментини мажбур этди. Кореянинг жанубий қисмида БМТ назорати остида сайловлар ўтказилиши келгуси йили Корея республикаси ташкил этилиши йўлида қўйилган қадам бўлди. Янги иттифоқчиларга эга бўлишга интилган Ж. Маршалл Италия билан муносабатларини мустақамлади ва Цейлон (Шри-Ланка), Исроил ва Кореяда дипломатик миссияларини очди. У Америка давлатлари ташкилотининг яратилишида муҳим роль ўйнади, кейинчалик Шимолий Атлантика шартномаси (НАТО) яратилишига олиб келган Европада хавфсизлик бўйича музокараларни бошлаб берди. 1949 йил 20 январда Ж. Маршалл соғлиги ёмонлашганлиги туфайли истеъфога чиқди.

1950 йили Кореядаги келишмовчилик кескинлашиши муносабати билан Г. Трумэн Ж. Маршаллдан ҳукуматга мудофаа министри сифатида қайтишини сўради ва сентябрдаёқ Маршалл армия тизимини қайтадан қуришга киришди. Унинг талаби билан Конгресс муқобил ҳарбий мажбурият ҳақидаги қонуннинг қўлланишини кенгайтди. Ҳарбий тайёргарликда ирқий камситишлар тақиқланди, Кореяда бир хил ирқ вакилларида иборат бўлган қисмлар қайтадан тузилди. Президент Г. Трумэн Дуглас Маккартурни қўмондонлик вазифасидан озод қилганида Ж. Маршалл Конгрессдаги муҳокамалар вақтида Г. Трумэнни қўллаб-қувватлади. Лавозимни эгаллаб туриш муддатининг охирида Ж. Маршалл «коммунизмга нисбатан ювошлик қилганлиги учун» Жозеф Маккарти томонидан қаттиқ танқид остига олинди. Ж. Маршалл бу танқидга жавоб беришни лозим деб топмади. 1951 йилнинг октябрида 70 ёшли Ж. Маршалл мудофаа вазири лавозимини тарк этди. Икки йилдан кейин у 1953 йилги Нобель тинчлик мукофотига сазовор бўлди. Ж. Маршалл мутахассис ҳарбийлар орасидан чиққан биринчи лауреат бўлди. Норвегия Нобель мукофоти комитетининг вакили Карл Иоахим Хамбронинг сўзларига кўра, мукофот Ж. Маршаллга ҳарбий муваффақиятлари учун эмас, «Маршалл режаси»да ўз ифодасини топган тинчлик пайтидаги ютуқлари учун берилган. Танқидларга жавоб берар экан, Ж. Маршалл ўз сўзида шундай деди: «Урушнинг баҳоси доимо меннинг кўз олдимда. Бу қабр тошлари сиқиб келаётган, тасаввурга сиғмас бинодир. Мен бутун қалбим билан янги уруш хавфидан қутулиш воситасини топишни истардим».

Ж. Маршалл 1902 йили лексингтонлик (Виргиния штати) Элизабет Картерга уйланган. Юрак касаллиги бу аёлнинг фарзандли бўлишига йўл қўймади, 1927 йилда ўтказилган операция унинг ҳаётига нуқта қўйди. Уч йилдан сўнг Маршалл Кэтрин Тапер Браун номли бевага уйланди ва унинг уч нафар боласини фарзанд қилиб олди. Ж. Маршаллнинг эркатойи Алан

1944 йилнинг баҳорида Италияда немис мергани томонидан отиб ўлдирилди. Ж. Маршалл истеъфода чиққанидан сўнг Леесбургда (Виргиния штати) кадр-қимматини сақлаган ҳолда ўзига хос босиқлик билан яшади. 1959 йилнинг 16 октябрида у Вашингтонда вафот этди ва Арлингтон қабристонига кўмилди.

Ж. Маршаллнинг ҳаёти Америка ҳарбий анъаналарининг ёрқин намоишидан иборатдир. Мудофаа министри Генри Стимсон уни ўзи билганлар орасида «энг яхши солдат» деб ҳисоблайди. Г. Трумэн Ж. Маршаллни «тириклар орасида энг буюк америкалик», «Қўшма Штатлар ўз келажаги учун ундан қарздор», деб атаган. Британия премьер-министри Уинстон Черчилль у ҳақида «ғалабанинг ҳақиқий ташкилотчиси» сифатида гапирган. Ж. Маршалл ҳақидаги фикрларнинг аксарияти ҳарбий муваффақиятлари билан бир қаторда, унинг шахсий фазилатлари тўғрисида ҳам айтилган. Сафдошлари Ж. Маршаллда сиёсий нафсониятининг мутлақо йўқлиги ҳақида гапириб, унинг бурчга, тартиб-интизомга, фидойиликка, саховатлиликка содиқлигини айтди.

Ахлоқ — ғалабанинг бош шартидир. Фақат жанг қилишининг ўзигина етарли эмас. Биз жангга кираётгандаги руҳиятимиз ишни ҳал қилади. Аскарнинг юраги ва қалби — бу ҳаммаси... Инсоннинг эътиқоди уни энгилмас қилади. (Жорж Кэтлетт Маршалл)

ПОЛКОВНИК МЕНГИСТУ



МЕНГИСТУ ХАЙЛЕ МАРИАМ (MENGISTU HAILY MARIAM)
(21.05.1937 ёки 1941 йили Валаитта,
Харари провинциясида туғилган)

1987 йилдан Эфиопия президенти ва Давлат кенгашининг раиси, Социалистик Эфиопия қаҳрамони (1979). 1970—1987 йиллари Эфиопия Ишчилар партияси (ЭИП) МК Бош котиби. Эфиопиянинг сиёсий ва ҳарбий арбоби. 1959 йилдан ҳарбий хизматда. 1969—1970 йиллари АҚШда артиллерия-техника хизмати офицерлари тайёрлаш курсини тамомлади ва иқтисод курсини тинглади.

Эфиопиянинг собиқ диктатори полковник Менгисту Хайле Мариам ўз оиласи ва қариндошлари билан Зимбабведа доимий яшаш учун рухсат олди. Менгисту 1991 йили ўз тузуми кулаганидан кейин қўшни Зимбабвенинг пойтахти Хараре шаҳрига қочди. Ватанида уни жиноятчи ҳисобла-

шади ва диктаторнинг қўпгина сафдошлари қамоқларда сақланмоқда. Бироқ қочқинчи диктаторга бошпана берган Зимбабве ҳукумати уни қайтариб юборишдан мутлақо бош тортди. Энди эса Эфиопия одил судининг тантана қилиш имкониятлари тобора саробга айланиб бормоқда, чунки доимий яшаш рухсатига эга бўлган одам Зимбабведан фақат жиноят содир этган тақдирдагина чиқарилиши мумкин.

Император Хайле Селассие I Эфиопияни 44 йил бошқарган (1930—1974). У таълим тизими ривожланишини қўллаб-қувватлаган, Италия диктатори Муссолинининг Эфиопияни босиб олишга бўлган уринишларини қайтарган. Шунинг билан бирга, ҳукмдорнинг илғор фикрларига қарамасдан, фуқароларнинг аксарияти фақирлигича қолаверганди. Хайле Селассие I ҳукмронлигининг охирида мамлакатда кучли қурғоқчилик рўй берди, натижада юз берган очарчилик 1974 йили Менгисту Хайле Мариам бошчилигидаги бир гуруҳ офицерлар амалга оширган тўнтаришнинг муваффақият қозонишига сабаб бўлди.

Тахминларга кўра, қамоқдаги императорни бўғиб ўлдирганлар. Унинг ўлими анча олдин юз берган бўлса ҳам, бу ҳақда 1975 йилнинг августида расмий равишда эълон қилинган. 1992 йили, Хайле Мариамнинг тузуми кулаганидан сўнг, императорнинг жасадини яширин қабрдан топиб олганлар. Муқаддас Учлик ибодатхонасига кўмилишидан аввал у император Менеликнинг мақбарасида сақланган.

Эфиопиянинг СССРдан олган қарзлари ҳали Менгисту Хайле Мариам замонидаёқ пайдо бўлган эди. Токи ҳозирги пайтларга қадар Россия Эфиопиянинг энг йирик кредитори ҳисобланади. Унинг Россия олдидаги қарзлари, халқаро молия ташкилотларидан қарзларни ҳисобга олмаганда, барча бошқа қарз берувчи давлатлар берган қарзларнинг умумий миқдоридан кўпроқ. Интерфакснинг хабар беришича, Эфиопиянинг Россия олдидаги қарзларини узишнинг биринчи босқичи 2001 йили амалга оширилган. 2001 йил июнда Россия ҳукумати Эфиопиянинг Россия олдидаги қарзларининг 4,8 миллиард доллар миқдоридagi бир қисмидан воз кечди, бу Эфиопиянинг собиқ СССРдан олган бутун қарзларининг 80 фоизини ташкил этарди.

Қолган 20 фоиз қарзи Россия ҳам аъзоси бўлган Париж клубининг донор-мамлакатлари томонидан қайта таркиблаштирилган. Бунда Эфиопиянинг «советлар»дан қарзининг бир қисми Менгисту Хайле Мариамнинг 17 йиллик бошқаруви даврига тўғри келади, Менгисту бу маблағларни ҳарбий мақсадларга сарфлаган. Россия ҳукуматининг ўша пайтдаги раиси Владимир Путиннинг сўзларига кўра, охириги йилларда Москва камбағал мамлакатларнинг 30 миллиард доллардан зиёд қарзларидан кечган.

Менгисту Хайле Мариам ва император, бу икки одам, қотил ва унинг қурбони бир-бирига жуда мувофиқ эди. Менгисту Хайле Мариам императорнинг худди ўзи, унинг ойнадаги акси эди. Ҳар иккаласи ҳам билардиларки, энг муҳими, бу ҳукмронлик, тўлиқ ва чекланмаган ҳокимлик. Ана шунинг учун император саройида «фит масуогед» деб номланган, «ҳақиқий юзини очиш»га ўхшаш бир маросим бор эди. Уни ҳар қандай, ҳатто энг кичик давлат лавозимини эгалламоқчи бўлган киши бошидан ўтказиши шарт эди. Лавозим талабгори ҳар куни эрталаб император саройи олдида ҳукмдорнинг чиқишини қоматини тик тутган ҳолатда кутиши зарур бўлган, у кўринган дамда эса, унинг назарини илғаши керак эди. Агар омади чопса, император қабулига муяссар бўлган ва олдида тиз чўкиб, юзини ерга қадаб, ўзи ҳақида ҳеч нарсани яширмасдан гапириб бериши лозим бўлган. Агар император яхши кайфиятда бўлса, мўмайгина ўлжага эга бўлиш мумкин эди. Хайле Селассие шундай ҳукмронликка эга эди. Менгисту унга интиларди. У дарҳол СССР билан яқинлашиш йўлини тутди. Кремлнинг кўрсатмаларига қанчалар аниқ амал қилса, совет ёрдамнинг миқдори шунчалар катта бўлишини у яхши тушунарди. Шу туфайли у ўз режасини баланд овозда эълон қилди: Эфиопияни Африкадаги биринчи социалистик мамлакатга айлантириш. Ундан кейин марксизм-ленинизм классиклари билан роса солиштириб «инқилобий қайта қуришлар»ни бошлаган.

Асосий синфий душман халқ оммасининг кенг ишгирокида демократик фуқаролар ҳукуматини тузишга чорлаётган Эфиопия халқ-инқилобий партияси эди. Бунинг устига иш чорлаш билангина чекланиб қолмаган. Яширин аъзолари «Дэрг»нинг саккизта аъзосини ва унинг бир нечта тарафдорларини ўлдирган. Буни билиб қолгач Менгисту, кўплаб халқ тўпланган Аддис-Абебанинг бош майдонига чиқиб, ичида қизил суюқлик тўла бўлган шиша идишни ерга уриб синдирди. «Инқилоб душманларининг қони худди шундай тўкилади!», — хитоб қилди у. «Оқ террорга қизил террор билан жавоб берамиз!». Ва қон тўкилди. Икки йил ичида, 1977—1978 йиллари минглаб йигит ва қизлар, асосан талабалар ўлдирилди, уларни «аксилнқилобий фаолият» олиб бораётганлиги ҳақида шубҳа қилиниши биланоқ отиб ташлардилар. Ота-оналари фарзандларининг жасадларини олиш учун болалари отиб ўлдирилган ўқларнинг пулини тўлашлари керак эди.

Тез орада барчаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Эритрея ва Тиграй вилоятлари бош кўтарди, Оромо озодлик Фронти пойтахтга яқинлашди. Булар етмаганидек, 1984 йили мамлакатнинг ярмини мисли кўрилмаган қургоқчилик қамраб олди. У 5,8 миллион киши фақат инсонпарварлик

ёрдами ҳисобигагина кун кўраётган 1986 йилгача давом этди. Бироқ 1987 йили СССРда «қайта қуриш» эълон қилинди. Эфиопияга қурол ва пулнинг оқими айнан диктаторлик тузуми уларга жуда ҳам муҳтож бўлган пайтда қуриб қола бошлади. Эфиопия халқларининг инқилобий-демократик фронти Аддис-Абеба атрофидаги ҳалқани аста-секинлик билан сиқиб келарди. Тузум бир неча йил қаршилиқ кўрсатди: Уруш бой берилгани аниқ бўлиб қолганидан кейин, у пайтга келиб бутун халқ томонидан «сайлаб» қўйилган президент Менгисту Хайле Мариам 1991 йилнинг 21 май кuni ўз ваколатларидан воз кечди ва мамлакатдан қочиб кетди.

Шуниси қизиқарлики, ҳокимият 1974 йили полковник Менгисту Хайле Мариам бошчилигидаги Муваққат ҳарбий-маъмурий кенгашга ўтган пайтдан бошлаб, аввалига Менгисту Вашингтон билан анъанавий муносабатларни узишга шошилмади, аксинча Эритреяда исён бошланганлиги ва тез орада исёнкорлар бу вилоят ҳудудининг анчагина қисмини эгаллаб олганлиги туфайли эфиоплар ҳатто Америка ёрдамининг миқёсини оширишга ҳам уриниб кўрдилар. Бироқ АҚШ Эфиопиянинг илтимосларига жуда совуқ муносабатда бўлди, Эфиопиянинг янги раҳбарлари номига эса «инсон ҳуқуқлари»ни бузаётганлиги ҳақида айбловлар ёғилди (амалда мамлакатда фуқаролар уруши кетаётган бир шароитда бу унчалар ҳайратланарли эмас эди). АҚШ президенти Жимми Картер маъмурияти, ҳатто аввал имзоланган шартномалар бўйича ҳам ҳарбий ёрдамни тўхтатиб қўя бошлади. Ана шу тарзда ҳали 1973 йили буюртма берилган 14 та F-5E қирувчи ва 3 та F-5F ўқув-жанговар самолётларидан фақат 8 та F-5E самолётлари олинди, холос. Ана шундай шароитларда Мариам аввалига Хитойга умид боғлади, лекин у даврларда Хитойнинг имкониятлари жуда чекланган эди. Эфиопия янги етакчисининг танлаш имконияти катта эмас (тўғрироғи, умуман йўқ эди), унинг тузумини фақат Совет Иттифоқининг ёрдами қутқариши мумкин эди. 1977 йилнинг апрелида амалда АҚШ билан барча алоқалар тўхтатилди, майда эса Менгисту Хайле Мариам расмий ташриф билан Москвага келди. Ҳарбий ёрдам эвазига у СССРга ҳарбий-денгиз порти сифатида Эфиопиянинг Массава портини беришни ваъда қилди. 1977 йилнинг июнь-июль ойларидаёқ Совет Иттифоқи Эфиопияга танклар, судраб юриладиган ва ўзиюлар артиллерия қуроллари, бирийўла ўт очувчи реактив системалар ва зенит-ракета комплекслари етказиб бера бошлади.

Бироқ Эфиопияни ўз таъсир доирасига тортганидан кейин дарҳол Москва қийин муаммо олдида қолди. СССР билан Самалининг муносабатлари кун сайин эмас, соат сайин бузилиб борарди. СССРнинг иккала иттифоқчиси ўртасидаги келишмовчилик (Эфиопия билан Сомали) Моск-

ва учун мутлақо кераксиз бўлганлиги сабабли, уни бошланғич пайтидаёқ сиёсий воситалар билан ҳал қилишга уриниб кўришди. Бунда ҳар иккала мамлакатга ташриф буюрган ва уларнинг раҳбарлари билан музокаралар олиб борган Фидель Кастро воситачилик қилди. Аммо Сомали ҳукмдори Саид Барренинг мустаҳкам позицияси туфайли Фиделнинг барча уринишлари зое кетди. Бундан ташқари, Саид Барре АҚШ ва бир қатор ислом давлатлари, биринчи навбатда Саудия Арабистони билан намойишкорона алоқалар ўрната бошлади. Сиёсий ўйинлар учун майдон тобора қисқариб борарди ва Москвадан бирор томоннинг тарафини олиш қатъий талаб қилинарди. Узоқ фикр юритишлар ва иккиланишлардан сўнг бошланган қарама-қаршиликда Эфиопияни қўллаб-қувватлашга қарор қилинди.

Менгистунинг 17 йиллик бошқаруви даврида 200 мингдан зиёд киши ҳалок бўлди. «Полковник Менгисту»нинг шахсан ўзи охириги Эфиопия императори Хайле Селассиени бўғиб ўлдирди. 1991 йилдан буён Менгисту Хайле Мариам Зимбабведа яшайди. 1995 йилдан бошлаб, унга суиқасд қилишга уриниб кўрилганидан сўнг, у ўз қароргоҳини деярли тарк этмаган.

БЕШИНЧИ РЕСПУБЛИКАНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ



МИТТЕРАН, ФРАНСУА МОРИС АДРИАН МАРИ
(FRANCOIS MAURICE ADRIEN MARIE MITTERAND)
(26.10.1916, Жарнак, Шаранта департаменти —
08.01.1996, Париж)

Франциянинг давлат ва сиёсат арбоби, халқаро социалистик ҳаракатнинг етакчиларидан бири, 1981—1995 йилларда Франция президенти. Станция назоратчиси оиласида туғилган. Маълум иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, ота-онаси ўғлига яхши маълумот беришга эришдилар. Сорбоннада юридик ва филология факультетларида ва Париждаги сиёсий фанлар мактабида таълим олган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. 1940 йили ярадор бўлиб, Германия ҳудудида асирга тушган. 1941 йилнинг охирида қочган,

Францияга қайтиб келган ва қаршилик ҳаракати сафига кирган. 1945 йили Ф. Миттеран қаршиликнинг Демократик ва социалистик иттифоқи (ЮДСР) сўл партиясининг асосчиларидан бири бўлди, 1946 йили Миллий мажлисга депутат қилиб сайланган. 1947—1948 йиллари собиқ фронтчилар ишлари бўйича министр, 1948—1949 йиллари министрлар кенгаши раиси қошидаги давлат котиби, 1950—1951 йиллари — денгиз орти ҳудудлари ишлари бўйича министр, 1952 йили — давлат министри, 1953 йили — Европа Кенгаши ишлари бўйича министр, 1954—1955 йиллари — Ички ишлар министри ва 1956—1957 йиллари — Юстиция министри бўлди. Унинг ўн тўрт йиллик президентлиги — Франция тарихидаги энг давомли президентлик бўлди.

1958 йили Шарль де Голль Бешинчи республикага асос солганидан кейин Ф. Миттеран янги тизимни ва 1958 йилги Конституцияни кескин танқид қилиб чиқди. Аста-секин у сўл мухолифат етакчиларидан бири бўлиб қолди. 1965 йили Демократик ва социалистик сўл кучлар федерациясига (ДССКФ) асос солди. Уша йили у президентлик лавозимига ўз номзодини қўйди ва иккинчи босқичда 44,8 фоиз овоз олиб, де Голлга сайловларни бой берди. Ф. Миттеран Франция социалистик партиясининг (ФСП) асосчиларидан бири бўлди, унинг биринчи бош котиби этиб сайланди ва партиянинг бошқа сўл уюшмалар билан бирлашиши гоёсини олға сурди. 1972 йили ФСП Франция коммунистик партияси ва сўл радикаллар билан ҳамкорликда сўл кучлар дастурини имзолади. 1974 йили Ф. Миттеран президентлик сайловларида сўл кучларнинг ягона номзоди бўлди, лекин иккинчи босқичда 49,19 фоиз овоз олиб, В. Жискар д'Эстенга ютқазиб қўйди. У фақат 1981 йилги сайловларнинг иккинчи босқичда Жискар д'Эстенни енгиб, республика президенти этиб сайланди. Ф. Миттеран дарҳол ўнг кучлар ҳукмрон бўлган Миллий мажлисни тарқатиб юборди. Янги парламент сайловларида ФСП ғалаба қилди.

Премьер-министр социалист П. Моруа муҳим ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар (миллийлаштириш, маҳаллий ҳокимиятларнинг ролини ошириш, ҳафталик иш вақти ҳамда нафақа ёштини қисқартириш, ўлим жазосини бекор қилиш)ни амалга ошириш йўлини тутди. Бироқ 1984 йили ҳукумат бошлиғи бўлган унинг ўриндоши Л. Фабиус мамлакатдаги иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашишини олдиндан кўра билиб, «сўл тажриба»ни тўхтатиб қўйди ва «қатъий иқтисод» тартибига ўтди. 1986 йили навбатдаги парламент сайловларида ўнг мухолифат ғалаба қозонди. Натижада Ф. Миттеран премьер-министр лавозимига Республикани қўллаб-қувватлаш ўнг бирлашмасининг етакчиси Ж. Ширакни тайинлашга мажбур бўлди.

1988 йили Ф. Миттеран яна ўз номзодини республика президентлиги лавозимига қўйди ва иккинчи босқичда Ж. Ширакни енгиб чиқди. Тез орада президент, биринчи сайланишидан кейин бўлганидек, ўнг Миллий кенгашни тарқатиб юборди. Янги сайловларда (1981 йили бўлгани каби) сўл кучлар ғалаба қилди. Бироқ тепасида социалистлар турган кабинетлар ижтимоий муаммоларни, асосан кучайиб бораётган ишсизликни муваффақият билан ҳал қила олмадилар. 1993 йилги навбатдаги парламент сайловлари натижасида яна Миллий кенгашдаги кўпчилик ўринларни ўнг партиялар эгалладилар ва Ф. Миттераннинг иккинчи марта ўнглarning вакили — неоголчи Эдуард Балладорни премьер-министр қилиб тайинлашига тўғри келди. Ўз президентлигининг охирларида Ф. Миттеран оғир

бетоб бўлди, аммо такрорий етти йиллик ваколоти тамом бўлган 1995 йилга қадар ўз лавозимида қолди. Президентлик даврида Ф. Миттеран ажойиб маданий сиёсатнинг илҳомчиси бўлди. Бу сиёсатнинг маҳсули катта. Лувр саройи олдида ойнабанд эҳром ўрнатилиб, қайтадан қурилиши, Дефанс районида катта равоқ ва Бастилия майдонида опера биноси қурилиши, шунингдек, Миллий кутубхона янги мажмуининг яратилиши бўлди.

Ф. Миттераннинг ташқи сиёсатидаги имтиёзли йўналиш «ягона Европа»ни куриш бўлди. У Европа ҳамкорлигига кирган мамлакатларнинг молиявий-иқтисодий ва сиёсий иттифоқи ғоясини тўлиқ қўллаб-қувватлади. Интеграциянинг иккинчи доираси сифатида Миттеран Шарқ ва Ғарбнинг Европа конфедерацияси ғоясини олға сурди. У Франциянинг АҚШ, ГФР ва СССР билан муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришга ҳаракат қилди. Президент, шунингдек, «учинчи дунё» мамлакатлари билан ҳам ҳамкорлик қилишга интилди, бунда Африка мамлакатлари билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратди.

Партиялар ўз сафларидан бир қатор номзодларни олға сураётган бир пайтда, Франсуа Миттеранга, партиясиз бир одамга сўл кучларнинг ягона номзоди деб тан олинисига даъвогарлик қилиш осон эмас эди. У яширмас, аксинча, ўзининг номзоди кўрсатилиши боғлиқ бўлган янгидан-янги одамларга мурожаат қилиб, дарҳол ўзининг асосий, ҳал қилувчи ва ягона дастагини улар олдига қўярди: унинг номзодини ФКП Марказий Комитети қўллаб-қувватлаган. Сўл партияларнинг ҳамкорлик қилишлари учун асосий тўсиқ бўлган антикоммунизмни йўқ қилишдаги асосий хизмат ҳам айнан Ф. Миттеранга тегишли эди. Шундай қилиб, 1965 йилнинг 19 декабрида президентлик лавозими учун курашда Миттераннинг биринчи уриниши ва биринчи мағлубияти тарих саҳифаларига ёзиб қўйилди. У сайловда овозларнинг 45 фоизини олиб, генерал де Голлга ютқазганди. Аммо айнан ўшанда у французларнинг назарида муҳолифатнинг йўлбошчиси, сўл кучлар иттифоқининг етакчиси сифатида муҳрланиб қолди.

Ана шундай сифатда Миттеран Демократик ва социалистик сўл кучлар иттифоқини бошқарди, унда коммунистлардан тортиб ўнг қанотга сурилаётган марказчиларгача — дуч келганнинг барчаси демократ ҳисобланарди. Иттифоқнинг «ола-қуроқ»лиги, унинг ичидаги келишмовчиликлар туфайли иттифоқ тузилгандан кейинги иккинчи сайловлар (1968 йил) Ф. Миттеран тактикасига оғир зарба бўлди. Ф. Миттеран лавозимини, шунинг билан бирга умидларини ҳам йўқотди: энди у генерал де Голлнинг қутилмаганда истеъфо берганидан кейинги навбатдан ташқа-

ри президентлик сайловларида ҳатто ўз номзодини қўйишга ҳам журъат қила олмади.

Социалистлар ва коммунистлар 1969 йилги сайловларда алоҳида-алоҳида бўлиб қатнашдилар ва бири 5 фоиз, иккинчиси 21,5 фоиз овоз олдилар. 1974 йили Ф.Миттеран яна сўл кучларнинг номзоди бўлиб қолди, бунинг устига ФКПнинг бу сафарги сайловолди иттифоқи сўл партияларнинг умумий ҳукумат дастурига суянар эди. Ва бу сафар ҳам «70-йилларнинг поезди» Миттерансиз кетди. Унга бир фоиздан ҳам камроқ овоз етишмади. Лекин келгуси кундан бошлабоқ ФСПга оммавий киришлар бошланди. Сўровлар дастурнинг жозибаторлигини ҳамда социалистлар етакчисининг ҳам оммавийлиги ошиб бораётганлигини кўрсатарди. 1978 йилги сайловларда ФСП Франциядаги етакчи партиялардан бири ва мухолифатнинг биринчи партияси бўлди, буни коммунистлар жуда ҳам оғир қабул қилдилар.

Ролларнинг бундай ўзгариши тактикани қайтадан ўйлаб кўришга олиб келди. 1981 йили президентлик лавозимини эгаллашга ўзининг учинчи уринишини Ф. Миттеран барча сўл кучларнинг номзоди бўлиб эмас, фақат ўз партиясининг номидангина амалга оширишни лозим топди. Чунки, «сўл Франция»нинг бирлашиши доимо «ўнг Франция»нинг ҳам бирлашишига олиб келарди. Унинг фикрича, коммунистларсиз, ФКП билан имзоланган ҳамкорликдаги ҳукумат дастурисиз, демакки, ундан келиб чиқадиган мажбуриятларсиз унинг сўл партиялар вакили бўлиш имконияти кўпроқ. Ва у ютиб чиқди. Елисей саройига Бешинчи Республиканинг сўл президенти кириб келди.

Агар 70-йилларнинг охири — 80-йилларнинг бошларида Фарбий Европанинг бир қатор мамлакатларида ва АҚШда ҳукуматга консерватив кучлар келган бўлса, Францияда сиёсий тебранғич бутунлай тескари томонга — ўнгдан чапга ҳаракат қилди. 80-йиллар давомида «неоконсерватив инқилоб»нинг етакчилари қайта сайлангандилар: Р. Рейган ва Г. Коль — иккинчи муддатга, М. Тэтчер — учинчи муддатга. Франция эса 1988 йилнинг баҳорида социалист Ф.Миттеранни иккинчи марта сайлаб, яна тескари иш юритди. «Франциядаги сўнгги президентлик кампаниясининг ўзига хослиги бу сўзнинг ўзи келиб чиққан мамлакатда президентлик лавозимида номзодлар ўртасидаги баҳснинг сабабчиси сифатидаги социализмнинг хайратли ўлими бўлди» («Таймс», 1988 йил, апрель).

Француз социалистларининг 1988 йилги афишаларида энди «социализм» сўзи йўқ эди. Улар томонидан, ҳали 1982 — 1983 йиллардаёқ, ёш сўл

хукумат инқироздан чиқиш йўларини топа олмасдан уни бошқаришга уриниб кўришни маъқул топган даврлардаёқ расмий муомаладан олиб ташланган эди. «Биз 1981 йили ҳаддан ташқари орзуга берилиб кетганлигимиз ва халқаро инқирозни баҳолай олмаганлигимиз тўғри...», — деган эди Ф. Миттеран. Социалистларнинг обрўси кескин тушиб, 80-йилларнинг ўрталарига бориб ўзининг энг паст нуқтасига етди: ҳали қиёсланаётган даврда Бешинчи Республиканинг бирорта ҳам президенти бунчалар паст обрўга эга эмас эди. Бу ҳал қилувчи давр эди. Социалистларга овоз берган сайловчиларнинг ҳафсалалари қанчалик қаттиқ пир бўлган бўлса, социалистик партиянинг кечаги рақибларига бўлган ишончи ҳам шунчалар юқори бўларди. Биринчиларнинг сафлари сийраклашиб, иккинчиларники эса ўсиб борарди. Миттеран ва унинг командаси ўзларининг сайловолди ваъдаларидан қанчалар йироқлашсалар, ўша иккинчиларнинг сафи шунчалар тез ўсиб борарди. Биринчи президентлик даврининг дастури ва натижалари бир-бирларидан қарама-қарши кутблардек узоқ бўлди. 1983 йилнинг мартада социалистлар ҳукумати бор-йўғи икки йилгина йироқлашган «қатъий иқтисод» сиёсатига қайтиш ишсизликнинг ортишига, «янги камбағаллар» армиясининг пайдо бўлишига олиб келди. «Капитализм билан алоқани узиш» шиори ҳам тобора камроқ эшитилар эди.

Бу ҳолни французларнинг «сўл тажриба»сига мутлақо ёрдам кўрсатмаган халқаро иқтисодий инқироз келтириб чиқарган бўлса ҳам, барибир йўналишнинг ўйлаб қилинган, анланган тўғриланиши эди. Миттераннинг сиёсий мурасасозлик йўналиши тобора кўпроқ даражада социал-демократик тус ола бошлаганлигида намоён бўлди. Аввалига нима тубда етилаётган бўлса, ўша юзага чиқди. Ташқи сабаблар бор-йўғи катализатор ролини ўйнаган бўлиши мумкин. Ўзининг сиёсатига ўзгартиришлар киритар экан, ҳукмрон партия бошқарув ролини чапдан ўнгга — сиёсий марказга яқинроққа бурди. Франсуа Миттеран икки ўн йиллик давомида Европанинг етакчи мамлакатларидан бирининг сиёсий ҳаётига улкан таъсир кўрсатди, кўп карра Европа ва ундан кенгроқ халқаро миқёсдаги йирик ташаббуслар ва ҳаракатларнинг бошида турди. Француз социалистик партиясининг қайта ташкил қилиниши, ривожланиши ва ўсиши бевосита унинг ҳаракатлари билан боғлиқ. Ф.Миттеран Франция тарихи бўйича бир нечта жиддий китобларнинг муаллифи.

Франсуа Миттеран 1996 йил 8 январда Парижда вафот этди.

ДУЧЕ

МУССОЛИНИ, БЕНИТО АМИЛЬКАРЕ АНДРЕА
(итал. **BENITO AMILCARE ANDREA MUSSOLINI**)
(29.07.1883, Довиа қишлоғи, Эмилия-Романья провинцияси —
28.04.1945, Меццегра қишлоғи, Милан яқинида)

Италия диктатори. Муссолинининг онаси Роза-Мальтони қишлоқда мактаб ўқитувчиси бўлган. Отаси Алессандро темирчилик ва чилангарлик хунарлари билан кун кўрган.



Муссолинилар ўртача даромадга эга эдилар ва катта ўғиллари Бенитонинг Фаэнцадаги монахлар мактабида таълим олиши учун пул тўлай олардилар. Бенито қайсар, ўжар, тажовузкор бўлиб ўсди ва руҳонийлар ўрнатган қатъий қоидаларни тез-тез бузиб турарди. Ўғлининг шаклланишида отаси сезиларли таъсир кўрсатди. Худосиз ва исёнкор бўлган, М. Бакунининг ғояларини ёқтирувчи Алессандро марксизм ҳақида эшитган ва ўзини социалист деб ҳисобларди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Б. Муссолини кичик синфларда дарс берди, лекин узоқ вақт ишламади. 1902 йилда у ўз бахтини излаб Швейцарияга жўнади. Бенито ҳали ўшандаёқ ўзини социалист деб атарди ва тез-тез кичик йиғинларда сўзга чиқиб турарди. Унинг эмигрант ишчилар ўртасида машҳурлиги ошиб борар, уни бир неча марта «ғаламисликка ундовчи сўзлари учун» ҳибсга олган Швейцария полициясига эса номи яхши маълум бўлиб қолганди. Ўша йиллари Муссолини К. Каутский ва П. Кропоткин, Р. Штирнер ва О.Бланки, А. Шопенгауэр ва Ф. Ницшенинг асарлари билан танишди, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Манифест»ини ўқиб чиқди. Б. Муссолини бу назариялардан фақат ўзига ёққанини ва тушунганини қабул қиларди; у бошқаларнинг ғояларини осонгина ўзлаштирар, бунинг устига орадан биров вақт ўтганидан кейин уларни ўзиники қилиб кўрсатиш одати ҳам бор эди. Ўша даврнинг кўпгина бошқа социалистлари каби Б. Муссолини ҳам француз синдикалисти Жорж Сорель ғояларидан кучли таъсирланди.

Аммо уни ҳаммадан кўра Ф. Ницшенинг «яшаш учун кураш», «ҳокимиятга ингилиш»ни ривожланишнинг универсал ҳаракатлантирувчи кучи деб ҳисобловчи ғоялари кўпроқ ўзига тортди. Бундан ташқари, Б. Муссолинига Ф. Ницшенинг халқни «танланган шахслар учун постамент»¹ сифатида, урушни инсон руҳининг энг юксак намоён бўлиши сифатида тушуниши ҳам ўзига жалб қилди.

¹ *Постамент* — асос, тагкурс, ҳайкал ўрнатиладиган махсус супа.

У биринчи марта 1907 йили Женева кантонидан қувилганидан сўнг «кичкана дохий» («пикколо дуче») деб аталганди. Бир неча йилдан кейин бу унвон, энди «пикколо» аниқловчисиз итальян социалистлари инқилобий фракциясининг «Ля соффитта» («Пойафзал») газетасида бир кўри-ниб қолди ва ана шундан буён, бундан ўзининг миннатдор эканлигини яширмайдиган Б.Муссолинига бу ном ёпишиб олди.

Дуче ўзининг ғояларини Эмилия-Романья вилояти социалистларининг ёрдамида эга бўлган, унча катта бўлмаган «Лота де классе» («Синфий кураш») газетаси орқали тарғиб қиларди. Шубҳасиз, у қобилиятли жур-налист эди. Ҳажми катта бўлмаган, Италия социалистик партиясининг (ИСП) Форлидаги кундалик органига айланган варақа қарийб тўлалиги-ча унинг мақолаларидан иборат бўларди. Б. Муссолини монархия ва мили-таризмни дўппослар, бойлар ва руҳонийлар, социалист-ислоҳчилар ва республикачиларни сўкарди. Унинг мақолалари жаҳлдор руҳда ва шаф-қатсиз, уларнинг оҳанглари эътирозга ўрин қолдирмайдиган ва тажовуз-корона, иборалари қатъий ва шиддатли эди. Газетанинг оммавийлиги ошиб борарди, унинг тиражи 2500 нусхага етиб, икки баробар кўпайди, дуче эса социалистик партиянинг Форлидаги котиби бўлиб олиб, 1910 йил-нинг октябрида биринчи марта Италия социалистик партияси (ИСП)нинг Миланда ўтаётган навбатдаги съездида қатнашди.

Муссолини, партияда ислоҳотчилик ва инқилобий тактикаларнинг тарафдорлари ўртасидаги курашнинг кескинлашувини келтириб чиқар-ган, етилиб келаётган инқироздан амалга кўтарилиб қолишда фойдала-ниш мумкинлигини ҳис қиларди. У бу ўйинни 1912 йилнинг июлида Эми-лия-Романьяда ўтган ИСП нинг навбатдаги съездида амалга оширди.

Б. Муссолинининг сиёсий фаолиятида бу съезд алоҳида аҳамият касб этади. «Инқилобий фракция»нинг «муросасиз» арбоблари ва уларнинг орасида Муссолини ҳам ИСПдан ўнг ислоҳчиларнинг қувилишига эриш-дилар. Муссолинининг съезддаги нутқи шов-шувли муваффақиятга эга бўлди. Уни шарҳладилар, матбуотда ундан парчалар келтирдилар, бироқ бу дученинг иззат-нафсини тўлиқ қондира олмасди. Мўл-кўл публицистик қоби-лиятга эга бўлган одам учун амалга кўтарилишнинг энг ишончли йўли ИСПнинг марказий умумитальян газетаси эди. Унинг орзуси амалга ошди: 1912 йилнинг ноябрида унга «Аванти!» («Олга») газетаси таҳририятини бошқариш топширилди.

Муссолини репортёрлик касбини биларди. У газетани севар ва журналис-тика ишининг моҳир устаси эди. Бир ярим йилдан кейин газетанинг тиражи 20 мингдан 100 мингга қадар ошди, у Италиядаги энг ўқишли газеталардан

бирига айланди. Кейин эса Биринчи жаҳон уруши бошланди ва ўзининг аввалги антимилиитаристик анъаналарига содиқ қолган социалистик партия урушга қарши манифест билан оммага мурожаат қилди ва «мутлақ бетарафлик» шиорини олга сурди. Аммо жанжал ривожланиб боргани сари «Аванти!»даги мақолаларнинг оҳанги Германия ва Австрияга қарши характер касб эта бошлади. Муссолинининг Антангага мойиллик қилиши эса «масхарабознинг сири»га айланди. 1914 йилнинг 18 октябрида «Аванти!»да «Мутлақ бетарафликдан фаол ва ҳақиқий бетарафликка ўтиш» деб номланган бош мақола чоп этилди ва бу ибора социалистларнинг урушга қарши йўналишларига мос келмаса ҳам, Муссолини уни партия раҳбарларига ўтказишга уриниб кўрди. У бу масала бўйича партияда референдум ўтказилишини талаб қилди. ИСП раҳбарлари кенташидаги узоқ давом этган ва қизгин баҳслардан сўнг Б. Муссолинининг кўрсатмалари рад қилинди, унинг ўзи бош муҳаррир лавозимидан озод этилди, бир ойдан сўнг эса шовқин-сурон билан партиядан ўчирилди.

Б. Муссолини мағлубиятсиз ўйин олиб борарди, чунки ҳали 1914 йилнинг баҳоридаёқ Болоньядаги газеталардан бирининг ношири Ф. Нальдидан таклиф олганди. Ф. Нальдининг қирол саройида ҳам алоқалари бор бўлиб, йирик саноатчилар ва молиячилар орасида ҳам дўстларга эга эди. Дуче ўзининг бундан кейин ҳам ҳокимият учун курашиш имконини берувчи, унинг қўлларида қудратли сиёсий қурол бўла оладиган катта газетасига эга бўлиш истагига қарши тура олмасди.

«Пополо д'Италия» («Италия халқи») газетасининг биринчи сони 15 ноябрда чиқди. Газета аввалига «кундалик, социалистик» деб аталган бўлса ҳам унинг саҳифаларида айнан ИСП раҳбарияти ва умуман социалистик партия аёвсиз ҳужумларга дучор этиларди. Муссолини Италиянинг Антанга мамлакатлари тарафида туриб дарҳол урушга кириши учун жон куйдирарди. Унинг тарафдорлари уруш ёрдамида инқилобни яқинлаштириш ва Италияни буюк қилишдан умидвор эдилар. «Куёш остидаги жой учун инқилобий уруш» ғояси кичик мулкдорларнинг кенг қатламларида ўз тарафдорларини топди. Муссолини айнан уларнинг кайфиятларини ифодаларди. Унинг экстремизми¹ тор фикрли қашшоқлар ва ялангоёқлар учун жуда тушунарли эди. «Менинг тобора кўпроқ ишончим комил бўлаётгани, — дея ёзган эди у, — Италиянинг ободлиги учун ўнталар депутатни отиб ташлаш ва ҳеч бўлмаганда бир нечта экс-министрларни сургун қилиш фойдали бўларди. Италиядаги парламент — миллатнинг қонини сўрувчи вабо яраси. Уни кесиб ташлаш керак».

¹ Экстремизм — кескин чора-тадбирлар кўрилишига тарафдорлик.

Италия расмий равишда 1915 йилнинг 23 майдан Биринчи жаҳон урушига кирди. Б. Муссолини кўплаб миллатчилардек иш тутмади ва кўнгилли бўлиб ёзилишга шошилмади. Газетачилар уни қўрқоқликда айбладилар, у эса ўз ёшидагиларнинг чақирилишини кутаётганлигига ишонтирарди. Чақириқ қоғози фақат августнинг охирида келди, сентябрнинг ўртасида эса у ҳаракатдаги армияда эди. Муссолинининг фронтдаги телбаларча жасорати ҳақидаги афсонани унинг ўзи урушдан кейин яратган. Аслида у ҳеч қанақа юксак ҳаракатни амалга оширмаганди. Дуче ҳарбий кийимни 17 ой кийиб юрди, бироқ бу муддатнинг фақат учдан бир қисминигина уруш хандақларида ўтказди, қолган вақтда у орқада — госпиталларда, дам олишларда бўлди. 1917 йилнинг февралда у бахтсиз тасодифнинг қурбони бўлди: миномётдан фойдаланиш ўрганилаётган вақтда хандақда миналардан бири портлаб кетди. Тўртта аскар ўша заҳоти ҳалок бўлди, Муссолини эса ўнг оёғидан ярадор бўлди. Ярим йилдан кейин у армиядан бўшатилди ва яна «Пополо д'Италия» таҳририятига қайтиб келди. Яна икки ойдан сўнг эса Капоретто яқинида фожиа рўй берди, у ерда Италия армиясини Австрия қўшинлари бутунлай тор-мор этди. Шимолий Италия йўлларида ҳали яқиндагина солдатлар деб аталган юз минглаб азоб чеккан, қазабланган кишилар изғиб юрарди.

Б. Муссолини фақат фронтчиларнинг манфаатларини тушунибгина қолмасдан, бу одамларнинг қалбларидаги фикрлари ва орзуларини оддий ва тушунарли тарзда ифодалашга ҳам муяссар бўлди. Аста-секин у уларнинг энг сеvimли кишисига айланди. Муссолини кескин қазабланишга мойил, кек сақловчи ва шафқатсиз одам эди, лекин унинг бу сифатлари «ҳаракат қиладиган одам», гоё учун ҳамма нарсага тайёр бўлган киши сифатидаги обрўини тўлдирарди, холос. Бироқ тез орада Муссолини ҳокимиятни қўлга киритиш учун мустаҳкам жанговар ташкилот зарурлигини тушунди. 21 мартда Миланда у собиқ босқинчилар, миллатчилар ва футуристларни¹ тўплади. Ҳаммаси бўлиб 60 киши йиғилди. Улар «Жанговар иттифоқ» («Фашио де комбаттименто», янги ҳаракатнинг номи ҳам шундан келиб чиққан) яратишга ва ана шу мақсадда қандайдир ташкилий кенгаш тузишга қарор қилдилар. «Пополо д'Италия» газетасида чоп қилинган чақириққа юздан ортиқроқ киши жавоб қилди. 1919 йилнинг 23 мартда бу одамлар Сан-Сеполькро майдонидаги Милан савдо-саноат клубининг ҳовлисида йиғилдилар.

¹ Футурист — XX аср бошларида санъат ва адабиётда ҳукм сурган формалистик оқим тарафдори.

Икки кун давомида Италиянинг улугворлигини тиклашга чақириқлар жаранглади, ташқи сиёсат ҳақида баҳслар бўлди. 54 киши декларацияга қўл қўйди, унда фашистлар — янги ташкилотнинг аъзолари ўзларини шундай атай бошладилар — фронтчиларнинг талабларини бажариш ва собиқ бетарафчиларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш мажбуриятини олдилар. Улар ўзларини ҳар қандай империализмнинг, шу жумладан итальян империализмининг ҳам душмани деб эълон қилдилар ва шу пайтнинг ўзидаёқ Югославия билан талаш бўлган Далмация ва Фиуме вилоятларининг эгаллаб олинишини талаб қилдилар. Тез орада уларнинг дастурлари жуда кенг рўйхат билан тўлдирилди: Сенатни, полицияни, табақаларни, имтиёзлар ва унвонларни бекор қилиш, Таъсис мажлисини чақириш, барча учун саккиз соатлик иш кунини ва энг кам иш ҳақини ўрнатиш, ерларни деҳқонларга бериш, умумий таълим ва яна бошқа кўп нарсалар. Шундай қилиб, фашистлар маълум бир ижтимоий қатламга эмас, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларни зориқиб кутаётган барча итальянларга мурожаат қилдилар. Муссолини ўз мақсадини яширмас эди.

Инқилобий ҳаракат сусайган бир шароитда, мавжуд тузумга бевосита хавф-хатар йўқолганида у сиёсий ҳокимиятни эгаллашга бўлган ўз даъволарини очиқ эълон қилди. «Фашизм — бу маънавий ва моддий кучларнинг улкан сафарбарлигидир, — деб ёзган эди у 1921 йил 23 мартда. — Биз нимага эришмоқчимиз? Бу ҳақда ёлғондакам камтарликсиз айтамыз: биз миллатни бошқаришга эришмоқчимиз». 1921 йилнинг май ойида Б. Муссолини Италия парламентида сайланди. Фашистлар олган 35 мандат уларга парламент ўйинларида, яширин ғаламисликларда ва келишувларда қатнашиш имконини берарди. 1921 йилнинг ноябрида, фашистлар партияси ташкил этилиши вақтида у бош котиблик лавозимидан намоёншкорона бош тортди: у қундалик партиявий ишлардан юқори туриши лозим эди. 1922 йилнинг кузига келиб Италияда амалда икки ҳокимиятчилик ўрнатилди: фашистлар янгидан-янги вилоятлар ва шаҳарларни эгаллаб олаётган эди. Муссолини қуроли тўнтаришни кўзларди. 24 октябрда Неаполда, Сан-Карло театрида фашистлар иттифоқининг навбатдаги съезди очилди. Унда Б. Муссолини тажовузкор нутқ билан чиқди, у ҳукуматдан фашистларга бешта министрлик курсиси ва авиация комиссариатининг берилишини кескин талаб қилди. Шунинг билан бирга у ўзининг монархияга содиқ эканлигини, чунки монархнинг кучини англаб етганлигини айтди.

Ўша кунини кечкурун дуче жойлашган «Везувий» меҳмонхонасида унинг энг яқин сафдошлари йиғилдилар, бу йиғилишга фашистик отрядларнинг бевосита раҳбар аъзолари (И. Бальбо, Ч.М. де Викки, Э. де Боно,

М. Бьянки) ҳам келишди. Узоқ давом этмаган баҳслардан кейин қарор қабул қилинди: 28 октябрь — мамлакатнинг асосий марказларига ҳужум бошланади. Сквадрчиларнинг — фашистлар жанговар отрядлари (сквадрлар) аъзоларининг учта гуруҳи Римга Перужа тарафидан кириб келиши, Л. Факт ҳукуматига қатъий талаб қўйишлари ва асосий министрликларни эгаллашлари керак эди. Операция амалга ошмаган тақдирда Марказий Италияда фашистик ҳукумат тузилганлигини эълон қилиш ва янги «Римга юриш»ни тайёрлаш назарда тутилганди.

Бирданига қон тўкилди: Кремон, Болонья ва Алессандрияда сквадрчиларни бошқариб бўлмади қолди. Министрлар кабинети истеъфога чиқди, лекин аввалига қамал ҳолати ҳақидаги декретни қабул қилди ва, ҳатто уни жойларга тарқатди ҳам. Бу декретга биноан армия тартиб ўрнатиш учун зарур бўладиган ваколатларга эга бўлди. Бироқ энг сўнгги пайт шаҳар ташқарисидаги манзилгоҳидан чақириб келинган қирол Виктор-Эммануил III бу декретни имзолашдан бош тортди.

29 октябрь кундузи Миланда бўлган Б.Муссолини ўзининг премьер-министр қилиб тайинланиши ҳақидаги хабарни олди ва ўша куни кечқурун махсус поезддаги юмшоқ вагонда Римга кетди. Фашистлар формасини кийиб (қора кўйлак, кўнгир-яшил шим ва тўқали кўнж) қирол ҳузурига борди. Бир неча йилдан кейин немис ёзувчиси Э. Людвиг билан суҳбатда у Римга бораётганида ўзини ватанпарвар деб ҳис қилганини тан олди. Қирол билан айвонга чиқар экан, у қора кўйлаклиларнинг шоду хуррамлик қилаётган оломонини табриклади. Халқ киноя билан «юмшоқ вагондаги инқилоб» деб атаган фашистик тўнтариш ана шундай яқунланди.

Ҳукумат бошлиғи бўлиб олган ва мамлакатни бошқаришнинг ҳеч қандай тажрибасига эга бўлмаган дуче кўп сонли қарорлар ва буйруқлар чиқара бошлади. Уларнинг орасида энг асосийлари 1922 йилнинг 22 декабрида Муссолинининг шахсан ўзи тайинлаган аъзолардан иборат бўлган Катта фашистик кенгашнинг (КФК) тузилиши ва 1923 йили фашистик сквадрларнинг қиролга қасамёд қилувчи, лекин дучега бўйсунувчи кўнгилли миллий хавфсизлик милициясига (КМФМ) айлантирилиши бўлди. Муссолини эса тўлалигича бутун ҳокимиятни, биринчи навбатда ижроия ҳокимиятини ўз қўлларида жамлашга интиларди.

Бу йиллари Б.Муссолини иқтисодни соғломлаштиришнинг йўлини давлатнинг мувофиқлаштирувини тугатишда ва хусусий ташаббускорликни рағбатлантиришда кўрди. Фуқароларни бойлик тўплашга чақирган дуче кабинетининг ҳаракатлари солиқ тўловчилар асосий қисмининг мод-

дий фаровонлигига зарба бўлди, лекин капитализмнинг барқарорлашишига имкон туғдирди. 1924 йилнинг баҳор-ёзида мамлакатда жуда кескин сиёсий инқироз юз берди, бу инқирозга унитар социалистик партиянинг етакчиси Д. Маттеоттининг фашистлар томонидан ўлдирилиши сабаб бўлди. Газеталар қотиллик ҳақида хабарни тинимсиз чоп этар, шаҳар ва қишлоқлар ғазабдан қайнаб турар, кўчаларда кўп минг кишилик митинглар бўлиб, тарқоқ иш ташлашлар юз бериб турарди. Халқ Муссолинининг истеъфога чиқишини ва айбдорларнинг жазоланишларини талаб қиларди.

Муссолини парламентнинг ишини тўхтатишга мажбур бўлди. У илгари ҳеч қачон бундай ҳаяжонланмаган ва ўзини йўқотиб қўймаган эди. Ёрдмчиларининг гувоҳлик беришларича, ўша инқирозли кунларда дучени ваҳима қамраб олганди: кабинетда у ёқдан-буёққа изғиб юрар, ўзининг бошига муштлари билан урар, Италияда фашизм абадулабад тутатилди, деб қичқирарди. Кейин у руҳий тушкунликка мубтало бўлди. Атайлаб ўз дучесига мадад бериш учун Римга келган Болонья фашистларининг йўлбошчиси Л. Арпинати ва тўртта сквадрчилар уни шу ҳолатда учратдилар. Бир неча йил ўтганидан кейин дуче ўзининг даволовчи врачига тан олиб, шундай деганди: «Ўша кунлари 50 та, йўқ, ҳатто 20 та қатъиятли кишининг талаб қилиши менинг истеъфога чиқишим учун етарли бўларди».

Аста-секин инқирознинг ўта кучли даври ўтиб кетди, буржуазия яна фашизм маслаги атрофида бирлашди. 1925 йилнинг 3 январида дуче парламентда нутқ сўзлади, бу фашизмнинг ҳужумга ўтишини англатарди. Қисқа муддатларда Италияда жамиятдаги демократик институтларнинг йўқотилишига ва фашистик якка ҳукмронликка олиб келувчи «фавқулодда қонунлар»нинг бир тўплами чиқарилди. Дуче ўзига янги расмий лавозим — «ҳукумат бошлиғи» лавозимини эгаллаб олди ва бундан буён у расман ўз ҳаракатлари учун фақат қирол олдида жавоб бериши керак эди, ўз навбатида қирол ҳам қарорларни фақат дуче хабардор ва рози бўлгандагина имзолай оларди. Қонунчилик ва ижрочилик ҳокимиятларининг анъанавий бўлиниши анчагина даражада йўққа чиқарилганди, чунки ҳукумат ҳатто парламентнинг расмий розилигисиз ҳам қонун чиқаравериш ҳуқуқини олганди. Дуче ўз қарорлари ҳақида расмий қароргоҳларнинг балконларидан туриб эълон қилиш одатини мустаҳкам эгаллаб олди. Сарой олдидаги қора кўйлаклилар, шунчаки қизиқувчилар ҳам, дученинг у ёки бу қарор керакми, деган саволига шоду хуррамлик билан «Ҳа!» деб қичқирардилар. Расмий ахборот органларига фақат бу «халқнинг маъқуллаши»ни ўзига мос равишда баён қилишигина қолади, холос.

30-йиллар Италия учун Муссолини тузуми мустақамланиши ва ҳукмронлиги йиллари бўлди. Дуче қобилиятли ва ақлли диктатор эди. У фақат биргина зўравонлик билан сиёсий ҳокимиятнинг мустақам пойдевори-ни яратиш мумкин эмаслигини тушунарди, шунинг учун ҳам фашизм жамиятга доҳий обрўсини сўзсиз тан олишга асосланган ўз гоъвий-сиёсий ва маънавий «қадриятлари» тизимини фаол сингдирарди. Ҳар қандай бошқача фикр куч билан бостириларди. Католик Италия шароитида жамиятнинг келишувини таъминлаш анча даражада давлатнинг Ватикан билан муносабатларига ҳам боғлиқ эди. Албатта, Муссолини «Рим масаласи»ни ҳал этишни жуда ҳам хоҳларди. Ҳали 1870 йилнинг сентябридаёқ қироллик қўшинлари Римни эгаллаганида, Папа Италия ҳукуматини ланатлаган ва католикларга сиёсий ҳаётда иштирок этишни тақиқлаганди.

Муссолини ёшлик даврида жанговар атеист эди ва, ҳатто ўзининг баъзи бир мақолаларини «ҳақиқий худосиз» деб имзоларди. Христиан таълимотига ва унинг хизматчиларига қарши аёвсиз ҳужумлар 20-йилларнинг бошларига қадар давом этди, лекин тез орада Муссолини чиқишларининг оҳанги кескин ўзгарди. Ўзининг парламентда сўзлаган биринчи нутқида у ўн йиллардан буён кўтарилмаган «Рим масаласи»ни эса олиб ўтишга журъат қилди, премьер бўлганидан кейин эса вайрон қилинган черковларни тиклашга маблаг ажратди, мактаблар ва касалхоналарга хочни қайтарди, Миландаги католик университетини тан олди ва олтмиш минг черков руҳонийларининг маошларини оширди.

Муссолинининг бу хизматларини сиёсий стратегия ва тактика талаб этарди. «Рим масаласи» 1929 йили ҳал этилди. Италия қироллигининг расмий тан олинishi эвазига Ватикан 44 гектар ҳудудга ва минг кишига яқин аҳолига эга бўлган мустақил давлат мақомини олди. Бироқ Ватиканнинг фашистик тузум билан муносабатлари мураккаблигича қолди ва кейинчалик бир неча бор кескинлашди. Яширин полицияни ўз назорати остида сақлаган дуче агентлардан доимо мамлакатдаги кайфият ҳақида, олий мансабдорларнинг фаолиятлари ҳақида ҳам, қамоқхоналарда ва қувғинда бўлган собиқ сиёсий рақибларининг фикрлари ҳақида ҳам иложи борича кўпроқ ахборот талаб қиларди.

Муссолини газета саҳифаларида миллатнинг барча «буюк ютуқлари»нинг муаллифи, унинг фаҳри ва рамзи сифатида намоён этиларди. У оддий одамга ҳамма ерда ҳамроҳ эди, «доҳий»нинг портретлари уйларнинг деворларига ва трамвайларга ёпиштирилганди, унинг бюстлари шаҳар майдонлари ва хиёбонларини тўлдириб турарди, унинг сўзлари реклама афишаларини, тураржой ва давлат ташкилотлари биноларининг юқори

қисмларини, автомобиль ва темир йўллар ёқасидаги устунларни «безаб» турарди. Кўринишдан, қайсидир бир вақтлари Муссолинининг ўзи ҳам «Италияга худонинг инояти» билан юборилганлигига ва барча ютуқлар фақат унинг саъй-ҳаракатлари маҳсули эканлигига ишониб қолди. «Италияликлар, хотиржам бўлинглар, — деди у бир сафар Реджо Эмилияга қилган ташрифи давомида, — мен сизларни янада юқорига ва янада йироқроққа олиб бораман».

Миллатни «ёрқин келажакка» элтувчи «олий одам» ҳақидаги афсонанинг кўпиртирилиши 30-йилларнинг иккинчи ярмида ўзининг энг юқори нуқта-сига етди. Дученинг шаънига дostonлар ва қўшиқлар тўқилди, кинофильмлар олинди, монументал ҳайкаллар яратилди ва ҳайкалчалар қолипланди, расмлар чизилди ва тасвирли хат-қоғозлар чоп этилди. Оммавий митингларда ва расмий маросимларда, радиода ва газета саҳифаларида чексиз мақтовлар унга бағишланди. 1933 йилдан янги расмий йил ҳисоби «фашистлар даври»нинг йилларини ҳисоблай бошлади. Фашизм италиянларнинг кундалик ҳаётига шартли равишда «фашистча усул» тушунчаси остида бирлашган бир қатор маросимларни олиб кирди. «Бизнинг кундалик одатларимизни барчаси: бизнинг овқатланиш, кийиниш, ишлаш ва уклаш одатларимиз ўзгармоғи лозим», — деган эди Муссолини 1932 йили. Муссолини тузуми жамиятга янги хулқ-атвор нормаларини кирита бошлади. Фашистлар ўртасида қўл бериб кўришиш бекор қилинди, аёлларга шим кийиш тақиқланди, пиёдалар учун йўлнинг чап томонидан бир томонлама ҳаракатланиш белгиланди. Ҳукуматнинг қарорига биноан ёши, ижтимоий аҳволи ва жинсидан қатъи назар, барча италияликлар шанба кунлари ҳарбий-спорт ва сиёсий тайёргарлик билан шугулланишлари шарт эди. Б. Муссолинининг ўзи оммавий сузишлар, тўсиқлар оша чопиш ва отларда пойга уюштириб, бошқаларга шахсий намуна кўрсатди. Оммавий гимнастика машқлари ҳар кунги одатга айланди, унинг фикрича, ягона маромда ҳаракатланиш коллективчилик руҳининг етилишига қўмаклашар экан. 30-йилларда яна бир янги оммавий маросим пайдо бўлди: «фашистик тўйлар»нинг ҳар бирида Муссолини вакил ота деб ҳисобланарди. Аҳоли сонини кўпайтиришни у давлат сиёсати даражасига кўтарди ва бунга алоҳида эътибор қаратди, ўз фикрини эса қисқа иборада ифодалади: «Аҳоли кўп — солдат кўп — қудрат кўп».

Оддий аҳолининг кўпчилик қисми, айниқса 30-йилларнинг ўрталарида Муссолини ҳақида тахминан шундай фикр юритади: у мамлакатда тартиб ўрнатди, кўпчилик ишсизларга иш берди, миллатнинг улуғворлиги учун чин дилдан жон куйдирди ва «ижтимоий адолат» ўрнатишга уринди.

«Ижтимоий адолат» ҳақидаги гап-сўзлар, дученинг фикрига кўра, мамлакатда синфий қарама-қаршилиқни енгиб ўтишга мўлжалланган уюшма тизимининг ўрнатилишига кўмаклашарди. Дученинг атрофида саводи кам одамлар кўп эди. Кадрларни танлаш тамойили кулгили тарзда оддий эди — шахсан дучега ёқиши ёки дучега ёқмаслиги. Кўпинча бахтли кишини танлаш унинг ташқи кўринишига, ўзини кўрсата олиш қобилиятига, ёқимли ҳазил қилишига ёки шунга ўхшаш яна бирор нарсага боғлиқ эди. 1927 йил 26 майда депутатлар палатасида сўзга чиққан Муссолини ўз аппарати ҳақида шундай деди: «Барча министрлар ва уларнинг ўринбосарлари — солдатлар. Уларни ҳукумат бошлиғи қай тарафга йўналтирса, ўша томонга юрадилар ва агар мен тўхташни буюрсам, улар тўхтайдилар». Дуче, унинг топширигига биноан махсус хизмат вакиллари мансабдорларнинг шахсий ҳаёти ва ёзишмаларини назорат қилишни яширмасди. Уларнинг ҳар бирини ишончсизлик ва ўз келажагидан кўрқиб туйғуси бирор дақиқа ҳам тарк этмасди, чунки Муссолини оммавий ахборот воситалари орқали бўшатишлар ва оммалаштириш ҳақида хабар қилиб, тез-тез ва ҳафсала билан ўз яқинларининг «карталарини чалкаштириб» турарди.

Кўпгина тайинлашлар расман қиролнинг номидан амалга ошириларди, дуче унинг қабулига доимий равишда сешанба ва пайшанба кунлари бориб турарди. Юридик жиҳатдан Виктор Эммануил III давлат бошлиғи-лигича қолганди, бу эса мамлакатни бошқаришда дуализм кўринишини яратарди. Вақти-вақти билан дуче ва қирол ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлиб турарди, лекин барча муҳим масалаларда Б. Муссолини галаба қиларди. У ҳатто «Қирол марши» билан бир қаторда фашистларнинг «Жиовинецца» кўшигини ҳам давлат гимни қилишга эришди. Эҳтимол, бу битта мамлакат иккита расмий гимнга эга бўлган ягона ҳолат эди.

1933 йили Германияда ҳокимият тепасига Гитлернинг келиши Муссолинини муносиб иттифоқчи билан таъминлади. Унинг ёрдам беришига ишонган Б. Муссолини Эфиопия билан урушга киришди. Гитлер билан иттифоққа ва Рим келишувининг имзоланишига суянган дуче ўзининг тажовузкорона режаларини Европада ҳам амалга оширишга киришди — 1936 йили республикачи Испанияга қарши ҳарбий-фашистик кўзғолон ташкил қилди, унинг натижасида Испанияда генерал Франсиско Франконинг тузуми ўрнатилди. Гитлер амалга оширган Австриянинг зўрлик билан Германияга қўшиб олинishi (аншлюс) вақтида Муссолини, мавжуд шартномаларга қарамасдан, Австрия ҳукуматига ёрдам беришдан бош тортди. 1938 йилнинг сентябрида Муссолини Германиянинг Чехословакияни босиб олишини белгилаб берган ва Иккинчи жаҳон урушининг бошланишига сабабчи бўлган Мюнхен шартномасининг ташкилотчиларидан бири бўлди.

1943 йилдан бошлаб Муссолини ва унинг тузуми учун қора кунлар келди. 1943 йилнинг июлида АҚШ ва Англия Сицилияда, кейин эса Италиянинг ўзида ҳам ҳарбий ҳаракатлар бошлади. Бу ҳаракат 1943 йил 3 сентябрда Сицилия оролида қирол Виктор-Эммануил III имзолаган Италиянинг таслим бўлиши билан якунланди. Катта фашистик кенгаш Муссолинига қарши овоз берди, қарийб йигирма йил давомида мамлакатнинг сиёсий ҳаётида қатнашмаган Италия қироли 1943 йилнинг сентябрида Б. Муссолинини қамоққа олишга буйруқ берди. Тез орада Гитлернинг шахсий кўрсатмасига биноан СС штурмбанфюрери Отто Скорцени бошчилигидаги немис парашютчилари томонидан дуче озод қилинди ва Гитлер билан музокаралардан сўнг немис алоқа йўллари кўриқлаш мақсадида шошапиша тузилган Сало (Ломбардия) республикасига раҳбарлик қилиш учун кўриқчилар билан Италиянинг шимолига юборилди.

1943 йилнинг 23 сентябрида Муссолини янги ҳукумат тузди, бу ҳукуматнинг биринчи шиорлари — Италиянинг ҳақоратланган шон-шухратини, ғурури ва улуғворлигини қайта тиклаш, таслим бўлишнинг шармаидалигини ювиб ташлаш. Қирол Виктор-Эммануил мағлубиятчиликда ва давлат тўнтаришини ташкиллаштиришда айбланди. 28-29 сентябрда Сало республикасини Германия, Япония, Руминия, Болгария, Хорватия ва Словения давлатлари тан олди, бу Муссолинига норозилардан ўч олиш имкониятини берди. Б. Муссолини ҳатто Италиянинг собиқ ташқи ишлар министри, ўзининг катта қизи Эдданинг эри Галиаццо Чианони отиб ташлашдан ҳам қайтмади. 1944 йилнинг ёзига келиб Сало республикасининг аҳволи қийинлашди. 1944 йилнинг 4 июнида Америка кўшинлари Римга, августда эса Флоренцияга кирдилар ва Италиянинг шимолига қараб юрдилар.

1945 йилнинг баҳорида Италия қаршилик ҳаракати отрядлари вермахтнинг чекинаётган кўшинлари билан ҳал қилувчи жангга киришдилар. 1945 йил 27 апрелда Донго деган жойда партизанлар отряди унча катта бўлмаган немис қисмини тўхтатди. Юк машиналаридан бири текширилаётганида унда Муссолини топиб олинди. Келгуси кун тўлиқ махфийлик шароитида Миландан келган қаршилик ҳаракати отрядларидан бирининг командири полковник Валерио Б. Муссолинини Меццегра қишлоғига олиб чиқди, у ерда собиқ дучени ва унинг севгилиси Клара Петаччини отиб ташлади. Ўлимларидан сўнг, шармандалик белгиси сифатида, уларнинг жасаdlари оёғи осмондан қилиб осиб қўйилди.

Демократия — бу халққа у ҳукмрон эканлиги ҳақидаги хом хаёлни берувчи ёки беришга уринувчи ҳукуматдир. (Бенито Муссолини)

ИМРЕ НАДЬ ЖУМБОҚЛАРИ



НАДЬ, ИМРЕ (NAGY, IMRE)

(07.06.1896, Капошвар — 16.06.1958, Будапешт)

Венгер давлат ва сиёсат арбоби. Биринчи жаҳон уруши йилларида австро-венгер армиясида хизмат қилган, русларга асир тушган. 1917 йили РКП (б)га кирган. Фуқаролар уруши йилларида Қизил Армия сафларида жанг қилган. 1921 йили Венгрияга қайтиб келган. 1930—1944 йиллари СССРда яшаган. 1944 йилнинг охирида Венгриянинг аввалига коалицион, кейин коммунистик ҳукуматларида министрлик лавозимини эгаллаган. 1953 — 1955 йилларда Венгрия Министрлар Кенгашининг раиси. Венгрия социализмини либераллаштиришга, майда маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жонлантиришга йўналтирилган «Янги йўналиш»ни эълон қилган. 1955 йили ўз лавозимидан озод қилинганидан сўнг Венгриядаги сталинчиликка қарши муҳолифатнинг етакчиларидан бири бўлган.

2008 йилнинг июнида Венгрия премьер-министри Имре Наднинг 1956 йилги қўзғолон вақтида қатл этилганига 50 йил тўлди. И. Наднинг сиёсий қарашлари, унинг 1956 йилги қўзғолон кунларидаги ҳукумат бошлиғи сифатидаги фаолияти, ниҳоят 1958 йилги уқубатли ўлими уни бутун дунёга машҳур қилди. Унинг номи Марказий ва Шарқий Европа халқларининг Сталин ҳукмронлигига, тоталитар тузумга қарши озодлик ҳаракатининг рамзларидан бири ҳисобланади. Ана шу маънода бу ҳудуддаги демократик жараёнларнинг бошланиб кетиши мумкин бўлиб қолган шароитда И. Наднинг оқланиши Венгриядаги ижтимоий тузумнинг тез ўзгартирилишига кўмаклашувчи сабаб бўлди. Ҳозирги даврда Имре Наднинг мустақиллик учун курашчи сифатидаги хотирасини ҳатто ўнг йўналишдаги арбоблар ҳам ҳурмат қилдилар. И. Наднинг қабри саждагоҳ бўлиб қолган. Фожиали ҳалок бўлган машҳур сиёсатчининг ҳурматини сақлаган ҳолда, шу билан бирга 1956 йилги қўзғолоннинг сабаблари ва ҳаракатга келтирувчи кучларини, асосий сиёсатчиларнинг, энг аввало Имре Наднинг бу венгер қўзғолонидаги ролини аниқлашга уринишлар тобора кўпайиб бормоқда. Албатта, Надни аниқ қаҳрамонга айланттириш ҳам ўринли эмас, у мураккаб, ҳатто зиддиятли шахс бўлган, бунинг устига, у яшаган давр жуда ҳам тўс-тўполонли эди.

И. Наднинг номи атрофида жумбоқлар мавжуд. Масалан, Россияда уни 1918 йилнинг июлида подшо оиласини отиб ташлашда иштирок этганга чиқариб қўйишга уриндилар. Нима учун? Шунинг учунки, подшони ва унинг оиласини отганлар орасида ҳақиқатан ҳам бир нечта венгерлар, аниқроғи австро-венгер армиясининг ҳарбий асирлари ҳам бўлган. Колчакчи

генерал Дитерихс уларни беш киши деб ёзади. Шаҳзоданинг тарбиячи-ўқитувчиси Жильяр еттита венгер ҳақида гапиради. Турли фамилиялар келтирилади, гўёки у ерда Надь деган фамилия ҳам бўлган эмиш. Надь деган фамилия венгрлар ўртасида кенг тарқалган. Таржимаи ҳолига кўра И. Надь 1918 йили Уралда эмас, Сибирда, Верхнеудинск районида (ҳозирги Улан-Уде) бўлган. Масалан, Коминтерннинг кадрлар бўлимига топширилган таржимаи ҳолида у шундай ёзади: «1918 йилнинг март ойигача Берёзовкадаги (Забайкалье, Верхнеудинск яқинида) ҳарбий асирлар лагерида бўлдим. Мартда қизил гвардияга кирдим, Байкалдаги жангларда иштирок этдим. 1918 йилнинг сентябрида совет-мўғул чегарасида, Троицкосавскда бўлдим, Берёзовкада чехословаклар томонидан қуролсизлантирилдим ва қамоққа олиндим, кейин Иркутск яқинидаги ҳарбий шаҳарчада бўлдим». Ҳақиқатда у ерда И. Надь яна ёзади: «Мен 1918 йилнинг июнидан партия аъзосиман. ВКП (б)га Верхнеудинскда кирдим. Партия йўлидан четга чиқишлар бўлган эмас, муҳолифатга қўшилмаганман». Агарда у подшоҳни отишда қатнашган бўлганида, Коминтерн кадрларига берган қоғозиди бу ҳақда ҳеч бўлмаганда шунга шама қилиб ўтган бўлмасмиди?!

Имре Надьнинг номи билан боғлиқ яна бир жумбоқ унинг 1933—1941 йилларда собиқ СССРнинг жазо органлари билан ҳамкорлик қилганлиги. Бу ҳақда 1989 йили маълум бўлди. Аммо бу соҳадаги шубҳалар Москвадаги венгер коммунистик эмиграцияси доирасида ҳали урушдан олдиноқ бор эди. Будапештдаги баҳслар давомида турли хил тахминлар пайдо бўлди, ҳатто И. Надь СССР фуқароси ва КПСС аъзоси бўлган, деган тахминлар ҳам айтилди. Демак, 1958 йили совет фуқаросини қатл этишган бўлиб чиқади. Асосийси, албатта, И. Надьнинг сиёсий роли ҳақидаги масала ва, айниқса унга ўлим жазоси берилиши эди. Аммо И. Надьнинг НКВД билан алоқаси ҳақидаги шубҳаларни ҳам аниқлаш талаб қилинарди.

Сиёсий бюро архивларига МК ходимлари кира олмас эдилар, КГБ ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. КПСС МКнинг халқаро бўлими ходимлари бўлимларнинг архивларини қайтадан кўриб чиқдилар, улар, шунингдек, марксизм-ленинизм институтининг (шўролар замонида шундай институтлар бор эди) баъзи архивларини ҳам кузатдилар. Коминтерннинг кўпгина ходимлари НКВД билан ёки Бош разведка бошқармаси (БРБ) Бош штаби билан яқин алоқада эканликлари маълум эди — СССР бутун жаҳон коммунистларининг ватани ҳисобланарди. Совет Иттифоқи капитализмнинг қамровида жойлашганди, душман умумий эди — фашизм, иш услублари кўпинча махфий бўларди. Шунинг учун ҳам кўпгина чет эллик коммунистлар машҳур совет разведкачилари бўлганлар — немис Зорге, яҳудий Треппер, венгер Радо ва бошқалар.

Вақти келиб, албатта, НКВД Коминтерн ходимлари устидан кучли назоратни амалга ошира бошлади, бу эса албатта нормал ҳолат эмасди.

Бироқ И. Надь ҳақида миш-мишлардан ташқари партия архивларида ҳеч нарса топилмади. У 1936 йили совет фуқаролигига кирган, аммо чиққанлиги ҳақидаги белгини топа олмадилар, лекин, албатта, кейинроқ И. Надь Венгрия фуқароси бўлмаслиги мумкин эмас эди. КПССдан у расман 1954 йили чиққан. Коминтерндаги таржимаи ҳолдан маълум бўлдики, 1920—1921 йиллари Имре Надь 5-армия Бутунроссия фавқулодда комиссиясининг алоҳида бўлимида хизмат қилган. Кейин эса у Венгрияга яширин партия ишига юборилган. 1935 йили Наднинг «беқарор»лиги учун, аслида эса унинг хотини Венгрияга отасиникига бориб келганлиги, И. Надь эса бу ҳақда Венгрия КПсини ва Коминтернни огоҳлантирмаганлиги учун, ВКП (б)дан чиқарилиши билан боғлиқ ғалати воқеа ҳам бўлган. Бироқ 1939 йили ВКП (б) МК қошидаги партия назорати комиссияси Партия коллегияси уни партияга тиклади, хотинининг ташрифи учун огоҳлантиришни эса қолдирди. Ўша суронли вақтларга қараганда фантастик тарих, лекин бу одамнинг омади чопган. Кўринишдан, уни кимдир қўлаб юборган. И. Надь ҳеч қачон догматик бўлмаган, совет элчиси Пушкин эса Сиёсий бюронинг мажлисида коммунистлар билан социал-демократларнинг бирлашишларига норозилик билдирганлиги ҳақида 1948 йилдаги ахборот топилган. Лекин бу пайтга келиб КГБ архивларидан 30-йилларда И. Надь НКВДнинг яширин ахборотчи ходими бўлганлиги аниқланган эди. «Володя» 1933 йилнинг 17 январида ишга жалб этилган ва бутун иши давомида венгер сиёсий эмиграциясидан бир қатор шахсларнинг советларга қарши фаолиятлари ҳақида ахборотлар бериб турган. 1953 йилнинг июлида И. Надь премьер-министр бўлди. Унинг Венгрия тараққиёти ҳақидаги фикрлари 1953—1954 йиллардаги ҳукумат дастурида ўз ифодасини топган. Бу даврга келиб Надь кўп нарсани бошидан ўтказишига тўғри келди.

30—40-йиллари СССРда яшаганлиги оғир тажриба бўлган, бунинг устига у яна НКВД билан «дўстлик»ка асосланган эди. Албатта, унинг социализм ҳақидаги қарашлари Сталинникидан фарқ қиларди. У аграр масала бўйича мутахассис-назарийетчи бўлди, Венгрия Фанлар Академиясининг аъзоси этиб сайланди. И.Надь сиёсатда Ракоши-Гере-Реваиларнинг қатъий йўналишига дуч келди, 1949 йили унинг ўз-ўзини танқид билан шугулланишига тўғри келди, акс ҳолда у МКда қолмаган бўларди. Уни Сиёсий бюродан вақтинча чиқардилар, бироқ «бухаринчи» деган ёрлиқни барибир ёпиштирдилар. Кутулиш учун мураса қилишга тўғри келди. 1951-йили ВМП МК бўлим бошлиғи пайтида унинг бошқа ҳамкасблари билан биргаликда Янош Кадарни ҳибсга олиш таклифи ёзилган қоғозга қўл қўйганлиги маълум.

1956 йил 23 октябрда коммунистлар тузумига қарши қўзғолон пайтида И. Надь инқилобий ҳукуматнинг премьер-министри бўлди. Бу ҳукуматнинг дастури социалистик давлатни сақлаб қолган ҳолда деҳқонлар ва майда мулкдорлар учун хўжалик юритиш эркинлиги, умумхалқ фаровонлигини, ишчилар кенгашларининг эркинлигини, эркин сайловлар ўтказишни, совет қўшинларини Венгриядан чиқаришни, Венгриянинг бета-рафлигини назарда тутарди. 1 ноябрда совет қўшинларининг киритилишига норозилик белгиси сифатида Венгриянинг Варшава шартномаси ташкилотидан чиққанлигини эълон қилди, БМТга Венгриянинг мустақиллигини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилди. 1956 йилнинг 4 ноябрида СССР, аввал ўзига олган мажбуриятларини бузиб, Венгрияга бостириб киришни амалга оширди ва Я.Кадар бошчилигидаги янги ҳукуматни ўрнатди. И. Надь ва унинг энг яқин сафдошлари Югославия элчихонасида паноҳ топдилар. 1956 йил 22 ноябрда, унинг шахсий хавфсизлигини сақлаб қолиш ҳақидаги Я. Кадарнинг ваъдаларига қарамасдан, И. Надь ва унинг тарафдорлари қўлга олинди ва қамоққа ташланди.

1958 йилнинг июнида И.Надь бошқа инқилобчилар билан бирга Будапештда яширин қатл қилинди ва номсиз қабрга кўмилди. 1989 йили унинг жасади қазиб олинди ва ҳурмат-иззат билан қайтадан кўмилди.

«ҲИНДИСТОННИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ»

НЕРУ, ЖАВАҲАРЛАЛ (NEHRU JAWAHARLAL)
(14.11.1889, Оллоҳобод — 27.05.1964, Дехли)

1947 йилдан Ҳиндистон Республикасининг премьер-министри ва ташқи ишлар министри. Уйда бошланғич таълим олган, Харроуда ва Кембриж университетининг Тринити-коллежида ўқиган. 1912 йили Ҳиндистонга келиб, юридик амалиёт билан шуғулланган. Миллий озодлик учун курашда М.Гандининг сафдоши, Ҳиндистон Миллий Конгрессининг (ХМК — 1885 йили асос солинган) етакчиларидан бири. Мустамлака Ҳиндистонда (1947 йилгача) таъқиб қилинган, ўн йилдан кўпроқ умрини қамоқхоналарда ўтказган. Тарихга «Янги Ҳиндистоннинг қурувчиси» сифатида кирган. Ҳиндистон ҳукумати Ж.Неру раҳбарлигида мамлакатда қолоқликни тугатиш бўйича йирик тadbирларни амалга оширди. Ташқи сиёсат соҳасида у «ҳақиқий бетарафлик» йўлини тутган.



Ж. Неру олий кастага мансуб бўлган кашмирлик брахман оиласида туғилди. Оила маблағининг анчагина қисми унинг сиёсий фаолиятини таъминлашга ва у 1929 йили, кейин яна 1936, 1937, 1946 ҳамда 1951—1954

йиллари ҳам президенти қилиб сайланган ҲМК партиясини қўллашга кетди. 1946 йилнинг сентябрида у Ҳиндистон ўтиш даври ҳукуматининг раис ўринбосари этиб тайинланди, бу ҳукуматда Ж. Неру ташқи ишлар министри ва ҳамкорлик ишлари бўйича министр лавозимларини ҳам эгаллади. 1947 йил 15 августда у янги доминион — Ҳиндистоннинг биринчи премьер-министри бўлди ва 1950 йилнинг январида мамлакат мустақил республика мақомини олганидан кейинги 1951—1952 йиллари ҲМКни ҳокимиятга қайтарган биринчи умумхалқ сайловларидан сўнг ҳам Ж. Неру шу лавозимда қолди.

Мустақилликка эришган янги Ҳиндистоннинг «меъмори» ўзида марксизм, либерализм ва фабианча социализмнинг таъсирини сезарди. Ж. Неру Ҳиндистонни саноати ривожланган ва иқтисодий мустақил давлатга айлантиришга интилди. СССРдаги иқтисодий ўсишнинг юксак даражаси таъсири остида бўлган Ж. Неру Ҳиндистон учун давлатнинг сезиларли даражада бошқариши ҳолатидаги аралаш иқтисод усулини қўллаб, бозорни режали иқтисод билан бирга олиб боришга уринди. Ташқи сиёсатда қўшилмаслик ҳаракатини яратиш ва қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришнинг ташаббускорларидан бири бўлди.

1959 йили Ҳиндистоннинг Хитой билан чегара баҳслари иккала мамлакатни қуролли тўқнашувга олиб келишига салгина қолди ва Неру, агар зарур бўлса ўзининг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун куч ишлатади, дея огоҳлантириб, қатъий позицияни эгаллади. Ўша йилнинг ўзида Хитой қўшинлари Тибетга киритилганидан кейин Далай-ламага бошпана берганида ҳам Ж.Нерунинг Хитой билан муносабатлари ўзгармади. 1957 йили у келгуси беш йил учун парламентга сайланди. 1958 йилнинг апрелида «янги фикрлар»ни тўплаш учун вақтинча ишдан четлашиш истагини билдирди. ҲМК етакчилари бундан шунчалар хавотирга тушдиларки, Ж. Нерунинг ўз режаларидан воз кечишига ва премьер-министр лавозимида қолишига тўғри келди. 1962 йилнинг март ойида у яна парламент депутаты этиб сайланди. Унинг китоблари орасида — «Жаҳон тарихига бир назар» («Glimpses of World History», 1934), «Таржимаи ҳол» («An Autobiography»), «Озодлик томон» («Toward Freedom», 1941) ва «Ҳиндистонни кашф этиш» («The Discovery of India», 1946) кабилари машҳур.

Неру 1964 йил 27 майда Деҳлида вафот этди.

Мен Ҳиндистонни бошқараётган охириги англиялик бўламан (ўзининг Англияда маълумот олганлигини назарда тутган. (Жаваҳарлал Неру)

БУТУНРОССИЯ ИМПЕРАТОРИ

НИКОЛАЙ II (НИКОЛАЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ РОМАНОВ)
(06 (18).05.1868, Царское Село, Петербург — 17.07.1918, Екатеринбург)



Рус подшоши, охирги Россия императори (21.10. (02.11) 1894 — 02.(15).03.1917). Александр III ва Дания маликаси Дагмаранинг (Мария Фёдоровнанинг) ўгли. Николай II га катта таъсир кўрсатган ва ўз тарбияланувчисини подшоликнинг асослари мустаҳкамлигига ишонтирган К.П. Победоносцев раҳбарлигида уйда билим олган. Ҳарбий ҳаёт билан танишиш учун лагер йиғинларини ўтаган ва 1892 йили полковник унвонини олган. 1889 йилдан давлатни бошқариш билан танишиш учун Давлат кенгаши ва Министрлар комитетининг ишларида иштирок этган. 1890—1891 йиллари Узоқ Шарққа саёҳат қилиб, таълим олишни яқунлади. 1894 йилнинг октябрида тахтга ўтирди.

1896 йили Москвадаги Ходинка майдонида ўтган тож кийдириш маросимида ҳокимиятнинг жиной бепарволиги оқибатида юз берган ур-йиқитда камайтирилган расмий маълумотларга кўра 1389 киши тепкиланган ва бўғилиб ўлган, 1300 киши майиб бўлган. Бу фалокат Николай II га тантаналарни давом эттиришга халақит бермади. Фожианинг айбдорлари жазоландилар. Россиянинг қудратини мустаҳкамлашга интилган С.Ю.Виттенинг иқтисодий дастурини маъқуллаган Николай II аграр сиёсатни ўзгартиришга журъат қила олмади ва 1903 йили С. Витте молия министри лавозимидан бўшатилади. Мамлакатда инқилобий ҳаракатнинг кучайиб бораётганлиги шароитида ва буюк князь Александр Михайлович, А.М. Безобразов ва бошқа жаҳолатпарастлар томонидан Кореяни босиб олишга ундалган Николай II рус-япон урушида ҳарбий мағлубиятга ва 1905 йилнинг 9 январидан ишчиларнинг тинч намоёниши ўққа тутилганидан кейин инқилобга эга бўлди, холос.

Иродасиз ва ўжар, тасаввуфга мойил бўлган, халқнинг муҳаббати ва садоқатига гўллик билан ишонган Николай II нинг ўзи фақатгина ўз оиласини: турмуш ўртоғи Алиса Гессенская (Александра Фёдоровна), қизлари Ольга, Татьяна, Мария, Анастасияларни ва ўғли — вориси, гемофилия¹ касаллигига дучор бўлган Алексейнигина яхши кўрарди. Николай II Россияда ўша даврда мавжуд бўлган сиёсий партиялар билан ҳисоблашишни истамас эди. Черносотенчиларга мойиллик билдирар ва «Рус халқи иттифоқи»га кирар, императорлик фамилиясини булғаган Г.Е. Распутиннинг кучли таъсири остида турарди.

¹ Гемофилия — эркаларнинг наслий касаллиги, кўп қон кетиши билан характерланади.

Биринчи жаҳон урушида Николай II Антанга томонида бўлди. Урушнинг бошларидаги ватанпарварлик эҳтироси ҳарбий мағлубиятдан афсусланиш билан алмашинди. Мамлакатда инқилобий кайфиятнинг ошиб бориши, Николай II нинг ўзига олган олий Бош қўмондонлик ролини удалашга қодир эмаслиги 1917 йилги Февраль инқилобига олиб келди. 1917 йилнинг март ойида Николай II подшоликни сақлаб қолишга уриниб, укаси Михаил фойдасига тахтдан воз кечди, укаси эса тожни қабул қилишдан бош тортди.

Николай II оиласи билан Муваққат ҳукумат томонидан қамоққа олинди ва Царское Селода сақланди, кейин эса Тобольскка жўнатилди. Октябрь тўнтаришидан кейин оиласи билан Екатеринбургга олиб келинди, у ерда судсиз отиб ташландилар, жасаглари эса яширин тарзда олиб чиқилди ва ёқиб юборилди.


XXI асрнинг бошларида уларнинг қабрлари очилиб, генетик экспертиза ўтказилди ва рус проваслав черковининг қарорига мувофиқ 2000 йилнинг 20 августидан Николай II, Александра Фёдоровна, ўғли Алексей, қизлари — Ольга, Татьяна, Мария ва Анастасиялар авлиё-анбиёлар жумласига киритилдилар.

АҚШНИНГ 37-ПРЕЗИДЕНТИ

НИКСОН, РИЧАРД МИЛХАУЗ

(ингл. RICHARD MILHOUS NIXON),

(09.01.1913, Йорба-Линда, Калифорния штати —
22.04.1994, Нью-Йорк)



АҚШнинг 37-президенти. 1934 йили Уиттиер шаҳридаги (Калифорния штати) коллежни ва 1937 йили Дарем шаҳридаги (Шимолий Каролина штати) Дьюк университетини тугатиб, юридик маълумот олган. 1937—1942 йиллари адвокатлик идораларидан бирининг эгаси билан шерик бўлиб, юридик амалиёт билан шуғулланган. 1939—1945 йиллари, Иккинчи жаҳон уруши вақтида Никсон фавкулдда тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳукумат бошқармасида ишлади, кейин эса капитан-лейтенант унвони билан АҚШ ҳарбий-денгиз кучларида ҳарбий хизматда бўлди.

Сиёсий фаолиятини Калифорния штатида бошлади. 1946 ва 1948 йиллари вакиллик палатасининг аъзоси этиб, 1950 йили эса Республикачилар партиясининг рўйхати бўйича шу штатдан сенатор этиб сайланди. 1953—1961 йиллари Р. Никсон Д. Эйзенхауэр ҳукуматида АҚШ вице-президенти лавозимида бўлди. 1960 йилги президентлик сайловларида мағлу-

биятга учраб, 1961 йили Калифорнияда юридик амалиёт билан шуғулланди. 1963 йили Нью-Йоркка ўтди ва АҚШнинг энг йирик юридик фирмаларидан бири бўлган «Никсон, Мадж, Роуз, Гатри, Александер энд Митчелл» фирмасида шерик бўлди. Айти пайтнинг ўзида бир неча йирик фирмаларнинг директорлар кенгаши таркибига кирди. АҚШнинг сиёсий ҳаётида ва Республикачилар партияси фаолиятида фаол қатнашишда давом этди. 1968 йили президентлик сайловларида ғалаба қилди ва 1969 йили АҚШнинг президенти бўлди. Р. Никсон АҚШни чуқур иқтисодий ва сиёсий инқироз қамраб олган бир пайтда ҳокимиятга келди. 1969 йилнинг иккинчи ярмида саноат ишлаб чиқаришининг кескин пасайиши бошланди, шундай кескин даражада ишсизлик ҳам ошиб борди. 1971 йилнинг январидан ишсизлар сони 5 млн. кишидан ошиб кетди, бу умумий ишчи кучининг 6% га яқинини ташкил қилар эди. Акцияларнинг қиймати кескин тушиб кетди, инфляция ва нарх-наво тўхтовсиз ўсиб борди.

Яқин Шарқда араб-исроил муносабатларининг кескинлашуви натижасида нефть ишлаб чиқарувчи давлатлар АҚШга нефть етказиб беришни кескин камайтирди, оқибатда мамлакатда чуқур энергетика инқироzi келиб чиқди. Бу ҳам ўз навбатида нарх-навоининг ўсиши ва инфляциянинг кучайишига олиб келди. Иқтисодий инқироз республикачиларни ўз қарашларини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. Никсон ҳокимиятга келиши арафасида давлатнинг ва федерал ҳукуматнинг иқтисодиётни тартибга келтирувчи ролини пасайтириш ва эркин тадбиркорликни кучайтириш ҳақида гапирган эди. Иқтисодий инқирозга дуч келган республикачилар орасида энди федерал ҳукуматнинг иқтисодиётни тартибга солувчи ролини ошириш тарафдорлари пайдо бўлди ва уларга илгари иқтисодиётга ҳукуматнинг аралашувини хаёлига ҳам келтирмайдиган президентнинг ўзи бошчилик қилди. 1971 йил 15 августда Никсон «янги иқтисодий сиёсат»га ўтилганлигини эълон қилди.

Янги иқтисодий сиёсатта биноан нарх-наво ва иш ҳақининг оширилиши тўхтатиб қўйилди, давлат харажатлари қисқартирилди, долларнинг олтинга алмаштирилиши вақтинча тўхтатилди ва АҚШга олиб кирилаётган товарларга 10%лик бож солиғи белгиланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ўрнатилган олдинги чекловларнинг барчаси бекор қилинди.

Аммо бу тадбирлар фойда бермади. Инфляциянинг ўсиши давом этди, унинг тезлиги ошди. Нарх-наво, айтиқса озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи жуда тез ўсиб борди. Янги иқтисодий сиёсат боши берк кўчага кириб қолди. Р. Никсон ҳукумати энергетика муаммосини ҳам ҳал қила олмади.

Неоконсерваторлар фақат ижтимоий соҳада кўзга кўринарли муваффақиятларга эришди. Никсон ҳукумати ўзининг беш йиллик фаолияти давомида қариллик нафақасининг миқдорини бир неча мартага оширди, шунингдек, меҳнатга лаёқатини ва боқувчисини йўқотганлик учун тўланадиган нафақалар миқдори ҳамда уларни оладиганлар сони сезиларли даражада оширилди. Айнан ижтимоий соҳадаги муваффақиятлар Р. Никсоннинг 1972 йили қайта сайланиши сабабларидан бири бўлди.

Айни пайтда Никсон маъмурияти оммавий намоёнишлар ва ижтимоий норозилик ҳаракатларига қарши кескин сиёсат олиб борди. Намоёниш ва ҳаракатларнинг қатнашчиларига, асосан ёшлар ва афро-америкаликларга нисбатан қатағонлар кучайтирилди. 1970 йилнинг бошида негрлар ташкилотларининг 30 нафар раҳбарлари судсиз ва сўроқсиз отиб ташланди. Ташқи сиёсат соҳасида Р. Никсон маъмурияти Америка империализмининг глобал позициясини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўналишини давом эттирди, бунга тўғридан-тўғри ҳарбий куч ишлатилганлигини ҳам қўшиш мумкин, бу эса Ҳиндихитой халқларига қарши тажовузкорона урушда ғалаба қилишга уринишларида намоён бўлди. 1969—1970 йиллари эълон қилинган «Никсон доктринаси» Америка қуроли кучларининг локал урушларда бевосита иштирокини қисқартиришни, Американинг ҳарбий блоклар ва икки томонлама шартномалар доирасидаги мажбуриятларини сақлаб қолган ҳолда озодлик ҳаракатларига қарши урушлардаги моддий харажатларни АҚШнинг иттифоқчиларига юкланишини назарда тутарди.

1973 йил 27 январь куни Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ва бу мамлакатдан Америка қўшинларини олиб чиқиб кетиш тўғрисида Париж битими имзоланди. АҚШ ўз тарихида биринчи марта Осие мамлакатида олиб борилган урушда мағлубиятга учради. Вьетнам урушидаги мағлубият Америка халқига катта маънавий зарар етказди. 70-йилларнинг бошларидан Р. Никсон маъмуриятининг АҚШ-ва-СССР ўртасидаги алоқаларга муносабатида ижобий ўзгаришлар рўй берди. 1972—1974 йилларда олий даражадаги совет-америка учрашувлари натижасида турли ижтимоий тузумлардаги давлатларнинг биргаликда тинч яшаш тамойилларига асосланган ва ядро уруши хавфининг олдини олишга, стратегик қуроолларни чеклашга, АҚШ билан СССР ўртасида кенг иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорликни ривожлантиришга асосланган муҳим шартномалар имзоланди.

1972 йилги президент сайловларида Р. Никсон яна ғалаба қозонди ва иккинчи муддатга АҚШ президенти бўлди. Аммо конгрессга бўлиб ўтган сайловларда демократик партия вакиллари ғалаба қозонди. Улар иккала палатада ҳам кўпчилик ўринга эга бўлиб, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир ўтказиш имкониятини қўлга киритдилар.

Бўлиб ўтган сайловлардан кейин тез орада сиёсий жанжаллар бошланди. Улардан биринчиси АҚШ вице-президенти С. Агньюни порахўрликда айблаш билан боғлиқ. Суд С. Агньюни айбдор деб топди ва уч йил шартли қамоқ жазосига ҳамда 10 минг доллар жарима тўлашга ҳукм қилди. Вице-президент «ўз хоҳишига кўра» лавозимини тарк этди. 1973 йили «Уотергейт иши» деб аталган янги жанжал бошланди. 1972 йил 17 июнь куни АҚШ Демократик партиясининг ҳашаматли Уотергейт меҳмонхонасида жойлашган штаб-квартирасида яширинча эшитиш аппаратлари ўрнатаётган бир гуруҳ кишилар қўлга олинди. Бу ишга президент Р. Никсоннинг ўзи дахлдор бўлиб чиқди. Ушбу жанжални текшириш жараёнида коррупция ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилишига олиб келган ғайриқонуний бошқа ҳаракатлар ҳам очилиб қолди. Мамлакатда президентнинг истеъфога чиқишини ёки унга импичмент¹ эълон қилинишини талаб қилиб кампания бошланиб кетди. Импичментнинг муқаррарлигидан чўчиган Р. Никсон 1974 йили 9 августда истеъфога чиқди.

У 1994 йил 22 апрелда вафот этди.

Келинг, ҳақиқатни гапириш ва ҳақиқат бўйича яшаш мажбуриятини ўз зиммамизга олишдан бошлайлик. (Ричард Никсон)

ОЗОД ОФИЦЕР

НОСИР, ЖАМОЛ АБДУЛ (GAMAL ABDEL NASER)
(15.01.1918 — 28.09.1970)

1956 йилдан Миср президенти. Асьют вилоятидаги Бени-Мурда тугилган. Қироллик ҳарбий академиясини тамомлаган, 1938 йили Миср ва Судан армияларида хизмат қилган. 1942 йилда Бош штаб коллежида инструктор бўлди. 1948 йили Исроилга қарши урушда қатнашиш учун Нагев саҳросига жўнатилди. 1949 йили «Озод офицерлар» сиёсий ташкилотининг Ижроия қўмитасини бошқарди ва 1952 йилнинг июлида давлат тўнтаришини амалга оширди. 1953 йилдан — премьер-министр ўринбосари, 1954—1956 йилларда — премьер-министр.



Жамолнинг отаси Абдул деҳқон оиласидан чиққан бўлса ҳам маълумот олди, бу эса унга амалдорлар сафини тўлдириш имконини берди — у Александрияда почта вакили лавозимини эгаллади. Шу ерда 1918 йилнинг

¹ *Импичмент* — юқори лавозимдаги давлат раҳбарларини парламент судига жалб қилиш тартиби.

15 январида хотини Фаҳима ўғил туғди, исмини Жамол қўйдилар (лекин у отасининг юрти бўлган Бани-Мурда туғилганлар рўйхатига киритилган). Жамолнинг болалиги мураккаб ўтди: Миср ҳукумати амалдорларни, улар кўплаб таниш-билишлар орттириб улгурмасликлари учун иложи борича тез-тез у ердан бу ерга кўчириб турганлиги боис (коррупцияга қарши курашишнинг ўзига хос услуби), унинг отаси кўчманчилик ҳаётини олиб борарди. Бунинг оқибатида Жамол кўпинча ўз қариндошлариникида яшашга мажбур бўлар, тез-тез у мактабдан бу мактабга ўтиб турарди. Бу ҳол Жамолнинг характерида ўзининг асоратини қолдирди — замондошлари уни одамови бола сифатида тавсифлайдилар (баъзи бир ғарб тадқиқотчилари Жамолни ҳатто тушкунлик руҳидаги, ваҳима касаллигига мойил бўлган бола сифатида, унинг Мисрни бошқаришдаги сиёсатини эса оғир болалиги учун одамлардан қасд олиши сифатида тасвирлаганлар). Мактабда Жамол тарихга қизиққан, у ўша пайтлардаёқ инглиз ҳукмронлигига қарши чиқиб, ўзини ватанпарвар сифатида намоён қилади.

1937 йили уни ҳарбий академияга кадет қилиб қабул қиладилар. Академияни тугатгандан сўнг Жамолни офицер бўлиб армияда хизмат қилишга юбордилар. Айнан ана шу пайтда (40-йилларнинг бошлари), ибтидосида Жамол Носир турган «Озод офицерлар» ташкилоти тузилди. 1948 йили Жамол майор ва Бош штаб офицери унвонларини олади. Биринчи араб-исроил уруши вақтида Носир Фаллужага фронтга жўнатилади, ярадор бўлади. 1949 йили у «Озод офицерлар» ташкилотининг ижроия кўмитасини бошқаради. 1952 йилнинг 23 июль куни давлат тўнтаришини амалга оширди ва қирол Фаррух I ни тахтдан воз кечишга мажбур қилди. 1953 йилдан премьер-министр ўринбосари лавозимида ишлади. 1954 йилнинг феврилида Абдул Носир генерал Нагиб ўрнига премьер-министр лавозимини эгаллади. 1956 йилнинг июнида Мисрни Араб Социалистик Республикаси деб эълон қилувчи янги конституция қабул қилинди. Мамлакатда бир партияли тузум ўрнатилди, Ислом расмий дин бўлиб қолди. Бундан кейин бўлиб ўтган президентлик сайловларида бу лавозимга ягона номзод — Абдул Носир ғалаба қозонди.

Янги президент ерга хусусий эгаликни чеклади, ортиқча ерларни мусодара қилди ва уларни кам ерли ҳамда ерсиз деҳқонларга бўлиб берди, Буюк Британия билан британ қўшинларини Сувайш канали ҳудудидан олиб чиқиб кетиш ҳақида келишувга эришди. Унинг ҳокимияти тез орада социалистик йўналишга мойил бўлган кескин жазоловчи диктатурага айланди. Муҳолифат таъқиб қилинди, аввалига инқилобни қўллаб-қувватлаган «Мусулмон биродарлар» қонундан ташқари бўлиб қолди, минглаб

кишилар қамоққа ташланди. Тузум билан келишмаган журналистларни жим бўлишга мажбур қилдилар.

Абдул Носир панараб ишининг қизғин тарафдори бўлганлиги туфайли араб дунёсида мисли қўрилмаган машҳурликка эришди. Унинг улкан режаларига мусулмон мамлакатларидаги оммани кўтариш, у ерларда мавжуд бўлган ҳукуматларни ағдариб ташлаш ва бутун араб дунёсини, тушунарлики, Носирнинг ҳукмронлиги остида, бирлаштириш кирарди. Бироқ унинг Исроилга бўлган мурасасиз муносабати ва Фарбни танқид қилиши Асуан тўғони қурилиши учун Америка ва Европанинг қўмагидан маҳрум қилди. Буюк Британия ва АҚШ Асуан тўғони қурилишини молиялаштириш таклифларини қайтариб олганларидан сўнг Носир 1956 йилнинг 26 июлида Сувайш канали компаниясини давлат ихтиёрига ўтказди. Исроил қўшинлари Синай яриморалига бостириб кирганидан, британ ва француз ҳарбий-ҳаво кучлари Миср ҳарбий аэродромларини йўқ қилиб ташлаганидан кейин халқаро инқироз бошланиб кетди. Америкаликларнинг ва советларнинг кучли тазйиқлари остида исроилликлар босиб олган канал ҳудудини тарк этишга мажбур бўлдилар, у Мисрнинг мулки бўлиб қолаверди. Бу унинг СССР томон бурилишига сабаб бўлди. Сувайш инқироzi уни панараб ишининг марказига олиб бориб қўйди. Араб бирлиги мавзуси 50-йиллар охиридан то 1967 йилгача араб дунёсининг бош мавзуси бўлиб қолди. Панарабизмнинг марказида А. Носир турарди. Таркибига Миср ва Сурия кирган Бирлашган Араб Республикаси (БАР) тузилган 1958 йил араб бирлашув сиёсатининг энг юқори чўққиси бўлди. БАРга Носир президентлик қиладиган бўлди. Бироқ Носир доимо миллатчи бўлган ва амалда доимо Мисрнинг манфаатларини ҳимоя қилган, шунинг учун ҳам бу иттифоқ узоқ давом қила олмасди. 1961 йили Суриянинг БАРдан чиқиши араб бирлиги ғоясига ҳам, Абдул Носир обрўсига ҳам кагта путур етказди. Носир 1962 йили «араб социализми» тамойилларига мос равишдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурини эълон қилди.

Бироқ А. Носирнинг инқилобий панарабизми ҳали ҳаммаси эмасди. Мисрни Ямандаги фуқаролар урушига аралаштирди, у сўлларнинг тарафини олди ва бу билан Фарбни ҳамда Саудия Арабистонини ўзидан янада узоқлаштирди. Айни вақтда у Исроил ва АҚШ билан курашиш учун ҳарбий ҳамда техник ёрдамдан умидвор бўлиб СССР билан алоқани янада мустаҳкамлади. А. Носир, шунингдек, Фаластинни озод қилиш ташкилоти (ФОҚТ)нинг ташкил қилинишини ҳам қўллади. Исроил билан қарама-қаршилик ва 1967 йилдаги ўн олти кунлик урушдаги мағлубият Мисрни заифлаштирди ва иқтисодий тараққиёт режаларининг амалга ошишини

тўхтатиб қўйди. Миср СССР ёрдамида армияни қайта қуроллантиришни бошлади, лекин урушнинг натижалари уни тинчликка эришиш зарурлигига ишонтирди.

Биринчи босқичдаги иқтисодий ўзгаришларнинг ижобий бўлганлигига қарамасдан, социалистик бюрократия, иқтисодий инқироз, саноат ва қишлоқ хўжалигининг даромадсизлиги амалда ривожланишга тўсқинлик қилди. 1967 йилги олти кунлик уруш А. Носирнинг панарабизм ҳақидаги орзусини барбод қилди. А. Носир Йорданиядаги фуқаролар урушини ҳам жуда оғриниб қабул қилди. Бунинг барчаси унинг соғлиғи ва кучини заифлаштирди.

Абдул Носир 1970 йилнинг 28 сентябрида Қоҳирада юрак хуружидан вафот этди.

Агар фаластин қочоқлари Исроилга қайтсалар, унда бу давлат барбод бўлади (Жамол Абдул Носир).

ТУРКЛАР ОТАСИ



ОТАТУРК, МУСТАФО КАМОЛ
(тур. MUSTAFA KEMAL ATATÜRK),
(12.03.1881, Салоники, Греция — 10.11.1938,
Стамбул)

Туркия Республикасининг биринчи президенти. Божхона кичик хизматчиси оиласида туғилган. Камол («етуклик ва мукамаллик») тахаллусини математика соҳасидаги алоҳида қобилияти учун ҳарбий билим юртида олган. Отатурк («Турклар отаси») номи 1933 йили Туркиянинг Буюк миллат мажлиси берган.

Мустафо Камол армия хизматини «Ёш турклар» ҳаракатида фаол иштирок этиш билан қўшиб олиб борди. Кейинчалик «Ватан» яширин жамияти ижроия комитети аъзоси бўлди. 1904 йили Мустафо Камол ўзининг сиёсий қарашлари туфайли қисқа муддат қамоқда ўтирди. Келажаги порлоқ офицердан айрилишни истамаган ҳарбий қўмондонликнинг аралашуви уни тезда озод қилиниши сабабларидан бири бўлди. Мустафо Камол Отатурк ҳарбий маълумотни Салоники ва Мониستيرдаги ҳарбий билим юртларида олди. 1905 йили Константинополдаги Бош штаб академиясини муваффақиятли тамомлади. Бош штаб капитани Мустафо Камол 1905 йили Суриянинг Дамашқ шаҳрида хизмат қилди. Кейинги йили бу ерда «Ватан

ва ҳуррият» яширин жамиятини тузди. 1907 йилнинг кузида Мустафо Камолни Македонияга ўтказишди, икки йилдан сўнг эса Францияга Европа ҳарбий тажрибасини ўрганиш учун хизмат сафарига жўнатишди. Қайтиб келганидан сўнг Мустафо Камол Салоникада жойлашган 3-армия корпусига тайинланди. Биринчи жаҳон урушининг бошланишида Мустафо Камол икки урушнинг — 1911—1912 йиллардаги Италия-Туркия ва иккинчи Болқон урушларининг иштирокчиси эди.

Бўлажак маршал Галлиполи яриморалини англо-француз десант қўшинларидан ҳимоя қилишда шуҳрат қозонди. Антанта иттифоқчиларининг Галлиполи операцияси тўлиқ муваффақиятсизлик билан тугади. Бу операцияни амалга оширишда муҳим стратегик ҳудудни эгаллаб олган 16-армияга Мустафо Камол қўмондонлик қилди. Галлиполи операцияси 300 кеча-кундуз давом этди. Бу вақт ичида Буюк Британия — 119,7 минг, Франция — 26,5 минг, Туркия — 185 минг одам йўқотди. 1916 йил январида Истамбул аҳолиси ҳимоячи қаҳрамонларни қизгин олқишлаб кутиб олишди. Кўрсатган жасорати учун Мустафо Камол аллақачон берилиши лозим бўлган генерал-майор унвонига ва пошшо титулига эга бўлди ва хизмат поғоналаридан тез илгарилай бошлади.

1916 йили 16-армия корпусига Кавказортида, кейин 2-армияга Кавказ frontiда ва 7-армияга Фаластин-Сурия frontiда қўмондонлик қилди.

«Ёш турклар» ҳаракатининг фаол иштирокчиси Мустафо Камол пошшо 1918—1923 йиллардаги Туркия миллий-озодлик инқилобига раҳбарлик қилди. Султон Маҳмуд VI Талъат пошшо ҳукуматини истеъфога жўнатиб, уни Аҳмад Иззат пошшонинг партиясиз кабинети билан алмаштирганида турк армиясига раҳбарлик султоннинг адъютанти Мустафо Камолга ўтди. У ўзининг армиядаги юксак обрўсидан фойдаланиб, жаҳон урушида мағлуб бўлган Туркиянинг тўлиқ суверенитетини тиклаш учун ҳаракат қилди. Урушдан сўнг капитуляцияни ва Усмонийлар империясининг Севр тинчлик шартномаси бўйича бўлинишини тан олмади. 1919 йили грек қўшинлари Измирга туширилганидан сўнг Отатурк бутун Онадўли бўйлаб миллий қаршилиқ ҳаракатини ташкил қилди. Шундан сўнг Онадўли ва Истамбулдаги султон ҳукумати билан муносабатлар узилиб қолди.

Бу вақтда камолчилар инқилоби кучайиб бормоқда эди. 1920 йил 23 апрелда Туркия Буюк миллат мажлиси Мустафо Камол пошшо раҳбарлигида ўзини давлатнинг олий раҳбарлик органи деб эълон қилди. 1921 йилнинг сентябрида султон ўзининг собиқ адъютантга Олий бош қўмондонлик унвони ва ўз вазифасини топширишга мажбур бўлди.

Бу олий лавозимни эгаллаб турган вақтда Мустафо Камол пошшо яна моҳир ҳарбий мутахассис сифатида, бу сафар 1920 — 1922 йиллардаги грек-турк урушида намоён қилди. Смирнага туширилган грек қўшинлари мамлакатнинг марказий қисмларига ёриб кириб, Фракиядаги Адрианополь, Онадўлидаги Ушак, Смирнадан 200 км жанубда — Мармар денгизи бўйидаги Бандирма ва Бурса шаҳарларини эгаллаб олишди. Грекларни Кичик Осиёдан қувиб чиқара олган Мустафо Камол пошшо Антанта давлатларини 1923 йили нисбатан адолатлироқ бўлган Лозанна шартномасини имзолашга мажбур қилди.

1921 йилнинг август-сентябрь ойларида Сакарят дарёси бўйидаги кўп кунлик жангларда Мустафо Камол пошшо турк армиясига шахсан ўзи қўмондонлик қилди ва бу ердаги галаба шарафига ўзига олий ҳарбий унвон — маршал ва фахрли «ғозий» титулини олди.

1922 йил ноябрда султонлик, кейинги йилнинг мартада халифалик бекор қилинди. 1924 йил 29 октябрда Туркия Республика деб эълон қилинди. Мустафо Камол пошшо унинг биринчи президенти (1927, 1931 ва 1935 йилларда қайта сайланган) бўлди ва бир вақтнинг ўзида Олий бош қўмондонлик лавозимини ҳам сақлаб қолди. Бу лавозимларни у умрининг охиригача эгаллаб турди.

Султон ҳокимияти тўлиқ тугатилганидан сўнг президент Туркия тараққиёти учун хизмат қилувчи жуда кўплаб ислохотларни амалга оширди. Мустафо Камол аёлларнинг эркинликка чиқишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Аёлларга Биринчи жаҳон уруши пайтидаёқ молия факультетларида ўқишларига рухсат берилган эди, 20-йилларга келиб улар Истамбул университетининг гуманитар факультетлари аудиторияларида ҳам пайдо бўлишди. Уларга Босфор бўғозидан сузиб ўтаётган паромларнинг саҳнида кетишга рухсат берилди, ваҳоланки аввал уларга ўз кема бўлмаларидан чиқишга рухсат берилмасди, шунингдек, трамвай ва темир йўл вагонларида эркаклар билан бирга кетишга рухсат берилди. Ўз нутқларидан бирида Мустафо Камол аёллар чодраси ҳақида гапирган. «У жазирама иссиқ пайтида аёл кишини жуда қийнаб юборади, — деган эди у. — Эркаклар! Бу бизнинг худбинлигимиз туфайли содир бўлаяпти. Унутмайликки, аёлларда ҳам эркаклардаги каби маънавий ҳуқуқлар бор». Президент «цивилизациялашган халқнинг оналари ва опа-сингиллари» ўзларини унга мос равишда тутишлари керак, «аёлларнинг юзларини яшириш одати бизни кулгили қилиб қўяди», деб ҳисобларди. Мустафо Камол аёллар эркинлиги даражасини Ғарбий Европа даражасига етказишга қарор қилган эди. Аёллар овоз бериш, шунингдек, муниципалитетларга ва парламентга сайланиш ҳуқуқини олдилар.

Мамлакатда фуқаролик кодексидан ташқари ҳаётнинг ҳамма соҳалари учун кодекслар жорий қилинди. Жиноят кодексида фашистик Италия қонунларининг кучли таъсири сезилиб турар эди. Миллий йиғин лотин ёзувига асосланган янги турк алифбесини жорий қилиш ва 1929 йил 1 январдан араб графикасини қўллашни тақиқлаш тўғрисида қонун чиқарди.

Лотин ёзуви нафақат аҳолининг савод чиқаришини осонлаштирди, балки ўтмиш билан янги босқич ўртасида чегара ва муслмон эътиқодига зарба бўлди. 1933 йили ғарбча кўринишдаги янги оилавий фамилиялар киритилди. Иқтисодиётда миллийлаштириш ва миллий капиталга таяниш сиёсати юргизилди. Отатуркнинг ташқи сиёсати Туркияни тўлиқ мустақил давлатга айлантиришга қаратилган эди. Туркия Миллатлар Лигасига кирди ва қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни йўлга қўйди.

Отатурк шахси Туркияда шубҳасиз ўта ҳурматли, бироқ уни мутлақо камчиликларсиз деб бўлмайди. Ҳатто камолчилар — унинг ғояларига содиқ бўлишга қасам ичганлари ҳам, ўз йўлларида кетмоқдалар. Камолчилар ҳар бир турк Отатуркни севади деб таъкидлайдилар, аслида эса бу бир афсона. Мустафо Камол ислоҳотларининг «очиқ ёки яширин» душманлари жуда кўп бўлган. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам унинг ғояларини рад қилишга уринишлар тўхтамаяпти. Сўл сиёсий арбоблар Отатурк пайтида қатағон қилинган партиядошларини доим эслайдилар ва Мустафо Камолни оддий кучли буржуа лидери деб ҳисоблайдилар.

Қатъиятли солдат ва йирик давлат арбоби Мустафо Камолнинг инсоний фазилатлари ва заифликлари бор эди. У ҳазилкаш эди, шоду хуррамликни севарди, бироқ сиёсатчининг соғлом ақлини сақларди. Унинг шахсий ҳаёти тартибсизлиги билан ажралиб турса-да, уни жамиятда ҳурмат қилишарди. Камолни кўпинча Пётр I билан таққослашади. Отатурк спиртли ичимликлар истеъмол қилишни яхши кўрарди. У 1938 йил 10 ноябрда 57 ёшида турк султонларининг Стамбулдаги собиқ саройи «Долмабахче»да жигар циррози касалидан вафот этди.

Унинг эрта ўлими Туркия учун катта фожиа бўлди.

Фескани (туркларнинг попукли дўпписи) жаҳолат, эскилик, фанатизм, тараққиёт ва цивилизацияга нафрат рамзи сифатида йўқ қилиш, уни бутун маданиятли дунё кийиб юрган бош кийими билан алмаштириш зарур эди.

(Мустафо Камол Отатурк)

«ШВЕД ДАРАХТИ»



ПАЛЬМЕ, СВЕН УЛОФ ЙОАХИМ
(SVEN OLOF JOACHIM PALME) — (30.01.1927, Стокгольм —
28.02.1986, Стокгольм)

Швед сиёсатчиси, социал-демократик партиянинг етакчиси, 1969 — 1986 йилларда Швециянинг икки марта премьер-министри. Армияда хизмат қилганидан сўнг 1948 йили Кеньон-коллежига (Охайо штати) ўқишга кирди. АҚШда кўп саёҳат қилган. 1951 йили Швецияга қайтиб келиб, Стокгольм университетидида ҳуқуқ доктори унвонини олди ва сиёсат билан шуғулланди. 1956 йили социал-демократик партиядан риксдагга¹ сайланди. 1963 йили портфельсиз министр сифатида кабинет таркибига кирди; кейинги олти йил давомида турли министрлик лавозимларини эгаллаб турди. АҚШнинг Вьетнамдаги урушига қарши ўзининг нутқлари билан машҳурликка эришди. 1969 йили Пальме Швеция социал-демократик ишчи партиясининг раиси ва Швеция премьер-министри бўлди. 1970—1982 йиллари муҳолифатдаги социал-демократик партияга раҳбарлик қилди. Европада ядро қуролидан холи бўлган зоналар яратиш имкониятларини ўрганиш бўйича комиссияни бошқарди, Форс қўлтиғидаги уруш даврида БМТнинг вакили ролини бажарди. 1982 йили У. Пальме яна премьер-министр лавозимини эгаллади.

Улоф Пальме ўн бир йил давомида мамлакатнинг социал-демократик ҳукуматини бошқарди. У туфайли бетараф Швеция халқаро муносабатлар тизимида муҳим ўрин эгаллади. Пальме ўтган ўн йилликлардаги қарама-қаршиликларни ва иқтисодий тенгсизликни йўқотишга қаратилган социал-демократик сиёсатни давом эттиришга ҳаракат қилди. Ташқи сиёсат соҳасида Швециянинг халқаро ишларда фаол иштирок этиши билан қўшиб олиб бориладиган анъанавий бетарафлик ва қўшилмаслик сиёсатига изчиллик билан риоя қилди, инсон ҳуқуқларининг бузилишига қарши чиқди. 1960—1970 йилларда у АҚШнинг Вьетнамдаги сиёсатига ва Жанубий Африкадаги ирқчилликка фаол қарши чиқди. Буюк давлатлар ўртасида муносабатлар ўрнатилишида қизгин иштирок этди. Унинг фаолияти туфайли адолатли жамият қуришнинг ўзига хос намунаси бўлган «швед социализми» тушунчаси пайдо бўлди. 1986 йил 28 февралда Стокгольмнинг Свеавэген марказий магистралда Улоф Пальме ўлдирилди. Ўша куни Пальме ва унинг хотини Лисбет эски шаҳардаги «Гранд» кинотеатридан кечаси қўриқчиларсиз қайтаётган эдилар. Улар чорраҳага етган пайтларида, бурчакдаги «Декорим» дўкончаси ёнида қоронғуликдан эркак кишининг қомати кўринади. Улар чорраҳадан ўтаётганларида нотаниш эркак икки марта ўқ узади, кейин терговда аниқланишича, ўқлар «Смит-Вессон» тўппончасидан узилган. Бир ўқ Пальмега, ик-

¹ Риксдаг — Швеция парламенти.

кинчиси унинг хотинига тегди. Қотил майдонни кесиб ўтиб, қочди ва кўздан йўқолди. Қотилликдан кейин ўтган вақт ичида полиция томонидан анча материал тўпланган, кўпгина тахминлар ишлаб чиқилган. У. Пальменинг фожиали ўлиmidан буён Швецияда турли хил миш-мишлар кўпайиб кетади, вақти-вақти билан қотиллик ҳақидаги янги тахминлар пайдо бўлади. Ана шу равишда Швеция премьер-министрининг ҳаёти ва ўлимининг тафсилотларини аниқлаш билан шуғулланаётган журналистлар 1999 йили У. Пальменинг разведка билан ҳамкорлик қилганлиги ҳақида хабар бердилар. Уларнинг ахборотларига кўра, 50-йиллари у Швеция Ахборот агентлигининг хавфсизлик хизматида ишлаган ва ўта махфий ҳужжатлар билан таниша олган, жумладан, сўл оқимдаги ҳаракатларнинг фаолиятини кузатиб борган. Курд ишчилар партиясининг (КИП) етакчиси Абдулла Ожолон қамоққа олинганидан сўнг «курдчилик» фаол муҳокама қилинди. Ожолоннинг гапларига қараганда унинг сафдошлари 1981 йили Ватиканда Рим папаси Иоанн Павел II га қилинган суиқасдда ҳам, шунингдек, Швеция премьер-министрининг ўлдирилишида ҳам иштирок этганлар. Кейин эса америкалик ёзувчи ва журналист Барбара Хонегтернинг ҳайратли хабари пайдо бўлди. У Жорж Бушнинг ва Рональд Рейгanning сайловолди кампанияларида маслаҳатчи бўлган, кейин эса Оқ уйда ва АҚШ юстиция министрлигида уч йил ишлаган. Б. Хонегтернинг таъкидлашича, унинг кўлига «У» ахборотчи-агентдан келган телеграмма тушиб қолган, унда «Швед дарахтини кулатиш лозим» деган махфий ёзув бўлган. Журналист аёлнинг фикрига кўра «бу дарахт — Улоф Пальме бўлган». Пальменинг ўлими, Б. Хонегтернинг фикрича, кимлар ўзларининг фош қилинишидан кўрққан бўлсалар, ўшаларга керак бўлган. Ва ниҳоят, 2000 йилнинг апрелида Улоф Пальменинг ўғиллари Иоаким ва Мартен Швециянинг «ТВ-4» канали орқали оталарининг қотили ким эканлигини билишларини айтганлар. Уларнинг фикрича, Улоф Пальмени, қотилликдан кейин дарҳол қамоққа олинган ва қуйи босқич суди томонидан жазога ҳукм қилинган, аммо юқори суд томонидан далиллар етишмаслиги сабабли оқланган Кристер Петтерссон ўлдирган. Даъво учун асос К. Петтерссонни премьернинг беваси таниганлиги бўлди. Бироқ бу далил етарли бўлмади. Кейинчалик газеталардан бирига берган интервьюсида К. Петтерссон У. Пальмени ўлдирганлигини гўёки тан олган эмиш, бироқ бу жиноят то ҳозирги кунга қадар очилмаган ҳисобланади. 2004 йилнинг сентябридан бошлаб К. Петтерссон Каролина тиббиёт институти клиникасида беҳуш ҳолатда ётган ва ўша ерда бошига берилган зарбадан ҳалок бўлган. К. Петтерссон бошидан жароҳат олган ҳолат ҳақида хабар қилинмаган. У. Пальменинг ўлими Ж. Кеннеди, Индира Ганди ва кўпгина бошқа сиёсатчиларнинг ўлиmlари сингари тарихнинг жумбоғи бўлиб қолди. Ҳар йили 28 февралда Стокгольмдаги Адольф Фредрик қабристонидан Улоф Пальмега қўйилган ёдгорлик олдида жаҳон

социал-демократияси қайғули санани нишонлайди. 1986 йили шу куни Стокгольмда Швециянинг премьер-министри, социал-демократик ҳаракатнинг етакчиси Улоф Пальме ўлдирилган.

Улоф Пальме социал-демократияни ари уясига қиёслаган, бу скандинав характерининг ўзига хослигига тўлиқ мос келади. Шведлар баррикадаларга, урушларга шошилмасдилар, швед сиёсатининг асосий эътиборини ички муаммоларнинг ҳал этилишига қаратардилар. Шунинг учун ҳам социал-демократларнинг ҳисоб-китобли, чуқур ва босиқ сиёсати бу мамлакат халқининг менталитетига жуда мос келган.

1969 йили премьер-министр бўлган социал-демократ Улоф Пальме иккита энг муҳим ислоҳот ўтказди. Биринчидан, ёлланма ишчиларни ишдан асоссиз бўшатишлардан ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунни парламентдан ўтказди. Иккинчидан, касаба уюшмалари ва истисносиз барча ёлланма ишчилар ҳам ўз корхоналарини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини олдилар.

Швеция социализмни ёки капитализмни қураётганлигини барибир ҳам тушуна олмаган сиёсатшунослар Пальменинг шахсан ўзига мурожаат қилдилар. «Социализм — бу биргаликда яшамоқ дегани», — қисқача жавоб қилди у.

У. Пальмени дафн этиш пайтида иштирок этган шведларнинг 25 фоизи ўз премьер-министрларига ачинганликларидан кўз ёшларини тия олмаганликларини тан олганлар. Ўша ахборотларга кўра, қотилликнинг очилмасдан қолганлиги мамлакат аҳолисининг каттагина қисмини ҳайрон қолдирмади. Уларни, мамлакат XXI асрни социал-демократик ҳукумат билан бошлаганлиги янада камроқ ҳайрон қолдирган, чунки анъаналар давом этаверади.

Социализм — бу биргаликда яшамоқ дегани. (Улоф Пальме)

ФАХРИЙ ДОКТОР



ПЕРЕС ДЕ КУЭЛЬЯР, ХАВЬЕР (PEREZ DE CUELLAR, JAVIER)
(19.01.1920 йилда Лимада (Перу) туғилган)

БМТ нинг бешинчи Бош котиби. Дипломатик фаолиятини 1944 йили бошлаган. Перунинг Швейцариядаги элчиси (1964—1966), СССР ва Польшадаги элчиси (1969—1971), 1977—1979 йилларда — Венесуэладаги элчи. Перунинг БМТдаги делегацияси раҳбари (1971—1982). 1982 йили БМТ Бош котиби лавозимини эгаллаган, 1986 йилдан 1991 йилгача иккинчи муддатга қайта сайланган.

Перес де Куэльяр 1940 йилдан Перу ташқи ишлар министрлигида ишлади, 1944 йилдан эса дипломатик хизматда: Перунинг Франция, Буюк

Британия, Боливия ва Бразилиядаги элчихоналарнинг котиби лавозимида ва Перунинг Бразилиядаги элчихонасида маслаҳатчи ҳамда маслаҳатчи-вакил лавозимларида ишлади.

1961 йили у Лимага қайтиб келди, келгуси йили унга элчи мақоми берилди, шундан кейин у бирин-кетин Ташқи ишлар министрлиги юридик департаменти директори, маъмурий департамент директори, протокол департаменти директори ва сиёсий масалалар бўйича департамент директори лавозимларида ишлади. 1966 йили Ташқи ишлар министрлигининг бош котиби (Ташқи ишлар министрининг ўринбосари) этиб тайинланди. 1981 йили Ташқи ишлар министрлигининг юрисконсульти бўлди. Жаноб Перес де Куэльяр Перунинг Швейцариядаги, Совет Иттифоқидаги, Польша ва Венесуэладаги элчиси бўлган. БМТ Бош Ассамблеясининг 1946 йилги биринчи сессиясида Перу делегациясининг аъзоси ва Ассамблеянинг йигирма бешинчи-ўттизинчи сессияларида қатнашган делегацияларнинг ҳам аъзоси бўлган. 1971 йили Перунинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги доимий вакили этиб тайинланган ва ўша вақтдан бошлаб 1975 йилгача Бош Ассамблеянинг барча сессияларида ўз мамлакатининг делегациясига раҳбарлик қилган.

1973 ва 1974 йиллари БМТ Хавфсизлик Кенгашида ўз мамлакатининг вакили бўлди; 1974 йилнинг июлидаги Кипр воқеалари даврида Кенгаш Раиси лавозимини эгаллади. 1975 йили 18 сентябрда Бош котибнинг Кипрдаги махсус вакили бўлди ва бу лавозимда дипломатик хизматга қайтган 1977 йилнинг декабрига қадар турди. 1979 йилнинг 27 февралда Бош котибнинг сиёсий масалалар бўйича махсус ўринбосари этиб тайинланди. 1981 йилнинг апрелидан шу лавозимни бажаришда давом этиш билан бир қаторда, Афғонистон билан боғлиқ бўлган ҳолатни тартибга солиш бўйича Бош котибнинг шахсий вакили вазифасини ҳам бажарган. Ана шу сифатда 1981 йилнинг апрель-августидан бундан бир неча ой аввал Бош котиб бошлаган музокараларни давом эттириш мақсадида Покистон ва Афғонистонга борган.

1981 йилнинг майида яна Перу ташқи ишлар министрлигидаги ишига қайтди, бироқ ўзининг шу йилнинг декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби лавозимига сайланганига қадар Афғонистон билан боғлиқ бўлган ҳолатларда Бош котибнинг вакили ҳам бўлди. Шунингдек, у Перу Дипломатик академиясида халқаро ҳуқуқдан ва Перу ҳарбий-ҳаво академиясида халқаро муносабатлар тарихидан даре берди. «Дипломатик ҳуқуқ» («Manual de Deracho Diplomation», 1964) дарслигининг муаллифи.

Жаноб Хавьер Перес де Куэльяр 1982 йилнинг 1 январидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби лавозимига киришди. 1986 йил 10 октябрда у 1987 йилнинг 1 январидан бошланган иккинчи муддатга қайта сайланган.

Жаноб Перес де Куэльярга қуйидаги университетларнинг фахрий доктори унвонлари берилган: Ницца университети; Краковдаги Ягеллон университети; Прагадаги Карлова университети; София университети; Ли-мадаги Сан-Маркос университети; Брюсселдаги Озод университети; Канаданинг Оттава шаҳридаги Карлтон университети; Париж университети (Сорбонна); Вишва-Бхарати Фарбий-Бенгал университети, Мичиган университети; Германия Федератив Республикасининг Оснабрюк университети; Португалиядаги Коимбр университети, Улан-Батордаги Мўғулистон давлат университети; Берлиндаги Гумбольдт номидаги университет; Москва давлат университети; Валеттадаги Мальта университети; Нидерландиядаги Лейден университети; Филадельфиядаги Ласалль университети; Медфорддаги Тафте университети, Балтимордаги Жон Хопкинс университети, Буюк Британиядаги Кембридж университети.

Ўзининг фаолияти давомида жаноб Перес де Куэльяр тахминан 25 та давлатнинг мукофотларига сазовор бўлган. 1987 йилнинг октябрида унга Иbero-Америка ҳамкорлигини ривожлантирганлиги учун шаҳзода Астурийский номидаги мукофот берилди. 1989 йилнинг январидан у халқаро ўзаро тушунишни ва умумий хавфсизликни таъминлашга қўшган ҳиссаси учун Улоф Пальме номидаги мукофотга сазовор бўлди. 1989 йили февралда халқаро ўзаро тушунишга эришишда қўшган хизматлари учун Жаваҳарлал Неру мукофоти берилди.

1995 йили Перес де Куэльяр Перу президентлигига сайловларда ўз номзодини қўйди, лекин фақат 22 фоиз овоз олиб, Фухиморига ютқазди. Ўзининг БМТдаги лавозимидан қайтгач, ватанида юридик амалиёт билан шуғулланди.

Перунинг сиёсат арбоби, БМТнинг собиқ Бош котиби Хавьер Перес де Куэльяр Перу халқ бирлиги муваққат ҳукуматини бошқарди. 2000 йилнинг охирида мамлакат президенти Альберто Фухиморини порахўрликда айбланларидан кейин Перуда сиёсий инқироз юз берди. Брунейда ўтган кенгашдан фойдаланиб, Фухимори Перуга қайтиб келмади, Японияда яшириниб қолди. Унинг икки фуқаролиги — перу ва япон фуқаролиги бор эди. Давлатни парламент скипери Валентин Паниагуа вақтинча бошқариб турди.


Министрлар кабинети раҳбари бўлганидан кейин Перес де Куэльяр исён бўлишининг олдини олиш учун армияда тозалаш бошлади. Фухиморининг тарафдори бўлганлиги учун бош қўмондон Вальтер Чакон ва яна 12 та генерал истеъфога чиқарилди.

2000—2002 йиллари де Куэльяр Перу Министрлар Кенгашининг Президенти, 2002—2004 йилларда эса Лотин Иттифоқи Конгрессининг Раиси лавозимларида фаолият кўрсатди.

ОНА ҚАБРИГА КЎМИЛГАН ЮРАК

ПИЛСУДСКИЙ, ЙОЗЕФ КЛЕМЕНС ГИНЯТОВИЧ КОСЬЧЕША
(поляк. JOZEF KLEMANS PILSUDSKI) (05.12.1867, Зулов,
Вильно шаҳри яқинида — 12.05.1935, Варшава)

Польшанинг давлат ва сиёсий арбоби, қайта тикланган Польша давлатининг биринчи бошлиғи, маршал (1920). Польша социалистик партиясининг етакчиларидан бири. 1919—1922 йилларда давлат раҳбари (давлат «бошлиғи»). 1926 йилнинг майида у амалга оширган давлат тўнтаришидан кейин мамлакатда авторитар тузум ўрнатган ва унинг ҳарбий министри бўлган (1926—1928, 1930), Польша армиясининг асосчиси; тахаллуслари — Комендант, Маршал, Бобо.



Легионлар Польша Подшолиғи ҳудудига кирганидан кейин, 1914 йил 12 августда Пилсудский, гўёки Варшавада тузилган Миллий ҳукуматга бўйсунувчи, поляк қўшинларининг комендант дея эълон қилган чақириқ чиқарилди. Ҳақиқатда эса, бунақа ҳукумат ташкил қилинмаган эди, чақириқдан мақсад эса, Россия ҳукумати назоратидаги ҳудудларда поляк кўзғолонини келтириб чиқариш эди. 1914 йилнинг октябрида Пилсудскийнинг ташаббуси билан Польша қўшини ташкилоти (Polska Organizacja Wojskowa) деб номланган яширин уюшма пайдо бўлди. Уруш давомида Антанта мамлакатларининг устунлиғи кўриниб қолганлиғи сабабли Й. Пилсудский поляк аскарлари Германия ва Австро-Венгрияга содиқлик ҳақида қасам ичмасликлари ҳақида буйруқ берди. Натижада легионлар тарқатиб юборилди ёки ушлаб турилди ва қуролсизлантирилди, Й. Пилсудский эса Магдебург кўрғонига қамаб қўйилди. Босқинчиларга қарши урушнинг қурбони ва рамзи сифатида унинг шуҳрати ортди. Фронтдаги муваффақиятсизликлар немисларни музокаралар бошлашга мажбур қилди. Бироқ Пилсудский бетарафлик ҳақидаги баёнотга имзо чекишдан бутунлай бош тортди. 1918 йил 8 ноябрда у озод этилди.

1918 йил 11 ноябрда Варшавага тантанавор қайтиб келган Й. Пилсудскийни Регентлик кенгаши давлатнинг муваққат бошлиғи этиб тайинлади. 22 ноябрда у ҳукумат тузди. 1919 йилнинг январида Таъсис сейми унинг давлат бошлиғи сифатидаги фавқулодда кенг ваколатларини тан олди.

1919 йилнинг февралида Белоруссия билан тўқнашувлардан кейин Совет-Польша уруши бошланди. 1919 йилнинг 19 апрелида поляк қўшинлари Вильнони эгалладилар, Вилен ўлкасини қизил армиядан озод қилдилар, 1919 йилнинг августида эса Минскни эгалладилар. С.В. Петлюра билан иттифоқ тузган Пилсудский 1920 йилнинг баҳорида Киевга ҳужум бошлади ва 7 майда уни эгаллади. 18 майда Пилсудский Варшавага қайтиб келди. Ёзда қизил армиянинг ҳужуми бошланди. Поляклар Киевни ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар. Вироқ М. Тухачевский раҳбарлик қилаётган ҳужумнинг асосий мақсади Варшава эди.

Мағлубият Пилсудскийнинг танқид қилинишига олиб келди. Таъсис сейми давлат мудрофаа Кенгашини тузди: унга Пилсудский раҳбарлик қиладиган бўлди: лекин бу ташкилот маълум даража унинг ҳокимиятини чеклаб қўярди. Халқ демократияси партияси Пилсудскийни умуман ҳукуматдан четлатишни таклиф қилди. Пилсудский олға сурган қизил армияни тўхтатиш режаси дилетантлик дея танқид қилинди. Бироқ нисбатан кам сонли, лекин жангларда чиниққан қисмлардан шакллантирилган унинг қўмондонлигидаги зарбдор кучлар зарб билан фронтни ёриб ўтди ва М. Тухачевский армиясининг орқа томонига ўтиб олди. Қизил армия чекинишни бошлашга мажбур бўлди. «Висладаги мўъжиза» фақатгина Польшанинг мустақиллигини сақлабгина қолмади; у Европани большевистик босқиндан қутқариб қолди, дея ҳисобланади. Поляк қўшинларининг қарши ҳужумлари Литва, Белоруссия, Латвиянинг катта ҳудудларини қизил армиядан озод қилди. Люциан Желиговский Й. Пилсудскийнинг махфий кўрсатмасига биноан, гўёки унинг иродасига қарши тарзда, Вильнони ва Вилен ўлкасини эгаллади (бу ҳудудлардан ўрта Литва ташкил қилинган).

Й. Пилсудский Ригага тантанали равишда кириб келди. 1920 йилнинг 12 октябрида Иккинчи жаҳон урушининг бошланганига қадар поляк-совет расмий муносабатларига асос бўлган тинчлик шартномаси имзоланди. Бироқ белорус ва украин ерларининг Польша билан Совет Иттифоқи ўртасида бўлиб олинishi Пилсудскийнинг аввалги Речь Посполита ҳудудларида поляк-белорус-литва-украин «междуморие» (Miedzumorze) иттифоқини тузишни назарда тутувчи сиёсий қарашларининг мағлубиятини англатарди. Й. Пилсудский ўзининг сиёсий рақиби, бир миллатли, этник соф поляк давлатини тузиш тарафдори бўлган Роман Дмовскийнинг ғояларини амалга оширди.

Шахсан ажралиб туришни — маршаллик белгисини олишни истаган Пилсудский, Сеймнинг қаршилигига қарамасдан, буйруқ чиқарди: «Польшанинг биринчи маршали унвонини қабул қиламан ва тасдиқлайман». 1920

йилнинг 14 ноябрида у маршаллик белгисини солдат Ян Венжикнинг қўлидан олди. 1921 йилнинг 17 март куни Сейм Конституция қабул қилди, унга кўра давлат бошлиғи Сейм назорати остида бўлади ва бир вақтнинг ўзида армиянинг бош қўмондони бўла олмайди. Пилсудский сиёсий ғояларининг амалга ошмаслиги унинг позициясини заифлаштирди. 1922 йилнинг 9 декабрида умумхалқ сайлаган Польшанинг биринчи президенти Габриэл Нарutowичга Й. Пилсудский ҳокимиятни топширди. 16 декабрда Нарutowич ўлдирилганидан ва Станислав Войцеховский янги президент этиб сайланганидан сўнг Пилсудский Бош штаб бошлиғи лавозимини эгаллади. 1923 йилнинг май ойида истеъфога чиқди. Фарзандлари ва иккинчи хотини билан Сулеювдаги (Sulejowek) вилласида яшади.

Мамлакатдаги сиёсий аҳволнинг ёмонлашганлиги ва воқеаларнинг бориши Й. Пилсудскийнинг ҳокимиятга қайтишига йўл очди. Ҳарбий министр Люциан Желиговскийнинг кўмаклашиши туфайли манёврлар ўтказиш баҳонасида 1926 йилнинг май ойида Рембертова атрофида Й. Пилсудскийга содиқ бўлган қисмлар тўпландилар. Улар 1926 йилнинг 12 майида Варшава томон ҳаракат қилдилар. Варшавадаги уч кунлик жанглардан сўнг Й. Пилсудский вазиятни ўз қўлига олди ва бошқарувда кескин ўзгаришлар қилди (май тўнтариши). У ҳарбий министр ва қуроли кучларнинг бош инспектори лавозимларини эгаллади. 31 майда у президент этиб сайланди, аммо у лавозимдан воз кечди. Қайта овоз беришда Игнаци Мосьцицкий президент этиб сайланди.

1928 йили уни ўнг томон фалажлиги билан инсульт йиқитди, қўли тўлалигича ишламай қолди. Бундан ташқари, жигарининг касаллиги ҳам ўз таъсирини бера бошлади.

Ҳарбий министрлик вазифасидан ташқари Й. Пилсудский 1926—1928 ва 1930 йилларда премьер-министрлик лавозимини ҳам эгаллаб турди. Армияга ва Й. Пилсудскийнинг тарафдорларига суянган авторитар тузум «санация» (sanacja — соғломлаштириш) сифатида маълум бўлиб, унда жамиятни маънавий соғломлаштириш назарда тутилган. Парламентнинг роли чекланган эди. Сиёсий муҳолифат таъқиб қилинар, ҳуқуқий воситалар билан (сиёсий суд жараёнлари) ва дўшослаш каби зўравонлик йўли билан суднинг қарорисиз 1934 йили Берёзе-Картузскийда қурилган концентрацион лагерга жўнатиладди. Пилсудскийнинг сиёсий рақибларидан бир қисми чет элларга кетишга мажбур бўлдилар. 1935 йилнинг апрелида Польшанинг авторитар президентлик тузумини тасдиқловчи янги конституцияси қабул қилинди. Халқаро сиёсатда Й. Пилсудский Совет Иттифоқи (1932 йилги ҳужум қилмаслик ҳақидаги келишув) ва Германия билан муносабатларнинг нисбатан нормаллашишига эришди. Ўзининг хавфсизлигини

таъминлаш учун, 1934 йилнинг январида Польша Германия билан куч ишлатмаслик ҳақидаги келишувни имзолади. Польша томони ўзининг Германия билан муносабатларини муътадиллаштирдик деб ҳисоблади, лекин келишув фақат Германиянинг Польшага бўлган ҳудудий даъволарининг ҳал этилишини орқага сурди, холос. Польша шарқий келишувда иштирок этишдан бош тортди, шу каби у тажовузкорга қарши совет ёрдамнинг берилиши ҳақидаги таклифга ҳам жавоб бермади. Яна бу, шахсан Пилсудский Германия билан битим тўрт йилга, яъни 1938 йилгача етади, кейин эса «мураккабликлар» бошланади деб ҳисоблангани шароитида шундай бўлди. У бундай битимларнинг ишончли эмаслигини аъло даражада тушунар ва ғарбий иттифоқчилари Франция ва Буюк Британиядан, қўшнилари Руминия ва Венгриядан мадад изларди.

1935 йилнинг май ойида Пилсудскийнинг аҳволи сезиларли даражада ёмонлашди. Атрофдагилари тушунардилар: жигар раки, кома — умидсиз ҳолат. У Варшавада 1935 йилнинг 12 май куни вафот этди. Дафн маросими миллий бирликнинг намоёнишига айланиб кетди. Маршалнинг ўлими муносабати билан Польшанинг урушлар орасидаги даврида биринчи ва ягона марта миллий мотам эълон қилинди.

1936 йили Й.Пилсудскийнинг юраги Вильнодаги Росса (Расу) қабристонидан онасининг қабрига кўмилди. Жасади, сиёсий-диний маросимлардан сўнг, Вавелда (Краков) дафн этилди.

*Мен қизил трамвайдан «Мустақиллик» бекатида тушиб қолганман.
(Йозеф Пилсудский)*

ҲАРБИЙ ДИКТАТОР

ПИНОЧЕТ УГАРТЕ, АУГУСТО ХОСЕ РАМОН

(исп. AUGUSTO JOSE RAMON PINOCHET UGARTE) (23.11.1915,
Вальпараисо, Чили — 10.12.2006, Сантьяго, Чили)



Чили ҳарбий диктатори. Сантьягодаги ҳарбий академияда таълим олган. Ҳарбий мансаблар зинасидан тез кўтарилган, Эдуардо Фрей Монтальва бошқаруви вақтида бригада генерали этиб тайинланган. Салвадор Альенде президентлиги даврида Сантьяго шаҳри гарнизонининг кўмондони бўлган.

1973 йилнинг сентябрида С.Альендени қулатишда қатнашган, у ўлдирилганидан кейин президент ва давлат бошлиғи лавозимларини эгаллади. С.Альенденнинг ўн минглаб тарафдорлари отиб ташланди, А.Пиночет ту-

зуми БМТда ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотларида қўлга олинган кишиларга нисбатан қийноқлар қўлланилганлиги учун бир неча марта муҳокама қилинди. 1980 йили хунта назорати остида ўтказилган референдум ёрдамида Пиночет Чили конституциясининг маълум моддаларини ўзгартиришга эришди ва ўзининг ҳукмронлиги муддатини яна саккиз йилга узайтирди. Дунё бозорида мисга бўлган талаб пасайганлиги туфайли мамлакатдаги иқтисодий аҳвол ёмонлашди. 1986 йили Пиночетта суиқасд уюштирилди, шундан кейин Чили қамал ҳолатида деб эълон қилинди.

Ташқаридан бўлган босим остида ва Пиночетнинг ўз ёрдамчилари талаби билан 80-йилларнинг охирларида демократик характердаги ўзгаришлар қилинди. 1988 йилнинг октябрида ўтказилган плебисцитда¹ унинг 1990 йил март ойида президентлик муддати тугаганидан кейин яна президентликни узайтиришга уриниши халқ томонидан рад этилди. 1989 йилнинг декабрида муҳолифатнинг етакчиси Патрисио Эйлвин сайловларда Пиночетнинг одамини енгиб, президент этиб сайланди. Пиночетнинг ўзи 1998 йилнинг 11 мартига қадар қуруқликдаги қўшинлар Бош қўмондони сифатида ҳокимиятда қолди ва ҳарбийларнинг жиноятларини аниқлашларига йўл қўймади. Қўмондонлик лавозимидан ҳам истеъфога чиққандан сўнг Пиночет Сенатнинг умрбод аъзоси қилиб тайинланди. 1998 йилнинг октябрида геноцидда, терроризмда ва Испания, Чили ва бошқа мамлакатларнинг фуқароларини ўлдиришда айблаётган Испания ҳукуматининг талаби билан А. Пиночет Лондонда қамоққа олинди. Лондон суди уни экстрадиция² қилиш ҳақида ҳукм чиқарди, бироқ 2000 йилнинг март ойида Буюк Британия ички ишлар министри Жек Строу А. Пиночетни, унинг берилишини талаб қилаётган мамлакатларнинг бирортасига ҳам экстрадиция қилинишига йўл қўймаслигини айтди. А. Пиночет уй қамоғидан озод қилинди ва Чилига қайтиб келди, у ерда апелляция суди 2000 йилнинг июнида уни умрбод сенаторлик имунитетидан маҳрум қилди. 2001 йилнинг 1 феврилида ҳибсга олинди ва уй қамоғига жойлаштирилди, бироқ 2001 йилнинг апрелидаёқ суднинг қарори билан озод қилинди.

Аслида Чилида нималар бўлиб ўтган эди?

XX асрнинг 70-йилларидаги президентлик сайловларида сўл блок номзоди Сальвадор Альенде ғалаба қилди. Унинг дастури кенг миқёсдаги миллийлаштиришни, ижтимоий тизимнинг қайта ташкил қилинишини ва социалистик руҳдаги шу каби тадбирларни назарда тутарди. С. Альенде Москва ва Гавана билан алоқада бўлган коммунистларга яқин эди. Бир-

¹ *Плебисцит* — жуда муҳим масалани умумхалқ овозига қўйиш.

² *Экстрадиция* — чет давлатга унинг қонунларини бузган кишини бериш.

икки йил давомида иқтисодий тажриба қилиб кўришлар ҳамма соҳани қамраб олган инфляцияга, ишлаб чиқаришнинг пасайишига, чет эл маблағларининг камайишига олиб келди. СССР ва Куба билан яқинлашган Чилининг ташқи сиёсати расмий Вашингтоннинг жаҳлини чиқара бошлади. Мамлакатда ўта ўнглари томонидан ҳам, ўта сўллар томонидан ҳам ташкил қилинаётган террористик хуружлар бўлиб ўтди. Коммунистлар С. Аьендега «халқ диктатураси»ни ўрнатишни таклиф қилди. Президент иккиланарди.

1973 йилнинг 24 июнида мутлақо кутилмаганда пойтахтдаги полклардан бири бош кўтарди — ҳарбий техника президент саройи томон йўл олди. ҳалигача бунинг нима бўлгани — кучни синаб кўришми ёки ачинарли шошма-шошарлик эканлиги аниқ эмас. Лекин айнан А. Пиночет тартибсизликларни бостира олди, бунинг учун С. Аьенде уни куруқликдаги кўшинлар бош кўмондони қилиб тайинлади. Бир вақтнинг ўзиде А. Пиночет фитнанинг бош шахси ҳам бўлди. 11 сентябрь эрталаб армия пойтахтдаги ва вилоятлардаги барча стратегик объектларни эгаллади. Президент саройини ўраб олдилар ва унга бир нечта бомба ташлаб, ҳужум билан эгалладилар. Президент умумий тўс-тўполонда ҳалок бўлди. Расмий ахборотга кўра, саройнинг хоналаридан бирига югуриб кирган лейтенант Рейес каска кийган одамнинг автомат ушлаб турганлигини кўрган ва ўт очган. Ўлган кишининг Сальвадор Аьенде эканлигини таниганлар. А. Пиночет уни жисмонан йўқотиш ҳақида буйруқ берганлиги эҳтимолдан холи, чунки унга айни пайтда халқаро жанжал мутлақо керак эмас эди. Эфирга аввалдан тайёрлаб қўйилган хабар узатилди: Сальвадор Аьенде ҳарбий базалардан бирига олиб борилган, президентлик лавозимидан воз кечган ва тез орада мамлакатни тарк этади. Одам ўлдиришлар, қийноқлар, оммавий отиб ўлдиришлар ва бошқа ўзбошимчаликлар Пиночетнинг хабардорлигида ва унинг буйруғи билан амалга оширилган. У тўнтаришдан кейинги дастлабки ойлардаги қонли жазолашларни сурбетлик билан «иложсиз чиқимлар» деб атади.

Қонли ишлар билан Гитлернинг гестапосига ва Сталиннинг НКВДсига ўхшаш бўлган шахсан Пиночетга бўйсунадиган яширин разведка — ДИНА шуғулланган. Одамлар шунчаки «йўқолиб қоларди»лар. Токи шу кунларгача минглаб «ном-нишонсиз йўқолган»ларнинг номлари аниқланган.

Қонуний президентни ағдаргач, ҳарбийлар шу заҳотиёқ давлатни тубдан «ўзгартириш»га киришдилар. Ҳокимиятнинг олий ва ягона органи деб Пиночет бошчилигидаги миллий ҳукумат кенгаши (Хунта) эълон қилинди. 1974 йилнинг июнида Пиночет «миллат раҳбари» бўлди, яна ярим йилдан сўнг эса ўзига мамлакат президенти унвонини ўзлаштириб олди.

Тузумнинг асоси «миллий хавфсизлик» ғояси эди: барча соҳаларда армиянинг ҳукмронлиги ва қолган аҳолининг «сиёсатсизлантирилиши» юз берди. «Биз шундай жамият яратамизки, — деган эди Пиночет, — унда меҳнаткашлар ва тадбиркорлар битта ишнинг иштирокчиларига айландилар ва биргаликдаги кучлари билан Чилининг буюк келажаги томон йўл очадилар».

Классик фашизм сиёсий, маданий ва, ҳатто шахсий ҳаётнинг барча томонларини назорат остига олишга интилади. Чилида бундай бўлмади. У ерда хусусий тадбиркорлик миллий жасорат деб эълон қилинди. Асосан ҳарбийлардан чиққан «ўрта синф» иқтисоднинг энг кўп либераллашувидан манфаатдор эди. Шунинг учун ҳам хунта Чили жамиятини либерал иқтисодий асосларда қайта қуриш учун чекланмаган ҳукмронликдан фойдаланди. Бундай мисолни XX аср тарихида мисли кўрилмаган ва барча маънода ноёб деб ҳисоблаш мумкин.

Неолиберал услубнинг ғоявий раҳнамоси, жумладан, П. Вергара бўлди. Вергаранинг фикрича, демократия «жамият бирлигини сақлаш имконияти»га эга бўлиш учун авторитар, «кучли ва қатъий характер»га эга бўлмоғи лозим. Вергара ҳамкорликка Америка университетларининг битирувчилари ва «чикагоча» иқтисодий мактабининг тарафдорлари бўлган ёш иқтисодчиларни жалб қилди.

«Ташқаридан ривожланиш» ғояси иқтисоднинг экспортга томон йўналтириш қуроли қилиб олинди. Чет эл инвестицияларига энг қулай имкониятлар тақдим этилди. Аксарият банклар хусусийлаштирилди, ернинг миллийлаштирилиши бекор қилинди. 1975 йилдаёқ бюджетдаги камомадни йўқотишга эришилди. 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 5 — 7 фоизни ташкил қилди. Чет эл инвестициялари 1976 йилги 207 миллион доллардан 1988 йили 2 миллиард долларгача ошди. «Ўрта синф» ҳам сезиларли ўсди. Ҳарбийларнинг ўзлари ҳам аста-секин бизнесга ўтдилар ва истеъфога чиққач, турли хил компаниялар ва корпорацияларда раҳбарлик лавозимларини эгалладилар. Табиийки, иш порахўрликсиз бўлган эмас, қурол савдоси билан қилинган ноқонуний фирибгарликда Пиночетнинг катта ўғли Аугусто Освальдо аралашганлиги аниқланди (шунга қарамасдан у ҳеч қанақа жазо олмади). Пиночетнинг образли ифодалашига кўра, у 1973 йили ҳокимиятни қўлга олиб, Чилига «темир иштон» кийдирган. Лекин айнан фақат қатъий ҳукмронлик туфайли (иш ташлашлар ва касаба уюшмаларининг тақиқланиши, цензура) Чилидаги иқтисодий мўъжиза мумкин бўлди. Орадан 17 йил ўтгандан кейин Пиночет умумхалқ сайловида сайланган президент Патрисιο Эйлвинга мутлақо бошқа мамлакатни топширди.

Ана шу ўтган йиллар давомида Пиночет ўз душманларининг деярли барчасини жазолади. 1974 йили Буэнос-Айресда генерал Пратс (Альенде-нинг тарафдори, кейинчалик чет элга ўтиб кетган ва ўша ёқдан туриб Чилидаги диктатурани фош қилган) ва унинг хотини ўлдирилди. Аргентина ҳукумати расмий равишда Пиночетни айблади. Яна икки йилдан сўнг Чили эмиграциясининг кўзга кўринган намояндаси, С. Альенде ҳукуматида ташқи ишлар министри бўлган Орландо Летельеранинг машинасига Нью-Йоркда бомба қўйиб кетдилар. «Йўқ, бизнинг ҳеч нарсада алоқамиз йўқ. Офицерлик шарафи билан қасам ичаман!», — деб изоҳлади бу аҳволни Пиночет.

1976 йили Сантьягода, тўнтариш кунларида бедарак йўқолган испаниялик фуқароларни излаш билан шуғулланган испан дипломати Кармело Соринани ўлдириб кетишди. У ўғирлаб кетилган, автомашинада бос-тирилган, кейин эса, бунинг барчаси автоҳалокатдек кўриниши учун, устидан ром қуйилган эди. Қотилликда А. Пиночетнинг ўша пайтдаги тан кўрикчиси, кейинчалик унинг шахсий адвокати бўлган кишининг қўли бўлган.

1977 йили БМТнинг Бош Ассамблеяси Чилида инсон ҳуқуқлари бузилаётганлигини қораловчи қарор қабул қилди. Генералнинг халқаро норозиликларни тўлиқ ҳисобга олмасдан иложи йўқ эди. Лекин гап, албатта, фақат халқаро норозиликлардагина эмас. Иқтисодий ўзгаришлар жараёнида пайдо бўлган янги ижтимоий қатламлар сиёсий бетарафликни талаб қиларди. Ана шу ерда Чили диктаторининг мисли йўқ айёрлиги ва ички сезгирлиги яна бир марта намоён бўлди. У ҳокимиятни фуқаролардан бўлган шахсларнинг қўлига берди. Тўғри, у бунга 20 йил давомида, ўзининг ҳукмронлик ҳуқуқларидан кўп сонли шартлар билан воз кеча бориб, рози бўлди.

Пиночет «Чикарильяс» режасини — ҳарбийлар ҳукуматидан фуқаролик жамиятига аста-секин ўтишни тасдиқлади. 1980 йили янги конституцияни тасдиқладилар, лекин фақат орадан олти йил ўтганидан кейингина парламент сайловлари ўтказилди. Яна бир йилдан сўнг партияларнинг фаолиятига рухсат берилди.

1989 йилнинг декабрида (конституция қабул қилинганидан 9 йилдан кейин) биринчи президентлик сайловлари ўтказилди. Унда муҳолифатдаги «Демократия учун» партиялар уюшмасининг номзоди Патрисио Эйлин ғалаба қилди.

Пиночет қуруқликдаги қўшинлар Бош қўмондонни лавозимини ўзида сақлаб қолди: ўз позицияларини бой бераётганлигига қарамасдан у доимо

бирон-бир муҳим лавозимни ўзида сақлаб қоларди. Пиночет Вальпараисода жойлашган штабга бориб олди ва ўша ердан туриб мамлакат ҳаётини қузатди. У вақти-вақти билан жуда кескин тарзда ўзини эслатиб қўярди. 1990 йили ҳукумат хунтанинг жиноятларини тадқиқ қилишга уриниб кўрди — Пиночет қарийб куч билан президент Эйлвинни ҳали диктатура пайтида қабул қилинган умумий афв ҳақидаги қонунни тасдиқлашга мажбур қилди. Суд органлари ДИНАнинг собиқ бошлиғи генерал Контрерасни судга тортмоқчи бўлганларида у Пиночетнинг тўлиқ маъқуллаши билан қуруқликдаги қўшинларнинг казармаларига яширинди.

Шу билан бирга диктатура давридаги даҳшатли жиноятлар учун масъулият муаммоси Чилида фавқулодда кескин бўлиб турарди. А. Пиночет 81 ёшга тўлганида ва барча ҳарбий қисмлар бу воқеани нишонлаганларида христиан-демократик партия аъзолари генералга совға — «Энг қонли диктатурага уддабурон раҳбарлик учун ва энг даҳшатли жиноятлар учун» деган ёзуви бўлган диплом юбордилар.

Бироқ А. Пиночет барча хуружларга тўлиқ хотиржамлик билан муносабатда бўлди. Нима учун шундайлиги тушунарли ҳам. Унинг қўлида аввалгидек ҳали ҳам ҳокимият бор эди. У қуроли кучлар турлари Бош қўмондонларини тайинларди — армия фақат унга ҳисоб берарди.

1998 йили Пиночет ҳарбий қўмондонлик лавозимини топшириб, Лондондаги хусусий клиникаларнинг бирига операцияга ётади. Шу вақтдан бошлаб 2005 йилга қадар унга нисбатан қилган жиноятларини очиш ва айблов учун Испания ва Чили Олий судлари томонидан ҳаракатлар бошланади. Пиночет коррупция, одам ўғирлаш ва қотилликларда, одамларни қийноққа солишларда, наркотик ва қурол савдосида айбланади.

2006 йил 3 декабрдаги оғир инфарктдан кейин Пиночетнинг аҳволи анча ёмонлашади ва 10 декабрь куни Сантьяго госпиталларининг бирида вафот этади.

Мамлакат аҳолисининг ярми уни ўз халқининг қотили деб ҳисоблайди. Лекин армияда ҳали ҳам катта обрўга эга ва ҳарбийлар унинг тарафидалар. Шундай қилиб, А. Пиночетни юристлар эмас, тарихчиларнинг суд қилишларига тўғри келади.

Нимаики қилган бўлсам, барча ҳаракатларим, бошимдам кечирган барча қийинчиликларимни Худога ва Чилига бағишлайман, чунки мен Чилини коммунизмдан қутқариб қолдим. (Аугусто Пиночет)

«POLITIQUE POTENTIELLE»



**ПОЛ ПОТ (ҳақиқий исми — Салот Сар)
(19.05.1925, Прескбаув қишлоғи, Кампонгтхом
провинцияси — 15.04. 1998, Анлонгвенге, Оддар Минчей,
Камбоджа)**

XX асрнинг энг қонхўр диктаторларидан бири, қизил кхмерларнинг йўлбошчиси, 1975—1979 йиллари Камбоджадаги сўл экстремистик гуруҳнинг раҳбари — амалда Камбоджанинг диктатори, ўз халқига нисбатан геноцидни амалга ошириб, 3,5 йиллик ҳукмронлик даврида 3 миллионга яқин кишини ёки мамлакат аҳолисининг учдан бир қисмини ҳалок қилган золим.

Салот Сар деҳқон оиласида дунёга келди. Отаси — Пхем Лот 30—40 та ҳўкизи бор, ҳосил йиғиш ойларида ўнлаб батрақларни ёллаган ўзига тўқ деҳқон бўлган. Онаси — Док Ниём етти ўғил ва икки қизни дунёга келтирган, уларнинг соғлом ўсиши ва ўқимишли бўлиши учун кўп меҳнат қилган аёл эди. Салот Сарнинг этник мансублиги охиригача маълум эмас. Отаси яримига хитой (хан миллатига мансуб), онаси эса тўлиқ хитой, аммо Пол Потнинг жиноий иши бўйича айблов актида тўғридан-тўғри уни кхмер миллатига мансуб дейилади.

Оила бошлиғи Пхем Лот ўзи саводсиз бўлса-да, фарзандларининг саводли бўлиши ва яхши жойларда ишлаши учун қайғураётган эди. Салот Сар беш ёшидан ўқишни ўрганди, бироқ у одамови, тортинчоқ бола бўлиб ўсди. Тўққиз ёшида уни Пномпень шаҳрига, қариндошлариникига жўнатишди. Бу ерга келганидан сўнг, у бир неча ой Ват Ботум Ваддей Будда монастирида хизматкор бўлиб ишлади ва бу ерда кхмер тилини ҳамда буддизм асосларини ўрганди. 1937 йили Салот Сар Ecole Mische католик бошланғич мактабида классик таълим асосларидан билим олди. Уни тугатгандан сўнг, 1942 йили Салот Сар Кампонгтхамдаги Народом Сианук коллежида ўқишни давом эттирди.

1941 йили қирол Монивонг вафот этгандан сўнг ҳокимиятга келган 18 ёшли Народом Сианукнинг тақдири қизил кхмерларнинг бўлғуси йўлбошчиси тақдири билан чамбарчас боғланган эди. Сианук ёш, ақли, ҳушқоматлиги ва ўзини тутиши билан кишини жалб қила оладиган, спортчи, яхшигина чавандоз бўлган бу ёш шаҳзода тезда камбоджаликларни ўзига ром этди. Уруш йиллари Камбоджа японлар томонидан босиб олинган эди, аммо 1945 йил октябрида французлар қайтиб келдилар ва ўз тартибларини қайта тикладилар. Шу даврда бутун Ҳиндихитойда мил-

лий-озодлик ҳаракати авж олди. 1946 йили Сианук французлардан Камбоджанинг ички автономиясини олишга муваффақ бўлди. Бир йилдан кейин эса мамлакат тарихида биринчи марта конституция қабул қилиниб, абсолют монархия режими тугатилди. Мамлакатда биринчи бор парламент сайловлари ўтказилди.

Маълумотларга қараганда, Салот Сарнинг ёшлик йиллари фаол ўқиш жараёни билан банд бўлган. 1948 йили Салот Сарнинг нуфузли Сисоват лицейига ўқишга кириш мақсадидаги уриниши муваффақиятсизлик билан тугади, у имтиҳонлардан ўта олмади ва таълим олишни Пномпендаги техника мактабида давом эттиришга мажбур бўлди. 1949 йили у Францияда олий таълим олиш учун ҳукумат стипендиясига эга бўлди. Кейинчалик, ўзининг айтишича, Салот Сар «ўқишдаги катта муваффақиятлари учун» ҳукумат стипендиясига сазовор бўлган. Аммо Салот Сарнинг акаси Лот Суонг узоқ йиллар қирол саройида протокол бўлимида ишлаган, Лот Сароун исмли аммаси эса қирол Монивонгнинг жорияси бўлган (тўғри, қирол вафот этгандан сўнг у ўз қишлоғига қайтиб оддий деҳқон йигитга турмушга чиққан), яна бир Кхуон Меак исмли аммаси эса қирол балетининг машҳур юлдузларидан бири ҳамда у ҳам қирол Монивонгнинг жорияси бўлган ва сўзсиз улар Салот Сарнинг ҳукумат стипендияси билан Францияда таълим олиши учун ўз алоқаларини ишга солганлар, ўз таъсирларидан фойдаланганлар. Улар Салот Сарнинг «одам бўлиши»ни хоҳлаган ва шу сабабли уни ўқишга жўнатган эдилар. Унинг Лимождаги ёки Тулондаги касб мактабларидан бирида ўқишни давом эттириши мўлжалланган эди.

Францияга келгандан сўнг Салот Сар Парижга борди ва у ерда радио-электроникани ўргана бошлади. Ўзининг биринчи талабалик йилини эслар экан, Салот Сар кейинчалик кўп ишлаганини ва яхши талаба бўлганлигини айтиб ўтган. 1950 йилнинг ёзида Салот Сар бошқа талабалар билан биргаликда Югославияга ишга боради ва бир ойга яқин Загреб шаҳрида ишлайди. Ўша йилнинг охирларида Парижга Салот Сарнинг дўсти Иенг Сари келади. У Салот Сарни Сисоват лицейида бирга ўқиган, ватанпарварлик кайфиятидаги миллатчи Кенг Ваннсак билан таништирди. Ташаббускорлари Иенг Сари ва Рат Самаёнлар бўлган марксистик тўғарақ айнан Кенг Ваннсакнинг хонасида ишлай бошлади. Тўғарақда муҳокама қилинаётган асарлар орасида И. Сталиннинг «Марксизм ва миллий масала» ҳамда К. Маркснинг «Капитал»и алоҳида ўрин тутарди. 1952 йилнинг ўрталарида Кхмер Даом тахаллуси билан Салот Сар ўзининг биринчи сиёсий асарини нашр қилдирди — камбоджалик талабаларнинг «Khmer

Nisut» журналининг махсус сониди унинг «Монархиями ёки демократия» сарлавҳали мақоласи чоп қилинди. Афтидан, айнан ўша йили Салот Сар Франция Коммунистик партияси сафига кирган. Бу пайтга келиб у ўқишга қизиқмай қўйган ва университетдан ҳайдалган эди. 1952 йили Салот Сар Францияни тарк этди. У 1953 йилнинг январиди Камбоджага қайтиб келди ва Пномпеньда, акаси Лот Суонгнинг уйида жойлашди. Бир ойдан сўнг у французларга қарши партизан отрядлари билан алоқа ўрнатишга уринди, кейин эса Ҳиндихитой коммунистик партияси (ХКП)нинг маҳаллий вакили Фам Ван Ба билан танишди. Салот Сар унга ўзининг ФКП аъзоси эканлиги асосида ХКПга қабул қилишларини сўраб мурожаат қилди. Фам Ван Ба Ханой орқали Париж билан боғланди ва 1953 йилнинг августиди Салот Сар ХКПга аъзо бўлди. У штабнинг бошланғич гуруҳидаги оммавий ташвиқот бўлимида ишлай бошлади ва партия кадрлар мактабига қатнади. Салот Сарнинг устози Ту Самут бўлди. 1954 йили Салот Сар бўлгуси сайловларни тайёрлаш билан шуғулланди.

1953—1954 йиллари Салот Сар Пномпеньдаги нуфузли лицейда ўқитувчилик ҳам қилди. Қайси фандан даре берганлиги номаълум, аммо кейинчалик Салот Сар ўзини «тарих ва география профессори» деб атаган.

60-йилларнинг бўсағасида Камбоджадаги коммунистик ҳаракат мамлакатнинг турли районларида фаолият олиб бораётган, бир-бири билан боғланмаган учта фракцияга бўлиниб кетган эди. Ҳаммасидан кам сонлиси, бироқ энг фаоли учинчи фракция бўлиб, унинг аъзоларини Вьетнамга бўлган нафрат бирлаштириб турарди. Гуруҳнинг асосий мақсади «буюк сакраш» орқали кўшнилари ҳам қўрқадиган кучли Камбоджани яратиш эди. Платформаси миллий-шовинистик характерга эга бўлган айнан шу гуруҳ таркибида Салот Сар ҳам бор эди. У қисқа вақт ичида ўз фракциясининг раҳнамосига айланди. 1962 йили Камбоджа коммунистик партиясининг котиби Ту Самут сирли ҳолатда ҳалок бўлди. 1963 йили Салот Сар партиянинг янги котиби этиб тасдиқланди. У Камбоджа коммунистик партизанлари — «қизил кхмерлар»нинг йўлбошчисига айланди. Энди у лицейдаги ишини ташлаб, яширин ҳолатда яшашга ўтади.

1965 йили Салот Сар чет давлатларга сафар уюштирди. Унинг Ханойда вьетнамлик раҳбарлар билан музокаралари бирон-бир натижа бермагандан сўнг Пекинга келди ва ўша пайтдаги Хитой раҳбарлари билан тил топишга эришди. 70-йилларнинг бошига келиб Салот Сар гуруҳи олий партия аппаратида бир неча муҳим лавозимларни эгаллаб олди. У ўз мухолифларини жисмонан йўқ қилиш йўлини тугди. Шу мақсадлар учун партияда шахсан Салот Сарга бўйсунувчи махфий хавфсизлик бўлими ташкил қилинди.

1975 йили қонли фуқаролар урушида ғалаба қозонган Пол Пот (Салот Сар «Пол Пот» тахаллусини 1976 йилдан қўллайди, 50-йиллардан «Пол» тахаллусидан фойдаланган. «Пол Пот» французча «politique potentielle» — «забардаст сиёсатчи»нинг қисқартирилган шакли) бошчилигидаги «қизил кхмерлар» (қизил тупроқли ерлар — Камбоджанинг тоғли худудларидан чиққанлар) ҳокимиятни эгалладилар, ҳеч қандай қаршилиikka учрамасдан Пномпень шаҳрига кирдилар. Лон Нол ҳукумати америкаликларнинг қўллаб-қувватлашига қарамасдан «қизил кхмерлар»нинг хужумига дош беролмай қулади. Аслида қўллаш жуда кучли бўлганди: «қизил кхмерлар» яширинган чангалзорларга АҚШнинг Б-52 бомбардимончи самолётлари бутун Иккинчи жаҳон урушида Японияга ташланганидан кўпроқ бомба ташлаган эди. Шунга қарамасдан «қизил кхмерлар» нафақат тирик қолдилар, балки 1975 йил 23 апрель куни Камбоджанинг пойтахти Пномпень шаҳрини эгалладилар. Генерал Лон Нол ва унинг саксон иккита америкалик маслаҳатчилари ўттиз иккита энг юқори лавозимдаги амалдорлар билан АҚШ денгиз пиедалари ҳамроҳлигида, 36 та вертолётларда пойтахтни тарк этдилар. Уларни эвакуация қилиш операцияси «ўқлар игнаси» деб аталганди. Бу воқеалар ҳақида «Нью-Йорк тайме» газетаси шундай деб ёзганди: «...Америка беш йил давомида, ўзи нафратланадиган ва уруш олиб борган, истиқболсиз эканлиги маълум бўлган феодал ҳукуматга ёрдам берганлигидан сўнг Қўшма Штатларнинг, бир қўлида Америка байроғини, бошқа қўлида улкан чамадонни ушлаб турган элчининг қайғули эвакуациясидан бошқа кўрсатадиган нарсаси йўқ... Аммо аҳолининг ўлдирилган ва ярадор қилинган еттидан бир қисми, юз минглаб қочоқлар бор, хароб қилинган мамлакат, очликдан ўлаётган болалар бор».

Бу пайтга келиб Салот Сар гуруҳи партида мустақкам позицияни эгалласа-да, ҳали тўлиқ ҳукмрон эмасди. Шу сабабли қатор найранглари ишлаб чиқариш ҳокимиятини тўлиқ эгаллашга тайёрлана бошлади. 1975 йил апрелидан унинг номи расмий маълумотлардан олиб ташланди. Кўпчилик уни ўлди деб ўйлаганди.

1976 йил 14 апрелда янги премьер-министр тайинланганлиги эълон қилинди. Унинг исми Пол Пот эди. Илгари ҳеч кимга маълум бўлмаган премьер-министрнинг номи мамлакатда ва чет элларда кўпчиликни ҳайратга солди. Лекин энг яқин кишиларидан бошқа ҳеч ким Пол Пот — йўқолиб кетган Салот Сар эканлигини билишмас эди.

Ҳокимиятни эгаллаган Пол Пот ҳукумати дарҳол ҳал этилиши талаб қилинадиган учта вазифани ўз олдига қўйди:

1) Камбоджа жамиятининг асоси бўлган деҳқонларни хонавайрон қилиш сиёсатини тўхтатиш, порахўрлик ва олибсотарликни тугатиш;

- 2) Камбоджанинг чет элларга азалий боғлиқлигини тугатиш;
- 3) Тобора чуқурроқ анархияга ботиб бораётган мамлакатда тартиб ўрнатиш, бунинг учун биринчи навбатда қатъий сиёсий тизимни жорий қилиш лозим.

Халқ ҳокимиятининг қарори билан мамлакатнинг барча аҳолиси учта асосий тоифага бўлинди.

Биринчи тоифа — «асосий халқ» ёки «эски халқ» яъни, 1975 йили «озод қилингунча» қаршилик кўрсатмасдан яшаган вилоятлар аҳолисини ўз ичига олган.

Иккинчи қисми — «янги халқ» ёки «17 апрель одамлари». Булар узок йиллар давомида америкаликлар томонидан вақтинча эгаллаб олинган ёки Лон Нолнинг кучлари назорати остидаги ҳудудларда жойлашган шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси эди. Аҳолининг бу қисми жиддий қайта тайёрлаш жараёнидан ўтиши керак бўларди.

Учинчи қисми — зиёлилар, реакцион руҳонийлар, аввалги тузумда давлат идораларида хизмат қилган кишилар, Лон Нол армиясининг офицер ва сержантлари, Ханойда тайёргарликдан ўтган ревизионистлар. Булар олдинги режим билан ҳамкорлик қилганлар эди. Аҳолининг бу тоифаси кенг миқёсдаги тозаланишдан ўтиши шарт эди.

Пол Пот режими мунтазам равишда аҳолининг кенг қатламини йўқ қилиб борди. Ўз халқига нисбатан ўтказилган геноцид бутун жаҳон оmmasини даҳшатга солди. Пол Пот ва унинг ёрдамчилари, биринчи навбатда Иенг Сари, учинчи гуруҳ аҳолини қириб ташлаш ва иккинчи гуруҳда тозалаш ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйдилар, 1977 йилдан эса биринчи гуруҳда ҳам тозалаш бошланди. Диктатор ва унинг ҳамтовоқлари озгина хавфли ҳисобланган барчани йўқ қилишни режалаштирдилар. Шундай қилдилар ҳам — эски режимнинг барча офицерлари, солдатлари ва давлат хизматчилари оилалари билан ўлдирилди. Камбоджадаги бошқа миллат вакиллари ҳам шундай йўқ қилинди. 1975 йил 25 майда Пол Пот томонидан ўтказилган операция натижасида мамлакат жануби-ғарбида яшайдиган 20 минг тайликлардан деярли ҳеч ким қолмади.

Мао Цзедуннинг коммуна ҳақидаги ғояларидан илҳомланган Пол Пот «Қишлоққа қайтиш!» деган шиорни ташлади. 1975 йил 17 апрелда Пномпенни эгаллаган полпотчилар у ердан 2 миллион аҳолини қувиб чиқди ва ҳар бири ўн минг кишилик коммуналарга бўлди. Коммуналарда иш вақти 16 соатгача давом этар, ҳар ўн кишига бир коса гуруч бир кунга берилар эди. Болалар 7 ёшдан меҳнатга жалб қилинарди. «Ангка» (Қизил кхмерларнинг сиёсий ташкилоти) коммуналар устидан қатъий назорат ўрнатган

эди. Озгина қаршилиқ ёки бўйсунмаслик учун битта жазо — отиб ташланиш эди. Кейинчалик, ўлдириш оммавий тус олгандан сўнг, ўқни тежаш мақсадида уриб ўлдирадиган бўлдилар. Одамлар деярли қаршилиқ кўрсатмасдилар. Чунки аҳоли орасида кенг тарқалган буддизм ва оммалаша бошлаган ислом динлари одамларни доимий мўминликка чорлар, ҳукмдорларнинг илоҳий қобилиятлари ва доимий ҳақлигини сингдирар эди. Шунга қарамасдан полпотчилар бу иккала динни ҳам қувғин остига олдилар ва тақиқладилар.

Полпотчилар интеллигенцияни, ва умуман қандайдир маълумотга эга бўлган барчани қириб ташлашга ҳаракат қилдилар. Қизил кхмерлар ўз режимларига қарши ҳар қандай танқид ва оппозициянинг пайдо бўлиш имкониятини бутунлай чеклаш учун миллий маданиятни йўқ қилишга уриндилар. 643 нафар врач ва фармацевтдан 69 киши тирик қолди холос. Полпотчилар барча бўғиндаги маориф тизимини йўқ қилиб ташладилар. Мактаблар қамоқхоналарга, омборларга айлантирилди. Мактаблар, университетлар ва илмий марказларнинг кутубхоналарида сақланаётган ҳамма китоблар, қўлёзма ҳужжатларнинг барчаси ёқиб юборилди. Камбоджа информация, матбуот ва маданият вазирлигининг берган маълумотига кўра полпотчилар ҳокимият тепасида турган тўрт йил ичида барча ўқитувчиларнинг, шу жумладан профессорлар ва коллеж муаллимларининг бешдан тўрт қисми ўлдирилди.

Пол Пот ва унинг тарафдорлари мамлакатнинг иқтисодий тизимини бузиб ташлади ва минглаб одамларни очликдан ўлишга маҳкум этди. Одамларни қўрқитиш учун қийнаш ва ўлдиришнинг энг даҳшатли усуларини қўлладилар — уларнинг қорнини ёриб жигарини кесиб оладилар ва шу ерда истеъмол қиладилар, ўт пуфагини эса дори тайёрлашда ишлатадилар. Полпотчилар қўллаган қийноққа солиш ва ўлдириш усуларининг барчасини ушбу китобда санашнинг ўзи ҳам қабул қилинган ахлоқ нормаларидан четга чиқиш бўлур эди... Ташқи сиёсатда Пол Пот ташқи дунёдан бутунлай узилишни маъқул кўрди. У фақат Хитой ва Шимолий Корея билан муносабатларни сақлаб қолди (айтиш лозимки, ўша пайтдаги АҚШ маъмурияти диктаторни охиригача қўллаган). Япониянинг дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳақидаги таклифига Пол Пот Кампучияда (Камбоджа Пол Пот даврида Демократик Кампучия деб аталган) «бунга яна 200 йил эҳтиёж бўлмади», деб жавоб қилган. Қўшни Вьетнам билан доимий чегара можароси давом этди. 1978 йили Вьетнам Камбоджанинг ягона иттифоқчиси бўлган Хитой билан пакт имзолади ва Камбоджага қарши кенг миқёсдаги ҳужумни бошлади. Хитойликлар ёрдамга келмади ва Вьет-

нам қўшинларининг зарби остида 1979 йил январда Пол Пот режими ағдарилди. XX асрдаги энг даҳшатли режимлардан бирининг қулаши шунчалар тез юз бердики, кўпчилик бунинг моҳиятини бирданига англамай ҳам қолди.

Аммо Пол Пот таслим бўлишни ўйлаётган йўқ эди. У бир қисм тарафдорлари билан чангалзорлар орасидаги махфий базага яшириниб олиб, Кхмер Халқини Озод қилиш Фронтини тузди ва тез орада сиёсий ва диний мустақиллик учун курашга чақирувчи иккиюзламачиликдан иборат манифест ҳам эълон қилди.

1979 йил 15 — 19 августда Камбоджанинг халқ-инқилобий трибунали «Пол Пот ва Иенг Сари тўдаси»ни геноцидда айблаш бўйича ишни кўриб чиқди. Пол Пот ва Иенг Сари айбдор деб топилди ва сиртдан ўлим жазосига маҳкум этилди. Полпотчилар Камбоджани оғир аҳволда қолдирдилар. Шунга қарамасдан Пномпенда бир қанча вақт «Қизил кхмерлар» раҳбар лавозимларда турдилар. Улар ўзларини эркин ҳис қилишларига АҚШнинг қўллаб-қувватлаши сабаб бўлди. АҚШнинг талабига кўра полпотчилар БМТда ҳам ўз ўринларини сақлаб қолдилар. Аммо 1993 йили БМТнинг кузатуви остида ўтган сайловларни бойкот қилгандан сўнг «Қизил кхмерлар» ташкилотги тўлиқ чангалзорларга яшириниб олди. Ташкилотнинг ичида ҳам зиддиятлар кучайиб борди. 1996 йили ўн минг кўшини билан Иенг Сари («Қизил кхмерлар» ҳукуматида Пол Потнинг ўринбосари) ҳукумат томонига ўтиб кетди. Бунга жавобан Пол Пот анъанавий террор йўлини тутди. У Мудофаа министри Сон Сенни хотини ва тўққизта боласи билан қатл қилишни буюрди. Бундан қўрқиб кетган диктатор тарафдорлари унга қарши фитна уюшгирдилар. 1997 йил июнда Пол Пот уй қамоғига қамалди. У билан бирга иккинчи хотини Миа Сом ва қизи Сет Сет қолдирилди. 1998 йил апрелда АҚШ кутилмаганда «адолатли жазолаш» учун Пол Потни халқаро трибуналга берилишини талаб қилиб чиқди. Аммо 14 апрелдан 15 апрелга ўтар кечаси Пол Потнинг ўлганлиги барча муаммоларни ўз ўзидан ҳал қилди. Расмий маълумотларга кўра, у юрак хуружидан ўлган. Пол Потнинг жасадини автомобиль шиналари уюми устида ёқиб юборишди, қолган суяқларини хотини ва қизига топширишди.

Пол Пот режими даврида қасалликлардан, қийноқлардан, очликдан ва қотиллар ўқидан қанча одам ўлганлигини, афтидан, энди ҳеч ким ҳеч қачон аниқ билмаса керак. Аммо 1979 йил июнда Иенг Сари «Қизил кхмерлар» ҳокимиятда турган йиллари уч миллионга яқин кишининг ҳалок бўлганлигини тан олиб, бу борада афсусда эканлигини билдирган. Унинг айтишича, жойларда Пол Потнинг буйруғини нотўғри тушунишган экан.

Аслида, энг муҳим хулоса шуки, Пол Пот ўз қўлида чекланмаган ҳокимиятни тўплади ва ҳокимият тепасида турган пайтида ўзининг касалманд тасавуридаги ғояларни амалга ошириши учун бутун бошли миллатнинг тақдирини тикди. Оқибатда миллат учун даҳшатли ҳалокат юз берди.

Бундай одам халқлар тақдирини ҳал қилганлиги эмас, унинг фақат мавжуд бўлганлиги ҳақида ўйлашнинг ўзи уят. (Секст Аврелий Виктор)

ЧОРАК АСР ПОСТДА

РАШИДОВ, ШАРОФ РАШИДОВИЧ
(24.10. (06.11.) 1917, Жиззах — 31.10.1983, Тошкент)

Таниқли партия ва давлат арбоби, ёзувчи. 1935 йили Жиззах педагогика техникумини битириб, мактабда ўқитувчилик қилган. 1941 йили Самарқанд давлат университетининг филология факультетини битирган. 1941—1942 йиллари Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. 1943 йилдан «Ленин йўли» газетасида муҳаррир, 1944—1947 йиллари Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг секретари, 1947—1949 йиллари «Қизил Ўзбекистон» газетасининг муҳаррири, 1950—1959 йиллари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси, 1959—1983 йиллар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимларида ишлаган.



Шароф Рашидов Ўзбекистонга раҳбарлик қилган чорак аср республикамиз тарихидаги мураккаб даврлардан ҳисобланади. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби бўлган 1959 йили СССРда Н.С. Хрушчёв шарофати билан «илиқлик» даври бошланган, Ғарб давлатлари билан тинч-тотув яшаш принципи олға сурилган, мамлакат ичкарисида эса аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш учун жиддий ҳаракат бошланган, большевикларнинг коммунизм ҳақидаги эртагига деярли сўнган халқ ишончи қайта жонлана бошлаган эди. Бу ишончни янада кучайтириш учун энг жиддий ҳужжатлардан бирида 1980 йили коммунизм қурилиши ҳақида эълон ҳам қилинган эди.

Ш. Рашидов нисбатан ёш, эътиқодли раҳбар бўлганлиги учун ушбу жа-раёнга катта шижоат билан киришди. Москвадан режа ҳам белгилаб берилди: 1959 йили етти йиллик режа қабул қилинган бўлиб, унда 1965 йилга келиб Ўзбекистонда пахта етиштиришни 1,2 — 1,3 марта ошириш кўзда тутилган эди. Бунинг учун Мирзачўл, Фарғона водийси, Сурхондарё ва Амударёнинг қуйи оқими, Қарши ва Шеробод чўлларида йирик ирригация

ва мелиорация лойиҳаларини амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Чимқўрғон, Тошкент сув омборлари, Жанубий Сурхон ва Каркидон сув омборларининг биринчи навбати, Аму-Қорақўл ва Жанубий Мирзачўл каналлари ҳамда мамлакатда энг йирикларидан бири бўлган Аму-Бухоро машина канали ишга туширилди. Сув омборларининг умумий ҳажми икки мартага оширилди. Минглаб гектар янги ерлар очилди. Фақат коммунизм қурувчиларини на Оролнинг тақдири, на экологик муаммолар ва на дефолиация тагида қолган халқнинг тақдири қизиқтирмади. Бу тақдир эса анча аянчли: юқумли касалликларнинг тарқалиши ва болалар ўлими ўртача Иттифоқ даражасидан анча юқори, сут маҳсулотлари, гўшт истеъмол қилиш эса ўртача Иттифоқ даражасидан икки баробар паст эди. Республикада ижтимоий вазият мураккаб бўлиб, ҳал қилинмаётган муаммолар тўпланиб, охир-оқибатда 80-йилларнинг охирларидаги бир қатор ғалаёнларга олиб келди.

Муаммоларга қарамасдан Москва борган сари кўпроқ пахта талаб қилаётган эди. Ш. Рашидов бошчилигидаги республика раҳбарияти эса борган сари пахта экиладиган майдонларни кенгайтириб, пахтанинг умумий ҳажмини ошириб борди. Бири талабни оширишни, иккинчиси уни бажарганлик ҳақида рапорт беришни аямади. Натижада 1970 йили 4,5 млн. тонна, 1980 йили эса 6 млн. 250 минг тонна пахта ҳосили йиғиб олинганлиги ҳақида рапорт берилди. 1980 йили 90% дан ошиқ пахта машиналарда териб олинганлиги тўғрисида ахборот берилди, аммо ўқувчилар, талабалар, кексаю ёш ойлаб пахта далаларидан чиқмай қўйди. Механизаторларимиз эса бир мавсумда битта пахта териш машинасида нормал ақлга сифмайдиган 500, 800, ҳатто 1000 тоннадан ошириб пахта «териб», қаҳрамонлик унвонларини олавердилар. Марказдан талаб кучайган сари шунга жавобан алдаш, қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик ва зўравонлик авжига чиқди. Пахта йиғим-теримини ташкил қилиш, одамларни сафарбар этишга милиция, прокуратура каби ташкилотлар жалб этилиб, фуқароларнинг элементар ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинди. Пахта йиғим-терими пайтида республикада одатдаги нормал ҳаёт издан чиқарди.

Ўша пайтда фақат Ўзбекистонда эмас, СССР деб аталмиш бутун мамлакатда раҳбарлар қўлдан келганича бир-бирини, ҳаммаси йиғилиб эса қариб, мақтовларга суяниб қолган Бош котибни алдаш билан банд эдилар. Аллақачон ўзини бошқаролмай қолган Л. Брежнев ва унинг атрофидагиларга республикалар раҳбарлари томонидан хушомад, лаганбардор-

лик кулгили, баъзан жирканч туге олди. Гўё бу соҳада ҳам социалистик мусобақа авж олганди.

Шароф Рашидов ўз даврининг фарзанди эди. Бу даврда одамлар энди коммунизм сафсатасига деярли ишонмай қўйган эдилар. Шунга қарамасдан унинг бошчилигида халқ фаровонлиги йўлида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Республикани электрлаштириш яхшиланди ва газлаштириш бошланди, уй-жой, маданий-маиший иншоотлар қурилиши кўпайди, халқ фаровонлиги анча ошди. Тошкент шаҳрида катта қурилиш ишлари, айниқса, 1966 йилги зилзиладан сўнг амалга оширилди, 1977 йили минтақада биринчи бўлиб метрополитен ишга туширилди. Республикада рангли металлургияни ривожлантиришга ҳам Ш. Рашидов катта ҳисса қўшган. Унинг бевосита ташаббуси билан 1962 йили Олмалик мисни бойитиш фабрикаси, 1967 йили Мурунгов олтин кони ишга туширилди, Навоий, Зарафшон, Учкудуқ шаҳарлари қурилди. Ўзбекистон фақат «оқ олтин» эмас, ҳақиқий олтиннинг ҳам кони эканлиги исботланди. Мурунговда ҳар йили 18 млн. тонна руда қайта ишланар, 50 тонна олтин олинар эди. Бу корхонанинг қуввати, олтиннинг софлиги бўйича дунёда тенги йўқ эди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон дунёдаги энг йирик олтин ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторидан ўрин олди. Кейин Олмалик комбинати, Ангрен, Чодак, Маржонбулоқ олтин саралаш фабрикалари қурилди. Рашидовга Ленин мукофоти берилди. Лекин афсус, олтинларнинг ҳаммаси Москвага етказилар ва сарфлаш ҳам у ерда ҳал қилинар эди.

Шароф Рашидов фақат партия раҳбари эмас, ёзувчи, зиёли киши бўлганлиги учун ҳам республикада фан ва маданиятни ривожлантиришга айниқса катта ҳисса қўшган. Унинг даврида Тошкентда академиклар шаҳарчаси, университетнинг янги бинолари мажмуаси, ТошМИ шаҳарчаси, Тошкент цирки биноси каби кўплаб бинолар қурилди. Республикада фан ва маданиятни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Халқлар Дўстлиги саройи (ҳозирги «Истиқлол») меъморий мажмуаси учун қурилиш гоёсининг муаллифи ва ижодий раҳбари сифатида унга 1994 йил (вафотидан сўнг) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти берилди. Бундан ташқари, Ш. Рашидов 1977 йили Тошкент шаҳрида минтақада биринчи метрополитен қурилишининг ташаббускори бўлган.

1982 йил 10 ноябрь куни Л.И.Брежнев вафот этди. Янги келган раҳбар Ю.В. Андропов мамлакатдаги кўзбўямачиликнинг миқёсини, баландпарвоз ҳисоботлару рапортларга қарамасдан ҳақиқий ҳолатни яхши биларди. Чунки у узоқ йиллар КГБ (Давлат хавфсизлик қўмитаси) деган ташкилот-

ни бошқарган эди. Марказда бошланган тозалаш жуда тезлик билан Ўзбекистонга ҳам етиб келди ва бу ерда ниҳоятда бемаъни туе олди. «Пахта иши» деб номланган жараёнлар бошланиб кетди. Кенг миқёсдаги текширишлар бошланиши арафасида, 1983 йил 31 октябрь куни Хоразм ва Қорақалпоғистонда сафарда юрган Ш. Рашидов тўсатдан вафот этди. Бу ўлим республикада чорак аср давомида шаклланган ўзига хос мувозанатнинг бузилишига олиб келди. Янги келган раҳбарлар ўз халқидан кўра марказ олдида обрў орттиришни афзал кўрдилар. Текшир-текширлар авжига чиқиб, «пахта иши» бўйича ҳақиқатан жиноят қилган, давлат мулкини ўзлаштирган, халқ ҳисобидан катта-катта бойлик орттирган бир гуруҳ кўзбўямачи раҳбарлар билан бир қаторда, (афсуски баъзи журналист ва олимларимиз уларни шўролар даври сўнги қатагонининг қурбони қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Шу ўринда эслатиб ўтмоқчимиз: қатагон (репрессия) латинча *repressio* — бостирмоқ, жазо чораси бўлиб, давлат органлари томонидан асосан сиёсий мухолифларга қарши қўлланилган) бор-йўғи ижрочи бўлиб, ўйлаб-ўйламасдан кўшиб ёзишларга, демакки, жиноятларга ўзлари билмаган ҳолда шерик бўлиб қолган кичик бўғин раҳбарларидан ҳам қанчаси жабр кўрди. 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўшиб ёзиш чиқиб бўлмас ҳалқага ўхшаб қолган эди. Режани бажармаган раҳбар ишдан бўшатиларди, демак амалда қолиш учун кўшиб ёзиш, каттароқ амалга кўтарилиш учун эса кўпроқ кўшиб ёзиш керак бўларди. Энг ёмони фақат қоғоздагина акс этадиган пахта тонналари оддий меҳнаткашлар ҳисобидан сотиб олинар эди. Бу жараён авж олган сари оддий халқнинг аҳволи ёмонлашиб борди.

Ш. Рашидов ёзувчи сифатида ҳам ўзининг коммунистик эътиқодига содиқ бўлган ва ўзи ишонган гоёларга хизмат қилган. Унинг «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин», «Ғолиблар» романлари, қатор поэма ва қиссаларида социалистик жамият қуриш жараёни содда ва тушунарли образлар орқали ифодаланган. Муҳаббат мавзусига бағишланган «Кашмир кўшиғи» қиссаси кўплаб тилларга таржима қилинган.

Ш. Рашидов совет мустабид тузумида улғайган, унга хизмат қилган. Аслида ватанда, замонда яшаб шу замоннинг воқеаларига дахлдор бўлмасликнинг иложи йўқ. Фақат ҳар бир киши эгаллаган мавқеига қараб кўпроқ ёки камроқ дахлдор бўлади, унинг жавобгарлик даражаси ҳам шу билан ўлчанади. Шароф Рашидов эса узоқ вақт катта мавқега эга бўлган шахс эди.

«САМОВИЙ УРУШЛАР» ОТАСИ

РЕЙГАН, РОНАЛЬД УИЛСОН

(ингл. RONALD WILSON REAGAN)

(06.02.1911, Тампико, Иллинойс штати — 05.06.2004, Сими-Вэли, Лос-Анжелес, Калифорния)



АҚШнинг 40-президенти (1981—1989). 1937 йилдан Голливуд киноактёри. 1942—1945 йиллари АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг ахборот органларида ишлаган. 1967—1975 йиллари Калифорния штатининг губернатори. 1981 йил 20 январда АҚШ президенти лавозимини бажаришга киришган. Республикачи.

Рональд Уилсон Рейган коллежни тугатгач, спорт шарҳловчиси бўлиб ишга кирди, кейин киноактёр бўлди ва 1937 йили Голливудга кўчиб ўтди. Бундан кейинги 30 йил давомида Р.Рейганнинг фаолияти кино ва телевидение билан боғлиқ бўлди. 1952 йили у актриса Ненси Дэвисга уйланди. Бўлғуси президент жамоатчилик фаолиятини ҳали Голливуддаёқ, киноактёрлар касаба уюшмасидан бошлаган эди. Бундан ташқари, «Женерал Электрик» компанияси Р. Рейганни ишлаб чиқаришдаги муҳитни яхшилаш учун йилига бир неча ҳафта ходимлар олдида чиқиш қилишга ёллаган эди. Бўлғуси президентнинг сиёсий қарашларига келганда эса, у аввалига ўзини демократ ва Франклин Рузвельтнинг издоши деб ҳисобларди, лекин 1962 йили республикачилар партиясига ўтди.

60-йилларнинг ўрталарида Р. Рейган актёрлик карьераси билан узил-кесил хайрлашди, чунки Калифорния штати губернаторлигига сайловларда ғолиб чиқди ва шу лавозимда икки йил қолди. У тўртинчи уринишда АҚШ президенти бўлди. 1968, 1972 ва 1976 йиллари Рейган сайловларни ўзининг республикачилар партиясидagi ўртоқларига — аввалига Ричард Никсонга, у истеъфога кетганидан сўнг эса — Жеральд Фордга ютқазди. Республикачилардан президентликка Р. Рейган фақат 1980 йилда эришди, лекин унинг ютуғи таъсирли бўлди — бошланғич босқичда у берилган 34 та овоздан 29 тасига эга чиқди. Демократлардан унинг рақибиди Жимми Картер бўлди, уни Рейган вице-президентлик лавозимига номзод бўлган Жорж Буш билан биргаликда унча катта бўлмаган фарқ билан ютиб чиқди.

Америка маъмуриятини қаторасига икки муддат — 1980 йилдан 1988 йилга қадар бошқарган Рейганнинг ички сиёсатида энг муҳими, янги президент 70-йилларнинг иқтисодий муаммоларига жавоб бўлади деб ҳисоблаган, «рейганомика»нинг яратилиши бўлди. Унинг моҳияти солиқларни пасайтириш, давлат иқтисодига инвестициялар киритишнинг содда ти-

зимини қўлаш, ижтимоий дастурларни қисқартириш ҳисобига иқтисодий ўсишни таъминлашга эришиш, шунингдек, мудофаа харажатларининг оширилишидан иборат эди. Аммо Р. Рейганнинг иқтисодий дастури муваффақиятли бўлмади деб ҳисобланади, чунки унинг даврида АҚШ давлат бюджетининг камомати рекорд даражасига етди.

1981 йил 18 февралда Рейган Конгресснинг ҳар иккала палатасида нутқ сўзлади. Унда АҚШнинг молиявий аҳволини мисли кўрилмаган тарзда оғир деб баҳолади. Ташқи қарзлар 934 миллиард долларни ташкил қиларди. Рейган Конгрессга иқтисодий фалокат хавфидан қутулишда ёрдам бериши мумкин бўлган аниқ чоралар «тўплами»ни таклиф қилди. «Рейганомика» номини олган дастур шу пайтгача ҳеч эшитилмаган, ҳарбий харажатларни ошириш ва даромад солиғини сезиларли қисқартириш билан бир вақтнинг ўзида федерал бюджетни мувофиқлаштиришга уринишни назарда тутарди. Президентнинг нутқида умумий сўзлар ва шиорлар етарли бўлса ҳам, уларда аниқ гаплар ҳам анчагина эди. 41,4 миллиард доллар рақами асосийси эди, Р. Рейган 1982 йилги бюджетни ана шунчага қисқартиришни таклиф қилаётганди. Бу қисқартиришни «заруратдан келиб чиқмаган харажатлар, фирибгарликлар ва суистеъмол қилишлар»ни йўқотиш, шунингдек, ижтимоий заруратларга харажатларни мунтазам қисқартириб бориш йўли билан амалга ошириш назарда тутилди, қисқартириш 83 та федерал дастурга тааллуқли эди. Совет Иттифоқи Американи мажбур қилган қуролланиш пойгаси билан боғлиқ бўлган ҳарбий харажатларгина қисқартирилмаслиги керак эди. Ким кимни мажбур қилганлиги ҳақидаги баҳслар СССР йўқ бўлиб кетса-да, ҳалигача давом этмоқда.

Рейганнинг бошқаруви йилларида амалда «совуқ уруш» тугади, лекин айнан унинг даврида Америка маъмурияти СССРни «ёвузлик империяси» деб атай бошлади. Бу иборанинг муаллифи Рейганнинг Совет Иттифоқи бўйича маслаҳатчиси, тарихчи ва либерализм назарийчиси Ричард Пайпс эди. Михаил Горбачёвнинг Р. Рейган билан 1986 йили ҳар қандай ядро қуролидан воз кечиш ҳақида келишиб олишга уринишлари муваффақиятсизликка учради, чунки Вашингтон мудофаа харажатларининг асосий моддасини — кўпинча «самовий урушлар» дея аташадиган фазони ўзлаштиришнинг ҳарбий дастури — Стратегик мудофаа ташаббуси (СМТ) (СОИ) ни сақлаб қолишни истар эди. Лекин келгуси йилнинг ўзидаёқ Р. Рейган ва М. Горбачёв тарихда биринчи марта ўрта ва кичик масофадаги ракеталарни йўқ қилиш ҳақида шартнома тузишиб, ядро қуролининг бутун бир турини икки томонлама йўқотиш ҳақида келишиб олдилар.

60-йилларда Рейган СССР билан музокаралар олиб бориш имкониятини мутлақо рад этарди, чунки «руҳнинг мавжудлигини, нариги дунёнинг ва худонинг борилигини инкор этувчи кишилар билан музокаралар олиб бориш ҳамда мурасага келиш мумкин эмас», — дерди у. Бироқ 1984 йили у «бизнинг ҳеч қайсимизга бошқа тузумнинг ёқмаслиги музокаралардан воз кечиш учун асос бўла олмайди», — деган фикрни билдиради. У вақтлари Америка қуролланишга муккасидан кетганди. Барча стратегик кучларни — ерда ҳамда денгизда ўрнашадиган ракеталар ва стратегик бомбардимончиларни қамраб олувчи Америка стратегик ядро қуролларини кучайтириш дастури «хавфсизлик резерви»ни тиклашнинг ягона имконияти деб эълон қилинди. Умумий қиймати 180 миллиард доллар миқдорда баҳоланаётган Америка ядро қуролларини модернизация қилиш дастури доирасида, жумладан, ҳеч бўлмаганда 100 та, ҳар қайсисининг нархи 200 миллион доллар бўлган В-1 стратегик бомбардимончиларнинг қурилишини тугатиш, ҳар йили биттадан «Трайдент» сув ости атом кемасини куриш, Шимолий Америка учун огоҳлантириш радар — йўлдош тизимини мукамаллаштириш, баллистик ракеталардан мудофаа тизимини, уни фазода жойлаштириш имконияти билан қуриш соҳасидаги тадқиқотларни давом эттиришни назарда тутарди. Президент қуролланиш устидан назорат ўрнатиш ҳақида музокаралар олиб боришга тайёр эканлигини эслатиб ўтган бўлса ҳам, Оқ уйнинг мақсади СССР устидан ҳарбий устунликка эришиш эди. Бундай музокаралар куч нуқтаи назаридан олиб борилишининг навбатдаги босқичи 1983 йил 23 март кун Р. Рейганнинг, кўпроқ «самовий урушлар» ҳақидаги нутқи сифатида маълум бўлган чиқишининг телевидение орқали олиб берилиши бўлди. Бу нутқнинг мақсади — «ёвузлик империяси» ёнгинасида эканлигини ва у ҳар бир дақиқа сайин хавфлироқ бўлиб бораётганлигини намоён қилиш эди. Асосий воқеа «стратегик мудофаа ташаббуси»нинг эълон қилиниши бўлди. Йилнинг ўрталарига бориб 572 та Америка қанотли ракеталари ва «Першинг-II» ларнинг ГФР ҳамда яна тўртта Ғарбий Европа мамлакатларида жойлаштирилиши кутилмоқда эди. АҚШнинг ўзи ўртача узоқликка учувчи ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштиришдан воз кечиши эвазига СССР ўзининг СС-20 ракеталарини йўқ қилишдан бош тортди. Ракеталарни жойлаштириш 1983 йилнинг ноябрида бошланди, лекин бунга қадар совет томони АҚШ ва СССРнинг Европа ва Осиёдаги ўрта масофага учувчи ракеталар сонини ҳар иккала томон келишиб олган миқдорда бўлишини назарда тутган Р. Рейганнинг «оралиқ ечимини» рад этган эди.

Узоқ иккиланишлардан сўнг Р. Рейган ва М. Горбачёв Женевада учрашишга қарор қилдилар. Ўзининг дунёга хавф солиб турган ядро хавфини

камайтиришга уринаётганлиги ва АҚШнинг халқаро кескинликни юмшатиш учун ҳал қилувчи қадамлар ташлашга тайёр эканлиги ҳақидаги умумий маънодаги баёнот билан сўзини бошлаган Р. Рейган, СМТ (СОИ) дастурининг зарурлигини уқдирди. Р. Рейган билан М. Горбачёв ўртасидаги фақат таржимонлар иштирок этган олтита шахсий учрашувлари икки ҳафта давомида делегацияларнинг барча аъзолари иштирокида ўтган ўн соатлик музокаралар билан тўлдирилди. Бу музокаралар аввалдан келишилган, СССР билан АҚШ ўртасида фан, таълим ва маданият соҳаларидаги алмашинув ҳамда алоқа ҳақидаги умумий келишув ва ўша жойнинг ўзида тайёрланган, совет-америка қўшма баёноти имзоланишига олиб келди. Бу баёнотда ҳар иккала томон ядро ва фазовий қуроллар ҳақидаги музокараларда тезроқ ижобий ютуқларга эришиш СССР ва АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг бундан кейинги яхшиланиши зарурлигини таъкидлаган.

1986 йилнинг 15 январида М. Горбачёв янги ташаббус билан чиқди: у СССР ва АҚШ ҳудудига етиб борадиган ядро қуролларини 5—8 йил ичида 50 фоизга қисқартиришдан бошлаб, 2000 йилгача ядро қуролининг барча турларини босқичма-босқич йўқ қилишни АҚШга таклиф қилди. Биринчи босқичдаёқ Европа зонасидаги ўрта масофага учувчи ракеталарнинг тўлиқ йўқ қилиниши таклиф этилди.

1986 йил май ойида Р. Рейган АҚШ Конгресси ратификация қилмаган стратегик қуролларни чеклаш (СКЧ-2) Шартномасига риоя қилишнинг имкони йўқ ва мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблашини эълон қилди. Агар Р. Рейган бу қадамни СССР шартнома моддаларини кўп марта бузганлиги билан изоҳлаган бўлса, мудофаа министри Уайнбергер шартномадан бош тортиш америкаликларнинг асосий ташвишлари бўлишини, АҚШ миллий хавфсизлигининг зарурий талаблари билан изоҳланишини очикдан-очик айтди.

Р. Рейганнинг бошқаруви йилларида мамлакатдаги камбағаллар сони сезиларли даражада кўпайди. Бу ижтимоий дастурлар қисқартирилганлиги сабабли рўй берди. 1988 йилнинг охирига келиб 25% америкалик болалар камбағаллик ҳолатида яшарди. Ташқи сиёсатда Р. Рейган ўзининг «ёвузлик имперясини фош қилувчи» сифатидаги обрўйини шакллантиришдан бошлади ва шу пайтгача мисли кўрилмаган даражада Совет Иттифоқи билан муносабатлар ўрнатиш билан якунлади. Р. Рейган урушдан кейинги Америка тарихида Д. Эйзенхауэрдан кейин икки муддат мамлакатни бошқарган иккинчи президент бўлди. У лавозимидан жамоат олдида юксак обрўга эга бўлган ҳолатда кетди. Агар баъзи бир

журналистлар, сиёсатшунослар ва тарихчиларнинг шарҳларига эътибор қилинадиган бўлса, унда Франклин Рузвельтдан сўнг бошқа бирорта ҳам президент Америка сиёсатида ундан каттароқ ўзгаришларни амалга оширган эмас. Гап «консерватив инқилоб» ҳақида ва ҳатто» Р. Рейган инқилоби ҳақида боради.

Нотиқ сифатида катта ютуқларга эришганлиги яна шу билан изоҳланадики, унинг нотиқлик маҳорати икки эътиқодга асосланган. У ўзини ва ўз сиёсатини Американинг қадриятлари ва анъаналари билан мувофиқлаштира олган сиёсий принциплари актёр эди. Унинг ижобий хислатларига ўзига бамайлихотир ишониш ва неқбинликни ҳам қўшиш мумкин. Унинг чаққон ҳаракат қилиши ва ўзининг сайланишидан кейинги дастлабки ойларида жуда кўп кадрлар ва сиёсат соҳасидаги муаммоларни ишчанлик билан ҳал қилганлиги жамиятдаги, яъни президент лавозимида ўтириши билан сиёсий тўнтариш қилди деган ва, ҳатто «консерватив инқилоб» юз берди деган таассуротни кучайтирди.

Рональд Рейган энг аввало уддалай олган нарса бу миллий сиёсатни шакллантирадиган ва амалга оширадиган президентлик лавозимида йўқотилган халқ ишончини тиклай олганлиги бўлди.

Рональд Рейганни шубҳасиз XX асрда дунёнинг тақдирини белгилаб берган арбоблар сафига қўшиш мумкин. «Самовий урушлар»нинг отаси ва «ёвузлик империяси»нинг терминатори, «совуқ уруш»нинг ветерани ва гўркови ҳаётининг охириги 10 йилида Альцгеймер касаллигидан азоб чекди, одамлар орасида кўринмади, сўнгги йиллари ҳатто энг яқин кишиларини ҳам таний олмади. 1985 ва 1987 йиллари Рейган ичак, тери ва простата ракига дучор бўлганлиги сабабли операция қилинди. 2001 йили ўзининг 90 йиллиги арафасида Р. Рейган йиқилди ва белини синдириб олди. Собиқ президент тобора заифлашиб борарди.

Рональд Рейган 2004 йил 5 июнь куни вафот этди. У Голливуддаги юлдузлик дамлари ўтган қадрдон шаҳри Лос-Анжелесдан унча узоқда бўлмаган Сими-Вэли шаҳарчасида, унинг номидаги мемориал кутубхона комплекси ҳудудида дафн этилган.

Ҳукумат — муаммоларингизнинг ечими эмас; ҳукумат — шу муаммоларнинг биттаси. (Рональд Рейган)

«КАТТА ТЎҚМОҚ»



РУЗВЕЛЬТ, ТЕОДОР (ингл. THEODORE ROOSEVELT)
(27.10.1858, Нью-Йорк — 06.01.1919, Сагамор-Хилл,
Нью-Йорк штати)

Республикачилар партиясидан АҚШнинг 26-президенти (1901—1909). Лотин Америкасида босқинчилик сиёсатини олиб борган «катта тўқмоқ» сиёсати, 1906—1909 йилларда Кубанинг босиб олиниши, Панама канали зонасини эгаллаб олиш ва шу кабилар унинг номи билан боғлиқ. 1904—1905 йиллардаги рус-япон уруши даврида Т. Рузвельт ҳукумати Японияни қўллаб-қувватлаган. Портсмут шартномасини тузишдаги уринишлари учун 1906 йили Нобель тинчлик мукофотига сазовор бўлган. Келиб чиқиши голландиялик бўлган зодагон оилада дунёга келган. 1880 йилда Гарвард университетини тамомлаган, Республикачилар партиясига кирган. 1882—1884 йиллари Нью-Йорк штати легислатурасининг аъзоси. 1884 йилнинг 14 феврилида бир кунда онаси ва хотинидан айрилган. 1895 йили Нью-Йорк шаҳри полициясининг шефи этиб тайинланади, 1897 йилдан — президент У. Мак-Кинли маъмуриятида ҳарбий денгиз министрининг ўринбосари. 1898 йилги испан-америка урушида Кубадаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган. 1899—1900 йилларда Нью-Йоркнинг губернатори.

Теодор соғлиги заиф бола бўлганлиги сабабли мактабга бора олмаганлиги учун уйда таълим олди, кейин Гарвард университетига кирди. Европа бўйлаб саёҳат ва ҳуқуқни ўрганиш унинг таълим олишини яқунлади. АҚШнинг бугунги кунда замонавий, бутун жаҳонга маълум давлат бўлиб юксалиши ҳам Т. Рузвельтнинг номи билан боғлиқ, аслида бунинг учун асос унинг президентлигида яратилганди. Т. Рузвельтдаги ўзига хослик шунда эдики, у дунёга машҳур давлат ролининг янги имкониятларини аниқ англади ва улардан тўлиқ фойдаланишга уринарди. Шунингдек, унинг раҳбарлик услуби ҳам шу маънода замонавий эдики, у янги оммавий матбуотдан ўзининг шахсий машҳурлиги ва сиёсий кучини оширишни мўлжаллаб, фойдаланарди. Сўзнинг қудратидан фойдаланиб тажовузкорона иборалардан қўрқмасдан ўз эътиқодини ҳимоя қиларди, бунда унинг таъсирчанлиги ва насиҳатомуз баҳо беришларга тайёрлиги барча душманларига йироқлаштиришдан кўра кўпроқ бирлаштирувчи таъсир кўрсатарди. Сайловчилар оммасини мақсадларининг тўғрилигига ишонтириш учун юксак қиёфалар яратиларди.

Т. Рузвельт саноатлаштириш келтириб чиқарадиган иқтисодий ўзгаришларнинг жамиятдаги оқибатларига мос ҳолатни яратишни хоҳловчи кучларнинг ва Америка демократияси саналган институтларнинг тарафдори бўлди. Бу мақсад учун давлат фаол қайта қурувчилик родини ўзига олиши ва ушбу жараёнда келиб чиқадиган салбий воқеалар билан кураш-

моқ учун кўпроқ ваколатларга эга бўлиши керак эди. Инқилобий портлашлардан сақланиш учун кўпроқ ижтимоий адолат ва давлатларнинг оламшумул рақобатларида собит туриш, Т. Рузвельт бошида турган кўп қатламли илғор ҳаракатнинг маслағи эди.

1858 йил 27 октябрда Нью-Йоркда Теодор Рузвельт туғилган оила Американинг олий табақасига мансуб эди. Рузвельтнинг отаси, катта Теодор Рузвельт ҳурматли ва бадавлат кўтарачи ойна савдогари, унинг онаси Марта Буллох Рузвельт Жоржия штатининг бой плантатори оиласидан бўлиб, қадимий зодагонлик руҳида тарбия топганди. Рузвельтлар шаҳар зодагонларининг қадимий қавмига мансуб эди.

Ёш Рузвельт, оиладаги бошқа уч фарзанд билан бир қаторда жуда ҳалол ва муҳаббатга тўлиқ тарбия олди. Отаси кўксов (астма) касаллигидан азоб чекувчи ва яқиндан кўра олмайдиган Теодорни жисмоний заифлигининг ўрнини спорт машғулоти билан тўлдириб боришини назорат қилиб турар ва ижодий қобилиятларини ривожлантирарди. Ўз шахсий жисмоний камчиликларини енгитишдаги Теодорнинг темир иродаси унинг ҳаётга бўлган муносабатини кўп вақтларгача белгилаб берди. Президент бўлганидан кейин ҳали ҳам у бокс машғулотларини ташлаб қўймади, чапдаст чавандоз, саёҳатчи, овчи ва теннисчи бўлиб қолди. Унинг юксак тимсоли бўлган кучли характери, жасорати, чидамлилиги, софлиги, виждонлилиги ва масъулиятлилиги америкалик ўрта тоифанинг ахлоқий қоидаларига мос келарди ва Т. Рузвельтнинг бу қадриятларни ғайрат билан ҳимоя қилиши унинг машҳур бўлишига анча кўмаклашди. Оила аъзолари ва хусу-сий ўқитувчилар боланинг табиий фанларга бўлган мойилигини ва адабиёт ҳамда фалсафага бўлган қизиқишини ҳеч қачон чеклашмасди. Оиланинг дунёни билиш мақсадидаги саёҳатлари давомида у Европада, Мисрда ва Фаластинда бўлди, Фарб маданияти, бошқача ҳаёт тарзи ҳақида тасаввурга эга бўлди. 1873 йили Рузвельт бир неча ой Германияда яшади, у ерда бир дрезденликнинг оиласида немис тилидан билимларини чуқурлаштирди. 1876—1880 йилларда Т. Рузвельт Гарвард университетига қатнади. Кўпгина танишувлар ана шу вақтларга тўғри келади, энг аввало, унинг энг яқин дўсти ва сиёсий маслаҳатчиси бўлган, Массачусетснинг бўлғуси республикачи сенатори Гэнри Кэбот Лодж билан танишуви ҳам ўша даврда юз берди. Айнан ўша пайтлари у ўзининг биринчи хотини, бостонлик бой банкирнинг қизи Элис Хэтеуэй Ли билан танишди ва ўқишни тугатганидан кейин унга уйланди. Ли 1884 йили туғиш пайтида ўлди. 1886 йили Т. Рузвельт иккинчи маротаба ёшликдаги дўсти нью-йорклик Эдит Кермит Кэроуга уйланди. Биринчи хотинидан бўлган қизи Элиснинг қаторига яна беш нафар бола қўшилди, Т.Рузвельт то умрининг охиригача улар

билан сидқидилдан муносабатда бўлди. Ҳали Гарварддаёқ у сиёсат билан шуғулланишга қарор қилди. Нью-Йоркка қайтиб келиб, аввалига Колумбия университетига юриспруденцияни ўрганди ва тарих билан шуғулланишда давом этди. 1881 йилда унинг «1882 йилги денгиздаги уруш» деб номланган биринчи китоби чиқди ва бу асар унинг кўп қиррали тарихий-адабий фаолиятининг бошланиши бўлди. Бу китобида у Американинг қудратли ҳарбий-денгиз флотини тузиш лозимлиги ҳақида фикр билдирди.

1881 йилнинг октябрида у Нью-Йорк штати парламентига сайловларда республикачилар партияси учун муваффақиятли равишда ўз номзодини қўйди. Сиёсатнинг бу қоронғу томонларига мурожаат қилиши унинг тоифасидаги жамият вакиллари учун ўшанда ғайритабиий эди, чунки Нью-Йоркнинг сиёсий саҳнасида порахўрлик, овозларни сотиб олиш ва сайлов натижаларини сохталаштириш ҳукмрон эди.

Олбанидаги депутатлар палатасида Т. Рузвельт юстициядаги ҳамда полициядаги порахўрликка қарши ва давлат хизматини ислоҳ қилиши учун юришни бошлади. Самарали ва мустақил бошқарувни яратиш учун меҳнатга яраша ҳақ тўлаш тамойилини жорий қилиш керак эди. Ёш депутат Нью-Йоркдаги тамаки саноати ишчиларининг эҳтиёжига дуч келганида ижтимоий тенгсизликларнинг портловчи кучини сезгирлик билан ҳис қилди. Ўшандан буён давлат бошқарувини ислоҳ қилиш ва энг қўпол ижтимоий адолатсизликларни йўқотиш Т. Рузвельт сиёсий фаолиятининг энг муҳим мақсади бўлиб қолди. Бунда у ҳеч қачон Американинг ижтимоий тузуми тўғри эканлигига шубҳа қилмаганди.

1885 йили биринчи хотинининг вафотидан сўнг у Ўрта Фарбдаги Бэдлендсга, чорвадорнинг оддий ҳаётдан осойишталик топиш учун қайтиб келди. Уни аграр фарбда машҳур қилиб юборган ўзининг «Фарбнинг забт этилиши» асарида айтиб ўтган «хузур — ҳаловатли» дунёни улуғлади. Қурғоқчилик Т. Рузвельтнинг ранчодаги ҳаётига тезда нуқта қўйди, бу билан боғлиқ бўлган молиявий муваффақиятсизлик эса уни реалликга қайтарди. Аммо чорвадорлар ва овчиларнинг ҳаёти уни бутун умрга шайдо этди.

1886 йили Рузвельт Нью-Йоркка қайтиб келди ва маҳаллий сиёсатга, тез орада эса миллий сиёсатга ҳам шўнғиб кетди. Мак-Кинлининг сайловлардаги ғалабасидан кейин у 1897 йили ҳарбий-денгиз флоти министрининг ёрдамчиси этиб тайинланди. Бу лавозим унга Америка хавфсизлиги сиёсатининг шарт-шароитлари ва ҳарбий флотни яратиш билан фаол шуғулланиш имкониятини беради. 1898 йилнинг баҳорида испан-америка уруши бошланганида бу тайёргарлик ўз натижасини берди ва Жорж Дўйю кўмондонлиги остида ўз вақтида сафарбар қилинган Америка эскадраси Манила яқинида испан флотини енгди. Бу билан АҚШнинг Тинч океани

қирғоқларига солинаётган хавф бартараф этилибгина қолмасдан, Филиппин ҳам Америка қарамоғига ўтди.

Т. Рузвельт Фарбий яримшарда Испаниянинг мустамлакачилик ҳукмронлигини тугатиш йўли билан ўз ҳукмронлигини мустақамлаш учун қулай имконият пайдо бўлди, деб ишонганлиги сабабли бутун кучининг борича Испания билан урушиш тарафдори эди. Бир вақтнинг ўзида Филиппиндаги таянч базаларини эгаллаб, Шарқий Осиёдаги Америка манфаатларини яхшироқ ҳимоя қилиш ва кенгайтириши мумкин бўлди. Т. Рузвельт ички туйғулари билан уруш унинг ўзига ҳам фавқулодда имконият тақдим этишини тушуниб қолди. Ҳаракат қилиш истаги тўлиб-тошган Т. Рузвельт ҳарбий хизматта борди ва ўзи шакллантирган «қаҳрли отликлар» батальонини Кубага жангга бошлади. Кўнгилли корпуснинг ғайриоддий таркиби ҳамманинг эътиборини тортарди, бунинг устига, унинг шуҳратпараст командири тадбирнинг публицистик таъсиридан уддабуронлик билан фойдаланарди. Урушнинг охирига бориб Т. Рузвельт урушнинг қаҳрамони ва АҚШдаги энг машҳур кишилардан бирига айланди.

1898 йилнинг охирида у Нью-Йоркнинг губернатори қилиб сайланди, лекин бу лавозимда узоқ қолмади, чунки унинг миллат орасидаги машҳурлиги 1900 йилги сайловларда вице-президентлик лавозимига уни республикачилардан энг мос номзод қилиб қўйганди. Сайловларда ғалаба қилганидан сўнг Т. Рузвельт Қўшма Штатларнинг янги вице-президенти сифатида қасамёд қабул қилди. Бир вақтнинг ўзида энди ўзи раиси бўлган Сенатга қисқача мурожаатида у АҚШнинг улуғворлигига ва бўлғуси оламшумул сиёсий масъулиятига ўзининг ишончини баён қилди. «Биз ҳозирданоқ улкан қудратга эга бўлган янги миллатга мансубмиз, — у Американинг замонавий ўрнини ва ўзининг келажак ҳақидаги тасаввурини шундай ифодалади, — бироқ унинг сиёсий кучи ҳали кейинроқ келадиган қудратнинг фақат аввалроқдаги намоёишини англатади. Биз қитъада, яримшарда энг етакчи мамлакатмиз. Биз иккита катта океан ортида, шарқда ва ғарбда, биз буни хоҳлаймизми ёки йўқми, тобора кўпроқ иштирок этишимиз лозим бўлган бундан ҳам катта оламнинг ҳаётини кўраммиз».

1901 йилнинг 14 сентябрида Мак-Кинли Буффалодаги суиқасд оқибатида ҳалок бўлди ва Т. Рузвельт ўша куннинг ўзидаёқ 42 ёшида Қўшма Штатларнинг 26-президенти сифатида қасамёд қабул қилди. Жон Куинси Адамс давридан буён Оқ уйда сиёсатчилик ҳунарини шунчалар мукамал эгаллаган ва бир вақтнинг ўзида барча оламшумул-сиёсий масалаларда шунчалар чуқур билимга эга бўлган, Европанинг етакчи сиёсатчилари билан яқин алоқада бўлган Американинг президенти бўлмаган эди. Янги президент ўзининг сиёсий тасаввурларини амалга ошириш учун бу лавозимнинг барча

имкониятларидан тўлалигича фойдаланишга қатъий қарор қилганди. Т. Рузвельт ҳокимиятдан, машҳурликдан ва бу лавозим унга берган барча имкониятлардан тўлалигича завқ оларди. У ўзининг катта оиласи билан Оқ уйга кўчиб ўтди. У бинони дастлабки меъморий ёрқин соддалиги тикланган ҳолда таъмирлашни буюрди, бошқа томондан президент фаоллигини кенгайтириш ва ҳудудий имкониятлар яратиш учун янги қўшимча бино ҳам қуришга кўрсатма берди. Шундан кейин Оқ уй аҳолининг ва бутун дунёнинг барча қатламлари учун очиб қўйилган, Вашингтон эса қудратли давлатнинг пойтахти ролига мослаша бошлади. Ўз партиясидаги ҳимояланмаган аҳволи аввалига унинг заиф жойи бўлиб турди. Т. Рузвельтнинг энг хавфли рақиб бўлган Марк Ханни, Т. Рузвельтнинг «мулкдорлар синфи»га қарши ҳужумларига нишон бўлган Нью-Йоркдаги молиявий ҳукмрон гуруҳ томонидан қўллаб-қувватланарди. Агар Т. Рузвельт ўзининг қонун лойиҳаларини Конгресс орқали ўтказишни ва ўз партияси томонидан 1904 йилги сайловларда номзоди кўрсатилишини хоҳласа, унда партия ичидаги кучларнинг нисбати ўзгартирилиши ва унинг Нью-Йоркдаги йирик банкирларга ва саноатнинг бошқарувчиларига муносабати юмшатилиши лозим эди. У бунга эришганлиги унинг тажрибали сиёсатчилик маҳоратини тасдиқлайди. Оқилона кадрлар сиёсати туфайли у штатлардаги республикачиларнинг эътиборини қозонди. Черков ва Америка яҳудийлари, итальянлар, немислар ҳамда негрлар билан ҳалол муносабатлар ўрнатди. 1904 йилнинг февралда М. Ханнинг вафотидан кейин Рузвельтнинг партиядаги етакчилик аҳволи, ниҳоят, шак-шубҳасиз бўлди. 1904 йилнинг июнида Чикагода бўлиб ўтган республикачилар съездида делегатлар қарийб бир овоздан бўлажак президентлик сайловларига номзод қилиб Рузвельтни кўрсатдилар. Индиана штатидан бўлган сенатор, вице-президентликка номзод Чарльз Уоррен Фэрбенкс билан биргаликда 1904 йил 8 ноябрда Рузвельт демократларнинг номзоди Олтон Брункс Паркерга қарши сайловларда катта устунлик билан ғалаба қозонди. Ўша сайлов оқшомининг ўзидаёқ Т. Рузвельт 1908 йили бўладиган сайловларда ўз номзодини қўйишдан воз кечганлигини эълон қилди. Ҳали 1901 йилнинг декабридаёқ у Конгрессда нутқ сўзлаб ўз ички сиёсатининг асоси ислоҳотларни амалга оширишда ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда, ташқи сиёсатда энг аввало «Монро доктринаси»ни ўтказиш ва флот қурилиши эканлигини эълон қилди.

Унинг ислоҳотлар сиёсати марказида 1903 йили «ҳалол келишув» туншунчаси билан характерланган давлатнинг улкан трестлар устидан назоратини ўрнатиш турарди. Табиатни ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бўйича муҳим ташаббуслар ишлаб чиқилди. 1902 йилдаёқ мелиорация ҳақидаги қонунга мувофиқ ғарбнинг қурғоқчил ҳудудларини суғоришнинг кенг

миқёсли режаси бошланди. Бунга ўрмонларни шафқатсиз кесишлардан ҳимоя қилиш ҳам қўшилди. Бутун жамиятнинг эгалик ҳуқуқи хусусий эгалик манфаатларидан устунроқ эканлиги таъкидланди. Бундан ташқари, янги миллий боғлар яратилди, мавжудлари эса кенгайтирилди.

Замонавий ирқий назариянинг том маъносида Рузвельт ирқий эмас эди. У Оқ уйга қора танлиларнинг вакиллари тақлиф қилган биринчи президент эди. Унинг учун одамнинг ранги эмас, халқ цивилизациясининг ютуқлари ҳал қилувчи эди. Ижтимоий-маданий ютуқларини қадрлайдиган японлар ҳақида у катта ҳурмат билан гапирарди. Бироқ ўз маданиятига бир томонлама йўналтирилган унинг фикрлаш тарзи бошқа этник гуруҳлар ва халқларнинг муаммоларини чуқурроқ тушунишга халақит берарди. Рузвельтнинг англо-саксон ва қадимий герман маданиятларининг устунлигига бўлган чуқур ишончи унинг ташқи сиёсий эътиқодини ва, айниқса, Лотин Америкасидаги қўшни давлатларга нисбатан сиёсатини белгилаб беради. Рузвельтга ҳудудларни эгаллаш муҳим эмас эди, лекин Панама канали қурилиши учун мўлжалланган ҳудуд бундан муҳим истиснони ташкил этади. Унинг империализми сиёсий хавфсизлик билан изоҳланарди ва Панама канали муносабати билан Кариб денгизи минтақасида Американинг ҳарбий устунлигини таъминлашга йўналтирилганди. Лекин Рузвельт империализмининг кўпгина назариётчилари Фарб миллатлари четда жойлашган, маданийлаштирилган, гўёки ҳали кам тараққий этган халқларга нисбатан ҳомийликни ўзларига олиши керак, деган фикрларга қўшилди. У ушбу мамлакатлар бартараф қилишга интилаётган иқтисодий-ижтимоий қийинчиликларни тушунишга қодир эмасди ва уларнинг иқтисодий ҳамда сиёсий барқарор эмаслиги учун айбни порахўрлашган олий раҳбариятга юклади. У Венесуэланинг президенти Каприанно Кастро Американинг бир корхонасини Венесуэла қонунларига риоя этишга мажбур қилмоқчи бўлганида уни «фирибгар кичик маймунча» деб атади. Панама каналини АҚШга сотишдан бош тортган, аввалига қурилишнинг бошланишига тўсиқ бўлган Колумбия парламентарийларини ҳам шунга ўхшаш ҳақоратлар билан сийлади. Т. Рузвельт уларнинг қаршиликлари билан ҳисоблашмади, Панаманинг мустақилликка интилишини қўллаб-қувватлади ва шу йўл билан канал йўналишини Американики қилиб олди.

Ўзининг ташқи сиёсий таъсирининг энг юқори нуқтасига Т. Рузвельт рус-япон уруши ва Марокашдаги герман-француз келишмовчилигини келтириб чиқарган 1904—1906 йиллардаги халқаро инқирозда эришди. Русларнинг Шарқий Осиёдаги мағлубиятларидан кейин Нью-Хемпширдаги Портсмут шаҳрида Т. Рузвельт раислигида ўтказилган конференцияда тинчликка, ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга эришилди. Шунингдек, у Францияга нис-

батан кайзернинг хавф солиш сиёсати боши берк кўчага кириб қолганидан кейин, Марокаш ҳақидаги баҳсларда 1905 йили ҳал қилувчи бурилишга эришди. Француз ҳукумати Рузвельтнинг талабларига кўнди ва Марокаш бўйича халқаро конференция ўтказишга рози бўлди.

Ўзининг тинчлик ҳаракатига ишончсизлик билдиришига қарамасдан, 1906 йили тинчликни мустақкамлаш йўлидаги хизматлари учун Нобель мукофотини олганлиги, XX аср бошларидаги нотинч ҳолатни ҳам ифода этади. Мукофотга энг аввало, рус-япон урушини тугатишдаги хизматлари учун сазовор бўлган эди. 1910 йилнинг 5 май куни Христианияда (ҳозирги Осло) мукофот топширилиш пайтида Т. Рузвельт яна бир марта денгизда қуролсизланишга, Гаага суд палатасини мустақкамлашга ва зарур бўлиб қолганда тинчликнинг ҳар қандай бузилишини куч билан жазолаш лозим бўлган Тинчлик лигасини тузишга чақирди. Бу ерда у Вудро Вильсоннинг Миллатлар Лигаси ҳақидаги ғоясини бошқалардан олдин ҳис қилди, лекин фақат сўздагина унинг тарафдори бўлди.

Кўшма Штатларга қайтиб келганидан сўнг Т. Рузвельт ўзининг вориси Уильям Х. Тафт билан жанжаллаша бошлади, жанжал жуда ачинарли бўлди; чунки Х. Тафт унинг яқин дўсти эди. Х. Тафт Т. Рузвельт кутганидек унинг сиёсатини давом эттирмади. Бунинг ўрнига Х. Тафтнинг божхона тарифи ва атроф-муҳит борасидаги ташаббуслари республикачилар партиясини бўлиниб кетишга яқинлаштирди. 1912 йилдаги президентлик сайловларида Х. Тафтнинг галаба қилишга имкониятлари тобора камайиб борарди. Т. Рузвельт ўз партиясининг прогрессив қанотидан Х. Тафтга қарши номзодини қўйишга уринди, бироқ мағлубиятга учради.

Президентлик лавозимининг муддати тугаганидан кейин Т. Рузвельт 1909 йили кемада Африкага йўл олди ва Британия Шарқий Африкасидан Мисргача сузиб борди. 1913 йилнинг октябрида президент бўлишга иккинчи уриниш ҳам барбод бўлганидан сўнг у маърузалар уюштириш важи билан Бразилияга кетди ва мамлакатнинг тадқиқ қилинмаган районларига уюштирилган экспедицияда иштирок этди. Чангалзорларда безгакка чалинди ва оёғини жиддий шикастлаб олди, кейинчалик бу унинг соғлиғини жиддий ёмонлаштирди.

Бироқ Т. Рузвельт ўзининг сиёсий фаолиятини тўхтатмади ва ҳали ҳам Вудро Вильсондан президентликни тортиб олишдан умидвор эди. 1914 йилдан у немисларнинг Бельгияга киришларига ва Америка армияси ҳамда флотининг оммавий қуролланишига қарши америкаликларнинг кескин норозилиklarини қўллаб-қувватлади. Британиянинг «Лузитания» пароходи чўктирилганидан кейин иттифоқчилар томонидан урушга киришни маъқуллаб гапирди. 1917 йилнинг бошларида В. Вильсоннинг «ғалабасиз ўйинлар» ҳар-

бий мақсадига қарши чиқди, кейин унинг уруш эълон қилишини маъқуллади, лекин 1918 йили унинг «ўн тўрт моддадан иборат дастур»ини эътирос билан танқид қилди ва бунинг ўрнига Марказий Европа мамлакатларининг сўзсиз таслим бўлишларига қадар урушни давом эттиришни талаб қилди.

Унинг президент В. Вильсонга қарши кампанияси тобора кўпроқ чегарасиз ҳақоратга айланиб борарди. Шунга қарамасдан, бу пайтга келиб яна бирлашган республикачилар партиясининг прогрессив қаноти уни етакчи сифатида қўллаб-қувватларди ва ҳатто Х. Тафт ҳам у билан ярашди. 1918 йили у 1920 йилги президентлик сайловларида унча катта бўлмаган имкониятлари билан номзод ҳисобланди. Бироқ унинг соғлиги бу режаларни барбод қилди. Бразилия чангалзорларида лат ейишларининг оқибатида уни операция қилдилар, у операциядан зўрға чиқди. Француз frontiда кичик ўғли Квентиннинг ўлими унинг ҳаётга бўлган иштиёқини янада заифлаштирди. Т. Рузвельт Нью-Йорк яқинидаги ўзининг Сагемор Хилл манзилгоҳида 1919 йил 6 январда 60 ёшида вафот этди. Ўлимига қадар у намуна бўларли тарзда «американизм» ҳақидаги, яъни бутун умри давомида ҳамма нарсадан кўпроқ ўзини қизиқтирган мавзудаги маърузаси устида ишлади.

Ким иложи борича кўпроқ ва иложи борича қаттиқроқ кўпчилик кишилар ўйлаб турган нарсаларни айтса, ўша энг муваффақиятли сиёсатчи бўлади. (Теодор Рузвельт)

«Ф.Д.Р»

РУЗВЕЛЬТ, ФРАНКЛИН ДЕЛАНО
(ROOSEVELT, FRANKLIN DELANO)
(30.01.1882, Хайд-Парк, Нью-Йорк штати —
12.04.1945, Уорм-Спрингс, Жоржия штати)

АҚШнинг 32-президенти. Хусусий ўқитувчилар назорати остида бошланғич маълумот олди, ота-онаси билан бирга тез-тез Европада бўларди. Гротонда имтиёзли тайёрлов мактабига қатнаган. Гарвард университетини тугатгандан кейин 1904 йилда Нью-Йоркка кўчиб ўтди, у ерда Колумбия университетининг ҳуқуқ мактабида ўқиди. 1907 йили юридик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини олиш учун имтиҳон топширди ва Нью-Йоркдаги машҳур юридик фирмага хизматга кирди.



Франклин Делано Рузвельт АҚШнинг XX асрдаги энг буюк ва қудратли сиёсатчиларидан бири бўлган. У уруш даврининг президенти эди. Саноат инқилоби бошланганидан буён энг оғир иқтисодий инқироз, дунё тарихидаги энг йирик уруш унга тарихий улуғворлик учун икки карра имко-

нийат берди. Ўз вақтида замондошлари уни нафақат чексиз хурмат, балки кескин танқид ҳам қиларди. Ф. Рузвельт президентлик даврининг катталигини ҳисобга олганда, унинг обрўси ортиб боришига учта сабаб бор эди: биринчидан, тарихчи ва сиёсатчиларнинг яқдиллик билан таъкидлашларича, «Ф.Д.Р.» ҳозирги замон америкача президентлик институтининг асосчиси ҳисобланади. Иккинчидан, президентлик лавозимини эгаллаганидан бошлаб интервенцион давлатни ва Вашингтондаги федерал давлатни тартиблаштириб, тўғрилаб, режалаштириб ва бошқариб келаётган аралаш иқтисод (mixed economy) америкаликларнинг кундалик ҳаётига тегишли бўлиб қолди. Учинчидан, у ташқи сиёсатда букилмас ирода билан кўпчилик америкаликлардан олдинроқ немис национал-социализми ва итальян-фашизмнинг хавфини сезди ва улар даъватига қарши турди. 1940—1941 йиллари Фарб маданиятининг келажаги қиморга тикилганида барча демократларнинг умиди фақат у бўлганди. Куч билан истеъдоднинг, асаблар мустақкамлигининг ва тактик нафосатнинг ғайриодатий бирлашиши туфайли у АҚШнинг Фарбий яримшарда яққаланиб қолишига тўсқинлик қилди. Ф. Рузвельт Иккинчи жаҳон урушининг буюк голиби эди ва у вафот этганида АҚШ жаҳоннинг янги буюк мамлакатига айланганди. Ҳали ўзининг президентлигига қадар ҳам барчани ўзига оҳанрабодек тортган ажойиб, ақли ўткир ва жозибадор Ф. Рузвельт ўзининг сиёсий иззат-нафси йўлида улардан фойдаланди ва ҳеч кимга, ҳатто ўзининг хотинига ҳам қалбидаги муқаддас туйғуларини очмади.

Мамлакатнинг Гротондаги энг ажойиб хусусий мактабларидан бирига қатнаганидан кейин Ф. Рузвельт 1900—1904 йилларда Гарвард коллежида ўқиди, кейин эса 1904—1907 йиллари Колумбия университетида ҳуқуқшунослик факультети талабаси бўлди. У ўқишни академик якунлашдан воз кечди, Нью-Йорк адвокатлар палатасига имтиҳон топширди ва Нью-Йоркдаги машҳур адвокатлик идорасига меъёрий маош тўланадиган шогирд сифатида хизматга кирди. У иқтисодий ҳуқуқнинг майда-чуйдаларини ўрганиш учун ўзида ҳеч қанақа мойилликни ҳис қилмагани ва молиявий таъминланишга ҳамда ижтимоий тан олишга эришганлиги учун, унинг ёрқин ифодаланган шуҳратпарастлигининг ягона объекти сиёсат бўлиб қолди. 1913 йилдан 1920 йилгача В. Вильсоннинг кабинетида ҳарбий-денгиз флоти министрининг ёрдамчиси лавозимини эгаллади. 1914 йилда Ф. Рузвельт Нью-Йорк штатидан Сенатга номзоди қўйилишига эришди, лекин сайловларда мағлубиятга учради. В. Вильсон маъмурияти билан ҳамкорлик қилгани ва Рузвельтлар оиласига мансублиги 1920 йили демократларнинг уни президентликка номзод Ж. Кокснинг шериги қилиб кўрсатишга қарор қилин-

ганликлариди ўз ролини ўйнади. Республикачилар Гардинг ва Кулижлар ишонarli галабага эришган бўлсалар ҳам, Ф.Рузвельт бутун мамлакат бўйлаб муҳим алоқалар ўрнатди ва ўз партиясида етакчи ўринни эгаллади.

1921 йили полиомелит билан қаттиқ касалланиб қолганида ана шу ўзига ишонч ва фавқулудда интизом унга ёрдам берди. Кўп йиллар давомида катта ғайрат билан қилинган уринишларга қарамасдан касаллик енгилмади. Ф. Рузвельт шол бўлиб, ногиронлар арачасига боғланиб қолди. Ўн фунт оғирликдаги гилдиракларнинг ёрдамисиз у ўрнидан тура олмасди, фақат қўлтиқтаёқ ёрдамидагина аста-секин ва оз-оздан ҳаракат қиларди. У ич-ичида тақдиридан қанчалар нолимасин, ташқарисида умид ва ишончга тўлиқ бўлган нуқсонсиз ниқоб кийиб оларди. У ўзига ҳар қандай ҳафсаласи пирлиги ҳақидаги фикрни ва ўзига ачинишни, атрофдагиларга эса ҳар қандай раҳмдиллик қилишни тақиклади. Жисмоний имкониятларининг чекланганлиги унинг қизиқишлари доирасини торайтормади. Ф. Рузвельт Демократик партиянинг сиёсий арбоблари билан ёзишмалар олиб борди ва тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланишга эришди. Партиянинг 1924—1928 йиллардаги конвентларида у президентлик лавозимига Нью-Йорк губернатори А. Смитнинг номзодини кўрсатди. Кейин унинг фаолияти Теодор Рузвельтнинг йўлидан бориши лозим эди. Франклин ва Элеонор уни зиёрат қилгани Оқ уйга борганларида Франклин ўзи учун худди Теодорникидек амал пиллапоярларининг жадвалини тузиб олган эди: ҳарбий денгиз флоти министри, давлат котиби, Нью-Йорк штати губернатори, президент.

1932 йилги сайловлар америкаликларнинг мамлакат бошига тушган офатга жавоби бўлди. Иқтисодий инқироз оқибатида ишсизликка ва қашшоқликка маҳкум бўлган гарбий ҳудудлар аҳолисининг норозилиги Республикачилар партиясини ҳокимиятдан маҳрум қилди. Ф. Рузвельт Г. Гуверга берилган 59 овозга (фақат шимоли-шарқий штатларда) қарши 472 овоз олиб, 42 та штатда галаба қилди. Голибнинг устунлиги сайловчиларнинг 7 миллион овозини ташкил этди.

Айнан ҳокимиятга эгалик қилишнинг дастлабки 100 кунда Оқ уйнинг талаби билан Конгресс янги йўналиш қонун лойиҳаларининг асосий қисмини қабул қилди ва бу муддатнинг охирига келиб Рузвельт миллатнинг ҳақиқий етакчисига айланди. У Америка тарихида мислсиз бўлган, ташаббускорлари «Демократик иқтисодий ва ижтимоий тизим» деб атаган дастурнинг кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишига эришди. Ф. Рузвельт ўз иш-ни Америка конституцион тизими ҳатто кучли президентларга ҳам ўрнатиладиган чегараларгача олиб борди. Ўзга бирорта ҳам президент қилмаган ишни у қилди. Яъни, Конгресснинг қонунчилик ташаббусини олиб қўйди ва

ана шу маънода президентлик институтининг қонунчилик ваколатини кенгайтирди. Ф. Рузвельт вето¹ ҳуқуқидан фойдаланиш бўйича барча рекордларни енгиб ўтди. Умумий ҳисобда у 635 марта вето қўйди. У обрўли депутатлар ва сенаторларни шахсий суҳбатларда силаб-сийпаб кўндиришга уринар ва мансаб ҳомийлиги имкониятларидан фойдаланар ва агар лозим бўлса, жамоатчилик фикри ёрдамида Конгрессга тазйиқ ҳам ўтказарди. Ф. Рузвельт жамоатчиликнинг умидларини президент институтида жамлади, оммавий ахборотнинг ҳар иккала воситасидан — матбуот ва радиодан мисли кўрилмаган тарзда ўз сиёсатининг қуроли сифатида фойдалана олди. Ф. Рузвельт ахборот воситаларининг биринчи президенти бўлган. Вашингтонда ишлаётган журналистларга нисбатан ўзининг «очиқ эшиклар» мустақил сиёсати оқибатида йирик газета сарлавҳаларидан номи тушмасди. Оёқлари шол бўлиб қолган президент ҳафтасига икки марта ўз ёзув столи атрофига 200 тагача журналистларни тўпларди. Улар олдиндан бериладиган ёзма талабномаларсиз истаган саволларини беришлари мумкин эди. Бу конференциялар эркин матбуот билан муомала қилишнинг олий намунаси бўлиб қолди.

Ф. Рузвельт Буюк депрессия натижасида хонавайрон бўлган миллионлаб америкаликларни ғариблик ҳамда умидсизликдан асрашни хоҳларди. Агар уларнинг қаторига оила аъзоларини ҳам қўшеак, унда 20—30 миллион одам давлат ишидан олинадиган, камтарона бўлса ҳам, маош билан кун кўрарди. Ф. Рузвельтнинг ишончли одами Гарри Хопкинс раҳбарлигидаги маъмурият 120000 та жамоатчилик биноларини, 664000 миль янги йўлларни, 77000 кўприкни ва 285 та аэропортни қурди. Ҳатто ўқитувчилар, расомлар ва ёзувчилар ҳам ишга эга бўлдилар, бу билан Ф. Рузвельт ўз «янги йўналиш»и учун шаклланаётган ижтимоий қатламнинг фикрини эгаллаб олди. АҚШ тарихида биринчи марта ишчилар синфи корхонадан устун турувчи эркин ташкилот ва тарифлар бўйича музокаралар олиб бориш ҳуқуқини олди. Бундан кейин энг кўп иш куни ва кам иш ҳақи борасида келишувга эришилди, 16 ёшгача бўлган болалар меҳнати ман этилди. «Янги йўналиш» қанчалар муваффақиятли бўлганлиги ҳақидаги масала ҳозирча ҳам баҳсли ҳисобланади. «Янги йўналиш» ишсизликни ва муҳтожликни юмшатганлиги, лекин йўқ қила олмаганлиги тўғри, ижтимоий-сиёсий қонунлар эса камтарона бошланишдан нарига ўтмаганлиги ҳам тўғри. Фақат уруш туфайли тўлиқ таъминланганлик ва барча рекордлардан ошиб тушадиган ишлаб чиқаришга эришилди. Аҳолининг уюшмаган қисми ва қора танлилар «янги йўналиш» чегарасининг нариги тарафида қолди, имкониятлар ва даромадлар жуда кам ўзгарди, монополиялар ва концернларнинг таъсири камай-

¹ Вето — таъқиқлаш, ман қилиш.

ди, лекин тўлиқ йўқолмади. «Янги йўналиш»нинг чегараларини ҳеч ким Рузвельтдан яхшироқ билмас эди, ахир у ўзининг иккинчи муддатида миллатнинг учдан бирининг қашшоқлигига қарши кураш эълон қилди. У эришмаган нарсалар унга эмас, АҚШнинг сиёсий-иқтисодий тизими, ҳатто кучли президентларнинг ҳам йўлларига қўядиган ўтиб бўлмас тўсиқларга боғлиқ эди. Унинг иккита оғир ички сиёсий мағлубиятлари «янги йўналиш»нинг марказлаштирувчи ҳаракатларига қаршилиқ қилган Олий судни қайтадан ташкил қилишга уриниш ва 1936 йилги сайловлардаги буюк ғалабадан кейин консерватив муҳолифатни партиядан чиқариш бунга ёрқин намуна бўла олади. Ф. Рузвельтнинг фикрига кўра, «янги йўналиш»ни таъминлаш ва олға силжиш учун лозим бўлган ҳар иккала уриниш муваффақият қозонмади, чунки у президентлик ҳокимиятининг имкониятларини юқорироқ баҳолаган эди. Энг муҳими шунда эдики, Ф. Рузвельт руҳи тушган, ўзига ишончини йўқотаётган ва аниқ мақсадга эга бўлмаган миллатга янгидан умид бахш эта олди.

Президентнинг ташқи сиёсий йўналиши Конгрессда унинг мамлакат ичкарасидаги сиёсатидан анча кейинроқ тан олинди. Фақат Лотин Америкаси мамлакатлари бундан мустасно эди. АҚШ чегараларидан жанубда жойлашган мамлакатлар билан муносабатларини эса яхшилаш бўйича президент Герберт Гувер бошлаган ишларни ривожлантирган Рузвельт «яхши қўшничилик сиёсати»ни эълон қилди. Давлат котиби К. Халлнинг ва унинг ёрдамчиси (кейинчалик ўринбосари) С. Уэльсларнинг ёрдамида Лотин Америкаси мамлакатларининг ишларига аралашини тўхтатилди. 1933 йили Куба ва Панама билан АҚШнинг протекторатлиги мавқеини ўзгартирувчи янги шартномаларнинг матнлари ишлаб чиқилди. Гаитидан денгиз пиёда қўшинларининг қисмларини олиб чиқди. Монро доктринаси АҚШнинг бир томонлама сиёсатидан бутун Ғарбий яримшар учун кўп томонлама сиёсатга айланди. Ф. Рузвельт 1933 йилдан Оқ уй минбаридан жамоатчилик фикрига таъсир қилиш учун фойдаланди. Ўзининг матбуот конференцияларидаги нутқлари билан у аста-секин жамоатчиликни Германия, Италия ва Япония АҚШнинг хавфсизлигига раҳна солиб турганлигига ишонтирди. 1934 йилнинг октябрида, Япония Шимолий Хитойга ҳужум қилганидан сўнг, Ф. Рузвельт босқинчи давлатларга нисбатан чоралар кўрилиши лозимлигини талаб қилди. Бироқ жамоатчилик салбий муносабатда бўлди ва президент мамлакатни яна изоляционизм¹ сиёсатидан коллектив хавфсизлик сиёсатига ўтишнинг муҳимлигига ишонтиришига тўғри келди. Бу орада 1938—1939 йиллари у армия ва флот учун молиялашти-

¹ *Изоляцион* — Европадаги можароларга аралашмаслик шиори остида АҚШда пайдо бўлган сиёсий оқим.

ришнинг оширилишига эришди. 1941 йилнинг 7 декабрида японияликлар АҚШнинг Пёрл-Харбордаги қуролли кучларига зарба берганларида ҳам музокаралар давом эттирилди. 4 кундан кейин, 1941 йилнинг 11 декабрида Германия ва Италия АҚШга уруш эълон қилди. АҚШнинг урушга кириши билан 61 ёшли Ф. Рузвельтнинг олдида бир қанча жиддий масалалар кўндаланг бўлди. Бу масалалар уни шунчалар чарчатдики, 1944 йилга бориб, унинг жисмонан толиққанлиги яққол кўзга ташланарди. Бунинг устига Рузвельт барча муаммоларни жамоатчилик олдида муттасил ўзини оқлаш билан ҳал қилишига тўғри келди. Жамоатчиликнинг фикри, Конгресс, партия, сиёсий қарама-қаршиликлар, демократлар ва республикачиларнинг рақобатчилик муаммолари, ниҳоят, 1944 йилги президентлик сайловлари, буларнинг ҳаммаси Ф. Рузвельт ўз ишида ҳам, сўзида ҳам ҳисобга олиши лозим бўлган омиллар бўлиб келди. Бу жиҳатдан у Уинстон Черчиллдан кўра эркисроқ эди, Сталин ва Гитлер ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

Охир-оқибатда 1943 йилнинг августидаги Квебек конференциясида инглизлар Европага Нормандия орқали бостириб кириш, Италиядаги ва Ўрта Ер денгизидаги ҳарбий ҳаракатлардан муҳимроқ эканлигига қўшилишга мажбур бўлдилар. Ҳар иккала ғарблик йўлбошчилар Сталин билан 1943 йили Техрон конференциясида ва 1945 йил февралда Ялтада учрашдилар.

Ялтада советлар БМТни ташкил қилиш бўйича Сан-Францискодаги конференцияда қатнашишга рози бўлдилар ва Ф.Рузвельтнинг қатъийлиги сабаб ўзларининг бир қатор талабаларидан воз кечдилар. Шубҳа йўқки, Ф. Рузвельт СССР билан урушдан кейинги ҳамкорликнинг имкониятларини ошириб баҳолаб юборган. Унинг, мустақкам чегаралар ва самарали ишлаётган халқаро ташкилотга аъзолик русларнинг янги ҳудудларни эгаллашга бўлган иштиёқини сўндиради, деган умидлари ўзини оқламади.

1944 йилги қайта сайлаш кампанияси давомида у ва вице-президентликка номзод миссурилик сенатор Г. Трумэн Нью-Йорк губернатори Т. Дьюи ва Оҳаё губернатори Ж. Брикерни маглубиятга учратганларида Ф. Рузвельтнинг соғлиғи бутун мамлакатни ташвишга солаётган эди. Ялтадан қайтиб келганидан сўнг Ф.Рузвельт Конгрессда чиқиш қилди, апрелнинг бошида эса Уорм-Спрингсга (Жоржия штати) дам олишга кетди.

Ф. Рузвельт 1945 йил 12 апрель кунини Уорм-Спрингсда вафот этди.

У АҚШ президенти лавозимини кетма-кет тўрт марта эгаллаган мамлакат тарихидаги ягона шахс. Америка халқи Ф. Рузвельтнинг буюк мамлакатни яратишдаги хизматларини юқори баҳолаб, уни Ж. Вашингтон, А. Лицкольн каби президентлар қаторига қўйишади.

Биз истаймизки бутун дунё тўртта энг муҳим эркинлик принцигига амал қилсин. Биринчиси — бутун дунёда сўз ва ўзини ифода қилиш эркинлиги. Иккинчиси — бутун дунёда ҳар бир кишининг Худога ўзи қандай хоҳласа шундай эътиқод қилиш эркинлиги. Учинчиси — муҳтожликдан озод бўлиш эркинлиги. Тўртинчиси — қўрқинчдан халос бўлиш эркинлиги. (Франклин Делано Рузвельт)

МИСР ОИЛАСИ БОШЛИФИ

САДАТ, МУҲАММАД АНВАР (25.12.1918 — 06.10.1981)

Миср президенти. Мисрдаги Мит Абул Ком қишлоғи (Нил дельтасидаги Мнуфия вилояти)да тугилган. Қоҳира ҳарбий академиясини тугатган. Абдул Носир бошчилигидаги «Эркин офицерлар» ташкилотини тузишда қатнашган. Иккинчи жаҳон уруши даврида немислар билан ҳамкорлик қилгани учун икки йил қамоқда бўлган. 1944 йили қочган, бироқ 1946 йили терроризмда айбланиб, яна қамоққа олинган. 1952 йили монархия ағдарилганидан сўнг инқилобнинг раҳбарлик кенгаши аъзоси, «Аль-Жумҳурия» газетасининг муҳаррири ва 1954—1956 йиллари давлат министри бўлган. 1957 йилдан ҳукмрон партиянинг бош котиби. 1960 йилдан 1968 йилгача Миллий кенгашнинг раиси ва 1964—1967 йиллари вице-президентлардан бири бўлган. 1969 йили Садат ягона вице-президент лавозимини эгаллаган. 1970 йил Абдул Носирнинг вафотидан сўнг Мисрнинг президенти этиб сайланган. 1978 йилдан Миллий демократик партиянинг раиси. Кемп-Девид битимини имзолаган, Исроил билан яраш шартномасини тузган (1970). Нобель тинчлик мукофоти лауреати (1978).



Муҳаммад Анвар ал-Садат ўртача таъминланган деҳқон оиласида тугилган. Унинг ёшлиғи фавқулодда воқеаларга бой бўлган: қироллик ҳарбий академиясида ўқиш, Иккинчи жаҳон уруши йилларида британияликларга қарши исёнда иштирок этиш, қамоқхона, қочиш, камтарона маош билан экспедитор бўлиб ишлаш. Чиройи йиллар давомида ўз жилосини йўқотмаган, олийжаноб аёл Жаҳон Садат билан иккинчи никоҳи бахтли бўлиб чиқди. У эрини доим «Орзудаги эркак» деб атарди. 1950 йили у «Эркин офицерлар» — полковник Жамол Абдул Носир бошчилик қилган инқилобий ташкилотнинг 12 аъзосидан бири бўлди. Улар биргаликда

Мисрда Британия ҳукмронлигига чек қўйиш ва қирол Фаррухни ағдаришни режалаштиришган. А. Садат 1952 йилги июль инқилобининг фаол қатнашчиси бўлди ва 1956 йилги президентлик сайловларида Носирнинг номзодини қўллаб-қувватлади.

Унинг ҳокимиятдаги ҳамкорлари — олий насаб офицерлар, у экспедитор бўлган пайтида пачоқ юк машинасида юрган вақтларидаги ғарибона арабча кийими туфайли ва кўпроқ даражада суданлик аждождларидан мерос бўлган жуда ҳам қорачадан келганлиги сабабли унга менсимаслик билан қарардилар. У бу сезиларли хўрликларга ажойиб европача кийимлари билан жавоб бермоқчи бўлар ва шуҳратпарастларча фикрларни ўйлаб юрарди. Ўзининг ўнг эътиқодларига кўра ва бошқа сабаблар туфайли ҳам А. Садат ҳукуматда иккинчи ролда турди. Шундай бўлсада, у икки марта — 1964—1966 йилларда ва 1969—1970 йиллари вице-президентлик лавозимини эгаллади, лекин у кўпинча қонунлар лойиҳасини яратиш фаолияти билан шуғулланарди. Унинг нотиклик қобилияти анча юқори эди. Шунинг учун ҳам Носир кўпинча унга ёш Бирлашган Араб Республикасининг ҳамда Яманнинг турли ҳудудларида ҳарбийлар олдида сўзга чиқишни топширарди.

1970 йилнинг сентябрида Носирнинг кўққисдан ўлими А. Садатни давлатнинг энг олий мансабига олиб келди. Кўпинча сиёсатчиларнинг вақтинча президент вазифасини бажарувчи, аҳамиятсиз ва вақтинча одам деб ҳисоблашларига қарамасдан, у мустаҳкам тура олиш қобилиятини намоён қилди. А. Садатнинг рақиблари ҳали бирлашишга ҳам улгурмасдан туриб, 1970 йилнинг 15 октябридаги умумхалқ сайлови унинг ҳокимият чўққисиди бўлишини қонунлаштирди. Янги лавозимда А. Садатнинг биринчи вазифаси ўз ҳолатини мустаҳкамлаш бўлди. 1971 йилнинг май ойида у сунъий йўллар билан рақибларини давлат тўнтаришига уриштида айблаб, сиёсий душманларидан қутулди. «Исённинг бошловчилари» — Ички ишлар министри Шарави Гомаа ва Мудофаа министри генерал Муҳаммад Фавзиларга ўлим жазосини талаб қилиб, минглаб кишилар Қоҳира кўчаларига чиқдилар. Хавфсизлик хизмати раҳбарлари лавозимларидан бўшатилдилар. Ўзгартиришлар натижасида Носирнинг энг обрўли тарафдорлари ва А. Садатнинг душманлари йўқ қилинди. Носир тузумининг «юмшатилиши» «Эркин офицерлар»ни ўрта синф вакиллари билан яраштирди ва собиқ олий табақани ихчамлаштирди. А. Садат бу ғалабасини «Тартиблаштирувчи инқилоб» деб атади. Ўша ойнинг ўзида президент Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида шартномани имзолади. Лекин Москва билан муносабатларида аввалги илиқ-

лик йўқ эди. Исроил билан келишмовчилик «силласи қуригунча урушиш» кўринишини олди, мисрликлар Синайдаги Исроил позицияларини ўққа тутарди; Исроил авиацияси эса бунга жавобан нишонларни танлаб ўтирмасдан орқа томонига зарбалар берарди. Лекин барибир ҳам ўшанда, 1971 йили Мисрнинг аҳолиси ўзини нисбатан хавфсиз ҳис қиларди. Барча энг муҳим шахслар ва объектлар — Қоҳира, Александрия, Асвон тўғони у ҳокимият тепасига келган вақтда совет армиясининг доимий қисмлари таркибидаги ҳаво ҳужумларига қарши мудофаа воситалари ва авиация билан таъминланган эди. Исроилнинг «Фантом», «Скайхок» ва «Мираж»ларининг экипажлари билан жангни совет зенит-ракета қисмлари олиб борарди.

Президент А. Садат ўздан олдинги президентнинг давлатчилик соҳасидаги донолигига тан берди. АҚШ Мисрга қурол ва молиявий ёрдам беришдан бош тортди. СССРга мурожаат қилиб, ҳаво ҳужумига қарши зенит-ракета қурилмаларини жўнатишни, Мисрнинг бир гуруҳ аскарлари СССРда тайёргарлик жараёнини ўтаётган вақтда Мисрга совет ҳарбий кўшинларини жўнатиб туришни сўраш Носирнинг гоёси эди. Гап маслаҳатчи-инструкторлар ҳақида эмас, ҳарбий академиялар учун таржимонлар ва ўқитувчилар ҳақида ҳам эмас, жанговар ҳаракатлар олиб бориш учун 20 минг ҳарбий хизматчилар ҳақида кетаётган эди. 1969 йилнинг декабрида Москвага махфий ташриф билан бораётган Носир: «Менга ёрдамга келишга тайёр турган дўстларим бўлгани ҳолда, бизнинг объектларимизни бомбардимон қилишларига йўл қўя оламанми?», — деб сўраганди. Москвада икки кун Носир илтимосининг муҳокамаси бўлди. 1970 йилнинг совуқ январь тонгида Москва яқинидаги ҳарбий аэродромдан ҳарбий-ҳаво кучлар кўшинлари бош кўмондонининг ўринбосари бошчилигидаги СССР Мудофаа министрлигининг делегацияси тушган иккита Ил-18 самолёти ҳавога кўтарилди. Миг-21 қирувчилари бўлакларга бўлинди ва Ан-12 юк самолётларига ортилди. Экипажлар гермокабиналарга кирдилар ва Африкага йўл олдилар.

Тез орада Қора денгиз флотининг «Роза Люксембург» юк ташувчи кемаси бортига дастлабки байналмилалчи-жангчиларни олди. Уларга Совет Иттифоқидан жўнатиш жойида фуқаролик уст-бошлар — шляпалар, беретлар, пальтолар кийинтирдилар. Александрияга етиб келганларидан сўнг Одессадаги башанг кийимларини Миср ҳарбий кийим-бошларига алмаштирдилар. Бир сафар тикилиброқ қараган Алексей Косигин: «Кийимлар ва материаллар яхши», — деган. Миср муҳандислари ва ишчилари жуда қисқа муддатларда ракета базалари қуришга улгурдилар. 1970 йилнинг январида совет авиациясининг ҳарбий-ҳаво гуруҳлари тузиб бўлинди ва

1 февралдан бригада жанговар навбатчиликка киришди. Бу кунларда ҳамма нарса — фожиали хатолар ва йўқотишлар, уриб туширилган Исроил самолётлари ва совет қуролидан мағрурланиш ҳам бўлди. Уларга Вьетнамдаги шафқатсиз уруш мактабини ўтаган, асли америкалик бўлган Исроилнинг моҳир учувчилари қарши турганлигига қарамасдан, совет ҳарбийлари ўрнатган тўсиқни ёриб бирорта ҳам «Фантом» ўта олмади. Бомбардимончи-ракета отувчилар ва совет учувчилари бошқарадиган МИГ самолётлари билан бирга ҳаво ҳужумига қарши дивизияларнинг ҳам келганлиги исроилликларга хушёр қилувчи таъсир кўрсатди. 1970 йил февралнинг охирида Исроилнинг премьер-министри Голда Меир Исроил авиацияси Мисрнинг «орқа томонига ҳужум» қилишни тўхтатади ва фақат фронт ёқасидаги объектларга зарба беради деб баёнот берди. Жанговар ҳаракатлар зонаси Сувайш канали бўлиб қолди. Узоқ Москва ва Рязандан, Киев ва Днепропетровскдан бўлган жангчилар зенит ракеталарини бошқариш дастгоҳлари олдида кечаю-кундуз навбатчиликда турардилар. Душман беш дақиқада учиб етса бўладиган масофада бўлганидан ҳарбий тревогалар, иссиқ саҳрода бетондан иборат яшаш жойлари, уч қаватли тунаш жойлари, кондиционернинг сунъий ҳавоси кундалик нормага айланиб қолганди. Аскарлар иссиқдан қаттиқ қийналишар: ракеталарни бошқариш станцияларидаги, радиолокация майдонларидаги иссиқлик айрим кунлари 50 даражага етар эди. «Исроил тажовузкорлари» билан жангни қум бўронлари, жаҳаннам иссиқлиги ва ҳолдан тойдирувчи намликда, ғайриодатий ва оғир шароитларда олиб боришга тўғри келди. Совет ҳарбий хизматчилари мамлакатнинг бутун ҳудудига тарқалганига қарамасдан, совет матбуоти, радиоси ва телевидениесининг хабарларидан Мисрда совет қўшинлари йўқ ва бўлмаган ҳам деган хулоса чиқарди. Кўчаларда совет ҳарбийлари йўқ эди, зенитчилар ўз позицияларида эдилар, маслаҳатчилар қўшинларда, уларнинг барчаси Мисрнинг ҳарбий формасини кийиб, бирон-бир фарқловчи белгилар ва шахсий рақамларсиз юрардилар. Мисрда гўеки руслар йўқдек эди, улар ўз қариндошларига қайси юртларда юрганликларини билдирадиган ҳеч нарсаи ёзмас эдилар, лекин қарийб ҳар бир хатда эҳромлар ва Сфинкснинг тасвири туширилган очиқ варақлар бор эди, аслида, албатта, совет қўшинлари бу ерларга фиръавнларнинг меъморий дурдоналарини томоша қилиш учун келмаган эдилар.

Исроил раҳбарларига СССР билан Миср ўртасидаги давлатлараро маҳфий келишувни маълум эди. Ҳар куни соат 20.00 да Тель-Авив радиоси совет қўшинларининг шахсий таркиби учун рус тилида махсус совет транспортларининг Александрия портига келганлиги, самолётларнинг учуши-

лари, совет қўшинларидаги фавқулодда ҳолатлар, хизмат жойларининг ўзгаришлари ҳақида хабар қиларди. Ҳарбий қисмлар жойлаштирилганидан икки ҳафта ўтганидан сўнг Америка матбуотида уларнинг Мисрда жойлашгани ҳақидаги барча ахборотлар чоп этилди. СССР билан Фарб ўртасидаги «совуқ уруш» Яқин Шарққача етиб борди. Америка ва Исроил ахборот воситалари эҳромлар мамлакатининг советлар томонидан босиб олинганлиги ҳақида хабар беришдан чарчамади ва Садатнинг Миср жамотчилигига чет эл қўшинларининг мамлакатда бўлиши зарурат эканлигини тушунтиришига тўғри келди: «Уруш пайтида У. Черчилль билан Ф. Рузвельт Сталиндан ёрдам сўраш учун Москвага борганларида, бунинг ҳеч қандай айби йўқ эди. Биз Советлардан ўз мамлакатимизни ҳимоя қилишда ёрдамлашишни сўрасак, бу гуноҳ, лекин бошқалар бу ишни қилсалар қонуний бўлар экан», дея ўзини оқлади у. Мисрда советларга яхши муносабатда эдилар. Мисрнинг осмони ишончли ҳимоя қилинган эди, Асвон тўғони деҳқонларни сув тошқини ва қурғоқчиликдан асраб турарди, ёруғлик ва электр қуввати берарди. Эрлари «Фантом»ларни уриб тушираётган ва мисрликларни янги ҳарбий техникани эгаллашга ўргатаётган бир пайтда офицерларнинг хотинлари экзотик шарқий бозорларни ўрганар ва олтин буюмларни уддабуронлик билан савдолашардилар. Бу орада Исроил ҳукумати Мисрнинг қўшинларни Сувайш каналининг шарқий қирғоқларидан олиб кетиш ва БМТнинг 242-рақамли қарорини бажариш ҳақидаги талабини рад этди. Мисрликлар ўзини камситилган деб ҳисобларди. А. Садат 1971 йили «ҳал қилувчи ҳаракатлар»ини бажаришга ваъда берганди, лекин вақт ўтиб борарди, Синай эса ҳали ҳам Бар-Лев чизигининг нариги томонида эди. «Ҳал қилувчи ҳаракатлар» йили деб 1972 йил эълон қилинди, лекин яна ҳеч нарса ўзгармади. Кейинчалик А. Садат унинг жанг қилиш истагига қаршилик қилишда советларни айблади.

Шарқ — нозик масала, араб шарқи айниқса нозик. «Совет биродарлари» эътиқодли худосизлар, мисрликлар эса ҳақиқий мусулмонлар бўлиб туғилганлар ва Садат учун масжидга бориб туриш маънавий зарурат эди. Махсус хизмат ходимлари совет офицерларининг мисрликлар ҳаёт тарзи ва уларнинг мусулмончилик анъаналарига содиқлиги ҳақида, А. Садатнинг ўзи, унинг ўзгармас «сталинча» чубуғи ёқимсиз фикрлари ва эҳтиётсизлик билан айтилган гаплари ҳақида унга ахборот бериб турарди. Русларга қаршилик ва майда фитналар бошланди: Исроил фойдасига айғоқчилик қилишда айбанишдан тортиб, уларнинг хотинлари томонидан Мисрдан олтинлар олиб чиқиб кетилаётганига қадар миш-мишлар тарқалди. Ўша йиллардаги СССРнинг Мисрдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Виногра-

довнинг хотираларидан: «Ва шунда бизга тирғилишлар бошланди. Президент билан суҳбатларда ҳарбий мавзу шунчалар кўп ўрин эгалладики, мен элчи сифатида кўпроқ сиёсат билан эмас, ҳарбий муаммолар билан шуғулланар эдим. Ҳар бир учрашув ҳарбий ёрдам борасидаги бирорта норозилик билан бошланарди: ниманидир етказиб бермаган, ниманидир ўрнига бошқа нарсани юборган. Бу нарса яхши эмас. Бу нарса ёмон... Кейин матбуотда кампания бошланди, гўёки СССР Мисрга ёмон қурол бераяпти, америкаликлар эса Исроилга олий даражадаги сифатли қуролларни етказиб бермоқда. Шунни айтиш лозимки, ўша пайтлари Миср шундай қуролларга эга эдики, улар СССРдан ташқари бошқа бирор мамлакатда йўқ эди, СССРнинг ўзида ҳам ҳамма қисмлари Миср армиясидек қуролланган эмас эди. Сиёсий жиҳатдан Совет Иттифоқига ўзининг Яқин Шарқдаги сиёсатида «уруш ҳам эмас, тинчлик ҳам эмас» ҳолатига интилаётганлик айби қўйилди». Совет ҳарбийлари бу пайтда машқлар ўтказётган ва сув тўсиғини енгиб ўтиш бўйича армиядаги ҳужум операциясини режалаштираётган эди. 1972 йилга келиб Миср қуроли кучлари анча яхши тайёрланганди, совет ҳарбий академиялари ва билим юртларини тамомлаган кўплаб офицерлар келганди. Бу Миср қуроли кучларининг 1973 йил октябрдаги урушда асқотган ўша стратегик операциянинг бир қисми эди. 1972 йилнинг ёзида совет ҳарбийлари учун Мисрга хизмат сафари тез ва амалий тарзда яқунланди. Совет Иттифоқи Исроил билан давом этаётган қарама-қарши курашда Мисрга кўнгилдагидек ёрдам бермаяпти деб ҳисоблаган ва АҚШ қиёфасида СССРдан кўра қудратлироқ иттифоқчига эга бўлишни истаган А. Садат 1972 йилнинг июнида совет мутахассислари ва ҳарбий маслаҳатчиларини «Совет ҳарбий маслаҳатчиларининг вазифалари тутаганлиги ва улар ўз байналмилал бурчларини ўтаб бўлганликлари» муносабати билан мамлакатдан чиқариб юборди. Охири совет мутахассислари Мисрни 1972 йили 16 июнда тарк этди. Садатнинг Москва билан иттифоқи социализмни танлаш ғояси билан бирга яқунланди. «Ҳал қилувчи ҳаракатлар йили» деб эълон қилинган келгуси йили А. Садат Исроилга бостириб киришга яна уриниб кўрди. Унинг шуҳрати ана шу урушдан бошланди. Ўшанда, 1973 йили 6 октябрда муқаддас Рамазон ойининг 3-кунинда, яҳудийларда катта байрам Йом Киппур (тавба қилиш куни) вақтида исроилликлар рўза тутаётган, дуо ўқишаётган ва ўтмишдаги гуноҳлари учун тавба қилаётган пайтда у тўртинчи араб-исроил урушини эълон қилди. Миср ҳарбийлари Сувайш каналига вақтинчалик кўприклар ўрнатдилар ва Бар-Лев чизиги бўйлаб истеҳкомларга ҳужум қилдилар. Улар баланд қум ясама тепаликларга насослардан қудратли сув оқимлари юбор-

дилар ва шарқий қирғоқдаги истеҳкомларни эгаллаб олдилар. Ер ости паноҳгоҳларида ибодат қилаётган Исроил аскарлари тўсатдан шошиб қолиб, қўлга олиндилар. Сон жиҳатидан устунликка эга бўлган исроилликларнинг дастлабки кунлардаги йўқотишлари жуда катта бўлди. Шошилиш сафарбарлик чоралари синагогаларда ўтказилди ва Исроил радиоси ўзининг байрам вақтидаги анъанавий сукунати керакли кўрсатмаларини эшиттириш учун бузди. Шунингдек, Сурия армияси ҳам худди шундай тарзда Жўлан тепаликларини эгаллади.

АҚШ президенти Р.Никсон 13 октябрда Исроилга қурол етказиб беришни рад қилди. Бу билан Исроил армиясини қайта ҳужум қилиш имкониятидан маҳрум этди ва ана шу тарзда А. Садатга ўзининг мойиллигини тушунтирди. Исроил дастлабки эсанкираш ҳолатидан ўзига келди ва АҚШ аввалги иккиланишларсиз, ҳаводан қуроллар етказиб беришни тиклади. Исроилликлар ҳарбий устунликларини намойиш қилдилар. Улар икки фронтда ҳужум уюштириб, Жўлан тепаликларини эгаллаб олдилар ва Сувайш каналидан ўтдилар. Мисрликларнинг 20 минг кишилик 3-армияси Синай саҳросида қамалга тушиб қолди. Р. Никсон СССРнинг раҳбари Л. Брежневдан 3-армияга ёрдам бермоқчилиги ҳақида хат олди. АҚШ қандай бўлмасин, совет ҳарбий аралашувидан қочишга интилди. Исроил ўзининг фуқароси деб ҳисоблаган АҚШ давлат қотиби Генри Киссинжер агар исроилликлар ўз ҳужумларини тўхатмасалар қурол етказиб бериш камайтирилишини айтиб, дўқ урди. 22 октябрда БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўт очишнинг тўхтатилишига эришди. Ҳарбий нуқтаи назардан А. Садат октябрь урушида ғолиб бўлган эмас, лекин ҳақиқатан ҳам у баъзи бир ҳудудларни Исроилдан тортиб ололган биринчи араб йўлбошчиси бўлди. Бу уруш исроилликларни араблар учун қулай бўлган тинчлик шартлари билан ҳисоблашишга мажбур қилди, миллий гурурни сақлаб қолди ва А. Садатнинг обрўини оширди. Садат бу урушни ғалаба уруши деб аташи учун сиёсий муваффақиятлар етарли эди. «Виждонли воситачи» сифатида АҚШ тинчлик жараёнида устуворлик қиларди. Г. Киссинжер шундай деди: «Араблар қуролни руслардан олиши мумкин, аммо ўз ҳудудларини фақат бизлардангина қайтариб олишлари мумкин». Г. Киссинжернинг дипломатияси 1974 йилнинг январида Исроилнинг Сувайш капали ортита чекинишини, БМТ қўшинларининг бетараф зонада жойлашгани, каналнинг очилиши ва бундан кейин Исроил қўшинларининг Синайдаги баъзи бир ерлардан кетишини таъминлаб, биринчи меваларини берди. 1974 йил 28 февралда Миср билан АҚШ ўртасидаги 1967 йили узилган дипломатик алоқалар тикланди. АҚШ ҳар иккала мамлакатга иқтисодий ва ҳарбий

ёрдам берди ва А.Садат энди Носирнинг социализмдан узил-кесил воз кечди. Бу 1974 йили у «интифах» деб аталган хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи «очиқ эшиклар» сиёсатини эълон қилганида рўй берди. Миср иқтисодиёти Ғарб ва Америка маблағларининг оқиб келиши билан жонланиши керак эди. Шарқий уюшма аъзолари билан аввалги яқин алоқалар вайрон бўлди, ҳатто шунгача бориб етдики, 1976 йили дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги совет-миср шартномаси ҳам бекор қилинди. Американинг ёрдамига қарамасдан 1977 йил бошларида Садат арабча образли қилиб айтганда, «жаҳаннам билан чуқур кўм-кўк денгиз» ўртасида қолди. Миср Сувайш каналининг шарқий соҳилидаги ерларни эгаллади. Лекин Синайнинг қолган қисми ҳали ҳам Исроилнинг қўлида эди. Сувайш каналини тозалаш ва кенгайтириш керак эди. Канал ёқасидаги шаҳарлар Исроилнинг оғир бомбардимон қилишидан кейин қайта тикланишга муҳтож эди. Мамлакатда демографик ҳалокат хавфи пайдо бўлди. Носирнинг социалистик сиёсати туфайли одамлар меҳнаткашлар учун ўрнатилган ҳимоя чораларига ўрганиб қолган эди: давлат миқёсида ишсизларни иш билан таъминлаш ва умрбод ижтимоий таъминот кафолатланган эди, давлат корхоналарига кўпинча ўз зарарларига бўлса ҳам ишчиларнинг мавжуд сонини сақлаб қолиш, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш буюрилганди. Давлат корхоналарининг кўпгина ходимлари амалда ойлик олишдан бошқа иш қилмас эдилар. Давлат ихтиёрига ўтказилган саноатда ҳам аҳвол шундай эди. Маълумотли ёшларнинг сони чекланган вақтда барча университет битирувчилари иш билан таъминланади деган ваъда бажариб келинарди. Олий таълим олиш, шу жумладан илмий даражага эга бўлиш ҳам ҳамма учун очиқ бўлганидан кейин катта умидли, лекин шунга яраша иш топа олмаган ёш мутахассислар сони кўпайиб кетди.

А. Садат молиявий ёрдамга жуда муҳтож эди ва у Халқаро валюта фондига — ўзининг қатъий тартиблари ҳамда иқтисодий ўзгаришлар қилиш талаблари билан машҳур бўлган ташкилотга мурожаат қилди. Ҳаёт даражаси шундай ҳам жуда паст бўлган ва яшаш учун қарзлардан фойдаланган аҳоли ХВФнинг иқтисодий сиёсатни кескинлаштириш талабларини жуда адолатсиз деб ҳисоблади. Шунга қарамасдан, А. Садат ХВФнинг кўрсатмаларига сўзсиз риоя этишга қарор қилди. 1977 йилнинг январида субсидияларни кескин камайтириш ва субсидияланмаган маҳсулотларнинг нархини ошириш кўзда тутилган бюджет қабул қилинди. «Очиқ эшиклар» сиёсатининг оқибати бўлган аянчли инфляция аҳолида чорасизлик кайфиятини уйғотди. Мисрликлар шак-шубҳасиз ер юзидаги энг сабр-

тоқатли халқлардан бири, бироқ иш жуда оғирлашишга бориб етганида, портлаш рўй берди. Бугун мамлакат бўйлаб ҳукумат ХВФ тазйиқи остида нон, қанд, ёқилғи, оддий матоларнинг қатъий нархларини сақлаб туриш учун ажратиладаган маблағларни қисқартириш ҳақида қабул қилган қарорни бекор қилиш талаблари билан намоийшлар бўлиб ўтди. Тартибсизликлар оқибатида 79 киши ҳалок бўлди, 1000 киши яраланди ва 1250 киши қамоққа олинди. ОПЕК¹ мамлакатларидан ёрдам келди. Таъминлаш маблағлари яна киритилди, тартиб ўрнатилди, мисрликлар хотиржам бўлдилар, бир гуруҳ коммунистлар эса исёнга чақирганликлари учун судда жавоб бердилар. Умуман олганда, жамият ҳаётининг бир қадар демократлаштирилиши, кўппартиявийликка қайтиш билан олиб борилган ўша йиллардаги ислохотлар секин олға силжиётганди. Ноаниқлик ҳолати, маблағлари янги ҳарбий ҳаракатларга тайёрланиш учун сарф қилинаётган мамлакат иқтисодига турғунлик таъсирини ўтказарди. Ҳали ҳам Миср билан Исроил ўртасида тинчлик ўрнатилмаганлиги туфайли кўпгина чет эл компаниялари маблағ киритишга шошилмаётган эдилар, чунки яна навбатдаги уруш бошланиб кетмаслигига кафолат йўқ эди. Худди ана шу сабабларга кўра янги қарзлар олиш ҳам қийин бўларди. Мисрнинг манфаатлари Исроил билан тинчликка эришилишини талаб қиларди ва Садат ўз мамлакатини инқироздан чиқариш йўлида қалтис ва жасоратли қадам қўйди. 1977 йилнинг 9 ноябрь кунини у Миср парламентида Исроил билан тинчлик ўрнатилиши туфайли мамлакат эга бўлиши мумкин бўлган барча имтиёзларни тасвириб берувчи нутқ билан мурожаат қилди. У ошқора ҳаракат қиларди ва агар таклиф этилса Қуддуси шарифга бориши мумкинлигини айтиб, бугун араб дунёсини ҳайратга солди. Исроилнинг премьер-министри М. Бегин 13 ноябрда таклиф юборди. 1977 йилнинг 21 ноябрида А.Садат Исроил Кнессетида нутқ сўзлади ва уни «Урушга — йўқ», «Қон тўкилишга — йўқ!» деган сўзлар билан якунлади. Исроилликлар октябрь уруши қаҳрамонининг оғзидан чиқаётган бу сўзларни эҳтиёт бўлиб эшитдилар ва дастлаб натижага тезда эришиб бўлмайдигандек туюлди. Улар, албатта, тинчлик бўлишидан қувондилар, бироқ араб ерларини йўқотиш ва Фаластин давлатининг эълон қилиниши уларни камроқ қувонтирди. Сионистларнинг «Нилдан Европагача Буюк Исроил қуриш» гоёси хавф остида қолди. Аммо А. Садатнинг яхши нияти бўлғуси музокараларга йўл очиб берди. Кемп-Дэвиддаги 11 кунлик қизгин баҳслардан сўнг 1978 йилнинг сентябрида, ниҳоят, АҚШ президенти Ж.Картер рақибларни бирлашти-

¹ ОПЕК. — нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти.

ришга муваффақ бўлди. М. Бегиннинг сўзларига кўра Америка президенти жуда оғир ва шарафли ишни қилган. Кемп-Дэвид битими Исроилнинг Синайдан тўлиқ чиқиб кетишини, 5 йил давомида Фаластин ғарбий соҳилида ўз-ўзини бошқаришнинг аста-секин олға силжишини ва Исроил билан Миср ўртасида тинчлик шартномасининг тузилишини таъминлади.

Бу келишувда ҳар иккала йўлбошчи учун ҳам катта хавф яшириниб ётарди. Синайдан чиқиб кетиш исроилликлар томонидан қаттиқ танқид қилинди. Садат учун хавф анча каттароқ бўлиб чиқди. Араб йўлбошчилари Садат ўзининг Исроилга қиладиган ташрифи борасида улар билан маслаҳатлашмаганлиги учун ўзларини ҳақоратланган деб ҳисобладилар ва уни энг олий хиёнатда айбладилар. Кемп-Дэвиддаги битимни улар шармандали таслим бўлиш деб баҳоладилар. Лекин энг катта хавф Садатнинг Исроилга ташрифидан сўнг сони кескин ортиб кетган, экстремистик ислом ташкилотларидан келиб чиқди. Садат тўлиқ дўстона муносабатларда бўлган «Мусулмон биродарлар»и Кемп-Дэвид шартномасига муҳолифатда эканликларини ошқо-ра баён қилдилар ва Мисрда, айниқса талабалар орасида, ҳарбийлашган исломий гуруҳларнинг тарқалишига кўмаклашдилар. Ўшандан бошлаб Садат учун ўз мамлакати ичида ҳаракатланиш эркинлиги тугади. Авваллари бўлгани каби, автомобилдан чиқиш ва шунчаки ватандошлари билан суҳбатлашиш ҳақида энди ўйлаб ҳам ўтирмаса бўларди.

Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишдаги уринишлар учун ҳар иккала раҳбар — М. Бегин ва А. Садат — 1978 йилнинг декабрида Нобель тинчлик мукофотига сазовор бўлдилар. Тақдирлаш маросими хавфсизлик нуқтаи назаридан Осло яқинидаги қадимий Акершес қалъасида ўтказилди. Маросимда фақат жаноб Бегин қатнашди, чунки жаноб Садат Қоҳирада ўта муҳим ишлар билан банд эди. Норвегия пойтахтининг кўчаларида намоёнчиликлар тўдалари жон-жаҳдлари билан ҳар иккала лауреатни лаънатлар ва Фаластинга мухторият талаб қилардилар. 1979 йили 26 март куни Вашингтондаги Оқ уй олдидаги майсазорда 30 йиллик қаршиликлар ва тўртга урушдан кейин Исроил ва Миср тарихий шартномани имзоладилар. «Тинчлик келди, — деб эълон қилди Жимми Картер. — Биз тинчлик йўлидаги ҳеч бўлмаганда биринчи қадамни, узоқ ва қийин йўлдаги биринчи қадамни қўйдик». Ҳаммаси қанчалар мураккаб эканлиги М. Бегиннинг Қуддус шаҳри Исроилнинг ажралмас қисми бўлиб қолиши керак, деган эҳтиросли таъкидлашларидан сўнг дарҳол аниқ бўлиб қолди. Битимнинг Фаластин мухторияти борасида навбатдаги босқичини эслатар экан, Анвар Садат ҳам қатъий эди. Оқ уйдаги майсазорнинг бевосита яқинида араб намоёнчилари «Садат — сотқин!»

деб қичқирардилар. Араб дунёси ғазаб ва айблар уюмидан титраб кетди. Ёсир Арофат А. Садатни «йўқотиш»га таҳдид қилди. Сурия ва Ироқ президентлари Иордания қиролининг қўллаб-қувватлаши остида шартномани бойкот қилиш ҳақида конференция чақирдилар ва Қоҳира билан дипломатик алоқаларни узишга даъват этдилар. Биринчи муҳим ҳаракат 1979 йили Мисрнинг Носир тузган Араб давлатлари лигасидан қувилиши бўлди. Лиганинг штаб-квартираси Қоҳирадан Тунисга кўчирилди. 1979 йилнинг июнида Исроил қўшинларининг Синайдан чиқарилиши бошланди. 1980 йилнинг февралда Миср ва Исроил ўзаро элчилар алмашдилар. Иқтисодий манфаатларга келганда, зарур бўлган қарзлар олинди ва ундан кейин чет эл манбаларининг Миср иқтисодиётига кириши кўпайганлиги кузатилди. Бу миллий ва чет эл компанияларидан иш олган баъзи мисрликларнинг аҳволини яхшилади. Американинг ҳарбий кўмагини ҳам ҳисобга олганда, икки ярим миллиард доллар миқдориди ҳар йили бериладиган беминнат ёрдами тобора ортиб борувчи роль ўйнади, бу ёрдамнинг миқёси бўйича энди Миср дунёнинг Исроилдан бошқа барча мамлакатларидан устун турарди. Бироқ Форс қўлтиғи мамлакатлари ҳам бойкотга қўшилганларидан кейин араб нефть долларлари оқими-дан умидни узишга тўғри келди.

Агар Синай яриморолни масаласи маълум даражада ҳал қилинган бўлса-да, Жўлан тепаликлари ва Ғарбий қирғоқ муаммолари анча мураккаб эди, Қуддуси шариф ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Фаластинликларга мухторият берилган бўлса ҳам, Исроил ўзининг Ғарбий қирғоқдаги манзилгоҳларини йиғиштиришга шошилмаётган эди. Фаластинлик араблар чеккан хўрликлар ва азоб-уқубатлар учун ўч олиш хавфи фақат Исроил учунгина даҳшатли бўлиб қолмади. Фаластиннинг «Қора сентябрь» деб номланган террористик гуруҳи Европа давлатлари аҳолисини ҳам қўрқувда ушлаб турди.

А. Садатнинг Ғарбда машҳурлиги ошиб бораётган бир вақтда, унинг обрўси ўз ватанида кескин пасайиб борарди. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга йўналтирилган уринишларнинг натижалари кам деганда ҳафсалани пир қиладиган бўлиб чиқди. Бу, шубҳасиз, кўпгина сабаблар, энг аввало, аҳоли сонининг назоратсиз ўсиши оқибатида келиб чиққан эди. А. Садат эркинлик ва демократия тарафдори бўлса ҳам, ўз қўлида шунчалар ҳукмронликни ва шунчалар кўп вазифаларни жамладик, бунақаси ҳатто Носирда ҳам бўлмаган эди. «Миср оиласининг бошлиғи» деган норасмий унвонидан ташқари А. Садатнинг қуйидаги олий мансаблари бор эди: республика президенти, премьер-министр, қуролли кучлар бош қўмондони, полициянинг бош шефи, юстициянинг бош шефи, миллий демократик партиянинг раиси, миллий хавфсизлик билан боғлиқ

бўлган барча ҳарбий ва иқтисодий масалалар ишларининг вакили. Президентлик ҳокимияти кучайганлигига қарамасдан жамиятда ишсизликнинг ошиб бораётганлиги ва олий маълумот ҳақидаги дипломларнинг ишсиз эгалари бўлган ёшларнинг сафлари тобора кенгаяётганлиги туфайли қарама-қаршиликлар ҳам кучайиб борарди. 1980 йили 25 ёшгача бўлган ёшларнинг сони аҳолининг умумий сонига нисбатан 50 фоизга етди ва айнан улар ислом экстремизмига ўз тарафларини оладиган манба сифатида қарар эди. Мамлакатда армиянинг юқори амалдорлари ва йирик хусусий тадбиркорлар байрам қилардилар. Мисрлик бойваччаларнинг гарбча ҳаёт тарзи, қирғоқ бўйидаги виллалари, спиртли ичимликлар ичиши, айниқса мусулмон доираларининг газабини кўзғатарди. «Мусулмон биродарлар» ҳокимиятга интилаётган қудратли сиёсий кучга айланди. Бу ташкилот доимо ҳукмрон тузумга қарши иш кўрар ва фитналар уюштирарди. Вақти-вақти билан уни Миср ҳукумати тақиқлаб қўяр, унинг фаоллари қамоққа олинар, уларнинг ғоявий даҳолари Саид Кутб дорга осилган эди. Оддий халқнинг кўз ўнгида «Мусулмон биродарлар» бюрократик қонунсизликка, порахўрликка, тўрачиликка қарши курашувчилар эди ва уларнинг қонундан ташқари деб эълон қилиниши, аксинча, улар таъсирининг ошишига олиб келарди. Мисрнинг ҳукмрон табақасини исломдан чекинишда айблар эканлар, улар барча мусулмонларни жиҳод — муқаддас урушга чақирардилар ва ҳақиқий, исломона бошқаришни талаб қилардилар. Бунда жиҳод давомида кўнгиллиларнинг ўлимига диннинг энг улкан улугворлиги деб қараларди.

Тинчлик битими муносабати билан бўлган дастлабки завқ-шавқ сўна бошлади ва баъзи бир мисрликлар эришилган келишув ҳақида шармандали воқеа сифатида ўйлай бошладилар. Миср ҳудудларининг ғолибона уруш натижасида эмас, ашаддий душманлари билан шармандали келишув орқали қайтариб олинганлиги шахсий камситилишдек қабул қилинарди. Фаластин муаммосининг ҳал этилишида ўзгаришларнинг йўқлиги Исроил билан тинчлик битимини бир томонлама сулҳга айлантириб қўйди ва Фаластин халқининг бахтсизлиги Миср жамоатчилигида ҳамдардлик, фикрлар ғалаёни ва кескин кайфиятларни туғдирди. Исроил билан муносабатларнинг нормаллашишига қарши ғалаёнлар 1981 йилнинг март ойида бошланди. Хавфсизлик хизматлари ҳормай-толмай фитначиларни излардилар. Фитна мавжуд эканлиги аввалдан маълум эди. Ўнг ва сўл муҳолифат вакиллари, копт руҳонийлари ва мусулмон арбоблари, журналистлар, хотин-қизлар ҳаракатининг фаоллари қамоққа олинди. А. Садатнинг сўнги кунлари шундай ўтди: Мисрда тинчлик бор эди, лекин хотиржамлик ва келишув йўқ эди. АҚШ президенти Р. Рейган раҳбарлигидаги янги маъмурият бу хавфли ҳолатдан чи-

қиб кетиши учун А. Садатга ёрдам беришга унчалик уриниб ўтирмади. Исроилликлар учун анча шубҳали бўлган Америка тинчлик сиёсатининг тантанаси А. Садат учун ҳалокатли бўлди.

Миср ватанпарварлари учун унутилмас кун бўлган 1981 йилнинг 6 октябрида автоматдан кетма-кет отилган ўқлар билан Анвар Садат ўлдирилди. Октябрь урушининг навбатдаги йиллигини нишонлаш учун жуда қаттиқ тайёргарлик кўрилди. Қоҳиранинг марказий кўчаларидаги асфальтни оғир ҳарбий транспорт ва танклар шикастламаслиги учун янги стадион қурилди. Намойиш тўғридан-тўғри телевидение орқали олиб кўрсатилишини ҳамма биларди. Бу пайтда уйларида бўла олмаганлар учун ёзиб олинган намоийшни кечқурун такроран қўйишга ваъда берилганди. Тайёрланаётган суиқасд ҳақида хабардор бўлган махсус хизматлар тайёр эдилар. Улар вертолётдан ҳужум қилинишини кутаётган, бунга тайёргарлик кўрган ва бу ҳақда президентни огоҳлантирган эдилар. Кейинчалик маълум бўлишича, А. Садатга ўқ ўта олмайдиган нимча кийиб олишни маслаҳат берганлар, лекин у буни истамаган. Қора байрамона кийим кийиб олган А. Садат минбардаги асосий ўринни эгаллади ва ҳаммага жилмайиб қарарди. Ўч олиш бошланишига саноқли соатлар қолган эди ва буни унга ҳукм чиқарганлар билар эдилар. Соат 13 да минбар ёнидан ҳарбий юк машиналари ўта бошладилар, улардан бири тўхтади. Минбар томонга кескин бурилди ва яна тўхтади. А. Садат, аскарлар осмонга қарата ўқ узиб, уни табрикласа керак деган қарорга келди. У ҳам ўз навбатида уларни табриклаш учун ўрнидан турди. Ҳарбий кийимдаги тўртта ёш йигит юк машинасидан сакраб тушди, гранаталарни улоқтирди ва автоматлардан қора мундирни нишонга олди. Кўриқчилар президентни қутқариб қолмоқчи бўлиб, уни ерга энгаштирдилар, бироқ у ўқ узилаётган вақтда қаддини ростлади ва қонга беланиб, ўтира бошлади. Ҳужум қилинган вақтда барча ҳозир бўлганларнинг назари осмонга қаратилган эди, чунки осмонда қирувчи самолётлар маҳоратини намоийш этиб, гуриллаб ўтмоқда эди. Бошланиб кетган отишмада президент кўриқчилари ҳужум қилаётганлардан бирини отиб ўлдирдилар. Қолганлари, офицери билан бирга, қамоққа олинди. Фитначилар минбардаги етти кишини ўлдирдилар ва кўпгина одамларни ярадор қилдилар, уларнинг орасида чет эллик меҳмонлар ҳам бор эди. А. Садат тезлик билан госпиталга олиб келинди, лекин врачлар 1 соату 40 дақиқадан сўнг ўлим ҳолатини қайд этдилар.

Ҳожияли ҳужум бошлангандан кейин телевизор экранларидан тасвир йўқолди. Кечқурун фавқулодда ҳолат тартиби ўрнатилди ва президент ҳамда унинг бир неча ёрдамчилари ўлдирилганлиги эълон қилин-

ди. Ироқ, Ливия, Сурия ва Фаластинни Озод Қилиш ташкилоти мамнунлигини яширмади. Триполидаги экстремистик гуруҳлар қотиллик учун масъулиятни ўз зиммасига олдилар, бироқ қотиллар «Мусулмон биродарлар»нинг «Янги жиҳод» гуруҳига тегишли бўлиб чиқди. Текширишлар армияда фитна мавжуд бўлганлигини ва президентни ўлдирган мисрлик лейтенант Холид ал-Исломбулининг фундаменталистлар билан алоқаси бўлганлигини аниқлаб берди. Уларнинг аксарияти қамоққа олиндилар ва судда ўз ёвузликларини оқлашга уриниб, Куръон билан қасам ичдилар. Улардан баъзилари қамоқ муддатини ўтаганларидан сўнг денгиз ортидан бошпана топдилар. Бугунги кунда қидирилаётганларнинг Мисрдаги рўйхатини савдо-иқтисод факультетининг собиқ битирувчиси, А.Садат қотилининг туғишган акаси Муҳаммад Фавзи ал-Исломбули бошқариб турибди. У Покистонда ўлдирилган биринчи рақамли халқаро террорист Бен Ладеннинг гуруҳига алоқадор, Афғонистон ёки Пешоварда жойлашиб олган, сиртдан ўлим жазосига ҳукм қилинган. А. Садатнинг ишидаги яна иккита унчалик аҳамиятга молик бўлмаган иштирокчилар — гуманитар олий ўқув юрларининг битирувчилари — Кения ва Танзаниядаги Америка элчихоналарига ҳужум қилганликда ва Мисрдаги сиёсий арбобларга суиқасд уюштирганликда айбланадилар; улар чет эл паспорти билан сайр қилиб юриб, Афғонистонда пайдо бўлиб қолдилар. Мисрда А. Садатнинг ўлими хотиржамлик билан кутиб олинди ва оддий мисрликларнинг ҳаёт тарзини бузмади. 10 октябрдаги видолашиш маросимида кўпгина давлатларнинг раҳбарлари, «ашаддий дўст» М. Бегин, АҚШнинг 4 та президенти ва фақат битта араб етакчиси қатнашди. Тобут ортидан 600 га яқин киши борди. Кўплар, шубҳасиз, президентнинг ўлимидан қаттиқ таъсирланган бўлса ҳам, Носирни кўмиш маросимида бўлгани каби, чуқур эҳтиросли қайғуриш намоён қилишмади. Фавқулудда ҳолат тартиби жуда самарали чора бўлиб чиқди. У тўс-тўполоннинг олдини олди ва радикалларнинг аҳволни танг қилишга бўлган уринишларидан жамоатчилик тартибини асраб қола олди. Вице-президент Х.Муборак аҳволни тўлиқ ўз назоратига олди ва дарҳол аввалги шартномаларни, шу жумладан бутун араб дунёсини шунчалар ларзага солган Исроил билан тузилган битимни ҳам тасдиқлади.

Тарих буюк ролларга тўла, лекин уларни ижро этувчилар доимо ҳам топилавермайди. (Анвар Садат)

КАФЕДРОКРАТИЯ

САЛАЗАР, АНТОНИО ДИ ОЛИВЕЙРА
(SALAZAR, ANTONIO DE OLIVEIRA)
 (28.04.1889, Санта-Комба-Дан, Бейра-Алта
 провинцияси — 27.07.1970, Лиссабон)



Португалия давлат арбоби. Иезуитлар мактабини, кейин Коимбр университетининг иқтисод факультетини тугатган. 1917 — 1928 йиллари ана шу университетнинг иқтисод бўйича профессори. «Католик марказ» партиясининг асосчиларидан бири (1918). 1921 йили шу партиядан парламент депутатлигига сайланган (1926 йилги ҳарбий давлат тўнтаришидан кейинги бир неча кун давомида) ва 1928—1940 йиллари Молия министри; бир вақтнинг ўзида 1930 йили мустамлакалар бўйича ҳам министр. 1932—1968 йиллари Министрлар кенгаши раиси ва амалда Португалиянинг диктатори.

Антонио Салазар даврида Португалияда диктатура эдими? Шубҳасиз. Лекин у ўзига хос, гайриодатий диктатура эди. Кўпгина Европа мамлакатларидан олдин, ҳеч бўлмаганида расмий равишда, ўлим жазосини бекор қилган диктатура. Диктатор ўзини фақат профессорлик ишидан чақириб олинган вақтинча бошқарувчи дебгина ҳисоблаган диктатура ва у 30 йил давомида ҳар йили ўқув йилининг бошида Коимбр университетининг ректори номига давлат мажбуриятларини бажариш зарурати муносабати билан унинг академик таътилини яна бир йилга узайтиришини сўраб, жуда ҳурмат билан камтарона илтимоснома ёзарди. Ректор эса профессор А. Салазарнинг таътилини чўзишга рухсат берувчи имзосини кўярди.

Диктатор пойтахтдан икки хонали оддий квартирани ижарага олган, ижара пулини тартиб билан тўлаб турарди, лекин айти пайтда университет квартирасини ҳам ўзида сақлаб қолган эди, бироқ у бу квартирага қайтиб келмади. Ҳаммадан кўпроқ у ўзининг фан бўйича касбдошларини севарди. Фақат улар билан бирга бўлганидагина у ўзини ўз муҳитида деб ҳис қиларди. Кафедрокротия шундан иборат эдики, 30 йил мобайнида давлат хизматига одамлар университет доирасидан ишга жалб қилинган. Барча министрликларнинг салкам ярми ҳукуматга кафедралардан келган кишилар томонидан бошқариларди. Ўша йиллари, балки бутун XX аср давомида ҳам, ундан кўра маълумотлироқ ҳукумат бўлмаганлиги тўғри. Бироқ бу ҳукумат фаолиятининг натижаси аниқ ёки бунинг тескариси бўлган. Салазар ҳаммадан кўпроқ ўз жонажон университетининг юристларига ишонар эди. «Иккинчи пойтахт»даги ҳуқуқшунослик факультетидан чиққан

кишилар амалда Салазар шаклантирган тартибнинг ўзаги, унинг гоյларини энг яхши ва энг ишонарли жорий қилувчилар эди.

У қарийб идеал «олим-арбоб» сингари шунчаки ёлғиз бўйдоқ бўлиб эмас, бутун умр зоҳид бўлиб ҳам яшади. А. Салазар ёшлигида жўшқин, лекин омадсиз муҳаббатни бошидан ўтказгандан сўнг, бундан буён бунақа майда-чуйдаларга эътиборини чалғитмасликка ва ўзини фанга бағишлашга қасам ичган экан. У Португалиядаги Санта-Комба қишлоқчасидаги трактирчи (майхоначи) оиласида туғилган, Коимбридаги XVI асрда асос солинган Европадаги энг қадимий ва энг ҳурматли университетлардан бирининг юридик факультетига ўқишга кирган. Бу ерда фақат ўқишдагина етакчилардан бири бўлиб қолмасдан, ХДАТ — хорижий демократларнинг академик тўғараги фаолларидан бўлиб, сиёсий ҳаётда ҳам етакчилардан бири бўлди. Бир томондан, у ўзининг консерватив қарашлари билан ҳақиқий католик эди, бошқа томондан, демократияни «халқ бошқаруви» эмас, «христианча, яхши амаллар билан халқнинг фойдасини кўзловчи» бошқариш сифатида шарҳланган Пий XI нинг «Энцикликлар»идаги¹ гоյларнинг оташин ташвиқотчиси эди.

Португалия ҳеч қачон Испания ёки Польша сингари Ватиканнинг «севимли ихлосманд»и бўлмаган, у шунчаки барча католик мамлакатлар орасида энг католиги эди. 1911 йилда Браган сулоласи ағдарилиб, республика ўрнатилганидан сўнг ҳам мамлакатда тинчлик бўлмади. Ҳукуматлар тез-тез келиб-кетарди, улар чексиз бир навбатда тургандек эдилар. Одамлар эса тартиб истардилар.

Бундай ҳолатлар XX асрда кўп учраган. Лекин миллий ҳамжиҳатликнинг юқори даражаси билан ажралиб турадиган Португалия учун унчалик характерли ҳолат эмасди (Португалия яқин вақтларгача Европанинг энг бир хил миллатли мамлакати бўлган, у ерда XX асрнинг бошларида аҳолининг 99% ни португаллар ташкил этган). Бундан ташқари, XIX асрда мамлакат иккита фуқаролар урушини бошидан ўтказган ва энди учинчисига киришишни хоҳламасди. Университетни тугатганидан сўнг суҳбатдошларини ўзининг тўғрилигига ишонтира оладиган кучли қобилиятта эга бўлган (бу барча атоқли сиёсатчиларнинг муҳим жиҳати) Салазар «Католик марказ» партиясининг асосчиларидан бири бўлган, 1926 йили эса биринчи ва охириги марта парламентга номзодини қўйди. А. Салазар ҳақидаги ривоятда таъкидланишича, у фақат биттагина мажлисда иштирок этди ва маъносиз гап сотишларини эшитиб, у шу заҳотиёқ ўзидан

¹ Энциклик — Рим папасининг барча католикларга мактуби, лотин тилида ёзилган ва матндаги биринчи сўз билан номланган.

депутатлик ваколатини соқит қилди, чунки уларда бирон-бир ишни бажара олиш имкониятини кўрмади. Бу ривоятни фош қилувчиларнинг айтишларига кўра эса, Салазар парламент таътилларидан салгина олдин депутат бўлган, кейин эса парламент тарқатиб юборилган.

Хали ёшлигидаёқ Салазар ўзининг курсдошларидан бирига ўз орзусини айтгани: «Мутлақ қиролнинг биринчи министрларидан бири бўлиш». Қандай бўлмасин 30 ёш бўсағасидан ўтганидан сўнг Салазар саноат ва молия доираларида энг обрўли мутахассис — иқтисодчи-эксперт бўлиб олди. Унинг гојлари бир вақтнинг ўзида ҳам оддий, ҳам кескин эди.

«Биринчи Португалия республикаси»даги тўс-тўполонлар 1926 йили тугади, ўшанда мамлакатда тўнтариш рўй берди ва ҳарбий диктатура ўрнатилди. Генераллар дарҳол А. Салазарни молия министри лавозимига таклиф қилдилар. У рози бўлди, лекин уч кундан сўнг тўс-тўполон билан ҳукумат таркибидан чиқди, ҳарбийлар нима хоҳлашларини ўзлари ҳам билмаслигини ошкора тушунтирди. Унинг шахсияти ҳар қандай ноаниқликка қарама-қарши эди. Унингча, ҳамма нарса аниқ бўлиши, икки хил маънога ўрин қолдирмаслиги керак эди. Худди ўша генераллар, очиқ ўғирликдан иборат ишлардан ташқари, бирон-бир молиявий қарорни амалга оширишга ўзларининг ноқобил эканликларини (бу португал саноатчилари ва молиячиларининг қаттиқ норозиликларига сабаб бўлди) кейинги икки йил ичида англаб етдилар ва яна Салазарга мурожаат қилдилар. У «чекланмаган молиявий имкониятлар»ни талаб қилди ва уларга эга бўлди. Тез орада эса жаҳон иқтисодий инқирози бошланиб кетди. У, албатта, Португалияни ҳам четлаб ўтмади. Бироқ унча ҳам бой бўлмаган мамлакат инқироздан унчалик кўп зарар кўрмади ҳам. Энг аввало шунинг учунки, профессор Салазар қисқа муддат ичида улкан бюджет камомadini йўқотди, миллий пул-эскудони мустаҳкамлади (миллий доирада бўлса ҳам), давлат харажатларини кескин қисқартирди, унганча бўлган ижтимоий мажбуриятларни ҳам ўтамади. Бунинг устига мустамлакалардан келадиган даромад ҳам сезиларли ошди. Гап шундаки, мустамлакаларнинг губернаторлари ўзларини назорат қилинмайдиган феодал баронлардек тутардилар, ўз ҳудудларида мутлақо назоратсиз ҳукмронлик қилардилар. Салазар уларни «исканжага олиш»нинг уддасидан чиқди ва бу давлат даромадларида ўз ифодасини топди. Камомадсиз бюджет ва губернаторларнинг ўзбошимчаликлари устидан ғалаба мамлакат аҳолиси ва унинг олий табақаси ўртасида Салазарнинг обрўйини яна ҳам ошириб юборди. Бунинг устига ҳамма унинг камтаринлигини ва порахўр эмаслигини биларди. Амалда у турлитуман гуруҳларнинг: «брагансистлар» — монархия тарафдорларининг ҳам, «иқтисодий бетараф»ларнинг ҳам (А. Салазарнинг ўзи сиёсий демократия-

га ишонқирамасдан муносабатда бўлгани ҳолда, ўша пайтлари иқтисодий эркинлик тарафдори эди), шунингдек, улкан таъсир кучига эга бўлган клерикалларнинг ҳам қўллаб-қувватлашларидан фойдаланиши мумкин эди. Ўз қарашларини ҳеч қачон либерализм каби терминлар билан изоҳламаган Салазарнинг иқтисодий бетарафлиги даражасини унчалик ҳам ошириб юбормаслик лозим.

Лекин барибир ҳам тан олиш керакки, давлатларга тааллуқли бўлган, чекланган бўлса ҳам, барибир иқтисодий бетарафлик билан боғлиқ бўлган чораларнинг бир қисмини А. Салазар бошқалардан олдинроқ амалга оширган. Айнан шунинг учун ҳам иқтисодий инқироз Португалияга бошқалардан камроқ таъсир қилди. Шунинг учун ҳам Салазарнинг ўлиmidан кейин бюрократик аппаратда камомад ва тўс-тўполон жуда кўпайиб кетди, бу эса «чиннигуллар инқилоби»га олиб келди. Диктатор деб аталган киши ижтимоий сафсатабозликка чидаб бўлмайдиган бир нафрат билан қарарди, митинглар ва намойишларни ёқтирмасди, уларга бормас ва табиийки, уларда сўзга ҳам чиқмас эди. Кўчаларда уни қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилган намойишлар бўлаётганида, у ўзининг камтарона хонасидаги дераза пардаларини тушириб қўяр, ҳатто деразаларнинг эшикчаларини ҳам ёпиб оларди. Лекин барибир ҳам, у — диктатор. Молия министри бўлган вақтида у мавжуд қийин аҳволдан чиқишнинг энг яхши йўли бу қудратли ҳукуматни ва республика тузумини сақлаб қолган ҳолда қаттиқ авторитар ҳокимиятни ўрнатиш эканлигига ҳарбийларни ишонтирди. Партиялар тақиқланди. Уларнинг ўрнига «умумхалқ бирлашмаси» — асосий мақсади «ислохотлар ўтказиш учун қулай муҳит яратиш» бўлган «Миллий иттифоқ» келди. Аниқ коммунизм ҳам, ҳар қандай тоталитаризм ҳам жамият учун умуман маъқул эмаслиги «Иттифоқ»нинг асосий ғояси деб эълон қилинди. 1932 йили Салазар премьер-министр бўлди. Расмий равишда мамлакатда президент бўлса ҳам, амалда А. Салазар «мутлақ қирол» ҳам, «биринчи министр» ҳам эди.

У халқаро соҳада ҳам ўзига хос сиёсат олиб борди. Испаниядаги фуқаролар уруши вақтида у Ф. Франконинг қатъий тарафдори бўлди, унинг томонида ўттиз мингга яқин португалияликлар (уларни «вариатлар» деб атардилар) жанг қилдилар, улардан олти минги ҳалок бўлди. Ўз-ўзича мисли кўрилмаган мағрур киши бўлган Ф. Франко то умрининг сўнгги кунларигача португалиялик қўшнисини олдида мислсиз эҳтиром ҳис этди. А. Салазар Гитлерга маҳмадона ва сафсатабозга қарагандек жирканиш билан муносабатда бўлди. Европанинг турли мамлакатларидан юз минглаб яҳудийлар Португалия визалари туфайли йўқ қилинишдан қутулиб қолдилар. Бутун Жаҳон уруши даврида Португалия яҳудий эмиграцияси учун дастлабки база бўлди.

Аввал бошданоқ Португалия иттифоқчилар томонида эди, лекин кўпинча тасодифнинг ўйини туфайлигина шундай бўлди. Япония Португалиянинг Хитойдаги иккита мустамлакаси — Аомин ва Макаога эгаллаб олди ва у «Герман иттифоқи» (унга Германия, Италия ва Япония кирган) давлатлари «фитна»сининг қурбони бўлди. Инглиз ва америкаликларни Португалия Азор ороллари туфайли (Салазар бу ороллари иттифоқчиларга бериб туришга дарҳол рози бўлди), шунингдек, вольфрам етказиб бериши сабабли (немис танкларининг муҳофаза қатламини ёриб ўтувчи снарядларнинг вольфрамли «юракчалар»ини тайёрлаш учун) қизиқтирар эди. Айтиб ўтиш керакки, Гитлер вольфрамнинг асосий захирасини 1941 йил 22 июнь арафасида Сталиндан олган, СССР эса бундай снарядларни фақат 1941 йилнинг охирида, немис намуналарини қўлга туширганидан сўнггина ишлаб чиқара бошлади. Шуниси қизиқарлики; уруш вақтида назорат остида бўлган португал матбуотида советларга қарши ташвиқот олиб борилгани ҳолда, Салазарнинг ўзи эса бир неча марта «рус халқининг жасорати ва чидамлилигига қўйил қолгани»ни ошкора баён қилган эди. Бироқ Салазар ўз коммунистларини худосиз, ғайриилмий тартибсизликларнинг мужассамлиги деб ҳисоблаб, уларга нисбатан шафқатсиз эди. Сиёсий тазйиқ ўтказиш учун ихчам, лекин ҳаракатчан сиёсий полиция — ПИДЕ тузилди. ПИДЕНинг ўз назорати остидан чиқиб кетишини истамаган Салазар, истисносиз ҳар куни унинг раҳбарлари билан учрашарди. Жисмоний қийноқлар қўлланилмасди. Лекин уйқу бермаслик «саранжомлик билан» ишлатиларди. Сўроқ қилинувчиларнинг кўз ўнгида терговчилар бир неча марта алмаштирилларди. Улар савол бермас эдилар. Шунчаки сўроқ қилинувчи ухлашга уринадиган бўлса, темир столга металл калит билан тақиллатар эдилар, холос. Камдан-камлари бунга бардош берардилар. Жуда ажойиб, профессор А. Салазарга хос усул. Уруш муваффақиятли якунланганидан сўнг иттифоқчилар эҳтиёткорона, лекин қатъият билан демократик ўзгаришларни, энг аввало, эркин сайловларни талаб қила бошладилар. А. Салазар рози бўлди. У «Миллий иттифоқ»қа мурожаат қилди.

Авторитаризм йиллари бекор кетмаганди. 1958 йили очиқ президентлик сайловларида А. Салазар тайинлаган номзодга харизматик генерал Умберту Делгау (ўтмишда ашаддий салазарчи) қарши турганида, Салазар энгилишдан кўра сайловларни бекор қилишни маъқул кўрди. У қариётган ва имкониятларини йўқотаётган эди. Анголада нефть конлари топилганлиги ҳақидаги хабарларга жавобан у шундай деди: «Бизга ўзи фақат шу етмай турганди». 1961 йили амалда қаршиликларсиз Гоа, Дама ва Диу

мустамлакаларини эгаллаб олган Ҳиндистон унинг иззат-нафсига қаттиқ зарба берди. Мамлакатда ҳарбий фитналар етилиб келаётганди, улардан бирини, амалга ошишига сал қолганини 1961 йили мудофаа министри уюштирди.

Кафедроқратиянинг ҳукмронлиги жуда ажойиб бир воқеани юзага келтирди. Одатда, Европада «жамоатчилик» кафедралари ва факультетлари турли хил сўл ғояларни тарқатиш макони, армия эса анъанавийлик ва консерватизмнинг уяси ҳисобланарди. Салазарнинг даврида бунинг барчаси тўғридан-тўғри тескари тарзда бўлди. Университетлар католик анъанавийликнинг таянчи эди. Сўл ғоялар эса португал офицерларининг бир қисмида ривож топа бошлади. Кафедроқратлар «Европа халқларига аксилмустамлакачиликни тиқиштираётган халқаро плутоқратия¹ ва яҳудий капитали»га қарши ғоявий ҳужум кампаниясини уюштирдилар. «Португалларнинг — катталиги жиҳатидан учинчи империяни яратган кичик бир халқнинг мустамлакачилик ғурури» фақат «Миллий иттифоқ»нинг етакчи дастур вазифасигина эмас, салазарона «миллий ғоя»нинг юраги ҳам бўлгани реал мустамлакачилик урушларини эса, улардан жуда чарчаган армия олиб борганлиги учун «сўл» ғояларнинг армияда кучайганлиги шубҳасиздир. Бунга жавобан Салазар чет элда яшаган машҳур генерал Делгаунинг сиёсатдан четлаштирилишини уюштирди. Бу профессорлик қиёфасининг тўлиқ йўқотилиши эди. Ҳатто иттифоқчилар ҳам ундан юз ўгирди. 60-йилларнинг бошларига келиб Португалия халқаро изоляцияда бўлиб қолди.

Америкалик тарихчи Пол Жонсон А. Салазар даврининг якунланиши ҳақида қуйидагича ёзган: «У шезлонг² каби хавфли қуроли билан кулатилган ягона золим эди». Гап шунда эдики, 1968 йили Салазар стулдан кулаб тушган (бошқа бир тахминга кўра тебранма курсидан кулаб тушган). Шуниси ноаниққи, бунга мияга қон қуйилиши — инсульт (одатий профессорлик касаллиги) сабаб бўлганми ёки стулга омадсиз ўтирганлиги оқибатида инсульт бўлганми? Қарийб ҳуши ўзида бўлмаган Салазар, шунга қарамасдан, давлатни бошқаришда давом этарди. Мамлакатда расмий равишда бошқа премьер-министр пайдо бўлди. Лекин бу ҳақда Салазарнинг ўзига хабар беришга ҳеч ким журъат этмасди. Токи у 1970 йили вафот этганига қадар унинг касалхонадаги палатасида министрлар тўпланардилар ва касалхонадаги тўрт девор орасида мўлжалини йўқотган Салазар билан Министрлар Кенгашининг мажлисини ўтказардилар. Албатта, бу мажлислар фақат маросимий характерга эга эди.

¹ *Плутоқратия* — жамиятда бойларнинг сиёсий ҳукмронлиги.

² *Шезлонг* — йиғма курси.

Бироқ кафедрократия — XX аср жаҳон тарихидаги ноёб тажриба тасомом бўлди. Салазар инсулът бўлганидан сўнг профессорларнинг университетларга қайтиб кетишларига тўғри келди. Салазарнинг мақсади «интеллектнинг ҳукмронлиги», «фикрлаш», халқнинг «инстинктлари»ни «ўқимишли синфнинг онги»га бўйсундириш эди. Бу давр Португалияга эски ўлчамлар бўйича мисли кўрилмаган иқтисодий ўсишни берди — 1950 йилдан 1973 йилгача бўлган даврда йилига ўртача 5,4 фоиз ўсишга эришилди (Аслида диктаторлик ва авторитар режим ўрнатилган давлатларнинг деярли барчасида иқтисодий ўсиш анча юқори бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Масалан, Гитлер даврида Германия, Пиночет даврида Чили, ҳатто Сталин даврида СССР ва бошқалар). Ўсиш даражаси Франция, Италия, Австрия каби мамлакатларникига тўғри келарди ва ўша даврдаги Британиянинг ўсишидан анча юқори эди. Шунга қарамасдан, кафедрократия профессорлар бошқармаган кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари иқтисодда эришганларидан кўпроққа эриша олмади. Испанияда, Грецияда, ГФРда ўсиш бундан ҳам юқори бўлганди. Португалия — ўзига хос одатлар мамлакат.


«Салазар лойиҳаси»нинг тарихи фақат бир гуруҳ интеллектуалларнинг меҳнатни ва капитални, сиёсий институтлар ва черковни, охир-оқибатда тарихнинг ўзини ҳам оёқости қилиб эзишга уриниши билангина мислсиз эмас. Фақат ақлли иқтисодий ғоялар кўплар менсимасдан «демократия» деб аташадиган тушунчасиз бўғилиб қолиши билангина сабоқли эмас. Гап шундаки, фақат интеллект эгаларигагина суяниш доимо тўғри бўлавермайди. Ҳаётни плюрализм, турлича ғоялар ва уларнинг қарама-қаршиликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кўп хиллилик, жамиятда кўплаб ғояларнинг мавжудлиги тоталитар ва авторитар режимлар учун албатта хавфлироқ, лекин бу барибир ҳам ҳаёт. Унда ягона ҳукмрон ғояга қарши ғоялар пайдо бўлаверади... Шак-шубҳасиз А. Салазар қобилиятли одам бўлган, лекин у фақат зиёлиларга суяниб, ютқазди. У ютиб чиқиш учун барча имкониятларга эга эди.

А. Салазар меросининг ёмон тарафларидан воз кечган ҳолда унинг яхши жиҳатларини сақлаб қолиб, иш юритиш бугунги Португалияга тезда Европанинг замонавий қисмига айланиш имконини берди. Бу ҳам бир сабоқ.

Салазар 1970 йил 27 июнь кунини Лиссабонда вафот этди.

Мутлақ ҳокимият мавжуд бўлиши мумкин, лекин мутлақ эркинлик ҳеч қачон бўлмайди. (А. Салазар)

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН КУРАШЧИ



САХАРОВ, АНДРЕЙ ДМИТРИЕВИЧ
(21.05.1921, Москва — 14.12.1989, Москва)

Атоқли рус физиги ва инсон ҳуқуқлари учун курашчи. Зиёли оиладан келиб чиққан. Отаси, Дмитрий Иванович Сахаров (1889—1961) машҳур адвокатнинг ўғли бўлиб, мусиқа ва физика-математика маълумотига эга эди. У В.И. Ленин номидаги Москва педагогика институтининг профессори, физика бўйича оммавий китобларнинг муаллифи. Онаси, Екатерина Алексеевна, асл фамилияси Софиано (1893—1963), келиб чиқиши дворянлардан бўлиб, ҳарбий кишининг қизи бўлган. Ундан Андрей Дмитриевич фақатгина ҳарбий қадди-қоматнигига эмас, характери

терининг баъзи бир белгиларини, масалан, тиришқоқлик, жиддийликни ҳам мерос қилиб олганди.

Андрей Сахаровнинг болалиги Москвадаги катта, кўп кишилиқ, «анъанавий оила руҳи билан суғорилган» квартирада ўтган. Дастлабки беш йили у уйда ўқиди. Бу мустақилликнинг ва ишлаш қобилиятининг шаклланишига олиб келди, лекин у А. Сахаров қарийб бутун умр қийналган муросасизликка ҳам олиб келди. У билан бир курсда ўқиган, фан ва санъатнинг кўплаб соҳаларини унинг учун кашф қилган Олег Кудрявцев унга кучли таъсир ўтказган. Бундан кейинги беш йилда мактабда ўқиган Андрей отаси раҳбарлигида физикани чуқур ўрганди, кўплаб тажрибалар ўтказди.

1938 йили А. Сахаров М. Ломоносов номидаги Москва Давлат Университетининг физика факультетига ўқишга кирди. Мустақил илмий иш қилишга иккинчи курсдаги дастлабки уриниши муваффақиятсиз чиқди, лекин Сахаровнинг ҳафсаласи пир бўлмади. Уруш бошланганида у университет билан бирга Ашхободга эвакуация қилинди; у ерда квант механикаси ва нисбийлик назарияси билан жиддий шуғулланди. 1942 йили, то шу пайтга қадар физика факультетида ўқиган барча талабалар орасида энг аъло ҳисобланган ҳолда МДУни аъло баҳолар билан тамомлаган А. Сахаров, профессор А.А. Власовнинг аспирантурада қолиш ҳақидаги таклифини рад этди. «Мудофаа металлшунослиги» мутахассислигига эга бўлиб, аввалига Владимир областидаги Ковров шахрига, кейин Ульяновск ҳарбий заводига юборилди. Меҳнат ва турмуш шароити жуда огир эди. Бироқ ана шу ерда А.Сахаровнинг биринчи кашфиёти — зирҳли қоплама ўзагини назорат қилувчи асбоб яратилди.

1943 йили Сахаров асли ульяновсклик бўлган, ўша заводнинг химиклаборанти Клавдия Алексеевна Вихиревага (1919—1969) уйланди. Улар-

нинг уч нафар фарзандлари — икки қизи ва ўғли бор. Уруш туфайли, кейин эса фарзандлари туғилганлиги сабабидан Клавдия Алексеевна олий таълимни тугата олмади ва оила Москвага кўчиб ўтганидан кейин, ундан кейинроқ эса Сахаров «объект»га ўтган пайтларида ҳам хотинининг иш топиши қийин бўлди.

Урушдан кейин Москвага қайтган А. Сахаров П.Н. Лебедев номидаги физика институтининг аспирантурасига, фундаментал муаммолар билан шуғулланиш учун физик-назариётчи И.Е. Таммнинг гуруҳига қабул қилинди. 26 ёшида А. Сахаров физика-математика фанлари номзоди унвонини олди.

У Я.Б. Зельдовичнинг гуруҳи ишлаган водород бомбасининг аниқ лойиҳасини текшириш бўйича 1948 йили ташкил қилинган Игорь Таммнинг махсус гуруҳига қабул қилинди. Тез орада А. Сахаров дейтерий ва табиий уран қатламларининг атрофида одатдаги атом зарядли бомбанинг лойиҳасини яратди. Атом заряди портлаган пайтда ионлашган уран дейтерийнинг зичлигини анча оширади, термоядро реакциясининг тезлигини кўпайтиради ва тезликдаги нейтронлар ҳаракати остида бўлинади. Бу «биринчи ғоя» — дейтерийга ионлашган ишлов берилиши — В.Л. Гинзбург томонидан литий-6 дан фойдаланишдан иборат бўлган «иккинчи ғоя» билан сезиларли даражада тўлдирилди. Секин ҳаракатланувчи нейтронлар ҳаракати остида литий-6 дан тритий — жуда фаол термоядро ёқилғиси ҳосил бўлади. 1950 йилнинг баҳорида И.Таммнинг гуруҳи қарийб тўлиқ таркибда «объект»га — маркази Саров шаҳрида жойлашган ўта махфий атом корхонасига жўнатилди, бу ерда гуруҳ ёш назариётчиларнинг келиб қўшилиши ҳисобига анча кенгайди. Гуруҳнинг ва бутун корхонанинг ғайрат билан ишлаши 1953 йилнинг 12 августида биринчи совет водород бомбасининг муваффақиятли синалиши билан якунланди. Синовдан бир ой аввал А. Сахаров докторлик диссертациясини ёқлади, шу йилнинг ўзида у Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони ва Сталин (Давлат) мукофоти билан тақдирланди.

1953 йили 32 ёшида А. Сахаров СССР Фанлар Академиясининг физика-математика бўлими бўйича ҳақиқий аъзоси қилиб сайланди. Уни таништираётиб академик И.В. Курчатов бўлимнинг мажлисида шундай деди: «Бу одам Ватанимизнинг мудофааси учун бизнинг бу ерда ҳозир бўлган ҳаммамиздан кўра кўпроқ хизмат қилди». Бўлимда ўтказилган сайловда Андрей Дмитриевич биринчи босқичдаёқ талаб этилган овозлар сонини олди. А.Сахаров совет фанининг элитар бошқарув органи бўлган СССР Фанлар Академиясига ўша пайтгача сайланган энг ёш олим бўлди. Академик сифатида у ўртачадан анча юқори бўлган даромад ва ҳаёт даражасига эгалик қиларди.

Бундан кейин А. Сахаров томонидан бошқарилган гуруҳ, жамоаники бўлган «учинчи гоё» — атом заряди портлашидан пайдо бўлган нурланишнинг термоядро ёқилгисига ишлов беришни амалга ошириш устида ишлади. Бундай мукаммаллаштирилган водород бомбасининг муваффақиятли синовви 1955 йилнинг ноябрида рўй берди. Ютуқ А. Сахаровга иккинчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони ва Ленин мукофотини келтирди.

1953 йили синов ҳудудидан барча аҳолининг кўчириб юборилиши Сахаровни атом портлашларининг фожиали оқибатлари, бу даҳшатли кучнинг назорат остидан чиқиб кетиш мумкинлиги ҳақида жиддий ўйлашга мажбур қилди. Бундай фикрларнинг пайдо бўлишига банкетдаги бир воқеа туртки бўлди: ўзининг «бомбалар фақат полигонлардагина портласин, шаҳарлар устида ҳеч қачон портламасин» деган тилак сўзига жавобан у машҳур ҳарбий арбоб, маршал М.И. Неделиннинг сўзларини эшитди, унинг маъноси шундай эди, олимларнинг вазифаси қуролни «кучайтириш», уни «йўналтириш»ни эса уларнинг ўзлари (ҳарбийлар) ҳам эплайдилар.

1958 йили, атмосферадаги ядро синовларига мораторий¹ тўхтатилиши арафасида коммунистик партия раҳбари Н.С. Хрушчёвга А. Сахаров меморандум юборди. Фақат қуролланиш пойгасини кучайтирувчи синовларнинг кераксизлигига тўлиқ ишонган А.Сахаров ядро қуролининг барча синовларини тўхтатишни таклиф қилди. Бу меморандум Н. Хрушчёвга қандай таъсир кўрсатганлиги номаълум, лекин мораторий яна уч йил давом этди. Мораторий тутаганидан сўнг А.Сахаров синовлар тақиқланишига эришишга яна уриниб кўрди, бироқ муваффақиятсизликка учради. «Мен ўзим нотўғри ва кераксиз деб ҳисоблаган нарсага қарши ҳеч нарса қила олмадим, — дея эслайди кейинроқ А.Сахаров. — Менда даҳшатли чорасизлик туйғуси бор эди. Шундан сўнг мен бошқа одам бўлиб қолдим». 1958 йили А. Сахаровнинг ядровий портлашлар радиоактивлигининг ирсиятта зарарли таъсири ва бунинг оқибатида ўртача ҳаёт давомийлигининг камайиши ҳақидаги иккита мақоласи пайдо бўлди. Олимнинг баҳо беришича, ҳар бир мегатонналик портлаш келажакда 10 мингта онкологик касалликнинг қурбонларини олиб келади. Ўша йилнинг ўзида СССР атом портлашларига эълон қилган мораторийнинг узайтирилишига уриниши муваффақиятсизликка учради. Навбатдаги мораторий 1961 йили, ўта қудратли, 50 мегатоннали, ҳарбийдан кўра кўпроқ сиёсий мақсадда, водород бомбасининг портлаши билан тўхтатилди. Уни яратгани учун А.Сахаров учинчи марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олди. 30 октябрь эрталаб соат 11 дан 32 дақиқа ўтганда Янги Ер ороли устида қуруқлик юзасидан 4000 метр баландликда 50 миллион тонна тротил қувватига эга бўлган бомба портлатилди.

¹ *Мораторий* — бирор ҳаракатнинг муддатини узайтириш.

Ўз ижтимоий фаолиятининг бошланиши деб А.Сахаров 1956—1962 йиллардаги атмосферада ядро синовларига қарши чиқишларини ҳисоблаган. У 1963 йили уч муҳитда (атмосфера, фазо ва океанда) синовларни тақиқлаш ҳақидаги Москва шартномасини тузишнинг ташаббускорларидан бири бўлди. 1964 йили А. Сахаров Н. Лисенко ва унинг мактабига қарши чиқди. 1966 йили сталинчиликнинг тикланишига қарши жамоавий хатни ёзишда иштирок этди. 1970 йили А. Сахаров Инсон ҳуқуқлари комитетининг асосчиларидан бири бўлди. Кейинги йилларда у асосий инсон ҳуқуқларини: ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқини, виждон эркинлиги ҳуқуқини, ўз мамлакатини тарк этиш ва унга қайтиб келиш ҳуқуқини ва мамлакат ич-қарисида яшаш жойини танлаш ҳуқуқини ҳимоя қилиб чиқди.

1975 йили А. Сахаровга Нобель тинчлик мукофоти берилди.

Давлат тузумига очиқдан-очиқ муҳолифатда эканлигига қарамасдан Сахаровни то 1980 йилгача, советларнинг Афғонистонга бостириб киришини кескин танқид қилганига қадар, қамоққа олишга уринмадилар. А.Сахаров барча мукофотларидан, шу жумладан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонларидан ҳам маҳрум қилинди ва ҳеч қанақа судсиз, чет элликлар учун ёпиқ бўлган ҳарбий-саноат шаҳри Горький (ҳозирги Нижний Новгород)га сургун қилинди ва у ерда уй қамоғида сақланди. Елена Боннэрга (иккинчи хотини) Москвада қолишга рухсат берилган эди, лекин тўрт йилдан кейин уни ҳам, советларга қарши туҳмат қилишда айблаб, Горькийга сургун қилдилар. 1981 йилнинг охирида А. Сахаров ва Е. Боннэр, Е. Алексеевнинг АҚШга, куёвининг (Е. Боннэрнинг ўғли) олдига бориш ҳуқуқини талаб қилиб, очлик эълон қилишди. Л. Брежнев СССР Фанлар Академиясининг президенти А.П. Александров билан маслаҳатлашганидан сўнг боришга рухсат берди.

Ҳокимият тепасига М.С. Горбачёв келганидан сўнг 1985 йили А. Сахаров Москвага қайтарилди. 1989 йили СССР халқ депутати этиб сайланди ва маъмурий-буйруқбозлик тузумига қарши, мафкуравий плюрализм, бозор иқтисодиёти учун фаол курашди.

У 1989 йил 14 декабрда, Халқ депутатлари съездидаги қизгин иш кунидан сўнг, юрак хуружидан вафот этди. Андрей Дмитриевич Сахаров Москвадаги Востряков қабристонига дафн қилинган.

Мен тоталитаризмга, инсон ҳуқуқларининг бузилишига, эрксизликка қаршиман. Мен ҳокимиятнинг хилма-хиллиги, конвергенция¹, аралаш турдаги иқтисодиёт, «инсоний қиёфадаги жамият» тарафдориман, унинг қандай аталиши эса — мен учун унчалик муҳим эмас. (А.Д. Сахаров)

¹ *Конвергенция* — социалистик ва капиталистик жамиятларнинг бир-бирига яқинлашиш йўлида ривожланиши ва янгича жамиятга бирлашиши ҳақидаги назария.

КАМБОДЖАНИНГ ҚИРОЛИ



СИАНУК, НОРОДОМ (SIHANOUK NORODOM)
(31.10.1922 йили Пномпень, Камбоджада туғилган)

Тўлиқ номи — Самдех Преа Нородом Сианук Варман — Камбоджанинг қироли, премьер-министри ва президенти. Нородом Сурамаританинг катта ўғли, қирол Монивоннинг набираси. Францияда таълим олган. Ўша пайтлари Камбоджа Франциянинг мустамлакаси эди. 1941 йили Франция ҳукумати тахтни, унинг тажрибасизлигига ва ювошлигига умид боғлаб, Сианукка берди ва тез орада Камбоджа армиясининг ҳеч қандай қаршиликка дуч келмаган японлар томонидан босиб олинди. 1945—1955 ва 1993 йилдан Камбоджа қироли. 1955 йили отасининг фойдасига тахдан воз кечади. 1955—1969 йилларда турли ҳукуматларнинг премьер-министри. Отасининг ўлимидан сўнг (1960), 1960—1970 ва 1975—1976 йиллари давлат бошлиғи. 1970—1975 ва 1979—1990 йиллари эмиграцияда. 1991 йилнинг ноябрида Камбоджа ҳукумати Нородом Сианукни давлат бошлиғи деб тан олди (расмий равишда 1993 йилнинг июнида эълон қилинган). 1991 йилнинг июнидан Олий Миллий Кенгашни бошқаради (миллий ярашув органи).

Урушдан кейин Н. Сианук Камбоджанинг мустақил давлат деб тан олиниши учун дипломатик кампания бошлади, буни у охир-оқибатда 1953 йили уддалай олди. 1955 йилнинг март ойида Сианук кутилмаганда ҳокимиятдан воз кечди ва тахтни отасига берди. Халқ социалистик уюшмаси партиясини тузди, бу партия ўша йилиёқ умумхалқ сайловларида ютиб чиқди, Сианук эса премьер-министр ва ташқи ишлар министри лавозимларини эгаллади. 1956 йили у Камбоджанинг БМТдаги доимий вакили этиб тайинланди. 1960 йили отасининг ўлимидан сўнг Н. Сианук конституцияга ўзгартиришлар киритди, энди унга биноан давлат бошлиғи тўғридан-тўғри сайловлар орқали сайланадиган бўлди. 1960 йили аксарият сайловчиларнинг овозини олиб, давлат бошлиғи бўлди. 1960 йилларнинг бошида Н. Сианук ўз мамлакатига ғарб томондан ҳам, совет блоки томонидан ҳам молиявий ёрдам олишга ҳаракат қилди, лекин «совуқ уруш» жараёнида ўз бетарафлигини сақлаб қолди. Шунга қарамасдан, Хитойнинг Жанубий Осиёда энг қудратли мамлакат бўлишига ишониб, 1965 йили АҚШ билан ҳар қандай дипломатик муносабатларни узди. Вьетнамдаги уруш кучайиб бораётганлиги билан бирга Шарқий Камбоджа тобора кўпроқ даражада Шимолий Вьетнамнинг қуролли гуруҳлари учун база вазифасини ўтай бошлади.

Н. Сианук йўқ пайтида унинг ҳукумати ағдарилди ва 1970 йили давлат тепасига собиқ премьер-министр Лон Нол келди. Тўнтаришни АҚШ қўллаб-

қувватлаганига ишончи комил бўлган Н. Сианук Хитойда қувғиндаги ҳукуматни тузди ва ўзининг собиқ душманлари — «қизил кхмерлар»ни қўллашни эълон қилди. 1975 йилнинг апрелида, «қизил кхмерлар» Камбоджанинг пойтахти Пномпень шаҳрини эгаллаб олганларидан сўнг, Сианук ватанига қайтиб келди. «Қизил кхмерлар» Сианукни уй қамоғида сақлашди ва фақат 1979 йилнинг январида, Вьетнам қўшинлари «қизил кхмерлар» тузумини қулатганларидан ва Кампучия Халқ Республикасини (КХР) тиклаганларидан сўнг дарҳол унга Хитойга кетишга рухсат берилди.

1982 йилда Сианук яна қувғиндаги коалицион ҳукуматни тузди ва унинг таркибига «қизил кхмерлар»нинг вакиллари ҳам киритди. 1984 йили коалиция КХР билан музокаралар олиб борди, 1990 йилнинг февралда Вьетнам қўшинлари чиқарилганидан кейин ва 1991 йилнинг октябрида тинчлик шартномаси имзолангандан сўнг ватанига қайтиб келди.

1991 йилнинг ноябрида Сианук «қизил кхмерлар» билан муносабатларини узди, Олий кенгаш раиси лавозимини эгаллади ва бу лавозимда, 1993 йилнинг сентябрида, мамлакатда демократик монархия ўрнатувчи янги конституция тасдиқланганидан сўнг тахтни эгаллаганига қадар бўлиб турди. Сианук расмий равишда эълон қилдики, унинг ўғли, шаҳзода Нородом Ранариддх биринчи премьер-министр унвонини олади, КХРнинг премьер-министри Хун Сен эса иккинчи премьер-министр бўлади. 1997 йилнинг июль ойида шаҳзода Ранариддх Хун Сен томонидан ўз лавозимидан олиб ташланди. 2004 йилнинг 7 октябрида Нородом Сианук ёшининг кексалиги ва касаллиги муносабати билан тахтдан воз кечди. 14 октябрда Нородом Сианукнинг кичик ўғли Нородом Сиамони Камбоджанинг янги монархи деб эълон қилинди.

Камбоджадаги монархия институти Европада мавжуд бўлганидан фарқ қилади. Қироллик ҳукмронлиги наслдан-наслга ўтиши шарт эмас. Қиролнинг тахти катта меросхўрга ўтмайди. Янги қирол тахт кенгашининг тўққизта аъзоси томонидан тайинланади. Қирол номигагина давлат бошлиғи ҳисобланади. Санъатни жуда севувчи Нородом Сиамони сиёсатдан анча йироқ бўлгани учун унинг номзоди кенгаш аъзолари томонидан маъқуланган.

Нородом Сиамони Сианукнинг ва унинг олтинчи хотини Мониканинг ўғли. Ҳалигача уйланмаган қиролнинг номи ўз ота-онасининг номларидан олинган (Сиа-Мони). Камбоджа собиқ қиролининг ҳаммаси бўлиб 14 фарзанди бўлган. Улардан бештаси Пол Пот ҳукмронлиги даврида ўлдирилган. Нородом Сиамони ёшлигида Шимолий Кореяда ва Чехословакияда ўқиган, ҳокимият тепасига «қизил кхмерлар» келиши билан у узок йиллар уй қамоғида сақланган.

ДОҲИЙ



СТАЛИН (ЖУГАШВИЛИ), ИОСИФ ВИССАРИОНОВИЧ
 (09.12.1879, Тифлис губерниясининг Гори шаҳри —
 05.03.1953, Москва)

Совет давлат ва сиёсат арбоби. Этиқдўз оиласида туғилган. Гори диний билим юртини тугатган (1894), Тифлис диний семинариясида ўқиган. 1898 йили биринчи грузин социал-демократик ташкилоти «Мессами-даси» («Учинчи гуруҳ») таркибига кирди. 1899 йили «имтиҳонга келмаганлиги учун» семинариядан ҳайдалган. 1901—1902 йиллари РСДРП Тифлис, Батуми комитетларининг аъзоси. РСДРПнинг II съезидан сўнг (1903) — большевик. Кўп марта қамоққа олинган, сургун қилинган, сургунлардан қочган. 1905—1907 йиллардаги инқилобнинг қатнашчиси. 1905 йилнинг декабрида РСДРП конференцияси (Таммерфорс) делегати. 1906—1907 йиллари Закавказьеда ўтказилган экспроприацияга¹ раҳбарлик қилди. РСДРПнинг IV ва V съездлари делегати (1906—1907). 1907—1908 йиллари — РСДРП Боку комитетининг аъзоси. РСДРП Умумроссия VI конференциясидан кейинги МК пленумида (1912) сиртдан МКга ва РСДРП Рус бюроси МКга кооптация² қилинган.

1894 йили таълим олишга гайратини ва катта қобилиятини намоён қилиб, Гори диний билим юртини тугатди ва Тифлис диний семинариясига кирди. Бу ерда И. Сталин ўқишда муваффақиятларга интилмай қўйди, чунки сиёсий билимини ошириш ва инқилобий фаолият билан шуғуллана бошлади. 1898 йили биринчи грузин социал-демократик ташкилотига кириб, ишчи тўғарақларида ташвиқот олиб борди. Ўқишни давом эттиришдан маъно чиқмаслигини билган И. Сталин уни ташлади; расмий равишда «имтиҳонга келмаганлиги учун» ҳайдалган. 1901 йили «Коба», «Довуд», «Сталин» ва бошқа партиявий лақаблар билан ишлаб, яширин ҳолатга ўтди, РСДРПнинг Тифлис, Ботуми комитетлари аъзоси бўлди. 1902 йилдан 1913 йилгача 8 марта қамоққа олинган, 7 марта сургун қилинган, лекин қисқа муддатли қамоқ ва сургунлардан кейин Сталин қочиб кетарди (1913 йилги сургундан ташқари). И. Сталинга қарши қўйилган айбловлар (кўплаб инқилобчи арбобларга қўйилгани каби) махфий полиция билан ҳамкорлик қилишдан иборат бўлиб, бу ишончли ҳужжатлар билан тасдиқланмаган.

Марксизмнинг ленинча вариантини сўзсиз қабул қилган Сталин партиянинг II съезидан кейин, 1903 йили большевик бўлди. В.И. Ленин И. Сталиннинг қобилиятли публицист эканлигини, грузин меньшевиклари би-

¹ *Экспроприация* — мажбурий равишда тортиб олиш.

² *Кооптация* — сайланма орган таркибини қўшимча сайлов ўтказмасдан тўлдириш.

лан баҳсга киришганлигини билди; улар 1905 йили РСДРПнинг Таммерфорсда (Финляндия) ўтган I конференциясида шахсан танишдилар. 1906—1907 йиллари И. Сталин партия учун катта пуллар топиш мақсадида Закавказье банкларини қуролли талаш («экспроприация» қилиш)ни режалаштирди ва амалга оширди, лекин ўзи талон-торож қилишларда шахсан қатнашмади. 1907—1908 йилларда РСДРП Боку комитетининг аъзоси сифатида катта ишлар олиб борди. 1912 йили РСДРП МК пленумида И. Сталин сиртдан МК ва РСДРП Рус бюроси МК таркибига кооптация қилинди. «Правда», «Звезда» газеталарини яратишда иштирок қилди. 1913 йили Венада И. Сталин ўзига миллий масаланинг билимдони сифатида обрў келтирган «Марксизм ва миллий масала» мақоласини ёзди. 1913 йилнинг февралда қамоққа олинган ва Турухан ўлкасига сургун қилинган. Болалигида қўлининг жароҳатлангани сабабли 1916 йили ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган.

1917 йилги Февраль инқилобидан кейин Петроградга қайтиб келади, РСДРП МК Бюроси ва «Правда» газетаси таҳририяти таркибига киради. «Апрель тезислари»дан кейин В. Ленин тарафида бўлмаган И. Сталин тез орада фикрини ўзгартиради ва VII (Апрель) Бутунроссия конференциясида РСДРП МК аъзоси қилиб сайланади. Октябрь тўнтаришини тайёрлашда ва ўтказишда фаол иштирок этади, унинг галабасидан кейин эса ВЦИК аъзоси этиб сайланади ва биринчи Совет ҳукумати таркибига миллатлар ишлари бўйича халқ комиссари сифатида киритилади. 1918—1920 йиллари ҳарбий-сиёсий ишларда бўлган. Царицин фронтига юборилган И. Сталин уруш олиб боришнинг партизанча усулларини қўллайди, ҳарбий мутахассисларнинг аҳамиятини тушунмайди ва шу сабабли унинг ҳарбий соҳадаги дастлабки қадамлари муваффақиятсиз бўлади. 1918 йили И. Сталин билан Л.Д. Троцкий ўртасидаги муносабатлар жуда кескинлашади. Л. Троцкийнинг талаби билан фронтдан олиб ташланган И. Сталин Республика ва Ишчи-деҳқон мудофаа кенгаши аъзоси бўлди. Петроград frontiдаги хизматлари учун И. Сталин Л. Троцкий билан биргаликда Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланади. Жанубий ва Жануби-Ғарбий фронтларда И. Сталин ҳарбий тажрибага эга бўлди, лекин унда йирик ҳарбий қўмондонлик қобилияти йўқ эди. (И. Сталинни фуқаролар урушидаги галабаларнинг ташкилотчиси бўлганлиги ҳақидаги афсонани К.Е. Ворошилов яратган). Бироқ қарорларининг қатъийлиги, улкан меҳнатсеварлиги ва ҳарбий фаолиятини сиёсий фаолият билан ажойиб тарзда қўшиб олиб бора олиши И. Сталинга кўплаб тарафдорлар топиш имкониятини берди. 1922 йили МК Бош котиби этиб сайланди ва 5 йил ичида Я.М. Свердлов, Н.Н. Крестинский, В.М. Молотовлар шакллантирган яхши ишчан аппаратга эга бўлди, лекин фақат И. Сталингина

марказий партия машинасининг шахсий ҳокимиятни мустақамлашдаги ҳал қилувчи аҳамиятини англаб ета олди. В.И. Ленин ўзининг «Съездга хат»ида шундай деб ёзган: «Ўртоқ Сталин, Бош котиб бўлганидан сўнг, ўз қўлларида жуда улкан ҳокимиятни жамлади ва мен унинг доимо ҳам бу ҳокимиятдан етарлича эҳтиёткорлик билан фойдалана олишига ишончим комил эмас... Мен ўртоқларга Сталинни бу лавозимдан бўшатиш йўлини ўйлаб кўришларини таклиф қиламан». И. Сталин Г.Е. Зиновьев ва Л.Б. Каменевлар билан бирга 1925 йили Л. Троцкийни лавозимларидан олиб ташлашга ва «троцкизм»нинг қораланишига эришди, кейин эса, партияга қарши «Янги мухолифат»да айблаб, Г. Зиновьев ва Л. Каменевлардан ҳам қутулди. Шундай қилиб, 20-йилларнинг охирида шахсий ҳукмронлигини ўрнатди.

1929—1933 йилларда И. Сталин зўравонлик, террористик усуллари билан миллионлаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган коллективлаштириш ва саноатлаштиришни ўтказиб, «буюк бурилиш»ни амалга оширди. И. Сталин қатагонлар ва ижтимоий сафсатабозликка (социализмнинг «битта, алоҳида олинган мамлакатда» галабаси ҳақида, 1936 йилги «дунёдаги энг демократик» конституция ҳақида, халқнинг давлатни бошқаришдаги иштироки ҳақида ва ш.к.) асосланган тоталитар тузум ўрнатди. Доимо ички сиёсатнинг давоми ҳисобланган ташқи сиёсатда И. Сталин Иккинчи жаҳон урушининг бошланиш нуқтаси бўлган, СССР билан Германия ўртасида таъсир доираларини белгилаб олган, яширин расмийлаштирилган, ҳужум қилмаслик ҳақида совет-герман битимининг тузилишига ҳисса қўшди.

1941 йилда И. Сталин СССР ХКК раиси, Давлат мудофаа кенгаши (ДМК) раиси, ССР Иттифоқи Мудофаа Халқ комиссари, СССР Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони бўлди. Ватанпарварлик ва халқчиллик ғояларини қайтадан тиклаган, ўзига маршаллик, кейин эса генералиссимуслик унвонларини олган Сталин оммавий қаҳрамонлик ва жуда кўп қон тўкилиши туфайли галабага эришгач, бу галабадан ҳам ўз ҳукмронлигини мустақамлашда фойдаланди. Урушдан кейинги йилларда жамият устидан тоталитар назорат қайтадан тикланди, яшашга қодир бўлмаган иқтисодий андоза ғоявий ва сиёсий талабчанликнинг ортишини, миллатчиликнинг кучайишини келтириб чиқарди. Террорнинг навбатдаги оммавий хуружи 1953 йилнинг январида «врачлар иши» билан бошланиб, жаҳон тарихидаги энг «буюк зolim»нинг ўлими туфайли тўхтаб қолди. Сталинизм (сўз яратилишида Сталин — «марксизм-ленинизм») Н.С. Хрушчёвнинг жасадни Мавзолейдан олиб чиқиш, шаҳарларнинг номини ўзгартириш ва шунга

ўхшаш намоёнлик ҳаракатлари билан яқунланган «шахсга сифиниш»ни қоралашига қарамасдан, токи Совет давлати қулагунига қадар унинг мафқураси бўлиб қолди.

1953 йил 5 мартда вафот этган.

Сталин — бизнинг партиямизнинг энг буюк ўртамиёналиги. (Лев Давидович Троицкий)

ХИТОЙ РЕВОЛЮЦИОН-ДЕМОКРАТИ

СУНЬ ЯТСЕН (хитой адабий талаффузида — **СУНЬ ИСЯН**, бошқа номлари — **СУНЬ ЧЖУН-ШАНЬ**, **СУНЬ ВЭНЬ**) (12.11.1866, Гуандунь (ҳозирги Чжуншань) вилояти, Сяншань уезди — 12.03.1925, Пекин)

Хитойнинг сиёсий ва жамоат арбоби. 1892 йили Сянганда (Гонконг) тиббиёт институтини тугатган, лекин врачлик амалиётини ташлаб, ўзини сиёсий фаолиятга бағишлаган.



Сунь Ятсен ишлаб чиққан «Тўрт шарт дастури»даги (1893) биринчи шарт таълим соҳасини «одамлар ўз қобилиятларини тўлиқ намоён қила оладиган» даражада ўзгартиришни талаб қиларди. Ўзининг ислохотчилик режалари амалга ошмаслигига ишонч ҳосил қилгач, у фақат инқилобнинг галабасигина таълимнинг ривожланишини таъминлайди, деган хулосага келди. 1911 йилдаги инқилоб ва Хитойда республика ўрнатилганидан кейин Сунь Ятсен вақтинча президент этиб сайланди. У кўп марта таълимни ривожлантиришга ҳаракат қилди ва амалда шунга кўмаклашди. Ўзининг «Халқ фаровонлиги ва ижтимоий инқилобнинг тамойиллари» асарида (1912 йил апрель) Хитойда умумий бепул таълим тўғрисида қонун қабул қилиниши лозимлиги ҳақида ёзади. У мамлакатни бошқаришда қатнаша оладиган муносиб фуқароларни мактаб тайёрлаб бериши лозим деб ҳисобларди. Ўзининг «Республика педагогларининг вазифалари» деб номланган нутқида (1912 йил сентябрь) Сунь Ятсен хитойлик педагогларни ҳар томонлама таълимни ривожлантиришга чақирди. Бунинг инқилобий ғояларнинг ташвиқ қилиниши ва Хитойда демократиянинг ўрнатилиши билан боғлиқ ва бир неча марта хотин-қизларнинг таълим олишини ёқлаб чиқди. Сунь Ятсен Россиядаги 1917 йилги инқилобни олқишлади. 1924 йили унинг ташаббуси билан Гуанчжоуда (Кантонда) кейинчалик унинг номига қўйилган Миллий университет ташкил этилди. Хитой демократиясининг тан олинган доҳийси Сунь Ятсен эди. У 1905 йили асос

солган Тунменхой («Иттифоқ лигаси») сиёсий партияси эса 1911 йилги инқилобни тайёрлашда катта роль ўйнади. Хитой демократиясининг 1907 йили Сунь Ятсен томонидан шакллантирилган асосий талаблари Маньчжуриядаги монархияни йўқотиш, республика ва ерга эгалик ҳуқуқининг тенглаштирилиши эди.

Сунь Ятсеннинг уч халқчил тамойили, айниқса уларнинг охиргиси — ерга тенг эгалик қилиш ҳақидаги «халқ ободонлиги» руслардаги народникликка яқин эди. Хитой инқилобчи-демократлари феодализмни йўқ қилиб, шу билан ҳар қандай эксплуатацияга чек қўйилади ва Хитой ривожланишнинг капиталистик босқичини четлаб социализмга ўтади деган янглиш тасаввурга эга эдилар.

1906—1910 йиллардаги инқилобий ўсишнинг асосий жиҳати Хитойда янгича ғоялар ва Европа таъсирининг ўсганлиги бўлди, бу «аввалги хитойча исёнларнинг онгли демократик ҳаракатга айланишини» муқаррар қилиб қўйди.

Бу ғояларда 1905—1907 йиллардаги рус инқилобининг Хитойнинг уйғонишига кучли таъсири намоён бўлди. Тунмэнхой Хитойдаги яширин ташкилот бўлса ҳам, у сон жиҳатдан кўпайди (1906 йили унинг аъзолари 10 минг киши эди), ташкилий томондан мустаҳкамланди ва фаоллашди. Тунмэнхойга шу йиллари Хитойда кўплаб пайдо бўлган майда буржуа ташкилотлари ҳам қўшилди. Ер муносабатларини тенглаштиришнинг талаб қилиниши Тунмэнхой байроғи остига деҳқонларни ҳам тўплади. Бу ташкилотнинг аъзолари янги ҳарбий қисмларнинг қўшинлари орасида ҳам муваффақиятли ташвиқот олиб бордилар, бундай қисмлардаги кўплаб офицерлар ҳам инқилоб тарафдорлари эдилар. Сунь Ятсеннинг жиддий муваффақияти шунда эдики, у Тунмэнхой томонига қадимий махфий ва биродарлик жамиятларини ҳам жалб қила олди, бу эса Хитой демократларига деҳқонлар оммаси ва шаҳарнинг қуйи табақаси билан ҳам кенг алоқалар ўрнатиш имконини берди. Тунмэнхойнинг таъсири остида махфий жамиятлар Маньчжур сулоласини қулатиш ва Мин сулоласини тиклаш шиорларини Сунь Ятсеннинг уч тамойилида ифодаланган талаблар билан алмаштирдилар.

1906—1910 йиллар давомида Тунмэнхой Гуандун соҳилларида, шунингдек, Хитойнинг жанубий районларида Маньчжур сулоласига қарши ўнта кўзғолон тайёрлади ва ўтказди. Бу энди фитначиларнинг бир-биридан ажратилган гуруҳларининг чиқишлари эмас эди; уларда Тунмэнхой аъзолари билан бир қаторда ишчилар, деҳқонлар, яширин биродарликлар ва жамиятларнинг аъзолари, янги шакллантирилган қисмларнинг аскарла-

ри ва офицерлари ҳам иштирок этдилар. Бу барча қўзғолонлар, 1911 йилнинг апрелидаги Кантон қўзғолони ҳам, муваффақиятсизликка учраган бўлса-да, улар Маньчжур сулоласи устунларини заифлаштирди, оммани кураш тажрибаси билан қуроллантирди ва 1911 йил 29 декабрдаги инқилобий портлашни яқинлаштирди. Жанубнинг инқилобий ҳукуматлари томонидан чақирилган вилоятлар вакилларининг съездида, кўп йиллик қувғиндан кейин мамлакатига қайтиб келган инқилобнинг машҳур доҳийси Сунь Ятсен Хитой республикасининг вақтинчалик президенти этиб сайланди. Бунга жавобан империалистлар ўзларининг ҳарбий тайёргарликларини кучайтирди, аввалгидек ҳужум қилиш хавфини солдилар. Юань Ши-Кай Нанкиндан тинчлик делегациясини чақириб олди ва янги урушга намойишкорона тайёрлана бошлади. Сунь Ятсенга келадиган бўлсак, бу олийжаноблик ва қахрамонликка тўлиқ бўлган инқилобчи-демократ анчагина яққаланиб қолди.

Жанублик либерал буржуазия учун, айниқса, Шимолдаги либераллар учун у жуда ҳам «сўл» эди. У ўз партиясининг ёрдамига ҳам умид боғлай олмасди. Бу пайтга келиб Тунмэнхой жанговарлик руҳини йўқотди, либераллар билан ҳамкорлиги анча чуқурлашиб кетди ва улар билан алоқаларни узмоқ учун уларнинг таъсиридан қутулиш энди анча оғир эди. Бундан ташқари, Хитойнинг устида империалистик қуроли мижро хавфи турарди. Инқилобнинг асосий вазифаси республикани ўрнатидан иборат деб билган Сунь Ятсен, Цин сулоласи тахтдан воз кечадиган бўлса, президентликни Юань Ши-Кайга беришга тайёрлигини билдирди. 1912 йилнинг 12 февраль куни Цинларнинг тахтдан воз кечиши рўй берди. Хитойнинг империализм томонидан мустамлака қилинишининг қуроли ва феодал реакциянинг таянчи бўлган Цин империяси кулади. Хитой республика бўлди. Хитойнинг озодлиги деҳқон демократлар билан либерал буржуазия иттифоқи томонидан эгаллангани, лекин уюшқоқликнинг заифлиги сабабли деҳқонлар ўзининг либералларга қарши позицияларини сақлаб қола олмадилар. Ҳокимият тезда очикдан-очик реакцион лагерга ўтиб кетган Юань Ши-Кайга ўтди. Сунь Ятсеннинг сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назарлари унинг ҳаёт йўли давомида жиддий ўзгаришларга дуч келди.

Ҳаётининг охирида у, Хитой буржуа миллатчилари орасида тарқалган, авваллари ўзи маълум даражада мойил бўлган, Осиё мамлакатларининг ирқий бирдамлиги (паназиатизм) деб аталмиш Хитой буюк давлатчилик шовинизмини енгиб ўта олди; у тобора кўпроқ Хитой ва империалистик давлатлар томонидан эзиб келинган бошқа Шарқ халқларининг халқаро

империализмга қарши ҳамкорликда курашиши мақсадида СССР билан иттифоқ тузишнинг жонкуяри эди. Сунь Ятсен имзолаган охириги ҳужжат СССР МКга мурожаат бўлди, унда озод ва мустақил Хитой қўшни халқлар билан қўлни қўлга бериб инсониятнинг ёрқин келажаги томон борадиган кун келишига умид қилинган эди.

Ёруғ олам — барчамизнинг умумий мулкимиз. (Сунь Ятсен)

ОНА ТЕРЕЗА



**ТЕРЕЗА, АГНЕССА ГОНДЖА БОЯДЖИУ (КАЛЬКУТТСКАЯ),
ОНА ТЕРЕЗА (MOTHER TEREZA)
(27.08.1910 — 05.09.1997, Калькутта)**

Дин ва жамоат арбоби. Турмушда — Агнесса Гонджа Бояджиу. У Болқонда, Албанияда туғилган, деб юритиларди, лекин дафн маросими кунларида унинг туғилган ери Македония Республикасининг пойтахти Скопье шаҳри бўлганлиги эълон қилинган.

Агнесса давлат мактабида ўқиди, черков хорида куйларди. Касбни танлашда унга Худо марҳамат қилган Биби Марям қардошлиги — турли мамлакатлардаги камбағалларга ёрдам берадиган ташкилот билан алоқаси таъсир қилди. Бир кун Агнесса қавмининг руҳонийси ҳиндистонлик воизларнинг хатини ўқиётганини кўриб қолиб, у Бенгал миссиясининг фаолияти билан қизиқиш қолди. Инглиз ёзувчиси Малькольм Магтериджга берган интервьюсида тақводорлик дуоларидан ва ибодатдан кейин у «боришга ва Исо Масиҳнинг ҳаёти ҳақида гапириб беришга» қарор қилганлигини эслади. Скопьеда ўрта мактабни тугатганидан сўнг Агнесса Ҳиндистонда миссияси бўлган ҳамшира Лорето ирланд орденига кирди. У бир йилни Дублиндаги Лорето аббатлигида инглиз тилини ўрганиб ўтказди, 1929 йилнинг 6 январидан эса Калькуттага кетди.

Тингловчилик муддати тугаганидан сўнг Агнесса Муқаддас Мария мактабида тарих ва географияни ўқита бошлади ва бу орада ҳинд ва бенгал тилларини ўрганишга ҳам улгурди. Агнесса фақат яхшилик қилишга интиланган, ҳар қандай ёқимсиз ишни ҳам қувонч билан бажарган, XIX асрда яшаган француз руҳоний аёл Тереза де Лизье шарафига руҳоний Она Тереза исминини олди. Олти йилдан кейин у Она Тереза номи билан монахликни қабул қилди.

1946 йилнинг 10 сентябрида у орденининг раҳбариятидан рухсат олиб, Калькуттанинг камбағал ва ғарибларига ёрдам бера бошлади, 1948 йили

эса миллатидан ва динидан қатъи назар, камбағал ва оғир касал кишилар учун мактаблар, фаолияти бошпаналар ва касалхоналар қуришга йўналтирилган меҳр-шафқат ордени жамоасига асос солди. 1965 йили раҳм-шафқат Орденининг фаолияти Ҳиндистон чегараларидан ошиб ўтди ва бугунги кунда дунёнинг 111 мамлакатида 400 та бўлимга ва 120 та мамлакатда 700 та меҳрибонлик уйларига эга. Унинг фаолияти одатда табиий офат ва иқтисодий фалокатлар юз берган районларда амалга ошириларди.

Патнадаги Америка тиббий ҳамширалари тайёрлаш курсларидаги уч ойлик экстернат таълим олишдан кейин Она Тереза Моти Жилнинг харобаларида мактаб очди. 1950 йили у янги конгрегация — меҳр-шафқат ордени яратиш учун Ватиканнинг рухсатини олди. Биринчи воқиф қилинганлар Лорето мактабининг собиқ ўқувчилари бўлди. Она Тереза руҳонийларнинг одатдаги учта қасамёдига тўртинчисини — «бор кучи билан камбағалларга кўмаклашмоқ» ваъдасини ҳам қўшди.

Харобалардаги даҳшатли ҳаёт шароитларидан таъсирланиб кетган Она Тереза кексаларга, беморларга ва болаларга ёрдам бера бошлади. Кўчаларга ташлаб кетилган кексалар учун 1954 йили уй ташкил қилинди. Конгрегациянинг¹ қатъий тартибига фақат энг садоқатлиларгина чидай олардилар: ҳар кун и албатта эрталаб соат тўртда ибодат қилиш, бир марта алмаштириладиган кийимдан бўлак ҳеч нарсага эга бўлмаслик, қашшоқларнинг озиқ-овқатини истеъмол қилиш ва камбағаллар орасида 16 соат ишлаш.

Она Терезанинг машҳурлиги муттасил ўсиб бораверар, хайр-эҳсонлар оқими ҳам юксалиб борарди, тез орада у ташландиқ болалар учун бошпана, моховхона, қариялар уйи ва ишсизлар учун устахона ташкил қилди.

Темир йўл станциялари қошида тиббий пунктлар ташкил қилинди, улар бепул тиббий ёрдам кўрсатар, аёллар ва болаларга бошпана берарди. Калькуттада 10 йил ишлаганидан сўнг Она Тереза бошқа жойларда ҳам ўз миссиясини (ваколатхоналарини) очишга рухсат олди. Марказлар Венесуэла (1965), Цейлон (1967), Рим ва Танзанияда (1968), Куба (1986) ва бошқа ерларда очилди. Она Терезанинг ўзи қилаётган ишларини «денгиздан бир томчи» деб ҳисобласа ҳам, шунга қарамасдан дунё миқёсида тан олинишга эришди. 1964 йили Она Тереза Жаваҳарлал Неру номидаги мукофотни олди, икки йилдан сўнг эса папа Иоанн XXIII номидаги Ватикан Тинчлик мукофотиغا сазовор бўлди. 1979 йили Она Терезага «азоб-уқубат чекаётган инсонларга ёрдам бериш фаолияти учун» Нобель муко-

¹ Конгрегация — йигин, кенгаш, ташкилот.

фоти берилди. Бу қарор, Она Тереза муҳтожларга ёрдам берар экан, Нобель мукофоти тақдирлаши лозим бўлган тинчлик учун ҳеч нарса қилган эмас, деб ҳисоблайдиган кишилар томонидан кескин танқид қилинди. Бироқ Норвегия Нобель мукофоти комитетининг вакили Саннес ўз нутқида шундай деди: «Она Тереза кўп жиҳатдан бой мамлакатлардан камбағал мамлакатларга кўприк қуришда ёрдам берди... У ҳар бир кишида яхшилик уруғини кўкартира олади... Агар шундай бўлмаганида, жамият умидларидан маҳрум бўларди, тинчлик учун қилинган ҳаракатлар эса ўз аҳамиятини йўқотарди». Якуний қисмида Саннес Бутунжаҳон банкининг президенти Роберт Макнамаранинг сўзларини келтирди: «Она Тереза Нобель мукофотига лойиқ, чунки у инсон ғурурининг дахлсизлигини ҳимоя қилишдек муҳим соҳада тинчликни ўрнатди». Она Тереза «оч, яланғоч, бошпанасизлар... ёрдамни ҳам, қайғуришни ҳам кўрмаётганлар учун» мукофотни қабул қилди. Ўзининг Нобель мукофотини олиш тантаналарида сўзлаган нутқида у христианлик меҳр-муҳаббати — ўз ишларининг ҳаракатга келтирувчи кучи ҳақида гапирди ва ҳар бир инсоннинг ҳаётига бўлган муҳаббат ҳамда ҳурмат бутун дунё тинчлигининг асосий шартлари эканлигини таъкидлаб ўтди. Олинган маблағни у камбағаллар учун бошпана қуришга, жумладан, моховликдан азоб чекаётганларга уй қурилишига сарфлади.

Она Тереза Нобель мукофоти лауреати сифатида бир қанча халқаро вазибаларни ўз зиммасига олди. 1982 йили у, шу пайтгача ўзини сиёсий фаолиятдан четга олиб юрган бўлса ҳам, папа Иоанн Павел II нинг илтимосига биноан тинчлик элчиси сифатида Ливанга ташриф буюрди. 1985 йили Она Тереза БМТнинг Бош Ассамблеясида ташкилотнинг 40 йиллиги муносабати билан сўзга чиқди. 1985 йили Рождество¹ арафасида у Нью-Йорк архиепископи билан биргаликда Нью-Йоркда ОИТС билан касалланганлар учун биринчи черков бошпанаси очади. Она Терезанинг илтимоси билан ОИТСдан жон бераётган уч киши қамоқхонадан озод қилинди ва янги паноҳгоҳга жойлаштирилди. 1988, 1989 йиллари раҳм-шафқат ордени Москвада, Ереванда, Спитақда ўзининг бўлимларини очди.

Кўпгина кишилар Она Терезанинг аборт ва туғилишни назорат қилишининг бошқа усулларига бўлган муносабатини танқид қилдилар. Унинг бу масаладаги нуқтаи назари Нобель маърузасида баён қилинган: «Мен абортларда оламга буюк хавфни кўраман, чунки улар оналар амалга оширган ҳақиқий уруш, қотилликдир». Она Тереза феминизмни², айниқса Ҳиндистондаги феминизмни қоралайди, аёлларни «эркакларга улар нимага яхши

¹ Рождество — Исо пайғамбар туғилган куни, христианларнинг байрами.

² Феминизм — хотин-қизларнинг эркакларсиз ҳаёт кечириши учун курашувчи ҳаракат.

мослаштирилган бўлсалар, ўша нарсани қилиш» имкониятини беришга чақирди. Она Тереза билан учрашган кишилар унинг руҳияти, ундан тара-лаётган меҳр-муҳаббат, қувонч ва ҳаётга ҳурмати ҳақида гапирадилар. «Биз ҳеч ҳам буюк иш қилаётганимиз йўқ, — деб ёзган эди у бир сафар, — биз кам иш қилаяпмиз, лекин буюк муҳаббат билан қилаяпмиз».

Уни ҳали ҳаётлигидаёқ авлиё деб ҳисоблардилар. Унга, Худо бу муҳаб-бат ва ҳар бир бандаси ҳаётининг маъноси севишда ва севилишда эканли-ги ҳақидаги буюк бир хабарни — нечанчи марта! — одамларга етказишдек оғир ва қувончли тақдир nasib бўлди. XX асрда у шунчаки меҳр-шафқат рамзи бўлибгина қолмасдан, шунингдек, ўзининг ёрдамчилари билан бир-га, ҳисоблашмасликнинг иложи бўлмаган реал кучга ҳам айланди.

У билан фахрланардилар, унга сажда қилардилар, уни илоҳийлашти-рардилар. 1997 йили март ойида Тереза соғлиги ёмонлашгани туфайли ўзидан орденнинг ҳомийси мажбуриятларини соқит қилди ва унинг ўрнини ҳамшира Нормала эгаллади.

Она Тереза 1997 йили 5 сентябрда Калькутта шаҳрида вафот этди.

Биз Исо Масиҳни кўрмаганлигимиз сабабли унга ўз муҳаббатимизни баён қила олмаймиз, лекин яқин кишиларимизни доимо кўра оламиз ва агар Исо Масиҳни кўра олганимизда унга қандай меҳрли муносабатда бўлсак, яқинла-римизга нисбатан ҳам шундай муносабатда бўлишимиз керак. (Она Тереза)

ТИТО

ТИТО, ИОСИП БРОЗ

(07.05.1892, Кумровец қишлоғи
(Хорватия) — 04.05.1980, Любляна)

Югославия президенти (1953 йилдан), ЮСФР Президиуми-нинг раиси (1971). Югославия халқ қаҳрамони (1944, 1972, 1977); Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1950). 1966 йилдан Югославия коммунистлар Иттифоқи (ЮКИ) раиси. Маршал (1943). Маълумоти бўйича — механик. Биринчи жаҳон уруши қатнашчиси; оғир яра-ланган, русларга асир тушган. 1917 йилнинг октябрида Омскда у Қизил гвардияга кирди. 1920 йили ватанига қайтиб келди, Югос-лавия компартияси аъзоси бўлди. 1928—1934 йиллари — қамоқ-хонада. 1940 йилдан — ЮКПнинг бош котиби. 1935—1936 йилла-ри — Москвада, Коминтернда ишлаган, Сталиннинг троцкийчилар билан курашини қўллаб-қувватлаган.



Қавм ёзувларида кўрсатилишича, Иосип Броз (партиявий лақаби «Тито») Загребдан 30 километрча шимоли-ғарбда, Савванинг ирмоғи бўлган Сут-

ланинг сўл қирғоғида жойлашган хушманзара Хорват Загорьесидаги Кумровец қишлоғида туғилган. У хорват Францнинг ва словен аёли Мариянинг камбағал деҳқон оиласидаги еттинчи (ҳаммаси 15 нафар эди) фарзанд бўлган. Унинг болалиги бобосиникида ўтган, бола у ерда сигирларни, отларни боққан, далада ишлаган. Оила шунчалар камбағал яшар эдики, бир куни Францнинг овчи итини икки боғлам ўтинга алмаштиришга тўғри келган. Ит тезда қайтиб келди ва болалар, токи оталари итни қайтадан сотиб олгунига қадар, уни горга яшириб қўйдилар. Ўшандан буён Иосипда итларга қизиқиш сақланиб қолди. Бир куни эса вафодор ити Люкс унинг ҳаётини сақлаб қолди. 15 ёшида, бошланғич мактабнинг беш синфини ва гимназиянинг икки синфини тамомлаганидан сўнг, Иосип Сисак шаҳрига боради, у ерда уч йил давомида темирчилик ва механиклик ҳунарини ўрганган. Кейин Загреб, Словения, Австрия, Чехия, Германиянинг заводларида ишлади, чиройли ҳаётни орзу қиларди, Америкага жўнаб кетишни режалаштирарди. Бироқ ҳалол ишлаб топган ўз пулига сотиб олган биринчи костюминийёқ ўғирлаб кетишди, шундан кейин у ўғриларни жуда ёмон кўриб қолди, шу билан бирга ҳашамат ва гўзалликка қизиқишни сақлаб қолди. 1910 йили Броз Хорватия ва Словения Социал-демократик партиясига кирди, касаба уюшмалари ҳаракатида иштирок этди.

Уч йилдан кейин Титони Австро-Венгрия армиясига чақирди, у ерда сержантлик лавозимига кўтарилди. Биринчи жаҳон урушининг бошларида урушга қарши ташвиқот қилганлиги учун уни қамоққа олишди ва фронтга жўнатишди, у ерда тез орада мукофотга тақдим этилди. Пасхада, 1915 йилнинг 21 мартда Карпат frontiда оғир яраланган взвод командири Иосип Броз русларга асир тушиб қолди. Бир йилдан кўпроқ вақт уни Қозондаги монастирда ташкил қилинган госпиталда даволадилар. У ўша ерда ич терлама (тиф) билан оғриди ва зўрға тирик қолди. Соғайгандан кейин Транссибирь магистралини қураётган чет эллик ҳарбий асирларнинг Кунгур лагерида назоратчи бўлиб ишлади. У ердан, АҚШ га кетиш умидида, Петроградга қочиб борди. Финляндия чегарасидан ўтишга уринаётган пайтида уни ушлаб олишди ва Петропавловск қалъасига қамадилар, уч ҳафтадан кейин эса Сибирга жўнатдилар. 1917 йилнинг октябрида Омскда у қизил гвардиянинг интернационал отрядига кирди. Хилватдаги бир қишлоқда 25 ёшли хорват 13 ёшли гўзал Пелагея Белоусовага шайдо бўлиб қолди, яна икки йилдан сўнг эса, ёш соҳибжамолнинг ота-онаси розилиги билан унга уйланди.

1920 йили хотини ва ўртоқлари билан Броз Хорватияга қайтиб келди. 20-йилларнинг охирида Болқонда серб, хорват ва словенларнинг Югославия деб ном олган қироллиги пайдо бўлди. 1928 йили Иосип Броз Югос-

лавия коммунистик партиясининг Загреб комитети котиби этиб сайланди ва ўша йилиёқ 5 йилга сургун қилинди. Қайғуга чўмган хотини Пелагея айрилиққа чидай олмади ва ўғли Жарко билан СССРга қайтди. У ўша ерда иккинчи бор эрга тегади, ўғлини эса болалар уйига топширади. 1934 йилдан Тито Югославия компартияси сиёсий бюросининг аъзоси. Бир йилдан сўнг партия уни Москвага, Коминтернда ишлашга юборди. Тито дарҳол ўғлини излаб топди ва уни болалар уйидан олди. Ана шу даврда Тито троцкийчилар билан курашда Сталинни фаол қўллаб-қувватлади. Пелагея Белоусова 1936 йили у билан расман ажрашганлиги, 1938 йили НКВД органлари томонидан жазога тортилганлиги ҳақида ахборотлар бор. 1940 йили озод қилинган, лекин 1948 йили яна қамоққа олинган ва 10 йилга ҳукм қилинган. 1957 йили оқланган. Ўғли Жарко 1966 йили онаси билан қўришиш учун Совет Иттифоқига келган.

1937 йили Тито Москвадан Югославияга қайтиб келди ва у ерда компартияни бошқарди. Қатъий иродаси ва жасурлиги туфайли у тез орада фракцион курашларни тугатишга муваффақ бўлди. Тўғри, бунинг учун партия сафларида шафқатсиз тозалашларни қўллашга тўғри келди. 1938 йилнинг августида Тито яна Москвага келди, бу пайтга келиб у ерда 800 та югослав коммунисти қамоққа олинган, И.Сталиннинг қийноқхоналарида Югославия компартиясининг бош котиби Милан Горкич ҳалок бўлди. Титонинг ўзи зўрга қамоқдан қутулиб қолди.

Лекин бунинг барчаси Титонинг немис Люция Боуэр (Иоганна Кёнинг)га уйланишига халақит бермади. Тез орада бу аёл ҳам Сталиннинг буйруғи билан «гестапо агенти» сифатида қамоққа олинди. Унинг излари ёки НКВД зиндонларида, ёки лагерларда йўқолади. Титонинг ўзини эса Сталин ЮКП МКнинг бош котиби қилиб тайинлади ва ватанига жўнатди. Қизғин партиявий ишлар бироз бошқача хилдаги ўткир ҳиссиётларни ҳам талаб қиларди ва вақти билан у севган аёлидан ўгилли бўлди...

Югославиялик «троцкийчилар»ни жазолаш давом этарди. Иккинчи жаҳон уруши бошланишига келиб партия аъзоларининг сони 12000 кишини ташкил қиларди. 1941 йил 27 мартда Югославияда тўнтариш бўлди, унинг натижасида Германия билан барча шартномалар узилди ва СССР билан дўстлик битими имзоланди. Ўша йилнинг 17 апрелида Германия олдида Югославия таслим бўлди ва Анте Павелич хорватларнинг мустақил давлати тузилганлигини эълон қилди. Мамлакатда террор бошланди: католик хорватлар мусулмонларнинг қўмагида серб, яҳудий, лўлиларни қонли қирғин қилди.

Германия билан Совет Иттифоқи ўртасида уруш бошланиши билан Тито партизанлик ҳаракатини ташкил этиш билан шуғулланди, немис-

ларга; италянларга ва генерал Дража Михайлович бошчилигидаги эмиграциядаги қироллик ҳукумати тарафдорларига қарши партизанлик отрядларига командирлик қилди. Югославия халқ-озодлик армияси иттифоқчилар томонидан мамлакатдаги асосий антифашистик куч дея тан олинди, унга АҚШ, Англия ва СССР ёрдам кўрсатди. 1943 йилнинг ёзида Черчилль ва Сталин Югославияга ҳарбий вакиллик ҳайъатини юбордилар, ноябрда эса Титога маршаллик унвони берилди. Маршаллик юлдузлари билан бирга унда севимли аёл — ундан икки карра ёш бўлган котибаси Зденка Таунович ҳам пайдо бўлди. 1944 йили Тито Сталин билан учрашиш учун махфий тарзда Москва томон учди.

1945 — 1963 йиллари Тито Югославия ҳукуматини бошқарди. 1953 йил январь ойида мамлакатнинг президенти этиб сайланди.

1948 йили Югославиянинг СССР билан муносабатлари кескин ёмонлашди. Бу биринчи навбатда шу билан боғлиқ эдики, Югославия компартияси раҳбарлари Сталиннинг Югославияни Совет Иттифоқига қўшиш масаласидаги ҳукмига бўйсунидан бош тортган эдилар. Сталин Титонинг хулқ-атворидан қутириб кетган эди: қандай қилиб ЮКП раҳбарияти («Титонинг тўдаси — ёлланма жосуслар ва қотиллар») «ҳамма замонлар ва халқлар даҳоси»нинг раҳбарлик кўрсатмалари сўзсиз тўғрилигига шубҳа қилишга журъат этди. 1949 йили совет раҳбарияти Югославия билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги 1945 йилги шартномани бекор қилди ва Югославия раҳбарларини обрўсизлантирувчи кучли ташвиқот кампаниясини бошлаб юборди. Совет халқига Югославияда «фашистик типдаги антикоммунистик полициячилар тузуми» ўрнашиб олганлиги айтилди. XX съездда Н.С. Хрущёв таъкидлашича, Сталин ҳатто: «Мен бармогимни қимирлатсам бўлгани — Тито йўқ бўлиб кетади», — деган. «Менда, — давом этди Никита Хрущёв, — хабарлар борки, Титони йўқ қилиш бўйича Сталин таклиф қилган аниқ тадбирлар бўлган, тўғри, улар ҳали қўшимча аниқлик киритишни талаб қилади». Титони йўқ қилиш учун Сталин Югославиядаги совет элчиси жаноб Габриловичдан (Григулевич) фойдаланишни режалаштирганди, у Титони заҳарланган узук ёрдамида ўлдириши лозим эди. Бу ҳақда Иван Бунич «Момақалди роқ операцияси» ёки «Учинчи аломатдаги хато» китобида ёзган.

Сталиннинг ўлимидан кейин Югославиядан ёлғондакам айбловлар олиб ташланди, дипломатик муносабатлар тикланди. 1955 йили Н. Хрущёв ва Булганин Белградга «Титога салом бериш» учун бордилар. Улар Югославия раҳбариятидан расмий кечирим сўрадилар ва муносабатларнинг тўлиқ нормалаштирилишига келишиб олдилар. Унинг натижаси сифатида 1955

йилги Белград декларацияси имзоланди. Декларация матнига «иқтисодий ёки сиёсий характердаги ички ишларига ҳар қандай сабабларга кўра аралашмаслик» ҳақидаги модда ҳам киритилган.

Никита Хрущёв унинг «социализмга мустақил йўли»ни тан олганида, 1957 йили Тито, ҳатто Совет Иттифоқига қўшилишга ҳам тайёрланганди, бироқ йилнинг охирига келиб СССР раҳбарлиги остида бирлашиш гоясидан бутунлай воз кечди. 1963 йили Тито Югославиянинг умрбод президенти этиб сайланди, бир йўла Югославия коммунистлари Иттифоқининг раиси бўлиб ҳам қолаверди. 60-йиллари Тито қўшилмаслик ҳаракатининг етакчиси бўлди. Ўзининг тоталитар тузуми доирасида у Варшава шартномасига қўшилишдан бош тортди, чехославак ислоҳотчиси Александр Дубчекни қўллаб-қувватлади ва 1968 йилнинг ёзида Варшава шартномаси қўшинларининг Чехословакияга бостириб киришларини қоралаб чиқди. 1969 йили Тито Хитой билан савдо шартномасини тузди. 1970 йилларнинг бошида у марказнинг кўпгина ваколатларини маҳаллий ҳокимиятларга берди, конституцияга Югославия таркибига кирувчи республикаларнинг мустақиллик даражасини оширувчи ўзгартиришларни (1971), «коллектив президентлик»ни киритди. Умуман олганда, Тито ватандошларининг ҳурматларини хусусий тадбиркорликка катта эркинликлар берувчи либерал иқтисодий ислоҳотлар билан қозонди. Бу Югославияни Шарқий Европанинг энг ривожланган мамлакатларидан бирига айлантирди. Фарбда Титони ўз халқига 30 йиллик тинч ҳаётни берган «маърифатли золим» деб атардилар, у ўшандаёқ иттифоққа хавфни «буюк серблар» шовинизмида кўрар эди.

Иосип Броз Тито — Югослав ва халқаро ишчилар ҳаракатининг тан олинган етакчиси, ЮСФРнинг давлат ва сиёсий арбоби, уч марта Югославия Халқ қаҳрамони (1944, 1972, 1977), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (СССР) (1950), кўпгина югослав орденлари, 1-даражали Суворов (1944), Ленин (1972), «Галаба» (1945), совет орденлари ва бир қатор бошқа мамлакатларнинг орденлари билан ҳам мукофотланган.

Ёзувчи Орест Мальцевга совет ҳукумати «қонхўр ит Тито» ҳақида романга буюртма берди. «Югослав фожиаси» деб номланган бу роман Сталин мукофотини олди. Тито билан ярашилганидан кейин эса «фожиа»ни барча совет кутубхоналаридан олиб қўйдилар ва Орест Мальцев бирорта ҳам адабий асарсиз лауреат бўлиб қолди. Кейинчалик маълум бўлишича, романнинг ҳақиқий муаллифи жаноб Гурвич, АҚШ компартияси асосчиларидан бирининг ўғли бўлган экан.

Тито 1980 йил 4 май куни Люблянада вафот этди.

«УСТАРА»

ТОДЗИО, ХИДЭКИ (HIDEKY TODSIO)
(30.12.1880, Токио — 23.12.1948, Токио)



Япониянинг ҳарбий ва давлат арбоби, генерал. Генералнинг ўгли. Ҳарбий академияда (1905) ва Бош штаб Академиясида (1915) таълим олган. Совет Россиясига қарши Узоқ Шарқдаги интервенцияда қатнашган. Берн ва Берлинда ҳарбий атташе (1919–1922). 1922 йилдан Бош штаб Академиясининг ўқитувчиси. 1927 йили ҳарбий министрликка ўтказилган.

1931 — 1933 йиллари Тодзио 1-пиёдалар полкига командирлик қилган. 1934 йилдан 24-бригада командири. Японияни фашистлаштириш ва уни милитарлаштириш ҳамда агрессив урушлар олиб бориш мақсадида мамлакатнинг бутун ҳаёти устидан назорат ўрнатишнинг тарафдорлари бўлган офицер ва генераллардан иборат «назорат гуруҳи» («Госэйха») ни бошқарди. 1935—1937 йиллари Маньчжуриядаги жандармерияга командирлик қилди, Квантун армиясини «ёш офицерлар»дан тозалаш жараёнини ўтказди. 1937 йилнинг майидан 1938 йилнинг майигача Квантун армиясида штаб бошлиғи. Маньчжурия ҳудудида Маньчжоу-Го қўғирчоқ буфер¹ давлати тузиш сиёсатининг ташкилотчиларидан ва амалга оширувчиларидан бири. Чахар вилояти (ички Мўғулистон)нинг босиб олинишига раҳбарлик қилди. У Япониянинг Шарқий Осиёда буюк ҳукмронлигини ўрнатиш учун ҳар қандай воситаларни, шу жумладан қўпоровчилик, «бешинчи колонна»² ларни яратиш ва шу кабиларни ҳам қўллаш мумкин деган нуқтаи назарда турарди. 1937 йили Хитойда бошланган ҳарбий ҳаракатларнинг асосий ташаббускорларидан бири. Ҳарбий министр ва Иккинчи жаҳон уруши даврида премьер-министр бўлган генерал Тодзио Хидэки ҳали Хитойда хизмат қилиб юрган вақтларидаёқ «устара» лақабини олганди. 1938—1939 йиллари ҳарбий министр ўринбосари. Хитойдаги ҳарбий ҳаракатларни Гоминдан кўшинлари тўлиқ тор-мор қилингунига қадар давом эттириш тарафдори эди. Дунёнинг барча мамлакатларини «мутлақ душманлар ва нисбий душманлар»га бўлиб чиққан эди (СССР мутлақ душманлар қаторига кирарди). 1939 йилнинг январида ҳарбий авиациянинг бош директори. 1940 йил 22 июлда ҳарбий

¹ Буфер — лаппак, қалқон, урилиш зарбини камайтирувчи мослама.

² Бешинчи колонна — бирор мамлакат ичида бошқа мамлакат топшириғи билан иш олиб боровчи хоинлар гуруҳи.

министр этиб тайинланган. Германия билан ҳарбий-сиёсий иттифоқни кенгайтириш тарафдори. Германия, Италия ва Япония ўртасида «Учлар иттифоқи» шартномаси имзоланишининг асосий ташаббускорларидан бири. Унинг мақсади Буюк Британиянинг таслим бўлишига ва Осиёдаги барча мустамлакалари (Ҳиндистонни ҳам қўшиб) устидан Япония назоратини ўрнатишга эришиш эди. 1941 йил 14 октябрда Ф. Каноз кабинети қулаганидан сўнг, ўзида ҳарбий министр лавозимини сақлаган ҳолда, премьер-министр этиб тайинланди ва бир вақтнинг ўзида ички ишлар министри лавозимини ҳам олди (айни вақтда у ҳарбий хизматда ҳам ҳисобланарди). Бу лавозимни эгаллаб турганида Япониянинг Совет Иттифоқига қарши тажовузи — «Кантуку-эн» режасини тасдиқлаган. Шунингдек, Тодзио асосий монархо-фашистик ташкилот — «Тахтга ёрдамлашиш ассоциацияси»нинг раҳбари ҳам эди. Япон монополиялари ва «Мицуй» ҳамда «Ясу-да» концернлари билан яқин алоқада эди.

Улкан ҳокимиятга эга эканлигига қарамасдан, Тодзионинг империя бюрократияси билан шунингдек, Японияда анъанавий мухтор ҳисобланган ҳарбий-денгиз флоти раҳбарияти билан ҳам ҳисоблашишига тўғри келарди. 1941 йил 1 ноябрда кабинет АҚШ, Буюк Британия ва Нидерландияга қарши урушга тайёрланишга, агарда 1 декабргача Вашингтондаги музокаралар ижобий натижа бермаса, ҳарбий ҳаракатларни бошлашга қарор қилди. Япониянинг АҚШга қарши урушини режалаштирди (1941 йил 7 декабрда Пёрл-Харборга ҳужум). 1942 йили махсус фавқулодда қонун қабул қилиб, муҳолифатга тазйиқ ўтказишга уринди, чунки бу қонун маъмуриятнинг қамоққа олишга бўлган ваколатларини кенгайтирарди (урушнинг охирига келиб Японияда 2 мингта яқин сиёсий маҳбуслар бор эди).

Тодзио Буюк Британиянинг мустамлакалари бўлган халқларни Япония томонга жалб қилиш сиёсатини юритади, Бирма ва Филиппин мустақиллигининг (япон армиясининг қаттиқ назорати остида) эълон қилинишига эришди. Тодзио кутиб туришни истамасди, енгилган мамлакатларнинг аҳолисини одам деб ҳисобламас, босиб олинган ҳудудларда эса, уни қўллаб-қувватлаган япон саноатчилари иложи борича тезроқ ва ҳар қандай йўл билан эгаллашга уринаётган хомашё манбаинигина кўрарди. «Биргаликда гуллаб-яшнаш» шиори Тодзио даврида узил-кесил унутилганди, амалда эса унинг сиёсати мустамлакаларни калтабинлик ва самарасизлик билан талашдан иборат бўлиб қолганди. 1943 йил 1 ноябрда Тодзио Япония ҳарбий иқтисодини ўз назорати остига олишга уриниб, Ҳарбий таъминот министрлигини тузди (министрлик лавозимини ўзи эгаллади). 1944 йилнинг 21 февралда шу-

нингдек, Бош штаб бошлиғи лавозимини ҳам ўзига олди ва шундай қилиб ўз қўлида жуда катта ҳокимиятни тўплади. У урушни то галабагача давом эттиришининг эътиқодли ва изчил тарафдори эди. Мариан ороллариининг қўлдан кетиши, душман қўшинларининг Японияга бевосита яқин бўлган ҳудудларга чиқиши, шунингдек, Япониянинг урушдан чиқиши тарафдорларининг тазйиқи 1944 йил 18 июлда — Сайпан ороллари қўлдан кетган кунини Тодзионинг истеъфосига олиб келди. Кабинетни тарк этар экан, Тодзио шундай деди: «Кабинет фаолияти даврида империя (Япония расман империя эди) шундай жиддий хавф билан юзма-юз бўлдики, унга бутун тарих давомида ҳеч қачон бундай хавф даҳшат солган эмасди».

Хидоки 1944—1945 йиллари Махфий кенгаш аъзоси бўлган. Уруш тугатгандан кейин, Америка ҳарбий полицияси ҳибсга олишга келганида Тодзио ўзини отиб ташлашга уриниб кўрди, аммо тирик қолди. Узоқ Шарқ бўйича ташкил қилинган Токио халқаро ҳарбий трибунали судига тортилди. Урушни бошлашнинг асосий айбдори деб тан олинди ва ўлим жазосига ҳукм қилинди.

Сугамо қамоқхонасида осиб ўлдирилган. 1978 йили Тодзионинг номи (у билан бирга ўлдирилганлардан яна 13 кишининг номлари ҳам) Язукуни миллий мемориалининг мармар тахталарига ўйиб ёзилди. 1980 йили ҳукм ижро этилган ерга ёдгорлик ўрнатилди.

«Яшасин Япония! Алvido, азиз оталар ва оналар! Банзай!».

(Япон камикадзеларининг ўлим олдидан хитоби).

«Яшайтганлар — ҳалок бўладилар. Мағрурлар — абадий эмас. Улар баҳорий тунда кўрилган мисли тушдек. Қудратлилар охир-оқибат йўқоладилар: чунки улар шамолнинг олдида чанг-ғубор, холос...». («Тайра уйи ҳақида қисса»)

ҚУВИЛГАН ДОҲИЙ

ТРОЦКИЙ, ЛЕВ ДАВИДОВИЧ

(ҳақиқий исм-фамилияси ЛЕЙБА ДАВИДОВИЧ БРОНШТЕЙН)
 (26.10.(07.11.) 1879, Яновка қишлоғи, Херсон губернияси —
 21.08. 1940, Койоакан, Мексика)



1897 йилдан социал-демократ, 1903—1904 йиллари — меньшевик. 1905 йилнинг октябрь-ноябрида — Яновский фамилияси остида ишчи депутатлари Петербург Кенгашининг раиси. Қамоққа олинган ва Сибирда «абадий яшаш»га ҳукм қилинган, бироқ тайинланган жойга боришда йўлдан қочиб кетган. 1912 йили В.И. Ленин ва большевикларга қарши йўналтирилган Август уюшмасини ташкил қилган. Биринчи жаҳон урушининг бошларида Парижда урушга қарши «Наше слово» («Бизнинг сўзимиз») газетасини (меньшевик Л. Мартов билан биргаликда) чоп этди ва Франциядан чиқариб юборилди. 1916 йили АҚШда «Новый мир» («Янги дунё») газетасини чиқарди, унда ўзининг перманент (узлуксиз) инқилоб ҳақидаги гоясини ташвиқот қилди. 1917 йилнинг ёзида большевиклар партиясига РСДРП Районлараро ташкилоти аъзоси сифатида кирди. Июлнинг бошларида ишчиларни муддатидан илгари қуролли чиқиш қилмасликка чақирди, лекин шунга қарамасдан 23 июлда Муваққат ҳукумат томонидан қамоққа олинди. 2 сентябрда озод қилинди. 25 сентябрда Петроград ишчи ва солдат депутатлари кенгашининг раиси бўлди ва Таъсис кенгашига сайловларга РСДРПдан 40 та номзод рўйхатига киритилди. 1917 йил октябридаги кўзғолонни тайёрлашда катта ҳисса қўшган. Инқилобдан кейин ташқи ишлар халқ комиссари, ҳарбий ва денгиз ишлари бўйича халқ комиссари, Республика Инқилобий ҳарбий кенгаши раиси, РКП (б) МК сиёсий бюросининг ва Коминтерн Ижроия Комитетининг аъзоси. Партия ичидаги барча баҳсларда қатнашган. 1927 йили партиядан чиқарилди, 1929 йили СССРдан бадарға қилинган. 1932 йили Совет фуқаролигидан маҳрум қилинган. Эмиграцияда бўлган даврида кизгин сиёсий фаолиятини давом эттирган. Мексикада НКВД агенти Р.Меркадер томонидан ўлдирилган.

Лев Давидович Троцкий — халқаро коммунистик ҳаракатнинг етакчиларидан бири, марксизмнинг йирик назариётчиси, совет партия намоёнчаси. Лейба Бронштейн ўзига тўқ деҳқон оиласида туғилган. У Давид ва Анна Бронштейнларнинг бешинчи фарзанди эди. 7 ёшидан яҳудийларнинг диний мактаби — хедерда ўқиди, лекин уни тугатмади. 1888 йили Одессага жўнатилган, реал¹ мактабда ўқиган ва «ҳар доим биринчи ўқувчи бўлган.» Николаевдаги реал билим юртини 1896 йили тугатаётиб, у социал-демократик «Жанубий рус ишчилар иттифоқи» аъзолари билан танишди. Троцкий инқилобий фаолиятини народник² сифатида бошлади. 1898 йили қамоққа олинди, қамоқхонада 2 йил бўлди ва у ерда сафдоши А.Л. Соколовскаяга уйланди.

¹ Реал мактаб — асосан математика ва табиий фанлар ўқитиладиган мактаб.

² Народник — озодлик учун курашнинг буржуа-демократик, халқчиллик гояси тарафдори.

Л. Троцкий қамоқда бирга ўтирган ишчиларнинг таъсири остида маркччи бўлди. 1900 йили Иркутск губерниясига сургун қилинди ва у ердаги вилоят нашрларида қўлаб мақолалар чоп қилди. 1902 йили хотини ва икки қизини бутунлай ташлаб, Одесса қамоқхонаси назоратчиси Троцкийнинг номига ёзилган қалбаки паспорт билан чет элга қочиб кетди, бу фамилия оқибатда унинг тахаллусига айланди. Лондонда Л. Троцкий В. Ленин билан танишди, уни «ғайратли ва қобилиятли ўртоқ» деб баҳолади. У В.И. Засулич, Ю.О. Мартовлар билан ҳам танишди, «Искра» («Учкун») газетасининг ходими бўлди, Париждаги рус эмигрантларига лекциялар ўқиди. Умрининг охиригача у билан шон-шуҳратни ҳам, таъқибларни ҳам баҳам кўрган украиналик муҳожир Н.И. Седовага уйланди. 1903 йили РСДРП II съезди делегати сифатида асосий масалалар бўйича В.И. Ленин ва П.В. Плехановларни қўллаб-қувватлади, лекин партия устави ҳақидаги баҳсларда Ю.О. Мартовнинг нуқтаи назарини маъқуллади, чунки партиянинг шахсий ҳукмронлик ўрнатилган радикал-фитначилар гуруҳига айланиб кетиш хавфи бўлган фаол инқилобчиларнинг қаттиқ интизомли ташкилотига айланишини маъқул деб билмади. 1904 йилгача меньшевиклар билан ҳамкорлик қилди, бироқ улардан узоқлашгандан сўнг ҳам большевикларга қўшилмади. «Узлуксиз инқилоб» назариясини ишлаб чиқди, унинг маъносини ўзи шундай ифодалайди: «Социалистик инқилоб миллий ҳудудда бошланади, интернационал майдонда ривожланади ва жаҳон миқёсида яқунланади». 1905 йили биринчи рус инқилоби бошланганида Л. Троцкий Россияга қайтиб келди ва унда фаол иштирок этди; декабрда Петербург Кенгаши раиси этиб сайланди. Ҳибсга олинди ва 1906 йили Тобольскка сургун қилинди, лекин йўлда чет элга қочиб кетди. Лондонда РСДРПнинг съездида қатнашди; расман фракцияларга қўшилмаган ҳолда большевиклар билан меньшевикларни яраштиришга уринди. Л. Троцкий Венада жойлашиб олди ва халқаро социалистик ҳаракатнинг кўзга кўринган намояндасига айланди, кўпгина газета ва журналларда ҳамкорлик қилди. 1912—1913 йиллари ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган Болқон ҳудудида ҳарбий мухбир бўлиб ишлади. 1914 йили Биринчи жаҳон уруши бошланганидан сўнг Л. Троцкий Цюрихга кўчиб ўтди, у ерда қон тўкишнинг барча қатнашчиларини қораловчи «Уруш ва Интернационал» номли рисоласи чиқди. «Ватанни ҳимоя қилиш» шиорига Л. Троцкий инқилобий йўл билан Европа Қўшма Штатларини яратиш, кейин эса бутун дунёда ҳам шундай қилиш ҳамда урушни тўхтатиш чақириғини қарши қўйди. Л. Троцкий В. Лениннинг империалистик урушни фуқаролар урушига айлантириш шиорига қўшилмади; у Россияда инқилобни бошлаш мумкин деб ҳисоблаган ҳолда, бошқа мамлакатларнинг ёрдамисиз унинг ғалабаси мум-

кинлигига шубҳа билан қаради. 1915 йили Л. Троцкий, адолатли демократик дунё ва интернационал пролетар ҳамкорлиги зарурлиги ҳақидаги шиорни олдинга сурган Циммервальд конференциясида фаол иштирок этди. 1916 йили урушга қарши ташвиқот олиб борганлиги учун Франциядан Испанияга, у ердан АҚШга чиқариб юборилди.

1917 йили Россиядаги Февраль инқилобини олқишлади ва оиласи билан Петроградга кўчиб ўтди, у ерда большевиклар билан жиддий келишмовчиликлари бўлмаган бирлашган социал-демократик интернационалчилар («районларарочилар») гуруҳига кирди. Большевикларнинг июлдаги чиқишларидан сўнг қамоққа олинди ва 40 кунни қамоқда ўтказди. 1917 йилнинг августда бўлиб ўтган РСДРП (б) VI съездида Л. Троцкий «районларарочилар» таркибида партиёга қабул қилинди ва сиртдан МК аъзолигига киритилди. Октябрь тўнтаришига тайёргарлик кўришда иштирок этди. Ажойиб нотик ва ёрқин публицист бўлган Л. Троцкий жуда машҳур бўлди. Сентябрда у Петроград кенгашининг раиси, октябрда — амалда ҳарбий-инқилобий комитетнинг раҳбари ва октябрь тўнтаришининг раҳбарларидан бири бўлди. Бу даврда Ленин билан Троцкийнинг номлари энг оммавийлашганларидан эди. Бутунроссия Советларининг II съездида Л. Троцкий биринчи Совет ҳукумати таркибига ташқи ишлар халқ комиссари сифатида киритилди. У А.Ф. Керенский — П.Н. Краснов қўшинларининг тор-мор қилинишида муҳим роль ўйнади, меньшевиклар, эсерлар ва большевиклар МК айрим аъзоларининг «бир таркибли социалистик ҳукумат» тузишга бўлган уринишларига қарши курашда Ленинни қўллаб-қувватлади. Л. Троцкий Германия билан тинчлик музокаралари олиб бориш учун Брест-Литовскка борди. МК қарорига ва Ленин билан бўлган келишувга қарамасдан, Троцкий музокараларни иложи борида чўзди, лекин немисларнинг ультиматумидан кейин «урушни тўхтатамиз, армияни тарқатиб юборамиз, бироқ тинчликка имзо чекмаймиз» формуласини олға сурди, бу билан у халқаро пролетариатга Октябрь тўнтаришининг таъсирини заифлаштирмасдан ва жаҳон инқилобининг яқин қолган кўмагига умид боғлаб, Антантани босқинчилик урушига расмий баҳонадан маҳрум қилишни ўйлаганди. Троцкийнинг бу ҳаракатларини Ленин «тактик ёки дипломатик хато» сифатида баҳолади, унинг оқибатида Германиянинг анча оғирроқ шартларига кўнишга тўғри келди. 1918 йилнинг март ойида Л. Троцкий Республиканинг ҳарбий ва денгиз ишлари бўйича халқ комиссари, сентябрь ойида — Республика Инқилобий-ҳарбий кенгашининг раиси қилиб тайинланди, Қизил Армиянинг бош ташкилотчиларидан бири, чет эл интервенцияси ва фуқаролар уруши даврида унинг раҳбари,

«қизил террор»нинг назариётчиларидан бири бўлди («Ким терроризмдан, яъни ғазабга минган ва қуролланган аксилинқилобга нисбатан тазйиқ ўтказиш ҳамда қўрқитиш чораларини қўллашдан воз кечадиган бўлса, у ишчилар синфининг сиёсий ҳукмронлигидан, унинг инқилобий диктатурасидан воз кечиши керак»). Барча большевиклар каби маъмуриятчиликка ва куч ишлатишга мойиллигини намоён қилиб, меҳнат армиялари ва қатъий тақсимот яратиш заруратини қўлаб чиққан Л. Троцкий 1920 — 1921 йиллари ЯИС (Янги иқтисодий сиёсат — НЭП) зарурлиги масаласида ҳам Ленин тарафида бўлди («Озиқ-овқат нормаси бўйича тенглаштирувчи реквизиция¹ ва саноат маҳсулотларини тенг тақсимловчи ҳозирги сиёсат деҳқончиликнинг пасайишига, саноат пролетариатининг тарқатиб юборилишига йўналтирилган ва мамлакат хўжалик ҳаётини издан чиқариш хавфини туғдирди»). В. Ленин Л. Троцкийга ташқи савдо монополияси масаласи бўйича, мамлакатнинг миллий-давлатчилик тузилишини ҳал қилиш вақтида «грузин масаласи» бўйича қўмаклашишни сўраб мурожаат қилган; партиyani бюрократлаштиришга қарши курашда уни суянчиқ деб билади, «Съездга хат»ида эса уни «ҳозирги МКдаги энг қобилиятли одам», — деб баҳолайди. В. Лениннинг вафотидан кейин, амалда ўз рақибининг кўпгина гоъларидан фойдаланиб иш кўрган И. Сталиннинг имкониятларини жуда кеч англаган Л. Троцкий жангни бой бериб қўйди; 1925 йили СССР Инқилобий-ҳарбий кенгаши раиси ва ҳарбий ишлар халқ комиссари лавозимларидан озод қилинди, 1926 йили эса Сиёсий бюро таркибидан чиқарилиши, 1927 йили партиядан ўчирилди.

Олмаота сурғунидан кейин 1929 йили оиласи билан Туркиянинг Мармар денгизидаги Принкипо оролига қувғин қилинди, 1932 йили совет фуқаролигидан маҳрум этилди. Чет элда у И. Сталиннинг тоталитар тузумини фош қилиб, публицистик ва адабий фаолият билан шуғулланди, СССРдаги шовқин-суронли суд жараёнлари сохталаштирилганлигини фош қилди, IV («марксистик») Интернационални тузиш бўйича иш олиб борди. Бир мамлакатдан иккинчисига кўчиб юришга мажбур бўлди: Франция, Норвегия, Мексика. НКВД ходимлари турли мамлакатлардан Л. Троцкийнинг архив материалларини ўғирлаб кетдилар, унинг СССРдаги барча қариндошлари (биринчи хотини, ўғли, укаси ва бошқалар) қатағон қилинди.

¹ Реквизиция — мол-мулкнинг мажбурий равишда давлат ёки ҳарбий ҳокимият ихтиёрига олиниши.

1940 йилнинг 24 май куни НКВД ташкил қилган Л. Троцкийга қарши суиқасдни испан коммунисти Рамон Меркадер амалга оширди. У троцкийлар хонадонининг ишончига кириб (Л. Троцкийнинг котибаси Сильвия Ангелова-Масловага уйланишни ваъда қилиб у билан яшаб юрган) узоқ пайт пойлайди ва ниҳоят 24 май куни кабинетда ёлғиз қолган Лев Давидовичнинг бошига альпинистларнинг муз ёрадиган чўкичи билан уради. Рамон Меркадер ўша заҳоти қамоққа олинади ва Мексика суди томонидан 20 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади (ўша пайтда Мексикадаги энг олий жазо шу эди). Меркадер қамоқ жазосини тўлиқ ўтаб, 1960 йили озод қилинади ва Куба орқали СССРга келади. 1961 йили унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди, умрбод пенсия (400 сўм) тайинланди ва хотини иккаласига Москвадан квартира ва дала ҳовлиси ажратилди. Р. Меркадер Марксизм-ленинизм институтига ишга жойлашди, у Испания коммунистик партияси тарихи китобининг муаллифларидан бири. Лекин Р. Меркадер СССРда яшай олмади ва совет раҳбарларининг руҳсати билан Кубада жойлашди. У 1978 йили ўша ерда вафот этган ва васиятига кўра Москвада дафн қилинган.

Л. Троцкий бугун инсониятнинг ёрқин келажаги бўлиб туюлган ўзининг хаёлий дунёсини яратди. Ушбу дунёни яратиш учун, унинг фикрича, барча воситалардан: лагерлар, «тозалашлар», жисмонан йўқ қилиш, жосуслик, хоинлик, сотиб олиш, террор кабилардан фойдаланиш мумкин ва зарур. Одамлар унинг учун шу буюк мақсадни амалга ошириш йўлида бир материал, холос.

Л. Троцкий ўлдирилганда 61 ёшга ҳам тўлмаган эди. Унинг душманлари унинг ўз усулидан фойдаландилар, қарашларига амал қилдилар. Шу қарашлар мустақилликка эришган Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги кўпгина давлатларда ҳокимият тепасига келган инқилобчиларни охир-оқибатда диктаторларга айлантирдилар. Бу мамлакатларнинг кўпинча фожиали яқунланган тажрибаси шуни кўрсатадики, оммага кўпол куч билан сингдирилган ҳар қандай ғоя охир-оқибатда шу ғоянинг муаллифларини ҳам худди шундай кўпол куч билан ағдариб ташлайди.

Мен пролетар инқилобчиси, марксист, диалектик материалист ва демакки, атеистлигимча ўламан. Инсониятнинг коммунистик келажасига ишончим ҳаётимнинг ўсмирлик пайтидагига кўра сусайган эмас, ҳозир мустаҳкамроқ бўлди. (Лев Троцкий)

XX АСР ПАҲЛАВони

**ТРУМЭН, ГАРРИ (TRUMAN HARRY) (08.05.1884, Ламара
(Миссури штати) — 26.12.1972, Канзас-Сити)**

АҚШнинг 33-президенти. Индепенденсдаги (Миссури штати) мактабда ўқиган, кейин Уэст-Пойнтдаги ҳарбий академияга киришга уриниб кўрган, лекин кўриш қобилияти яхши эмаслиги сабабли қабул қилинмаган. Коллежда ўқиш учун маблағи йўқлиги учун Канзас-Ситига кетди, у ерда ҳар қандай ишни бажарди, миллий гвардияга ёзилди ва банкда югурдак бўлиб ишлади. 1906—1917 йиллари отасининг Грандвьюдаги (Миссури штати) фермасини бошқарди. 1945 — 1953 йилларда Демократик партиядан АҚШ президенти; 1945 йили январдан апрелгача — вице-президент. Хиросима ва Нагасакига атом бомбасини ташлаш ҳақида буйруқ берган. НАТО (National Atlantic Treaty Organization, NATO) яратишнинг ташкилотчиларидан бири.

Хиросима ва Нагасакига атом бомбасини ташлаш ҳақида буйруқ берган. НАТО (National Atlantic Treaty Organization, NATO) яратишнинг ташкилотчиларидан бири.

Миссурилик Гарри С. Трумэн жуда ёқимсиз президент эди. 1951 йилнинг декабрида америкаликларнинг фақат 23 фоизигина унинг фаолиятини ижобий баҳолаган. Президент 1953 йили ўз лавозимини тарк этганида фақат аҳолининг 31 фоизи унинг бошқарувидан рози бўлганди, айни пайтда 50 фоиз ундан рози эмаслигини баён қилганди. Ҳатто Ричард Никсон ҳам Уотергейт жанжалининг энг қуйи нуқтасида 24 фоиздан юқорироқ кўрсаткичга эга бўлганди. Ўлимидан кейин Г. Трумэнга тарихчилар ва жамоатчиликнинг берган баҳолари бу рақамларга қарама-қарши бўлди. 1982 йили тарихчилар ўртасида ўтказилган сўровда АҚШ тарихида ўтган президентлар орасида унга саккизинчи ўрин берилганди. 1980 йили Гэллап институти ўтказган сўровда у, ҳатто Жон Кеннеди ва Франклин Д.Рузвельтдан кейин учинчи ўринни ҳам олганди. Шундай қилиб ёқимсиз, машҳур бўлмаган президент ўлимидан сўнг Американинг миллий қаҳрамони даражасигача кўтарилди.

1914 йили отасининг ўлимидан кейин Г. Трумэн ферма раҳбарлигини ўз қўлига олди ва реал муваффақиятларга эришди. Бу ҳудуддаги бошқа фермерлардан фарқли ўлароқ, Г. Трумэн алмашлаб экишни жорий қилди ва йирик шохли молларни кўпайтирди. У ўзининг шериги билан Оклахомадаги рух ва мис конларига маблағ киритди ҳамда нефть қазиб чиқарилишида иштирок этди, лекин бу иш омадсиз бўлиб чиқди. Ана шу даврда унда сиёсатга қизиқиш уйғонди. У Вудро Вильсоннинг АҚШ президенти қилиб сайланишини ёқлаб чиқди, миллий гвардияга кирди ва жаҳон уруши даврида генерал Першинг қўмондонлиги остида Франциядаги фронт-

да жанг қилди. 1919 йилнинг апрелида капитан унвонида армиядан бўшадди ва ўзининг Индепенденсдаги ўсмирлик севгилиси Элизабет Уоллес Ферменга уйланди. Элизабет жуда камсуқум аёл эди. Кейинчалик Вашингтондаги ҳаётларида ҳам, Г. Трумэн уни муҳим сиёсий қарорлардан доимо хабардор қилиб турганлигига қарамасдан, жамият ҳаётида қарийб иштирок этмасди. Г. Трумэн шериги билан ўз ватанида эркаклар кўйлаги дўконини очди. 1921—1922 йиллардаги иқтисодий инқироз дўконнинг ёпилишига олиб келди. Шундан сўнг Г. Трумэннинг кейинги йилларда тўлаши лозим бўлган 25000 доллар қарзи қолди, холос.

Тадбиркорлик корхонаси синганидан кейин Г. Трумэн бошқарувнинг сайланиб қўйиладиган мансабдори бўлиш имкониятидан фойдаланди. Г. Трумэн жуда ёмон нотиқ эди, лекин унинг кўпгина яхши томонлари ҳам бор эди: у Жанубнинг энг қудратли партияси бўлган демократларнинг тарафдори эди, уни сайлов округидагилар билар эдилар ва собиқ полқдошлари кўллаб-қувватлардилар. Жексон округидаги унинг «раислик қилувчи судья» сифатидаги асосий фаолияти округда йўлларнинг аҳволи учун масъулиятни, оқова сувларни оқизиб юбориш ва қариялар ҳамда бошқа ёрдамга муҳтож бўлган фуқаролар учун уйларни бошқаришни қамраб оларди.

50 ёшида Г. Трумэн Вашингтонга Миссури штатининг губернатори сифатида келди. Унинг федерал сиёсатда тажрибаси йўқ эди, лекин у йирик округнинг «раислик қилувчи судья»си сифатида инқироз пайтида федерал ҳукумат муҳтож аҳоли учун нималар қилиши мумкинлигини кўрганди. Президент Ф. Рузвельт билан биринчи учрашув муваффақиятли ўтди ва Г. Трумэн «Янги йўналиш»нинг эътиқодли тарафдори бўлиб чиқди. У ишга боши билан шўнғиб кетди ва унинг омади юришиб, комитетлардан бирига тайинланди. Масалан, ана шу тарзда у ҳаво йўлини тартиблаштирувчи қонунни тузишда иштирок этди, темир йўлларнинг раҳбарлари орасидаги яширин фирибгарликларни аниқлашда обрў орттирди ва виргиниялик Берт Уилер билан биргаликда 1940 йили транспорт ҳақидаги қонунни тайёрлади. Шу йили унча катта бўлмаган фарқ билан қайта сайланганидан сўнг, у федерал ҳукуматнинг қуроллантириш дастурини тадқиқ этиш бўйича фавқулудда комитетни бошқарди. Японларнинг Пёрл-Харборга қилган ҳужумларидан кейин катта аҳамият касб этган фаолияти туфайли Трумэн унга 1944 йили вице-президент лавозимига йўл очган миллий машҳурликка эришди. Г. Трумэннинг вице-президентликка кўтарилишининг асосий сабаби шунда эдики, демократик партиянинг раҳбарияти

сўл қанот тарафдори, Сенатга ҳеч қанақа таъсир ўтказма олмайдиган хаёлпараст деб биладиган вице-президент Генри Уоллеснинг қайтадан сайланишига қатъиян қарши бўлди. 1944 йилнинг ноябрида нисбатан катта бўлмаган фарқ билан демократлар партиясининг ғалабасидан кейин Трумэннинг вице-президентлиги фавқулодда ҳодисаларсиз ўтди. У ҳарбий конференцияларда иштирок этмади ва уни Манхеттен лойиҳасидан, атом бомбасининг яратилишидан хабардор қилишмадилар.

1945 йил 12 апрелда Ф. Рузвельтнинг ўлиmidан сўнг Г. Трумэн президентлик лавозимига ўтирганида ҳеч қанақа кўнгилсиз ҳолатга дуч келмади. Европадаги уруш охирида эди. Охириги конференцияда совет-америка муносабатлари сезиларли даражада ёмонлашганди. Шарқий Европани ривожлантириш бўйича ва немисларнинг таслим бўлишларига бир неча кун қолганда Трумэн тугатган қарзга ёки арендага бериш тизими бўйича келишмовчиликлар бошланди. Бошқа томондан, Г. Трумэн Ф. Рузвельт маъмуриятининг энг муҳим сиёсий ва иқтисодий лойиҳаларини: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Бутунжаҳон банки ва Халқаро валюта фондини тузишни давом эттирди. Г. Трумэн И. Сталин билан яхши муносабатлардан манфаатдор эди ва айни пайтда, Ф. Рузвельт сингари, Британия премьер-министри Уинстон Черчиллнинг олиб бораётган сиёсати билан баъзи бир муаммоларга эга эди.

Г. Трумэн АҚШга қайтиб келаётиб, «Аугуста» крейсери бортида бўлган вақтида, яъни 1945 йил 6 августда биринчи атом бомбасининг Хиросимага ташлангани ҳақида хабар олди. У И. Сталинни ҳали 24 июлдаёқ янги қуролдан хабардор қилганди, лекин гап атом бомбаси ҳақида кетаётганини аниқ айтмаганди. Бу билан Японияга қарши уруш анча қисқариши, эҳтимол, руслар Японияга қарши уруш эълон қилишларини амалга оширишларидан анча олдин якун топиши унга аниқ эди.

Кейинчалик Хиросима ва Нагасакига бомба ташланишини тез-тез танқид қилдилар. Эҳтимол, японларни огоҳлантириш, синов портлаши ўтказиш ёки, ҳеч бўлмаганда, иккала портлаш ўртасида кўпроқ вақт қолдириш маъқул бўларди, дейишди танқидчилар. Эҳтимол, Г. Трумэнга японларнинг уруш олиб бориш усуллари катта таъсир кўрсатгандир: японларнинг Перл-Харборга ҳужуми тўсатдан берилган зарба бўлди, Филиппинда японияликлар асирларнинг ўлим маршини ўтказганлар, уруш вақтида ҳарбий асирларнинг қийноққа солиниши ҳақида хабарлар пайдо бўлган эди. Трумэннинг ўзи, портлатиш ҳақидаги қарордан афсус чекмаслик керак деб ҳисобларди. Унинг фикрига кўра, портлашлар бостириб кирилганда ўлдириладиган юз минглаб америкаликлар ва японияликларнинг ҳаётини сақ-

лаб қолган. Трумэн атом бомбасида энг аввало, агар гап Кўшма Штатларнинг ҳаёт-мамоти ҳақида кетадиган бўлса, келажақда фақат Совет Иттифоқи билан юзма-юз тўқнашувдагина қўллаш мумкин бўлган сиёсий қуролни кўрарди.

Жаҳон уруши тутаганидан кейин ғолибларнинг иттифоқини сақлаб қолишнинг иложи йўқлиги маълум бўлиб қолди. Совет ҳукумати Американинг режалаштириш органлари томонидан марказий деб ҳисобланган институтлар — Бутунжаҳон банки ва Халқаро валюта фонди билан ҳамкорлик қилишдан воз кечди. Албатта, бу келишмовчиликларнинг сабаблари фақатгина Сталиннинг қилган ҳаракатларидагина эмасди, бироқ Трумэн учун унга ўз сўзида турмайдиган давлат арбоби қарши турганлиги аниқ эди. Бундан Трумэн, Совет Иттифоқи ҳеч қанақасига кучлар тенглигини сақлаш учун ғарб билан яқинлашмоқчи эмас, улар имкони бўлган ҳамма ерда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилади, деган хулоса чқарди. Г. Трумэн ва кўпчилик америкаликлар тоталитар давлат деб ҳисобланадиган Совет Иттифоқи ўз манфаатларини амалга ошириш учун кучига ёки зўравонлик хавфини солишга ишонади дея ҳисобларди. Америкалик дипломат, рус тарихининг ажойиб билимдони Жорж Кеннен ҳеч қачон совет ташқи сиёсатини соф ғоявий нуқтаи назардан тушунтиришга уринмаган бўлса ҳам, унинг 1946 йилнинг январида Москвадан юборган «узун телеграмма»си барибир ҳам Вашингтон тутган сиёсатнинг қаттиқлашишига кўмаклашди. Ғарбий Европа учун совет хавфи, у қанчалик бир томонлама ва муаммоли бўлмасин, тахмин қилинишидан, АҚШ миллий манфаатлари хавфсизлиги йўлида Ғарбий Европа хавфсизлигини қўллаб-қувватлаш ва таъминлаш заруратигача унча узоқ эмасди. Ғарбий Европа ва Японияга Кўшма Штатлар ҳимоя тизимида стратегик аҳамият ажратилган эди. Пентагон ҳам, давлат департаменти ҳам, махфий хизматлар ҳам, президент Г. Трумэннинг ўзи ҳам Совет Иттифоқи билан тўғридан-тўғри ҳарбий тўқнашувни кутмаганди. Ана шундай мулоҳазаларга кўра, аввалига Совет Иттифоқи ва Германияга қарши қаратилган «икки карра жиловлашлар сиёсати» пайдо бўлди. У мамлакатларнинг улкан миқёсдаги ҳарбий тенгликларини ўрнатиши ва айни пайтда, келажақда Европа ва Японияда совет сиёсатига қарши курашиши мумкин бўлган янги кучлар марказларини ҳосил қилиши лозим эди. 1947 йили Конгрессни Греция ва Туркияга, гўёки ҳокимиятни коммунистлар эгаллаши хавфидан асраб қолиш учун, ҳарбий ва сиёсий ёрдам беришга чақирар экан, «Трумэн доктринаси»ни эълон қилди.

«Маршалл режаси» яна ҳам кўпроқ аҳамиятга эга эди. Вашингтондаги режалаштириш органлари ўзларининг асосий мақсадлари сифатида бундан буён Фарбий Европадаги иқтисодий турғунликнинг олдини олиш, коммунистик мафкуранинг тарқалиши учун озиқланувчи манба деб ҳисобланган иқтисодий тартибсизликни тўхтатиш ва Фарбий Европадаги демократияни иқтисодий ва сиёсий бирлашувга ундаш, деб белгилаган эдилар. Ревизионистик тарихчилар Трумэн Маршалл режаси асосида Фарбий Германияни Фарбга маҳкам боғлаб қўйиб, Германиянинг бўлинишига қонуний куч берганлигида айблашди.

НАТОнинг ташкил қилиниши ҳам Г. Трумэн президентлигининг биринчи муддатига тўғри келди. Берлиндаги «ҳаво кўприги» сингари НАТОнинг ривожланиши ҳам Трумэн сиёсий қарорларнинг психологик аҳамиятини англаганини кўрсатиб турибди. НАТО ва Берлин «ҳаво кўприги»нинг яратилиши Совет Иттифоқига сиёсий огоҳлантиришлар сифатида қаралмоғи керак эди. Ҳар иккала ҳаракатда ҳам гап мудрофаа ташкилотлари ҳақида борарди. Фарбий Европа халқларида Қўшма Штатлар ўз тақдирини демократиянинг бундан кейинги тараққиёти билан маҳкам боғлаган, деган таассурот пайдо қилиш лозим эди.

Умумий шов-шувга қарамасдан, Г. Трумэн АҚШдан «Дунё жандарми» сифатида фойдаланиши учун унда мақсад ҳам, ҳарбий восита ҳам йўқ эди. Трумэн маъмуриятининг 1950 йилгача бўлган хавфсизлик сиёсатида гап ҳақиқий ёки тахминий совет босқинчилик ҳаракатларининг иқтисодий асоси ҳақида борарди. Г. Трумэннинг доктринаси, асосан, Амрика жамоатчилигига ва Европада иқтисодий мутаносиблаштириш учун молиявий воситалар бериши лозим бўлган, лекин унга қаршилик кўрсатаётган Конгрессга мўлжалланган эди.

«Маршалл режаси»нинг ҳам асосий мақсадини хавфсизлик сиёсати нуқтаи назаридан кўриб чиқмоқ керак. Бу Фарбий Европани очлик, камбағаллик ва чорасизликнинг тарқатилиши йўли билан хароб қилишни тўхтатишга бўлган уриниш эди. «Маршалл режаси» Европа давлатларига берилиши лозим бўлган, лекин тўлиқ амалга ошмаган икки томонлама ёрдамнинг ўрнини босиши керак эди ва Европада кучларнинг тенглигини ҳосил қилишга мўлжалланганди. Ана шу муҳитда НАТОнинг яратилиши, шунчаки ҳарбий бирлашмани тузишгина эмасди, аслида бу назарда тутилган бўлса ҳам, иқтисодий жиловлаш сиёсатига сиёсий қўшимча ҳам эди. Бошланғич сабаб Буюк Британия ва Франциянинг Америкадан ёрдам талаб қилиши бўлди. НАТО шартномаси Европани ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз-ўзидан юклаб қўявермасди, бундай ҳаракатларни Конгресс-

нинг розилигига боғларди. НАТО фақат 1951 йилдагина Америка қўшинларига эга бўлди. Ҳарбийлар ҳам, Г. Трумэн ҳам НАТОнинг ташкил қилиниши АҚШнинг Европада доимий иштироқи билан боғлиқ, деган фикрдан келиб чиқмаган эдилар. Бироқ Г. Трумэн маъмуриятининг сиёсати биринчи совет атом бомбасининг муваффақиятли синовлари таъсири остида ва кейинчалик NSC-68 (1950) сифатида маълум бўлган, Миллий Хавфсизлик Кенгаши ўтказган Америка хавфсизлик сиёсатининг таҳлили туфайли ўзгарди. Лекин Г. Трумэн учун ҳал қилувчи давр 1950 йилнинг июнида Шимолий Кореянинг Жанубий Кореяга ҳужум қилиши бўлди ва можаро «иккинчи Греция» сифатида ҳамда Совет Иттифоқининг ташаббуси бўйича ҳарбий тажовузнинг бошланиши билан изоҳланди. Фаластинга муносабат бўйича сиёсатда Оқ уй билан ташқи ишлар министрлиги ўртасида жиддий келишмовчиликлар мавжуд эди. Трумэн Фаластинда Исроил давлати ташкил этилишига ижобий муносабатда эди, чунки оммавий қирғин қурбонларига ачинарди. Г. Трумэннинг 1948 йил майида Исроил давлатини тан олиш ҳақидаги қарори ҳали Американинг Исроил давлатини яшаб кетишга берган кафолатини англатмасди, лекин у АҚШнинг Яқин Шарқ инқирозига киришишининг бошланганлигини билдирарди.

Кейинги йилларда Трумэн маъмуриятининг ички сиёсати ўзига кучли эътиборни жалб қилди. Г. Трумэн ўз сиёсатини «Янги йўналиш» билан тенглаштирарди, бироқ унда Ф. Рузвельтнинг либерал маслаҳатчилари билан келишмовчиликлар мавжуд эди, улар Г. Трумэнни президентнинг меросини ташлаб қўйишда ёки уни кенгайтирмаётганликда айблар эдилар. Охир-оқибатда гап бу ерда мавжуд келишмовчиликлардан кўра кўпроқ сиёсатдаги шахсий услуб муаммоси устида борарди ва 1948 йили кўпгина «Янги йўналиш»нинг либерал тарафдорлари президентлик учун сайловолди курашларида Г. Трумэнни қўллаб-қувватладилар.

Г. Трумэн амалга оширган катта ички сиёсий ўзгаришларга армияда ирқий ажратишларни бекор қилганлиги киради. Инсон ҳуқуқлари учун курашнинг бошланиш вақти деб Г. Трумэннинг президентлик даврини ҳисоблаш тўғри бўларди, чунки президент армиядан ташқари қора танлиларнинг жамиятдаги манфаатлари ҳақида ҳам қайғурди. У айрим штатларда сайлов солиғини бекор қилиш учун овоз берди, оломон қилишнинг қонун асосида тақиқланишини қўллаб-қувватлади ва ўзининг Миссуридаги рангли (оқ танли бўлмаган) сайловчиларнинг манфаатларини таъминлаш ва қора танлиларга касб эгаллаш имкониятларини бериш таклифини Конгрессга киритди. Бироқ жанубий штатлардан «Dixiecrats» деб

аталмиш консерватив демократларнинг қаршилиги туфайли ислохотларнинг бундан кейин давом эттирилиши жуда қийин бўлди.

Агар президент Г. Трумэн билан касаба уюшмалари ўртасидаги муносабатлар тез-тез қарама-қарши бўлиб турган бўлса, унинг йирик саноатга бўлган муносабати ҳам бундан яхши эмас эди. 1952 йили пўлат қуйиш саноатида можаро пайдо бўлганида президент узоқ ўйлаб ўтирмасдан, 1952 йилнинг 8 апрелида пўлат қуйиш заводларини, токи жанжал ҳал бўлгунига қадар, ҳукумат ихтиёрига беришга қарор қилди. Трумэннинг энг баҳсли ички сиёсатга тааллуқли қарорларига бетарафлик дастурини, Қўшма Штатлар миллий хавфсизлик сиёсатини сўл сиёсий бузғунчиларни назорат қилиш воситасида таъминлашга уриниш киради. Гарри Трумэн билан Америка Конгресси ўртасидаги муносабатлар кўпгина жиҳатлар туфайли кескинлашганди: 1948 йили, у президент қилиб сайланганидан кейин, 25 моддадан иборат бўлган «Адолатли йўл» дастурини баён қилди. У нархлар, кредитлар, саноат маҳсулотлари, экспорт, ойлик маошлар ва квартира тўловлари устидан назоратни қамраб оларди. Унда фуқаролик-ҳуқуқий қонунчилиги, арзон уй-жой, энг кам иш ҳақининг соатига 75 центга кўтарилиши, Тафт-Хартли қонунидан воз кечиш, беморлик ҳолатини албатта суғурталаш, ижтимоий хавфсизликни яхшироқ таъминлаш ва таълим тизими учун федерал ёрдамни кенгайтириш ваъда қилинганди. Конгрессда республикачилар кўпчиликни ташкил этгани учун бу иззатлаб дастурни амалга оширишнинг иложи йўқ эди, лекин у ҳали ҳам ривожланмаган Америка ижтимоий тизимини Европа даражасида кенгайтириш йўналишини белгилаб берарди.

Г. Трумэн президентлигининг иккинчи муддати вақтида у билан Конгресс орасидаги келишмовчиликлар кучайди, чунки республикачилар, кескин тарзда, Маонинг коммунистларига «Хитойни бой бериш»да президентни айбладилар. Трумэн икки муддати давомида тўртта Конгрессга қарши турди, бунда ҳар сафар кўпчилик унинг ички сиёсатига нисбатан ўнтроқда бўларди. У ўзининг вориси қилиб Иллинойснинг губернатори Эдлай Стивенсонни танлади, лекин у оммавий машҳурликда генерал Дуайт Д. Эйзенхауэрга тенглаша олмасди. Трумэн ўз эсдаликларига, президент бўлиш «катта қарорлар қабул қилиш вақтида ёлғиз, жуда ҳам ёлғиз бўлиш, демакдир», деб ёзганди.

Г. Трумэн 1972 йил 26 декабрь куни, 88 ёшида Канзас-Ситида вафот этди. Дафн маросимида АҚШ президенти Л. Жонсон уни «йигирманчи аср паҳлавони» деб баҳолади. Улимидан кейин шу сингари ижобий баҳо берилишларига асосий сабаблардан бири шунда эдики, кўпгина шахсий ҳужумларга қарамасдан, архивлар очилиши билан тобора аниқ бўлиб бо-

раётибдики, Г. Трумэн кучли ирода эгаси бўлган, қийин ҳолатларда қарорларни ўзи қабул қилган ва улардан ҳеч қачон чекинмаган.

Биз инсоният тарихидаги энг даҳшатли қуролни яратдик... Бу қурол Японияга қарши қўлланади... шундай қўлланадики, аёллар ва болалар эмас, ҳарбий қурилмалар, солдатлар ва денгизчилар унга нишон бўладилар. Ҳатто японлар ёввойи, шафқатсиз, ёвуз ва мутаассиб бўлсалар ҳам, биз дунё раҳбарлари сифатида умумий манфаат учун бу даҳшатли бомбани эски пойтахтга ҳам, янгисига ҳам ташлай олмаймиз. (Гарри Трумэн)

ТЕМИР ИРОДАЛИ АЁЛ

ТЭТЧЕР, МАРГАРЕТ ХИЛЬДА
(ингл. THATCHER MARGARET HILDA)

(13.10.1925, Грэнтем, Линкольншир графлиги)

Буюк Британия премьер-министри (1979—1990). Баққол оиласида дунёга келган. 1947 йили Оксфорд университетини тугатган. Химик. 1953 йили юридик маълумот олган, адвокатлик амалиётини олиб борган, солиқ ҳуқуқлари билан боғлиқ ишларни юритган.



Маргаретни отаси жуда яхши кўрарди, у ўзининг иззатгалаб умидларини қобилиятли қизалоғида мужасамлаштириб, амалга оширишни истарди. Маргарет кўп томонлама отасига ўхшарди, ундан тўрт ёш катта бўлган опаси Мюриел эса кўпроқ онасига ўхшарди. Шунинг учун ҳам Альфред, тадбиркор, консультант ва зарур бўлганда методист-протестант одам ўзининг Маргаретини еру кўкка ишонмасди ва ундан орзусидаги қизни тарбиялаб етиштириш учун бор кучини сарф қиларди. У ўз эътиборини нимага қаратишни истаса, отаси шунга розилик берар, қачонлардир нима билан шуғулланишни хоҳлаган бўлса шунга рухсат олар ва отаси уни қиз бола бўлганлиги учун ҳеч чекламасди. Беатрис Робертс, онаси, намунали уй бекаси эди ва Маргаретнинг тарбиясига деярли таъсир ўтказмаган.

Айнан беш ёшида Маргарет фортепиано дарсларини ола бошлади, тўққиз ёшида эса мушоирада енгиб чиқа олди. Ҳалабадан сўнг мактаб директори уни табриклади ва ўзини тута олмасдан, хитоб қилди: «Жуда омадингиз бор, Маргарет». Бунга жавобан Маргарет ўзининг енгилмас оҳангида жавоб қилди: «Бу омад эмас, бу меҳнат эди». Туғма ашаддий баҳсчи бўлган Маргарет ўз мактабидаги мунозара гуруҳининг доимий аъзоси

эди. Болалигидаги энг яқин дугонаси Маргарет Гудричнинг сўзларига кўра у жуда аълочи ўқувчи бўлган. Гудрич яна қўшиб қўяди: «Унинг мактабдаги дўстлари ва дугоналарининг аксарияти ҳали ундов сўзлардангина фойдаланиб гапирётган пайтдаёқ, у сўзлардан тўғри фойдалана оларди». Маргаретда доимо отаси ҳамма нарсани биладигандек ҳиссиёт пайдо бўларди ва у ҳали ўн ёшидаёқ у билан бирга кенгашнинг мажлисларига борар, у ердан намойишкороналикни ёки сиёсий ҳозиржавобликни ўрганарди. Маргарет ўрта мактабда ўқиётган вақтида отаси Альфред Робертс Грэнтхэм шаҳрининг мэри бўлди, бу уни болалигиданоқ сиёсий етакчилиكنинг нозик жиҳатларини тушуна олишга ўргатди.

М. Тэтчер 1947 йили химия бўйича бакалавр илмий даражасига эга бўлди ва Эссекс графлигидаги Мэннингтонда целлулоидли пластмассалар устида кимёвий тадқиқотлар ўтказаетган лабораторияга илмий ходим сифатида ишга кирди. Унинг навбатдаги ишга ўтиши олдиндан келишиб кўйилганди, бу Лондонда, Хаммервортда, «J.P. Lyons» учун тўлдирувчиларнинг қиздирилганда бирикиш хоссаларини тадқиқ қилиши эди. Маргарет Британия тарихида табиий фанлардан олий маълумотга эга бўлган ягона премьер-министр. Унинг химик сифатидаги фаолияти қисқагина бўлди, чунки қалби сиёсатга ва қонунчиликка иштиёқманд эди. У иш жойини «Lyons»га шунинг учун ҳам ўзгартирдики, келажакда эгаллаши мумкин бўлган, эҳтимол, унга йўл Дартфордда бошланган, сиёсий амалга яқинроқ бўлмоқчи эди. Улкан ишчи районни ортда қолдириб ўтиш осон эмас эди, аммо бу Тэтчерни тўхтатиб қола олмасди. М. Тэтчер бу саноат соҳасида ўзининг кимёвий маълумотидан фойдаланиб, уч йилни ўтказди, кўнгли учун эса юриспруденция бўйича илмий даража олишга тайёрлана бошлади. Унинг 1951 йили Денис Тэтчерга турмушга чиққанлиги юридик мактабга кириш имконини берди. У 1953 йили юрист даражасини олди ва беш йил давомида адвокат бўлиб ишлади. М. Тэтчернинг расмий таълим олиш давридаги қизиқарли ҳолатлардан бири шунда эдики, у болалар боғчасидан бошлаб, то Сомервиль коллежига қадар доимо «фақат қизлар учун» мактабларда ўқиган ва унинг ҳеч қачон йигит талабаларнинг эътиборини тортиш учун кураш олиб боришига тўғри келмаган. Тақдирнинг ҳазилидан бўлиб, кейинчалик у эркаклардан ҳоқимият-ни тортиб олди ва улар билан парламентда ёки ҳукуматдаги бошқача ҳолатларда ҳам тўқнаш келганда ҳеч қачон кўрқмаган. Кўринишдан, унинг мактабдаги ролларининг лойиҳалари эркакларнинг таҳсинларини излаш ўрнига улар билан рақобат қилишга ундаган шекилли. Бу, шунингдек, М. Тэтчер образининг мутлақ мислсиз эканлигига ҳам сабабчи бўлиб,

дунёнинг ҳукмдор эркакларини у «аёлдан кўра кўпроқ эркак эканлигини» айтишга мажбур қилган восита ҳам эди.

Маргарет Тэтчер Дартфордда (Кент) Консерватив партиядан парламентга сайланишга қарор қилганида коллежнинг ёш дипломли битирувчиси, химик-тадқиқотчиси бўлиб ишлаётган ходима эди. 1948 йили Дартфорднинг раисидан шундай деб сўраган эдилар: «Сиз нима, аёлнинг номзодини қўясизми? О, йўқ! Фақат аёлни эмас! Дартфорд — саноат округи!». Тэтчерга йигирма уч ёшида миллий бошқарувда иштирок этиш учун энг ёш ва ягона аёл номзод бўлишига иззат-нафси ва ғурури имкон берди-ю, лекин ғалаба қилишга ҳеч қандай имконияти йўқ эди: Лейбористлар партиясига йигирма минг овоз кўп олиб, ғалаба қилди. Бу Тэтчерни пластмасса компаниясидаги ишидан кетишдан ва у жуда интилган ўринга яқинроқ боришдан қайтара олмади. Сайловолди кампанияси яхши уюштирилганлиги ва ҳар куни 20 соатлаб қилинган машаққатли меҳнатга қарамасдан, М. Тэтчер мағлубиятга учради. Сиёсий арбоблар бу воқеани шундай изоҳладилар: «Унда қудратнинг фантастик жамланмаси бор». Сайловолди кампанияси пайтида бир куни кечқурун унинг тарафдорларидан бири унга вокзал бўйлаб сайр қилишни таклиф этди ва у рози бўлди. Бу партиядош сафдоши оиласидан ажрашган саноатчи Дэнис Тэтчер эди. Оддийгина вокзал сайри икки йиллик романга асос бўлди ва охир-оқибатда никоҳ билан якунланди. М. Тэтчер Дартфорддаги сайловларни бой берган бўлса ҳам, у Консерватив партия аъзоларини, ҳатто 20 фоиз ҳам овоз олиш мўлжалланмаган ерда овозларнинг 36 фоизини олганлигига эътибор беришга мажбур қилди.

Тэтчер никоҳ учун, оила учун ўзининг сиёсий интилишларига тин берди ва беш йил адвокатлик билан шуғулланди. У эгизакларни дунёга келтирди, уларни Кэрол ва Марк деб атади (1953) ва шундан тўрт ой кейин адвокатлик бўйича имтиҳон топширди. Тэтчер 1961 йилгача патент ва солиқ қонунчилиги бўйича ихтисослашди. 1959 йили у Лондоннинг Финчли номи билан маълум бўлган шаҳар атрофи худудидан парламентдаги ўрин учун яна бир марта сайловолди пойгасини ўтказди. Тэтчер бу ўринга ўттиз уч ёшида эришди, бу билан у сайловчиларнинг меҳрини қозонган нотиқлик қобилияти туфайли ўзига саодат йўлини эгаллаб олишга муяссар бўлди. Бу нафсониятли аёл шу дамгача умрининг кўп йилларини химик-тадқиқотчи, патент ва солиқ ҳуқуқи адвокати, эгизакларнинг онаси ва саноатчининг хотини ролларини бажаришга сарфлади.

1961 йили премьер-министр Гарольд Мак-Миллан М. Тэтчернинг кўп соҳалардаги қобилиятига эътибор қаратди ва уни нафақа ҳамда миллий суғурта министрлигида бирлашган парламент котиби этиб тайинлади.

Эдвард Хит 1967 йили унинг раҳбари эди (бу кейинчалик унинг ашаддий рақиби бўлишига халақит бермади). У Маргаретни консерваторлар партиясининг соядаги ҳукумати кабинетида (ҳокимиятга интилаётган партиянинг кабинети) етакчи аъзо сифатида танлади. Ўшанда Тэтчер соядаги кабинетнинг газ, электр ва ядро энергияси бўйича, сал кейинроқ эса транспорт, таълим ва фан министри этиб белгиланганди. Химия ва юриспруденция бўйича дипломлари бўлган Тэтчернинг ишонч ёрлиқлари бу танловда унга яхши кўмаклашди, лекин айнан нотиклик қобилияти, ишга бўлган муносабати ва виждонлилиги Хитни уни улкан имкониятларга эга бўлган аёл сифатида танлашга мажбур қилди. Таълим ва фан бўйича котиб этиб тайинланган М. Тэтчер унинг кабинетидаги ягона аёл аъзо бўлди.

М. Тэтчернинг умуммиллий машҳурлик йўлидаги биринчи қадами болалар учун бепул сут тарқатиш дастурини бекор қилиш ҳақидаги қарори бўлди. У ижтимоий кўмаклашиш тизимини ўзгартиришга, сутни болаларга тарқатиш бўйича мактаб дастури учун мўлжалланган маблағни ўқитувчиларнинг ўзларига тарқатиб, маблағлар сарфини камайтиришга қарор қилди. У доимо «умумий роҳат-фароғатдаги давлат» ижтимоий муаммоларнинг асосий манбаи эканлигини ҳис қиларди ва унинг тадбиркорлик қобилияти сўл сиёсий арбоблар томонидан кўплаб танқидларга учрарди. Мухолифатнинг камроқ тарбия кўрган аъзолари парламентда: «Тэтчер — сут талончиси!», дея аюҳаннос солдилар. «London Sun Times» «Англиянинг энг ёқимсиз аёли» типидagi сарлавҳалари билан унга қарата ўт очарди. Одамлар кўча-кўйда М. Тэтчерни «қонхўр хотин» деб атаётганлар. Унинг ижтимоий тизимни қайта қуриш ҳақидаги қарори келажакдаги ўсиши учун қарийб ҳалокатли бўлди. Харажатларнинг 4 миллион фунт стерлинга камайганлиги унинг сиёсатдаги мавқеининг кулаганлигидек кўринар эди. Доимо қатъий ва букилмас ирода соҳибаси бўлган хоним: «Мен мағлуб бўлмоқчи эмасман», — дея қасамёд қилди. Бу тўсиқ ишонтириш сиёсатининг тарафдори сифатида ундан охиригача курашишга янада қатъийроқ уринишни талаб қиларди. У кескин чиқишлар билан ўзининг қарорини ҳимоя қилди ва охир-оқибатда бошқа, енгилроқ рақибларига қаратилиб кетган салбий тазйиқларга эса эътибор бермади.

Иш ташлаётган шахтёрлар ва касаба уюшмаларининг улкан таъсири етмишинчи йилларнинг бошларида Британия иқтисодини оғир аҳволга солиб қўйди. Касаба уюшмаларининг доимий хавф солиб туриши ва иш ташлаган шахтёрларнинг талаблари олдида Хит ҳукумати таслим бўлди. Консерватив партияга ва унинг етакчиларига бўлган ишонч ўзини оқламади, бу 1974 йилнинг март ойида Хитни истеъфога чиқишга мажбур қилди, охир-оқибатда эса лейбористлар партиясини ҳукумат тепасига олиб

келди. Ун бир ойдан кейин Хит партия раҳбарлигидан четлаштирилди. Партия тартибсиз ҳолатда эди, ҳукуматдаги инқирозни қандай енгиб ўтишнинг бирон-бир жиддий режасига ҳам эга эмас эди. Эркакларнинг бирор тасида ҳам олдинга чиқиш учун журъат етишмади, шунда М. Тэтчер осонгина ташаббусни ўзига олди ва партияни бошқаришга қодир бўлган тарихдаги биринчи аёл бўлиш учун ўз номзодини қўйди. 1975 йилнинг февраль ойида Маргарет Тэтчер Англиядаги ҳар қандай партия ўз раҳбарлигини беришга тайёр бўлган биринчи аёл бўлиб қолди. У «умумий роҳат-фароғатдаги давлат»га қарши кампанияни ғайрат билан олиб борди ва аста-секин лейбористлар билан ҳукумат ўртасидаги ҳокимият учун курашни юмшатишга ваъда берди. «Нима қолган бўлса, шуни эҳтиётлаш ҳуқуқини қонунлаштиринг!» — унинг бирликка чақириқларидан бири бўлди. 1975 йилнинг июнь ойида у касаба уюшмаларининг ижроия кўмитасида шундай деди: «Бойлар жуда кам ва фойда ҳам жуда кам», октябрда эса яна ҳам аниқроқ таъкидлади: «Тикланишга йўл фойда орқали ўтади». Ниҳоят, 1979 йилнинг апрелида «Thames» телевидениесидаги чиқишида М. Тэтчер ўзининг келгусидаги тизимига саражбор бўлиши лозим бўлган касаба уюшмаларига қақшатқич зарба берди: «Бу мамлакатда буюк бузғунчилар деб аташ мумкин ва лозим бўлган одамлар бор; улар биз эга бўлган эркин жамиятнинг моҳиятини йўқ қилиш орзусида юрадилар. Бу вайрон қилувчиларнинг кўпчилиги касаба уюшмаларида туради».

Ҳукумат тепасига чиққанидан кейин тўрт йил давомида М. Тэтчер парламентда камчилик бўлган партиянинг етакчиси бўлиб келди, айна вақтда Гарольд Вильсон ва Жеймс Каллагэнлар ҳукмрон лейбористлар партиясини бошқарардилар. Лейбористлар ҳукумати заифлашиб бораётган бир пайтда касаба уюшмалари қудратли бўлиб борарди. 1979 йил «норозилик қиши»даги «иш ташлаш телбалиги» даҳшатли бўлди, унда ахлат ташувчилар ва гўрковлардан тортиб мактаб ўқитувчилари ва касалхона ҳамшираларигача, хуллас, тасаввур қилиш мумкин бўлган уюшмаларнинг барчаси иш ташлади. 1979 йилнинг март ойига келиб, Британия жамоатчилиги мамлакатни анъанавий сиёсий арбоблар ва касаба уюшмалари бошқарувидан нималар олиши мумкин бўлса шунга эга бўлди. Аср бошига нисбатан иқтисодий кескин тушиб, Англиянинг дунёдаги таъсири пасайиб кетди. Таққослаш учун 1900 йили Англия 450 миллион кишини бошқарар, бу эса ер юзи аҳолисининг 25 фоизини ташкил қилар эди. 1979 йилга келиб мамлакат ҳокимият асосларини йўқотиб иқтисодий фалокат ёқасига келиб қолганида, тартибсизликлар домига тушиб қолган давлатга бошчилик қилишни хоҳлаётган, унга йўлбошчи бўлишга тайёр турган бирон-бир киши йўқ

эди. М. Тэтчер даврининг бирон-бир буюк даъватидан ўзини олиб қочадиганлардан эмасди. Бундан ташқари у жасоратли аёл. Сиёсий шарҳловчи Поль Жонсон ўша вақтларда шундай деган эди: «Унинг энг ашаддий душманлари ҳам шунини тан олишга мажбурки, унда ҳақиқий черчиллик руҳидаги ҳотамтойликнинг захираси жуда катта». Лорд Пеннел шундай дейди: «Фақат у ҳукуматни бошқаришга тайёр турган ҳақиқий эркакона жасоратли ягона аёл эди». 1979 йил майда Маргарет Тэтчер 43,9 фоиз овоз олиб Буюк Британия премьер-министри қилиб сайланди. У ҳукуматни ва бевожита бошқарув командасини шакллантиришда «ўзимиздан ёки улардан» принципига амал қилди. Ҳукумат аъзолигига номзод ҳақида у очикдан-очик «ўзимизданми?» дея сўраши мумкин эди ва жавоб салбий бўлса, номзод ҳукумат таркибига кирмас эди.

У оптимист, тузатиб бўлмас даражада оптимист. 1975 йилги сайлов кампаниясида у ҳамма эркакларга ютқазиб, жуда қийинчилик ва жуда секинлик билан янги марраларни эгаллашга мажбур бўлганда ҳам ишончини йўқотмаган эди. Айнан ўзига бўлган катта ишонч унга доим қўл келарди.

М. Тэтчер хоним маълум бир фалсафага мойиллигининг муҳим исботи унинг Кичик тадбиркорлик бюросидаги нутқида янгради: «Мен бошқарувга битта аниқ ўйлаб чиқилган мақсад билан киришдим: инглиз жамиятини тўлиқ давлат қарамоғидаги боқимандалик ҳолатидан ўз келажагига тўлиқ ишонган тадбиркор ҳолатига; «ўтирамиз — ва — кутамиз» Англияси ўрнига «уйғон — ва — юр» Англияси ўрнатилиши; ушунга аъло «марҳамат қилиб менга беринг»дан «ҳаммасини ўзимиз қиламиз» миллатигача ўзгартириш». М. Тэтчер эркин тадбиркорликнинг моҳиятини ва нима унинг ривожланишига имкон беришини яхши биларди. Бу темир иродали аёлнинг ўз мақсадидан воз кечиши қанчалар иложсиз эканлиги 1980 йилнинг октябрида Консерватив партия конференциясида айтган гапларидан ҳам кўриниб турибди: «Биз ўз йўлимиздан оғишмаймиз. Ким нафасини ичига ютиб ахборот воситаларидан сиёсатнинг 180 градусга бурилиши ҳақида бирон-бир ибора эшитишни кутаётган бўлса, мен уларга фақат битта гапни айтишим мумкин: «Агар сизлар бурилиш бўлишини шунчалар хоҳласангиз, ўзларингиз бурилишлар, Хоним эса бурилмайди!». М. Тэтчер ҳеч қачон ортага қайтмаган ва қалтироқ ваҳимачиларнинг англияликларни қайтадан буюк миллатга айлантиришида халақит беришларига йўл қўймаган. Тэтчернинг сиёсий фалсафаси шундаки, у тез-тез такрорлайдиган бир фикрга асосланганди: «Ўз ҳаёт йўлингизни қатъий билинг, унга виждонан риоя қилинг ва сизни албатта муваффақият кутади».

М. Тэтчер лавозимга киришаётганидаги каби ундан кетаётганида ҳам шундай буюк жанжал билан чиқди. Баҳсли муаммолар муҳокама қилинаётганидаги унинг ўзгармас ҳолати 1990 йили ашаддий кескинликларни келтириб чиқарди. У барча фуқаролар тенг даражада тортилиши лозим бўлган «жон боши солиғи»ни киритишни (меҳнаткаш синфларга нисбатан анча камситувчи солиқ) таклиф қилиб жуда қалтис қадам қўйди. Кейин М. Тэтчер, Буюк Британиянинг Европа пул-кредит тизимида тўлиқ иштирок этишига қарши чиқиб (Европанинг бутун ҳудудида умумий пул тизимини киритиш режалаштирилганди), ўз партияси сафларида ҳақиқий исён келтириб чиқарди. М. Тэтчер 1990 йилнинг ноябрида партиянинг етакчиси сифатида (демак, премьер-министр сифатида ҳам) истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Унинг ўрнини молия министри Жон Мэйжор эгаллади. Шундай қилиб, М. Тэтчер мамлакатни 1979 йилнинг май ойидан бошлаб бошқарган ва йигирманчи асрдаги ҳокимият тепасида энг кўп турган Британия премьер-министри бўлди.

М. Тэтчер ҳеч қачон хилма-хил баҳслардан бош тортмаган ва ҳеч қачон таслим бўлмаган. Характерининг бу шахсий белгилари уни шахсиятининг кучи ва журъати билан ажралиб турувчи ўжар одамга айлантирганди.

М. Тэтчернинг ўжарлиги ва қўрқмаслигининг мисоли унинг бошқарувининг иккинчи йилидаёқ, Фолкленд оролларида аргентиналикларнинг бостириб киришлари вақтидаги агрессив позициясида намоён қилинди. Ўзининг 650000 қўйи ва ўн миллион пингвинлари билан 1300 тадан кўп бўлмаган Британия фуқароларидан иборат аҳолиси бўлган бу ороллар Англиядан 8000 миль узоқликда жойлашган. Кўпгина арбобларнинг фикрларига кўра, бу ўзининг лавозимини ва 250 солдатнинг ҳаётини хавф остига қўйиш учун етарли асос бўла олмасди. Оролларга қўшин юборган Аргентина шунга умид боғлаб, жанг олиб борилаётган ердан минглаб миль узоқликда жойлашган, инқироз ҳолатида турган мамлакатни бошқариш билан банд бўлган янги премьер-министр, аёл киши Жанубий Атлантикадаги қандайдир йироқ ороллар учун ҳамма нарсани хавф-хатарга қўйишга журъат қилолмайди, деб ўйлаган эди. Партиядаги кўплаб ўртоқлари, агар Тэтчер шунчалар камгина нарса учун кўп нарсани хавф остига қўйса, бу ақлсизлик бўлади деб ҳисоблардилар. Бу ҳатто матбуотни: «Тэтчер ақлдан озган. У ўзини ажойиб аёл деб ўйлайди», — тарзидаги хитобларни ёзиб чиқишга ундади. Улар қанчалар ноҳақ эдилар! М. Тэтчер ўзига берилган «ғалати аёл» деган унвонга эътироз ҳам билдириб ўтирмади ва заррача ҳам иккиланмасдан кескинлик ҳудудига саккиз минг аскарни тўқсон саккизта кемада юборди. Бу «тажовузкорликка ҳар қандай даражада йўл қўйилмаслиги керак» эканлигини тас-

диқловчи принцип эди. Унинг кучи, гурури ва виждонлилиги сайловчиларининг назарларида юксалди ва кечагина хавф солиб турган фалокат бугун ҳайратланарли ғалабага айланди.

М. Тэтчер мамлакат оғир аҳволда эканлигида, ҳалокат ёқасида турганида ҳукуматни бошқарди. «Тэтчеризм» — унинг мероси. Бу унинг принципларини ва «халқ капитализми»га фалсафий муносабатини англатади. У ўзининг қатъий, лекин амалга оширса бўладиган «тэтчеризм» фалсафасини амалга оширди. Тэтчер ҳукумати саксонинчи йилларнинг ўрталарида бир миллиондан кўпроқ ижтимоий биноларни аҳолига сотиш ҳақида қарор қабул қилди, бу билан Англиядаги уй эгаларининг умумий сонини 52 фоиздан 66 фоизга кўтарди (1988 йили америкаликларнинг фақат 63,9 фоизигина ўз уйларига эга эдилар). Тэтчер инфляцияни (бюджет камомадини) қаттиқ назорат остига олди, касаба уюшмалари ҳукмронлигини кескин чеклаб қўйди ва иқтисодий юксалишни, бундан ўн йил аввал бўлганидан кўра юқорироқ даражасига эришиб, яхшилади. М. Тэтчер Михаил Горбачёв ва Рональд Рейгани дўстлари ва иттифоқчиларига айлантира олди. У давлатни бошқариш билан шуғулланаётган, ҳокимиятнинг ҳар қандай вакили билан баҳслаша олишга қодир бўлган, оламга таниқли аёл бўлди. Тэтчер 1990 йили, умумий иззат-икром билан қамраб олинган ҳолатда, ўз лавозимини тарк этди ва у ана шу эҳтиромга лойиқ эди. У ўзининг улкан тиришқоқлиги ва меҳнатта бўлган муносиб эътибори, ўзининг виждонлилиги, шунингдек, мағрурлик руҳи ва ажойиб нотиклиги туфайли ҳокимиятга эга бўлган дунёдаги энг қудратли аёлга айланди. Ундан муваффақиятларга эришишининг асл сабабларини сўраганларида, у отасидан миннатдор эканлигини айтарди. 1979 йили, мансабга чиқаётган пайтида, у шундай деганди: «Мен нимага қодир бўлсам ва эга бўлган бўлсам, бунинг учун фақат ўз отамдангина миннатдорман. У мени, бирон-бир нарсага ишонишдан аввал уни яхшилаб аниқлаб олишга ўргатди. Ва шунда сиз ундан кўрқмасдан фойдалана оласиз. Ва сиз қандай тасодифга дуч келсангиз ҳам, у билан муроса қилишга мажбур бўлмайсиз».

1987 йилнинг июнидаги сайловларда мамлакатда хусусий мулкдорлар, тори (консерватив партия шундай деб аталади) тарафдорлари қисман кўпайганлиги туфайли ҳам, у кучли парламент кўпчилигини сақлаб қолди ва шундай қилиб, замонавий Буюк Британия тарихида биринчи марта учинчи муддатта премьер-министр бўлиб қолди. 1992 йилнинг июнида М. Тэтчер умрбод пэрликка эга бўлди ва баронесса Тэтчер Кестевен сифатида лордлар палатасидан ўрин олди.

Темир иродали аёл ўн йил давомида дунёдаги энг ҳукмдор аёл бўлди. Маргарет Тэтчер кучли, лекин виждонли, ўжарлик қилиши, лекин рақибининг аҳволини тушуна олиши ҳам мумкин бўлган, ғурурли, аммо хотиржам ва совуққон аёл. Тэтчер эркакларнинг устуворлигига мўлжалланган аслзодалар ҳукмронлигининг энг юқори чўққисига эришди ва бунга ўзининг бутун ҳаётини мақсадга собитқадамлик билан интилишга ва курашга бағишланганлиги туфайли эриша олди. Унинг ҳокимият чўққисига секингина, кичик қадамлар билан кўтарилиши Англиянинг кам даромадли синфи орасида бошланди, бундай бошланиш билан бунчалар юқори мақсадга эришиш ақлга ҳам сифмасди. У иложи йўқ ишни амалга оширди: оддий дўкдорнинг қизи, ички сув таъминоти бўлмаган уйда тарбия топган бир аёл, эркаклар ҳукмронлигининг ишончли ҳимоя қилинган қалъасига сиқилиб кириш ва Буюк Британиянинг премьер-министри бўлишдек ақл бовар қилмайдиган ишни амалга оширди.

Сиз кучлиларни заифлаштириб, заифларни кучли қила олмайсиз... Сиз бойларни йўқ қилиб, камбағалга ёрдам қила олмайсиз... Сиз одамларга доимо уларнинг ўзлари қилишлари мумкин ва лозим бўлган ишларни бериш билан ёрдам бера олмайсиз. (Маргарет Тэтчер)

КАУДИЛЬО

ФРАНКО, ФРАНСИСКО БААМОНДЕ-И-ИСАЛЬГАДО-АРАУХО
(04.12.1892, Эль-Ферроль, Галисия —
20.11.1975, Мадрид)

Испания диктатори. ҲДФ (ҳарбий денгиз флоти) қирғоқ хизмати генерали оиласида туғилган. Генералиссимус. Франконинг режими 36 йил давом этди (1939—1975).



1939 йилнинг март ойида Испаниядаги фуқаролар уруши тамом бўлди. Энг охири республикачилар Пиреней доvonлари орқали Францияга ўтиб кетдилар. Бу ерда Франция ҳукумати уларни душманлардек кутиб олишди — қуролсизланттирдилар ва лагерларга қамаб қўйдилар.

Испаниядаги янги ҳокимиятнинг тимсоли генерал Франко бўлди — генералиссимус унвони унга кейинроқ берилди. Унинг ҳолати ва мансаби «каудильо» — «доҳий» унвони билан белгиланарди. Немисча «фюрер», итальянча «дуче» сўзлари каби маънони англатарди. Халқаро жамоатчилик Франкони Гитлер билан бир қаторга қўярди: каудильо тарафдорларининг ҳам саломлашиши худди фюрер тарафдорлариникидек эди.

Испанияда фуқаролар уруши бошланганида генерал Франсиско Баамонде-И-Исальгадо 44 ёшга тўлганди. Ҳокимият тепасига келганида Гитлер ҳам шу ёшда эди.

Доҳий ўз ёшига нисбатан каттароқ кўринарди. Унинг ташқи қиёфаси ҳавас қилгудек эмас — паст бўйли (157 см), калта оёқли, тўладан келган, ўткир ингичка овозли ва ноқулай ҳаракатли одам эди. «Малла шайтонваччалар» сафидан бўлган немис дўстлари Франкога ҳайрат билан боқарди: генералиссимуснинг юзида семитлик белгилари аниқ кўриниб турарди. Асослар етарли эди: Пиреней яриморотида асрлар давомида араблар ҳукмронлик қилган, Курдоба халифалигида арабларнинг сони аҳолининг саккиздан биригача етганди... Бунинг устига Франко «кастильяно» ҳам эмасди — у аҳолиси португаллардан иборат бўлган Галисияда туғилган.

Ҳозир айтишларича, Франко исёнининг бошланиши ҳақидаги мудҳиш романтик ақида — ёлғон. «Бутун Испания устида мусаффо осмон» умуман шартли белги бўлган ҳам эмас. 1936 йил 18 июлдаги одатий об-ҳаво маълумоти шартли белги эди. Испан генералларининг республикачилар ҳукуматига қарши ҳарбий қўзғолонини кўп жиҳатдан республикачиларнинг ўзлари келтириб чиқаргандилар.

Халқ fronti ҳукумати социал-демократлар ва социалистлардан тортиб троцкийчилар ва анархистларгача бўлган сўлроқлар, сўллар ва барча турдаги сўлликка мойилларнинг олақуроқ тўдасидан иборат эди. Сўлликка мойиллик тобора кўпроқ бўлиб борарди. Ҳокимиятсизлик, партизантилик ва иқтисодий тартибсизлик мамлакатни тўлиқ инқирозга томон итарарди. Сталинникига ўхшаш сиёсий таъқиблар тобора кўпроқ бўлиб борарди. Халққа нон ва ишнинг ўрнига қарорлар ва шиорларни таклиф қилардилар. Сўл тузум, доҳийлар, ташвиқотчилар ва сафсатабозлар галасини текинга боқишга мажбур бўлган испан деҳқонининг бўйнида тош бўлиб осилиб турарди, чунки республикачилар эркин савдони тақиқлаган эдилар.

Сиёсат миллари ўта сўллик ҳолатидан ўта ўнглик томонига тўхтовсиз интиларди. Мамлакатда барибир куч маркази, манфаатларни келиштириш нуқтаси пайдо бўлмади. Католик черковининг обрўси катта эди: республикачилар христианликни ман қилишга журъат этмадилар, лекин шунга қарамасдан черков қиёфасида ашаддий душманни, диндорлар оммасида — яширин душманларни орттириб олдилар.

Ўнг кучлар ҳам фазилатлари билан мақтангулик эмас эдилар. Франко тарафдорларининг қароргоҳида қуюқ жаҳолатпарастлик ва сиёсий тасқа-

рачилик ҳукмронлик қиларди. Ерга эғалик қилувчи зодагонлар ва эскирган дворянлар тайинли бир асоссиз гердаишардилар — улар ҳатто аксилин-қилобчиларни керагича маблағ билан таъминлай ҳам олмасдилар. Франкочилар дарҳол Германия ва Италиядан ёрдам сўраганликларининг, уларнинг қурулли кучлари эса асосан ёлланма деҳқонлар ва марокашлик араб-барбар ёлланмачиларидан иборат бўлганлигининг ҳайрон қоларли жойи йўқ.

Республикачилар ўз ҳудудларида буржуйларни аяб ўтирмасдилар. Шунга қарамадан тан олиш керакки, ёвузликда ва қон тўкишда франкочилар улардан ошиб тушардилар. Ўзлари босиб олган ҳудудларда улар фақат сўлларга қарши жазо чораларини қўллабгина қолмадилар, баъзан қарийб расмий бўлган «Ақллиларга ўлим!» шиори остида маълумотли кишиларнинг салкам барчасини қириб ташладилар. Исёнчиларнинг шиори ўзига хос жарангларди — «Халқ, монархия, эътиқод», яъни итальян «фашист»лари ва герман «нацист»ларининг шиорлари билан умумийлиги кам эди.

Корпоратив давлатнинг идеологи бўлган Муссолини черковга бепарво эди ва монархиядан нафратланарди. Гитлер эса жангари антихристиан ва антисемит эди. Дуче ва фюрерлар Франко билан фақат миллатчиликда ҳамфикр эдилар. Лекин Франконинг миллатчилиги «интернационал» миллатчилик эди — у ирқий ва қабилавий фарқларга қарамадан мамлакатнинг барча фуқароларини испанлар деб ҳисобларди. Франко тузумининг гоъвий негизи католицизм эди, сиёсий жиҳатдан у монархияни тиклашни истарди — ғалати, ғайриодатий «фашист». Мамлакат раҳбарлигини эгаллагач, Франко қийин аҳволда қолди. У ҳокимиятни сақлаб қолиши ва Испанияни ботқоқликдан олиб чиқиши мумкин эди, фақат бунинг учун жон-жаҳди билан устомонлик қилиши керак бўларди: У шундай қила бошлади. Гитлер ва Муссолини каби дўстлар билан у сўзсиз жаҳон урушига тортилишини яхши тушунарди. Агар Гитлер енгса — Испания ҳеч нарса ютмайди, агар Гитлер енгилса — Испания йўқ бўлади. Франко бетарафлик эълон қилди. У дўсти Гитлерни ўзидан узоқроқда ушлаб туришга ҳаракат қиларди. У герман ҳарбий-денгиз флотининг кемалари ва сув ости кемаларига Испания портларида лангар ташлашларига рухсат берди, уларни тамаки, апельсин ва чучук сув билан таъминлаб турди. Аргентинадан Германия учун дон ва гўшт ортилган кемаларни қабул қиларди, уларни Испания ҳудудидан ўтказиб юборарди. СССР билан уруш бошланганида у битта дивизия юборди, лекин уни вермахт қўмондонлигига бўйсундирмади. Немис қўшинларининг Испания ҳудудига киритилишига йўл қўймади. У суҳбатларда очикдан-очик Гитлерни жинни, Муссолинини масҳарабоз

деб атарди. У. Черчилль ҳақида жуда катта ҳурмат билан гапирарди ва Англия билан дипломатик муносабатларини сақлаб қолди. Сталин ҳақида вазминлик билан меҳрсиз гапирарди.

Франко даврида Испанияда яҳудийларга нисбатан геноцид қўллаш у ёқда турсин, уларга нисбатан чеклов чоралари ҳам қўлланилган эмас. Бунинг устига 1941 йилнинг баҳорида Франко Гитлерга Салоникадаги (Греция), Софиядаги ва Пловдивдаги (Болгария) яҳудий-сефард жамоалари ўз вақтида ажодлари гайриқонуний равишда мамлакатдан кувиб чиқарилган шахслар сифатида Испания ҳукуматининг ҳимоясидан фойдаланишларини қатъиян баён қилди. Сефардлар Испаниянинг паспортларини олдилар, аксарияти уруш даврини соғ-омон бошдан кечирдилар ва 40-йилларнинг охирида Исроилга кўчиб кетдилар. Уруш тугганида антигитлерчиларнинг қўшинлари Испанияга кирмади — бунинг учун, ҳатто расмий баҳона ҳам йўқ эди. Пиренейга бир амаллаб етиб олган нацист жиноятчиларини Франко тезлик билан Лотин Америкасига кузатиб юборганди. Мамлакатнинг аҳволи оғирлигича қолаётган эди. «Маршалл режаси» бўйича Испанияга ёрдам беришни рад этдилар, НАТОга қабул қилмадилар, то 1955 йилга қадар авторитар-диктаторлик тузуми ҳукмрон бўлган давлат сифатида БМТга ҳам киритмадилар.

1947 йили Франко Испанияни тахти бўш турган (вакант) монархия деб эълон қилди ва автаркия (ўз кучларига суянадиган) принципига риоя қилинишини билдирди. Бўш турган тахтнинг эгаси бор эди. Сулола тутаб кетмаганди. 1931 йили кулатилган қирол Альфонс XIII нинг набираси Хуан Карлос тирик ва соппа-соғ эди, аммо у пайтлари ҳали тўққиз яшар бола эди.

Бўлғуси қиролнинг тарбияси билан каудильонинг шахсан ўзи шуғулланди, бу муҳим ишни ҳеч кимга ишонмади. Ёш шаҳзода билан суҳбатлашди, унинг ўқишини кузатиб борди, унга китоблар ўқиб берди, миллатнинг бошлиғи бўлишни ўргатди. Айни вақтда Франко токи шаҳзода вояга етмагунича унинг тахтга чиқишини эълон қилмаслигини, кутиб туришга тўғри келишини очиқ айтди. Роҳий, халқ ўтмишидаги ҳаётни унутганига қадар уни қирқ йил саҳрода эргаштириб юрган Мусо алайҳиссаломнинг тамойилига асосли равишда риоя қиларди: у ёш қирол қотиб қолган меросни шунчаки бошқара олмаслигини, мутаассиб фирибгарлик ва ҳарбий ифвогарлар қўлида осонгина ўйинчоқ бўлиб қолиши мумкинлигини тушунарди.

Франко тузуми жуда қаттиққўл, консерватив, очиқдан-очиқ жазоловчи эди. У ҳарбий олиймақомлик принциплари асосида ҳукмдорлик қиларди.

Матбуотни қаттиқ назорат қилар, сиёсий мухолифатни ва миллатчи-айри-мачиларни аёвсиз бостирарди, барча партиялар ва касаба уюшмаларини (совет типдаги «вертикаль» касаба уюшмасидан ташқари) тақиқларди, яширин фаолият учун ўлим жазосини қўллашдан ҳам қайтмасди, қамоқ-хоналарнинг бўшаб қолишига йўл қўймади. Шуниси қизиқки, Испаниядаги таъқиб қилишларнинг аёвсизлиги Сталиннинг ўлиmidан кейин сезиларли юмшатилди. Ўз партиясига, 1950 йилларнинг ўрталарида номи Миллий ҳаракат деб ўзгартирилган ва доҳий қошидаги «сафдошлар иттифоқи» сингари бир гуруҳга айланиб қолган Испания фалангасига ишончсизлик билан қарарди. Партиянинг сохталаштирилган ясамаси мамлакатда «Opus Dei» («Худонинг Иши») уюшмаси эди. 1960 йилларнинг бошида Франко барча фалангистларни анқовликлари учун ҳукуматдан умуман ҳайдаб юборди. Сал аввалроқ эса, партиячиларнинг қаршиликларига қарамасдан, офицерлар ва генераллар таркибини кескин қисқартирди.

Испанияда фойдасиз қатлам шунчалар кўпайиб кетгандики, армиядаги бир полкка иккитадан генерал тўғри келарди.

Генералиссимус расмий равишда умумий ярашиш йўлини олиб борарди ва ким ўзининг бетарафлигини эълон қилса, уларнинг барчасини автоматик тарзда афв этарди. Мадрид яқинидаги шаҳидлар водийсидаги фуқаролар уруши қурбонларининг қабристониди Франконинг буйруғи билан улкан ёдгорлик ўрнатилди. Қурбонларга ёдгорлик жуда содда ва таъсирли — улкан католик хоч эди.

Ташқи дунёдан ажралганлик ва якка ҳукмронлик тамойили Испаниянинг бетараф қолишига имкон яратди, лекин унинг иқтисодий ўсишини таъминлай олмади. Фақат 50-йилларнинг охирига келиб Франко мамлакатга чет эл маблағларини киритди ва қўшма корхоналар тузишга рухсат берди. Аста-секин, ҳеч қандай фойда келтирмайдиган, фақат мустамлакачилик уруши хавфига доимо сабаб бўлаётган барча мустамлакаларидан воз кечди.

Шунга қарамасдан 60-йилларнинг бошларига қадар Испания Фарбий Европанинг энг камбағал давлатларидан бири эди. Яна ўн йилдан сўнг Франко тузумининг вақти тугаганлиги маълум бўлиб қолди. Генералиссимус темир интизом ва қон билан мамлакатдаги тартибсизликларни йўқотди, мухолифатни эзиб ташлади, мустақилликни сақлаб қолди, бироқ «испанча ижтимоий дунё» камбағал диний мактабнинг хушқомат хотиржамлигига ўхшарди. Мамлакатнинг аҳолиси 40 миллион кишига яқинлашиб қолган, иқтисод ривожланмас, ишсизлик ўсиб борар, «камбағалликда туриб қолиш» кузатиларди. Испанларнинг асосан Францияга оммавий равишда ишлаш учун боришлари ва чет эл туризмнинг ривожлантирили-

ши мамлакатни боқа олмасди. Ёш испанларнинг урушдан кейинги авлоди каудильо тузумининг консерватив-диний қадриятларига унчалик катта хурмат билан қарамасдилар.

Ўттиз олти йил узлуксиз ҳукумат тепасида бўлиб, мамлакатни якка бошқарган генералиссимус Франко 1975 йили вафот этди. Бўш турган тахтга қонуний ворис, ҳозирги қирол Хуан Карлос чиқди.

Испанияликлар Франко давлатни бошқарган даврни Испания тарихидаги энг яхши давр деб, унинг қарашлари ва услубларини эса муносиб деб ҳисобламайдилар. Лекин генералиссимуснинг номи ҳеч ердан ўчирилмаган. Генералиссимус Франконинг ўлиmidан сал аввал америкалик офицер-дипломат Вернон Уолтерс, президент Р. Никсоннинг топширигига биноан каудильо билан учрашувга эришди. «Менинг ўлимимдан сўнг Испанияда нима бўлиши сизнинг президентингизни қизиқтирадими? — сўради Франко. Шаҳзода қирол бўлади, бошқача йўли йўқ. Испания америкаликлар, инглизлар ва французларга ёқадиган йўлдан узоққа боради: демократия, порнография, наркотиклар... Жуда кўп ақлсизликлар бўлади, бироқ уларнинг ҳеч бири мамлакат учун ҳалокатли бўлмайди». Уолтерс бетараф қуролли кучлар ҳақида, қудратли махсус хизматлар, фалангистларнинг миллионли партияси ҳақида ўйлайди. Бироқ Франко бутунлай бошқа нарсани назарда тутганди. «Испан ўрта синфи», — деди у ва хайрлашди.

Авила шаҳрида Генералиссимус Франко кўчаси бор. Шаҳар ҳокими кўчанинг номини ўзгартиришни талаб қилмайди: «Тарихни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш лозим». Франко номидаги ёдгорликлар, майдонлар ва кўчалар кўпгина шаҳарларда сақланиб қолган, лекин энди улар фақат географик номларгина бўлиб қолган, холос.

Ҳар йили Франко вафот этган куни генералнинг қабрига Испания байроғининг рангларини англатувчи сариқ ва қизил гуллар қўйилади. Оғир ўтмишга қарамасдан Испания миллий рамзига содиқ қолди, уни ҳатто комунистлар ҳам тан олишга мажбур бўлдилар. «Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу биринчи республиканинг байроғи», — тан олди компартиянинг етакчиси Сантьяго Каррильо.

*...Мен Испанияга унда 40 йил олдин бўлмаган нарсаларни қолдираялман.
(Франсиско Франко)*

МАЪРИФАТПАРВАР ХО

ХО ШИ МИН (НО СНІ МІН)

(19.05.1890, Кимлиен, Нгеань вилояти
(ҳозирги Нготинь, Марказий Вьетнам) — 02.09.1969,
Ханой, Вьетнам)

Вьетнам инқилобининг дохийси ва Вьетнам Демократик Республикасининг (Шимолӣ Вьетнам) биринчи президенти. «Маърифатпарвар Хо» маъносини англатувчи Хо Ши Мин номи унинг кўплаб тахаллусларидан бири эди. Унинг ҳақиқий номи Нгуен Тат Тхань бўлса керак деб ҳисобланади.



Хюэдаги Миллий коллежда ўқиди, кейин француз ва вьетнам тилларидан даре берди. 1911 йилнинг охирида Вьетнамни тарк этди ва француз кемасида ошпаз ёрдамчиси бўлиб ўрнашди. 1912—1916 йиллари француз ва инглиз компанияларининг кемаларида матрос ва юк ташувчи бўлиб ишлади, 1916—1919 йиллари Буюк Британия ва АҚШда, 1919 йили эса Францияда яшади. Париж тинчлик конференцияси (1919—1920) вақтида Вьетнам ватанпарварлари номидан конференция қатнашчиларига Ҳиндихитой халқларига мустақиллик бериш талаби билан баёнот юборди. 1920 йили Франция социалистик партиясининг Тур съездида иштирок этди. Бу съездда Франция коммунистик партияси тузилган. Хо Ши Мин дарҳол унинг сафига кирди. 1924 йили Коминтерннинг V конгрессида қатнашди ва у ерда мустамлакачилик масаласи бўйича нутқ сўзлади. 1925 йили Вьетнамда мавжуд бўлган коммунистик гуруҳлар асосида Вьетнам Инқилобий ёшлар ўртоқлигини ташкил қилди. 1930 йили Вьетнам коммунистик ташкилотлари Хо Ши Мин раҳбарлиги остида ягона Ҳиндихитой Коммунистик партиясига бирлашдилар. Инқилобий фаолияти учун бир неча марта қамоққа олинган ва қамоқ муддатини ўтаган. 1929 йили сиртдан ўлим жазосига ҳукм қилинган. 1934—1938 йилларда Шарқ меҳнаткашларининг Коммунистик университетида ўқиди ва Москвада ишлади, 1935 йили Коминтерннинг конгресси ишида қатнашди. 1941 йили Хо Ши Мин ватанига қайтиб келди, у ерда унинг раҳбарлигида, Иккинчи жаҳон уруши йилларида француз мустамлакачилари ва япон босқинчиларига қарши инқилобий ҳаракатлар бошланиб кетди. 1941 йилнинг май ойида унинг ташаббуси билан мамлакатдаги ватанпарвар кучларни бирлаштирган Вьетнам (Вьет-Минь) мустақиллиги учун кураш Лигаси тузилди. Хо Ши Мин Вьет-Миннинг раиси этиб сайланди. 1945 йили Вьетнамдаги Август инқилобининг ғалабасидан кейин, 1945 йилнинг августидан 1946 йилнинг мартигача ВДР (Вьетнам Де-

мократик республикаси) Муваққат ҳукумати раиси, 1946 йилнинг март ойидан ВДР премьер-министри ҳам бўлди. 1951 йилги партиянинг XI съездида Ҳиндихитой коммунистик партияси номини Вьетнам Меҳнат партияси (ВМП) қилиб ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилинди. (Бу партия 1976 йилдан Вьетнам Коммунистик партияси деб аталади) Бу съездда Хо Ши Мин ВМП раиси этиб сайланди ва ушбу лавозимни умрининг охиригача эгаллаб турди. 1946—1955 йиллари Лъен-Вьетнинг фахрий раиси. ВМП МК раиси бўлганида, бир вақтнинг ўзида, 1956—1960 йиллари ВМП МК бош котиби ҳам эди. 1965—1973 йиллари Вьетнам халқи Хо Ши Мин бошчилигидаги ВМП МК раҳбарлиги остида АҚШнинг тажовузкорлигига қарши кураш олиб борди ва ғалаба қозонди.

Мамлакатни бирлаштириш ва Вьетнам Социалистик Республикасини тузиш ҳақида қарор қабул қилган Миллий кенгашнинг 1976 йилдаги сессияси қарорига кўра Сайгон шаҳри Хо Ши Мин номи билан аталадиган бўлди.

1955—1956 йиллари Хо Ши Мин ҳукумати ер ислоҳотини амалга оширди, кейинги йилларда у СССР ва Хитой билан илиқ муносабатлар ўрнатиб; Москва билан Пекин ўртасидаги келишмовчиликка қарамасдан, ҳар иккала коммунистик давлатдан ёрдам олди. 1965 йили америкаликлар Шимоллий Вьетнамни бомбардимон қила бошлаганларида Хо Ши Мин мурокасиз позицияни эгаллади ва давом этаётган ҳарбий тажовуз даврида музокараларни рад этди.

Хо Ши Мин ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати, Вьетнам инқилобинини ривожлантириш, Вьетнам халқининг озодлиги, мамлакатни бирлаштириш ва унда социализм қуриш муаммоларига бағишланган қатор асарлар муаллифидир. Бироқ унинг асосий машғулоти сиёсат бўлиб қолди.

Хо Ши Мин француз сўл кучлари фаолиятига киришди, қатор йиллар давомида уларнинг мажлислари ва митингларига қатнашиб турди, кўплаб мақолалар ёзди. Бу даврда у Нгуен Ай Куок (Нгуен — ватанпарвар) тахаллусидан фойдаланарди. 1919 йили Версаль тинчлик шартномаси имзоланётган пайтда, Хо Ши Мин ғолиб мамлакатларнинг раҳбарларига Ҳиндихитой халқларига озодлик бериш талаби билан мурожаат қилди.

1921 йили Францияда мустамлакалараро иттифоқ тузилишида қатнашди ва «Le Partia» («Партия») газетасига кўплаб мақолалар ёзди. 1923 йили ФКПнинг делегати сифатида Москвага, Деҳқонлар Интернационалининг конгрессига борди ва у ерда партия тузилиши масалаларини ўрганиш мақсадида қолди. 1925—1927 йиллари Кантондаги (ҳозирги Гуанчжоу) Россия консулигида таржимон бўлиб турди. Айнан ана шу даврда Хо Ши Мин ёш вьетнамликларни инқилобий курашга тайёрлаш мақсадида Вьет-

нам инқилобий ёшлар ўртоқлигини ташкил қилди. Ҳинд коммунисти М.Н. Рай билан бирга Эзилган халқлар Лигасига асос солди.

1929 йили Сиамда (Таиланд) яширин ишлади, у ердан рақобатлашаётган учта Вьетнам коммунистик гуруҳларини яраштириш учун Гонконгга (Сянган) чақириб олинди. У бунга 1930 йили эриша олди, ўшанда Вьетнам коммунистик партияси шаклланди ва у ўша йилиёқ Ҳиндхитой коммунистик партиясига айлантирилди. Хо Ши Мин Сингапурда бўлиб ўтган Жанубий денгизлар коммунистик партиясининг III съездида Коминтерннинг Шарқий бюроси вакили бўлди. Айнан шу даврда у Гонконгда Коминтерннинг жосуси сифатида Британия ҳукумати томонидан қамоққа олинди, озод этилганидан кейин эса СССРга қайтиб келди.

1940 йили японлар ҳукмронлик қилаётган Ҳиндхитойда Вьетнам мустақиллиги учун кураш Лигасини ташкил қилди. Унинг раҳбарлиги остида бирмунча вақт япон босқинчиларига қаршилик кўрсатиш ишида АҚШ ва Хитой гоминьданчилари билан ҳамкорлик қилинди, бироқ японлар таслим бўлганларидан сўнг Вьетнамда ҳокимиятни ўз қўлига олди. Пайдо бўлган мустақил ҳукуматни Хо Ши Мин бошқарди. 1946 йили Хо Ши Мин Фонтенблодаги конференцияда Вьетнам делегациясига раҳбарлик қилди, у ерда французлар томонидан давлатнинг биринчи раҳбари сифатида қабул қилинди. Бироқ Вьетнамнинг Ҳиндхитой иттифоқи ва Франция билан муносабатларини йўлга қўйиш учун чақирилган конференция олдига қўйилган масалани ҳал қила олмади. 1946 йилнинг декабрь ойида Тонкинда французларнинг жанговар кучларига ВДР қўшинлари зарба берди, бу билан Женева конференциясида тинчлик шартномасининг имзоланиши ва 1954 йили Вьетнамнинг 17-параллель бўйлаб бўлиниши билан якунланган уруш бошланиб кетди. Хо Ши Мин даврида Шимолий Вьетнам Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтига, АҚШ қувватлаб турган Жанубдаги ҳукуматни ағдариш учун курашида фаол ёрдам бериб турди. Хо Ши Мин 1969 йил 2 сентябрда юрак хуружидан вафот этганидан кейин, 1968 йили Парижда бошланган, ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ҳақидаги музокаралар якунланмай қолди. Хо Ши Мин ўзининг васиятномасида партия ва халқни ягона, мустақил ва ривожланган Вьетнамни яратиш учун курашга, ўз қаторларининг бирлиги ва байналмилалликка чақиради.

1976 йил мамлакатнинг бирлашганлигини, Вьетнам Социалистик Республикаси ташкил қилинганлигини расмий эълон қилган Миллий мажлис сессияси Сайгон шаҳрига Хо Ши Мин номини берди.

Бир умр Хитой ахлатини ҳидлагандан кўра, беш йил французларникини ҳидлаган афзал. (Хо Ши Мин)

«ҚАМАЛДАГИДЕК ЯШАШ, ИШЛАШ ВА КУРАШИШ КЕРАК»



ХОЖА, ЭНВЕР ҲАЛИЛ (алб. ENVER HALIL NOXHA)
(16.10.1908, Гирокастра, Усмонийлар империяси —
11.04.1985, Тирана)

Албания раҳбари. Хизматчи оиласида туғилган. Хожа бошланғич мактабни Гирокастрада тугатди. 1930 йили Корче шаҳридаги лицейни тамомлади. Кейин Монпелье (Франция) университетининг табиий фанлар факультетига кирди ва уни 1934 йили аъло баҳолар билан тугатди.

Ўқиши даврида Хожа Француз компартиясининг албан бўлими арбоблари билан танишди. 1935—1936 йиллари у Бельгияда бўлди ва у ерда Бельгия компартиясига кирди, унинг матбуот органларида мақолалари чоп этилди. Хожа ўз мақолаларида троцкийчилар, бухаринчилар, албан монархо-фашистларига ҳамла қиларди. Коминтерннинг грек ва италян бўлимлари Хожага ўз компартиясини ташкил қилишга уринаётган Албаниядаги яширин гуруҳ аъзолари билан алоқа ўрнатишга ёрдам берди. 1936 йилнинг баҳорида Энвер Хожа Албанияга қайтиб келди, у ерда Корча ва Тиранадаги коммунистик гуруҳ раҳбар органи таркибига сайланди, ўзининг она шаҳри Гирокастрада эса худудий гуруҳнинг бошлиғи бўлди.

1938 йили Париждаги касалхонада сил касаллигидан Корча коммунистларининг етакчиси А. Кельменди вафот этади. Коминтерннинг грек ва француз бўлимлари ва шахсан Г. Димитров қўллаб-қувватлаган Хожа бу гуруҳни бошқарди.

Инқилобчининг ҳаёти — яширин ҳолат, фашистик Албанияда ишнинг тақиқланганлиги, қамоқлар — уни чиниққан сталинчи, буржуазиянинг томоғига суякдек тиқилиб турган, пўлат большевик-ленинчи қилиб қўйди. Жонбозлиги ва большевистик қатъияти эса унга албан мухолифати орасида обрў келтирди. 1938 йилнинг мартада Коминтерн йўлланмаси билан Хожа СССРга жўнатилди ва бу ерда бир йилдан ортиқроқ яшади. Москвада Энвер Маркс-Энгельс-Ленин институтида ва чет тиллар институтида ўқиди ҳамда В. Молотов, Вишинскийларнинг асарлари ва нутқларини албан тилига таржима қилиш билан шуғулланди. 1938 йилнинг апрель ойида у биринчи бор И. Сталин ва В. Молотовлар билан учрашди. 1939 йилнинг апрелида Албанияни фашист қўшинлари босиб олди. Коминтерн қарорига кўра Хожа И. Сталин билан алоқани таъминловчи ВКП (б) МК дан иккита ёрдамчи билан Албанияга юборилди.

Италия мустамлака суди Хожани сиртдан ўлимга ҳукм қилди. Бироқ шунга қарамасдан, у фашистларга қарши фаолият билан қизгин шуғулланди. 1941 йили 7 ноябрда Тиранада чақирилган Албания коммунистларининг яширин съездида Албания компартияси тузилганлиги эълон қилинди. Энвер Хожа партия раиси Кочи Дзодзенинг ўринбосари бўлди ва у, шунингдек, партизан тузилмаларининг ҳам бош қўмондони этиб тасдиқланди.

1942 йили Э. Хожа Кучов шаҳридаги нефть саноати ишчисининг қизи, 20 ёшли Нежимия Руфига уйланди. У ҳар томонлама эрига ҳамфикр бўлди. Нежимия сиёсий бюро аъзоси, МК котиби, Албания демократик фронтининг (1946 йилдан бошлаб, 1943 йили тузилган Халқ-озодлик fronti шундай атала бошлади) раисаси бўлди.

1942 йилнинг кузида Э.Хожа Москвага келди ва у ерда Коминтерн ва Совет Иттифоқининг раҳбарлари билан учрашди. У ўзининг курашдаги ўртоқларини фашистлар ва уларнинг ҳамкорлари тор-мор этилиши муқаррарлигига, Албанияда Ленин-Сталин таълимотлари асосида социализм қурилишига ишонтирарди. Нацистлар Сталинград ва Курск остоналарида тор-мор этилганида ва Албания халқ-озодлик армияси (АХОА)нинг муваффақиятли ҳужумларидан кейин Албаниядаги стратегик ташаббус тўлалигича коммунистларга ўтди. 1944 йилнинг октябридан Э.Хожа премьер-министр бўлди ва бир вақтнинг ўзида янги тузилган ҳукуматда ташқи ишлар министрлигини ҳам бошқарди.

Урушдан кейин тез орада Э. Хожа билан И. Тито ўртасида келишмовчилик келиб чиқди; Жилас билан Кардель Энверни конфедерация тузиш гоясини ва Албаниянинг Югославия таркибига киришини қўллаб-қувватлашга кўндиришга уриндилар. Бироқ Э. Хожа ўз фикрида қатъий турди. У ВКП (б) МК сиёсий бюросини бундай сиёсатнинг хавfli эканлигига ишонтирар, Белград капиталистик йўлдан бораётганлиги ҳамда жаҳон коммунистик ҳаракатининг большевистик қанотини алдаётганлиги ҳақида огоҳлантирарди. «Турли республикаларнинг бирлашмаси сифатидаги Югославия Федерацияси расмий жиҳатдан илғор гоя. Шунинг учун унинг тарқалиб кетишига йўл қўйиш хато бўлган бўларди. Лекин марксизм-ленинизмга хиёнат қилган титочиларга қарши гоявий ва сиёсий кураш олиб бориш лозим. Бу курашда албан ёки бошқа бирор миллатчилик позициясига тушиб қолиш мумкин эмас, ўзини югослав халқига қарши қўймаслик муҳим. Серблар ёки Югославиянинг бошқа бирор халқини норози қилмасдан, Югославиянинг барча халқлари учун Федерациядан ажралиб чиқишгача ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эришмоқ зарур.

Уларни шунга ишонтириш керакки, титочиларнинг раҳбарлари Югославия халқларини жарлик томон олиб бормоқда ва югославлар ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилмоқлари керак».

Албания 1950 йили Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (ЎИЁК)га, 1955 йили эса Варшава Шартномасига қўшилди. Албаниянинг биринчи беш йиллик режаси совет Госпланида ишлаб чиқилди ва Э.Хожа бу режага бир қатор тузатишлар киритди, шундан кейин уни Албанияга жўнатишди, у ерда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, электростанциялар ва корхоналар қурилиши бошлаб юборилди. Ўртоқ Энвер Хожа раҳбарлиги остида гоҳ усмонийлар, гоҳ фашистлар «глобал концлагерь» зулми остида кўп йиллар азоб чеккан Албания озодликка эришиб, тараққиёт, гуллаб-яшнаш ва социализм йўлига ўтди. Кўринишдан ҳеч нарса фалокатдан хабар бермаётгандек эди — халқ оммаси яқингинада фашистларни яксон этгани, инқилобий марксча-ленинча назариялар билан қуролланиб, халқаро пролетариат диктатураси ва социализм тизимига қўшилиб олгандилар. Сталинча Совет Иттифоқи ва қардош мамлакатлар керагича ёрдам бериб турардилар. Бироқ 1953 йилнинг 5 мартада Сталин вафот этди. Икки ҳафталик мотам давомида Энвер Хожа ҳеч кимни қабул қилмади, ҳеч жойда кўринмади — унга жаҳон пролетариатининг доҳийси ва шунчаки яхши дўстининг ўлимига кўникиш қийин эди. Бу пайт СССРда имкони бўлган барча тирқишлардан юзага чиқиб олган «собик» троцкийчилар, зиновьевчилар ва бухаринчилар — оқибатда СССРни ва бир қатор социалистик мамлакатларни капиталистик йўлга бошлаган турли олақуроқ тафтишчилар, таслимчилар ва бошқа «ўнгу сўлчи дурагайлар» ўртасида қизғин курашлар бошланиб кетди. Большевиклар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлган бу ҳамтовоқ-огайнилар пролетариат диктатурасининг шахсий ҳукмдорликка, социализмни — давлат бюрократик капитализмига, СССРни эса эзилган омманинг умид машъалидан ўз остида «жаҳон луқмаси»нинг парчаларини эзгилаётган ижтимоий-империалистик улкан мамлакатга айлантирди.

Ташқаридан қараганда, ҳеч нарса ўзгармагандек эди. Э.Хожани совет матбуотида аввалгидек дўстимиз ва иттифоқчимиз деб, Албанияни эса қардош мамлакат деб атардилар. Бироқ аста-секин зиддиятлар кучайиб борарди. КПССнинг XX съезди, коммунистик ҳаракатни сўлдан ленинча большевикларга, ўнгдан совет ревизионистларига бўлиниши, фақат СССРдагина эмас, бутун социалистик лагерда ҳам аксилинқилобчиликнинг ҳаракат нуқтаси бўлиб қолди. Э.Хожа Москванинг буржуачилик йўлига қарши борди ва ҳеч қандай гап-сўзларсиз аввалги большевистик позициясида қолди. XX съезддан сўнг кўп ўтмасдан Албания Меҳнат партиясининг III

съезди бўлди. Унда делегатларнинг бир қисми Москвадаги Н. Хрушчёв нутқи таъсири остида Э. Хожанинг тутган йўлини кескин танқид қилдилар. Бундай ҳолат Н. Хрушчёв Сиёсий Бюросининг иғволари ва уринишлари ёрдамида тайёрланган эди.

Никита Хрушчёв КПССнинг XX съездида Сталинни оммавий бузғунчиликларда айблаб чиққандан кейин ҳам Э. Хожа ашаддий сталинчи бўлиб қолаверди. Бу Албаниянинг Европадаги бошқа социалистик мамлакатлардан ажратиб қўйилишини англатади. 1960 йили совет-хитой можароларида у ХХРнинг тарафини олди ва келгуси йилиёқ Москва билан муносабатларини тўхтатди. Э. Хожанинг ички сиёсати сталинча сиёсатга мос келарди, шахсига сифиниш эса, у ўзининг идеали деб ҳисоблайдиган советлар дохийсининг шахсига сифинишга жуда ҳам ўхшаб кетарди. Мамлакат ичкарисидаги Албания яширин полицияси «Сигуми» КГБдан, Шарқий Германиянинг Штазисидан ўрганган жазолаш услубларидан фойдаланарди. Ҳар уч албандан биттаси ёки лагерда жазо муддатини ўтаб чиққан, ёки шунчаки «Сигуми»нинг сўроқ қилишига дучор қилинган. Эркин фикрликни тугатиш учун ҳукумат доимий «тозалаш»лар ўтказиб турарди: тузумга қарши бўлганлар ишдан ҳайдаларди, сургун қилиниб ишлатиларди ва, ҳатто қатл ҳам қилинарди. Албаниянинг «илғор иқтисодиёти» ҳақидаги афсона тарқалиб кетмаслиги учун чет элга чиқишга фақат хизмат зарурати туфайлигина рухсат бериларди. Шахсиятнинг ҳар қандай намоён қилиниши ёки маданий ҳаётдаги ижодий қизиқишлар илдизи билан йўқотиларди, санъат ва адабиёт эса фақатгина ҳукумат сиёсатини тарғиб қилиш учун зарур бўлган даражадагина мавжудлигига йўл қўйиларди.

Шарқий Европадаги бошқа социалистик мамлакатлар билан келишмовчилик шароитида Хожа «ревизионистлар ва империалистлар қамровида коммунизм қуриш» қойдасидан келиб чиқиб, «қамалда қолгандагидек» яшаш, ишлаш ва курашишга чақирди. Ўттизинчи-қирқинчи йиллардаги совет шиорлари ва услублари қурол қилиб олинди. 1962 йилдан Албания УИЁКдан чиқди, 1963 йилда эса СССР ва бошқа иттифоқчиларнинг қарзларини қайтариб бермоқчи эмаслигини эълон қилди. Хожа йўналишни Хитой томонга қараб бурди ва Москвадаги капитализмни қайта тикловчиларга қарши Раис Мао Цзедун билан бирга коммунистик ҳаракатнинг инқилобий марказини шакллантирди. 1967 йили, икки ўн йиллик давомида черковга нисбатан тобора қаттиқроқ бўла борган тазйиқлардан сўнг, Хожа ўз мамлакатини тантанали равишда тарихдаги биринчи атеистик давлат деб эълон қилди. Хитойдаги маданий инқилобдан илҳомланиб, у масжидлар, черковлар, монастырлар ва бутхоналарнинг мулкларини ҳам, биноларини ҳам мусодара қилди. Бу биноларнинг аксарияти шу заҳотиёқ

текисланди, қолганлари эса устахона, омборхона, отхона ва кинотеатрларга айлантирилди. Кимнинг уйдан Куръон, Инжил, хоч ва бошқа диний-маданий буюмлар топилса, ундай кишилар узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилинарди. Э. Хожа тузуми фуқароларни ўз эркинликларини ифода этишдан, эътиқод эркинлигидан, ҳаракатланиш ва бирлашиш ҳуқуқларидан маҳрум қилди, аслида бу эркинликларнинг барчаси 1976 йилги Конституцияда аксини топган ва маълум бир моддаларига мавжуд тартибга қарама-қарши бўлган сиёсий эркинликлардан фойдаланишни чекларди. Бундан ташқари, тузум давлат оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотлардан ташқари ҳар қандай ахборотдан фуқароларнинг хабардор бўлишларини чеклаб қўйганди. «Сигуми» доимий тарзда шахс, уй-жой ҳамда хат ёзишув дахлеизлигини бузар ва ноқонуний ҳибсга олишларни амалга оширарди. Суд органлари ўз қарорларини сиёсий мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда қабул қилардилар, кўпчилик ҳолларда эса умуман бирон-бир расмиятчиликсиз ҳам одамларнинг тақдири ҳал қилинаверарди.

1962—1972 йиллари Албания БМТда Хитойнинг манфаатларини ҳам ҳимоя қиларди, 1972 йилдан эса хитойликлар ва албанлар БМТда биргаликда Москва ва Вашингтонни лаънатладилар, ривожланаётган мамлакатларни йирик мамлакатлар билан кураш олиб бориш учун бирлашишга қақирдилар.

Етмишинчи йилларнинг охирида, Маонинг ўлимидан ва «қоралар тўдаси» енгилганидан кейин ХХР Фарб билан яраша бошлади. Дэн Сяопин СССР йўлидан боришга қарор қилди. Албан-Хитой муносабатлари кескин ёмонлаша бошлади. 1968 йили Э. Хожа Варшава Шартномасининг Чехословакияга қарши тажовузи муносабати билан ундан чиққанлигини эълон қилди. Ўша пайтлари жаҳонда империализм, уруш ва зўравонликка қарши халқ ҳаракати тўлқини кўтарилиб борарди. Бу тўлқин Фарб империалистлари учун ҳам, совет-хитой ревизионистлари учун ҳам ҳалокатли эди. Энвер Хожа ўз йўлини айнан ана шу оқимга мослаштирганди. У иккиланаётганларни халқ ва партиянинг душманлари деб эълон қилди. Омманинг ташаббуси билан мамлакатда пастдан барча босқичдаги кадрларни тозалаш бошлаб юборилди ва у Энвернинг ўлимига қадар давом этди.

Э. Хожа барибир ҳам СССР билан ярашмади. Совет раҳбарияти 1965 йилдан бошлаб Тирананинг танқидларига жавоб қилмади.

Узоқ вақт давомида СССРдан ва ЎИЁКдаги бошқа мамлакатлардан, шунингдек, ХХРдан иқтисодий ёрдам олиб турган Албания 1970 йилларнинг иккинчи ярмида пролетариат диктатураси давлатининг иқтисодий

ва сиёсий мустақиллигига хавф солувчи чет эл ёрдамидан воз кечиш сиёсатини эълон қилди.

Иқтисодий ва сиёсий марказлаштиришни кучайтириб, мавжуд бўлган барча восита ва захираларни қамал ҳолатида яшаб қолишга бўйсундириб, кўпчилик мамлакатлар билан илмий-техника ҳамкорлигидан максимал фойдаланиб, билимсизлик, эътиборсизлик ва бюрократизм ва, албатта «майда» ўғирлик учун («йирик» ўғирлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади) аёвсиз жазолаб, Албания иқтисодий ва сиёсий мўътадилликни таъминлай олди, яппи миллий маҳсулотнинг нисбатан юксак даражада оширилишига (80-йиллари йилига 10—15 фоиз) эришди.

Дон маҳсулотлари (1980 йили буғдой ҳосилдорлиги — ҳар гектардан 42 центнер), сут-гўшт маҳсулотлари, кийим ва пойафзал, дори-дармон, узоқ вақт фойдаланишга мўлжалланган буюмларга бўлган талаблар тўлалигича миллий ишлаб чиқариш ҳисобига қондирилди. 1970—1980 йилларда қурилган нефть-кимё, металлургия, ёғоч саноати корхоналари мамлакатнинг қора ва рангли металга, алюминийга, қишлоқ хўжалик техникасига, автомобилларга, энергетика ва саноат асбобларига, нефть маҳсулотларига, ўғитларга, қурилиш материалларига, электровозлар, вагонларга бўлган эҳтиёжини 80—90 фоизга таъминларди. Саноатни индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш бўйича совет тажрибасини асос қилиб олиб, бой табиий захираларидан фойдаланиб (хром, мис, бокситлар, нефть ва газ, темир-никель, рух ва марганец рудалари ва бошқалар), сон жиҳатдан катта бўлмаган, лекин фидойи ва меҳнатсевар халқи билан албан раҳбарлари ўз-ўзини тўлиқ таъминловчи иқтисодни яратишга, хомашё ҳисобига эмас, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ҳисобига экспортни кенгайтириш йўлидан борди.

1970-йилларнинг ўрталарига қадар қора металлургияси ҳам бўлмаган мамлакат пўлатнинг 50 дан ортиқ турини ва прокатнинг 80 дан ортиқ турини ишлаб чиқара бошлади. 1950 йилларнинг охиригача темир йўли бўлмаган мамлакат рельсларни ва юк вагонларининг баъзи бир турларини ишлаб чиқара бошлади ҳамда экспорт қилди. 1950 йилларнинг ўрталарида ҳудудининг фақат 20 фоизи унча катта бўлмаган иссиқлик электр станциялари ҳисобига электрлаштирилган Албания Болгария, Югославия, Греция, Руминияга электр энергиясини экспорт қила бошлади, Болқонда йирик ГЭСга эга бўлди, биоэнергетикани, геотермал ва қуёш энергетикасини ривожлантирди. 1950 йилларгача аҳолисининг 80 фоизи саводсиз бўлган мамлакат фақат албанларнинг эмас, албанияда яшаётган греклар,

серблар, черногорияликлар, македонияликлар, туркларнинг умумий саводхонлик ватанига айланди; мамлакатда ўнлаб олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари пайдо бўлди, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларидан талабалар келиб ўқий бошладилар. Агар пролетариат диктатурасига қадар республика аҳолиси кўп сонли касалликлар, юқумли дардлар оқибатида ўлимга маҳкум деб ҳисобланган бўлса, Э. Хожа даврида Албанияда Шарқий Европада энг юқори туғилиш ва энг паст ўлим даражасига (ҳар йили мингга аҳолига 6 та ўлим) эришилди.

Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 730—750 лекни, квартира ҳақи давлат секторида — 10—15 лекни, кооператив секторда — 25—30 лекни ташкил қилади (100 лек 1985 йилда 12 долларни ташкил қиларди). Бир корхонада 15 йилдан ортиқ ишлаган кишилар курортларга бепул йўлланма олиш ҳуқуқига эга бўларди (оила аъзолари учун 50 фоизлик имтиёз билан); дори-дармонларнинг нархи 3—4 йилда бир марта пасайтирилади. Меҳнаткашлар, мактаб ўқувчилари, талабалар иш ёки ўқиш жойида бепул овқат билан таъминланарди, шунингдек, мактаб формаси ва дарсликлар ҳам бепул эди. Талабаларга Ленин, Сталин, Хожа номидаги стипендиялар бериларди. Ишчи ва хизматчилар иш жойига давлат (ташкilot) транспорти билан имтиёзли тариф бўйича олиб бориб, олиб келинарди. Эр-хотинларнинг бири вафот этган тақдирда оила аъзоларига ўлган кишининг ойлиги (ёки нафақаси) бир йил давомида тўлаб туриларди. Аёллар биринчи фарзандлари туғилганида ойлик маошига 10 фоиз қўшимча, иккинчисига 15 фоиз қўшимча олардилар, бунда ҳақ тўланадиган (ойлик иш ҳақи ва қўшимчалар миқдориди) дам олиш 2 йилни ташкил этарди; боқувчисини йўқотган ҳолатда аёл киши ўз ойлик маошининг 125 фоизини уч йил давомида олиб турарди.

Шуниси эътиборга лойиқки, ҳали 1960 йилдаёқ Албанияда даромад солиғи тўлиқ бекор қилинган эди, бўйдоқлик ва кичик оилалар солиқлари эса 1984 йилдан ярмига қисқартирилди. Ҳар йили ёзда, собиқ СССРдаги «сталинча» нарх қисқартирилиши сингари, Албанияда кўпгина зарурий маҳсулотларнинг нархлари ўртача 5—15 фоиз қисқартирилди. Қишлоқ хўжалик ва баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотларини (нон, сут, гўшт, жун, зайтун, мевалар, чой ва бошқалар) бозорларда сотиш умуман тақиқланганди.

Ажратиб қўйилганига қарамасдан, Албания халқаро кўрғазмаларда, ярмаркаларда фаол иштирок этди, савдо ва илмий-техник алоқаларини ри-

вожлантирди. Мамлакатда, аввалгидек, 1953 йилгача СССРдаги социалистик қурилиш тажрибасини ташвиқот қилишга, Шарқий Европа мамлакатлари (1948 йилдан бошлаб классик ревизионизм мамлакати деб ҳисобланаётган Югославиядан ташқари), Хитой, Корея, Вьетнам, Кубадаги халқ-демократик ҳаракатлари тажрибасини ўрганишга эътибор сусайтирилмади. Агар 1953 йилгача фақат битта ревизионистик партия мамлакати Югославия бўлган бўлса, КПССнинг XX съезидан сўнг СССР бошчилигида барча Шарқий Европа мамлакатлари ревизионистлар бўлиб чиқдилар. 1976 йилда Маонинг ўлимидан кейин эса социал-империалистлар ва марксизм-ленинизм хиёнаткорлари сафига Хитой ҳам киритилди. Албания, Куба ва КХДРни хожачилар асл социалистик мамлакатлар деб атай бошладилар. Албанияда СССР, ХХР, Шарқий Европа мамлакатларидаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларга кескин салбий муносабатда бўлдилар, Хрушчёв, Брежнев, Косигин ва Дэнча «янги ҳаракатлар»ни давлат бюрократизмини мустаҳкамлаш, марксизм-ленинизмга хиёнат, бундан кейинги социализмнинг сиёсий ва иқтисодий айниши деб ҳисобладилар. СССРда шахтёрларнинг иш ташлашларини Хожа «пролетариатнинг бюрократ капиталистларга қарши синфий кураши» деб атади.

1983—1985 йилларда Э.Хожанинг соғлиги кескин ёмонлашди, инфаркт, инсультларни бошидан кечирди, унда диабет кескинлашди. 1985 йилнинг март ойида врачлар кучайиб бораётган юрак хасталиги туфайли Хожага давомли дам олишни тавсия қилдилар. 1985 йилнинг 11 апрель куни миясига қон қуйилишидан сўнг Энвер Хожа жон берди. Сталинча чинқиш ва қатъиятли бўлган энг охири большевиклардан бири ҳаётдан кўз юмди. Тез орада социалистик Албаниянинг ўзи ҳам йўқ бўлди. Социализмнинг энг сўнгги қалъаларидан бирини вайрон қилган жараёнлар ана шундай юз берганди. Тито Югославиясининг «қизил мулкдорлиги», аниқроғи, унинг раҳбар ревизионистик тўдасининг тўқис фаровонлиги таъсири остида Албания Меҳнат Партиясининг бир қатор раҳбарлари бу «фароғат» олдида ўзларини тута олмадилар. Оқибати эса бизга маълум — бугунги Албания Европа қитъасидаги, ҳатто, бугун дунёдаги энг камбағал ва қолоқ мамлакатлардан бирига айланган.

«ИЛИҚЛИК»НИНГ ЎН ЙИЛИ

ХРУШЧЁВ, НИКИТА СЕРГЕЕВИЧ
 (05 (17).04.1894, Курск губернияси,
 Калиновка қишлоғи — 11.09.1971, Москва)

Совет партия ва давлат арбоби. Шахтёр оиласида туғилган. Бошланғич таълимни черков қошидаги мактабда олган. 20-йилларнинг бошларида шахталарда ишлади ва Донецк индустриал институтининг ишчи факультетида ўқиди. 20-йилларда Украина коммунистик партиясининг раҳбари бўлган Л.М. Кагановичда Н. Хрушчёв яхши таассурот қолдирган. Тез орада Л. Каганович Москвага кетди, Н. Хрушчёв эса саноат академиясига ўқишга юборилди.

Никита Хрушчёв Донбасс ва Киевда хўжалик ҳамда партия ишлари билан шуғулланди. 1931 йилнинг январидан бошлаб Москвада партия ишида бўлди, 1935—1938 йилларда эса у ВКП(б) Москва область ва шаҳар комитетларининг биринчи котиби. 1938 йилнинг январида Украина Компартияси марказий комитетининг биринчи котиби этиб сайланди. Ўша йилнинг ўзида Сиёсий бюро аъзолигига номзод, 1939 йили эса унинг аъзоси бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Н. Хрушчёв олий тоифадаги сиёсий комиссар (бир қатор фронтлар ҳарбий кенгашининг аъзоси) лавозимини эгаллади ва 1943 йили генерал-лейтенант унвонини олди; фронт ортидаги партизанлик ҳаракатига раҳбарлик қилди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда Украина ҳукуматини бошқарди, Л. Каганович эса республика партия ташкилотини бошқарди. 1947 йили декабрь ойида Украина КП(б) МКнинг биринчи котиби бўлиб, яна Украина компартиясини бошқарди, бу лавозимда токи Москвага келиб, партия Москва комитетининг биринчи котиби ва ВКП(б) МК котиби бўлгунига қадар ишлади. Н. Хрушчёв коллектив хўжаликларни (колхозларни) йириклаштириш ташаббуси билан чиқди. Бу тадбир бир неча йил давомида коллектив хўжаликлар сонини тахминан 250 мингтадан 100 мингтагача камайтирди. 50-йилларнинг бошларида у бундан ҳам кескинроқ режалар тузиш билан банд бўлди. Н. Хрушчёв колхозчилар ҳам ишчиларникидек уйларда яшаб, томорқаларга эга бўлмасликлари учун деҳқонларнинг қишлоқларини агрошаҳарларга айлантирмоқчи эди. Н. Хрушчёвнинг бу соҳадаги «Правда»да чоп қилинган нутқи келгуси кун тахририятнинг мақоласида рад қилинди. Мақолада бу тақлиф баҳсли характерга эга эканлиги баён қилинган. Лекин барибир ҳам Хрушчёв 1952 йилнинг октябрь ойида партиянинг XIX съездида асосий нотиклардан бири этиб тайинланди. И. Сталиннинг ўлимидан сўнг, СССР Министрлар Сове-

тининг раиси бўлган Г.М. Маленков МК котиби лавозимини тарк этганида Н. Хрушчёв партия аппаратининг «хўжайини» бўлиб қолди, лекин то 1953 йилнинг сентябрига қадар биринчи котиб мақомига эга эмасди. 1953 йилнинг мартдан июнига қадар Л.П. Берия ҳокимиятни қўлга олишга уриниб кўрди. Н. Хрушчёв Л. Берияни четлаштириш мақсадида Г. Маленков билан иттифоқ тузди. 1953 йилнинг сентябрида у КПСС МКнинг Биринчи котиби лавозимини эгаллади. Сталиннинг ўлимидан кейинги дастлабки йилларда «коллектив раҳбарлик» ҳақида гап борди, бироқ Н. Хрушчёв билан Л. Берия ўртасида ҳокимият учун кураш бошланди, унда Н. Хрушчёв ғалаба қозонди. 1954 йилнинг бошларида у дон етиштиришни кўпайтириш мақсадида чўл ерларни ўзлаштиришнинг улкан дастурини эълон қилди, ўша йилнинг октябрида эса Пекинга ташриф буюрган совет делегациясига бошчилик қилди. 1955 йилнинг февраль ойида Г. Маленковнинг СССР Министрлар Совети Раиси лавозимидан истеъфога чиққанлигининг сабаби шунда эдики, Н. Хрушчёв оғир саноатни, демак, қурол ишлаб чиқаришни ҳам устувор ривожлантиришга ва Г. Маленковнинг истеъмол молларини ишлаб чиқаришга устуворлик бериш ғоясидан воз кечишга Марказий Комитетни кўндирди. Н. Хрушчёв ўзининг давлатдаги биринчи шахс позициясини таъминлаб, Н.А. Булганинни СССР Министрлар Советининг раиси лавозимига тайинлади.

Н. Хрушчёвнинг фаолиятидаги энг ёрқин воқеалардан бири КПССнинг 1956 йили ўтказилган XX съезди бўлди. Съезддаги нутқида у капитализм билан коммунизм ўртасида уруш муқаррар эмаслиги ҳақидаги фикрни олға сурди. Ёпиқ мажлисда Н. Хрушчёв И. Сталинни қоралаб чиқди, уни одамларни оммавий йўқ қилишда ва фашистлар Германияси билан урушда СССРни йўқ бўлиб кетиш хавфига олиб келган хато сиёсат юритишда айблади. Бу нутқнинг натижасида Шарқий Европа мамлакатларида — Польшада (1956 йилнинг октябрида) ва Венгрияда (1956 йилнинг октябрь ва ноябрида) халқ ғалаёнлари бўлиб ўтди. Бу воқеалар Хрушчёвнинг аҳволини ёмонлаштирди, айниқса, 1956 йилнинг декабрида моддий маблағлар етишмаслиги туфайли беш йиллик режа бажарилмасдан қолиши аниқ бўлганидан сўнг кучайди. Лекин 1957 йилнинг бошларида Хрушчёв Марказий Комитетни минтақавий даражада саноатни бошқаришнинг қайта ташкил қилиниши режасини қабул қилиш лозимлигига ишонтира олди. 1957 йилнинг июнь ойида КПСС МК Президиумида (аввалги Сиёсий бюро) Хрушчёвни партиянинг Биринчи котиби лавозимидан олиб ташлаш мақсадида фитна уюштирилади. Финляндиядан қайтиб келганидан кейин у Президиум мажлисига таклиф этилди ва унда Президиумнинг тўрт аъзосига қарши етгита овоз билан унинг истеъфоси талаб қилинди. Н. Хрушчёв

МК Пленумини чақирди, Пленум Президиумнинг қарорини бекор қилди ва В. Молотов, Г. Маленков ва Л. Кагановичлардан иборат «партияга қарши гуруҳ»ни истеъфога жўнатди (1957 йилнинг охирида Н. Хрушчёв уни оғир дамларида қўлаб-қувватлаган маршал Г.К. Жуковни ҳам истеъфога чиқарди). У Президиумни ўз тарафдорлари билан мустақамлади, 1958 йилнинг март ойида эса СССР Министрлар Совети раиси лавозимини ҳам эгаллади.

1957 йили, қитъалараро баллистик ракетааларнинг синови муваффақиятли ўтганидан ва орбитага биринчи сунъий йўлдошлар чиқарилганидан сўнг, Хрушчёв баёнот билан чиқиб, Ғарб мамлакатларидан «совуқ уруш»ни тугатишни талаб қилди. Ғарбий Берлиннинг қамал қилинишини янгилашни ҳам қамраб олиши лозим бўлган, Шарқий Германия билан алоҳида тинчлик шартномасини тузиш ҳақида 1958 йилнинг ноябридаги унинг талаби халқаро инқирозга олиб келди. 1959 йилнинг сентябрида президент Д. Эйзенхауэр Н. Хрушчёвни АҚШга таклиф қилди. Мамлакат бўйлаб саёҳат қилганидан кейин Н. Хрушчёв Кемп-Дэвидда Д.Эйзенхауэр билан музокаралар олиб борди. Н. Хрушчёв Берлин масаласини ҳал қилиш муддатини узайтиришга, Д. Эйзенхауэр эса бу масалани кўриб чиқиши керак бўлган олий даражадаги конференцияни чақиришга рози бўлганларидан кейин, халқаро аҳвол анча юмшади. Олий даражадаги учрашув 1960 йилнинг 16 май кунига белгиланди. Бироқ 1960 йилнинг биринчи май куни Свердловск осмони устида АҚШнинг У-2 разведкачи самолёти уриб туширилди ва учрашув амалга ошмади.

АҚШга нисбатан олиб борилаётган «юмшоқ» сиёсати Н. Хрушчёвни, Д. Эйзенхауэр билан музокараларни қоралаётган ва Н. Хрушчёв таклиф қилаётган «ленинизм» йўлини тан олмаётган Хитой коммунистлари билан кескин ва яширин ғоявий баҳслар олиб боришга мажбур қилди. 1960 йилнинг июнь ойида Хрушчёв марксизм-ленинизмнинг «бундан буён ҳам ривожлантирилиши» зарурлиги ҳамда тарихий шароитнинг ўзгарганлигини ҳисобга олиш ҳақидаги баёнот билан чиқди. 1960 йилнинг ноябридаги коммунистик ва ишчи партияларнинг съезди, уч ҳафталик баҳслардан сўнг, мурса йўлини танлаб, қарор чиқарди. Бу қарор Н. Хрушчёвга қуроулсизланиш ҳамда тинч-тотув яшаш масалалари бўйича дипломатик музокаралар олиб боришга ижозат берар, айти вақтда ҳарбий воситадан ташқари барча воситалар билан капитализмга қарши курашни фаоллаштиришга чақиқарди.

1960 йилнинг сентябрида Хрушчёв иккинчи марта АҚШга, БМТ Бош Ассамблеясидаги совет делегациясининг раҳбари сифатида борди. Ассамблея давомида у бир қатор мамлакатларнинг ҳукумат бошлиқлари билан кенг миқёсдаги музокаралар олиб боришга эришди. Унинг Ассамблеяда сўзлаган нутқида умумий қуроулсизланишга, мустамлакачиликни дарҳол

йўқотишга ва Хитойни БМТга қабул қилишга чақириқлар мавжуд эди. 1961 йилнинг июнида Хрушчёв АҚШ президенти Ж. Кеннеди билан учрашди ва яна ўзининг Берлин ҳақидаги талабини ўртага қўйди. 1961 йилнинг бутун ёзи давомида совет ташқи сиёсати тобора муросасиз бўла борди, сентябрда эса СССР бир қатор портлашлар ўтказиб, ядро қуроллини синашга уч йиллик мораторийни (тақиқлашни) бузди. 1961 йилнинг кузида КПСС XXII съездида Хрушчёв, «сталинизм» фалсафасини ёқлашда давом этаётганлиги учун Албания коммунистик партиясининг етакчилари (улар съездда йўқ эдилар) номига танқидлар билан чиқди. У, шунингдек, Хитойнинг коммунистик етакчиларини ҳам танқид қилди. 1964 йил 14 октябрда КПСС МК Пленуми Н. Хрушчёвни КПСС МК Биринчи котиби ва КПСС МК Президиуми аъзоси лавозимларидан озод қилди. Коммунистик партиянинг Биринчи котиби Л.И. Брежнев ва Министрлар Советининг раиси А.Н. Косигинлар унинг ўрнини эгалладилар.

Н. Хрушчёв — совет тарихидаги энг зиддиятли шахс. Бир томондан у бутунлай ва тўлиқ Сталин даврига мансуб шахс, сўзсиз «тозалаш»лар ва оммавий жазолашлар сиёсатини олиб борганлардан бири. Бошқа томондан, Кариб инқирози вақтида, дунё уруш ва улкан ҳалокатлар ёқасида турганида Хрушчёв ақл овозига қулоқ солди ва ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга ҳамда Учтинчи жаҳон уруши бошланиб кетишининг олдини олишга муваффақ бўлди. Урушдан кейинги авлод жамиятни «қайтадан ташкиллаштириш»дек тоталитар ғоявий тизимдан қутулиш жараёни бошланганлиги ва СССР деб аталувчи Ер юзининг «олтидан бир қисми»да инсон ҳуқуқларини тиклашга ҳаракат бўлганлиги учун айнан Хрушчёвдан миннатдор бўлиши лозим. У Сталиннинг шахсга сиғиниш сиёсатини фожия этди, бир қатор демократик ўзгаришлар қилди, СССРнинг капиталистик мамлакатлар билан муносабатларини яхшилади, СССРни Хитой билан жанжаллаштириб қўйди, сиёсий маҳбусларнинг аксариятини афв этди. Унинг ҳаракатларида кўпинча шошма-шошарликка ўхшаб кўринадиган қандайдир чапанилик бор эди. Буни Н. Хрушчёвнинг шахсий хислатларидан ташқари узоқ вақт ҳаётининг катта қисмини жамиятнинг тўлиқ эрксизлиги ўрнатилган сталинизм даврида ўтказган, узоқ йиллар юқори лавозимларда ишлашидан қатъи назар, ҳар кун қатағонга учраш хавфидан кўрқиб яшаган кишининг озодлик томон шошилиши билан изоҳлаш мумкин. У бошқаларда ҳам, айниқса зиёлиларда, жамиятда ижобий ўзгаришлар бўлишига кўрқинч аралаш умид пайдо бўлганлигини ҳам ҳис қиларди. У билардики, турли поғонадаги кўп сонли давлат бюрократик аппарати ходимлари орасида жамиятда эркинлик пайдо бўлишига қарши турувчи кучлар ҳам катта эди.

1964 йилдан кейин ўзининг МКдаги ўрнини сақлаб қолган Н. Хрущёв аслида истеъфода эди. У расман АҚШда унинг номидан чоп этилган икки томлик «Эсдаликлар»идан (1971, 1974) воз кечди. 1964 йили МКнинг Октябрь пленуми дам олишда бўлган Н.Хрущёвнинг йўқлигида уни партиявий ва давлат лавозимларидан «соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли» озод этди. Шундан кейин Н.С.Хрущёв амалда уй қамоғида бўлди. 1971 йил 11 сентябрда вафот этган.

Унинг Новодевичье қабристонидagi ҳайкалини машҳур ҳайкалтарош Эрнст Неизвестный оқ ва қора мрамрдан ясаганлиги бежиз эмас. Унинг ҳокимият тепасида бўлиши Сталин шахсига сифинишнинг йўқ қилиниши ва Фарб билан муносабатларнинг илиқлашиши билан, худди шу сингари авангардчи рассомлар кўрғазмасининг вайрон қилиниши ва ядро урушига олиб келишига озгина қолган инқироз билан машҳур. Никита Сергеевичнинг ўз ҳаёти ҳам зебра каби оқ-қора чизиклардан иборат. Тақдир унга шахсий ғам-қулфатни ҳам, бахтни ҳам, юксак парвозлару қайғули дамларни ҳам насиб этганди. У оз эмас, кўп ҳам эмас ўз даври — XX асрнинг таниқли кишиси эди. Инқилоблар ва урушларга бой бўлган алғов-далгов замонаси сингари у тарихда, авлодлар ёдида аччиқ ва ёрқин хотиралар сифатида сақланиб қолди.

Қайси томон ғалаба қилди, ким ютди? Ақл ғалаба қилди, тинчлик ва хавфсизлик иши ютди. (Никита Хрущёв)

ЮРТНИНГ АСЛЗОДА ФАРЗАНДИ



ХҲЖАЕВ ФАЙЗУЛЛА УБАЙДУЛЛАХҲЖА ҲҒЛИ
(1896, Бухоро — 15.03.1938, Москва)

Ўзбек халқининг ардоқли фарзандларидан бири, исёнкор курашчи, Бухоро Халқ Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг раиси (1920—1924), Ҳарбий ишлар нозири (1922—1924), Ташқи ва Ички ишлар нозири (1920—1922), Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг биринчи раиси (1925—1937), давлат ва сиёсат арбоби, публицист ва моҳир тарихчи.

Файзулла Хўжаев Бухоро шаҳрида йирик савдогар Убайдуллахўжа Қосимхўжаев оиласида туғилди. Файзулла Хўжаевга замондош бўлган бухоролик кексаларнинг нақл қилишича, Бухорода тўрт йирик миллионер савдогарлардан бири Убайдуллахўжа бўлган экан. Айтишларича, ҳатто Бухо-

ро амири Саид Олимхон ҳам Убайдуллаҳўжанинг ҳадсиз-ҳисобсиз бойлигига ҳасад билан қараган.

Россиянинг катта-катта шаҳарларида қоракўл, пахта билан савдо-сотик олиб бораётган Убайдуллаҳўжа ўғли Файзулланинг давлатманд савдогар бўлиб етишишини орзу қиларди. Файзулла Бухоро мадрасаларидан бирида икки йил таҳсил олгач, 1907—1912 йилларда Москвада хусусий муаллимлар кўлида ўқиди. Отаси унинг ўқиш ва интилишларидан хурсанд эди. Лекин ёш Файзулла отаси орзу қилган йўлдан бормади. У бутунлай бошқа йўлни — эзилган, жафокаш Бухоро халқи билан ўз тақдирини бирга боғлаш, амирлик истибдодига қарши кураш, исёнкорлик ва инқилоб йўлини танлади. Бу йўлдан бориш осон бўлмади. Албатта, бутунги кун кишиси, айниқса совет тузумининг мудҳиш фожиаларидан хабардор киши, Ф. Хўжаев ва бошқа ўша давр арбоблари фаолиятига турлича қараши мумкин. Лекин XX аср бошлари дунёнинг кўплаб халқлари учун буюк танлаш даври бўлганлигини, унда фақат шахслар эмас, бутун бошли халқлар ҳам баъзан оғир, мусибатли йўлни танлаганликларини, бу йўл ҳамиша ҳам орзу қилинган озодлик йўли бўлиб чиқавермаганлигини унутмаслигимиз керак.

Бухоро амирлиги даврида ҳар қандай ислоҳот, ҳар қандай янгилик ва илғор ғоя жаҳолатга ботган маълум қатламларнинг қаршилигига учрар эди. Бухорода «янги усул мактаблари»ни жорий қилиш учун кураш омма орасида дунёвий маданиятни олиб кирганларни қувғин ва таъқиб остига олиш шароитида олиб борилди. Янги Бухоро — Когонда почта ва телеграф очилганлиги, амирлик ҳудуди орқали темир йўл ўтказилганлиги, Қарши, Ғузор ва Чоржўйда ветеринария-фельдшерлик пунктлари, эски Бухорода касалхона, амбулатория, дорихона ишлаб турганлиги сабабли пайдо бўла бошлаган баъзи янгиликларга диний-реакцион қатламлар қаттиқ қаршилик кўрсатдилар.

Файзулла Хўжаев 1913 йилдан бошлаб Бухородаги жадидчилик ҳаракатига қўшилди. Ўз даврида сўзсиз прогрессив роль ўйнаган жадидчилик дастлаб халқ орасида илм-маърифат тарқатиш, тижоратни ривожлантириш, янги типдаги мактаблар очиш каби хайрли ишлар билан майдонга чиқди. С. Айний, А. Фитрат, А. Мунзим, А. Ҳамдий ва Ф. Хўжаевлар илм-маърифат йўлидан бордилар.

1912 йили Москвадан Бухорога қайтгач, Ф. Хўжаев «Ёш бухороликлар» партиясининг, 1913 йилдан партия Марказий Кўмитасининг аъзоси бўлди. У отасидан қолган бойликларни (отаси 1912 йили вафот этган) жадид мактаблари очишга, «Ёш бухороликлар» фаолиятини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга сарфлади. 1917 йилдан бошлаб Ф. Хўжаев ва А. Фитрат «Ёш бухороликлар»дан ажралиб чиққан «сўл қанот»га бошчилик қилишди. Бухорода аввал конституцион монархия, сўнгра демократик республика тузиш учун курашдилар.

Маълумки, Ф. Хўжаев 1918 йилнинг баҳорида амирлик салтанатига қарши ҳужум уюштирган, лекин бу уриниши ижобий натижа бермаган эди. Шундан сўнг Ф. Хўжаев ўз тарафдорлари билан амир таъқиби ва қувғинига учради. Амир салтанатининг хавфли душмани бўлган бу исёнкор бир неча бор сиртдан ўлимга ҳукм қилинди. «Бухорода мутаассиб руҳонийлар Регистон майдонида ўн мингга яқин кишини тўплаб, мени қатл этишни амирнинг даъватига биноан талаб этмоқда», — деб ёзади Файзулла Хўжаев. Бундай шароитда Бухорода яшаш хавфли бўлиб қолган эди. Шунинг учун Ф. Хўжаев 1918 йилнинг ёзида Тошкент орқали Москвага йўл олади. Бироқ, у Оренбург шаҳрида атаман Дутов қўшинлари қўлига тушиб, тўрт ой қамоқда ётди. Большевиклар билан алоқаси борлиги учун оқ гвардиячиларнинг ҳарбий дала суди уни отишга ҳукм қилди. Фақат бахтли тасодиф туфайлигина у қамоқдан қочишга эришади. У катта қийинчиликлар билан Самара, Қозон шаҳарлари орқали кузда Москвага етиб келади. Бу ерда у большевикларнинг бир қатор раҳбарлари билан учрашади. Россия большевиклари Бухоро амирига муҳолифатда бўлган «Ёш бухороликлар» ва уларнинг раҳбаридан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга, келгусида «Ёш бухороликлар» негизда Бухоро компартиясини тузиш, амирга қарши бўлган большевиклар таъсиридаги ҳукуматни Туркистон Республикасида ташкил қилишни мақсад қилиб қўйдилар.

Ф. Хўжаев амирни ағдаришга қатъий қарор билан 1919 йили Тошкентга қайтиб келади. 1920 йил 2 сентябрда амирлик салтанатини емириб ташлаган ҳал қилувчи жангда Ф. Хўжаев фаол иштирок этди, амир тахтдан ағдарилгач эса унинг олтинлари ва барча бойликларини Совет ҳукуматига топширишда бош-қош бўлди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивидаги ҳужжатларда қайд этилишича, Бухоро ҳукуматининг бошлиғи Ф. Хўжаев амир тахтдан ағдарилгач, унинг хазинасидан 25 пуд қуйма олтин, 4,8 миллион тилла танга (1914 йилги пул ҳисобида), 5 пудга яқин кумуш, 7 миллион атрофида қимматбаҳо кредитка қоғозлари ва бошқа бойликларни Совет ҳукуматига топширган.

Большевиклар томонидан амирлик ағдарилгач, 1920 йил 14 сентябрда Ф. Хўжаев бошчилигида Бухоро Халқ Совет Республикаси Халқ Нозирлар Кенгаши тузилди. У ҳукумат бошлиғи (1920—1924) лавозими билан бирга ҳарбий Ишлар нозири (1922—1924), Ташқи ва Ички ишлар нозири (1920—1922) каби лавозимларни ҳам эгаллади. Бу пайтда у ҳали 24 ёшда эди.

Бухоро ҳукумати бошлиғи бўлган Ф. Хўжаев большевиклар билан яқин муносабатларига қарамасдан биринчи кунданоқ мустақил сиёсат юритишга, Совет Россияси ва хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли алоқалар ўрна-

тишга ҳаракат қилди. 1922 йили у Германияга чет эл савдо кампаниялари ва банклари билан мустақил шартнома тузишга борди. Ф. Хўжаев Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракатига хайрихоҳлик билан қаради. Туркистон, Бухоро, Хоразм Республикаларининг иқтисодий жиҳатдан бирлаштирилишига (1923 йил, март) қарши фикр билдирди. У 1925 йил февралдан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгашига раислик қилди. Марказнинг Туркбюро, Турккомиссия, РКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси каби ташкилотлари тазйиқидан чўчимасди. Ф. Хўжаев «Ўн саккизлар гуруҳи»нинг ғоявий илҳомчиси эди.

Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ҳукуматига бошчилик қилган йиллари Ўзбекистоннинг ва бутун Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий, хўжалик ва маданий тараққиёти йўлида зўр ташаббускорлик ва ташкилотчилик билан иш олиб борди. У республикамиз саноати, халқ хўжалиги ва маданиятининг гуллаб-яшнашида катта роль ўйнади. Биргина мисол: республикамизда 1926 йилда биринчи электр станцияси — Бўзсув ГЭСининг ишга туширилиши унинг номи билан боғлиқдир. У илм-фан ва маорифимизнинг ҳам жонқуяри эди. Ҳали Бухоро Республикаси ҳукуматига бошчилик қилган 1921 йилда Ф. Хўжаев раҳбарлигида Бухоро илмий жамияти ташкил этилади. Воҳада вужудга келган илмий жамият қошида уюшган маърифат-парвар зиёлилар, илм-фан намояндалари, шоирлар, тарихчилар, халқ маорифининг вакиллари Бухоро Республикасининг иқтисодий ва маданий тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Бухоро илмий жамияти Бухоро Республикасидаги маҳаллий зиёлилар, олимлар, илм-маърифат аҳли намояндаларини тўплаб, уларга ҳомийлик қилар экан, илмий жамият уюшмаси кўмагида мактаб, маориф ишига эътибор бериш, ўлкада мавжуд бўлган қадимий маданий ёдгорликларни сақлаш, халқ амалий санъатини ривожлантириш, маҳаллий аҳолидан фан, техникага доир қадимий қўлёзмалар, археологик ёдгорликларни тўплаш, уларни тадқиқ этиш каби муҳим масалалар билан машғул бўлди. Файзулла Хўжаев бошчилигида 1923 йили Бухоро воҳаси тарихий ўлкашунослик музейи ташкил этилди. Илмий жамият аъзоларининг ташаббуси билан аҳоли қўлидаги қўлёзма китоблар, тарихий ашёлар йиғилиб Давлат кутубхоналари, музейларга топширилди.

Файзулла Хўжаев ёш Бухоро Республикаси иқтисодиёти ва маданиятининг тараққий этишида қўшничилик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ёш авлодни илгор билим ва ғоялар билан қуроллантириш зарурлигини таъкидлайди. 1923 йилда Бухоро Республикасида 32 та бошланғич ва ўрта мактаб, 11 та болалар уйи, педагогика курси, ҳунар мактаби, 4 та мусиқа

мактаби, 2 та ўқитувчилар институти ишлаб турарди. Москвадаги Бухоро болалари маориф уйида 110 ўқувчи, бошқа шаҳарлар ва хорижий мамлакатларда 76 киши ўқиётган эди.

Шахсан Файзулла Хўжаевнинг ташаббуси билан Россия ва хорижий мамлакатларда, жумладан, Германияда 20—30-йилларда юзлаб ўғил-қизлар турли соҳалар бўйича ўқиб келганлар. Афсус, кўпчилигининг тақдири қайтиб келгандан сўнг фожиали яқун топган. Масалан, хоразмлик икки ёш қиз: Зайнаб Аллашукурова ва Марям Султонова «жосус»ликда айбланиб, 1937 йили ўн йилга, 1947 йили эса 15 йилга Сибирга сургун қилинган.

Файзулла Хўжаев урушгача бўлган беш йиллик даврида Ўзбекистонда Фанлар Академиясини ташкил этиш ниятида эди. Тадбиркор ва ташкилотчи раҳбарнинг бу орзуси унинг ўлимидан кейин, 1943 йилда амалга ошди. Ф. Хўжаев 1937 йил ёзида ЎзССР Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси лавозимида турган чоғида Москвада қамоққа олинди. У 1938 йил 15 мартда Москвада отиб ташланди. Мустабид тузум унинг оила аъзоларини ҳам аямади. Кўп сонли оила аъзолари ва қариндошларининг барчаси қатағон қилинди. Умр йўлдоши Малика Муҳаммаджонова ва қизи Вилоят Хўжаваларнинг (қизи В. Хўжаева 1987 йил 2 январда Тошкентда вафот этган) аччиқ тақдирлари киши қалбини изтиробга солмай қўймайди.

Ф. Хўжаев ўзининг бутун онгли ҳаётини, жўшқин фаолиятини жонажон халқи, азиз Ватанига хизмат қилишга бағишлади. Элимизнинг ардоқли фарзанди Файзулла Хўжаев мангуликка дахлдор сиймолардандир.

ХИТОЙ БОНАПАРТИ



ЧАН КАЙШИ (ЦЗЯН ЦЗЕШИ)
(31.10.1887, Сикоу қишлоғи, Фэнхуа уезди, Хитой —
05.04.1975, Тайбэй, Тайвань)

Генералиссимус, ҳақиқий исми ва фамилияси — Цзян Чжунчжэн (расмий, тантанавор исми; у ўзини айнан шундай аташларини маъқул кўрарди) ёки Цзян Цзешу (кундалик, одатдаги). Европаликлар учун одатий бўлган Чан Кайши унинг ҳақиқий исми ва фамилиясининг бузилган ҳолда айтилиши. Чан Кайши Тайвандаги гоминьданчилар маъмуриятининг бошлиғи. Нинбо порт шаҳри яқинида жойлашган чекка бир манзилда дунёга келган. 20-йилларда Сун Ятсен тарафдори бўлган. 1926 йили Гуанчжоу Миллий ҳукуматининг миллий-инқилобий армияси бош кўмондони сифатида Шимолий юришда қатнашган. 1927 йилнинг апрелида тўнтариш уюштирди, коммунистларга террор фалокатини ёғдирди ва мамлакатда диктаторлик ҳокимиятини ўрнатди. 1930–1934 йилларда Хитой қизил армияси назорати остида бўлган ҳудудларга қарши 5 та ҳужум уюштирди.

1937 йили Япония Хитойга ҳужум қилганидан сўнг, ўзининг Гоминьдан партияси ва Хитой компартияси асосида ягона антияпон фронтини яратишга рози бўлди. Япония таслим бўлганидан кейин (1945 йил 2 сентябрь) компартиянинг бирлашган ҳукумат тузиш ҳақидаги таклифини рад этди. 1946 йил июнда бошланган фуқаролар урушида Хитой Халқ озодлик армияси 1949 йилга бориб Хитойнинг қитъадаги қисмини асосан озод қилиб бўлди. Чан Кайши ўз қўшинининг қолган-қутган қисми билан Тайвань оролига қочиб ўтди. 1927–1949 йиллари Хитойдаги ҳукмронлик йилларида у ўз қўлида республика президенти ва қуролли кучлар бош қўмондони лавозимларини жамлаган эди. Маршал.

Уни 6 ёшида хусусий мактабга беришди. Бобоси ва отасини йўқотганида ҳали 10 ёшга ҳам тўлмаганди. Лекин онасининг ҳаракатлари туфайли бола ўқиштини давом эттира олди. У аввалига қишлоқ мактабида, кейин эса уезд мактабида ўқиди. У ерда асосий фанлардан ташқари анъанавий Хитой дунё-қарашидан билим берувчи классик китоблардан ҳам таълим олди. Чан эндигина 14 ёшга кирганида, онасининг танлови ва қистови билан уйланди. 1909 йили ўғли Цзян Цзинго дунёга келди. 19 ёшида Чан Кайши ҳарбий бўлишга, ўз ҳаётини Хитой миллатининг манфаати учун курашга бағиш-лашга қарор қилди. Бой бўлмаган хитойликларнинг кучи етадиган ҳарбий маълумотни фақат Япониягина бериши мумкин эди. 1905 йили Чан Кайши айнан ўша ёққа боришга қарор қилди. Кетиш олдидан у кокилини олдириб ташлади. Хитой эркаклари ҳукмрон манъчжур сулоласига бетарафлик белгиси сифатида бундай кокилларини олдирмай, қўйиб юрардилар, бунга итоатсизлик белгиси сифатида қараларди. Ҳарбий академияга фақат Хитой ҳукуматининг тавсияси билангина кириш мумкин экан, бундай тавсиянома Чаида йўқ эди. Бироқ у яна бирмунча вақт тил ўрганиш учун Японияда қолишга қарор қилди. У тезда Бусидо ахлоқ қоидаларига киришиб кетди, самурайларнинг жасорати ва фидойиликларига қойил қолди. Бу ерда у сиёсат қиролларидан бири Чэн Цзиэ билан учрашди, бу эса йигитнинг бундан кейинги тақдирини маълум даражада белгилаб берди.

Хитойга қайтиб келгач, Чан Кайши бир ўринга минг кишилиқ катта конкурсдан ўтиб, Баотян қисқа муддатли ҳарбий курсларига кирди. 1907 йили ўқишдаги яхши кўрсаткичлари туфайли уни ўқишни давом эттириш учун Японияга юбордилар, уч йилдан кейин эса япон армиясида хизмат ўташ учун Япониянинг шимолига жўнатиладилар. Япон офицерлик пиёдалар билим юрти талабаси бўлган Чан Кайши Сунь Ятсен тузган инқилобий ташкилотга кирди. Хитойда Синьхай йилида (1911), манъчжур сулоласини ағдариб ташлаган инқилоб рўй берди. Чан Кайши Япониядан ватанига қайтиб келди ва инқилобий жараёнда фаол қатнашди. Шанхайдаги инқилобий гуруҳни бошқарар экан, у ўзини қобилиятли командир сифатида намоён қилди. Аммо кўп вақт урушишга ҳам тўғри келмади: Сунь Ятсен импера-

торнинг Бош қўмондони Юань Шикай билан умумий тил топа олди ва охирги императорни — кичик ёшдаги Пу Ини ағдариб ташлади. Хитой республика бўлди. Сунь Ятсен мамлакатнинг энг обрўли сиёсатчиси, Юань Шикай — президенти, Чан Кайши эса Шанхайда жойлашган барча қўшинларнинг таъминотига раҳбарлик қилувчи полковник лавозимини эгаллади. Айнан ўша вақтлари у Гоминьдан партиясига кирди.

Гоминьданни Сунь Ятсен 1894 йилда, Хитой коммунистик партияси ташкил топишидан чорак аср илгари яратган. Партиянинг вазифаси унинг номида ифодаланганди: Го — давлат ва мамлакат, Минь — миллат ва халқ, Дан — партия. Бу Хитойда маньчжурлар монархиясини инқилобий йўл билан ағдариб ташлашга ҳаракат қилган ўша вақтлардаги биринчи ва ягона партия эди. Тўғри, Япония унинг раҳбарларига инқилобга ўз ҳудудида тайёрланиш имкониятини берди. Бой хитойликлар Сунь Ятсенга ва унинг партиясига ёрдам берди. Лекин инқилобгача унинг асосини хитойлик ватанпарвар инқилобчилар ташкил қилардилар.

1913 йили Юань Шикай чет эллардан 125 миллион доллар маблағни иқтисодий ислохотлар ўтказиш учун олди ва бу пулларни ўз генералларига сарфлади. Келгуси йили бунга жавобан Сунь Ятсен иккинчи инқилобни бошлади, лекин ютқазди. Ана шунда инқилобнинг мағлубиятга учраганлиги Сунь Ятсенни ва унинг кўпгина тарафдорларини, шу жумладан Чан Кайшини ҳам Японияга қочиб кетишга мажбур қилди. У ерда 1914 йили у биринчи марта Сунь Ятсен билан суҳбатлашди, кейинчалик инқилобчи-республикачиларнинг Шанхай гуруҳи етакчиси сифатида мамлакатнинг бир қанча ҳудудларида қуролли кўзғолон кўтаришга уриниб, унинг топшириқларини муваффақиятли бажара бошлади.

1921 йили Сунь Ятсен Хитой Республикаси президенти этиб сайланди. Келгуси йили Чан Кайши ҳарбий исённи бостиришда ёрдам берди, шундан кейин президент уни ўзининг вориси сифатида кўриб, биродарим деб атай бошлади. 1923 йили Сунь Ятсен ўз қуролли кучларини яратиш керак деган қарорга келди ва Чан Кайшини Москвага Россия билан кўпгина соҳаларда, шу жумладан ҳарбий соҳада ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш учун жўнатди. Москвада бўлганида у ёш Совет Республикаси ҳақиқатдан қуролларнинг янги турларини яратишда ҳам, ҳарбий ишда ҳам ҳеч кимдан кам эмас деган фикрга келди. Лекин шу билан бирга у Москванинг сиёсий қарашларини маъқулламасди. У дарҳол ва умрининг охиригача антикоммунист бўлиб қолди, чунки у компартиянинг туғма жароҳатларини — бошқача фикрдагиларга шафқатсизликни, халқни синфий тамойил бўйича ажратишга чанқоқликни, ҳукмронликка интилишни тезда кўра олди. Хитойга

қайтиб келганидан сўнг у Сунь Ятсенга Совет Россиясининг коммунизми шак-шубҳасиз инсониятга зарар келтириши ва «бугунги дўстлари», яъни советлар Россияси «ўзларининг бўлғуси энг катта душманлари» эканлиги ҳақида ахборот берди. Бироқ Сунь Ятсен унинг фикрини эътиборга олиб қўйган бўлса ҳам, Чан Кайшининг айтганларида шубҳали фикрлар қўп, деган хулосага келди. Сунь Ятсеннинг фикрига кўра, тарихий тараққиётнинг ҳеч бўлмаганда ҳозирги босқичида, СССР билан ҳам, Хитой коммунистлари билан ҳам иттифоқчилик муносабатларини сақлаб туриш зарур эди. 1924 йили Сунь Ятсен ҳарбий мутахассислар тайёрлаш мақсадида Гуанчжоу яқинида мактаб тузишга қарор қилди. Бунда, Чан Кайшини Япония ва Россия армиялари билан таниш бўлган мутахассис сифатида ҳарбий мактаб бошлиғи этиб тайинлади. Бу мактабда Чан Кайши совет ҳарбий ва сиёсий маслаҳатчилари билан яқин алоқада ишлади, уларнинг орасида бўлғуси Совет Иттифоқи Маршали Блюхер ҳам бор эди. Блюхернинг ҳарбий санъатига қойил қолган Чан Кайши Совет Иттифоқининг беғаразлигига ишонмас ва ҳали ҳам аввалгидек СССРнинг Хитойга нисбатан сиёсати бўйича ўзининг, кўп томонлама адолатли бўлган, фикрида қолганди: «Улар (руслар) «интернационализм» ва «жаҳон инқилоби» деб атаётган нарсалар — энг ҳақиқий кайзерона империализмдан бошқа нарса эмас... Улар Маньчжурияни, Монголияни, мусулмон вилоятларини ва Тибетни ўз совет республикалари қилиб олмоқчилар ва, ҳатто, Хитойнинг ўзига ҳам қўл чўзмоқчилар».

Сунь Ятсеннинг ўлиmidан (1925 йил) кейин тез орада Чан Кайши Гоминьдан МИК таркибига ҳам, ҳукумат таркибига ҳам кирди, кейин эса Бош қўмондонлик лавозимига ҳам тайинланди. Гоминьдан ҳукуматининг янги раҳбари биринчи навбатда илгаридан ўйлаб қўйилган Шимолга юришни — у ерда ўрнашиб олган милитарист-муҳолифатчиларга қарши кампанияни амалга оширди. Чан Кайши бутун Хитойни Гоминьдан ҳукмронлиги остида бирлаштиришга қарор қилди. Шимолга юриш пайтида ХКП Коминтерн таъсири остида Чан Кайшига қўшилган Гоминьданга иттифоқчи бўлди. Гоминьданчиларга совет мутахассислари ҳам ёрдам берди. Чан Кайшининг 100 минглик армиясига қарши милитаристларнинг 800 минг кишилиқ кўшини турарди, тўғри, улар анча тарқоқ эдилар. Шунга қарамадан, муваффақият Гоминьдан томонида бўлди.

XXРнинг расмий тарихига биноан, Чан Кайши ХКПни қуролли қўзғолон кўтаришга мажбур қилиб, инқилобий ҳаракатга хоинлик қилган. Ҳақиқатда эса, ХКП ўз манфаатлари йўлида миллий инқилобдан фойдаланган ҳолда ўз таъсир доирасини кенгайтириш учунгина Гоминьдан би-

лан ҳамкорлик қилганди. Шунини айтиш керакки, 20 — ва, ҳатто 30-йилларда ҳам истаган киши бир вақтнинг ўзида Гоминьдан аъзоси ҳам, коммунист ҳам бўлиши мумкин эди — икки аъзолик, ҳар қандай шахснинг икки партия таркибида бўлиши бутун Хитой бўйича рухсат берилган эди. ХКП бундан ўз манфаатлари йўлида, Гоминьданни ичкарасидан емиришда фойдаланарди. Совет Иттифоқининг қўллаши натижасида ХКП Гоминьдан билан иттифоқда бўлган пайтида, ундаги сиёсий ҳокимиятни эгаллаб олди. Шу тарзда, масалан, Мао Цзедун Гоминьдан ҳукуматида ташвиқот министри лавозимини эгаллаган. Кўпгина бошқа коммунистлар ҳам муҳим давлат лавозимларига кўтарилганди. 1926 йилнинг октябридан 1927 йилнинг март ойигача ХКП Шанхайда учта қуролли кўзғолон уюштирди. Бу кўзғолонлар Гоминьданни ХКПда тозалаш ўтказишга мажбур қилди. 1927 йилнинг 12 апрель куни Чан Кайши бошчилигида Шанхай ва бир неча бошқа шаҳарларда ХКПга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланди. ХКПнинг 5—6 мингга аъзоси қўлга олинди ва уларнинг аксарияти 1927 йилнинг охирида Шанхайда ўлдириб юборилди. Аини вақтда, ўша йилнинг ўзида СССР билан дипломатик муносабатлар узилди.

1927 йилнинг августида Гоминьдан инқилобий армиясидаги ХКП аъзолари бошлаган «Наньчан кўзғолони» тезда бостирилди. Сентябрь ойида ХКП томонидан Чаншага ҳужум қилиш учун ўтказилган «Кузги ҳосил кўзғолони» ҳам мағлубиятга учради. Мағлубиятдан сўнг ХКП Цзинганьшань раёнига чекинди ва баъзи бир қишлоқларда ўз тартибини ўрнатди. 1928 йилнинг охирига келиб Чан Кайши ўз қўшинларининг сонини 2 миллионга етказди ва дунёдаги энг катта армияга айлантди. Энди Гоминьданнинг етакчисини генералиссимус деб атай бошладилар. Унинг Пекинга юриши шаҳарнинг олиниси билан якунланди. Расмий равишда бутун Хитой Гоминьдан ҳукмронлиги остида эди (лекин бир қатор районларни ҳали ҳам коммунистлар ва милитаристлар назорат қилиб турардилар). Ниҳоят нисбатан хотиржамлик даври келди, бу вақтда Чан Кайши бир қатор ўзгартиришлар киритди. Ҳукумат аграр масалани ҳал қилишни ортиқча солиқларни бекор қилишдан бошлади: мамлакатдаги 6 мингдан ортиқ солиқлар бекор қилинди, бу сўзсиз хўжалик субъектларига фойда бўлди. Агар илгарилари деҳқонлар учун ерни ижарага олиш тўлови ҳосилнинг 75 фоизигача етган бўлса, Чан Кайши ҳукумати тўловни 37,5 фоизгача чеклаб қўйди. Чўл ерларни ўзлаштириш қўллаб-қувватланди, арзон қарз беришни кафолатлайдиган Деҳқонлар банки ташкил этилди, шунингдек, кооперативлаштириш ҳам маъқулланарди. Кўп йиллик вайронагарчиликлардан кейин, ниҳоят, ҳукумат суғориш тизимига эътибор қаратди, каналлар ва тўғонларни

тартибга келтирди ва бу билан сув тошқинларидан келадиган зарарлар камайтирилди. Қишлоқларда тадқиқот марказлари яратилди, у ерда олимлар уруғчилик билан шуғулландилар, улар қишлоқ хўжалик экинлари ва молларининг янги турларини яратиш устида ишладилар. Хитойда экиладиган анъанавий пахтага нисбатан ҳосилдорлиги 35 фоиз кўпроқ бўлган янги пахта тури яратилди. Мамлакатдаги тўс-тўполонлар тўхтаганлиги сабабли енгил саноат ривожлана бошлади. Тўқимачилик саноати жонланди, гугурт, қоғоз, цемент, қанд ва мол ёғи ишлаб чиқариш кўпая бошлади. Ҳукумат машинасозлик, кимё саноати, пўлат ва электроэнергия ишлаб чиқаришни маблағлаштира бошлади.

Бироқ Хитойнинг нисбатан тинч ривожланишига фақат ўн йил вақт ажратилган эди. Ички тангликдан, бир қатор ҳудудларда ўрнашиб олган коммунистлар билан муносабатларнинг мураккаблигидан ташқари Япония томонидан хавф йилдан-йилга кучайиб бораётганди. 1931 йилнинг 19 сентябрида японлар Мукден районида ҳарбий ҳаракатларни бошладилар. Ана шунда Чан Кайшининг ҳалокатли тақдири уч фронтда: японлар билан, генерал-феодал айримачилар ва компартия қўшинлари билан жанг олиб боришида аён бўлиб қолди. 1932 йилнинг февраль ойига келиб японлар жанг билан бутун Маньчжурияни эгаллаб олиб, у ердан Хитой қўшинларини қувиб чиқардилар. Айни пайтда, японлар билан урушдан Шимоли-Шарқий Хитойда ўз таъсирларини кенгайтиришда фойдаланаётган, амалда Гоминьданга қарши курашаётган босқинчилар билан ҳамкорликда жанг қилаётган коммунистлар билан ҳам уруш давом этаётган эди. Совет дипломати Ледовский шундай деб гувоҳлик беради: «Марказий (Гоминьдан) ҳукуматнинг қўшинлари японларни қуролсизлантириш учун Шимолга қараб юрарди... Коммунистларнинг қўшинлари, гоминьданчилар армиясининг олға юришини тўхтатиш учун темир йўлларни бузар, кўприкларни портлатар, телефон алоқаларини узар эди... Ўта муҳим объектлар ишдан чиқариларди — электростанциялар йўқ қилинар, кўмир конлари вайрон этилар, темир йўл поездлари издан чиқариларди. Шаҳарларнинг иссиқлик, электр қуввати, сув, озиқ-овқат билан таъминоти узиб қўйиларди. Фабрика ва заводлар тўхтаб қоларди. Жуда кўплаб одамлар очлик ва касалликдан ўлардилар. Бунинг барчаси ва бошқа жуда кўп нарсалар ҳокимият учун кураш йўлида қурбон қилинди».

Бироқ 1933 йилнинг октябридан 1934 йилнинг январига қадар коммунистик партия тўлиқ мағлубиятга учради. ХКПни қамалга олиш ва йўқ қилишга уринаётган Гоминьданнинг бешинчи операциясида коммунистлар бирин-кетин ўз қалъаларини йўқота бошладилар. 1932 йилнинг 26 январидан

япон адмиралли Содзаннинг денгиз пиёда қўшинлари (70 минг киши) Шанхайга келиб тушди. Хитойнинг 19-пиёда армияси қарийб бир ой босқинчиларга кескин қаршилик кўрсатди. Бироқ Хитой армиясининг ёмон қуролланганлиги туфайли, кейинчалик мукамал қуролланган Америка қўшинларини ҳам мағлубиятга учрата олган Япония ҳарбий машинаси билан улар тенглаша олмасдилар. Охир-оқибатда Хитой ҳукумати япон томонига ён беришга мажбур бўлди. Маньчжуриянинг Япония протекторати остидаги мустақиллиги эълон қилинди. Япония билан омонат ярашувдан кейин Чан Кайши яна ХКП билан урушни қайта бошлади. 1936 йилнинг декабрида Гоминьданнинг икки генерали — Чжан Сюэлян ва Ян Хучэнлар Сианда Чан Кайшини ўғирлаб кетдилар. ХКП етакчиларининг мақсади Чан Кайшини ўлдириш эди, лекин Сталин ХКП Марказий Комитетига уни ўлдирмаслик ҳақидаги илтимос билан хат жўнатди. Хитойда японларга бирон-бир тарзда қаршилик кўрсата оладиган (ва шу йўл билан Совет Иттифоқини япон хавфидан қутқарадиган) ягона одам Чан Кайши эканлигини яхши тушунишарди. Мао Цзедун, ашаддий душмани билан ҳисоб-китоб қилишига йўл қўймаганлари учун қаттиқ газабланди, лекин бўйсунушга мажбур бўлди. Чан Кайши озод қилинди ва мамлакат пойтахти Нанкинга қайтиб келди, шундан сўнг, япон босқинчиларига қарши курашда ХКП билан биргаликда ягона фронт тузишга рози бўлди. Совет Иттифоқи билан ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома тузилганидан кейин СССР Хитой Республикасига молиявий ва ҳарбий ёрдам кўрсата бошлади. Ҳали ҳам номигагина Хитой сиёсий ҳаётида Гоминьданнинг ҳукмронлигини расман тан олган Совет Иттифоқи, амалда аввалгидек ХКПни қўллаб-қувватларди. Сиёсий Бюро ҳатто ҳужжатларда ҳам хитойликларга нисбатан советларнинг сеvimли белгилари «қизиллар» ва «оқлар»ни ишлатишдан тортиниб ўтирмасдилар.

1937 йилнинг июлида Япония Шимоли-Шарқий Хитойдаги ҳужум ҳаракатлари билан Осиёда Иккинчи жаҳон урушини бошладилар. Японлар августда Шанхай яқинига десант туширдилар, лекин Гоминьдан қўшинларининг кучли қаршилиги туфайли шаҳарни, флотнинг ёрдами билан, фақат икки ойдан кейин эгаллашга муваффақ бўлдилар. 1937 йилнинг декабрь ойида японлар, Шанхайдан ҳужум қилиб, гоминьданчиларнинг пойтахти Нанкинни эгалладилар. Шаҳар учун олиб борилган қақшатқич жангларда Хитой армияси қарийб барча танк ва самолётларини, ҳарбий-денгиз флоти артиллериясининг катта қисмини йўқотди. Чан Кайши пойтахтини гарброкқа, Ханчжоу шаҳрига кўчирди. 1939 йилнинг ўрталарига бориб у ўз ҳарбий кучларини тиклаб олишга эришди, ўз армияси сонини

3 миллион кишига етказди. Таэйрчжуан остоналаридаги жангларда хитойликлар мағлубиятга учради. Японлар Ханьчжоу шаҳрини эгаллаганларидан сўнг, генералиссимус Чан Кайши яна бир марта пойтахтини гарбга, Чунцин шаҳрига кўчирди. Тинч океани минтақасини ҳам қамраб олган Иккинчи жаҳон уруши Хитойдаги ҳарбий ҳаракатлар кескинлигини сезиларли юмшатди. 1945 йилнинг май-августида гоминьданчилар қўмондонлиги муваффақиятли жавоб ҳужуми ўтказди ва Кантон районида (ҳозирги Гуанчжоу) японларнинг 100 минг кишилиқ гуруҳини қуршовга олди. Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин Хитой буюк давлат деб тан олинди ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлди.

XXРнинг расмий тарихига кўра японларга қарши урушда ҳал қилувчи ролни Гоминьдан эмас, ХКП ўйнаган. Ҳақиқатда эса, Пинсин Гуань ёнидаги жангни ҳам қўшиб ҳисоблаганда бир неча жанглардан ташқари ХКП қўшинлари Японияга қарши урушга қатта ҳисса қўшган эмас. Ўша вақтлар Гоминьдан армияси, асосан, фронтда бир ўзи эди. Бу армия урушда 200 дан зиёд генералларини йўқотди (Хитойнинг Иккинчи жаҳон урушидаги умумий йўқотишлари 20 миллион кишини ташкил қилди). Шуниси ҳам борки, Хитойда жанг олиб борган япон генераллари ўз эсдаликларида ўзларининг ягона рақиблари сифатида Чан Кайши армиясини тилга оладилар. Совет қўшинлари Квантун армиясини тўлиқ тор-мор қилганларидан кейин совет қўмондонлиги қўлга киритилган барча ўлжа қуроолларни ХКП қўшинларига берди. Аслида, СССР янги фуқаролар урушининг келиб чиқиши сабабчиси бўлиб, ўзининг Иккинчи жаҳон урушидаги иттифоқдошига хиёнат қилди. Шимоли-Шарқий Хитойда коммунистлар билан Гоминьдан қўшинлари ўртасида оғир жанглар бўлиб ўтди. 1948 йилнинг ноябрида ХКП Маньчжурияни ўз назорати остига олди. ХКП қўшинлари кенг ҳужум операцияларини бошлади, Чан Кайшининг ҳориган армияси энди уларни қайтара олмасди. Ўша йилнинг декабрида гоминьданчилар тузуми ҳалокатга учради. Бу мағлубиятнинг сабабларидан бири шунда эдики, ХКПда ишончли суянчиқ — СССР бор эди. Бошқа томондан АҚШ Чан Кайши учун ана шундай суянчиқ бўлмади. Улар Хитойдаги урушга бевосита аралашмасликни маъқул кўрдилар. 7 декабрда Чан Кайшига содиқ бўлган қўшинлар, ҳеч қандай тўсиқларга учрамасдан, Тайвань оролига ва қирғоққа яқин бўлган Цюэмоу, Дачэн ҳамда Мацу оролларида чекиндиладар. Вашингтон, агар коммунистлар Тайвань оролларида бостириб кирмоқчи бўлсалар, унинг 7-флоти орол ва унинг аҳолисини ҳимоя қилишини расмий равишда эълон қилди.

Оролга ўтганидан сўнг Чан Кайшининг ҳукмдорлиги заифлашмади, аксинча янада мустаҳкамланди. Энг аввало Чан Кайши ҳарбий ҳолат ўрнатди ва ҳар қандай мухолифона фаолиятни тақиқлаб, ўз шахсий ҳукмронлигини мустаҳкамлади. Иқтисодий соҳада Чан яна аграр ислоҳотларни бошлади. Аввалига ижара ҳақи бир вақтлари қитъадаги Хитойда бўлганидек, маҳсулот таннархининг 37 фоизига баробар қилиб белгиланди. Помешчиклардан ерлар сотиб олинди ва деҳқонларга бўлиб берилди, бунда помешчиклар йўқотилган ерлари учун тўловни давлат корхоналарининг акциялари билан олдилар. Аграр ислоҳот ана шу равишда миллийлаштириш билан алмаштирилди. Ана шу тарзда Тайвандаги деҳқонлар ерларни мулк қилиб олдилар. Аслида бу «Ер — деҳқонларга!» шиори остида халқни Чан Кайшига қарши кўтарган ва барибир бирорта ҳам ваъдасини бажармаган Мао Цзедунга генералиссимуснинг биринчи даъвати эди. Қишлоқ хўжалиги яхшигина даромад бера бошлади ва 1953 йилдаёқ ҳукумат олинган маблағларни саноатни ривожлантиришга йўналтирди. Натижа яна ёмон бўлмади: умумий маҳсулот ҳажмининг ўсиши 7,5 фоизни ташкил қилди, 1960—1970 йиллар орасида эса унинг ўсиши 9,7 фоизга етди. Давлат ер ислоҳоти билан бирга электр энергияси, пўлат, қанд ишлаб чиқариш бўйича хусусий корхоналарга асос солди, банклар таъсис қилди, темир йўллар ва автомобиль йўллари қурди. Ўзининг Тайванни бошқарган даврида Чан Кайши бутун Хитой учун қилмоқчи бўлган ишларни бу ерда қилганлигини таъкидлаган. 1943 йили генералиссимус қалами остидан «Хитойнинг тақдирлари» китоби чиқди, унда «Хитойдаги ҳар бир ёш йигит солдат ёки учувчи бўлмоғи лозим» деб таъкидланган бўлса, энди эътибор инсонийлик ва иззат-эҳтиромнинг конфуцийлик меъёрларига қаратила бошланди.

Чан Кайшининг қизиқиш доираси ва шахсий ҳаётига келганда, бу поэзия ва мусиқа эди. У яна яхшигина хаттот ҳам эди. Унинг кабинетида иккита тугун осиглиқ турарди, улардан бирида Чан Кайши қадимги донишманд Мэн-цзининг қуйидаги ҳикматини ёзиб қўйганди: «Ўзини ёруғ оламнинг бутун кенглиги билан инсон дея ҳис қилиш; ёруғ олам олдиндан белгилаб қўйган буюк йўлдан бориш; ўзининг омадини одамлар билан бўлишиш, ўзининг омадсизлигини эса ёлғиз ўзи бошдан кечириш». Ўн йилликлар давомида генералиссимус ҳар куни кундалик тутиб борди, унинг мутолаа қилиш доираси эса Хитойнинг ахлоқига, унинг сиёсий фалсафасига, миллий ва бутун дунё тарихига бўлган қизиқиши билан белгиланарди.

Айтишларига қараганда, у хурофотчи одам бўлган. Сун Мэйлин билан никоҳдан ўтганидан сўнг у чўқинганлигига ва христиан бўлганлигига қара-

масдан, Хитой илоҳларини ҳам ёдидан чиқармади ва доимо Будда ибодат-хонасида дуолар ўқиб турарди. Генералиссимус чекмасди, спиртли ичимликни ҳатто партия раҳбарлари билан бўладиган зиёфатларда ҳам ичмасди. Одатда, Чан Кайши ёки ҳарбий форма кияр, ёки анъанавий хитойча кийим кийиб юрарди ва замонасидаги хитойликнинг классик қиёфасини тўлиқ сақлаб қолишга ҳаракат қиларди: ташқи кўриниши ҳам, одатлари ҳам европалашмаган эди. Тўғри, у ҳамма вақт ҳам конфуцианча ўзни тутиб туриш намунаси бўла олмасди. Шунинг учун ҳам, бир сафар, совет вакиллари иштирок этаётган зиёфатда, генералиссимус Хитой коммунистлари ҳақида сўз юритаётиб, бутунлай ўзини тута олмай қолди. Чан Кайши ўзининг сўқинишларга тўлиқ бўлган нутқини анча дипломатик қадаҳ билан якунлади: «Йўқолсин коммунистик партия!». Хитой дипломатлари унинг нима демоқчи эканлигини узоқ вақтлар тушунтиришга мажбур бўлдилар.

Энг янги тарихда Хитойнинг 1927—1949 йиллардаги йўлбошчиси генералиссимус Чан Кайшини «Хитойлик Бонапарт» деб аташади. Бу таъриф кўпроқ унинг шухратпарастлик интилишларига тааллуқлидир. Чан Кайши ҳеч қачон буюк кўмондон бўлмаган, лекин уни ҳарбий қобилиятдан тўлиқ маҳрумликда ҳам айблаб бўлмайди. Фаолиятининг энг чўққисиди хитойликлар уни буюк одам, беш юз йилда бир марта туғиладиган қаҳрамон деб атардилар. Уни Конфуцийга қиёслардилар, япон тажовузкорлигига кўп йиллик қаршилик кўрсатиш урушида (1931—1945 йиллар) галаба қилгани учун охир-оқибатда Хитой қаҳрамони унвони билан тақдирладилар. Чан Кайши тўрт марта уйланган. Охирги хотини Суи Мэйлинга 1927 йили уйланиб, қарийб 50 йил бирга яшади. Суи Мэйлин бой хонадон вакили бўлиб, унинг отаси Суи Ятсеннинг дўсти эди. Суи Мэйлин АҚШда таълим олган бўлиб, бир умр эрининг ёрдамчиси, ташқи масалалар бўйича маслаҳатчиси эди. У эри вафот этгандан сўнг АҚШда яшади ва XXI аср бошида 106 ёшида вафот этди.

1972 йили Чан Кайши соғлиғи ёмонлашгани сабабли ҳокимиятни ўғли Цзян Цзингага топширди. Чан Кайши 1975 йил 5 апрелда вафот этди.

Кўпчилик хитойликлар Чан Кайшини Мао Цзедун раҳбарлигидаги коммунистларга 20 йилдан ортиқроқ қаршилик кўрсатган йўлбошчи сифатида ёдга оладилар.

РУМИНИЯ ДИКТАТОРИ



ЧАУШЕСКУ, НИКОЛАЕ (CEAUSESCU, NIKOLAE)
(26.01.1918, Скорничешти қишлоғи, Олт тумани, Руминия —
25.12.1989, Тирговиште, Руминия)

Руминия президенти. Дехқон оиласида туғилган. 1933 йили ёшлар коммунистик ҳаракати сафига кирди, 1936 йили эса компартия аъзоси бўлди. 1940—1944 йилларда турли хил қамоқхоналарда бўлди. Урушнинг охирида, 1944—1945 йиллари Коммунистик ёшлар иттифоқи МКнинг котиби. 1940 йилларнинг охирида аввалига Добруджа, кейин Олтенияда партия вилоят комитетининг котиби, 1948—1950 йиллари — қишлоқ хўжалик министри. 1950 йили генерал-майор унвони билан миллий мудофаа министрининг ўринбосари, 1951 йили қуролли кучларда сиёсий ташкилотнинг бошлиғи, 1952 йили компартия марказий комитетининг аъзоси. 1965 йилдан партия Бош котиби. 1967—1974 йилларда Давлат кенгаши раиси. 1974—1989 йиллар — Руминия президенти.

Чаушеску ишчи оиласида туғилган ва ёшлигида этикдўзлик хунарини эгаллашга уриниб кўрган. Бироқ тақдир унинг сиёсий фаолият билан шуғулланишига ва этикдўзнинг шогирдлигидан у 1974 йилдан бошқара бошлаган Руминия Социалистик Республикаси президентлигигача бўлган фавқулодда ҳайратомуз парвозига йўл очди. Республика бошлиғи лавозимини эгаллаб олганидан сўнг Н. Чаушеску ўзини умрбод президент деб эълон қилди ва бу билан Руминия фуқароларининг демократия ҳақидаги хомхаёлларини бутунлай тарқатиб юборди. У ўзининг қариндошларига ошқора ҳомийлик қилар, уларни иложи борича ўзига яқинлаштирар ва ҳукумат таркибига киритарди. Унинг хотини Елена мамлакатдаги иккинчи одам эди, премьер-министр Н. Чаушескунинг ўзи бўлгани ҳолда, Елена премьер-министрнинг биринчи ўринбосари лавозимини эгаллаб турарди. Уларнинг хулқ-атвори унчалик яхши бўлмаган ўғли Нику Чаушеску Сибиунинг раҳбари этиб тайинланганди.

Ҳукумат тепасида турган Н. Чаушеску роҳат-фароғатда яшар ва ўзидан ҳеч нарсани аямасди. Унинг ўзи ва оиласи учун ҳашаматли саройлар қурилди, у ерда ҳожатхоналар қаррар мрамаридан, ошхоналаридаги идиш-товоқнинг аксарияти қимматбаҳо материаллардан ясалганди.

Ҳамма диктаторлар қатори Н. Чаушеску ҳам ўз миллатининг улғворлиги учун жон куйдирарди. Унинг президентлиги даврида Руминия Фанлар Академиясининг энг яхши олимлари руминлар тўғридан-тўғри қадимги римликларнинг меросхўрлари, румин тили эса барча замонавий тилларга нисбатан лотин тилига энг яқин эканлиги ҳақидаги илмий назарияни яратиш устида бош қотирардилар. Н. Чаушеску шубҳаланиш васвасасига йўлиқ-

қан эди. Унинг қўриқчилари Европада энг кўпсонлиларидан бири бўлган. Н. Чаушескунинг шубҳаланишга мойиллиги унинг гайритабiiй жирканиши билан уйғунлашиб кетганди. Руминиянинг диктатори доимо касаллик юқтириб олишдан қўрқарди. Унинг тан қўриқчиси ўзи билан доимо спирт солинган идиш олиб юрарди, Н. Чаушеску бирон-бир нарсани ушлаганида ёки биров билан сўрашганида ана шу спирт билан қўлини ювиб ташларди.

Руминия яширин хизматининг собиқ раҳбари Ион Пачепа 1978 йили Чаушескунинг Америка Қўшма Штатларига ташрифини шундай тасвирлайди: «Чаушескунинг атрофида қўриқчилари айланиб юрарди, улар қандайдир моддалар билан полга, гиламларга, мебелга, ҳатто эшикларнинг тутқичлари ва электр ёқиб-ўчиргичларга ҳам — у нимага тегиб кетиши мумкин бўлса, барчасига ишлов берардилар. Унинг хизматкори ва саргароши меҳмонхона кўрпаларининг жилдларини олиб ташлаб, Бухарестдан муҳрланган чемоданларда олиб келинган чойшаб ва жилдлар билан алмаштиришарди. Меҳмонхона дазмолхонага айлантириб юборилганди, чунки Н. Чаушескунинг ич кийимлари ва сочиқлари дазмолланган ва герметик пластик қопларда Руминиядан келтирилган бўлса ҳам, фойдаланишдан олдин, барча микробларни ўлдириш мақсадида, яна дазмоллаш керак эди...». Чаушескуга бериладиган егуликни, унда заҳар, бактерия ва радиоактивлик бор-йўқлигини, президентни мўъжазгина лаборатория билан бирга кузатиб юрувчи шахсий муҳандис-кимёгари майор Попа аниқларди.

Н. Чаушеску партия котиби Г. Георгиу-Дежга 1952 йили ҳокимият ваколатларидан маҳрум қилинган «москвалик» А. Паукер билан («москваликлар» — уруш даврида СССР худудида бўлганларни шундай атардилар) ҳокимият учун курашида ёрдам кўрсатди. 1954 йили Чаушеску компартия МК котиби, 1955 йили эса Сиёсий бюро аъзоси этиб сайланди. 1961 йили «миллий коммунизм»нинг руминча варианты пайдо бўлди, бу вариант асосан Н.С. Хрушчёвнинг иқтисодий интеграциялаш курсига қаршилиқ кўрсатиш сиёсатидан иборат эди. 1965 йили Н. Чаушеску МК бош котиби этиб сайланди, Давлат кенгаши раиси лавозимини эгаллади. 1974 йили кўпчилик диктаторлар қатори конституцияни ўзига мослаб ўзгартирганидан кейин Руминиянинг умрбод президенти бўлди. Чаушескунинг бошқаруви бошқа Шарқий Европа мамлакатларининг йўналишидан фарқ қилувчи фаол ташқи сиёсий йўналиш билан характерланади. Н. Чаушеску СССР билан муносабатларининг тўлиқ ревизия қилиниши тарафдори эмас эди, лекин 1968 йили Чехословакияга бостириб киришни, шунингдек, совет

қўшинларининг Афғонистонга киритилишини қоралаб чиқди. У Хитойга нисбатан айтилаётган совет айбловларини маъқулламади, Исроил, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари билан яхши муносабатларини сақлаб қолди. 1989 йили Руминияга расмий ташриф билан СССР Ташқи ишлар министри Эдуард Шеварднадзе борди, унинг баёноти румин ҳукуматига қарши ҳаракатларга туртки бўлди. 1989 йил 17 декабрда Н.Чаушеску Тимишоаре шаҳридаги намоёнчиликчиларга қарата ўқ узиш ҳақида қуролли кучларга буйруқ берди, бу халқ кўзғолонининг бошланишига сабаб бўлди.

1989 йил 18 декабрда Руминияда инқилоб бошланди. Н.Чаушеску хотини Елена билан бирга Бухарестдан қочди, бироқ қўлга олинди ва қамоққа ташланди. Ғарбий трибунал суди икки соатгина давом этди. Николае ва Елена Чаушескулар оммавий қирғин қилишда айбландилар ва ҳар иккаласи ўлим жазосига ҳукм қилинди. Ҳукм 1989 йили 25 декабрь куни Тяговист ғарбий базасида ижро этилди.


Шафқатсиз ўч олиш «халқ оммасининг стихияли ижоди» эмас эди, у ҳали Э. Шеварднадзенинг ташрифидан олдинроқ юксак кабинетларда ўйлаб қўйилганди. Бу Ғарб мамлакатларининг барча қарзларини тўлиқ уза олган ва Руминияни Халқаро валюта фондининг қарз сиртмоғидан олиб чиқа олган Чаушескудан ўч олиш эди. Кейинчалик айнан ана шундай хизмати учун А. Пиночет ҳам испан судига берилган (у Чилини бошқариб, ХВФ қарзларидан тўлиқ қутулганди). Чаушеску ва Пиночетнинг ҳаракатлари 80—90-йилларда Ғарбий Европада ўрнатилган «янги дунё тартиби» учун хавфли вазият туғдирарди.

Аммо ҳеч қандай иқтисодий юксалиш биронта ҳам диктаторлик тузумининг моҳиятини оқлай олмайди. Н.Чаушескунинг ағдарилиши ва қатл қилиниши қайси юксак кабинетларда режалаштирилишидан қатъи назар, у йиллар давомида диктаторлик режимидан азият чеккан румин халқининг ҳам хоҳиш-иродасига мос эди.

Ҳокимият инсонни айнитиш хусусиятига эга, мутлақ ҳокимият эса мутлақо айнитади. (Жон Актон)

ГРАФ МАЛЬБОРОНИНГ АВЛОДИ

ЧЕРЧИЛЛЬ, УИНСТОН ЛЕНАРД СПЕНСЕР, МАЛЬБОРО
герцоги (ингл. **SIR WINSTON LEONARD SPENCER-CHURCHILL**) (30.11.1874, Вудсток, Оксфордшир — 24.01.1965, Лондон)



Инглиз сиёсий арбоби, тарихчи. 1940—1945 ва 1951—1955 йиллари Буюк Британия премьер-министри. 1900 йилдан парламентда. 1904 йилгача — консерватор, 1923 йилгача — либерал, кейин яна консерватор. Консерватив партия етакчиси. 1908 йилдан бошлаб ҳукуматда бир қатор министрлик лавозимларини эгаллаган, 1911—1915 йилларида Адмиралтейство лорди (денгиз ишлари министри), 1919—1921 йилларда — ҳарбий министр ва авиация министри, 1924—1929 йилларда — Молия министри, 1939—1940 йиллари — Ҳарбий-денгиз министри, 1940—1945 йилларда — коалицион ҳукумат бошлиғи. 1951—1955 йиллари консерваторлар ҳукуматини бошқарган. 1953 йили адабиёт соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлган. Иккинчи жаҳон урушида — СССРнинг иттифоқчиси, Гитлерга қарши коалициянинг аъзоларидан бири. Черчиллнинг хотини Клементина уруш йилларида «Россияга ёрдам фонди»ни бошқарган; СССРнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Клементина 1945 йилнинг апрелида Москвага келган.

Уинстон Черчиллнинг аристократик келиб чиқиши (биринчи герцог Мальборонинг авлоди) унга Харроу ёпиқ ўқув юрти ва Сэндхерст билим юртига йўл очди. У Судандаги урушда иштирок этишга улгурди ва урушдан кейинги тинчликка асосий хавф солувчи бўлган атом бомбаси синовларида иштирок этди. Ўзининг доимий котелог¹ ва ҳассаси билан У. Черчилль ажойиб дипломат, рассом ва Чартвеллдаги боғида боғбон ҳам эди. Унинг расмлари вақти-вақти билан қиролик Академияси кўрғазмасига қўйиларди, 1958 йили эса у ерда сэр Уинстон Черчилль ишларининг шахсий кўрғазмаси ўтказилди. У. Черчилль ўз замонасининг энг ажойиб нотикларидан бири эди. Айнан у урушдан кейинги сиёсий ҳолатнинг ихчам характеристикасига айланган «темир парда» иборасининг муаллифи бўлди. У. Черчилль ўз даврининг ўткир ақли кишиларидан бири эди. Бир сафар Астор хоним унга шундай деган: «Агар менинг Сизга эрга тегшимга тўғри келганида, мен Сизга заҳар берган бўлардим», бунга жавобан Черчилль: «Агар мен Сизнинг эрингиз бўлганимда, бу заҳарни ичган бўлардим», — деган.

¹ Котелок — цилиндр кўринишидаги бош кийим.

У. Черчилль Сэндхерстни аъло баҳолар билан тугатганидан сўнг ҳарбий фаолияти бошланган. 1895 йилнинг мартида у Хэмпширда рўйхатга олинган Тўртинчи (қиролича Жаноби Олияларининг) гусарлар полкининг лейтенанти этиб тайинланди. Кубада хизмат қилганидан кейин У. Черчилль Ҳиндистонга ўтказилди, 1898 йили у ердан Мисрга келди ва Омдурмандаги машҳур кавалерия акциясида фақат ҳарбий эмас, журналист сифатида ҳам қатнашган.

1897 йили «London Daily Telegraph»нинг ҳарбий мухбири сифатида У. Черчилль генерал Бладнинг Малаканд бўғози районига уюштирган экспедициясига қўшилди. 1899—1902 йиллардаги Жанубий Африкадаги инглиз-бур уруши пайтида у Лондоннинг «Морнинг пост» газетаси мухбири сифатида урушнинг дастлабки босқичида қатнашган. Ўша ерда, 1899 йилнинг 25 ноябрида, У. Черчилль Жанубий Африка Иттифоқининг бўлғуси биринчи премьер-министри ва кейинчалик ўзининг яқин дўсти бўлган Луис Бота томонидан асирга олинган. Асирдан озод қилинганидан кейин У. Черчилль бирмунча вақтини АҚШда ўтказди, у ерда маърузалар ўқиди, ишлаган пуллариغا ватанида сиёсий фаолиятини бошлади. 1898 йилги дастлабки уриниш муваффақиятсиз бўлди. Фақат икки йилдан кейингина у Ланкаширдан парламентнинг консерватив аъзоси бўлди. Бироқ кейинги уч йил У. Черчилль билан Жозеф Чемберлен раҳбарлик қилаётган тори сиёсати ўртасида анча қарама-қаршиликлар борлигини очиб берди. Шунинг учун ҳам 1904 йили Черчилль қуйи палатага сайловларда либераллар партиясидан иштирок этди.

Либераллар ғалаба қилганларидан сўнг Кабинетда иштирок этиш ҳақида У. Черчилльга таклифлар кела бошлади. Аввалига унга мустамлака ишлари билан шуғулланувчи министрликларга раҳбарлик қилишни, кейин қироличанинг махфий маслаҳатчиси бўлишни таклиф қилишди. 1908 йили Генри Асквит премьер-министр бўлганида У. Черчилль давлатнинг ички савдоси ва ички ишлари бўйича кенгашни бошқарди. Бу лавозимларда У. Черчилль кексалик нафақаларини жорий этиш, соғлиқни ва иш билан таъминланганликни суғурта қилиш каби дастурларни амалга оширди.

Ҳарбий денгиз министри бўлган У. Черчилль (1911—1915) ўзининг ҳаракатларини Германия билан бўлажак урушга Британия флотини тайёрлашга қаратди. Айни пайтда Черчиллнинг «шарқий» стратегияси муваффақиятли бўлмади: 1905 йилнинг январида унинг талаби билан Галлиполи ярим-оролини ва Дарданеллни эгаллаш мақсадида ўтказилган операция барбод бўлди, Британия кучлари денгизда ҳам, қуруқликда ҳам сезиларли йўқотишларга дуч келди. У. Черчилль Адмиралтействони тарк этишига тўғри

келди. 1917 йили Ллойд Жоржнинг таклифи билан коалицион ҳукумат таркибига киритилди. 1918—1922 йиллари ҳарбий ва авиация министрликларини бошқарган У.Черчилль ўзини Совет Россиясининг эътиқодли душмани ва у билан курашнинг илҳомчиси сифатида намоён қилди.

Либерализмнинг урушдан кейинги инқироzi, янги сиёсий ва халқаро шароитлар Черчиллни яна консерватив партиёга қайтишга ундади. С. Болдуин ҳукуматида ғазначилик канцлери бўлган У.Черчилль молия доираларига фойдали бўлган фунт стерлингни олтинга тенглаш сиёсатини амалга оширди (1925). Кейинчалик, Ҳиндистонга сиёсий ён беришларга қарши чиқиб, у Болдуин ва унинг тарафдорлари билан алоқани узди. 1931—1939 йилларда Черчилль консерваторлар раҳбарлигидан ўзини четроқ тутиб, оддий парламент аъзоси бўлди.

1930-йиллар Черчиллнинг ижоди ва омма олдида чиқишлари энг самарадор бўлган давр. Ана шу йилларда унинг ўзига хос адабий қобилияти ҳам намоён бўлди. У ўзининг машҳур аждодининг ҳаёти шубҳасиз безаб кўрсатилган 6 томлик «Мальборо»ни ёзди (1933—1938). Унинг «Фикрлар ва бошдан ўтганлар» асари, «Буюк замондошлар» тарихий портретлари (1939) кенг китобхонлар оммасининг эътиборини қозонди. Черчиллнинг «Англия ухлаб ётганида» (1938) ва «Қадам-бақадам» китобларида жамланган нутқлари ва чиқишлари, тўпламлари ҳам машҳур бўлиб кетди. Нацистлар рейхи қайта қуролланишининг хавфлилиги мавзусини ривожлантирган ва Германияни тинчлантириш сиёсатини танқид қилган У.Черчилль фашистик Италия ва Японияни четлаб ўтарди.

Черчиллнинг сиёсий ва ҳарбий фаолиятининг гуллаб-яшнаган даври 1940 йилнинг 10 майдан бошланган. Ўшанда у миллий ҳукумат бошлиғи ва айни вақтда мудофаа министри, қуйи палата етакчиси, йилнинг охирида эса консерватив партиёнинг раҳбари ҳам бўлди ва ўз қўлларида гитлерчилар Германияси билан ҳал қилувчи жанг олиб боришга мамлакатни сафарбар қилишнинг барча воситаларини жамлаганди. Англия учун энг қийин бўлган пайтда (немис қўшинларининг бостириб кириш хавфи бор эди) ҳокимият тепасига келган Черчилль аҳволни тубдан ўзгартириб юбора олди — Буюк Британия ҳам аъзо бўлган ғолибона коалиция Германияни тор-мор қилувчи зарбалар берди. Премьер-министр қўлаб халқаро конференцияларда иштирок этди, СССР ва АҚШ раҳбарлари билан музокаралар ҳамда ёзишмалар олиб борди. 1942 йилнинг августида ва 1944 йилнинг октябрида у Москвада И.Сталин билан учрашди; Ф. Рузвельт билан учрашиш учун бир неча марта Атлантика океанидан самолётда учиб ўтди. Черчилль дунё тақдирини ҳал қилувчи 1943 йилги Техрон конференция-

сида ва 1945 йилги Қрим конференциясида, шунингдек, урушдан кейинги, 1945 йилдаги Потсдам конференциясида ҳам фаол иштирок этди. 8 май куни айнан Черчилль ватандошларига Германиянинг тўлиқ ва сўзсиз таслим бўлганлигини хабар қилганди. Уруш даврида ва у тугаганидан кейин ҳам Черчилль Буюк Британия Америка билан энг яқин алоқада бўлиши зарурлигини, дунёнинг келажаги учун англо-саксларнинг алоҳида масъуллигини исбот қилишдан чарчамади.

Уинстон Черчиллнинг 1941 йил 22 июнь куни кечқурун Лондон радиосидан Совет Иттифоқини ёқлаб сўзга чиққанлиги, 1942 йилнинг май ойида СССР билан иттифоқчилик шартномаси тузганлиги ва бошқа шу каби қадамлари у умумий душманга қарши кураш жараёнида Британиянинг давлат манфаатларини тўғри тушунганлигини кўрсатади. Бироқ Черчиллнинг «ўзини четга олиш» сиёсати — Ғарбий Европада Иккинчи фронт очишни чўзиши, ҳарбий ҳаракатларнинг Ўрта денгизи атрофига кўчирганлиги, шунингдек, урушнинг охирида СССР таъсири ва унинг манфаатлари доирасининг ўсишини чеклашга уринишлари инглиз-совет муносабатларини жиддий тарзда мураккаблаштирди.

1945 йилнинг июлидаги парламент сайловларида лейбористларнинг ғалабасидан кейин У. Черчилль истеъфога чиқди, лекин фаол сиёсий фаолиятини тўхтатмади. 1946 йил 5 мартда Фултонда (АҚШ, Миссури штати) сўзга чиқиб, у Ғарб демократиясини СССР ва жаҳон коммунизми томонидан кучайиб бораётган хавф олдида бирлашишга, «инглиз тилида сўзлашувчи халқларнинг биродарлик уюшмаси»ни яратишга чақирди.

Иккинчи марта премьер-министр қилиб сайланганидан (1951 й., октябрь) сўнг, У. Черчилль Шарқ билан Ғарб ўртасида ядро қуроли бўйича кучларнинг янги мутаносиблигини тўғри баҳолаб, СССРга тазйиқ ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигига шубҳа билдира бошлади. Ўзаро ғарбий мудофаани биргаликда (унга Ғарбий Германия кучларини ҳам қўшган ҳолда) ривожлантириш талаби энди унинг дипломатиясида СССР билан келишиш йўллариини излаш таклифлари билан қўшилиб келарди. 1953 йилнинг май ойида у қуйи палатада ўзининг «миллатлар саммити»ни — олий даражадаги конференцияни тайёрлаш ва чақиритиш фикрини эълон қилди.

У. Черчилль кўплаб миллий ва чет эл мукофотларини, шу жумладан, адабиёт бўйича Нобель мукофотини ҳам олган (1953), У. Черчилль олти жилдлик «Иккинчи жаҳон уруши» (1948—1954), тўрт жилдлик «Инглиз тилида гапирувчи халқлар тарихи» (1956—1958) ва бошқа асарларнинг муаллифи. Ўша 1953 йилнинг ўзида қиролича Элизавета II уни Буюк Британиянинг энг олий

ордени — Подвязка ордени билан тақдирлади, 1963 йили АҚШнинг фахрий фуқароси бўлди. У Черчиллнинг тарихий-адабий мероси улкан, унга бағишланган тадқиқотлар ва публицистик асарлар сон-саноксиз.

Мағлубиятнинг фақат битта жавоби бор ва бу жавоб — ғалаба. (Сэр Уинстон Черчилль)

ЧОН ДАВРИ

ЧОН ДУ ХВАН (18.01.1931 йилда тугилган) — Жанубий Корея Республикаси президенти

Кореянинг (ҳозир Жанубий Корея) Кёнсан-Намдо провинцияси Хапчхон қишлоғида дунёга келган. Оиладаги ўн нафар фарзанднинг иккинчиси. Тўққиз ёшида ота-онаси билан Маньчжурияга кўчишган, бир йилдан сўнг Кореяга қайтиб, Тэгү шаҳрида ўрнашишади. 1947 йилда Чон техника билим юртига киради, лекин Кореяда уруш бошланганлиги сабабли ўқишини тўхтатади. Вьетнам уруши қатнашчиси.



Чон Ду Хван Вьетнам уруши даврида Жанубий Вьетнамдаги Жанубий Корея дивизиясига командирлик қилди. У ҳарбий унвонларни жуда тез оларди.

1979 йилнинг октябрида Пак Чжон Хи ўлдирилганидан сўнг Чон Ду Хван президентнинг ўлими қай ҳолатда юз берганлиги ва сабабларини аниқлашни ўз зиммасига олди. У бир неча шубҳа қилинганларни ҳибсга олди ва бир ҳарбий гуруҳнинг бошқа бирига қарши амалга оширилиши мумкин бўлган давлат тўнтаришининг кўпгина шубҳали ёрдамчиларини «хавфсизлантирди». Расмий равишда Чой Кью Ха президент бўлса ҳам, Чон Ду Хван реал ҳокимият ваколатларига эга эди ва 1980 йилнинг апрель ойида Корея МРБси (Марказий разведка бошқармаси) бошлиғи бўлди.

Шу йили май ойида ҳарбийлар фуқаролик ҳукуматининг ҳар қандай имкониятини рад этдилар ва мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий қилинди. Августда Чхве Гю Ха истеъфога чиққанидан сўнг Хван армия сафларини тарк этди ва президент бўлди. Мамлакат ҳарбий ҳолатда бўлган вақтда, 1980 йилнинг охирида янги, унга мамлакатни янада қаттиққўллик билан бошқариш имконини берувчи конституцияни қабул қилди.

Чон Ду Хваннинг президентлик даврида бир неча инқирозлар рўй берди; 1982 йилги молиявий жанжал уни кабинетнинг ярмини истеъфога чиқаришга мажбур қилди. 1983 йили уни шимолий корейлик жосус ўлди-

ришга уринди. Бу воқеа Чоннинг энг яқин ёрдамчилари худди шундай йўл билан ўлдирилганларидан кейин рўй берди.

Чон Ду Хван ўзининг бутун куч-қувватини иқтисодий ривожланишни ва сиёсий барқарорликни сақлаб туришга қаратди. 1987 йили иккинчи президентлик муддатига ҳуқуқи бўлмаган Хван президентликка Адолат демократик партиясидан ўзининг вориси Ро Де У номзодини қўлади.

1988 йилги сиёсий хуружлар Чон Ду Хванни президентлик даврида ўз ваколатларидан ноқонуний фойдаланганлиги учун кечирим сўрашга мажбур қилди. Ўзининг бутун мол-мулкани давлатга беришга қасамёд қилган Чон Ду Хван буддистлар монастирига роҳиб бўлиб кетди. Ҳарбий диктатура давридаги «шубҳали» ўлимларни текшириш билан шуғулланувчи комиссия («Адолат комиссияси») унинг президентлик пайтида 30 мингдан ортиқ киши сиёсий сабабларга кўра озодликдан маҳрум қилинган, 50 га яқин одам қамоқхоналарда ҳалок бўлган деган хулосага келди. Мамлакатда «акселижтимоий элементлар» учун «машқ қилиш лагерлари» деб аталган 25 та лагерлар қурилган. 1990 йилларнинг бошидан то ҳозирга қадар бу лагерлардаги маҳбусларга шафқатсиз муносабатда бўлинганлиги ҳақида тўхтовсиз хабарлар пайдо бўлмоқда. Ахборот собиқ маҳбусларнинг ўзларидан, қамоққа олинганларидан кейин изсиз йўқолганларнинг ота-оналаридан, яқинларидан келмоқда. Комиссия баён қилдики, ўлдирилганларнинг аниқ сони маълум эмас. Сеулнинг Жиноий ишлари бўйича суди Жанубий Кореянинг собиқ президенти Чон Ду Хванни ўлим жазосига, унинг вориси Ро Дэ Уни 22,5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Ҳар иккала истеъфодаги генераллар 1979 йилги ҳарбий тўнтаришни уюштиришда, исёнга даъват этишда ва ҳокимият тепасида турган вақтларида ғайриқонуний йўллар билан мол-мулк тўплаганликда айбдор деб топилди.

Шунингдек, Чон Ду Хван 1980 йили Ро Дэ У билан биргаликда ҳарбий воситалар билан Кванджу шаҳридаги оммавий намоишларни бостирганликда ҳам айбдор деб эълон қилинди. Расмий ахборотларга кўра, ўшанда 193 киши ўлдирилган, бироқ бошқа манбаларда кўрсатилишича, ҳалок бўлганлар сони бир неча мингга етади. Чон Ду Хван ва Ро Дэ У Жанубий Кореянинг етакчи корпорацияларидан доимий равишда йирик поралар олганликлари муносабати билан, улардан умумий миқдори қарийб 600 миллион доллар бўлган жарима ҳам ундириш белгиланади.

Ҳар иккала собиқ президент-генераллар судда уларга қўйилган айбловларни рад этдилар. Ўзларининг 1979 ва 1980 йиллардаги ҳаракатларини улар «мамлакатни инқироздан кутқариш ва Шимолий Корея томонидан қилиниши мумкин бўлган хужумнинг олдини олиш» истаги билан изоҳладилар;


шунингдек, ўзлари олган пулларни пора деб ҳисобламайдилар ва бу «сиёсий хайр-эҳсонлардан ўз мақсадларида» фойдаланмаганликларини айтдилар.

Суд Чон Ду Хванни айблаш бўйича прокуратуранинг хулосасини ўзга-ришсиз қолдирди, лекин прокурор умрбод қамоқ жазосини талаб қилган Ро Дэ У га нисбатан юмшоқроқ ҳукм чиқарди. Улар, шунингдек, Кванджу аҳоли-сини бевосита ўлдирганликда айблов бўйича ҳам оқландилар. 13 нафар йирик ҳарбий амалдорлар собиқ президентларнинг жинойтлари иштирок-чилари сифатида 4 йилдан 10 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Кейинчалик уларнинг барчасини президент Ким Дэ Чжун афв этди.

ФРАНЦУЗ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

ШИРАК, ЖАК РЕНЕ (CHIRAC, JACQUES RENE) (29.11.1932, Парижда туғилган)

1995—2007 йиллари Франция Республикасининг президенти. Отаси — Абель Франсуа Ширак авиасозлик компаниясининг бош-қарувчиси бўлган. Онаси — Мари-Луиза Валетт. Париждаги Карно ва Луи-ле-гран лицейларида (1950), Париж сиёсий фанлар инсти-тутида (Institut d'Etudes Politiques) ўқиган ва у ерда сиёсатшунос дипломинини олган (1954). 1956 йили Ширак армияга чақирилди ва Франция мустамлакачилик уруши олиб борган Жазоирда хизмат қилган; ярадор бўлган. 1957 йили Францияга қайтиб келди ва олий тоифадаги раҳбар ходимлар тайёрлайдиган Миллий бошқариш мактабига (Ecole Nationale d'Administration) кирди.



Хусусий компаниялардан бири ходимининг ўгли бўлган Жак унинг шахсияти шаклланишига сўзсиз катта таъсир кўрсатган сиёсий ҳаётнинг жўшқин эҳтиросини жуда эрта ҳис қилди. Ҳокимият тепасига Халқ Фрон-ти келганида Жак тўрт ёшда, Париж фашистлар томонидан эгаллангани-да етти ярим ёшда эди. Кўпчилик, афсуски, гитлерчиларнинг кириб ке-лишида унча катта фожиани кўрмадилар. Эгаллаб олинган Париж ўз ҳаёти билан яшашда давом этарди. Кино ва театрлар, барлар ва ресторанлар, мюзик-холлар ва варьетелар, хуллас, ҳеч нима бўлмагандек французча ғам-ташвишсиз ҳаётни таъминловчи ҳамма жой ишлаб турарди. Фильмлар суратга олинар, китоблар нашр этилар, обрўли адабий мукофотлар тар-қатиларди. Бироқ босқинчилар ҳукмронлиги остидаги ҳаёт Шираклар учун ҳаёт эмас эди. Улар Франциянинг жанубида қўним топдилар ва у ерда беш йил — 1940—1945 йилгача яшадилар. Жак ўша ерда мактабга борди ва ўн икки ярим ёшида Парижга қайтиб келди.

Уруш йиллари Франциянинг жанубидаги ўқитувчилар ва юқори синф ўқувчилари орасида коммунистик ғоялар кенг тарқалганди ва бу умуман олганда тушунарли ҳам эди: ахир коммунизм нацизмга қарши эди-да. Бироқ марксчи-ленинчиларнинг ғоялари Жакни ўзига тортмади, эҳтимол, таъсири кучлироқ бўлган оиланинг руҳи бутунлай бошқача эканлиги сабабли ҳам шундай бўлгандир. Катталарга қулоқ солиш, ота-онани ҳурмат қилиш, мулойимлик ва тартиблилик одатда Франциядаги ўғил болаларга унчалик ҳам хос эмас. Бўлғуси президент агар болалигида ўта шўх, шаддод, ҳавойи бўлганида балки анча яхшироқ туюлган бўлармиди? Бироқ ҳақиқатан ҳеч ёққа қочиб бўлмайди: у шўх-шаддод эмасди, сергак онасининг назорати остида дарсларини тайёрлар ва ҳеч қанақа ҳунарлар кўрсатмасди, кимнингдир ёдида қолиши мумкин бўлган шўхликларни амалга оширмасди. Ширакнинг тўғри тарбия кўрганлиги тез орада муносиб тақдирланди: ҳеч қандай муаммосиз, ҳеч қандай тавсияларсиз Жак лицейга қабул қилинди. Франциянинг бўлғуси президенти ўқиган Парижнинг обрўли Карно ва Луиле-гран лицейлари Катта ҳаётга йўл очиб берди. У тамомлаган Париждаги сиёсий фанлар Институти ва Америкадаги Гарвард университети бунинг учун расмий асосларни берганди. У ўзининг иш фаолиятини 1957 йили бошлади. Орадан беш йил ўтганидан кейин эса, премьер-министр Жорж Помпиду маъмуриятининг ходими бўлди. Кейин унинг эгаллаган лавозимлари шунчалик кўп бўлдики, фақат уларни санаб ўтишнинг ўзигина бир неча саҳифани эгаллаган бўларди. Пьер Мессмернинг ҳукуматида доимий қолар экан, Жак Ширак уч марта лавозимини ўзгартирди. Парламент билан алоқалар бўйича министрликдан бошлаган Жак, тез орада қишлоқ хўжалик министри бўлди, кейин Ички ишлар министри, кейин эса, унинг ўзи ҳам сайловларда ғолиб чиққан республикачи демократлар партиясининг раҳбари сифатида ҳукумат тепасига чиқди.

Қирқ тўрт ёшида Ж. Ширак ажойиб тарзда ривожланаётган фаолиятининг бир маромдаги оқимини буриб юборувчи қадамни ташлади. У пойтахт мэрлигига ўз номзодини қўйди ва рақиблари билан осон бўлмаган курашда ишончли ғалаба қозонди. Парижликларнинг гамхўри ва буюк шаҳарнинг уддабурон хўжайини сифатида ном қозонган Ж. Ширак бу лавозимни ўн саккиз йил эгаллаб турди. Бу қозонилган машҳурлик ҳам тўғри эди: унгача энг қаровсиз шаҳарлардан бири, аниқроқ айтадиган бўлсак, Европанинг энг ифлос пойтахтларидан бири, унинг даврида идеал кўри-нишли, янгиланган, безалган ва яшаш учун қулай бўлган шаҳарга айлан-тирилди. Жак Ширак Парижнинг тарихий қиёфасига ажойиб тарзда мослаштирилган юзлаб ва минглаб янги, ҳар жиҳатдан қулай бўлган уйларни

қуриш имконини берувчи дастурларни таклиф қилди ва ҳаётга татбиқ этди. У минглаб янги ишчи ўринлари очди, ташқаридан олиб келинган терроризм алангасини аёвсиз бостириб, тартиб ўрнатди. Энг муҳим мақсадига эришишга муваффақ бўлди: халқ пойтахтнинг мэри давлатнинг бошлиғи бўлишини хоҳлаб қолди. Бизга маълумки, бу жуда ҳам осон вази-фа эмас ва уни ҳамма ҳам муваффақият билан ҳал қилавермайди.

1995 йилининг 17 май куни пойтахтнинг мэри Республика президенти этиб сайланди. Тўққиз кундан кейин у мэрилик лавозимини ўзининг ўринбосари Жак Тибериға бўшатиб берди. Ж. Ширакнинг давлат ишларидаги фаолиятини баён этишни шу билан тугатиш мумкин, чунки бундан юқорига, ҳеч бўлмаганда миллий миқёсда, кўтарилиб бўлмайди. Бироқ ҳаёт фақат мансабдангина иборат эмас, бу қобилиятли инсоннинг қизиқишлари доираси эса хизмат бурчини бажаришдан кўра анчагина кенгроқ.

Ширакнинг қадимий аслзодалар авлодининг вакиласи Бернадетт билан қонуний ва кўринишидан бахтли ҳаёт кечираётганига салкам эллик йилдан ошди. Ширак ишда бўлгани каби оилада ҳам «зерикарли» эди. Бироқ эҳтимол китобхон учун зерикарли бўлган нарсаларни қаҳрамонларнинг ўзлари тўғридан-тўғри бунинг тескариси сифатида қабул қиларди. Ҳарҳолда, хулқ-атворлари одоб қоидаларига жуда ҳам мос келадиган Ширакларнинг образи миллионлаб французларга маъқул бўлган ва ёққан, бу ҳолат ҳам президентни сайлаш вақти келганида ўз ролини ўйнаган.

Унинг икки қизи бор — Лоранс ва Клод. Улардан кичиги мамлакатда яхшироқ таниш. Клод президент аппаратида, унинг маслаҳатчиси бўлиб ишлаган ва фақат давлат бошлиғининг обрўсини сақлаш учунгина эмас, унинг суҳбат юритиш доираси учун ҳам, бўш вақтларини биргаликда ўтказадиган одамлар учун ҳам жавоб берган. Айнан фақат бўш вақтларида ким билан учрашиш лозимлигини унинг ўзи белгилаган. Учрашишни сўраётган бирон-бир давлат ёки сиёсий арбобнинг, илмий ёки маданий соҳа вакилининг номини яширган ходимнинг аҳволи ёмон бўларди. Бу — дуч келган киши президент билан учраша олади, дегани эмас; президентнинг реал имкониятлари чекланган. Аммо танлаш айнан унинг ўзига боғлиқ. У француз ва чет эл рассомлари, меъморлари, ёзувчилари, актёрлари, мусиқачилари, университетларнинг профессорлари билан тез-тез учрашиб турарди. Унинг меҳмонлари — доимо олий мақомдаги интеллектуаллар: Режис Дебре, Умбрето Эко, Антуан Галлимар, Эммануэль Тодд, Одиль Жакоб, Владимир Волков (келиб чиқиши рус бўлган машҳур француз ёзувчиси) ва бошқалар бўларди.

Ж.Ширак жуда эрта уйғонарди, кунни шахсий почтасини ўқишдан бошларди. Хатни Елисей саройига йўллаш ёки оддийгина қилиб «жаноби Ширакка (президентга эмас)» деб белги қўйилса кифоя, у шахсий ҳисобланарди. Бу хатларни ҳеч ким очмасди, ҳеч ким уларнинг бирини ажратиб қўйиш ва бошқасини ўқишга бериш ҳуқуқига эга эмас, ҳеч ким унинг қоғозларини титкилай олмасди. У шахсан ўзи жавоб бермоқчи бўлган хатларни танлаб оларди ва қолганларига нима деб, қандай жавоб бериш ҳақида кўрсатмалар берарди. Кўпинча давлат тепасида турган, ёки жуда узоқ йиллар юқори лавозимларни эгаллаган кишилар халқнинг ҳаётидан узоқлашиб, баъзан эса бутунлай узилиб қолади. Эҳтимол шундай ҳолатни кузатган Ж. Ширак Франция президенти бўлган йилларида (балким ундан олдин ҳам) халқдан ажралиб қолмаслик учун у билан бевосита алоқани ҳеч қачон узмагандир. Ахир кўпинча халқнинг ташвиши бошқа-ю, президентнинг гапи бошқа ҳоллари ҳам бўлиб туради-ку. Ёки улар ўртасидаги учрашувлар шундай ташкил қилинадик, натижада реал ҳолатдан униси ҳам, буниси ҳам хабарсиз қолади. Бу кўпроқ совет раҳбарларига (ёки шу типдаги) хос эди.

Эрталаб соат тўққизда хизмат учрашувлари бошланади, уларнинг ҳар қайсисига маълум бир дақиқалар ажратилган ва бир дақиқа ҳам ошиқча давом этиши мумкин эмас. Соат бирдан ўн беш дақиқа ўтганда Ж. Ширак саройнинг расмий қисмига тушлик қилиш учун — у ўзи кимни таклиф қилган бўлса, ўша киши билан биргаликда тушади. Қарийб ҳар куни давлат ва жамоат арбоблари билан уюштириладиган тушликларда ҳам турли хил масалалар муҳокама этиларди. Таклиф этилганларни сиёсий қарашларига кўра камситиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Кундузи соат учда Ж. Ширак ўз кабинетига қайтиб келарди ва у ерда роса чорак кам тўққизга қадар ишларди. Бу вақт ичида унинг шахсий котибияти бошлиғи Марион Ибон икки марта унинг олдида мамлакатнинг ҳамда дунёнинг турли бурчакларидан келган хатлар, тезкор телеграммалар ва факслар, муҳим хабарлар солинган чарм жилдни олиб кирарди. Ж. Ширак ҳеч қайси ишни эртага қолдирмасди. Иш кунининг бутун иккинчи ярмида у ташриф буюрувчиларни қабул қиларди.

Иш кунини тугатганидан сўнг (доимо бир вақтда — соат 20 дан 45 дақиқа ўтганида), Ж. Ширак ўзининг кўнғир габардиндан тикилган костюмини ва ажойиб оёқ кийимини жинси шим, пуловер ҳамда кўп кийилган мокасинга алмаштиради, кейин эса ўз шахсий апартаментларига кўтариларди: кечки овқатни, агар биронта расмий тадбир белгиланган бўлмаса, у оиласи ва яқин дўстлари доирасида ўтказарди. Кечки вақти театр

ёки концертга бағишланган кунлари ҳам шундай бўларди: стол атрофида «dîner» ўрнига «souper»га йиғилардилар. У ақлли суҳбатдош билан гаплашишга шунчалар берилиб кетардики, кўпинча қолганларга эътибор ҳам бермасди. У қизиқарли суҳбатни тўхтатиб туришга мажбур бўлган фақат биттагина ҳолат бўлганди. Парижда меҳмон бўлиб турган Россия президенти Борис Ельцин овқатни еб бўлмасдан жимгина стулдан турди-ю, ташқарига йўл олди. Суҳбат билан машғул бўлганига қарамасдан, ҳатто Ж. Ширак ҳам буни сезмасдан қолмади. Уй эгалити бурчи уни ҳам ўрнидан туришга ва олийнасаб меҳмон ортидан боришга мажбур қилди. Яна стол атрофига қовоғи солиқ ҳолда қайтиб келди ва юксак меҳмон тартибга кутилмаган тузатиш киритганлиги унга оғир ботганлигини заррача ҳам сездирмади.

Роппа-роса ўн яримда у яна бир қават юқорига кўтариларди, бу ерда у ёлғиз қоларди. Фақат эндигина у бир неча шахсий телефон қўнғироқлари қилиши мумкин эди. Бундай қўнғироқлар кундузги ўқилган хатларга жавоб бўларди.

Қарийб ҳар якшанба куни Ж. Ширак қайнонаси мадам де Курсиль хонадониди хотини, кичик қизи ва унинг эри, дзюдо бўйича собиқ чемпион Тьерри билан биргаликда тамадди қиларди. У жуда катта қизиқиш билан Шарқ санъатига оид китобларни ўқирди.

Ҳали ёшлик чоғларидаёқ Ж. Ширак шарқона санъат билан, айниқса африкалик примитивчиларнинг маҳоратини ўрганиш билан шуғулланарди. Яқинда Бернадетт ҳазиломуз тан олганидек, унинг уйи «эски-тускичининг дўкони»га ўхшаб қолганди. «Бизнинг президентимиз — примитив санъатнинг ғойбона ишқибози!» — дея ҳайрат билан эълон қилганди газеталардан бири, яширин ишқибозлик ошкор бўлганидан сўнг Президентнинг шахсий ётоқхонаси Африка, Океания, Жануби-Шарқий Осиё ва Жанубий Америкадан келтирилган суратлар, ҳайкалчалар, ниқоблар билан тўлиб кетган эди.

Ж. Ширакка Шарқ санъатига муҳаббатни, рус адабиётига бўлган қизиқишни унинг рус тили ўқитувчиси серб Деянович юқтирган эди. «Сербча» таъсир, кўринишидан сермаҳсул бўлган. Атрофдагилардан яширинча Ж.Ширак, французларнинг аксариятига фақат опера сифатидагина маълум бўлган «Евгений Онегин»ни таржима қилади. Анча саводли қилинган бу таржимани ноширлар юқори лавозимли амалдор-ишқибознинг тантиқлиги деб қарадилар ва табиийки, нашр қилмадилар. Ж. Ширак Елисей саройининг хўжайини бўлганидан кейин ноширларнинг қарашлари ўзгарди: шоир А.С. Пушкиннинг таржимони сифатидаги президент — бунда қан-

дайдир экзотика бор эди ва энди нашр аниқ даромад келтириши мумкин эди.

Шеърият ҳам, Шарқ санъатига бу қадар қизиқиш ҳам Ж. Ширак учун «махфий боғ»: у ўзининг қизиқишларини айнан ана шундай атайди. Санъатни Ширак баъзи бир олимлардан кўра яхшироқ билади. «Учинчи дунё» халқлари маданиятининг тарихини мукаммал билиши ўша мамлакатларнинг давлат арбоблари билан мулоқотда бўлишига ёрдам берарди: улар Ширак учун «ҳаммасининг кўриниши бир хил» эмас, у улар билан тенгма-тенг, ҳомийликларсиз ва шошилинч равишда «мутахассислар»нинг юзаки билимларидан фойдаланмаган ҳолда, ёрдамчиларсиз гаплашарди. Бугунги кунда шундай билими билан кўп ҳам президентлар мақтана олмайдилар. Ж. Ширакнинг ҳис қилиш қобилияти унга ўзгача қадриятларни ардоқловчи шериги билан устунлик оҳангида гаплашиш мумкин эмаслигини тушуниш имкониятини берарди. «Афсуски, — деган эди у бир сафар, — Хитойда қадимдан инсон жамиятга хизмат қилади, француз учун эса жамиятнинг инсонга хизмат қилишидан муҳимроқ нарса йўқ. Бу фарқни билмас эканмиз, биз карларнинг мусобаҳасига маҳкуммиз». Лекин бу демократиянинг ўзгармас қадриятларини у ўз билимларига қурбон қилиши мумкин, дегани эмас. Парижнинг мэри сифатида Хитойга келганида (1992 йил), у ўзининг пекинлик ҳамкасби билан, уни ҳам Тяньаньминь майдонидаги воқеаларда айбдор деб ҳисоблаганлари учун, учрашишдан бош тортди. 1989 йил уни Далай-лама билан учрашмасликка кўндирмоқчи бўлган Хитой элчисининг уринишларидан худди шу тарзда воз кечди.

Бу сингари ҳаракатлар — сиёсий амалдорларнинг тартибига риюя қилиш эмас, принципларга риюя қилишдир, бу принципларсиз виждонли одамнинг сиёсат соҳасида қиладиган иши йўқ. Бутун дунё Христофор Колумб томонидан Америка кашф этилишининг 500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётганида Ж. Ширак Испания қиролини, «даҳшатли геноцидни ва уч миллиондан зиёд одамнинг ўлимини келтириб чиқарган» воқеалар шарафига уюштирилаётган тантаналарда қатнашмоқчи эмаслиги ҳақида огоҳлантирган. Бошқа бирор киши шундай қилганида ҳаммани ҳайратта солиши мумкин бўлган бу ҳаракат, Ж. Ширак учун мутлақо табиий эди.

Ж. Ширак саёҳат қилишни яхши кўрарди, лекин жомадонларни йиғиштиришга чидай олмасди. Энди бундай муаммо унда йўқ, лекин бошқаси пайдо бўлган: у эгаллаб турган лавозим унинг дунё бўйлаб кезишини кескин чеклаб қўяётган эди. Сўнгги йилларда ўзининг таътилини барча французлар каби доимо августда, Брегансондаги президент вилласида ўтказди. Ҳамма жойда ҳозир у нозир бўлган журналистлар, Ж. Ширак олдин

ҳам, кейин ҳам эмас, аниқ ўн бир яримда пайдо бўлишини билган ҳолда, атрофдаги барларда уни кутиб турадилар. Бунгача у айвонда, камтарона нонушта қилиб, оилавий давра ва ҳеч қасбқа шошилмаслик имкониятидан ҳузурланган ҳолда узоқ вақт ўтиради. Кейин вилланинг эшиги очилади ва у ердан унча кўп бўлмаган кўриқчилар билан тўлиқ таркибдаги оила чиқиб келади. Ж. Ширакнинг ўзи набираси Мартен минган аравачани гилдиратиб (ҳозир у йигит бўлиб қолган), унинг ортидан хотини, куёви ва қизи шошилиб келадилар. Баъзан меҳмон бўлиб турган бирорта дўсти ҳам қўшилади.

Ҳеч қанақа тўсиқлар билан ҳимояланмаган пляжнинг ҳамма учун очиқ бўлган қисмида Ширакларни шезлонглар, пуфлаб шишириладиган матраслар, минерал сувлар, газеталар, журналлар, китоблар қўйилган столчалар кутиб туради. Журналистларга президент ва унинг оиласини, уларга жуда яқин келмасдан туриб, соатлаб суратта олишларига ҳеч ким халақит бермайди. Бироқ умуман олганда суратта оладиган ҳеч нарса йўқ. Фақат бир мартагина Ж. Ширак ўзининг кулгили кўриниши билан журналистларни хурсанд қилди — у пляжга шортик, қора пайпоқ ва шаҳарда кийиладиган пойафзалда йўл олди. Журналистларнинг хиралигига унинг жавоби ана шундай бўлди. Матбуот ўз президентининг ҳазилини муносиб баҳолади. Жанжал келиб чиқмади.

«Ширак соҳилда ҳеч нарса билан шуғулланмайди, фақат куёшда тобланади», — матбуотда журналистлардан бири шундай шикоят қилганди. Бу «ҳеч нарса» билан Ж. Ширак фақат журналистларни эмас, бу тарафларда тобора кўпайиб бораётган маҳаллий аҳоли ва дам олувчиларни ҳам афсуслантиради. «Жискард д'Эстен даврида қандай эди! — эслайди маҳаллий аҳолидан бири. — У бир ўзи, ҳеч қанақа кўриқчиларсиз, пуллик кортга теннис ўйнаш учун борар ва истаган ҳар бир кишига унинг рақиби бўлишини таклиф қиларди».

Ж. Ширак теннис ўйнамайди, у бунинг ўрнига атрофда сайр қилишни маъқул кўради, яқинидаги ибодатхонада ибодатга қатнашади, гоҳо у, гоҳо бу кафега кириб чиқади, соҳилда жуда ҳам кўп бўлган қулайгина ресторанчаларда овқатланади. Қизиқиш соҳаларининг кенглиги, гўёки бири-бирига ҳеч яқин бўлмаган соҳаларда ҳам кенг билимга эгалик — Франция президентини ажратиб турувчи бу жиҳатлар ўз меваларини берган. Ким билан, нима ҳақида суҳбат қилишидан қатъи назар, Ж. Ширак ўзини ҳаваскордек ҳис қилмайди ва ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтожлик сезмайди. Унинг кўп сонли мукофотлари қаторида Ҳарбий хоч, «Қишлоқ хўжалигидаги хизматлари учун» ордени, Санъат ва Адабиёт ордени каби мукофотларнинг ҳам борлиги ҳеч кимни ҳайратга солмайди. Уларнинг алоҳида ҳар қайсисига эга бўлганлар анча кўп, уларнинг барчасига эга бўлганлар

ундан бошқа йўқ, шекилли. Сиёсатшунослик фанлари доктори Жак Ширак асарларининг рўйхати жуда кенг: «Франция: танлаш вақти», «Умид учкунлари», «Ҳамманинг Францияси» ва бошқалар.

2007 йилнинг 16 май куни Жак Ширак сайловларда голиб чиққан Николя Саркозига Франция президенти лавозимини топширди.

*Европанинг илдизлари христианча бўлгани сингари, муслмонча ҳамдир.
(Жак Ширак)*

«ПРАГМАТИК КОНСЕРВАТОР»



ШТРЕЗЕМАН, ГУСТАВ (STRESEMANN, GUSTAV)
(10.05.1878, Берлин — 03.10.1929, Берлин)

Немис давлат ва сиёсат арбоби, Немис халқ партиясининг етакчиси, Аристид Бриан билан биргаликда «Локарно битимининг тузилишидаги роли ва кўп йиллик ишончсизликлардан сўнг Франция билан Германия ўртасидаги дўстона муносабатлар ўрнатилишидаги ҳиссаси учун» 1926 йилги Нобель тинчлик мукофотига сазовор бўлган.

Густав Берлинда, ресторан ва меҳмонхона эгаси оиласида дунёга келган. Ўсмирлик йиллари оилавий тадбиркорликда отасига ёрдам берган, кейинроқ эса оиладаги ягона ўғил сифатида гимназияга ўқишга юборилган. Кейинчалик адабиёт, санъат ва сиёсий иқтисодни Берлиндаги ҳамда Лейпцигдаги университетларда ўрганган. Фавқулудда адабий қобилиятларини намоён қилиб, Томас Морнинг «Утопия»си ва Штраус лирикасига танқидий мақолалар, Бисмарк ва Наполеон ҳақида тарихий асарлар ёзган. Турли хил кенгашлар ва тадбирларда талабалар уюшмасининг «расмий вакили» сифатида қатнашган.

1902 йили катта тадбиркорликнинг чакана савдога хужум қилиш воситаларини очиб берувчи шиша идишлардаги пиво савдосининг Берлинда ривожланиши ҳақида диссертация ёқлаб, докторлик илмий даражасини олади. Аспирантурани тугатганидан сўнг ўз келажагини тадбиркорлик олами билан боғлашга қарор қилади. Фаолиятини ҳали 1901 йилдаёқ Дрезденда Германия шоколад ишлаб чиқарувчилар уюшмасида бошқарувчининг ёрдамчиси сифатида бошлаган. Бир йилдан кейин Саноатчилар иттифоқининг бўлимида клерк бўлиб ишга ўтди. Ўзининг ташкилотчилик қобилияти ва

тиришқоқлигини намоён қилиб, икки йил ичида Иттифоқ аъзолари сонини 180 тадан 1000 тагача оширди.

Тадбиркорлик билан сиёсат ўртасида тўғридан-тўғри алоқа мавжудлигига қаттиқ ишонган Г. Штреземан ўз кучини сайланадиган лавозимларда синаб кўришга қарор қилади. Дрезден муниципалитетига сайловларда ўз номзодини кўйди ва 1906 йили ғолиб чиқди, 1907 йили эса Рейхстаг депутаты бўлди. 1917 йили миллий-либерал партиянинг етакчисига айланди.

Дрезденда берлинлик саноатчининг қизи Кет Клефельдга уйланади. Биографларидан бирининг фикрига кўра айнан хотинининг қўллаб-қувватлаши туфайли у ўз интеллекти ва куч-қувватини бир мақсадга сиёсий юксалишга қаратишга эриша олган. Айни вақтда уни саксониялик Саноатчилар иттифоқининг директори этиб тайинлашади. Шу пайтнинг ўзида Г. Штреземан «Саксония саноати» («Sachsische Industrie») газетасида муҳаррирлик ҳам қиларди. Миллий-либерал партия аъзолари орасида тез кўтарилиб бораётган Штреземан, Германиянинг денгиз орти савдосини кенгайтириш учун муҳим ҳисобланган кучли флот яратишга уринарди. Юраги касаллиги сабабли Биринчи жаҳон уруши вақтида ҳарбий хизматдан озод қилинган Г. Штреземан таниқли парламент арбоби бўлди. Ўзининг фавкулудда баҳслашиш қобилияти ёрдамида у чекланмаган сув ости урушини ёқлаб чиқади, 1917 йили эса Штреземан ўзи келажаги йўқ деб ҳисоблаган канцлер Теобальд фон Бетман-Гольвег ҳукуматини қулатишда қатнашган. Ўша йили Г. Штреземан ўз партиясини бошқара бошлаган. У кескин ҳарбий ҳаракатлар тарафдори бўлса ҳам, шунга қарамасдан Рейхстагдаги сафдошларига Германия тинчлик шартларидан воз кечмаслиги кераклигини эслатиб турарди.

1918 йилнинг августида Германия фронтда яккаланиб қолган, флотда исёнлар кўтарилган эди. 1918 йилнинг ноябрида герман ҳукумати ярашишни таклиф қилади, ана шундан кейин Кайзер Вильгельм II ҳокимиятдан воз кечди. 1919 йилнинг май ойида Г. Штреземан ва бошқа немис сиёсатчилари янги Германия конституциясини расмийлаштириш учун Веймарда учрашадилар. Уч йил парламент муҳолифатини бошқарганидан кейин, 1923 йили у Германия канцлери этиб сайланади. Коалицион ҳукумат тўрт ойдан камроқ ҳокимиятда турди, лекин Г. Штреземан Саксонияда коммунистик инқилобга нисбатан қаттиқ чоралар кўришга, Баварияда гитлерчилар исёнидан кейин тартиб ўрнатишга, немис пулини барқарорлаштириш бўйича бир қатор қадамлар кўйишга улгуради. Г. Штреземаннинг қатъий ҳаракатларидан хавотирга тушган социал-демократлар коалициядан чиқадилар, В. Маркс канцлер бўлади; Г. Штреземан ташқи ишлар министри лавозимига тайинланади ва умрбод ана шу ишда қолади. Кучга таянган сиёсатдан ҳафсаласи пир бўлган Г. Штреземан фақат кўшнилари билан муноса-

батлари яхшиланган тақдирдагина Германия ўз иқтисодини тиклаши ва 1919 йили унинг ўзи қарши овоз берган Версаль шартномасининг қаттиқ шартларини юмшатиш мумкинлигини англаб ета бошлади.

Версалда иттифоқчилар тўланадиган товон миқдорини 35,5 миллиард доллар қилиб белгиладилар. Қарз жуда катта бўлиб чиқди ва 1923 йили Германия уни тўлашни тўхтатди. Бунга жавобан француз қўшинлари Германия иқтисодининг юраги бўлган Рурни эгаллаб олди. Бир йилдан кейин иттифоқчилар тўловлар масаласини қайтадан кўриб чиқиш учун Лондонда тўпланадилар, халқаро комиссиянинг таклифларини Чарльз Дауэс эълон қилди. Германиянинг вакили бўлган Густав Штреземан иттифоқчиларнинг қўшинларини Рурдан олиб чиқиш ва миллий қарзни қайта кўриб чиқиш ҳақида музокаралар олиб боради. Бу чоралар Германия ҳукуматига АҚШдан қарз олиш ва иқтисоднинг тикланишини тезлаштириш имконини берди. 1923 йил 13 августда Г. Штреземан Германиянинг коалицион ҳукуматини бошқара бошлаган. Қатъий ҳокимият тарафдори бўлган Штреземан ҳам сўллар, ҳам ўнглларнинг экстремистик кучлари томонидан мавжуд тузумга қарши ҳаракатларни тўхтатди (масалан, Саксония ва Тюрингиядаги коммунистик исёнларни бостирди, 1923 йили Мюнхенда гитлерчиларнинг «Пиво исёни»ни тўхтатди). Социал-демократлар коалицион ҳукуматни тарк этганларидан кейин Г.Штреземан 1923 йил 23 ноябрда истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

«Дауэс режаси» яратган ўзаро яхши муносабатлар муҳитида 1925 йили Г. Штреземан Франция ҳукуматига баёнот берди, унда француз-герман чегарасига инглиз-француз-герман кафолатларини ўрнатишни таклиф қилди. Октябрь ойида Штреземан Франциянинг ташқи ишлар министри Аристид Бриан ва Англия ташқи ишлар министри Ж. Остин Чемберлен билан Локарнода (Швейцария) учрашди. У ерда имзоланган битим шартларига кўра (Локарно битими) Франция, Германия ва Бельгия мавжуд чегараларни куч билан ўзгартирмасликка келишдилар; Италия ва Буюк Британия Рейн областининг эркинлигини кафолатлади, Германия Миллатлар Лигасига қабул қилинди. Берлинга қайтиб келгач, Г. Штреземан, битим Германиянинг баҳсли чегараларни тан олишини англмаслигини, уни қуролли тажовуздан ҳимоя қилиш мақсадида тузилганлигини айтиб, ички муҳолифатни тинчлантирди.

Ўзининг тинчлик сиёсатини давом эттирар экан, Г. Штреземан Совет Иттифоқи билан бетарафлик ҳақидаги шартномани тайёрлай бошлади. 1926 йилнинг апрель ойида имзоланган шартнома ҳар бир давлатдан сиё-

сий иттифоқларда иштирок этмаслик ва бошқа давлатга қарши иқтисодий бойкотда қатнашмасликни талаб этарди. Сентябрда Штреземан, соғлиги ёмонлашганлигига қарамасдан, Миллатлар Лигаси сессиясида Германия делегациясини бошқарди.

Густав Штреземан 1926 йилги Нобель тинчлик мукофотини Аристид Бриан билан бирга олди. Ўзининг «Янги Германия» деб аталган Нобель мукофотини олиш нутқида у савол беради: «Германиянинг сўнгги йиллардаги ривожланиши тинчлик сиёсати учун бериладиган мукофотга лойиқми?». Штреземаннинг фикрича, бу саволга Германиянинг тотувлик сиёсати моҳиятининг ўзи жавоб бўлади. Бу сиёсат Локарно битимида ва бошқа келишувларда ўз ифодасини топган.

Врачларнинг огоҳлантиришларига қарамасдан, Г. Штреземан министрлик лавозимида қолди. У товон тўловларини икки баробар қисқартирган ва Рейн областидан қўшинлар чиқарилишининг санасини белгилаб берган «Юнг режаси» имзоланган вақтга қадар яшади. Г. Штреземан шартнома кучга киришидан бир йил олдин, 1929 йили 3 октябрда Берлинда вафот этди. Унинг ўлимидан сўнг Немис халқ партияси ўнг тарафга оғиб кетди, бу эса Германияда нацизм ғалаба қозонишидан дарак беради.

Г. Штреземанни «прагматик консерватор» деб атаган америкалик тарихчи Генри Тэрнер шундай деган: «Бутун фаолияти давомида унинг мақсадлари кенг маънода консерваторлар деб аташ мумкин бўлган немисларнинг мақсадлари билан мос келган: бу давлатнинг қудратини тиклаш, инқилобга қадар мавжуд бўлган иқтисодий ва ижтимоий тартибни илжори бориша гуллаб-яшнатиш ва асраб қолиш». Бошқа томондан, дейди Тэрнер, «ўзининг кўпгина консерватив ватандошларидан фарқи ўлароқ Штреземан, прагматик сифатида, бу мақсадларга етиш учун сиёсий воситаларни танлашда уддабуронроқ бўлишга интиларди».

Биз қоронғуликни ёруғликка айлантирувчи авлодга мансубмиз. Бу сўзлар бизнинг кунларимизда ҳам адолатли бўлиб қолсин. (Густав Штреземан)

ИШЧИ ЛИБОСИДАГИ АВЛИЁ



ШУМАН, РОБЕР (SCHUMAN, ROBER)
(29.06.1886, Люксембург — 04.09.1963, Си-Шазель)

Франциянинг давлат арбоби. Шуманнинг сиёсий фаолияти 1919 йилда, Мозель департаментидан Франция Миллий Кенгашига депутат қилиб сайланишидан бошланган (у қарийб 40 йил давомида бу департаментнинг парламентдаги вакили бўлган).

Робер Шуман Люксембургда туғилган ва Пруссиянинг назоратидаги Мецда улғайган. Биринчи жаҳон уруши даврида кайзер армиясида хизмат қилган, Франция Эльзас ва Лотарингияни қайтариб олганида унинг фуқаролиги автоматик тарзда ўзгарди. 1947 йили Франция премьер-министри бўлганида ҳам у ҳали немисча талаффуз билан гапирарди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Р. Шуман католик черкови қавмларини бирлаштирувчи Халқ республикачилар партиясини ташкил қилишда иштирок этади. 1946—1947 йилларда Ж. Бидо ва П. Рамадье ҳукуматларида молия министри сифатида инфляциянинг ўсишини тўхтатишга уринди. У 1947 йилнинг ноябридан 1948 йилнинг июлига қадар тобора ўсиб бораётган иқтисодий қийинчиликлар ва кенг иш ташлашлар даврида Франция премьер-министри бўлган. 1948—1952 йиллари Ташқи ишлар министри, 1955—1956 йилларда — Юстиция министри, 1958 йилдан 1960 йилгача у Консултантив Ассамблеянинг ва Европа Кенгашининг раиси.

Р. Шуман 1950 йил 9 майдаги нутқида (машҳур Шуман Декларацияси) «биринчи ва шошилиш қадам сифатида Франция ҳукумати Франция ва Германиядаги барча кўмир ва пўлат ишлаб чиқарилишини, унда Европанинг бошқа мамлакатларининг иштирок этиши учун ҳам йўл очадиган ягона ташкилот назорати остига беришни таклиф қилади. Кўмир ва пўлат ишлаб чиқаришни бирлаштириш иқтисодий тараққиёт учун умумий асос яратади ва ҳарбий саноат учун база бўлган ҳамда уруш қурбонлари бўлган ҳудудларнинг тақдирини ўзгартиради. Саноатни бирлаштириш Франция билан Германия ўртасидаги ҳар қандай урушни маъносиз қилиб қолмасдан, амалий жиҳатдан иложсиз ҳам қилиб қўяди. Бошқа мамлакатлар учун ҳам очик бўлган ишлаб чиқариш тизими уларнинг иқтисодий бирлашишлари учун реал асосни яратади. Асосий ишлаб чиқаришнинг умумий раҳбарлик остида бирлаштирилиши Франция, Германия ва бошқа давлатлар учун тинчликни сақлаш маъносида тушуниладиган Европа бирлиги йўлида қўйилган биринчи ҳақиқий қадам бўлади», — дейди у.

Бугунги кунда 9 май Европа Иттифоқининг «туғилган куни» ҳисобланади ва бу сана ҳар йили Европа Куни сифатида нишонланади.

1951 йил 18 апрелда Парижда Европа кўмир ва пўлат ҳамкорлиги (ЕКПХ) шартномаси имзоланди, бу ҳамкорликнинг штаб-квартираси Люксембургда жойлашди. Битимни олтига мамлакат — ГФР, Бельгия, Франция, Италия, Люксембург ва Нидерландия имзолади. Бу битим 1952 йил 23 июлда кучга кирди ва роппа-роса 50 йил амал қилди.

Европа ҳамкорлигининг навбатдаги босқичи 50-йилларнинг охирида Рим битимларининг имзоланиши бўлди. 1957 йилнинг 25 мартида Римда ЕКПХ имзоланишида қатнашган давлатлар томонидан Европа иқтисодий ҳамкорлиги (ЕИХ) ва атом энергияси бўйича Европа ҳамкорлиги (Евратом) тузиш ҳақидаги шартномалар имзоланди. Бу битимлар 1958 йил 1 январдан кучга кирган. Р. Шуманнинг Европа доирасида металлургия ва кўмир саноатларини бирлаштириш режаси ҳозирги Европа Иттифоқига асос бўлди. Унинг вазифаси Европани аста-секинлик билан тўлиқ иқтисодий бирлаштириш эди.

Р. Шуман 1963 йил 4 сентябрда Си-Шазельда 77 ёшида вафот этди.

У зоҳидона ҳаёт кечирган, фақат тухум ва кўкатлар (салат) истеъмол қилган, ҳар куни эрталаб Муқаддас Қалб Хизматкорлари ибодатхонасида диний сафланиш маросимида қатнашарди. Бу ибодатхона уйининг яқинида жойлашганди. У уйланмаган. Германиянинг собиқ канцлери Конрад Аденауэр уни «ишчи либосидаги авлиё» деб атаган эди.

КОНЦЛАГЕРДА САҚЛАНГАН КАНЦЛЕР

ШУШНИГ, КУРТ АЛОИС ЙОЗЕФ ИОГАНН ЭДЛЕР ФОН
(нем. KURT ALOIS JOSEF JOHANN EDLER VON
SCHUSCHNIGG) (14.12.1897, Рива-дель-Гарда, Австро-
Венгрия — 18.11.1977, Инсбрук, Австрия)

Австрия канцлери. Гарда кўли яқинидаги Ривада дунё-га келган (ҳозирги вақтда Шимолий Италия худуди). Иезуитлар мактабида таълим олган. Биринчи жаҳон уруши йиллари итальян фронтини жанг қилган, асирга тушган. Урушдан сўнг юридик маълумот олган. Христиан-социалистик партиясининг етакчиси И. Зейпелнинг эътиборини ўзига қарата олган. И. Зейпель 1927 йили унинг парламентга сайланишига кўмаклашди.



Шушнинг Фрейбург ва Инсбрук университетларида юридик маълумот олган. Биринчи жаҳон урушида австро-венгер армиясида жанг қилди. Урушдан кейин Инсбрукда адвокатлик қилган ва Христиан-социал партиясига кир-

ган, 1927 йили эса парламентнинг қуйи палатаси (Национальрат)га сайланди.

1932 йили канцлер Энгельберт Дольфус К.Шушнингни Юстиция министри этиб тайинлади, 1933 йили у Маориф министри бўлди. 1934 йили Э. Дольфус ўлдирилганидан кейин унинг ўрнига Австрия федерал канцлери бўлди.

1938 йилнинг февралида нацистлар Германиясининг Австрияга ҳужум қилиш хавфи остида Шушнинг Берхтесгаденга келди, у ерда Адольф Гитлернинг таъйиқи остида ультиматумга имзо чекди. Унга биноан Австрияда ҳокимият нацистларга берилиши, нацистлар партияси аъзоси, веналик адвокат Артур Зейсс-Инкварт эса ички ишлар министри бўлиши керак эди.

1938 йилнинг 9 мартада нацистларни ҳайратга солиш ва бутун дунё жамоатчилигига австрияликлар мустақил бўлиб қолишни хоҳлашларини кўрсатишга умид қилган Шушнинг 1938 йил 13 март, якшанба кунида плебисцит ўтказилишини эълон қилди. 1938 йил 11 март куни истеъфога чиқишга мажбур бўлди, 12 март тонг пайтида эса Германия қўшинлари Австрияга кирдилар. Собиқ канцлер К.Шушнинг бир неча ҳафта гестапонинг Морцинплацдаги қароргоҳида ҳибсда сақланди, у ерда унга жуда қўпол муомала қилдилар, кейин эса концлагерга жўнатдилар. 1941 йилдан 1945 йилнинг майига қадар К. Шушнинг Дахау ва Заксенхаузен концентрацион лагерларида сақланди. Қамоққа олинганидан кейин кўп ўтмасдан унга собиқ графиня Вера Чернин билан никоҳдан ўтишга рухсат бердилар. Урушнинг сўнгги йилларида Вера К.Шушнинг ва 1941 йили туғилган ўғиллари билан биргаликда концлагерда яшади.

1956 йили Америка фуқаролигини олган К.Шушнинг Сент-Луис университетининг профессори бўлди.

1967 йили Австрияга қайтиб келди, 1977 йили Инсбрукда вафот этди.

САРОҶДАН ЧИҚҚАН ПРЕЗИДЕНТ



ЭБЕРТ, ФРИДРИХ (EBERT, FRIDRIN)
(04.02.1871, Гейдельберг — 28.02.1925, Берлин)

Германиянинг сиёсий ва давлат арбоби, герман социал-демократларининг ўнг етакчиларидан бири, Веймар Республикасининг биринчи президенти. Касби саррожлик (эгар-жабдуқ устаси) эди. 1889 йилдан Германия социал-демократик партияси (ГСДП) аъзоси. 1905 йили бошқарув аъзоси этиб сайланган, 1913 йили ГСДП бошқаруви раисларидан бири бўлган. 1912 йилдан рейхстаг депутаты, 1916 йилдан рейхстагдаги социал-демократлар фракциясини бошқарган. Биринчи жаҳон уруши даврида, 1914—1918 йилларда социал-шовинистик позицияни эгаллаган.

1918 йилги Ноябрь инқилоби вақтида шаҳзода Макс Баденскийдан (9 ноябрда) рейхсканцлер лавозимини қабул қилган; 10 ноябрда ҳукумат бошлиқларидан бири — халқ вакиллари кенгаши раиси бўлди; олий ҳарбий кўмондонлик вакиллари билан Берлинга ҳарбий қисмларни киритиш ҳақида яширин битим тузган (10 ноябрь). 1919 йилнинг январидан Эберт-Шейдеман ҳукумати Берлин пролетариатининг инқилобий чиқишларини бостиради. 1919 йилнинг февралдан — Германия президенти.

Касби бўйича саррож бўлган Фридрих Эберт тез орада ўзининг устахонасидаги ишини ташлади ва тўлалигича саррожларни бирлаштириш бўйича касбий фаолиятга берилди. 1900 йилларнинг охирида Бремендаги социал-демократлар газетасининг муҳаррири этиб тайинланади ва ана шу вақтдан бошлаб очикдан-очик партиянинг ислохотчи элементлари тарафида бўлади. 1905 йили Германия социал-демократик партиясининг Иен съездида Ф. Эберт ўзининг кучли ташкилотчилик қобилияти туфайли партиянинг марказий комитетига сайланади. Ана шу пайдан бошлаб унинг А. Бебель билан ҳамкорликда ишлаши бошланади. А. Бебель касалланиб қолганидан сўнг амалда партиянинг бутун ташкилий ишлари Ф. Эбертнинг қўлига ўтади. Ўз фаолиятининг ана шу даврида у партиянинг оппортунистик қанотини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. 1912 йили Рейхстагга ўтказилган сайловларда Ф. Эберт раҳбарлигидаги социал-демократлар партияси либераллар билан ҳамкорлик қила бошладилар. Биринчи жаҳон урушининг биринчи кунларидан бошлаб у иккиланмасдан Германия империализми тарафида бўлади, Германия ҳукуматининг барча ҳарбий тадбирларини қўллаб-қувватлайди. Вильгельм монархиясининг охириги кунларида Марк Баденский ҳукумати таркибига инқилобнинг олдини олиш мақсадида киради. 1918 йилги Ноябрь инқилоби даврида рейхсканцлер лавозимини эгаллади. Ўзининг ишчилар синфига қарши қаратилган дадил ҳаракатлари билан у сўзсиз буржуазиянинг ишончини қозонди ва 1919 йилнинг февралда Веймар Республикасининг вақтинча президенти этиб тайинланди. Веймар конституциясининг 48-моддасига биноан умумхалқ президентлик сайловлари бекор қилинган бўлиб, Ф. Эберт президентлик лавозимини эгаллади. Унинг ваколат муддати 1925 йилнинг 30 июнига қадар эди. У эҳтиёткорона, лекин қатъий сиёсат юритган ҳолда мамлакатдаги коммунистик чиқишларни ҳам, Капп исёнини ҳам (1920); шунингдек, фашистларнинг «Пиво кўзғолони»ни ҳам бостира олди.

Президентлик вақтида у ишчилар синфини тинчлантириш ва буржуача тартибларни киритиш сиёсатини олиб борди. 1923 йили берлинлик ишчилар уни ишчилар синфининг душмани сифатида партиядан ва касаб аюшмаларидан чиқарилишини талаб қилдилар.

Ф. Эбертнинг президентлиги урушда мағлубиятга учраган Германияда огир асоратлар қолдирган иқтисодий инқироз ва сиёсий нотинчлик даврига тўғри келди. Уни коммунистлар ишчиларга қарши қаратилган радикал чоралар қўллаганликда (жумладан, сўл коммунистик «Спартак Иттифоқи» кўзғолонини бостиришда армиядан фойдаланганликда) ва бу билан пайдо бўлаётган нацизмни билвосита қўллаб-қувватлашда айблаганликларига қарамасдан, Ф.Эбертнинг ўзи демократия тарафдори эди. Ўзининг ворислари Гинденбург ва Гитлер сингари ўз лавозимида туриб, 1925 йили 28 февралда вафот этган.

Фридрих Эбертнинг ўғли кичик Фридрих Эберт Иккинчи жаҳон урушидан кейин Германия Демократик Республикасини яратишда фаол қатнашган.

Шу ерда, Веймарда, биз империализмдан идеализмга, буюк давлатчиликдан маънавий буюкликка ўтишни амалга оширмоғимиз керак. Веймар руҳи, буюк файласуфлар ва шоирлар руҳи қайтадан ҳаётимизни безамоғи лозим.

(Фридрих Эберт)

ПРЕЗИДЕНТ — ГЕНЕРАЛ



ЭЙЗЕНХАУЭР, ДУАЙТ ДЭВИД
(ингл. EISENHOWER, DWIGHT DAVID) (14.10.1890, Денисон
(Техас штати) — 28.03.1969, Вашингтон)

АҚШнинг 34-президенти. У туғилганидан сўнг кўп ўтмасдан оила Абилинга (Канзас штати) кўчиб ўтади ва у ўша ерда ўрта мактабни тугатади. 1910 йилнинг октябрида Уэст-Пойнтдаги ҳарбий академияга имтиҳон топширади ва 1911 йил июлда унинг тингловчиси бўлди. 1915 йили ўқишни тугатганидан кейин Сан-Антониода (Техас штати) жойлашган 19-пиёдалар полкига юборилади. АҚШ давлат ва ҳарбий арбоби, армия генерали (1944). 1935—1939 йиллари — Филиппинда ҳарбий маслаҳатчи. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий режалаштириш бошқармаси ва армия штаби

оператив бошқармасининг бошлиги. 1942 йилнинг июнида — Европадаги АҚШ қўшинларининг кўмондони, 1942 йилнинг ноябридан Шимолий Африкадаги ва Ўрта Ер денгизидagi иттифоқчи қўшинлар Бош кўмондони, кейин эса Олий Бош кўмондон. 1943 йилнинг декабридан Ғарбий Европадаги иттифоқчи экспедицион қўшинларнинг Олий Бош кўмондони. 1945—1948 йиллари — АҚШ армияси штаб бошлиғи. 1950—1952 йиллари — НАТОнинг Европадаги қуролли кучлари Олий Бош кўмондони. 1953—1961 йиллари — АҚШ президенти.

Дуайт Эйзенхауэрнинг болалик ва ўсмирлик йиллари Канзас штатидаги Абилин шаҳарчасида ўтди, унинг ота-онаси — Дэвид ва Айда Стовер Эйзен-

хауэрлар бу ерга 1891 йили Техасдан иш излаб келган эдилар. 1909 йили ўрта мактабни тугатганидан кейин Д. Эйзенхауэр Уэст-Пойнтдаги ҳарбий академияда таълим олишни давом эттирди (1911—1915). Биринчи жаҳон уруши вақтида Кэмп-Колтдаги (Пенсильвания штати) ҳарбий корпус базасига командирлик қилди. 1922 йили Панама канали ҳудудида жойлашган 20-пиедалар батальони командирининг ёрдамчиси этиб тайинланди. 1924 йили қуруқликдаги қўшинлар бошқарув штаби мактабини тугатди. Ҳарбий ёдгорликлар бўйича комиссия аъзоси сифатида Франциядаги жанг майдонлари рўйхатини тузди. 20-йилларнинг охирида Эйзенхауэр ҳарбий министр ёрдамчисининг ходимлари таркибига киритилади, у ерда уч йил ишлаганидан кейин генерал Д. Макартурнинг қуруқликдаги қўшинлари штаб бошлиғининг ёрдамчиси бўлди. 1935 йилдан у билан биргаликда Филиппинда хизмат қилган. 1940 йили АҚШга қайтиб келганидан сўнг 3-дивизиянинг ва 9-армия корпусининг, кейин эса 3-армиянинг ҳам штабини бошқарди. Унвони аввалига полковникликкача, кейин эса бригада генералигача кўтарилган. АҚШ Иккинчи жаҳон урушига қўшилганидан кейин Д. Эйзенхауэр штаб бошлиғи Ж. Маршалл аппаратида ишлайди, у ерда режалаштириш бўлимини бошқаради ва генерал-майор унвонига эришади. Буюк Британияга қилган танишув ташрифидан кейин Европадаги АҚШ қўшинлари қўмондони этиб тайинланади. Франция Шимолий Африкасида «Машғала» операциясига раҳбарлик қилади. У ерга 1942 йил 8 ноябрда иттифоқчилар қўшинларининг туширилиши қисқагина қаршиликка дуч келди ва вишистлар (Шимолий Франция фашистлар томонидан босиб олингандан сўнг Жанубий Францияда вужудга келган коллаборационистик ҳукумат. 1940—1945 йиллари фаолият юритган. 1940 йили Миллий мажлис йиғилиши ўтказилган курорт шаҳар Виши номидан олинган) билан битимга келишув бутун француз Шимолий Африкаси устидан назорат ўрнатилишига олиб келди. Бундан кейин иттифоқчиларнинг қўшинлари Сицилияга (1943 йил 10 июль) ва Италиянинг қитъадаги қисмига (1943 йил 3 сентябрь) бостириб кирдилар.

1943 йилнинг декабрида Д. Эйзенхауэр иттифоқчиларнинг Европадаги махсус қўшинлари Бош қўмондони этиб тайинланди. У иттифоқчиларнинг энг йирик ҳарбий ҳаракати — 1944 йил 6 июнда Нормандияга қўшин тушириш билан бошланган Францияни озод қилишига бошчилик қилди. Унинг қўмондонлиги остидаги қуроли кучлар, жон-жаҳдлари билан кўрсатилган қаршиликни енгиб ўтиб, 18 июлда Сен-Лога кирди, 15 августда эса Жанубий Францияга десант туширилди. 25 августда Парижнинг озод қилиниши урушининг тез орада тугашидан хабар бераётгандек туюлган эди, лекин немис қўшинларининг 16 декабрда Арденда

қарши ҳужумга ўтиши иттифоқчиларни ғафлатда қолдирди. Иттифоқчиларнинг қўшинлари 1945 йилнинг 6 мартдагина Рейн дарёсидан ўтишга муваффақ бўлдилар.

Уруш тугаганидан сўнг Д.Эйзенхауэр Германия бўйича комиссия ишида қатнашди ва 1945 йилнинг ноябрида АҚШга қайтиб келгандан сўнг қуруқликдаги қўшинлар штаб бошлиғи этиб тайинланди.

1945 йилнинг август ойида маршал Г.К. Жуковнинг шахсий таклифи билан Москва ва Ленинградга ташриф буюрди. Ўз эсдаликларининг «Россия» бўлимида Қизил Майдонда Физкультурачилар кунининг нишонланиши муносабати билан И.Сталин томонидан Мавзолей минбарига таклиф этилганини ҳикоя қилиб Д.Эйзенхауэр шундай ёзади: «Спортчиларнинг чиқишлари давом этган беш соат давомида биз минбарда турдик... Генералиссимус ҳеч қандай чарчаш аломатларини сездирган эмас. У мени ўзининг ёнида туришга таклиф этди ва биз бутун байрам давомида тўхталишлар билан таржимон ёрдамида суҳбатлашиб турдик. Россия билан АҚШ дўст қолиши муҳим эканлигини у бир неча марта такрорлади. «Биз Американинг ёрдамига муҳтож эканлигимизнинг кўпгина йўналишлари бор, — деди у. — Бизнинг вазифамиз урушдан жиддий жабр кўрган рус халқининг яшаш даражасини кўтаришдан иборат. Биз сизларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий ютуқларингиз ҳақида ҳамма нарсани билишимиз керак. Биз, шунингдек, машинасозлигимиз ва қурилишимиз борасидаги муаммоларимизни ҳал этишда ёрдам беришлари учун сизнинг мутахассисларингиздан фойдаланишимиз лозим. Биз бу масалаларда сиздан орқада эканлигимизни биламиз ва сизлар бизга ёрдам беришингиз мумкинлигини ҳам биламиз». Бу фикрни у бутун суҳбат давомида сақлаб қолди, айти вақтда мен уни шунчаки ҳамкорлик билан чекланса керак деб кутган эдим».

Германия таслим бўлганидан кейин, Америка оккупацион қўшинларига бошчилик қилган (1945 йил май — ноябрь) Д. Эйзенхауэр Маршал Г.К. Жуков билан дўстона муносабатларини сақлаб қолди ва совет-америка ҳамкорлигини давом эттириш имкониятига ишонарди. Советларнинг «Ғалаба» ордени билан мукофотланган генерал Д. Эйзенхауэрнинг «совуқ уруш» тарафдорига айланиши унинг Америка армияси штаби бошлиғи лавозимида бўлиш даврининг (1945—1947) охирига келиб юз берди. НАТО бирлашган қуроли кучларининг биринчи Бош қўмондони сифатида (1950 йил октябрь — 1952 йил июнь) Ғарбий Германияни қайта қуролантиришдаги ва уни кейинчалик ана шу ҳарбий-сиёсий уюшмага киришга тайёрлашдаги ҳал қилувчи ролни, у ўйнаганди. 1948 йилнинг июнь

ойида Д. Эйзенхауэр Колумбия университетининг ректори этиб сайланди. 1951 йили президент Г. Трумэннинг ташаббуси билан НАТО қуролли кучлари бошлиғи бўлди. 1952 йилнинг июнь ойида истеъфога кетди ва Республикачилар партиясидан президентлик лавозимига номзодини қўйиш кампаниясини бошлади. Чикагодаги республикачиларнинг июль йиғинида овоз беришнинг биринчи босқичидаёқ номзоди қўйилди. Д. Эйзенхауэр ва вице-президентлик лавозимига номзод Р.Никсон, демократлар Э. Стивенсон ва Ж. Спаркманларни енгиб, қарийб 34 миллион овоз олди. Сайловолди ваъдасини бажариб, Эйзенхауэр Кореяга, у ердаги аҳвол билан танишиш учун борди. 1953 йил 5 мартда И. Сталиннинг ўлими, шунингдек, АҚШ янги маъмуриятининг катта ҳаракат эркинлигига эгаллиги 1953 йил 27 июлда ярашувга эришишни ва Корея билан ҳарбий асирлар алмашинувини енгиллаштирди. 1954 йили республикачи-сенатор Ж. Маккарти, федерал ҳукумат ва армия коммунистлар билан тўлиб кетган деб, президентни айблади. Д. Эйзенхауэр Ж. Маккартининг танқидларига эътибор бермади, 1954 йилнинг охирида Ж. Маккартига Сенатнинг танбеҳи берилди. 1954 йилги сайловлар натижасида демократлар Конгресснинг ҳар иккала палатаси устидан назоратга эга бўлдилар.

1955 йилнинг июлида президент Женевада Буюк Британия, Франция ва СССР раҳбарлари билан олий даражадаги учрашув ўтказди. Бу учрашувлар давомида у умумий қуролсизланиш ва ҳаводан назорат қилиш учун текширувлар тизимини таклиф қилди. Д. Эйзенхауэр ва давлат котиби Ж. Даллес савдо тўсиқларини олиб ташлаш, халқаро ёрдам бериш ва мудофаа иттифоқлари тузиш йўли билан коммунистик босқинни тўхтатиб қолишга уриндилар.

Д. Эйзенхауэр ва унинг кабинети бюджетни барқарорлаштиришга, солиқларни пасайтиришга ва федерал ҳокимиятнинг бир қатор ваколатларини штатларга қайтариб беришга уриндилар. Бироқ ошиб бораётган нархлар, халқаро мажбуриятлар ҳамда ҳукуматга қўйилаётган сиёсий ва ижтимоий талаблар федерал харажатларнинг оширилишини амр қилишда давом этарди. 1954 йили қабул қилинган қонун солиққа тортиш тизимида бир қатор ўзгартиришлар киритди, лекин солиқларнинг сезиларли камайрилишига олиб келмади.

1955 йилнинг сентябрида Д. Эйзенхауэр Денверда (Колорадо штати) дам олаётганида инфарктни бошидан кечирди. У январда ўз вазифасини бажаришга қайтиб кела олди ва февралда, агар соғлиғи йўл қўйса, иккинчи муддатга ҳам номзодини қўйишини эълон қилди. Июнда, ичакларининг операция қилиниши муносабати билан, президентнинг соғлиғи

яна ёмонлашди. Лекин республикачилар кенгаши томонидан яна унинг номзоди қўйилди ва овозларнинг аксариятини олган ҳолда сайловларда энгиб чиқди.

Президентлигининг иккинчи муддати бошларида Эйзенхауэрнинг обрўи пасайиб кетди. Буни келтириб чиқарган омиллар қаторида СССРнинг фазовий йўлдошларни учиринишдаги муваффақиятлари, 1957—1958 йиллардаги иқтисодий инқироз ва президентнинг бош ёрдамчиси номига айтилаётган кўплаб айбловлар бор эди. 1957 йилнинг сентябрида Литл-Рокдаги (Арканзас штати) мактабда ирқий камситишга барҳам бериш учун федерал қўшинларни жўнатганидан сўнг Жанубда ҳам унинг обрўси пасайиб кетди. 1958 йилнинг ноябридаги Конгрессга сайловлар давомида Республикачилар партияси мағлубиятга учради. Улар Конгресснинг ҳар иккала палатасида ўзларидан қарийб икки баробар устунликка эришган демократларга Сенатда 14 та ўрин, қўйи палатада 41 та ўрин ва 9 та губернаторлик лавозимини ютқазди. Конгресс 1959—1961 йиллари либерал қонунлар қабул қилиши кутилганди ва, ҳатто президент уни «Исрофгарлар Конгресси» деб атаганди. Д. Эйзенхауэр демократларнинг етакчилари билан имкони бўлган барча ҳамкорликлардан фойдаланган ҳолда, ўз сиёсий йўлини давом эттира олди. 1959 йили Аляска ва Гавайини АҚШга штатлар сифатида қўшиб олиш масаласи ҳал қилинди. Демократик Конгресс билан келишув 1959 йилнинг июни, Сенат савдо министри лавозимига Л. Стросснинг номзодини тасдиқлашдан воз кечганида бузилди.

1959 йилги тинчлик даври учун рекорд бўлган бюджет дефицитидан кейин президент 1960 йилги барқарор бюджетга эришиш учун қатъий позицияни эгаллади. У даромадлар йўл қўйиши мумкин бўлганидан кўпроқ харажат қилишга уринишларга қатъий қарши чиқди ва бу масалани, шунингдек, бундан кейинги инфляциянинг олдини олишни ўз маъмуриятининг охириги йилидаги марказий ички сиёсий масаласига айлантирди.

1959 йилнинг май ойида АҚШ, Буюк Британия, Франция ва СССРнинг ташқи ишлар министрлари Берлин муаммосини ҳал этиш учун учрашдилар. Женевада 10 ҳафта мажлис ўтказганларидан кейин, учрашувларни давом эттириш ҳеч қанақа натижа бермаслиги маълум бўлди. Лекин СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар совет премьер-министри ўринбосарларининг АҚШга боришлари ва 1959 йилнинг июлида вице-президент Р. Никсоннинг СССРга ташрифи натижасида мустаҳкамланди. Бу ташрифлар АҚШнинг ташқи сиёсатидаги жиддий ўзгаришлар ва совет-америка муносабатларидаги тарангликнинг юмшашидан дарак берарди. 1959 йилнинг августида Н.С. Хрушчёв АҚШга, президент Д. Эйзенхауэр эса СССРга ташриф буюриши эълон қилинди. Совет йўлбошчиси-

нинг АҚШга ташрифи 1959 йилнинг сентябрида бўлиб ўтди. 1960 йилнинг май ойида Парижда олий даражадаги учрашувлар бўлиб ўтиши лозим эди, бироқ совет томони Американинг У-2 самолёти СССРнинг ҳаво кенглигига бостириб кирганлиги учун кечирим сўралишини талаб қилди. Н. Хрущёв Эйзенхауэрнинг жавоб ташрифини бекор қилди ва унинг президентлик муддати яқин орада тугаши муносабати билан олий даражадаги музокараларни маъносиз деб атади.

Истеъфога чиққанидан сўнг Эйзенхауэр аста-секин фаол сиёсий-жамоатчилик фаолиятдан йироқлашди.

Д. Эйзенхауэр 1948 йили Нью-Йоркда чоп этилган «Европага салиб юришлари» («Crusade in Europe») ҳарбий эсдаликларнинг муаллифи. Бу китоб 1980 йили «Воениздат» нашриёти томонидан рус тилида нашр этилган. Д. Эйзенхауэр ўз эсдаликларида, жумладан, Иккинчи жаҳон уруши даврининг машҳур ҳарбий ва сиёсий етакчилари билан ўтказган учрашувлари ҳамда суҳбатлари ҳақида ҳикоя қилган.

Д. Эйзенхауэр 1969 йил 28 март куни, 78 ёшида ҳарбий госпиталда вафот этди. У Абилинда, мемориал музей ва президент кутубхонаси ҳудудида дафн қилинган.


Бизнинг оталаримиз бундан 181 йил олдин бошлаган (Америка мустақиллиги учун кураш) инқилоб ҳамон давом этмоқда. (Дуайт Эйзенхауэр)

№ 1-ФИЗИК

ЭЙНШТЕЙН, АЛЬБЕРТ (EINSTEIN, ALBERT)
(14.03.1879, Ульм, Германия — 18.04.1955, Принстон
(Нью-Жерси штати), АҚШ)

Замонавий назарий физиканинг асосчиларидан бири, нисбийлик назариясининг ижодкори, квант назарияси ва статистик физика асосчиларидан бири, Нобель мукофоти лауреати, гуманист олим ва жамоат арбоби.

Альберт Эйнштейн ўртаҳол яҳудий оиласида дунёга келди. Унинг отаси Герман Эйнштейн (1847—1902) унча катта бўлмаган қорхонанинг шериклик асосидаги эгаси бўлган. Онаси, Паулина Эйнштейн (қизлик фамилияси Кох, 1858—1920) маккажўхори савдоси билан шуғулланувчи бадавлат Юлиус Дерцбахер (1842 йили фамилиясини Кохга ўзгартирган) ва Йетта Бернхаймерлар оиласидан эди. 1888 йилнинг ёзида улар Мюнхенга кўчиб келишади, бу ерда Герман укаси Якоб билан бирга электр жиҳозлари билан савдо қилув-



чи кичикроқ фирма ташкил қилди. Мюнхенда Альбертнинг синглиси Мария (Майя, 1881—1951) дунёга келди.

Альберт Эйнштейн бошланғич таълимни маҳаллий католик мактабда олди. 12 йил давомида у ўта диндорлик ҳолатида бўлди, лекин илмий-оммавий китобларни ўқиш уни тезда эркин фикрловчига айлангирди ва бир умрга ҳар хил нуфузларга нисбатан ишочсизлик туйғусини шакллантирди. Альберт кейинчалик энг кучли болалик таассуротларидан компасни, Иммануил Кантнинг «Соф онгнинг тақдири» ва Евклиднинг «Ибтидо» асарларини эслайди. Бундан ташқари, онасининг ташаббуси билан у олти ёшидан скрипка чалиш билан шуғуллана бошлади. Мусиқага қизиқиш Эйнштейннинг бутун умри давомида сақланиб қолди.

Гимназияда у энг илғор ўқувчилардан эмасди (математика ва латин тили бундан мустасно). Материални механик ёд олишнинг томир отган тизими (бундай муносабатни у таълим олиш руҳининг ўзига ва ижодий фикрлашга зарар етказди, деб ҳисобларди), шунингдек, ўқитувчиларнинг ўқувчиларга нисбатан менсимаслик муносабатида бўлиши Альбертга ёқмас ва шу сабабли у ўқитувчилар билан тез-тез баҳслашиб қоларди.

1894 йили Эйнштейнлар Мюнхендан Милан яқинидаги италян шаҳри Павиога кўчиб ўтдилар. Альбертнинг ўзи эса гимназиянинг тўлиқ олти синфини тугатиш учун Мюнхендаги қариндошлариникида қолди. 1895 йили, барибир ҳам етуклик шаҳодатномасини олмасдан, у Павиодаги оиласига кўшилди.

1895 йилнинг кузида Альберт Эйнштейн Цюрихдаги олий техника билим юртига кириш имтиҳонларини топшириш ва физика ўқитувчиси бўлиш учун Швейцарияга келди. У математикадан имтиҳонда ўзини аъло даражада кўрсатди, лекин ботаника ва француз тилидан ўта олмади. Билим юрти директори унга Аараудаги (Швейцария) мактабнинг битирувчи синфига шаҳодатнома олиш ва ўқишга кириш учун уринишни такрорлашни маслаҳат берди.

Аараудаги кантонал мактабда Альберт ўзининг бўш вақтларини Максвеллнинг электромагнит назариясини ўрганишга бағишлади. 1896 йили у француз тилидан ташқари барча имтиҳонларни муваффақият билан топширди ва Политехникумнинг педагогика факультетига қабул қилинди. Бу ерда у медицина факультети талабаси сербиялик Милена Марич билан танишди (ўзидан 4 ёш катта) ва кейинчалик унга уйланди. Ўша йилнинг ўзида Эйнштейн Германия фуқаролигидан воз кечди.

1900 йили Эйнштейн Политехникумни тугатди ва математика ҳамда физика ўқитувчиси дипломини олди. Кўпгина профессорлар талаба Эйнштейннинг қобилиятларини юқори баҳоладилар, лекин ҳеч ким унинг илм билан шуғулланишни давом эттиришида ёрдам беришни хоҳламади.

1901 йили Альберт Эйнштейн Швейцария фуқаролигини олган бўлса ҳам, токи 1902 йилнинг баҳоригача доимий иш топа олмади. У кўпинча оч ҳолда юрди, бир неча кунлаб овқатлана олмади. Бунинг натижасида у жигар касаллиги билан оғриди ва бундан умрининг охиригача азоб чекди.

Қийин аҳволда эканлигига қарамасдан, Эйнштейн физика билан шуғулланишни давом эттирди. 1901 йили Берлиндаги «Физика анналари»¹ унинг «Капиллярлик назарияси оқибатлари» деб номланган биринчи мақоласини чоп эттирди.

1902 йилдан 1909 йилнинг октябрига қадар у ихтироларни патентлаштириш Федерал Бюросида (Берн) ишлади. Ишнинг характери Эйнштейнга бўш вақтларида назарий физика билан шуғулланиш имконини берарди.

1902 йилнинг октябрида отасининг соғлиғи ёмонлашганлиги ҳақида Италиядан хабар олган Эйнштейн у ерга борди. Герман Эйнштейн ўгли келганидан бир неча кун кейин вафот этди.

1903 йилнинг 6 январь кuni у йигирма етти ёшли Милена Маричга уйланади, улардан уч нафар фарзанд дунёга келади.

1905 йил физика тарихига «Мўъжизалар йили» сифатида кирган. Бу йилда «Физика анналари» Эйнштейннинг янги илмий инқилоб бошланишига асос бўлган учта буюк мақолаларини эълон қилди. Унинг биринчи мақоласи «Ҳаракатдаги жисмлар электродинамикаси» деб аталиб, машҳур нисбийлик назарияси айнан ушбу мақоладан бошланади. Иккинчи мақола «Нурнинг пайдо бўлиши ва унинг ўзгаришига боғлиқ бир эвристик нуқтаи назар ҳақида» деб номланган. Унда баён қилинган фикрларни кўпгина олимлар «ҳаддан ташқари инқилобий» деб ҳисоблаганлар. У эфирни, мутлақ кенгликни ва мутлақ вақтни инкор этар, 200 йил давомида физиканинг асоси бўлиб келган, доимо кузатувлар билан тасдиқланган Ньютон механикасини тафтиш қиларди. Альберт Эйнштейннинг учинчи мақоласи «Иссиқликнинг молекуляр-кинетик назарияси талаб қиладиган, ҳаракатсиз суюқликда муаллақ турган заррачалар ҳаракати ҳақида» деб аталган ва Броун ҳаракатига бағишланган статистик физикани сезиларли ривожлантирган.

Фазо, вақт ва тортилишнинг умумий назарияси бўлган нисбийлик назарияси Эйнштейннинг асосий илмий ютуғи ҳисобланади. Унинг хусусий нисбийлик назарияси физик тадқиқотларнинг (масса, ядро физикаси ва элементар зарралар физикасида) зарур восита бўлиб қолди, бу назария хулосалари эса тўлиқ экспериментал тасдиқланди.

1905 йилги тадқиқотлари Эйнштейнга, дарҳол бўлмаса ҳам, оламшумул машҳурлик келтирди. У дунёнинг энг машҳур физиклари билан хат

¹ *Аннал* — йилнома, солнома, тарихий воқеалар тўплами.

ёзишади ва танишади. Берлинда Планк нисбийлик назариясини ўз ўқув курсига киритади. 1908 йили Эйнштейнни Берлин университетига факультатив ўқишга таклиф қиладилар, аммо бунинг учун ҳақ тўламайдилар. 1909 йили у, немис физикасининг энг номдор вакиллари тўпланган, Зальцбургдаги натуралистлар съездида қатнашди.

Съезддан кейин Эйнштейн, ниҳоят, Цюрих университетига ҳақ тўланадиган, штатдан ташқари профессорлик лавозимини эгаллади. Бу ерда маош икки нафар фарзанди бўлган оилага етарли эмас эди ва 1911 йили у Прагадаги немис университетининг физика кафедрасини бошқариш ҳақидаги таклифни ҳеч иккиланмасдан қабул қилди.

Бир йилдан сўнг у Цюрихга қайтиб келди ва ўзининг жонажон Политехникумида профессор бўлди, физикадан лекциялар ўқиди. 1913 йилнинг охирида Эйнштейн Берлинда ташкил қилинаётган Берлин физика илмий тадқиқот институтини бошқаришга таклиф қилинди. У таклифни қабул қилди, шунингдек, Берлин университетининг профессори ҳам бўлди. Эътиқодли пацифист¹ бўлган Эйнштейн 1914 йили, уруш арафасида Берлинга келди. Милена болалари билан Цюрихда қолди, уларнинг оилалари тарқалиб кетди. 1919 йилнинг февралда улар расмий равишда ажралишди.

Нейтрал давлат бўлган Швейцария фуқароси эканлиги уруш даврида Эйнштейнга милитаристик тазйиқларга чидаш имконини берди. У ҳеч қанақа «ватанпарварлик» чақириқларини имзоламади ва Ромен Ролланга шундай деб ёзди: «Келажак авлодлар, уч асрлик энг қизғин маданий ишлар фақат ақлсизлик ўрнига миллий ақлсизликка олиб келганлиги учун, бизнинг Европадан миннатдор бўлармикинлар? Ҳатто турли мамлакатларнинг олимлари ҳам ўзларини худди мияларини олиб ташлагандек тутмоқдалар». 1907—1915 йилларда Альберт Эйнштейндан анча меҳнат талаб қилган нисбийлик умумий назариясининг асосий тенгламалари чоп қилинди.

Уруш тугаганидан сўнг Эйнштейн аввалги соҳаларида ишлашни давом эттирди ва физиканинг янги соҳалари — релятив² космология ҳамда «Майдоннинг ягона назарияси» устида ишлади. Космология соҳасидаги биринчи мақоласи «Нисбийликнинг умумий назарияси ҳақидаги космологик фикрлар» 1917 йили пайдо бўлди. Шундан сўнг Эйнштейн сирли «касалликлар хуружи»га дучор бўлди — жигаридаги жиддий муаммолардан ташқари, ошқозон яраси, кейин сариқ касаллик ва умумий дармонсизлик ҳам бевозта қилди. Касалликлар фақат 1920 йили чекинди.

¹ *Пацифист* — ҳар қандай урушларга, жумладан, миллий-озодлик урушларига ҳам қарши киши.

² *Релятив* — нисбийлик.

1919 йилнинг июнида Эйнштейн ўзининг қариндоши Эльза Лёвентальга (1876—1936) уйланди ва унинг икки фарзандини ўз қарамоғига олди. Йилнинг охирида оғир касал бўлган онаси Паулина ҳам уникига келди, у 1920 йилнинг февралда вафот этди. Хатлардан маълум бўлишича, Альберт онасининг ўлиmidан қаттиқ изтироб чеккан.

1919 йилнинг кузидаги қуёш тугилиши пайтида инглиз экспедицияси қуёшдаги тортиш кучи майдонида нурнинг оғишини қайд қилди. Бунда ўлчанган оғиш бурчаги Эйнштейннинг тортишиш қонунига мос келарди. Шов-шувли янгиликни бутун Европа газеталари кўчириб босдилар. Эйнштейннинг машҳурлиги мисли кўрилмаган даражага кўтарилди.

1920 йилнинг май ойида, Берлин фанлар академиясининг бошқа аъзолари қатори, давлат хизматчиси сифатида қасамёд қабул қилди ва қонун бўйича Германия фуқароси ҳисоблана бошлади. Лекин у умрининг охиригача Швейцария фуқаролигини сақлаб қолди. 1920 йили турли юртлардан таклиф олган Эйнштейн Европа бўйлаб кўп сафар қилди, олимлар, талабалар ва қизиқувчилар учун лекциялар ўқиди. АҚШда машҳур меҳмон шаънига Конгресснинг табрик резолюцияси қабул қилинди. 1922 йилнинг охирида Ҳиндистонга борди ва у ерда Р. Тагор билан кўп суҳбатлашди, кейин Хитойда бўлди. У қишни Японияда кутиб олди. 1923 йили Қуддуси шарифда нутқ сўзлади, бу ерда яқин орада (1925) Европа университетини очиш мўлжалланаётган эди. Эйнштейннинг номзоди бир неча маротаба физика бўйича Нобель мукофотига кўрсатилди, лекин Нобель комитети аъзолари узоқ вақт бунчалар инқилобий ғоялар муаллифига мукофотни беришга журъат этмадилар. Ниҳоят, бу муаммони устомонлик билан ҳал қилдилар: 1921 йилги физика соҳасидаги мукофот Эйнштейнга фотоэффект назарияси учун берилди. Табиийки, Эйнштейн анъанавий Нобель лауреати нутқини (1922) нисбийлик назариясига бағишлади. 1929 йили бутун дунё Эйнштейннинг 50 йиллигини шовқин-сурон билан нишонлади. Юбилярнинг ўзи бу тантаналарда иштирок этмади ва ўзининг Потсдам яқинидаги вилласида яшириниб, бу ерда иштиёқ билан атиргулларни ўстирди. Худди ана шу виллада дўстлари — фан намоёндаларини, Рабиндранат Тагорни, Эммануил Ласкерни, Чарли Чаплинни ва бошқаларни қабул қилган. Назарий тадқиқотлардан ташқари, Эйнштейн бир қанча ихтироларнинг, жумладан, жуда паст қувватларни ўлчагични, расмга олишда экспозиция вақтини автоматик белгиловчи қурилмани, янги турдаги эшитиш аппаратини, шовқинсиз музлаткични, гидрокомпаснинг ҳам ихтирочиси бўлди. Шунингдек, квант механикасининг пайдо бўлиши ҳам Эйнштейннинг фаол иштирокида рўй берди.

Веймар Германиясида иқтисодий инқироз кучайгани сари сиёсий нотинчлик авж оларди, бу эса сўл миллатчилик ва яҳудийларга қаршилиқ кайфиятининг ўсишига олиб келди. Эйнштейннинг шаънига ҳақоратлар ва дўқ-пўписалар кўлайди, варақалардан бирида ҳатто унинг боши учун мукофот (50 000 марка) таклиф қилинганди.

1933 йили Эйнштейннинг Германияни тарк этишига тўғри келди. Тез орада у нацизмнинг жиноятларига қарши норозилик белгиси сифатида Германия фуқаролигидан ва Пруссия ҳамда Бавария фанлар академияси аъзоллигидан воз кечди.

Америка Қўшма Штатларига оиласи билан келганидан кейин (1933), Альберт Эйнштейн яқинда ташкил этилган Истикболли тадқиқотлар институтида (Принстон, Нью-Жерси штати) физика профессори лавозимини эгаллади.

Эйнштейннинг илмий ишлари ҳозирги замон физикасининг ривожланишида катта роль ўйнади. У фақат фан билан шуғулланибгина қолмай, XX асрнинг 20—40-йилларидаги ижтимоий-сиёсий воқеаларни ҳам ҳаяжон билан кузатиб борди. У фашизмга қарши чиқди, 1940 йилда фашистлар Германиясида ядро қуролининг пайдо бўлиш хавфи бор эканлиги тўғрисида АҚШ президентига ҳақ ёзди, бу эса АҚШда ядро тадқиқотлари бирлашмаси вужудга келишига, 1945 йили бу ерда дунёда биринчи атом бомбасининг яратилишига сабаб бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам Эйнштейн қизғин илмий ва ижтимоий фаолиятини давом эттирди. 1947 йили янги Исроил давлатининг ташкил этилганлигини олқишлади, аммо 1952 йили унга таклиф этилган президентлик лавозимини рад этди. Эйнштейн 1955 йил 18 апрель куни Пристонда вафот этди.

Эйнштейннинг катта ўғли Ганс-Альберт (1904—1973) гидравлика бўйича мутахассис ва Калифорния университетининг профессори бўлди. Кичик ўғли Эдуард (1910—1965) 1930 йили шизофрениянинг оғир тури билан касалланди ва ўз умрини Цюрихдаги касалхонада ўтказди.

Агар менинг нисбийлик назариям исботланса, немислар мени немис эди дейишади, французлар бўлса — жаҳон фуқароси; аммо менинг назариям рад қилинса французлар мени немис деб, немислар эса яҳудий деб эълон қилишади. (Альберт Эйнштейн)

ПАРТИЯ СОЛДАТИ

ЮСУПОВ УСМОН

(19.02. (01.03).1900, Каптархона қишлоғи,
Фарғона вилояти — 07.05.1966, Янгийўл, Тошкент вилояти)

Партия ва давлат арбоби, 1929 йилдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби, 1931—1934 йиллари ВЦСПС (СССР касаба уюшмалари марказий қўмитаси) Ўрта Осиё бюросининг раиси, 1934—1936 йиллари Москвада марксизм-ленинизм курсида ўқиди, 1936—1937 йиллари Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати халқ комиссари, 1937—1950 йиллари Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, 1950—1953 йиллари СССР Пахтачилик министри, 1953—1955 йиллари Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси.



Ўзбекистоннинг XX асрдаги давлат ва сиёсат арбоблари орасида Усмон Юсуповнинг ҳам алоҳида ўрни бор. У ўтган асрнинг 20—50-йилларида пахта тозалаш заводининг шиббаловчисидан республика Компартияси МКнинг биринчи котиби, СССР пахтачилик министригача бўлган йўлни босиб ўтди.

Усмон Юсупов Фарғона вилояти, Фарғона туманидаги Каптархона қишлоғида камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. Болалигидан то 16 ёшигача отасига бойнинг молларини боқишда ёрдамлашди, 1916 йили эса у Қовунчи (ҳозирги Янгийўл шаҳри) даги пахта тозалаш заводига шиббаловчи бўлиб ишга кирди. Заводдаги ишчилар муҳити У. Юсупов дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. 1926 йилдан коммунистик партия сафига ўтди ва тез орада уни қурувчи-ишчилар Тошкент округ касаба уюшмаси раҳбарлигига сайлашди.

1929 йилдан У.Юсупов Ўзбекистон Компартияси Тошкент округ қўмитаси котиби, Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитаси котиби лавозимларида ишлади. 1931—1934 йиллари Касаба Уюшмалари Бутуниттифоқ Марказий Қенгаши (ВЦСПС) Ўрта Осиё бюросини бошқарди. 1936 йилгача У. Юсупов Москвада ўқиди. Ўзбекистонга қайтгач, ЎзССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссари этиб тайинланди.

Шу йиллари мустабид тузум томонидан амалга оширилган оммавий қатағонлар туфайли Ўзбекистон Компартияси ва ҳукумати биринчи раҳбарларсиз қолди. Ф. Хўжаев, А. Икромов ва бошқа бир қатор раҳбарлар қатағонга учради. «Қизил террор» ўша даврда қанчалик оммавий тус олганлиги ҳақида куйидаги маълумотлар далолат беради: 1936 йилнинг охиридан 1940 йилгача бўлган даврда республика бўйича ёзувчилар, журналистлар, давлат, жамоат арбоблари ва ҳоказолардан 5758 киши қамоққа олинган, улардан 4811 киши отиб ташланган. Ўйлаб чиқарилган сохта айб-

ловлар бўйича Ўзбекистонда 1937—1939 йилларда ҳаммаси бўлиб 41 мингдан зиёд киши қамоққа олинган, улардан 37 мингдан ортиқ киши жазоланган, 6 минг 920 киши эса отиб ташланган.¹

Ана шундай қалтис шароитда 1937 йил сентябрда Усмон Юсупов Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи котиби этиб сайланади. Ушбу лавозимга айнан Усмон Юсуповнинг сайланиши учун бир неча сабаблар бор эди. Биринчидан, ўша пайтлардаги айбловларда кенг қўлланилган «буржуа-миллатчи гуруҳлар» фаолиятида қатнашмаган. Иккинчидан, у бошқарган озиқ-овқат саноати яхши кўрсаткичларга эга эди. Учинчидан, партияни тозалаш кампанияси ва «халқ душманлари»га қарши кураш баҳонаси остида маҳаллий кадрларни жисмонан йўқ қилишда ҳам иштирок этмаган. Аммо биринчи котиб бўлгандан сўнг Ўзбекистонда гўёки мавжуд бўлган буржуа-миллатчилик ташкилотларига қарши марказий ва маҳаллий матбуотда олиб борилган ташвиқот ишларида, табиийки, иштирок этган, унга раҳбарлик қилган.

У. Юсупов республика раҳбари бўлиб ишлаган йилларда унинг ташаббуси асосида Ўзбекистонда халқ ҳашари билан йирик сув иншоотлари — Катта Фарғона канали, Каттакўрғон сув омбори ва бошқалар қурилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида СССРнинг ғарбий районларидан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган йирик корхоналарни тезлик билан жойлаштириш ва ишга тушириш, янги корхоналарни қуриш, уларни ишчи-кадрлар билан таъминлаш, фронтга озиқ-овқат, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мунтазам етказиб беришда, ўзбекистонликларни фашизмга қарши курашга сафарбар қилишда, РСФСР, Украина ва Белоруссиядан келган, уруш туфайли бошпанасиз қолган аҳолига, ота-онасиз қолган юз минглаб болаларга меҳрибонлик ва ўзбекларга хос бўлган юксак инсонпарварлик сифатларини кўрсатишда У. Юсупов бош-қош бўлди. Шу йиллари Ўзбекистон саноатида тизимли ўзгаришлар юз берди. Республикада илгари мавжуд бўлмаган самолётсозлик, станоксозлик каби соҳалар пайдо бўлиб, маҳаллий ёшлардан минглаб малакали ишчи-кадрлар тайёрланди. У. Юсупов раҳбарлиги даврида Ўзбекистон аграр республикадан аграр-индустриал республикага айланди.

1946 йили ўз мансабини сунистеъмом қилаётганлиги ҳақидаги аноним хат асосида У. Юсупов устидан жиноий иш кўзгалди. Лекин ўша даврда КПСС МК котиби бўлган Патоличев Усмон Юсуповни «халқлар отаси» олдидан ҳимоя қилиб, бу хатни кўролмайдиганлар уюштирганлигига ишонтира олди.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида / Тузувчилар: М. Жўраев, Р. Нуруллин, С. Камолов ва бошқалар /. — Т.: «Шарқ», 2000, 326-бет.

1950 йили ВКП (б) МКда Украина, Молдавия ва бир қатор бошқа регионларда пахта етиштириш ғояси пайдо бўлди. ВКП (б) ва СССР Министрлар Советининг қарори билан Умумиттифоқ пахтачилик министрлиги ташкил қилинди ва У. Юсупов СССР Пахтачилик министри этиб тайинланди. 1953—1955 йиллари у ЎзССР Министрлар Советининг раиси лавозимида ишлади.

Шу йиллари кимнингдир маслаҳатига кўра СССРнинг ўша пайтдаги раҳбари Н.С. Хрущёв пахтани квадрат уялаб экиш ва шундай ишлов беришни мажбурий жорий қилди. У. Юсупов бу усулнинг 30-йилларда ҳам қўлланилгани ва фойда бермаганлигини эслатиши унинг ишдан олиниши учун кифоя бўлди. У. Юсупов Мирзачўлдаги 4-Боёвут совхозига директор қилиб жўнатилади. У бир неча йил ичида қолоқ чўл совхозини илғорлар қаторига олиб чиқди. 60-йилларда Янгийўлдаги «Халқобод» агросаноат комплексини бошқарди.

У. Юсупов ўз фаолияти давомида жиддий хатоликларга ҳам йўл қўйди. У «қатағонлар асосиз равишда» бўлаётганлигини айтишга ҳаракат қилди. 1938 йили Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи секретари этиб сайлангандан сўнг, СССРнинг ўша пайтдаги раҳбарларидан бири Г.М. Маленковга хат билан мурожаат қилиб, қатағонларнинг асосиз бўлаётганлигини тушунтиришга уринди. Шундай хат билан И.Сталинга ҳам мурожаат қилди. Лекин мустабид тузум унинг бу ҳаракатини инобатга олмайди, олиши ҳам мумкин эмасди. Афсус, барча миллий раҳбарлар қатори У.Юсупов ҳам коммунистик ғояга ўта ишонганлиги сабабли мустабид тузумнинг асл моҳиятини умрининг охиригача тушуниб етмайди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш муҳимки, У.Юсупов соф виждонли, ўз ишига, халқига садоқатли инсон сифатида халқ хотирасида катта из қолдирган.

ОЯТИЛЛО

ҲУМОЙНИЙ, РУҲОЛЛО МУСОВИЙ

(17.05.1898, бошқа маълумотларга қараганда, 1900 ёки 1903, Хумайн, Эрон — 03.06.1989, Техрон, Эрон)

Эрон Ислом Жумҳуриятининг раҳбари, Оятилло (шиаларнинг олий диний унвони). 1964 йили Эрондан қувғин қилинган, Ироқда, кейин Францияда яшаган. 1979 йилнинг февралида Эронга қайтиб келиб, подшо тузумининг ағдарилишига ва ислом жумҳуриятининг ўрнатилишига олиб келган инқилобни бошқарган.



Ҳумойний жуда ёшлигиданоқ Эрондаги шоҳ тузумага қарши бўлган. Ҳумойний таъкидлар эдики, паҳлавийлар сулоласидаги шоҳлар пайғамбарнинг авлодидан бўлмаганликлари сабабли мусулмонлар устидан ҳукмронлик қилишга ҳақлари йўқ эди,

демак, улар ҳокимиятни ноқонуний эгаллаб олганлар ва шунинг учун тахтдан ағдарилиши лозим. Бундан ташқари, у ҳокимиятни ғарбча йўналишда кетаётганликда айбларди (аёлларга паранжисиз юришга рухсат берувчи, ғарбча кийимлар кийишни маъқулловчи қонунлар, бир қатор диний маросимларнинг тақиқланиши, шиа диний арбоблари ерларининг мусодара қилиниши ва ҳ.к.)

1962 йилнинг октябрида Ҳумойний шоҳнинг, бошқа дин вакиллари ҳам мусулмонлар қатори давлат ҳокимияти органларига сайланиш ҳуқуқини берувчи қонун лойиҳасига қарши чиқди. Бунинг устига сайланган киши фақат Қуръонгагина эмас, хоҳлаган муқаддас китобига қасам ичиши мумкин эди. Ҳумойний шоҳга ва ҳукуматга норозилик хати юборди ва барча диндорларга махсус баённомани чоп эттирди. 1963 йилнинг январь ойида шоҳнинг буйруғи билан Техронда «Озод қилинган аёллар намоиши» ўтказилишига жавобан, шоҳ тузумини қурол кучи билан ағдаришга чақирди. 1964 йилнинг ноябрида Ҳумойний шоҳнинг буйруғи билан Эрондан Анқарага сургун қилинди. 14 йил давомида чет элларда (Туркия, Ироқ ва Францияда) юрар экан, у токи 1979 йилнинг январь ойида Эронда шоҳ тузуми қулаганига қадар муҳолифат кучларга бошчилик қилди. 1979 йилнинг февраль ойида Ҳумойний Париждан Техронга қайтиб келди, 11 февралда эса миллий телевидение ва радио орқали ислом инқилобининг тўла ғалаба қозонганлиги ва ислом ҳокимияти ўрнатилганлиги эълон қилинди, унда олий ҳокимият «олий диний мақомли обрўли кишига, қонуншуноса, Қуръон билимдони ва барча мусулмонларнинг ҳурматини қозонган ва унинг фикрини сўзсиз қабул қиладиган» кишига тегишли бўлиши ҳам айтилди.

Оятилло Ҳумойний Эрон Ислом Республикасининг (ЭИР) биринчи диний раҳбари бўлди. Унинг қароргоҳи Эрон шиаларининг марказида — Кум шаҳрида жойлашди. У ҳақдаги афсона ва миш-мишлар бўш жойдан пайдо бўлган эмас. Эронда бир вақтнинг ўзида учта тақвим мавжуд бўлганлигининг ўзини айтиш етарли. Улардан бирига кўра Оятилло 1320 йили туғилган, бошқасига кўра — 1281 йили, учинчисига кўра — 1902 йили туғилган. Бироқ Оятиллонинг ўзи 1963 йил 23 мартда Кумдаги Аъзам масжидида шундай деган: «Бу йил мен 63 ёшга кираман». Демак, у 1900 йилда туғилган дейиш мумкин?

Номига келсак, бунда тўлиқ аниқлик мавжуд. Унга Руҳолло деган исм қўйишган. Иккинчиси, уруғининг номи «Мусовий» унга отасидан Мустафо Мусовийдан ўтди, Ҳумойний деган қўшимча Хумайн шаҳрининг номидан олинган бўлиб, Руҳолло шу шаҳарчада туғилган. Шундай қилиб, у паспорти бўйича — Руҳолло ал-Мусовий ал-Ҳумойний. Унинг отаси ва бобоси Хумайн шаҳрида анча обрўли илоҳиётчи бўлганлар, демак, кичкина Ру-

ҳоллонинг пешонасига дин пешвоси бўлиш ёзилган экан. У худди ана шундай қилди: 27 ёшга тўлмасдан мужоҳид унвонини олди, 50-йилларнинг охирида оятилло — «илоҳий аломат», 1961 йили эса буюк оятилло бўлди. Бироқ анъанавий маънодаги дин пешволиги сиёсатдан йироқ, унга аралашмаслиги лозим эди. Аммо бу Руҳоллога маъқул эмасди. Ва Ҳумойний бу ҳақда очиқ айтган: «Оллоҳ номи билан қасамёд қилиб айтаманки, умуман олганда ислом — бу сиёсат». «Исломнинг пайгамбари, — чарчамасдан такрорларди у, — ягона Оллоҳ учун душманлар қуршовида бош кўтарган... Пайгамбарнинг ўзи Эрон, Рим, Миср ва Абиссиния (Эфиопия) ҳукмдорларига тўртта хат ёзган. Мазмунлари бир хил бўлган бу тўртала хатда у ҳукмдорларни исломни ва яккахудоликни қабул қилишга чақирган. Бу ислом ҳақиқатини бутун оламга, бутун империяларга ёйиш ва халқларга ҳақиқий исломни намоён қилишга уринишлар билангина дастлабки қадам бўлган».

Бундай қадамлар навбатини муносиб қабул қилиш ғояси Ҳумойнийнинг барча ибодатлари, нутқлари ва сўзга чиқишларида ифода этилган. 1989 йили унинг СССР президенти М.С. Горбачёвга ёзган шахсий номаси ҳам совет халқини ислом дини бағрига таклиф қилишдан иборат бўлган. Ҳумойний исломни фақат тинч йўл билангина эмас, қуроли кучи билан ҳам тарқатишга тайёр эди. Ҳали 1937 йилиёқ у Маккага ҳаж қилганидан сўнг Ироқнинг Нажаф шаҳрига борди ва у ерда жанговар, «Ифвон ал-муслимин» — «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг фаолияти билан танишди. Ҳумойний уларнинг раҳбарлари билан яқинлашди ва ўнлаб йиллардан кейин, араб-исроил можаролари пайтида ўйлаб ҳам ўтирмасдан арабларнинг жанговар ташкилотлари бўлган «Ал-Фатх» ва «Хамас» тарафида турди. Улар Ҳумойнийдан, унинг хайр-эҳсон фондидан катта иқтисодий ёрдам олиб турдилар. Оятиллонинг иштироки билан «Хизболлоҳ» отрядлари пайдо бўлди ва фаолият кўрсатмоқда. Сиёсий фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ Ҳумойний шоҳнинг ҳукмронлигига қарши бўлди. Ҳали 1925 йилиёқ, мадрасанинг толиб-шоғирди бўлган пайтларида у ошқора шундай деганди: «Фақат паҳлавийлар сулоласи йўқ қилиниши билангина Эрон ўзи билан ўзи ярашади». Ҳали ҳеч ким бундай дейишга журъат қила олмаганди. Лекин шоҳ Муҳаммад Ризо ўшанда бир толибнинг дадил ҳаракатига эътибор бермади, кейинчалик, эҳтимол, бунга жуда афсусланган бўлса керак... Муҳаммад Ризо рафиқаси билан биргаликда Кумга ташриф буюрганида Руҳолло Ҳумойний шу ердаги мадрасанинг энди иш бошлаётган мударриси эди. Шундай бўлиб чиқдики, малика масжидга бош кийимисиз кирди. Подшо оиласини қабул қилаётган Оятилло Бафқий уни анча кескин итариб юборди ва ўша заҳотиёқ подшо унинг юзига қамчи билан урди. Чуқур жимлик чўмди. Ана шунда ёш мударриснинг ўз устози Оятилло Бафқийни хафа қилувчига муносиб жавоб қайтаришга чор-

лаган газабли овози жаранглади. Бироқ бунга Бафқийнинг журъати етишмади.

1946 йили Кумдаги муллаларнинг бешта вакиллари подшо билан учрашишни сўради. Шоҳ фақат битта муллани қабул қилишини билдирди. Бу мулла Руҳолло Ҳумойний бўлиб чиқди. Унга қабулхонада шоҳнинг кириб келишини кутиб туриши лозимлигини ва фақат ҳукмдор таклиф қилганидан кейингина кириши кераклигини тушунтиришди. Бироқ Муҳаммад Ризо қабулхонага кирганида Ҳумойний ўтирар эди ва ҳукмдорнинг олдида ўрнидан туришни ўйламасди ҳам. Шоҳ бу сафар ҳам аччиқ луқмани ичига ютди. Худди шундай ҳолат шоҳнинг буюк Оятилло Боруджердий — «бутун дунё шиаларининг доҳийси» ҳузурига ташриф буюрганида рўй берди. Уша ерда бўлган Руҳолло Ҳумойний яна шоҳни ўтирган ҳолда кутиб олди, «бутун дунё шиаларининг доҳийси» эса, у пайдо бўлганида ўрнидан турди ва ҳурмат билан бошини эгди. Шоҳ жўнаб кетганидан сўнг Ҳумойний уй эгасига таъна қилди: «Бу пасткаш олдида ўриндан турмаслик керак эди». Бунга шундай жавоб олди: «Мен сизни мактаб манфаати учун ўстирмоғим керак, қаршилиқни эса кейин қиласиз».

Ҳумойний қарши чиқди. Ва унинг шоҳ тузумига қарши чиқиши руҳонийлар, савдогарлар, ҳунармандлар ва деҳқонлар қалбида ўз ифодасини топди. Ҳамюртлари Ҳумойний қиёфасида шунчаки руҳонийни эмас, худонинг назари тушган одамни кўрардилар. Бунинг аломатлари керагидан ортиқ эди. Ҳақиқий мусулмонлар учун Руҳоллонинг иккинчи номи — Мусовий алоҳида маънога эга эди. Бу шундан гувоҳлик берадики, Ҳумойнийлар авлоди муқаддас ва покдомон имом Мусо Казем орқали Муҳаммад пайғамбарнинг ўзига бориб тақалади. Бошқача айтганда, Ҳумойний — тўғридан-тўғри пайғамбарнинг авлоди, саййид эди ва шунинг учун ҳам қора салла ўраб юрарди, бошқа диний арбоблар эса оқ салла ўрардилар. Лекин энг муҳими — ислом динининг қонунларига кўра фақат Муҳаммад пайғамбарнинг тўғридан-тўғри авлодларигина, Ҳумойний кабиларгина мусулмонларни бошқариши мумкин. Шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий ва унинг барча авлодлари ҳам Муҳаммад пайғамбарнинг тўғридан-тўғри авлодлари эмас эдилар. Яъни, мусулмонларга раҳбарлик қилишлари мумкин эмасди. Демак, ҳокимиятга ноқонуний эга бўлиб олганлар ва ағдариб ташланишлари керак. Ҳумойний ва унинг ҳамфикрларининг мантиғи ана шундай эди. Шоҳнинг бундан кам бўлмаган яна бир айби унинг очиқдан-очиқ Фарб маданиятига мойиллиги, деб ҳисобларди мусулмонлар. Шоҳ аёлларга паранжисиз юришга рухсат берувчи бир қатор қонунлар чиқарди, Европача кийимларни кийиб юришни маъқуллади, кўпгина диний маросимларни тақиқлади, шиа руҳонийларининг хусусий ерларини мусодара қилиш бўйича бир қатор чоралар

кўрди ва диний хизматчиларнинг даромадларини, хайр-эҳсонларни ва диндорлар мерос қилиб қолдирган мол-мулкларни ҳам ҳисобга олган ҳолда назорат ўрнатди. Тўғри, шоҳнинг ўзи ва унинг атрофидагилар мону мулк ва зебу зийнатдан ўзларини умуман тийган эмаслар. Ҳумойнийда эса ҳаммаси бошқача эди. У оддий, камтарона ва, ҳатто зоҳидона кун кечирарди. Уни камбағал деб бўлмасди. Унга ва унинг ака-укаларига тегишли бўлган ерларда 3000 га яқин ижарачи деҳқонлар ишлардилар, катта миқдордаги даромад келтирардилар, лекин уларнинг қарийб ҳаммаси толибларга — Ҳумойнийнинг ўқувчиларига стипендия тўлашга сарфланарди. Оилавий ҳаётда ҳам Руҳолло Ҳумойний диёнатли мусулмон бўлиб яшарди. 27 ёшида у ўзининг мадрасадаги устозининг ўн яшар қизига уйланди. Ботул хоним унга етти нафар фарзанд туғиб берди, уларнинг икки нафар болалик пайтидаёқ нобуд бўлди. Беш фарзанди — икки ўғил ва уч қизи — мусулмончилик одат ва анъаналари руҳида тарбияландилар. Ҳумойнийнинг ўзи Саъдий ва Умар Хайёмнинг муносиб ватандоши эканлигини кўрсатганлиги ҳам эронликларга ёқарди — у шеърлар ҳам ёзарди.

«Азизам! Ёдингда тут, жиловлай олмасан ёшлик истагин,
Қариганда фақат ухлашга ярайсан, ўйлагин».

Ҳумойний ғазалларини Ҳофиз таҳаллуси билан ёзарди. 1962 йилнинг октябрида шоҳ фақат мусулмонларгагина эмас, бошқа дин вакилларига ҳам давлат ҳокимияти органларига сайланиш ҳуқуқини берувчи қонун лойиҳасини эълон қилганида кучларнинг биринчи тўқнашуви рўй берди. Бунда, сайланган киши фақат Қуръон билан эмас, ҳар қандай муқаддас китоб билан ҳам қасамёд қабул қилиши мумкин эди. Ҳумойний буни шаккоклик, исломни таҳқирлаш деб қабул қилди. Шоҳга ва ҳукуматга норозилик нотаси юборилди, барча мусулмонларга махсус баёнот чоп қилинди. Келгуси кунининг ўзидаёқ бозорлар ва мамлакатдаги асосий корхоналар ёпилди. Шоҳ саросимага тушди, лекин таслим бўлмади. Ҳумойнийни ва унинг тарафдорларини нодонлик ва жаҳолатда айблаб, у 1963 йилнинг январида Техронда «озод қилинган хотин-қизлар намоиши»ни ўтказишни буюрди. Ҳумойний бошчилигидаги муҳолифат эса намоишлар ва иш ташлашларнинг кучли тўлқини билан шоҳни огоҳлантирди. Шоҳ чекинди. Ҳумойний шу дамдаёқ шоҳ тузумини қурол кучи билан ағдаришга даъват билан чиқди. 1964 йилнинг 4 ноябрь кунини десантчилар Ҳумойнийнинг Кумдаги уйига бостириб кирди ва шоҳнинг буйруғи билан уни тўғри пойтахтга олиб бордилар, у ердан эса Эрон ҳарбий ҳаво кучларининг транспорт самолётида Анқарага жўнатиб юбордилар. Қувғинда — Туркияда, Ироқда, Францияда юрган 14 йил давомида Ҳумойний Эрондаги ислом инқилобига бошчилик қилди ва ўз мақса-

дига эришди, 1979 йилнинг январиди шоҳ тузуми қулатилди. Шоҳ Эрондан қочиб кетди ва Қоҳирада кўним топди.

1979 йил 1 февралда Хумойний Париждан Техронга қайтиб келди. 11 февралда эса миллий телевидение ва радиодан ислом инқилобининг узил-кесил ғалаба қилганлиги ва Оятилло Хумойний Эрон Ислом Республикасининг биринчи диний раҳбари бўлганлигини эълон қилди. «Бутун миллат — бошлиқлар ва хизматчилар, корхоналарнинг ходимлари ва савдогарлар, диний арбоблар ва талабалар, иш берувчилар ва ишчилар — ҳаммаси биродар ва тенг ҳуқуқли бўладилар. Мутлақо аёнки, уларнинг ўртасида қон-қариндошлик ҳукмрон бўлади, амал, унвон, бойлик ва шу қабила учун тўқнашувлар бўлмайди. Барчанинг ва ҳар бир кишининг мол-мулки чин юракдан барчанинг ва ҳар бир кишининг ихтиёрига ҳавола қилинади», — янги Эроннинг, ғалаба қилган ислом инқилоби мамлакатининг қиёфаси инқилобчи-оятиллога шундай кўринади. Яхши ниятлар... Инқилоб мамлакатта иқтисодий инқироз ва сиёсий қонунсизлик, ҳокимият учун гуруҳлар ўртасидаги талашлар, узлуксиз айш-ишратбозлик ва террорнигина олиб келди. Ҳамма ерда инқилобий кўмиталар ва трибуналлар пайдо бўлди, улар савакчиларни — шоҳ кўриқчилиги ходимларини ва намойишларни ўққа тутишда иштирок этган армия офицерларини ўйлаб ўтирмасдан отиб ташлардилар. Бир йўласига — амалдорлар, тадбиркорлар ва зиёлиларни ҳам. Бу одамлар шоҳнинг тарафдорлари бўлмаган бўлсалар ҳам, унга қарши ҳам чиқмагандилар. «Озод қилинган хотин-қизлар» ҳам «улушларини» олдилар. Кимлар паранжиларини ечишга журъат этган бўлсалар, уларни кўпчилик олдида ҳўрладилар, қийнадилар, токи жон бергунларига қадар тошбўрон қилдилар.

Озарбайжон, курд, эрон араблари ва бошқа халқлар ҳам ҳазилакамига ҳаяжонланмади. Оятилло ваъда қилган, «араблар ва араб бўлмаганлар, турклар ва форслар — ҳаммаси йўқ, фақат ислом бор ва ислом асосидаги бирлик бор» деган келажак уларга маъқул эмас эди. Ҳеч ким ўзининг миллий қиёфасини йўқотгиси келмасди. Қарийб дарҳол маълум бўлиб қолдики, кечагина шоҳнинг зулмига бўлган нафрат бирлаштириб турган сиёсий партиялар ва ташкилотлар ва, ҳатто, руҳонийларнинг ҳаммаси ҳам ислом бошқаруви ва демократиясини қўллаб-қувватлайвермасди. Ҳамма ўзига бу ёруғ оламдан жой ва ҳукумат нонидан ўзининг улушини талаб қила бошлади. Оятиллони, айниқса, мамлакатни бошқариш органларидаги мансаб учун тўхтовсиз машашлар, даромадли амаллар учун талашлар ташвишга соларди. Хумойнийни ҳайратга солган нарса шу бўлдики, «ислом инқилобчилари»нинг ҳаммаси бўлмаса ҳам аксарияти, шу жумладан муллалар, бутунлай етимлар ва очлар ҳақида эмас, ҳашаматли уй, чиройли машина ва гўзал хотинга эга бўлиш ҳақида қайғурардилар. Ҳокимиятнинг юқори босқичидагилар яқдиллик ва


ислом инқилоби ғояларига содиқлик ҳақида ўйламасдилар ҳам. 1980 йилнинг бошларидан Эрон Ислом Республикаси президентлигига номзодлар ўртасида аёвсиз кураш кетди. Хумойний 60-йиллардан бошлаб шоҳ тузуми билан курашда фаол иштирок этган 47 ёшли Бани Садрни танлади. Унинг Париждаги эронлик эмигрантлар учун хонасида Хумойний ўзининг Франциядаги биринчи кунларини ўтказган ва у билан бирга Техронга қайтиб келган эди. Бироқ Эрон Ислом Республикасининг биринчи президенти бўлганидан кейин тез орада Бани Садр «Оятилло йўналиши»га унча ҳам мойил эмаслиги ва ҳатто ислом инқилобининг дастлабки ютуқларини йўққа чиқаришга уринаётганлиги аён бўлиб қолди. Оятилло хиёнаткорларни кечирмасди. Бани Садр президентлик ўринидиган маҳрум бўлди ва аёллар кийимини кийиб олиб, Парижга қочиб қолди. Хумойнийнинг ворис танлашда омади юришмади. 1983 йили у ана шундай ворис лавозимига Оятилло Монтазерийни тасдиқлади. Лекин 1989 йилнинг 10 апрелида у парламентга ва ҳукуматга мурожаат қилди: «...Менинг диний бурчим тартибни ва исломни ҳимоя қилиш учун қарорлар қабул қилишга чорлайди ва мен шунинг учун ҳам юрагимда қаттиқ бир оғриқ билан ҳаётдаги ҳаракатларим мевасини, Монтазерийни раҳбарнинг (диний йўлбошчининг) ўринбосари лавозимидан бўшатаман. Ҳафсаласи пир бўлган Хумойнийни ўзининг олдиндан тайёрлаб қўйилган диний ва сиёсий васиятига ўринли кўшимча қилишга ундади: «Кураш ва инқилоб вақтида мен иккиюзламачилик ҳамда мунофиқлик билан ўзларини ислом тарафдорлари қилиб кўрсатган баъзи бир кишиларни мақтаганман. Лекин кейинчалик, улар ўзларининг рижкорликлари билан мени алдаганликларини тушундим. Бу мақтовлар улар ўзларини Ислом Жумҳуриятининг содиқ тарафдорлари қилиб кўрсатганларида айтилган...». Эрон диний доҳийсининг қароргоҳи Кум шаҳрида, бой бўлмаган маҳаллада, бир қаватли уйда жойлашган эди. Бутун кеча-кундуз давомида бу ерда мамлакатнинг турли бурчакларидан келган минглаб эронликлар тўда-тўда бўлиб турардилар. Вақти-вақти билан Хумойний ўзининг энг яқин кишилари — Али Аҳмад, баъзан неваралари ва бир вақтнинг ўзида ҳам қотиби, ҳам тан қўриқчиси вазифаларини бажарувчи Тавоссולי исми бақувват мулла қуршовида қароргоҳининг текис томига чиқиб турарди. Хумойний кенг енгиде кўринмай турган қўлини секинлик билан кўтарар ва кейин шундай маромда туширарди. Унинг келишган юзи бу пайтда хўмрайган ва жиддий бўларди. У томда туриб нутқ сўзламасди. Ўзи нимани ҳам гапириши мумкин эди? Уч-тўрт дақиқадан сўнг Хумойний томбошидан қабулхонасига — мутлақо бўм-бўш хонага тушарди. Бу хонанинг фақат бир девори ёнида, ерда уч-тўрт букланган ҳолда оқ-кўкимтир кўрпача ётарди. Келган кишиларни Оятилло ана шу кўрпача устида ўтирган ҳолда қабул қиларди.

«Хумойний биз билан юзма-юз гаплашганида у билан баҳслашиш ҳам, ҳазиллашиш ҳам мумкин эди, — деб эслайди СССРнинг Эрондаги собиқ элчиси В.М. Виноградов. — Унинг суҳбатдошига ёқишга ҳаракат қилганлигини бирор марта ҳам сезмадим. Фаросатли эди, аммо воқеаларни реалистик тушунишдан маҳрум эди. Унга ноаниқ ёки бузиб ифодаланган ахборотлар берилган пайтлари ҳам бўларди. Уларнинг нотўғри эканлигини билдириш қийин бўлмасди. Бундай пайтлари Хумойний тушунтиришларга ва далилларга қулоқ соларди. Суҳбат давомида ғоявий қарашларда фарқ келиб чиққанида эса у ҳеч қанақа мурасага кўнмасди. У мақсадга эришишнинг фақат битта йўлини, ўзи белгиллаган йўлинигина кўрарди, холос...». 1980 йили инфарктдан сўнг Хумойний оиласи билан Техрон яқинида, Шаҳид Ҳасан тор кўчасида жойлашди. Ўша ерда, яна иккита инфарктни ўтказди, 1989 йилнинг 3 июнь куни вафот этди. У ўзининг меросхўрларига тасбеҳ ва жойнамозини, издошларига эса ўз олдига қўйган, лекин барибир ҳам эриша олмаган мақсадни қолдирди.

Оятилло Хумойний Техронда дафн этилган. Унинг қабри устига мавзолей қурилган, бу инсоннинг 100 йиллиги эса Эронда умумхалқ байрамига айланиб кетди.

«Ҳар бир одамга у ҳозир қандайлигига қараб баҳо бериш лозим».
(Оятилло Хумойний)

ИРОҚ ДИКТАТОРИ



ХУСАЙН, САДДАМ (HUSSEIN SADDAM)
(28.04.1937, ал-Авжа қишлоғи, Тикрит вилояти,
Ироқ қироллиги — 30.12.2006, Казимия, Бағдод, Ироқ)

Ироқ Республикасининг премьер-министри. Саддамнинг отаси — Хусайн Мажид ўзининг бутун ҳаётини ерга берган камбағал деҳқон ўглининг дунёга келишидан аввал вафот этган. Ўғли эса туғилганида Саддам Хусайн ал-Тикритий номини олган. Бола, маҳаллий анъаналарга кўра, акасининг ўлиmidан сўнг унинг бевасига уйланган амакиси ал-Хаж Иброҳим ал-Ҳасаннинг оиласида улғайди.

1947 йили ўқиш мақсадида Саддам жонажон қишлоғидан Тикритга, тоғаси Хайрулло Тулфахникига қочиб кетди. 1941 йилги мустамлакачиликка қарши ҳаракатнинг қатнашчиси бўлган ал-Ғайланий Саддамга миллатчилик ва чет эл ҳукмронлигига қарши нафратли бўлишни ўргатди. Ироқдаги ҳолатга 1952 йил 23 июлдаги Миср инқилоби катта таъсир кўрсатди. 1954

йили ўн етти ёшли Саддам Бағдодга келди ва у ерда миллатчиликнинг ҳамда панарабизмнинг қалъаси сифатида машҳур бўлган Ал-Карх мактабига ўқишга кирди. Саддам учун Абдул Носир намуна, панараб миллатчилигининг идеали эди. 1957 йили йигирма ёшдаги Саддам БААС умумараб партиясининг Ироқ бўлимига кирди.

1958 йил 14 июлдаги инқилоб мамлакат тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. Ироқ республика деб эълон қилинди. 1959 йилнинг баҳорида икки етакчи партия — Ироқ коммунистик партияси (ИКП) ва БААС партияси ўртасидаги кураш кескинлашди. Лекин баасчиларнинг ташвиқотлари таъсирлироқ бўлиб чиқди. Баасчиларнинг кенг халқ оммаси ва зиёлиларга таъсир ўтказиш учун курашларида ютуққа эришишининг асосий сабабларидан бири коммунистларнинг мавҳум «пролетар интернационализм»идан кўра тушунарлироқ ва яқинроқ бўлган панараб ғоялари ҳамда араб бирлиги шиорларидан фойдаланганлиги эди.

Хукумат бошлиғи Абдул Карим Қосимга 1959 йилнинг 6 октябрида қилинган муваффақиятсиз суиқасд вақтида Саддам оёғидан ярадор бўлди. Тиззасидаги оғриқни енгиб, ҳар дақиқада қўлга тушиши мумкинлиги сабабли фақат кечаси ҳаракатланиб Саддам ўзининг жонажон Ал-Авжи қишлоғига етиб олди (бунинг учун тўрт кеча-кундуз отда юришига ва ҳайқириб оқаятган совуқ Дажла дарёсидан сузиб ўтишига тўғри келди). Ал-Авжидан у Сурияга, баасчиликнинг асосий маркази бўлган Дамашққа йўл олди. 1960 йил 21 февралда Саддам самолётда Қоҳирага учиб борди. Унинг ҳаётида янги босқич бошланди.

Ўша йиллари Қоҳира араб миллатчилиги, инқилобий «Янги турдаги миллий социализм»нинг маркази эди. Саддам машҳур Каср ан-Нил ўрта мактабидан бир йил ўқиди, етуқлик аттестатини олиб Қоҳира университетининг юридик факультетига ўқишга кирди. У ерда икки йил таълим олди. Саддам Қоҳирада жангари террористдан машҳур партия арбобига айланди, БААСнинг Мисрдаги раҳбарлик кенгашининг аъзоси бўлди. 1963 йил 8 февралда БААС ўзи тузган «Социалистик блок» бошчилигида Бағдоддаги ҳокимиятни эгаллаб олди. Мамлакат тарихига янги фожиали ва қонли саҳифа кўшилди: бу баасчилар ҳокимият тепасида туришга эришган 9 ойлик ҳаёт эди. Тўнтаришдан кейинги биринчи кунлариёқ Саддам Бағдодга қайтиб келди.

Ўша пайтлари кўпгина шухратпараст араблар ҳарбий офицерлар бўлишга уринардилар, чўнки бу жамиятда муносиб ўрин эгаллашнинг, яхши кун кечиришнинг ишончли йўли эди. Ўзининг шахсий сифатлари туфайли Саддам яхшигина офицер бўлиши мумкин эди ва ўз вақтида ҳарбий фаолият ҳақида орзу қиларди. Лекин араб оламида биринчи ҳарбий тўнтаришлар юз берган ўз мамлакатадаги воқеаларни таҳлил қилиб, кучли ва

барқарор давлат ҳокимияти ташкил қилиш учун ҳарбий тузумнинг яроқсиз эканлигига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қила бошлади. Бир партияли тузумга суянган ҳолда дунёдаги энг қудратли армияларни ташкил қила олган ва мамлакат ичкарасида барқарорликка эришган большевистик Россиянинг ва фашистик Германиянинг намунаси уни тобора кўпроқ ўзига торта бошлади. Саддам коммунистик ҳаракат тажрибасини ҳафсала билан ўрганди, унда партиянинг ташкилий тизимига алоҳида эътибор қаратди, партия ва давлат ташкилотлари устидан назорат ўрнатишнинг сталинча усуллари сирини ўрганди.

Жамол Абдул Носирдан фарқли равишда С. Ҳусайн воқеаси унинг офицерлар корпусига таъсир қилиш ёки харизматик йўлбошчининг шахсий сифатлари туфайли эмас, партия аппарати устидан ўрнатилган назорат сабабли юз берди. Унинг кучи қатъий партия тизимини яратиш, интизомли, ишчан ва содиқ кишиларни танлаш ва жой-жойига қўя олиш, хавfli рақибларига қарши айёрона фитналар тузиш ва қабила, уруғ, ҳудуд ва оилавий алоқалар ҳамда қарама-қаршиликлардан фойдаланиб, маҳорат билан уларни йўқ қилиш имконини берган қобилиятли ташкилотларда эди. БААСнинг VI умумараб съездида (Дамашқ, 1963 йилнинг октябри) Ҳусайн ёрқин нутқ билан чиқди, унда 1960 йилдан буён Ироқдаги БААС партиясининг бош котиби Али Солиҳ ас-Саадининг фаолиятини кескин танқид қилди. Ироқнинг кучли кишисига қарши чиқиш учун катта жасоратга эга бўлиш керак эди. Бағдодга қайтиб келганидан кейин Саддамни ҳибсга олишга уриниб кўрдилар, лекин у миллий гвардиячиларнинг қўлидан қутулиб чиқишга муваффақ бўлди.

Умум араб съездининг тавсиясига биноан Ироқ БААСининг ҳудудий съезди 1963 йилнинг 11 ноябрида ас-Саадини партиянинг бош котиби лавозимидан озод қилди. С. Ҳусайннинг умумараб съездидаги ўзини тутиши унинг сиёсий фаолиятида маълум бир аҳамият касб этди. У кўзга тушмасдан қолмади, бунинг устига у Мишель Афлякда — партиянинг асосчиси ва бош котибида катта таассурот қолдирди. 1963 йилнинг октябридан бошлаб уларнинг ўртасида яқин муносабатлар ўрнатилди, бу алоқалар партия асосчисининг ўлимига қадар узилмади. БААСнинг Дамашқдаги съезидан бир неча ҳафта ўтганидан кейин, 18 ноябрда генерал Ареф бошчилигидаги армия баасчиларни ҳокимиятдан четлаштирди. Бу вақтда Саддам ўта махфийлик шароитида амалда янги партия тузишга киришди. БААС 1964 йилнинг февралда партиянинг Ироқдаги 5 кишидан иборат янги раҳбариятини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Уларнинг орасида мамлакатда машҳур бўлган генерал Аҳмад Ҳасан ал-Бакр ва Афлякнинг тавсиясига кўра ҳудудий раҳбарликка киритилган Ҳусайн ҳам бор эди.

Ўта махфий шароитда С. Ҳусайн бошчилигидаги баасчилар икки марта Бағдодда ҳокимиятни эгаллашга уриниб кўрдилар. Саддам Ҳусайн ҳибсга олинди, кишан солиниб бир кишилик камерага ташланди.

Ал-Бақр ишлаб чиққан режа бўйича 1966 йилнинг июлида партия ходимларининг қамоқдан қочишлари амалга оширилди, уларнинг орасида Саддам ҳам бор эди. 1966 йилнинг сентябрида мутлақо махфий шароитда ўтган фавқулодда ҳудудий съездда партиянинг котиби Ал-Бақр, унинг ўринбосари Ҳусайн бўлди. Унга партиянинг махсус аппарати (ал-Жиҳаз ал-Хас)ни бошқариш юкланганди. «Ханин» (аппаратнинг махфий номи «Жиҳоз ханин») Саддамнинг махсули, унинг кашфиёти эди, уни яратишга Саддам ҳали 1964 йилда киришганди. Бу энг содиқ кадрлардан иборат бўлган, разведка ва контрразведка масалалари билан шуғулланувчи махфий тузилма эди. 1968 йилнинг 17 июлида БААС муваффақиятли тўнтаришни амалга оширди ва Арефни ҳокимиятдан олиб ташлади. Мамлакатдаги олий ҳокимият БААСнинг бош котиби Ал-Бақр бошчилигидаги Инқилобий қўмондонлик Кенгашига (ИКҚ) ўтди. Ал-Бақр, шунингдек, мамлакат президенти ва Олий Бош қўмондон лавозимларини ҳам эгаллади. С. Ҳусайн партиянинг бош котиби ёрдамчиси сифатида ИКҚ раисининг ички хавфсизликка жавоб берувчи ўринбосари бўлди.

Шунинг билан биргаликда партия ичида бу тузумнинг қиёфасини қандайдир «инсонийлаштириш» зарурлигини тушуниш тобора аниқроқ етилиб келаётган эди. Кадрлар муаммосини ҳал қилиш ва БААС ҳомийлиги остида «ватанпарвар кучлар fronti»ни тузиш йўлида дастлабки қадамларни ташлаш зарурлиги тан олинди. Курд мухторияти ҳақидаги Декларация катта тантаналар билан янгиланди. Бу дарҳол ички сиёсий аҳволда ўз таъсирини кўрсатди: Ироқнинг курдлар яшайдиган шимолий қисмида ҳукумат қўшинларига қарши ҳарбий ҳаракатлар тўхтади. Бироқ баасчиларнинг энг жиддий рақиблари ҳали ҳам ИКП эди. Унга қарши кураш олиб бориш шу билан енгиллашган эдики, 1967 йилги араб-исроил урушидан кейин компартия икки қисмга бўлиниб кетди: БААСга қарши яширин кураш олиб бораётган, Азиз ал-Ҳадж бошчилигидаги Марказий қўмондонлик (МК) ва БААСга нисбатан омонат ярашув ҳолатида бўлган Марказий комитет (МК).

1970 йилнинг июль ойида С. Ҳусайннинг ташаббуси билан БААС МКнинг Миллий тараққиёт фронтига кириши учун йўл очиб берувчи бир қатор шартларни олға сурди:

— 1968 йил 17 июлдаги инқилобнинг тарихий прогрессив характерини тан олиш;

— БААСнинг ҳукуматдаги, оммавий ташкилотлардаги ва Фронтдаги раҳбарлик ролини тан олиш.

Шартлар қабул қилинди ва 1973 йилнинг июлида БААСнинг бош котиби сифатида президент Ал-Бақр ва ИКП МК биринчи котиби Азиз Муҳаммадлар томонидан Миллий ҳаракат Хартияси (МХХ) имзоланди. Курдистон Демократик партияси (КДП) МХХга қўшилиш ҳақидаги таклифни рад этди, бироқ ИҚК қабул қилган Курдистон мухторияти ҳақидаги қонун курд миллий ҳаракати сафларида келишмовчиликларни келтириб чиқарди ва КДПдан ажралиб чиққан «Янги КДП» бошқа курд сиёсий кучлари билан биргаликда Курдистон мухтор ҳокимияти органларини тузишда ҳукумат билан ҳамкорлик қилишга киришди.

Шундай қилиб, С. Ҳусайн узоқни кўзловчи режани: ИКП ва КДП сафларини ажратиш, уларни бир-бири билан тўқнаштириш ва БААСнинг асосий сиёсий душманларига қақшатқич зарба беришни амалга оширди. Бироқ, тез орада БААС ва Инқилобий қўмондонлик кенгашининг энг юқори қисми ичида ҳам кескин кураш бошланиб кетди.

Баасчилар ўртасида БААСнинг дастлабки ҳукмронлик йилларида ХХК (ҳарбий-ҳаво кучлари)га қўмондонлик қилган, 1968 йилги инқилобдан сўнг Олий Бош қўмондон ўринбосари, Бош министр ўринбосари, Мудофаа министри ва ИҚК аъзоси сифатида Бош штаб бошлиғи ҳам бўлган генерал Хардан ат -Тикритий (Ал-Бақр ва С. Ҳусайн каби у ҳам тикритлик эди) билан бошқа бир баасчи офицер — Ички ишлар министри, партиянинг умумараб ва ҳудудий раҳбарияти аъзоси Солиҳ Маҳди Амашлар армияда энг катта обрўга эга эди (улар ҳамфикр бўлган ягона жиҳат партиянинг Ҳусайн бошқараётган фуқаролик қанотига бўлган нафрат). 1976 йилнинг 3 апрель куни ҳар иккала рақиб вице-президент этиб тайинландилар. Аслида бу лавозимга ўтиш иккаласи учун ҳам ҳукуматдаги энг муҳим мавқеларини йўқотишларини англатарди.

Биринчи бўлиб ат-Тикритий ғазабга дучор бўлди: чет элда юрган вақтида у кутилмаганда барча эгаллаб турган лавозимларидан озод қилинганлиги ва элчи қилиб тайинлангани ҳақида хабар олади, бу лавозимни у нафрат билан рад этди. Бир неча ойдан кейин у Кувайтда номаълум шахслар томонидан ўлдириб кетилди, қотилларни барибир ҳам топа олмадилар. Амаш омадироқ чиқди: 1976 йилнинг сентябрида у барча лавозимларидан озод қилинди ва Финляндияга элчи қилиб жўнатилди. Шундай қилиб, БААСнинг ҳарбий ва фуқаролик гуруҳлари ўртасидаги кураш кейингисининг ғалабаси билан яқунланди.

Карама-қаршилик натижасида ат-Тикритийдан жиддий хавотирланган ва Амашга эҳтиёткорона муносабатда бўлган президент Ал-Бақр ҳал қилувчи роль ўйнади. Айна пайтда, президентнинг фикрича ёш ва сиёсий машмашаларда тажрибасиз бўлган, бунинг устига армияда ҳеч қанақанги таъсирга эга

бўлмаган С. Хусайн унинг учун бирон-бир хавф туғдирмасди. Бунинг устига, улар яқин қариндошлик ришталари билан боғланган эдилар: уларнинг ҳар иккаласи ҳам Тикритдан, бир қабиладан эдилар, бундан ташқари Саддамнинг амакиси Аднан Хейр Оллоҳ президентнинг қизига уйланган эди.

Ҳали ўз сиёсий фаолиятининг наҳорида яратган, ўзининг сеvimли меvasи бўлган «Жиҳаз ханин»ни муттасил кенгайтириб ва мукамаллаштириб бораётган Саддам ундан фақат БААС ҳукмронлигига ташқаридан хавф солаётган ҳар қандай гуруҳ ёки шахсни йўқотиш учунгина эмас, уни ҳам-фикрлик асосида жипслаштириб, партиянинг ўз ичидаги кўп сонли қанотлар ва гуруҳларни йўқ қилишда ҳам фойдаланди. БААСнинг асосий вазифаларидан бири армия устидан тўлиқ гоъвий ва маъмурий назоратни уни бааслаштириш орқали ўрнатишдан иборат эди. Ҳарбий академиялар ва коллежларга фақат БААС аъзолари қабул қилинарди, олий лавозимларга эса фақат Хусайн ва Тикрит қавмига боғлиқ бўлган офицерларгина тайинланарди. Баасчилар аввал бошданок, амалда, армияда ва давлат хавфсизлиги тизимида бир партияди тузумга ўтиш сиёсатини олиб бордилар.

Ҳокимиятни тўлиқ эгаллаш сиёсати, партия олий раҳбариятидан «ҳарбий» арбобларни Ал-Бакр тарафдорларини аста-секин сиқиб чиқариш, уларни С. Хусайннинг «фуқаро» арбоблари билан алмаштириш йўли орқали кучайтирилди. Ҳақиқий ҳокимият тобора сезиларли тарзда Ал-Бакрдан, ундан 25 ёш кичик бўлган С. Хусайнга ўтиб борарди. 1977 йилга келиб, вилоятларнинг партия ташкилотлари (дивлар), махфий хизматлар, армия қўмондонлиги ва министрлар бевосита Саддам олдида ҳисоб берадиган бўлдилар.

Ўзининг ўта манфаатпарастона режаларини аҳолининг ҳаёт даражасини кескин кўтармасдан туриб амалга ошириб бўлмаслигини Хусайн яхши тушунарди ва шунинг учун ҳам иқтисодий ҳамда ижтимоий ўзгартиришларни амалга ошира бошлади. Бу ўзгаришларнинг бошланиши Ироққа нефтдан келадиган даромаднинг беқийёс ортиши даврига тўғри келди. Аҳолининг ҳаёт тарзи сезиларли яхшиланди. Саддамнинг ўзи учун эса энг муҳим жиҳатлардан бири, ўзининг қаҳри қаттиқлиги билан машҳур бўлган, кучли одам сифатидаги обрўсини «мақтовга ва фахрланишга лойиқ бўлган, оддий халқ етакчиси» деган обрўга ўзгартириш истаги бўлди.

Бу орада тўлиқ бааслаштириш давлат аппаратининг барча тармоқларини, жамоатчилик, иқтисослик ва оммавий ташкилотларни қамраб олди; партия ва давлат аппаратларини бириктириш шиддат билан амалга оширилди. «Жиҳоз ханин» худди ўргимчакдек бутун мамлакатни ўраб олмоқда эди. Таълим тизимини яққол ифодаланган мафқуралаштириш шунга олиб келдики, баасчилардан бўлмаганларга фақат ҳарбийгина эмас, масалан, педагогика билим юртига, нафис санъат институтига ва бошқаларга ҳам

кириш эшиклари ёпилди. 1975 йили Эрон билан битим тузилганидан кейин этник кам сонлиларни, биринчи навбатда курдларни бааслаштириш, уларни мажбуран араблаштириш сиёсати билан қўшиб олиб борилди.

1975—1978 йиллари Курдистондан 300 минггача одам қувғин қилинди, курдларнинг 250 та қишлоғи ёқиб юборилди. Шиалар қавмига ҳам бундан кам бўлмаган зарбалар берилди. Шиалар аҳолининг кўпчилигини (55—60 фоизини) ташкил қиладиган мамлакатда улар иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлардан иккинчи тоифали одамлар бўлиб қолмоқда эдилар. Шиаларнинг ҳукумат билан жуда кескин тўқнашувлари 1977 йилнинг февралида юз берди. Фақат жанубга йирик ҳарбий қисмлар юборилганидан кейингина тартиб ўрнатилди. Курдлар ва шиаларни жазолаганидан сўнг БААС энди ИКП билан ҳамкорлик қилишга муҳтож эмасди, чунки у ҳали ҳам БААСнинг тўлиқ ҳукмронлиги ўрнатилиши йўлидаги ягона тўсиқ бўлиб қолаётган эди. Ироқ жамияти ҳаётининг барча соҳаларидан коммунистларни сиқиб чиқариш бошланди. 1978 йилнинг май ойида армияда ўз бошланғич гуруҳларини тузганликда айбланган 31 коммунист ва уларнинг тарафдорлари қатл қилинди. Хусайн коммунистларни «чет эл жосуслари», «Ироқ ватанининг сотқинлари» деб эълон қилди, уларнинг МХҲдаги қарийб барча вакиллари қамоққа олди ва ИКПнинг барча нашрларини тақиқлади. Шундай қилиб, фронт ҳатто расман ҳам мавжуд бўлмай қолди, ИКП эса яширин ҳолатга ўтди. Ана шу пайтдан бошлаб Ироқ бир партиядли тузумдаги, БААСнинг якка ҳукмронлиги куч билан мажбуран ўрнатилган, тотал голялаштирилган мамлакат бўлиб қолди.

Энди, ўзининг барча ташқи душманларини, шунингдек, партиядош дўсту рақибларини муваффақият билан йўқотган Хусайн «отаси» «ўғли»га ўз ўрнини бўшатиш вақти келди деб ҳисоблади, 1979 йил 17 июлда «доҳий — ота» Ал-Бакр барча лавозимларидан маҳрум этилиб, уй қамоғига олинди, расмий ахборотга кўра эса касаллиги туфайли истеъфога чиқди. С. Хусайн президент бўлди.

Ўзининг олий ҳокимият босқичига кўтарилганлигини Саддам ўзига хос улкан «тозалаш» тадбири, аниқроғи, ҳозирги ва бўлғуси рақибларини қирғин қилиш билан нишонлади. Отиб ташланганлар орасида Инқилобий кўмондонлик Кенгаши (ИҚК) аъзоларининг учдан бири, министрлар, БААС ҳудудий раҳбарлиги аъзолари, касаба уюшмаларининг етакчилари ва, ниҳоят, «раиснинг» (президентнинг) ўзи раҳбарликка кўтарганлар бор эди. Президент бўлганидан кейин Саддам Ироқнинг араб олами ва «учинчи» дунёдаги алоҳида ваколати ҳақида тобора кўпроқ гапира бошлади, худди Абдул Носир миқёсидаги панараб йўлбошчиси даражасига даъво қила бошлади. 1979 йили Гаванада ўтказилган бетараф мамлакатлар конференциясида Хусайн нефтнинг нархи ошишидан келадиган фойда-

дан ривожланаётган мамлакатларга узоқ муддатли фоизсиз қарз беришни ваъда қилди ва ўтирганларнинг қойилмақом олқишларига сазовор бўлди (ва ҳақиқатан ҳам чорак миллиард долларга яқин пул берди).

1979 йилнинг февралда шоҳни ағдарган Эрон ислом инқилоби Ироқнинг олий раҳбариятини жиддий хавотирга солди. Икки мамлакат ўртасидаги бундан кейинги уруш эса фақат Ироқнинг ҳудудий шуҳратпарастлик даъволаригагина эмас, баасчилар тузумининг мавжудлигига ҳам шубҳасиз жиддий хавф солди. Бу мамлакатларни чуқур тарихий, миллий, диний, ғоявий ва ўзаро ҳудудий даъволар ажратиб туришда давом этарди. Муносабатларнинг кескинлашишида икки ўта шуҳратпараст йўлбошчилар — Оятилло Руҳолло Ҳумойний ва Саддам Ҳусайнларнинг бир-бирини ёқтирмаслиги ҳамда эски рақобати ҳам салмоқли роль ўйнади. Бу келишмовчиликнинг ўз тарихи бор эди.

1964 йили Эрондан қувиб юборилган Ҳумойний шиалар учун муқаддас бўлган Ироқнинг Нажаф шаҳрида қўним топди. Узоқ вақт Оятиллони Нажафдан чиқариб юборишга журъат қилолмаган Ҳусайн унга «тинчгина юриш»ни қатъий «маслаҳат» берди. 1978 йилнинг ноябрида, Эрондаги подшога қарши ҳаракатлар кучайганида, баасчилар ҳукумати подшо билан келишган ҳолда Ҳумойнийни Ироқдан чиқариб юборди. Бағдоднинг «хўжайини» эса 1980 йилги йирик миқёсдаги қуроли ҳаракатларни бошқа сабаблар билан бир қаторда Ироқни минтақадаги етакчи давлат сифатида, ўзини эса «араб миллатининг марди-майдони» ва араблар орзусидаги қаҳрамон ролида кўриш истаги билан ҳам боғлаган эди. Ва, ниҳоят, энг муҳим бўлган сабаб — у баасчилар «Арабистон» деб атайдиган, нефтга бой бўлган Хузистон вилоятини эгаллаб олишга ва Шатт ал-Араб сув йўли устидан тўлиқ назорат ўрнатишга интиларди. Ўзининг «Эрон кампания»сини режалаштирар экан, Ҳусайн Ироқнинг Эронга қарши тажовузини жимгина маъқуллаб турган АҚШнинг ислом инқилобига ўта салбий муносабатини ҳам ҳисобга олганди. Бироқ уруш бошланганидан бор-йўғи икки ҳафтадан кейин маълум бўлдики, «тўсатдан ғафлатда қолдирувчи» хужум режаси барбод бўлган эди ва 5 октябрдаёқ Ироқ дастлабки ҳолатга қайтишга ўзининг тайёр эканлигини баён қилди.

Эрон-Ироқ уруши XX асрнинг энг узоқ давом этган ҳудудий тўқнашуви бўлди. У улкан қурбонлар олиб келди (урушда ҳалок бўлганлар сони 0,5 дан то 1 миллионгача кишини ташкил этди) ва ҳеч кимга — Бағдодга ҳам, Техронга ҳам ҳеч қанақа манфаат келтирмади. Шунга қарамасдан, Эрон 1988 йили БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 598-сонли қарорини тан олишга ва «Ғалабагача уруш!» шиорини олиб ташлашга мажбур бўлди. Бу эса баасчиларнинг Ироқни ғолиб бўлди, дея эълон қилишлари учун тўлиқ етарли эди.

Урушдан кейин Саддам шахсига сифиниш янада кучлироқ тарғиб қилина бошланди. Ироқнинг ҳамма шаҳарларида раиснинг антик жангчи, улкан сигара чекаётган шоҳи костюмдаги персон ёки Наполеон сингари оқ отга миниб турган оддий кўчманчи, ниҳоят, икки марта Қуддуси шарифни эгаллаб олган ва яҳудийларни Бобилга қувиб юборган подшо Навуходоносор II нинг қўлини сиқиб турган ҳолатдаги портретлари осифлиқ турарди. Бу содда, лекин шуҳратпарастона фикр эди: Саддам, «миллий озодлик қаҳрамони», гўёки тарихнинг қўлидан эстафетани қабул қилиб, қадимий Ироқнинг шон-шуҳратини тиклайди.

Ироқнинг салмоғи тез ошиб бориши унинг эски иттифоқчиларини хавотирга солди. Бағдод билан Техрон қарама-қаршилигининг энг қизғин пайтида Саудия Арабистони бошчилигида тузилган Форс қўлтигидаги араб давлатларининг ҳамкорлик Кенгаши (ФҚАДХК), унисига ҳам, бунисига ҳам боғлиқ бўлиб қолмаслик учун Ироқ ва Эроннинг тенг кучлилигини тиклашга ҳаракат қиларди. Қўлтиқнинг кичик давлатлари уруш тугаши биланоқ шоша-пиша Эрон билан муносабатларини тиклашга киришдилар, Ҳусайн янги шароитларда армияни замонавий қурооллар билан таъминлашга ва ҳарбий саноатни тезкорлик билан ривожлантиришга қарор қилди. Бунинг натижасида урушдан кейинги икки йил давомида у Араб шарқидаги энг йирик ҳарбий машинани яратишга эришди. Замонавий қурооллар билан таъминланган қарийб миллионлик Ироқ армияси дунёдаги энг йирик армиялардан бири бўлди. Бу Фарбни ташвишга солмаслиги мумкин эмасди. Ироқ-Эрон уруши йилларида Ироқнинг Европа цивилизацияси ва араб давлатларининг ҳимоячиси сифатидаги образини яратган Фарб ОАВлари шоша-пиша шунинг тескари образини яратишга киришдилар.

Лекин Фарб билан муносабатларининг ёмонлашганлигидан ўзининг манфаатлари йўлида фойдаланишга уриниб кўрмаса, Ҳусайн Ҳусайн бўлмас эди. Ироқнинг қудратли ташвиқот машинаси бутун мамлакатга тарқатган раиснинг ҳаяжонли нутқларида, бутун кучлари билан «Ироқнинг Исроил билан стратегик тенглиги»га йўл қўймасликка уринаётган «душманлик муҳити» ҳақидаги баёнот нақарот бўлиб жарангларди. Саддам шахсининг машҳурлиги 1990 йилнинг май ойида Бағдодда олий даражадаги Араб ҳамкорлиги кенгаши бошланишида ўзининг чўққисига етди. Унда Ҳусайн иштирокчиларни Фарб агрессиясига қарши ягона фронт тузишга чақирди, араблар ҳаракатларини мувофиқлаштиришни кучайтиришнинг муҳимлигини таъкидлади. Бироқ Бағдод бошчилигида бирлашган фронт тузиш ўрнига кенгашда бошқа араб ҳукуматлари бошлиқларида Саддамнинг етакчилик ролига даъво қилиш белгилари пайдо бўлди. Ва бунда «Брут» ролини Миср президенти Муборак ўйнади.

Муборак Бағдод диктаторини қоғозга ўраб «қамчилади». Муборакнинг «арабларнинг ҳамдўстлиги инсонпарвар, мантиқий ва реалистик, ўз ролини ошириб кўрсатишлар ва пўписа қилишлардан холи бўлмоғи лозим...» — деган сўзлари кимга қарата айтилганлигини араб йўлбошчилари тушунардилар. 1989 йили икки йирик араб давлати Араб ҳамкорлиги кенгашига (АХК) Саудия Арабистонининг кучайиб бораётган таъсирига қарши тузилган ташкилотга бирлашганида энг юқори чўққисига чиққан Миср-Ироқ яқинлашуви фақат тўхтабгина қолмасдан, тескарилашиб ҳам кетаётганлиги аниқ бўлиб қолди.

Бундан кейин ҳам, Мисрнинг ҳудудий роли тиклангани сайин Муборак тобора қатъийроқ Хусайндан узоқлаша борди. Кувайт билан муносабатлардаги таранглик Ироқ томонидан кескинлаштирилган, 1991 йилнинг июль ойи охирига келиб инқироз босқичига етишган вақтда Миср билан Ироқ ўртасидаги навбатдаги келишмовчилик белгилари кўриниб қолди. Бағдодга посанги сифатида янги, Қоҳира — Эр-Риёд — Дамашқ ўқи шаклланди.

1991 йил 28 февралда Ироқ БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Кувайтга нисбатан барча 12 та қарорини ҳам бажаришга рози бўлганидан кейин ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилди. «Саҳродаги бўрон» операцияси ўтказилган 6 ҳафта давомидаги Ироқнинг йўқотишлари алоҳида ҳафсала билан сир тутилган. Турли фикрларга кўра, улар Эрон билан бўлган 8 йиллик уруш давомидаги йўқотишларга тенг бўлган. Баъзи бир мутахассисларнинг фикрларига кўра, Бағдод ҳукмдори амалда ўз мамлакатидан ташқарига чиқмаган, Фарбни билмайди ва тушунмайди, шунинг учун ҳам ўзининг Кувайтдаги фитнасининг оқибатларини олдиндан кўра билмаган. Бошқаларининг фикрича, Ироқ ҳукмдори шунчаки одатдаги мутаассиб бўлиб, тарихга «араблар учун жафокаш» деган ном билан киришга умид қилган.

Шимолда курдлар, жанубда шиалар кўзғолон кўтарганларидан кейин кузатувчилар Хусайннинг қулашини башорат қилгандилар, бироқ у ўз атрофига тор доирадаги издошларини тўплаб олиб, ҳокимият тепасида қола олди. 1994 йилнинг май ойида премьер-министрни истеъфога чиқарди ва унинг ўрнини ўзи эгаллади. Ҳокимиятни мустаҳкамлаб олиб, БМТнинг Ироқ ҳарбий дастурларини тўхтатишга йўналтирилган уринишларига қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилди. 1997 йилнинг октябрида Хусайн БМТ инспекторларини АҚШ фойдасига жосуслик қилишда айблади. 1998 йилнинг февраль ойида АҚШ билан Ироқ ўртасидаги можаронинг олди БМТ инспекторларига қаршиликсиз ҳарбий объектларни кўришига ижозат бериш ҳақидаги шартнома тузилиши билан олинди. 1998 йилнинг декабрида АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий-ҳаво кучлари, БМТ инспекторлари комиссия фаолиятига Ироқ ҳукумати тўсқинлик қилаётганлигини баён қилганларидан сўнг, Ироқ

ҳарбий объектларини бомбардимон қилишни бошлади. Бомбардимон қилишлар 2000 йилнинг январь ойида Ироқ ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизимини вайрон қилиш мақсадида яна давом эттирилди.

2003 йилнинг март ойида АҚШ ва Буюк Британия қўшинлари яна Ироққа қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлади, 9 апрель куни эса кўп сонли шиа аҳолисининг олқишлари остида Бағдодга бостириб кирдилар.

Бағдод яқинида «Мадина» дивизиясининг қолдиқлари таслим бўлганидан сўнг, 2003 йилнинг 17 апрелида амалда Саддам Ҳусайннинг ҳукумати кулади. Америкаликлар ва уларнинг иттифоқчилари аста-секинлик билан Ироқ раҳнамоларини йўқ қилиб, 2003 йилнинг май ойида бутун мамлакат ҳудудида ўз назоратларини ўрнатдилар. 2003 йилнинг декабрида Саддам Ҳусайннинг ўзи ҳам қўлга олинди ва Ироқнинг янги ҳукуматига топширилди.

2005 йил 19 октябрда Ироқнинг собиқ президенти устидан суд жараёни бошланди. Унинг учун атайлаб ўлим ҳукми қайта жорий қилинди (ўлим ҳукми оккупацион қўшинлар томонидан маълум муддатта бекор қилинган эди). 2006 йил 5 ноябрда Саддам Ҳусайн осиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Саддам Ҳусайн адвокатларининг ҳамма апелляциялари рад қилинди. Ўлим ҳукми 2006 йил 26 декабрда тасдиқланди ва 30 декабрь куни Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адха) байрами бошланишига бир неча соат қолганида ижро этилди. Ал-Тикрит жамоаси Саддам Ҳусайнни Тикритдан (Бағдоддан 130 км шимолда) унча узоқ бўлмаган Авжа қишлоғидаги ўз уруғлари қабристонида дафн қилишди.

Диктаторнинг ўлимини Бағдоднинг шиалар яшайдиган даҳаларида, Ироқнинг шимолидаги курд шаҳарларида, Кувайтда ва Эронда бутун тун давомида байрам қилишди.

Диктатор ўлдирилди. Аммо ваъда берилганидек Ироқда демократия ва тинчлик ўрнатилмади. АҚШ ва унинг иттифоқчилари Ироқдаги вазиятни жиловлай олмадилар. Террористик ҳаракатлар авж олди. Буларнинг натижасида ҳамон бегуноҳ одамлар қурбон бўлмоқда.

Битта кемам бўлганлиги учун мени қароқчи дейишади, сени эса бутун бошли флотинг бўлганлиги учун истилочи дейишади. (Муаллифи номаълум)

ХУЛОСА

Азиз китобхон! Сизни XX асрда яшаган, маълум маънода шу аср тарихини яратувчилари бўлган инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти билан таништиришга, улар тарих сахнасида ўзларини қандай намоён этишган бўлишса, айнан шундай тасвирлашга ҳаракат қилинди. Чунки тарих, афсуски фақат яхши воқеалардан, унинг иштирокчилари эса фақат яхши одамлардангина иборат эмас.

XX аср тарихини варақлар эканмиз одамларнинг, халқларнинг ўтмиш воқеаларидан ҳар доим ҳам етарли сабоқ чиқаравермаганликларининг гувоҳи бўламиз. Аслида чуқурроқ таҳлил қилиб қарасак, Гитлер, Сталин, Пол Пот сингари золимларнинг ҳокимиятга келишига, чекланмаган ҳокимиятни эгаллаб олишига уларга замондош бўлган кишиларнинг, баъзан бутун бир халқнинг ҳам жавобгарлик даражаси аниқ бўлади. Ахир халқ вакиллари, биринчи ўринда зиёлилар уларни халқнинг «отаси», «доҳий», «фюрер» дея мақтаган, уларнинг ғояларини «энг тўғри» ғоялар, яратмоқчи бўлган жамиятларини эса «энг адолатли жамият» дея халқни ишонтирмоқчи бўлганлар. Ёзувчилар уларга бағишлаб қалин-қалин романлар ёзишган, шоирлар уларга шеърлар бағишлаган, хонандалар ҳар қўшиқда уларнинг номини қўшишган, унвону мукофотлар олишган ва энг даҳшатлиси, руҳонийлар халқни бўйсунтиришга, шукур қилишга ундаган.

Жамиятда юз берган даҳшатлар: Гитлер хунрезликлари, Сталин қатағонлари, Пол Пот ваҳшийликларида уларнинг ёнида турган қарсакбозларнинг жавобгарлик даражаси нима билан ўлчанади? Уларнинг айби билан йўқ қилинган миллион-миллион одамларнинг сони биланми? Орзу-умидлари паймол қилинган, бемаъни ғоялар учун умрлари сарфланган авлодларнинг кўз ёшлари биланми? Аслида мамлакатда ўрнатилган ҳокимиятнинг характери биринчи ўринда халқнинг маданиятлилик даражасига боғлиқ эмасми? Айтишади-ку, ҳар бир халқ ўз ҳукмдорига муносиб, деб.

Аммо тарихда ўзини буюк билиб, халқ менга муносиб бўлсин, дея уни бошқарганлар билан бир қаторда, тарих тақозоси билан буюк халқ яратган давлатда ҳокимиятга келган ва шу буюк халққа муносиб раҳбар бўлишга интилган шахслар ҳам анчагина. Бугун уларнинг барчаси тарихнинг мулки. Тарих эса баҳоларга бой.

Франция тахтида 72 йил ўтирган Людовик XIVнинг дафн маросимида ваъз айтган руҳоний французлар «буюк» деб атаган қиролнинг узоқ йиллик фаолиятига битта жумла билан баҳо берган экан:

— Ёлғиз худо буюк!

Ушбу сўзлар бу фоний дунёда буюклик даъво қилган ва қилаётган барча ҳукмдорларга қарата айтилганга ўхшайди.

Биз бугун мустақил, озод мамлакатда яшаймиз. Узоқ ва яқин ўтмиш воқеаларини ҳеч қандай мафкуравий тазйиқларсиз ўрганиш, уларга баҳо бериш имкониятига эгамиз. Ушбу китоб ҳам ана шу имкониятнинг маҳсулидир.

XX аср, айниқса унинг иккинчи ярми, позитив воқеаларга бой бўлди, инсоният қарма-қаршилиқлар гирдобидан чиқиш йўлини топа олди. Бутун XX асрда босиб ўтилган йўлга назар солиб, XXI асрда бошқа урушлар бўлмайди, ҳозир давом этаётганлари тўхтайдими, XX асрнинг даҳшатли тоталитар тузумлари бошқа қайтарилмайди, инсоният Гитлер, Сталин, Пол Пот сингари ёвузларнинг ҳокимиятга келишига бошқа йўл қўймайди, деб ишонгимиз келади. Яна умид қиламизки, инсоният охир-оқибатда қашшоқлик, маданиятсизлик, жиноятчилик, ҳақ-ҳуқуқларнинг поймол қилиниши, бедаъво касалликлар каби муаммоларни ҳам албатта енгади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Шарқ», 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақиллика эришиш остонасида. — Т.: «Ўзбекистон», 2011.
3. Агарышев А. Насер. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 1979.
4. Арзаканян М. Де Голль. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2007.
5. Бедарида Франсуа. Черчилль. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2003.
6. Боханов А. Николай II. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 1997.
7. Бурджейли В. Человек, который знал Кеннеди. — М.: Прогресс, 1972.
8. Власов Л. Маннергейм. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2005.
9. Возвращенные имена. Кн.1 — М.: Изд-во Агентства печати Новости, 1989.
10. Горов А., Зимянин В. Неру. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 1988.
11. Горелик А. Андрей Сахаров. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2010.
12. Данилкин Л. Юрий Гагарин. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2011.
13. Ермашев И. Сунь Ят-сен. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 1964.
14. Жевахов А. Атапюрк. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2008.
15. Жуков Г.К. Воспоминания и размышления. — М.: Изд-во Агентства печати Новости, 1970.
16. Иванов Р.В. Дуайт Эйзенхауэр. — М.: Мысль, 1983.
17. Иосиф Виссарионович Сталин. Краткая биография. — М.: ОГИЗ, 1947.
18. Кобылев Е. Хо Ши Мин. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 1983.
19. Лаврецкий И. Сальвадор Альенде. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 1974.
20. Лаврецкий И. Эрнесто Че Гевара. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 1978.
21. Макарьчев М. Фидель Кастро. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2008.
22. Матвеев Г. Пилсудский. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2008.
23. Минаев Б. Ельцин. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2010.
24. Млечин Л. Брежнев. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2008.
25. Никита Сергеевич Хрушев: Материалы к биографии. — М.: Политиздат, 1989.
26. Отречение Николая II. Воспоминания очевидцев. Документы. — М.: Советский писатель, 1990.
27. Панцов А. Мао Цзедун. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2007.
28. Пейн Р. Ленин. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2005.
29. Режим личной власти Сталина: К истории формирования. — М.: МГУ, 1989.
30. Ресков Б., Седов Г. Усман Юсупов. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 1976.
31. Рыбас С. Сталин. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2009.
32. Советская историческая энциклопедия. ТТ. — 1—16 — М.: «Советская Энциклопедия», 1961—1975.
33. Советский энциклопедический словарь. — М.: Сов. Энциклопедия, 1986.
34. Степанов В. Юрий Гагарин. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 1987.
35. Таубман У. Хрушев. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2005.
36. Тьеро Жан Луи. Маргарет Тэтчер. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2010.
37. Фирсов С. Николай II. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2010.
38. Хидоятлов Г., Гулямов Х. Всемирная история новейшего периода: Европа и США после второй мировой войны. — Т.: 1999.
39. Чернявский Г. Лев Троцкий. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 2010.
40. Шикман А.П. Деятели отечественной истории. Биографический справочник. Москва, 1997.
41. Яковлев Н. Жуков. Серия ЖЗЛ. — М.: Молодая гвардия, 1995.
42. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — «Шарқ» 2000.
43. www.wikipedia.ru
44. www.rgakfd.altsoft.spb.ru
45. http://www.rubrikon.ru/bse_1.asp

МУНДАРИЖА

<p><i>Кириш</i>.....3</p> <p>Аденауэр Конрад. «Der Alte» («ҚАРИЯ»).....6</p> <p>Акино Корасон. «Corazon» испанчасига «юрак» дегани.....13</p> <p>Альенде Сальвадор. «El Pueblo unido sera vencido!» («Бирдам халқ енгади!»).....17</p> <p>Аңдреотти Жулио. Италия сийсатининг «қари тулки»си.....19</p> <p>Арофат Ёсир. Энг машхур фаластинлик...23</p> <p>Асад Хофиз. «Хужайин».....32</p> <p>Бен-Гурион Давид. «Чол».....38</p> <p>Берия Лаврентий. Берия.....47</p> <p>Брандт Вилли. «Жаноб Берлин».....52</p> <p>Брежнев Леонид. Турғунлик тимсоли.....56</p> <p>Бриан Аристид. «Тинчлик дуоғуйи».....60</p> <p>Буш Жорж. Катта Буш.....64</p> <p>Бхутто Беназир. Шарқ қизи.....68</p> <p>Валенса Лех. Буюк электик.....71</p> <p>Вальдхайм Курт. БМТнинг тўртинчи бош котиби.....77</p> <p>Вильгельм II. Армия ва санъат ҳомийси.....80</p> <p>Вильсон Томас Вудро. Вильсоннинг «Янги эркинлиги».....83</p> <p>Гавел Вацлав. Мамлакат тимсоли.....91</p> <p>Гагарин Юрий. Биринчи космонавт.....96</p> <p>Ганди Индира. Ҳиндистон қизи.....100</p> <p>Ганди Мохандас Карамчанд. Буюк қалб соҳиби.....104</p> <p>Гевара Че Эрнесто. Буюк хаёлпараст.....109</p> <p>Гинденбург Пауль. Темир иродали Гинденбург.....115</p> <p>Гитлер Адольф. «Учинчи рейх» диктатори.....118</p> <p>Голль Шарль Де. Президент жаноби олийлари.....136</p> <p>Горбачёв Михаил. «Қайта қуриш» меъмори.....143</p> <p>Далай-Лама XIV. Донишмаңдлик уммони.....146</p> <p>Дубчек Александр. «Прага баҳори»нинг етакчиси.....150</p> <p>Дэн Сяопин. «Доктор Мимеограф».....154</p>	<p>Ельцин Борис. Россиянинг биринчи президенти.....158</p> <p>Жуков Георгий. Галаба маршали.....162</p> <p>Икромов Акмал. Зиддиятли замон фарзанди.....168</p> <p>Иоанн Павел II. «Умид остонасидан ҳатлаб...».....172</p> <p>Каддафий Муаммар. Жамаҳирия отаси...174</p> <p>Кастро Рус Фидель. Буюк «Барбудос»...184</p> <p>Кеннеди Жон. «Виждонли одам Америкада яшай олмайди».....187</p> <p>Ким Ир Сен. «Миллат кўеши»193</p> <p>Кинг Мартин Лютер. «Менинг орзуйим бор».....198</p> <p>Клемансо Жорж. Франция йўлбарси.....204</p> <p>Клерк Фредерик Виллем Де. Ирқчиликни тўхтатган одам.....208</p> <p>Коль Гельмут. Германиянинг бирлаштирувчиси.....210</p> <p>Ленин Владимир. Пролетариат дохийси.....212</p> <p>Ллойд Жорж. «Европанинг извошчиси»...222</p> <p>Мандела Нельсон. Озодлик ва адолат рамзи.....228</p> <p>Маннергейм Карл. Кичик халқнинг буюк йўлбошчиси.....230</p> <p>Мао Цзедун. «Маданий инқилоб» ижодкори.....237</p> <p>Маршалл Жорж. «Афсунгар».....247</p> <p>Менгисту Хайле Мариам. Полковник Менгисту.....252</p> <p>Миттеран Франсуа. Бешинчи республиканинг президенти.....256</p> <p>Муссолини Бенито. Дуче.....261</p> <p>Надь Имре. Имре Надь жумбоқлари.....272</p> <p>Неру Жаваҳарлал. «Ҳиндистоннинг кашф этилиши».....275</p> <p>Николай II. Бутунроссия императори.....277</p> <p>Никсон Ричард. АҚШнинг 37-президенти.....278</p>
--	--

Носир Жамол Абдул. Озод офицер.....	281	Хо Ши Мин. Маърифатпарвар Хо.....	401
Отатурк Мустафо Камол. Турклар отаси.....	284	Хожа Энвер. «Қамалдагидек яшаш, ишлаш ва курашиш керак».....	404
Пальме Свен Улоф. «Швед дарахти».....	288	Хрущёв Никита. «Илқлик»нинг ўн йили.....	412
Перес Де Куэльяр. Фахрий доктор	290	Хўжаев Файзулла. Юртнинг аслзода фарзанди.....	416
Пилсудский Йозеф. Она қабрига кўмилган юрак.....	293	Чан Кайши. Хитой Бонапарти.....	420
Пиночет Угарте Аугусто. Харбий диктатор.....	296	Чаушеску Николае. Руминия диктатори.....	430
Пол Пот. «Politque Potentielle».....	302	Черчилль Уинстон. Граф Мальборонинг авлоди.....	433
Рашидов Шароф. Чорак аср постда.....	309	Чон Ду Хван. Чон даври.....	437
Рейган Рональд. «Самовий урушлар» отаси.....	313	Ширак Жак. Француз республикаси президенти.....	439
Рузвельт Теодор. «Катта тўқмоқ».....	318	Штреземан Густав. «Прагматик консерватор».....	446
Рузвельт Франклин. «Ф.Д.Р.».....	325	Шуман Робер. Ишчи либосидаги авлиё.....	450
Садат Анвар. Миср оиласи бошлиғи.....	331	Шушнинг Курт. Концлагерда сақланган канцлер.....	451
Салазар Антонио. Кафедрократия.....	345	Эберт Фридрих. Саррождан чиққан президент.....	452
Сахаров Андрей. Инсон ҳуқуқлари учун ку- рашчи.....	352	Эйзенхауэр Дуайт. Президент — Генерал.....	454
Сианук Нородом. Камбоджанинг кироли.....	356	Эйнштейн Альберт. № 1-физик.....	459
Сталин Иосиф. Доҳий.....	358	Юсупов Усмон. Партия солдати.....	465
Сунь Ятсен. Хитой революцион- демократи.....	361	Хумойний Рухолло. Оятилло.....	467
Тереза Гонджа Бояджиу. Она Тереза...364		Хусайн Саддам. Ироқ диктатори.....	474
Тито Иосип Броз. Тито.....	367		
Тодзио Хидэки. «Устара».....	372		
Троцкий Лев. Қувилган доҳий.....	375		
Трумэн Гарри. XX аср паҳлавони.....	380		
Тэтчер Маргарет. Темир иродали аёл.....	387	Хулоса.....	485
Франко Франсиско. Каудильо.....	395	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	486